

САЙИД АҲМАД ҲОШИМИЙ

2002 ҲАДИС

(Ҳадиси шарифлардан одоб-ахлоқ зикри)



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
بَعَثَ اللَّهُ مُحَمَّدًا بِالْأَخْلَاقِ



8638
X71

САЙЙИД АҲМАД ҲОШИМИЙ

2002 ҲАДИС

(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри)

I

Таржимон:
Анвар АҲМАД

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi



930345

“SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
Тошкент – 2020

УЎК: 297.1

КБК: 86.38

Х71

Ушбу китоб «2002 ҳадис» номи билан машҳур бўлган. Бироқ, қўлингиздаги китобда 1391 таси таржима қилиниб, қолгани иш жараёнида давом этмоқда. Худо ҳоҳласа тўлиқлигича Сиз китобхонларга тақдим этиш ниятимиз бор.

Ибодатлар боши Аллоҳ таолони таниш, У Зотга ибодат, тақво қилишдир. Шу хусусиятларга эга кишигина бандалигини, инсонлигини тўлиқ англаб, ҳис этиб, жамият билан уйғун, тинч-тотув умргузаронлик қилади. Ўзи ва бошқаларга яхшиликни раво кўриш ёки ҳеч бўлмаганда ёмонликдан тийилиш ҳаракатида бўлади, комил мўмин-мусулмонлик сари интилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу китобда келтирилган ҳадиси шарифлар шу борадаги ахлоқ-одоб масалаларини тарғиб қилади.

Ҳошимий, Саййид Аҳмад

2002 ҳадис (Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри); Саййид Аҳмад Ҳошимий; таржимон Анвар Аҳмад; масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2020. – 364 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 913-рақамли хулосаси асосида нашрга тайёрланди.

ISBN 978-9943-5999-5-6

© Анвар Аҳмад

© “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2020



(1) АЛИФ ҲАРФИ – حرف الألف

* آتِي بَابَ الْجَنَّةِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَاسْتَفْتِحْ، فَيَقُولُ الْخَازِنُ: مَنْ أَنْتَ؟ فَأَقُولُ: مُحَمَّدٌ. فَيَقُولُ: بِكَ أَمَرْتُ أَلَّا أَفْتَحَ لِأَحَدٍ قَبْلَكَ. (رواه أحمد عن أنس)

1. Қиёмат куни жаннат эшиги олдида келиб, уни очишларини талаб қиламан. Дарвозабон: «Сен кимсан?» деб сўрайди. «Муҳаммадман», дейман. У: «Сендан олдин бирор кишига очмасликка буюрилганман», дейди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* أَنْتَ الْمَعْرُوفُ، وَاجْتَنِبِ الْمُنْكَرَ. وَانْظُرْ مَا يُعْجِبُ أَذْنُكَ أَنْ يَقُولَ لَكَ الْقَوْمُ إِذَا قُمْتَ مِنْ عِنْدِهِمْ فَاتِهِ وَانْظُرِ الَّذِي تَكْرَهُ أَنْ يَقُولَ لَكَ الْقَوْمُ إِذَا قُمْتَ مِنْ عِنْدِهِمْ فَاجْتَنِبْهُ. (رواه الجماعة)

2. Яхши амалларни қил, ёмон ишлардан сақлан. Бирор қавм билан ўтириб, сўнг туриб кетганингда уларнинг нима дейиши қулоғингга ёкса, ўша ҳолатда давом эт. Аксинча, уларнинг олдидан туриб кетганингда нима дейишларини ёқтирмасанг, ўша ҳолатдан сақлан. Жамоат ривояти.

* آفَةُ الْعِلْمِ النِّسْيَانُ، وَإِضَاعَتُهُ أَنْ تَحْدَثَ بِهِ غَيْرُ أَهْلِهِ. (رواه ابن أبي شيبة)

3. Илмнинг офати унутишдир. Илмни ноаҳл кимсага сўзлаш эса, уни зое қилишдир. Ибн Абу Шайба ривояти.

* آفَةُ الدِّينِ ثَلَاثَةٌ: فَقِيهٌ فَاجِرٌ وَإِمَامٌ جَائِرٌ وَمُجْتَهِدٌ جَاهِلٌ. (رواه الديلمي)

عن ابن عباس

4. Диннинг офати учта: гуноҳларни қилаверувчи фақиҳ, золим имом ва жоҳил мужтаҳиддир. Ибн Аббос (розиаллоҳу анҳумо)дан. Дайлабий ривояти.

* آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ: إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ وَإِذَا أَؤْتِمَنَ خَانَ. (رواه الشيخان عن أبي هريرة)

5. Мунофиқнинг аломати учта: гапирса, ёлғон сўзлайди; ваъда берса, вафо қилмайди; омонат берилса, хиёнат қилади. Абу Ҳурайра (розиаллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* آيَةُ الْعَزْ (وَقُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي لَمْ يَتَّخِذْ وَلَدًا وَلَمْ يَكُنْ لَهُ شَرِيكٌ فِي الْمُلْكِ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ وَلِيٌّ مِنَ الدَّلِّ وَكَبْرُهُ تَكْبِيرًا). (رواه الإمام أحمد)

6. «Ҳамду сано бола-чақа қилмаган, подшоҳлик-илоҳликда шериги йўқ, хор-зорликдан (қутқарувчи) дўсти-ёрдамчиси бўлмаган (яъни, ҳеч кимга хор-муҳтож бўлмайдиган) Зот – Аллоҳ учундир, деб айтинг ва У Зотни мудом улуғланг!» ояти иззат – куч-қувват оятидир. Аҳмад ривояти.

* ابْتَغُوا الرِّفْعَةَ عِنْدَ اللَّهِ: تَحْلُمَ عَمَّنْ جَهِلَ عَلَيْكَ، وَتُعْطِي مَنْ حَرَمَكَ. (رواه عدی عن ابن عمر)

7. Юқори даражани Аллоҳ ҳузуридан талаб этинглар. Бу сизга жоҳиллик қилганга мулоим бўлишингиз ва сизга бермаганга беришингиздир. Ибн Умар (розиаллоҳу анҳумо)дан. Адий ривояти.

* أَبْغَضُ الْعِبَادِ إِلَى اللَّهِ مَنْ كَانَ تَوْبَاهُ خَيْرًا مِنْ عَمَلِهِ: أَنْ تَكُونَ تَوْبَاهُ ثِيَابَ الْأَنْبِيَاءِ، وَعَمَلُهُ عَمَلُ الْجَبَّارِينَ. (رواه الديلمي عن عائشة)

8. Бандалари ичида либоси амалидан яхши бўлганлари Аллоҳ таолонинг энг кўп ғазабини келтирувчилардир. Яъни, кийими пайғамбарлар либоси, амали эса жабр қи-

лувчи золимлар амали каби бўлганларидир. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Дайлабий ривояти.

* أُنْبِغُوا حَاجَةً مِّنْ لَا يَسْتَطِيعُ إِبْلَاحُ حَاجَتِهِ، فَمَنْ أُنْبِغَ سُلْطَانًا حَاجَةً مِّنْ لَا يَسْتَطِيعُ إِبْلَاحُهَا ثَبَّتَ اللَّهُ تَعَالَى قَدَمَيْهِ عَلَى الصِّرَاطِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه الطبراني عن أبي الدرداء)

9. Ҳожатини амалга оширишга қодир бўлмаган кишиларга ҳожатини амалга оширишда ёрдамлашинглар. Ким арзини етказишга қодир бўлмаган кишилар ҳожатини бошлиққа етказса, Аллоҳ таоло уни қиёмат куни сирот кўпригида собитқадам қилади. Абу Дардо (розияллоҳу анҳо)дан. Табароний ривояти.

* ابْنِ آدَمَ: اطع ربك تسمى عاقلاً، ولا تعصه فتسمى جاهلاً. (رواه أبو نعيم عن أبي هريرة)

10. (Эй) Одам боласи, Раббингга итоат қил, оқил, деб номланасан. У Зотга осийлик қилма. Акс ҳолда, жоҳил, деб номланасан. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳо)дан. Абу Нуайм ривояти.

* أَبْغَضُ الْحَلَالِ إِلَى اللَّهِ الطَّلَاقُ. (رواه أبو داود في سننه)

11. Ўзи ҳалол бўлса-да, Аллоҳнинг энг ғазабини келтирадиган нарсаси талоқдир. Абу Довуд ривояти.

* أَتَانِي جِبْرِيلُ، فَقَالَ: يَا مُحَمَّدُ عِشْ مَا شِئْتَ فَإِنَّكَ مَيِّتٌ، وَأَحِبِّ مَا شِئْتَ فَإِنَّكَ مُفَارِقُهُ، وَاعْمَلْ مَا شِئْتَ فَإِنَّكَ مُجَزِّئٌ بِهِ، وَاعْلَمْ أَنَّ شَرَفَ الْمُؤْمِنِ قِيَامُهُ بِاللَّيْلِ، وَعِزُّهُ اسْتِغْنَاؤُهُ عَنِ النَّاسِ. (رواه البيهقي عن جابر)

12. Ҳузуримга Жаброил (алайҳиссалом) келиб: «Ё Муҳаммад, хоҳлаганингизча яшанг, барибир бир куни вафот этасиз. Истаган кишингизни яхши кўринг, барибир бир куни ундан ажраласиз. Хоҳлаган нарсангизга

амал қилинг, барибир ўша бажарган ишингизга мукофот (ёки жазо) оласиз. Билингки, мўминнинг шарафи кечасини (баъзисини ибодат ила) бедор қилишидадир. Азизлиги эса, одамлардан (ҳеч нарса сўрамасдан) беҳожат бўлишидадир», дедилар. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* أَتَانِي آتٍ مِنْ رَبِّي فَأَخْبِرْنِي: أَنَّهُ مَنْ مَاتَ مِنْ أُمَّتِي لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا دَخَلَ الْجَنَّةَ، قَالَ: فَقُلْتُ وَإِنْ زَنَى وَإِنْ سَرَقَ، قَالَ: وَإِنْ زَنَى وَإِنْ سَرَقَ. (رواه مسلم والترمذي والنسائي)

13. Раббимдан бир келувчи келиб, умматимдан ким Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмай вафот этса, жаннатга киришининг хабарини берди. Мен: «Агар зино қилиб, ўғрилик содир этса ҳам-а?» десам, у: «Ҳа, агар зино қилиб, ўғрилик содир этса ҳам», деди. Муслим, Термизий ва Насоий ривояти.

Изоҳ: Ушбу ҳадисдан Аллоҳга ширк келтирмасдан, зино ва ўғрилик қилса бўлаверар экан-да, деган хулоса чиқармаслик даркор. Бу ерда Аллоҳга ҳеч ким ва ҳеч нарсани шерик қилмаслик нақадар муҳим эканини билдириш учун шундай дейилмоқда.

* أَتَانِي آتٍ مِنْ عِنْدِ رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ فَقَالَ: مَنْ صَلَّى عَلَيْكَ مِنْ أُمَّتِكَ صَلَاةً كَتَبَ اللَّهُ لَهُ بِهَا عَشْرَ حَسَنَاتٍ، وَمَحَا عَنْهُ عَشْرَ سَيِّئَاتٍ وَرَفَعَ لَهُ عَشْرَ دَرَجَاتٍ، وَرَدَّ عَلَيْهِ مِثْلَهَا. (رواه أحمد عن أبي طلحة)

14. Раббим азза ва жалла ҳузуридан бир келувчи келиб: «Умматингиздан қайси бир киши сизга бир салавот айтса, Аллоҳ таоло унга ўнта яхшилик ёзиб, ундан ўнта ёмонликни ўчиради, даражасини ўн баробар кўтариб, яна унинг мисли (миқдори)ча қўшиб беради», деди. Абу Талҳа (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* أَتَحِبُّ أَنْ يَلِينَ قَلْبُكَ، وَتُدْرِكَ حَاجَتَكَ: اِرْحَمِ الْيَتِيمَ، وَامْسَحْ رَأْسَهُ

وَأَطَعَهُ مِنْ طَعَامِكَ: يَلْنُ قَلْبُكَ وَتَذَرُكَ حَاجَتَكَ. (رواه الطبراني عن أبي الدرداء)

15. Қалбинг мулойим бўлиб, ҳожатинг бароридан келишини яхши кўрасанми? Унда етимга раҳм қилиб, бошини сила ва унга ўз таомингдан едир. Шунда қалбинг юмшаб, ҳожатинг бароридан келади. *Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* اتَّقِ اللَّهَ حَيْثُمَا كُنْتَ، وَاتَّبِعِ السَّيِّئَةَ الْحَسَنَةَ تَمَحُّهَا، وَخَالِقِ النَّاسَ بِخُلُقٍ حَسَنٍ. (رواه الطبراني عن أبي ذرّ)

16. Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳга тақво қил. Ёмон амалингга яхшисини эргаштир. Шунда яхшиси ёмонини ўчириб юборади. Одамлар билан яхши хулқ ила муомалада бўл. *Абу Зар (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* اتَّقِ اللَّهَ: وَلَا تَحْقِرَنَّ مِنَ الْمَعْرُوفِ شَيْئًا، وَلَوْ أَنْ تُفَرِّغَ مِنْ دَلُوكَ فِي إِنَاءِ الْمُسْتَسْقَى وَأَنْ تَلْقَى أَخَاكَ وَوَجْهَكَ إِلَيْهِ مُنْبَسِطٌ وَإِيَّاكَ وَإِسْبَالَ الْإِزَارِ فَإِنَّ إِسْبَالَ الْإِزَارِ مِنَ الْمَخِيلَةِ وَلَا يُحِبُّهَا اللَّهُ، وَإِنْ أَمْرُؤُ شَتَمَكَ وَعَيْرَكَ بِأَمْرٍ لَيْسَ فِيكَ فَلَا تُعَيِّرْهُ بِأَمْرٍ هُوَ فِيهِ، وَدَعُهُ يَكُونُ وَبَالُهُ عَلَيْهِ وَأَجْرُهُ لَكَ وَلَا تَسِبَّنْ أَحَدًا. (رواه الطيالسي عن جابر بن سليم)

17. Аллоҳга тақво қил. Яхшиликлардан бирортасини паст санама. Сув талаб қилиб келган кишига челагингдаги сувингни қуйиб беришинг ҳамда биродарингга йўлиққанингда очиқ чехра билан кўришишинг ҳам яхшиликдир. Лекин иштонингни узайтириб юришдан сақлан. Чунки иштонни узайтириб юриш такаббурлик бўлиб, Аллоҳ уни яхши кўрмайди. Агар бирор кимса сени ўзингда йўқ нарса билан сўкиб айбласа, сен уни унда бор нарса билан ҳам айбламагин. Шундайлигича қолдир. Шунда гуноҳи ўзига, ажри сенга бўлади. Сен асло бирор кишини сўкмагин. *Жобир ибн Сулайм (розияллоҳу анҳу)дан. Таёлисий ривояти.*

* اتَّقُوا اللَّهَ وَاعْدِلُوا بَيْنَ أَوْلَادِكُمْ (رواه النعمان)

18. Аллоҳга тақво қилинглр ва фарзандларингиз орасида адолатли бўлинглр. *Нўмон ривояти.*

* اتَّقُوا فِرَاسَةَ الْمُؤْمِنِ، فَإِنَّهُ يَنْظُرُ بَنُورِ اللَّهِ. (رواه الترمذي)

19. Мўминнинг фаросатлилиги (ботиний кўзи билан қараши)дан қўрқинглр, чунки у Аллоҳнинг нури ила қарайди. *Термизий ривояти.*

Изоҳ: Яъни, Аллоҳ нури билан дили порлаган киши қалб кўзи билан кўради. Албатта, руҳнинг кўзи ақл кўзи билан боғлиқдир. Инсон кўзи аъзо бўлса, қалб кўзи руҳга боғлиқдир.

* اتَّقِ دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ، فَإِنَّهَا لَيْسَ بَيْنَهَا وَبَيْنَ اللَّهِ حِجَابٌ. (رواه الترمذي)

20. Мазлумнинг дуосидан қўрқ. Чунки у билан Аллоҳ ўртасида тўсиқ-парда бўлмайди. *Термизий ривояти.*

* اتَّقِ الْمَحَارِمَ تَكُنْ عَبْدَ النَّاسِ، وَارْضَ بِمَا قَسَمَ اللَّهُ لَكَ تَكُنْ أَعْيَنَ النَّاسِ. وَأَحْسِنَ إِلَى جَارِكَ تَكُنْ مُؤْمِنًا. وَأَحِبَّ لِلنَّاسِ مَا تُحِبُّ لِنَفْسِكَ تَكُنْ مُسْلِمًا، وَلَا تَكْثِرِ الضَّحِكَ فَإِنَّ كَثْرَةَ الضَّحِكِ تُمِيتُ الْقَلْبَ. (رواه الإمام أحمد عن أبي هريرة)

21. Харомдан тақво қил, одамларнинг энг обиди бўласан. Аллоҳ сенга тақсимлаб қўйган ризққа рози бўл, одамларнинг энг бадавлати бўласан. Қўшнингга яхшилик қил, мўмин бўласан. Ўзингга яхши кўрган нарсани одамларга ҳам раво кўр, мусулмон бўласан. Кулгини кўпайтирма, чунки кўп кулги қалбни ўлдиради. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. *Аҳмад ривояти.*

* اتَّقُوا اللَّهَ: وَصَلُّوا خَمْسَكُمْ، وَصُومُوا شَهْرَكُمْ، وَأَدُّوا زَكَاةَ أَمْوَالِكُمْ، طَيِّبَةً بِمَا أَنْفُسُكُمْ وَأَطِيعُوا ذَا أَمْرِكُمْ تَدْخُلُوا جَنَّةَ رَبِّكُمْ. (رواه الحاكم عن أبي أمامة)

22. Аллоҳга тақво қилинг, беш вақт намозларингизни ўқинг, (Рамазон) ойи рўзани тутинг, молларингиз закоти-ни нафсингиз шод бўлган ҳолда беринг, бошлиқларингиз буйруғига итоат қилинг, шунда Раббингиз жаннатига кирасизлар. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* اتَّقُوا دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ، فَإِنَّهَا تُحْمَلُ عَلَى الْغَمَامِ يَقُولُ اللَّهُ: وَعِزِّي وَجَلَالِي لِأَنْصُرَنَّكَ، وَلَوْ بَعْدَ حِينٍ. (رواه الطبراني عن خزيمة بن ثابت)

23. Мазлумнинг дуосидан кўрқинглар, чунки у (дуо) булутларга кўтарилади. Аллоҳ таоло: «Азизлигим ва улуғлигим ҳаққи, кейинроқ бўлса ҳам (мазлумга) ёрдам бераман», дейди. Ҳузайма ибн Собит (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* اتَّقُوا الظُّلْمَ، فَإِنَّ الظُّلْمَ ظُلُمَاتٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. وَاتَّقُوا الشُّحَّ فَإِنَّ الشُّحَّ أَهْلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ، وَحَمَلَهُمْ عَلَى أَنْ سَفَكُوا دِمَاءَهُمْ وَاسْتَحْلَوْا مَحَارِمَهُمْ. (رواه مسلم)

24. Зулм қилишдан сақланинглар, чунки зулм қиёмат кунда зулумот бўлади. Бахилликдан кўрқинглар, чунки бахиллик сизлардан олдингиларни ҳалок этиб, қонлар тўкиб, ҳаром нарсаларни ҳалол санашларига етаклаган. Муслим ривояти.

* التَّحَدُّثُ بِنِعْمَةِ اللَّهِ شُكْرٌ، وَتَرْكُهَا كُفْرٌ. وَمَنْ لَا يَشْكُرُ الْقَلِيلَ لَا يَشْكُرُ الْكَثِيرَ، وَمَنْ لَا يَشْكُرُ النَّاسَ لَا يَشْكُرُ اللَّهَ. وَالْجَمَاعَةُ رَحْمَةٌ وَالْفِرْقَةُ عَذَابٌ. (رواه البيهقي)

25. Аллоҳнинг неъматларини гапириш шукр қилишдир, у (зикр этиш)ни тарк қилиш куфрдир. Ким оз нарсага шукр қилмаса, кўпига ҳам шукр этмайди. Ким одамларга шукр қилмаса, Аллоҳга ҳам шукр этмайди. Жамоат (кўпчилик) раҳматдир. Фирқалик (тарқоқлик) азобдир. Байҳақий ривояти.

* التَّائِي مِنَ اللَّهِ وَالْعَجَلَةَ مِنَ الشَّيْطَانِ. (رواه البيهقي عن أنس)

26. Босиқлик (шошмаслик) Аллоҳдан, шошқалоқлик эса шайтондандир. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* اِنَّانِ لَا يَنْظُرُ اللَّهُ إِلَيْهِمَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ: قَاطِعُ الرَّحْمِ وَجَارُ السُّوءِ. (رَوَاهُ الدَّيْلَمِيُّ عَنْ أَنَسٍ)

27. Аллоҳ таоло қиёмат куни икки тоифа киши – қариндошлик алоқасини узувчи ва ёмон қўшнига қарамайди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* اِنَّانِ يَكْرَهُهُمَا ابْنُ آدَمَ: يَكْرَهُ الْمَوْتَ وَالْمَوْتُ خَيْرٌ لَهُ مِنَ الْفِتْنَةِ، وَيَكْرَهُ قِلَّةَ الْمَالِ، وَقِلَّةَ الْمَالِ أَقْلٌ لِلْحِسَابِ. (رواه أحمد عن محمود بن لبيد)

28. Одам боласи икки нарсани ёмон кўради, ўлимни хуш кўрмайди. Ваҳоланки, ўлим унинг учун фитнадан яхшироқдир. Мол-дунёси кам бўлишини ёмон кўради, ҳолбуки, мол-мулкининг озлиги (қиёматда) ҳисоб учун енгилроқдир. Маҳмуд ибн Лабид (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* اِنَّانِ يُعَجِّلُهُمَا اللَّهُ فِي الدُّنْيَا: الْبَغْيُ وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ. (رواه الطبراني عن ابن أبي بكرة)

29. Аллоҳ таоло дунёнинг ўзидаёқ икки тоифа – шафқатсиз ва ота-онага оқ бўлган кишининг уқубатини тезлатади. Ибн Абу Бакра (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* اجْتَنِبُوا الْكِبْرَ، فَإِنَّ الْعَبْدَ لَا يَزَالُ يَتَكَبَّرُ حَتَّى يَقُولَ اللَّهُ تَعَالَى لِمَلَائِكَتِهِ: «اَكْتُبُوا عَبْدِي هَذَا فِي الْجَبَّارِينَ». (رواه ابن عدي عن أبي أمامة)

30. Кибрдан четланинглари, чунки банда такаббуриликда давомли бўлса, Аллоҳ таоло фаришталарига:

«Бандамни гердаиб юрувчилар сирасидан қилиб ёзинглар», деб айтади. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Адий ривояти.

* اجْعَلُوا مِنْ صَلَاتِكُمْ فِي بُيُوتِكُمْ، وَلَا تَتَّخِذُوهَا قُبُورًا. (رواه البخاري)

31. Намозларингиздан уйларингизга ҳам (насиба) қолдиринглар. Уйларингизни қабр қилиб олманглар. Бухорий ривояти.

* اجْتَنِبُوا السَّبْعَ الْمُوبِقَاتِ: الشِّرْكَ بِاللَّهِ، وَالسِّحْرَ، وَقَتْلَ النَّفْسِ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ، وَأَكْلَ الرِّبَا، وَأَكْلَ مَالِ الْمَيْتِمِ، وَالتَّوَلَّى يَوْمَ الرَّحْفِ، وَقَذْفَ الْمُحْصَنَاتِ الْغَافِلَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ. (رواه الشيخان)

32. Ҳалокатга элтувчи етти нарсадан сақланинглар:

1) Аллоҳга ширк келтириш, яъни Унинг шериги бор, дейиш;

2) сеҳргарлик;

3) Аллоҳ қатл этилишини ҳаром қилган жонни ўлдириш – лекин ҳақ билан (яъни, ҳад ва қасосларда) ундай эмас;

4) судхўрлик ортидан кун кўриш;

5) етимлар молини ейиш;

6) уруш кунида орқага чекиниш;

7) иффатли, ҳеч нарсадан хабари йўқ, имонли аёлларни (фоҳишаликда) айблашдан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* أَحَبُّ الْأَعْمَالِ إِلَى اللَّهِ أَدْوَمُهَا وَإِنْ قَلَّ. (رواه الشيخان عن عائشة)

33. Аллоҳ таолога амалларнинг энг сеvimлиси оз бўлса-да, давомлисидир. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* أَحَبُّ الْأَعْمَالِ إِلَى اللَّهِ أَنْ تَمُوتَ وَلِسَانُكَ رَطْبٌ مِنْ ذِكْرِ اللَّهِ. (رواه

البيهقي عن معاذ)

34. Аллоҳ таолога амалларнинг энг севимлиси Аллоҳ зикридан тилинг нам бўлиб вафот этишингдир. Муоз (розияллоҳу анҳу)дан. *Байҳақий ривояти.*

* أَحَبُّ الصَّلَاةِ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى صَلَاةُ دَاوُدَ، وَأَحَبُّ الصَّيَامِ إِلَى اللَّهِ صِيَامُ دَاوُدَ، وَكَانَ يَنَامُ نِصْفَ اللَّيْلِ، وَيَقُومُ ثُلُثَهُ، وَيَنَامُ سُدُسَهُ وَيَصُومُ يَوْمًا، وَيُفْطِرُ يَوْمًا. (رواه مسلم)

35. Аллоҳ таолога намозларнинг энг суюклиси Довуд (алайҳиссалом)нинг намозидир. Рўзаларнинг энг яхшиси Довуд (алайҳиссалом)нинг рўзасидир. У зот кечанинг ярмида ухлаб, учдан бири қолганида турардилар, олтидан бири қолганида яна ухлардилар. (Рўза бобида эса) бир кун рўза тутиб, бир кун оғизлари очиқ бўларди. *Муслим ривояти.*

* أَحَبُّ الْكَلَامِ إِلَى اللَّهِ أَنْ يَقُولَ الْعَبْدُ: «سُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ». (رواه الترمذي عن أبي ذرّ)

36. Аллоҳ таолога каломларнинг энг севимлиси банданинг «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», яъни, Аллоҳни ҳамд айтиш билан поклайман, деб айтишдир. Абу Зар (розияллоҳу анҳу)дан. *Термизий ривояти.*

* أَحَبُّ لِلنَّاسِ مَا تُحِبُّ لِنَفْسِكَ. (رواه البخاري)

37. Ўзингга яхши кўрган нарсангни (бошқа) одамлар учун ҳам раво кўр. *Бухорий ривояти.*

* احْفَظْ وَدَّ أَيْبِكَ لَا تَقْطَعُهُ فَيُطْفِئُ اللَّهُ نُورَكَ. (رواه البخاري)

38. Отангнинг (дўстлари билан бўлган) алоқасини давом эттир, алоқани (у киши ўлганидан кейин) узиб қўйма. Акс ҳолда, Аллоҳ нурингни ўчириб қўяди. *Бухорий ривояти.*

* أَحَبُّ الْكَلَامِ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى أَرْبَعٌ: سُبْحَانَ اللَّهِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، وَلَا إِلَهَ إِلَّا

اللَّهُ، وَاللَّهُ أَكْبَرُ، لَا يَضُرُّكَ بَائِهِنَّ بَدَأَتْ. (رواه أحمد عن سمرّة بن جندب)

39. Аллоҳ таолога маҳбуб калом тўрттадир: «Субҳаналлоҳи» (Аллоҳни поклаб ёд этаман), «Алҳамдулиллаҳ» (Аллоҳга мақтовлар бўлсин), «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ), «Аллоҳу акбар» (Аллоҳ буюқдир). Буларнинг қайси биридан бошласанг ҳам, зарари йўқ. Самура ибн Жундуб (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* أَحَبُّ بُيُوتِكُمْ إِلَى اللَّهِ بَيْتٌ فِيهِ يَتِيمٌ مُكْرَمٌ. (رواه البيهقي عن عمر)

40. Аллоҳ таоло наздида уйларингизнинг энг яхшиси етим ҳурмат қилинадиган хонадондир. Умар (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* أَحَبُّ اللَّهِ تَعَالَى عَبْدًا، سَمَحًا إِذَا بَاعَ، سَمَحًا إِذَا اشْتَرَى، وَسَمَحًا إِذَا قَضَى وَسَمَحًا إِذَا اقْتَضَى. (رواه البيهقي عن أبي هريرة)

41. Бирор нарсани сотишда, ё сотиб олишда, ёки қарз беришда, ёхуд қарз талаб қилишда мулоимлик қилган бандани Аллоҳ таоло яхши кўради. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* أَحَبُّكُمْ إِلَى اللَّهِ أَقْلُكُمْ طُعْمًا، وَأَخْفُكُمْ بَدَنًا. (رواه الديلمي عن ابن عباس)

42. Аллоҳга маҳбубларингиз овқатни кам еб, бадани енгил (ориқ) бўлганларингиздир. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Дайлабий ривояти.

* أَحِبُّوا الْعَرَبَ لثَلَاثٍ: لِأَنِّي عَرَبِيٌّ وَالْقُرْآنَ عَرَبِيٌّ. وَكَلَامَ أَهْلِ الْجَنَّةِ فِي الْجَنَّةِ عَرَبِيٌّ. (رواه الطبراني وغيره)

43. Арабларни уч нарса учун яхши кўринглар. Биринчиси – чунки мен (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) арабман. Иккинчиси – Қуръон араб тилида. Учинчиси – жаннатда у ер аҳлининг тили арабчадир. Табароний ва бошқалар ривояти.

* احْتَرِسُوا مِنَ النَّاسِ بِسُوءِ الظَّنِّ. (رواه أحمد والبيهقي)

44. Одамлар ёмонлигидан улардан ёмон гумон қилиш билан сақланинглар. Аҳмад ва Байҳақий ривояти.

* أَحَبُّ حَبِيبِكَ هَوْنًا مَا، عَسَى أَنْ يَكُونَ بَغِيضَكَ يَوْمًا مَا، وَأَبْغَضُ بَغِيضِكَ هَوْنًا مَا، عَسَى أَنْ يَكُونَ حَبِيبَكَ يَوْمًا مَا. (رواه الترمذي)

45. Дўстингни ўртача яхши кўр, куни келиб душманга айланиб қолиши мумкин. Душманингни ҳам ўртача ёмон кўр, куни келиб дўстга айланиб қолиши мумкин. Термизий ривояти.

* أَخَشَى مَا خَشِيتُ عَلَى أُمَّتِي: كِبَرُ الْبَطْنِ، وَمُدَاوِمَةُ النَّوْمِ، وَالْكَسَلُ وَضَعْفُ الْيَقِينِ. (رواه الدار قُطْنِي عَنْ جَابِر)

46. Умматим хусусида хавфсирайдиган нарсамнинг энг кўрқинчлиси қорин катталиги, уйкуда бардавомлик, дангасалик ва имон заифлигидир. Жобир (розияллоҳу анҳу) дан. Дорақутний ривояти.

* أَدَّ مَا افْتَرَضَ اللَّهُ عَلَيْكَ تَكُنْ مِنْ أَعْبِدِ النَّاسِ، وَاجْتَنِبْ مَا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْكَ تَكُنْ أَوْرَعَ النَّاسِ. وَأَرْضُ بِمَا قَسَمَ اللَّهُ لَكَ تَكُنْ مِنْ أَغْنَى النَّاسِ. (رواه ابن عدى عن ابن مسعود)

47. Аллоҳ сенга фарз қилган амалларни адо этгин, инсонларнинг энг обиди бўласан. Аллоҳ сенга ҳаром қилган ишлардан ўзингни четда тут, кишиларнинг энг тақволиси бўласан. Аллоҳ сенга тақсимлаб қўйган ризққа рози бўл, одамларнинг энг бадавлати бўласан. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) дан. Ибн Адий ривояти.

* أَدَّبُوا أَوْلَادَكُمْ عَلَى ثَلَاثِ خِصَالٍ: حُبِّ نَبِيِّكُمْ، وَحُبِّ أَهْلِ بَيْتِهِ، وَقِرَاءَةِ

الْقُرْآنِ. فَإِنَّ حَمَلَةَ الْقُرْآنِ فِي ظِلِّ اللَّهِ، يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ مَعَ أَنْبِيَائِهِ وَأَصْفِيَائِهِ. (رواه الديلمي عن علي)

48. Фарзандларингизни уч хислатда тарбияланглар: Пайғамбарингизни яхши кўриш, у зотнинг хонадони аҳлларига муҳаббатли бўлиш ва Қуръон қироат қилишни. Чунки Қуръон ҳомиллари (уни ёд олиб, доим ўқиб юрувчилар) соя йўқ кунда Аллоҳнинг соясида пайғамбар ва соф кишилар (чин дўстлар) билан бирга бўлишади. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти).

* ادْعُوا اللَّهَ وَأَنْتُمْ مُوقِنُونَ بِالْإِجَابَةِ. وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَجِيبُ دُعَاءَ مَنْ قَلْبٌ غَافِلٌ لَهُ. (رواه الترمذي عن أبي هريرة)

49. Аллоҳга ижобат қилишига ишонган ҳолда дуо қилинглар. Билингки, Аллоҳ таоло қалби ғофил, эътиборсиз кишилар дуосини қабул этмайди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* إِذَا آتَاكَ اللَّهُ مَالًا فَلْيُرْ أَثَرُ نِعْمَةِ اللَّهِ عَلَيْكَ وَكَرَامَتِهِ. (رواه الحاكم عن والد أبي الأحوص)

50. Агар Аллоҳ таоло сенга мол ато этса, Аллоҳнинг сенга берган неъматини ва кароматини устингда кўринсин. Абул-Аҳваснинг (розияллоҳу анҳу) отасидан. Ҳоким ривояти.

* إِذَا أَتَيْتُمُ الصَّلَاةَ فَعَلَيْكُمْ بِالسَّكِينَةِ. فَمَا أَدْرَكْتُمْ فَصَلُّوا وَمَا فَاتَكُمْ فَأَتُّوا. (رواه الشيخان)

51. Намозга борганингизда, ўзингизга хотиржамликни лозим билинг. Ундан топган ракатингизни ўқиб, қолдирганингизни охирига етказиш билан мукамал қилинг. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِذَا أَحَبَّ اللَّهُ عَبْدًا ابْتَلَاهُ لِيَسْمَعَ تَضَرُّعَهُ. (رواه البيهقي عن أبي هريرة)

52. Аллоҳ таоло бир бандани яхши кўrsa, тазарру қилишини эшитиш учун унга бало юборади. Абу Хурайра (розиаллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* إِذَا أَحْسَنَ الرَّجُلُ الصَّلَاةَ فَاتَمَّ رُكُوعَهَا وَسُجُودَهَا قَالَتِ الصَّلَاةُ حَفَظَكَ اللَّهُ كَمَا حَفِظْتَنِي، فَتَرَفَعُ وَإِذَا أَسَاءَ الصَّلَاةَ فَلَمْ يَتِمَّ رُكُوعَهَا وَسُجُودَهَا قَالَتِ الصَّلَاةُ ضَيَّعَكَ اللَّهُ كَمَا ضَيَّعْتَنِي، فَتَلْفُ كَمَا يَلْفُ الثَّوْبُ الْخَلْقُ فَيُضْرَبُ بِهَا وَجْهُهُ. (رَوَاهُ الطَّيَالِسِيُّ عَنْ عِبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ)

53. Киши намозини чиройли суратда адо этса, руку ва саждани мукаммал бажарса, намоз: «Мени сақлаганингдек, Аллоҳ ҳам сени сақласин», дейди ва бу айтган сўзи кўтарилади. Агар киши намозини ёмон суратда адо этса, руку ва саждани ёмон суратда адо этса, руку ва саждани мукаммал бажармаса, намоз: «Мени зое қилганингдек, Аллоҳ ҳам сени зое қилсин», дейди. Убода ибн Сомит (розиаллоҳу анҳу)дан. Таёлисий ривояти.

* إِذَا أَدَّى الْمُؤَدِّنُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ حَرَمَ الْعَمَلِ. (رواه الديلمي)

54. Жума куни муаззин азон айтгач, (жума намози ўқилгунча) ишлаш ҳаромдир. Дайлабий ривояти.

* إِذَا أَتَيْتَ مَضْجَعَكَ فَتَوَضَّأْ وَضُوءَكَ لِلصَّلَاةِ، ثُمَّ اضْطَجِعْ عَلَى شِقِّكَ الْأَيْمَنِ ثُمَّ قُلْ: اللَّهُمَّ أَسَلَمْتُ وَجْهِي إِلَيْكَ، وَفَوَّضْتُ أَمْرِي إِلَيْكَ، وَأَلْجَأْتُ ظَهْرِي إِلَيْكَ، رَغْبَةً إِلَيْكَ، لَا مَلْجَأَ وَلَا مَنَاجِيَ مِنْكَ إِلَّا إِلَيْكَ، اللَّهُمَّ آمَنْتُ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ، وَنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ. (رواه البخاري ومسلم)

55. Ётар жойингга келганингга, намозга таҳорат олганинг каби таҳорат қилиб, ўнг томонингга ёнбошлаб: «Аллоҳумма асламту ваҷҳий илайка ва фаввазту амрий илайка ва алжаъту заҳрий илайка рағбатан илайка ла малжаа вала манжа минка илла илайка, оманту бики-тобикаллазий анзалта ва набиййикаллазий арсалта»

(Ё Аллоҳ, юзимни Сенга таслим этдим. Ишимни Сенга топширдим. Сенинг неъматингга рағбат қилиб, ғазабингдан қўрқиб, Сенга суяндим. Сендан бошқа қочадиганим ҳам, нажот топадиганим ҳам йўқ. Нозил қилган китобларингга ва юборган пайғамбарларингга имон келтирдим), деб айт. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* إِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِعَبْدٍ خَيْرًا جَعَلَ غِنَاهُ فِي نَفْسِهِ، وَتَقَاهُ فِي قَلْبِهِ، وَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ شَرًّا جَعَلَ فَقْرَهُ بَيْنَ عَيْنَيْهِ. (رواه الحاكم عن أبي هريرة)

56. Аллоҳ бандага бирор яхшиликни хоҳласа, бойлигини ўз нафсида, тақвосини қалбида қилиб қўяди. Аллоҳ бир бандага бирор ёмонликни хоҳласа, камбағалликни кўз олдида қилиб қўяди. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.*

* إِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِعَبْدٍ خَيْرًا فَقَّهَهُ فِي الدِّينِ، وَزَهَّدَهُ فِي الدُّنْيَا، وَبَصَّرَهُ عُيُوبَهُ. (رواه البيهقي عن أنس)

57. Аллоҳ таоло бир бандага яхшиликни хоҳласа, динда фақиҳ, дунёда зоҳид ва ўз айбларини кўрувчи қилиб қўяди. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* إِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِعَبْدِهِ الْخَيْرَ عَجَّلَ لَهُ الْعُقُوبَةَ فِي الدُّنْيَا، وَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِعَبْدِهِ الشَّرَّ أَمْسَكَ عَنْهُ بِذَنْبِهِ، حَتَّى يُوَافِيَ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه الطبراني عن عمار بن ياسر)

58. Аллоҳ таоло бир бандага яхшиликни хоҳласа, бу дунёнинг ўзида (қилган гуноҳи учун) уқубатни тезлатиб қўяди. Аллоҳ таоло бир бандага ёмонликни хоҳласа, қилган гуноҳига яраша жазони тўхтатиб туради ҳамда қиёмат куни тўла-тўқис қилиб беради. *Аммор ибн Ёсир (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* إِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِعَبْدِهِ خَيْرًا فَتَحَ لَهُ قُلُقَ قَلْبِهِ، وَجَعَلَ فِيهِ الْيَقِينَ وَالصِّدْقَ،

وَجَعَلَ قَلْبَهُ وَاعِيًا لِمَا سَلَكَ فِيهِ، وَجَعَلَ قَلْبَهُ سَلِيمًا، وَلِسَانَهُ صَادِقًا، وَخَلِيقَتَهُ مُسْتَقِيمَةً، وَجَعَلَ أَذُنَهُ سَمِيعَةً، وَعَيْنُهُ بَصِيرَةً. (роҳе Абу шайх ʿан Абу Ҷар)

59. Агар Аллоҳ бир бандага яхшилиқни хоҳласа, дили қулфини очиб, унга ишонч (яқийн) ва ростгӯйлиқни жойлаб, қалбини англоғчи ва саломат, тилини ростгӯй, хилқатини тўғри, қулоғини эшитувчи ва кўзини кўрувчи қилиб қўяди. Абу Ҷар (розиаллоҳу анҳу)дан. Абу Шайх ривояти.

* إِذَا أَرَادَ اللَّهُ إِنْفَازَ قَضَائِهِ وَقَدَرَهُ، سَلَبَ ذَوِي الْعُقُولِ عُقُولَهُمْ، حَتَّى يَنْفُذَ فِيهِمْ قَضَاؤُهُ وَقَدَرُهُ، فَإِذَا قَضَى أَمْرُهُ رَدَّ عُقُولَهُمْ، وَوَقَعَتِ النَّدَامَةُ. (роҳе дилмӣ ʿан Анс)

60. Аллоҳ таоло тақдир-қазосини ижро қилишни хоҳласа, ақл эгаларидан ақлни тортиб олиб, тақдир-қазосини рўёбга чиқаради. Рўёбга чиқариб бўлганидан сўнг ақллари-ни қайтариб беради ва ўз-ўзидан пушаймонлиқ воқе бўлади. Анас (розиаллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* إِذَا أَرَدْتَ أَنْ تَفْعَلَ أَمْرًا فَتَدَبَّرْ عَاقِبَتَهُ، فَإِنْ كَانَ خَيْرًا فَامْضِ، وَإِنْ كَانَ شَرًّا فَانْتِهِ. (роҳе ابن المبارک)

61. Бирор иш қилишни хоҳласанг, оқибатини тадаббур қил. Агар яхши бўлса, уни бажар, ёмон бўлса, ундан тўхта. Ибн Муборак ривояти.

* إِذَا أَرَدْتَ أَمْرًا فَعَلَيْكَ بِالتَّوَدُّةِ، حَتَّى يُرِيكَ اللَّهُ مِنْهُ الْمَخْرَجَ. (роҳе البخарӣ)

62. Бирор иш қилишни хоҳласанг, босиқликни ўзингга лозим тут. Шунда Аллоҳ сенга чиқар йўлни кўрсатади. Бухорий ривояти.

* إِذَا أَرَدْتَ أَنْ تَذْكَرَ عُيُوبَ غَيْرِكَ فَادْكُرْ عُيُوبَ نَفْسِكَ. (роҳе الرافعى)

63. Бошқаларнинг айбини зикр қилишни хоҳласанг, ўз айбингни зикр қилиб қўяқол (шуниси яхшироқ). *Рофеъий ривояти.*

* إِذَا أَرَدْتَ أَنْ يُحِبَّكَ اللَّهُ فَأَبْغِضِ الدُّنْيَا، وَإِذَا أَرَدْتَ أَنْ يُحِبَّكَ النَّاسُ فَمَا كَانَ عِنْدَكَ مِنْ فُضُولِهَا فَأَبْغِضْهُ إِلَيْهِمْ. (رواه الخطيب عن ربيعي بن خراش مرسلًا)

64. Агар Аллоҳ сени яхши кўришини хоҳласанг, дунёга ғазаб қил, яъни уни севма. Одамлар сени яхши кўришларини хоҳласанг, ўзингдаги ортиқча нарсаларни уларга тортиқ эт. *Рибъий ибн Хирош (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб мурсал ҳолатда қилган ривоят.*

* إِذَا اسْتَيْقَظَ الرَّجُلُ مِنَ اللَّيْلِ وَأَيَقَظَ أَهْلَهُ، فَصَلِّيًا رَكَعَتَيْنِ كُتِبَا مِنَ الذَّاكِرِينَ اللَّهَ كَثِيرًا وَالذَّاكِرَاتِ. (رواه ابن حبان عن أبي سعيد)

65. Киши кечаси уйқусидан туриб, ўз аҳли аёлини ҳам уйғотиб, икковлари икки ракат намоз ўқишса, Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркак ва аёллар қаторида ёзиб қўйилади. *Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Ҳиббон ривояти.*

* إِذَا اسْتَيْقَظَ أَحَدُكُمْ مِنْ مَنَامِهِ فَلْيَقُلْ: (الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي رَدَّ عَلَيَّ رُوحِي وَعَافَانِي فِي جَسَدِي، وَأَذِنَ لِي بِذِكْرِهِ). (رواه ابن السني عن أبي هريرة)

66. Сизлардан бирингиз уйқусидан уйғонса, «Алҳамдулиллаҳиллазий радда ъалаййа руҳий ва ъафаний фий жасадий ва азина лий бизикриҳи» (Руҳимни қайтариб, жасадимни офиятда қилиб, Ўзининг зикрига изн берган Аллоҳга ҳамд бўлсин), деб айтсин. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Сунний ривояти.*

* إِذَا اشْتَكَيتَ فَضَعْ يَدَكَ حَيْثُ تَشْتَكِي، وَقُلْ: «بِسْمِ اللَّهِ، أَعُوذُ بِعِزَّةِ اللَّهِ وَقُدْرَتِهِ مِنْ شَرِّ مَا أَجِدُ مِنْ وَجْعِي هَذَا» ثُمَّ ارْفَعْ يَدَكَ ثُمَّ أَعِدْ ذَلِكَ وَتَرَا. (رواه الترمذي عن أنس)

67. Бирор еринг оғриси, ўша оғриган ерингга қўл қўйиб: «Бисмиллаҳ, аъзу биъиззатиллаҳи ва қудротихи мин шарри маа ажиду мин важаъий ҳаза» (Аллоҳнинг исми билан, Аллоҳнинг азизлиги ва қудрати ила ўзимдаги мана бу касалликдан паноҳ тилайман), деб айт, кейин қўлингни кўтариб, яна тоқ ҳолатда қайтаргин. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* إِذَا أَصَابَ أَحَدَكُمْ مُصِيبَةٌ فَلْيَقُلْ: «إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ، اللَّهُمَّ عِنْدَكَ أَحْتَسِبُ مُصِيبَتِي فَأَجْرُنِي فِيهَا، وَأَبْدِلْ لِي، بِهَا خَيْرًا مِنْهَا». (رواه ابن ماجه عن أبي سلمة)

68. Сизлардан бирингизга мусибат етса: «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун, Аллоҳумма ғиндака аҳтасибу мусийбатий фаъжурний фийҳа ва абдилний биҳа хойрон минҳа» (Биз Аллоҳ учунмиз ва Унга қайтажакмиз. Ё Аллоҳ, мусибатим учун Сенинг ҳузурингдан савоб умид қиламан, менга унда ажр бергин. Ва у мусибатимдан яхшироғига алиштиргин), деб айтсин. Абу Салама (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.

* إِذَا أَصَبْتُمْ فَقُولُوا: (اللَّهُمَّ بِكَ أَصْبَحْنَا، وَبِكَ أَمْسَيْنَا، وَبِكَ نَحْيَا، وَبِكَ نَمُوتُ، وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ) (رواه ابن ماجه عن أبي هريرة)

69. Тонг оттирсангиз: «Аллоҳумма бика асбахна ва бика амсайна ва бика наҳйа ва бика намувту ва илайкал масийр» (Ё Аллоҳ, Сенинг исминг ила тонг оттирдик ва Сенинг исминг ила кеч киргиздик. Сенинг исминг ила тириламиз ва Сенинг исминг ила вафот этамиз. Фақат Сенинг Ўзингга қайтамиз), деб айтинглар. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.

* إِذَا اضْطَجَعْتَ فَقُلْ: أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّةِ مِنْ غَضَبِهِ وَعِقَابِهِ، وَمِنْ شَرِّ عِبَادِهِ وَمِنْ هَمَزَاتِ الشَّيَاطِينِ وَأَنْ يَحْضُرُونِ. (رواه أبو نصر السنجري عن عمر)

70. Ётиш учун ёнбошласангиз: «Аъзу бикалиматил-лаҳит томмаҳ мин ғозабиҳи ва ғиқобиҳи ва мин шарри ғибадиҳи ва мин ҳамазатиш шайатийни ва ан яҳзуруни» (Аллоҳнинг мукаммал калималари ила Унинг ғозабидан, иқобидан, бандаларининг ёмонидан ва шайтон васваса қилиб менинг ҳузуримда ҳозир бўлишидан паноҳ тилайман), деб айтинглар. Умар (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Наср Санжарий ривояти.

* إِذَا أُعْطِيَ شَيْئًا مِنْ غَيْرِ أَنْ تَسْأَلَ فَكُلْ وَتَصَدَّقْ. (رواه النسائي عن ابن

عمر)

71. Сўрамасанг-да, сенга бирор нарса берилса, ўша нарсани еб, садақа ҳам қилавергин. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Насоий ривояти.

* إِذَا أَفْطَرَ أَحَدُكُمْ فَلْيَفْطِرْ عَلَى تَمْرٍ فَإِنَّهُ بَرَكَةٌ، فَإِنْ لَمْ يَجِدْ تَمْرًا فَلْيَفْطِرْ عَلَى الْمَاءِ فَإِنَّهُ طَهُورٌ. (رواه الإمام أحمد)

72. Сизлардан бирингиз рўза оғзини очадиган бўлса, хурмода очсин, чунки у баракалидир. Агар хурмо топа олмаса, сувда очсин, чунки сув покловчидир. Аҳмад ривояти.

* إِذَا أَقَلَّ الرَّجُلُ الطَّعْمَ مُلَىءَ جَوْفُهُ نُورًا. (رواه الديلمي عن أبي هريرة)

73. Киши овқат ейишни озайтирса, қорни нурга тўлдирилади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* إِذَا أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ وَحَضَرَ الْعِشَاءُ فَأَبْدَءُوا بِالْعِشَاءِ. (رواه الشيخان)

74. Намозга иқомат айтилса ва емак ҳозир бўлиб қолса, емакдан бошланглар. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِذَا أَكَلَ أَحَدُكُمْ طَعَامًا فَلْيَذْكُرِ اسْمَ اللَّهِ تَعَالَى، فَإِنْ نَسِيَ أَنْ يَذْكُرَ اسْمَ اللَّهِ فِي أَوَّلِهِ فَلْيَقُلْ: «بِسْمِ اللَّهِ فِي أَوَّلِهِ وَآخِرِهِ». (رواه الترمذي)

75. Сизлардан бирингиз овқат тановул қиладиган бўлса, Аллоҳ таоло исмини зикр қилсин. Агар Аллоҳ исмини овқат аввалида зикр этишни унутса, «Бисмиллаҳи фий аввалиҳи ва ахириҳи», деб айтсин. *Термизий ривояти.*

* إِذَا أَكَلَ أَحَدُكُمْ فَلْيَاكُلْ بِيَمِينِهِ، وَلْيَشْرَبْ بِيَمِينِهِ، وَلْيَأْخُذْ بِيَمِينِهِ، وَلْيَعْطِ بِيَمِينِهِ. (رواه الحسن بن سفيان)

76. Сизлардан бирингиз таом тановул қиладиган бўлса, ўнг қўли билан есин. Ичимлик ичадиган бўлса, ўнг қўли ила ичсин. Бирор нарса оладиган бўлса, ўнг қўли билан олсин. Бирор нарса берадиган бўлса ҳам, ўнг қўли ила берсин. *Ҳасан ибн Суфён ривояти.*

* إِذَا أَمَّ أَحَدُكُمْ النَّاسَ فَلْيُخَفِّفْ، فَإِنَّ فِيهِمُ الصَّغِيرَ وَالْكَبِيرَ وَالضَّعِيفَ وَالْمَرِيضَ وَذَا الْحَاجَةِ، وَإِذَا صَلَّى لِنَفْسِهِ فَلْيُطَوِّلْ مَا شَاءَ. (رواه الترمذي عن أبي هريرة)

77. Сизлардан бирортангиз одамларга имомлик қиладиган бўлса, енгил ўқисин. Чунки улар орасида кичиклар, кексалар, заифлар, касаллар ва ҳожатмандлар бордир. Агар ўзи ўқийдиган бўлса, хоҳлаганича узун қилаверсин. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.*

* إِذَا أَنْفَقَتِ الْمَرْأَةُ مِنْ طَعَامِ بَيْتِهَا غَيْرَ مُفْسِدَةٍ كَانَ لَهَا أَجْرُهَا بِمَا أَنْفَقَتْ وَلِزَوْجِهَا أَجْرُهُ بِمَا كَسَبَ وَلِلْخَاوِزِ مِثْلُ ذَلِكَ، لَا يَنْقُصُ بَعْضُهُمْ أَجْرَ بَعْضٍ شَيْئًا. (رواه الشيخان عن عائشة)

78. Агар аёл эри хонадонидаги нарсадан фасод этмаган ҳолда инфоқ қилса, у аёл инфоқ қилгани учун, эри касб қилиб топгани учун, хазиначи ҳам ана шулар каби ажрга эришади. Буларнинг баъзиси сабабли бошқасининг савобидан камайтирилмайди. *Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* إِذَا تَنَاءَبَ أَحَدُكُمْ فَلْيَضَعْ يَدَهُ عَلَىٰ فِيهِ، وَلَا يَعْوِي فَإِنَّ الشَّيْطَانَ يَضْحَكُ مِنْهُ. (رواه ابن ماجه عن أبي هريرة)

79. Қайси бирингиз эснаса, қўлини оғзига қўйсин, (итга ўхшаб) увулламасин. Чунки шайтон шу ишидан кулади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.

* إِذَا تَمَّ فُجُورُ الْعَبْدِ مَلَكَ عَيْنَيْهِ فَبَكَى بِمَا مَتَى شَاءَ. (رواه ابن عدى عن عتبة بن عامر)

80. Қайси бандада фиску фужур сифати мукаммал бўлса, икки кўзига эгалик қила олади – қачон хоҳласа, йиғлай олади. Уқба ибн Омир (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Адий ривояти.

* إِذَا تَرَكَ الْعَبْدُ الدُّعَاءَ لِلْوَالِدَيْنِ فَإِنَّهُ يَنْقَطِعُ عَنْهُ الرِّزْقُ. (رواه الديلمي)

81. Банда ота-онаси ҳақиға дуо қилишни тарк қилса, унинг ризқи узилади. Дайлабий ривояти.

* إِذَا جَامَعَ أَحَدُكُمْ امْرَأَتَهُ فَلَا يَتَنَحَّى حَتَّى تَقْضِيَ حَاجَتَهَا كَمَا يُحِبُّ أَنْ يَقْضِيَ حَاجَتَهُ. (رواه ابن عدى عن طلق)

82. Сизлардан бирингиз хотинини жимоъ қилса, у киши ўз ҳожатини чиқаришни яхши кўрганидек, хотинининг ҳам ҳожати чиқишига тўсқинлик қилмасин. Талқ (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Адий ривояти.

* إِذَا حَضَرْتُمْ مَوَاتِكُمْ فَأَغْمِضُوا الْبَصَرَ، فَإِنَّ الْبَصَرَ يَتَّبِعُ الرُّوحَ وَقُولُوا خَيْرًا فَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ تُؤْمِنُ عَلَىٰ مَا يَقُولُ أَهْلُ الْمَيِّتِ. (رواه أحمد عن شداد بن أوس)

83. Ўликларингиз олдида ҳозир бўлсангиз, кўзини юмиб қўйинглар. Чунки кўз (чикиб кетаётган) руҳга эргашади. Ва яна ўша ўлик ҳақида яхши сўзларни айтинглари. Фаришталар ўликнинг аҳли айтаётган дуога омин

(қабул қил), деб туришади. Шаддод ибн Авс (розияллоҳу анҳу) дан. Аҳмад ривояти.

* إِذَا حَكَمَ الْحَاكِمُ فَاجْتَهَدَ فَأَصَابَ فَلَهُ أَجْرَانِ، وَإِذَا حَكَمَ فَأَخْطَأَ فَلَهُ أَجْرٌ وَاحِدٌ. (رواه البخاري ومسلم)

84. Ҳоким бирор ҳукм чиқариш учун ижтиҳод қилса ва у ҳукм тўғри чиқса, иккита ажр бўлади. Борди-ю, қилган ҳукмида хатога йўл қўйса, унга битта ажр бўлади. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِذَا خَتَمَ الْعَبْدُ الْقُرْآنَ صَلَّى عَلَيْهِ عِنْدَ خَتْمِهِ سِتُّونَ أَلْفَ مَلَكٍ. (رواه الديلمي عن عمرو بن شعيب)

85. Агар банда Қуръонни хатм қиладиган бўлса, хатм қилаётган пайтида олтмиш минг фаришта унга салавот айтиб туради. Амр ибн Шуъайб (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* إِذَا خَرَجَ أَحَدُكُمْ إِلَى سَفَرٍ فَلْيُودِّعْ إِخْوَانَهُ، فَإِنَّ اللَّهَ جَاعِلٌ فِي دُعَائِهِمُ الْبَرَكَةَ. (رواه ابن عساكر عن زيد بن أرقم)

86. Сизлардан бирингиз сафарга чиқадиган бўлса, биродарларидан дуо талаб қилсин. Чунки Аллоҳ таоло уларнинг дуолари сабабидан барака ато этувчидир. Зайд ибн Арқам (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.

* إِذَا دَخَلَ أَحَدُكُمْ إِلَى الْقَوْمِ فَأُوسِعْ لَهُ فَلْيَجْلِسْ، فَإِنَّمَا هِيَ كَرَامَةٌ مِنَ اللَّهِ أَكْرَمُهُ بِهَا أَخُوهُ الْمُسْلِمُ. فَإِنْ لَمْ يُوسِعْ لَهُ فَلْيَنْظُرْ أَوْسَعَهَا مَكَانًا فَلْيَجْلِسْ فِيهِ. (رواه الحارث عن أبي شيبة الخُدري)

87. Сизлардан бирингиз бирор қавм ҳузурига кирса ва қавм у кишига жой берса, ўша ерга ўтирсин. Чунки бу муомала Аллоҳ томонидан юборилган каромат бўлиб, ўша сабабли мусулмон биродари унга қарам кўрсатган.

Борди-ю, у кишига жой бермаса, бўш жой топиб, ўша ерга ўтирсин. *Абу Шайба Худрий (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳорис ривоят).*

* إِذَا دَخَلَ الضَّيْفُ عَلَى الْقَوْمِ دَخَلَ بَرَزَقِهِ، وَإِذَا خَرَجَ خَرَجَ بِمَغْفِرَةٍ ذُنُوبِهِمْ. (رواه الديلمي عن أنس)

88. Меҳмон бирор қавм ҳузурига кирса, ризки билан киради. У ердан чиқишида уларнинг гуноҳлари учун мағфират билан чиқади. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Дайламий ривояти.*

* إِذَا دَعَا الرَّجُلُ امْرَأَتَهُ إِلَى فِرَاشِهِ فَأَبَتْ، عَلَيْهِ فَبَاتَ وَهُوَ غَضْبَانٌ لَعْنَتُهَا الْمَلَائِكَةُ حَتَّى تَضُحَّيْ. (رواه أحمد عن أبي هريرة)

89. Агар киши ўз хотинини (жимоъ мақсадида) тўшагига чақирса-ю, у хотин бундан бош тортса ва эри кечани унинг қилган ишидан ғазабланиб ўтказса, фаришталар тонг отгунча у хотинни лаънатлаб чиқишади. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.*

* إِذَا دُعِيَ أَحَدُكُمْ إِلَى الْوَلِيمَةِ فَلْيَأْتِهَا. (رواه البخاري ومسلم)

90. Сизлардан бирингиз тўйга таклиф этилса, у ерга борсин. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* إِذَا دَخَلَ أَحَدُكُمُ الْمَسْجِدَ فَلْيَرْكَعْ رَكَعَتَيْنِ قَبْلَ أَنْ يَجْلِسَ. (رواه الجماعة)

91. Сизлардан бирингиз масжидга кирса, ўтиришдан олдин икки ракат намоз ўқисин. *Жамоат ривояти.*

* إِذَا دَخَلَ شَهْرُ رَمَضَانَ فَتُحْتُ أَبْوَابُ السَّمَاءِ، وَغُلِقَتْ أَبْوَابُ جَهَنَّمَ وَسُلِسَتْ الشَّيَاطِينُ. (رواه الشيخان)

92. Рамазон оyi кирса, осмон эшиклари очилиб, дўзах эшиклари ёпилади, шайтонлар занжирбанд қилинади. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* إِذَا رَأَى أَحَدُكُمْ الرُّؤْيَا يَكْرَهُهَا فَلْيَبْصُقْ عَنْ يَسَارِهِ ثَلَاثًا، وَلْيَسْتَعِذْ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ ثَلَاثًا وَلْيَتَحَوَّلْ عَنْ جَنْبِهِ الَّذِي كَانَ عَلَيْهِ. (رواه مسلم عن جابر)

93. Сизлардан бирингиз ёмон кўрадиган нарсасини тушида кўрса, чап томонига уч марта туфласин ва Аллоҳ номи ила шайтондан уч бора паноҳ тиласин ҳамда ётган томонидан бошқа тарафига ўгирилиб олсин. *Жобир (розияллоҳу анҳу)дан Муслим ривояти*.

* إِذَا رَأَى أَحَدُكُمْ رُؤْيَا يُحِبُّهَا فَإِنَّمَا هِيَ مِنَ اللَّهِ فَلْيَحْمَدِ اللَّهَ عَلَيْهَا وَلْيَحْدِثْ بِهَا، وَإِذَا رَأَى غَيْرَ ذَلِكَ مِمَّا يَكْرَهُ فَإِنَّمَا هِيَ مِنَ الشَّيْطَانِ، فَلْيَسْتَعِذْ بِاللَّهِ وَلَا يَذْكُرْهَا لِأَحَدٍ فَإِنَّهَا لَا تَضُرُّهُ. (رواه البخاري عن أبي سعيد)

94. Сизлардан бирингиз ўзи яхши кўрадиган туш кўрса, ўша туши Аллоҳдандир. Шундай туш кўргани учун Аллоҳга ҳамд айтсин ва уни одамларга гапираверсин. Агар ундан бошқасини, яъни ёқимсиз туш кўрса, ўша туши шайтондандир. У тушдан Аллоҳ номи ила паноҳ тиласин ва уни ҳеч кимга сўзламасин. Ана шунда ўша туши зарар бера олмайди. *Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти*.

* إِذَا رَأَيْتُمْ عَمُودًا أَحْمَرَ مِنْ قِبَلِ الْمَشْرِقِ فِي شَهْرِ رَمَضَانَ فَأَدْخِرُوا طَعَامَ سَنَتِكُمْ فَإِنَّهَا سَنَةٌ جُوع. (رواه الطبراني)

95. Рамазон ойида машрик томонда устун шаклидаги қизил ёруғликни кўрсангизлар, (қалбингиз хотиржам бўлиши учун) бир йиллик таом захира қилиб қўйинглар. Чунки у келаси йил очлик йили бўлиши мумкинлигидан нишонадир. *Табароний ривояти*.

* إِذَا رَأَى أَحَدُكُمْ جَنَازَةً فَإِنْ لَمْ يَكُنْ مَاشِيًا مَعَهَا فَلْيَقُمْ حَتَّى يُخْلَفَهَا أَوْ تَخْلَفَهُ أَوْ تَوْضَعَ مِنْ قَبْلِ أَنْ تُخْلَفَهُ. (رواه البخاري ومسلم)

96. Сизлардан бирингиз тобут кўрса ва у билан бирга кетмаётган бўлса, тобут уни орқада қолдиргунча ёки ўзи орқада қолгунча ёхуд орқада қолдиришдан олдин ерга қўйилгунча тек турсин. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* إِذَا رَأَى أَحَدُكُمْ امْرَأَةً حَسَنَاءَ فَأَعْجَبَتْهُ فَلْيَاتِ أَهْلَهُ، فَإِنَّ الْبُضْعَ وَاحِدٌ، وَمَعَهَا مِثْلُ الَّذِي مَعَهَا. (رواه الخطيب عن عمر)

97. Сизлардан бирингиз чиройли хотинни кўриб, ёқтириб қолса, ўз хотини ҳузурига келсин. Чунки фарж (жинсий аъзо) бир хилдир. Ундаги бор нарса бунда ҳам бордир. *Умар (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.*

* إِذَا رَأَى أَحَدُكُمْ بِأَخِيهِ بَلَاءً فَلْيَحْمَدِ اللَّهَ وَلَا يُسْمِعْهُ ذَلِكَ. (رواه ابن النجار عن جابر)

98. Сизлардан бирингиз биродари устида синов (имтиҳон) бўлаётганини кўрса, унга эшиттирмасдан (Аллоҳ уни сақлагани учун) Аллоҳга ҳамд айтсин. *Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Нажжор ривояти.*

* إِذَا رَأَيْتُمُ الرَّجُلَ يَعْتَادُ الْمَسَاجِدَ فَاشْهَدُوا لَهُ بِالْإِيمَانِ. (رواه البيهقي عن أبي سعيد)

99. Масжидга чиқишни одат қилган кишини кўрсангизлар, у киши имонли эканига гувоҳ бўлинглар. *Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* إِذَا رَأَيْتُمُ الْحَرِيقَ فَكَبِّرُوا، فَإِنَّ التَّكْبِيرَ يُطْفِئُهُ. (رواه ابن عساكر)

100. Ёнғин кўрсангизлар, такбир айтинглар. Чунки такбир ўша ёнғинни ўчиради. *Ибн Асокир ривояти.*

إِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِقَوْمٍ سُوءًا جَعَلَ أَمْرَهُمْ إِلَى مُتَرَفِعِهِمْ. (رواه الديلمي)

101. Аллоҳ таоло бир қавмга ёмонликни хоҳласа, уларнинг ишларини ҳаддан ошувчи золимлар қўлида қилиб қўяди. *Дайлабий ривояти.*

* إِذَا سَأَلْتُمُ اللَّهَ فَاسْأَلُوهُ بِبُطُونٍ أَكْفَكُمُ وَلَا تَسْأَلُوهُ بَظُهُورِهَا ثُمَّ لَا تَرُدُّهَا حَتَّى تَمْسَحُوا بِهَا وَجُوهَكُمْ، فَإِنَّ اللَّهَ جَاعِلٌ فِيهَا بَرَكَةً. (رواه أبو داود)

102. Аллоҳдан бирор нарса сўрасангизлар, кафтларингизнинг ичи билан сўранг. Устида сўраманглар ҳамда кафтингизнинг ичини юзингизга суртмагунингизча туширманглар. Ана шундай қилсангиз, Аллоҳ унда барака барпо этади. *Абу Довуд ривояти.*

* إِذَا سَأَلَ أَحَدُكُمْ رَبَّهُ مَسْأَلَةً فَتَعَرَّفَ الْإِجَابَةَ فَلْيَقُلْ (الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي بِنِعْمَتِهِ تَتِمُّ الصَّالِحَاتُ) وَمَنْ أَبْطَأَ عَنْهُ ذَلِكَ فَلْيَقُلْ (الْحَمْدُ لِلَّهِ عَلَى كُلِّ حَالٍ). (رواه البيهقي عن أبي هريرة)

103. Сизлардан бирингиз Раббисидан бирор нарса сўраса ва ўша сўраган нарсаси ижобат бўлганини билса, «Алҳамду лиллаҳиллазий биниъматиҳи татиммус солиҳат», яъни, «Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, У берган неъматлар сабабли солиҳ нарсалар мукамал бўлади», деб айтсин. Агар сўраган нарсаси кечиктирилса, «Алҳамду лиллаҳи ъала кулли ҳол», яъни, «Аллоҳга барча ҳолатларда ҳамд бўлсин», деб айтсин. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* إِذَا سَرَّتْكَ حَسَنَتُكَ. وَسَاءَتْكَ سَيِّئَتُكَ فَأَنْتَ مُؤْمِنٌ. (رواه الضياء عن أبي أمامة)

104. Агар яхшилигинг сени хурсанд қилса, ёмонлигинг хафа этса, демак, сен мўминсан. *Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Зиё ривояти.*

* إِذَا سَمَّيْتُمُ الْوَلَدَ مُحَمَّدًا فَأَكْرَمُوهُ، وَأَوْسِعُوا لَهُ فِي الْمَجْلِسِ وَلَا تَقْبَحُوا لَهُ وَجْهًا. (رواه الخطيب عن علي)

105. Фарзандларингиз исмини Муҳаммад деб номласангиз, уни ҳурмат қилинг, мажлисда кенг жой беринг ва

юзингни хунук қилсин, деб сўкманг. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.

* إِذَا شَرِبْتُمُ الْمَاءَ فَأَشْرَبُوهُ مَصًّا، وَلَا تَشْرَبُوهُ عَبًّا: فَإِنَّ الْعَبَّ يُوْرِثُ الْكِبَادَ.
(رواه الديلمي)

106. Сув ичганда, нафас олиб ичинг. Нафас олмасдан ичманг, чунки нафас олмасдан ичиш жигар хасталигини келтириб чиқаради. Дайлабий ривояти.

* إِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ فَلْيَصِلْ صَلَاةَ مُودَعٍ صَلَاةَ مَنْ لَا يَظُنُّ أَنَّهُ يَرْجِعُ إِلَيْهَا أَبَدًا. (رواه الديلمي عن أم سلمة)

107. Сизлардан бирингиз намоз ўқийдиган бўлса, унга қайтишни ҳечам гумон қилмайдиган кишидек видолашув намози ўқисин. Умму Салама (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* إِذَا صَلَّتِ الْمَرْأَةُ خَمْسَهَا، وَصَامَتْ شَهْرَهَا، وَحَفِظَتْ فَرْجَهَا، وَأَطَاعَتْ زَوْجَهَا دَخَلَتْ الْجَنَّةَ. (رواه البزار عن أنس)

108. Агар аёл беш вақт намозини ўқиса, бир ой рўзасини тутса, номусини ҳимоя қилиб, эрига итоат этса, жаннатга киради. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Баззор ривояти.

* إِذَا ضَيَّعَتِ الْأَمَانَةَ فَانْتَظِرِ السَّاعَةَ، قَالَ، كَيْفَ إِضَاعَتُهَا يَا رَسُولَ اللَّهِ؟
قَالَ: إِذَا أَسْنَدَ الْأَمْرُ إِلَى غَيْرِ أَهْلِهِ فَانْتَظِرِ السَّاعَةَ. (رواه البخاري)

109. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар омонатлар зое қилинса, қиёматни кут», деганларида, саҳобалардан бири: «Ё Аллоҳнинг Расули, омонатнинг зое бўлиши қандай?» деди. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар ишлар ўз аҳлидан бўлмаган кишилар қўлига топшириб қўйилса, қиёматни кутавер», дедилар. Бухорий ривояти.

* إِذَا ضَرَبَ الْعَبْدَ فَلْيَجْتَنِبِ الْوَجْهَ. (رواه البخاري)

110. Сизлардан бирингиз урадиган бўлса, юзга уришдан сақлансин. *Бухорий ривояти.*

* إِذَا طَلَعَتِ الثَّرْيَا أَمِنَ الزَّارِعُ مِنَ الْعَاهَةِ. (رواه الطبراني)

111. Агар Сурайё (юлдузи) чиқса, экин экувчи офатлардан омонда бўлибди. *Табароний ривояти.*

* إِذَا طُنْتُ أُذُنُ أَحَدِكُمْ فَلْيَذْكُرْنِي، وَلْيُصَلِّ عَلَيَّ، وَلْيَقُلْ ذَكَرَ اللَّهُ مَنْ ذَكَرْنِي. (رواه ابن عدي عن أبي رافع)

112. Сизлардан бирингизнинг қулоғи ғувилласа, мени эсласин ва менга салават айтсин ҳамда «Закараллоҳу ва ман закараний бихайрин» (Мени эслаган кишини Аллоҳ яхшилик билан эсласин), деб айтсин. *Абу Рофеъ (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Адий ривояти.*

* إِذَا عَطَسَ أَحَدُكُمْ فَلْيَقُلْ (الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ) وَلْيَقُلْ لَهُ أَوْ صَاحِبُهُ (يَرْحَمُكَ اللَّهُ) فَإِذَا قَالَ لَهُ يَرْحَمُكَ اللَّهُ فَلْيَقُلْ هُوَ يَهْدِيكُمْ اللَّهُ وَيُصْلِحْ بَالَكُمْ. (رواه أبو داود والنسائي)

113. Сизлардан бирингиз акса урадиган бўлса, «Алҳамдулиллаҳи раббил аъламин», деб айтсин. Уни эшитган биродари ёки дўсти «Ярҳамукаллоҳу», яъни «Аллоҳ сенга раҳм қилсин», дея тилак билдирсин. «Ярҳамукаллоҳ», деса, акса урган киши «Яҳдикумуллоҳу ва юслиҳ балакум», яъни «Аллоҳ сизни ҳидоятига бошлаб, шаънингизни ислоҳ этсин», деб айтсин. *Абу Довуд ва Насоий ривояти.*

* إِذَا عَرَفَ الْغُلَامُ يَمِينَهُ مِنْ شِمَالِهِ فَمُرَّوهُ بِالصَّلَاةِ. (رواه أبو داود)

114. Агар фарзанд ўнг қўли билан чап қўлини таниса, намозга буюринг. *Абу Довуд ривояти.*

* إِذَا عَظَّمْتَ أُمَّتِي الدُّنْيَا نَزَعَتْ مِنْهَا هَيْبَةُ الْإِسْلَامِ، وَإِذَا تَرَكْتَ الْأَمْرَ بِالْمَعْرُوفِ وَالنَّهْيِ عَنِ الْمُنْكَرِ حُرِمْتَ بَرَكَةِ الْوَحْيِ. (رواه الترمذي)

115. Умматимда мол-дунё улуғ нарса бўлиб қолса, улардан Ислом ҳайбати тортиб олинади. Агар амру маъруф, наҳйи мункарни тарк қилишса, ваҳий баракасидан маҳрум қилинади. Термизий ривояти.

* إِذَا قُلْتَ لِصَاحِبِكَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ أَنْصِتْ - وَالْإِمَامُ يَخْطُبُ - فَقَدْ لَغَوْتَ. (رواه البخاري)

116. Жума куни имом хутба айтиб турганида, ёнинг-даги кишига «Жим бўл», десанг, батаҳқиқ, лағв-бефойда ишни қилибсан. Бухорий ривояти.

* إِذَا قَالَ (يَا رَبِّ يَا رَبِّ) قَالَ اللَّهُ: لَبَّيْكَ عَبْدِي، سَلْ تُعْطَ. (رواه ابن أبي الدنيا عن عائشة)

117. Банда «Ё Раббим, ё Раббим!» деса, Аллоҳ таоло: «Лаббай, эй бандам! Сўрагин, ўша сўраганинг берилади», дейди. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Ибн Абу Дунё ривояти.

* إِذَا قَامَ الْعَبْدُ فِي صَلَاتِهِ ذُرُّ الْبِرِّ عَلَى رَأْسِهِ حَتَّى يَرْكَعَ. فَإِذَا رَكَعَ عَلَتْهُ رَحْمَةُ اللَّهِ حَتَّى يَسْجُدَ، وَالسَّاجِدُ يَسْجُدُ عَلَى قَدَمَيِ اللَّهِ تَعَالَى فَلْيَسْأَلْ وَلْيَرْغَبْ. (رواه سعيد بن منصور عن أبي عمار مرسلًا)

118. Банда намозга қоим бўлса, руку қилгунигача боши (хаёли)га яхшилик зоҳир бўлади. Руку қилса, то саждани адо этгунича Аллоҳнинг раҳмати олий бўлади. Сажда қилувчи Аллоҳнинг ҳузурида сажда қилади. Шу ҳолатдалигида Аллоҳдан сўрасин ва сўрашга рағбат қилсин. Абу Аммор (розияллоҳу анҳу)дан. Саид ибн Мансур мурсал ҳолатда қилган ривоят.

* إِذَا قَرَأَ ابْنُ آدَمَ السَّجْدَةَ، فَسَجَدَ، اعْتَزَلَ الشَّيْطَانُ يَبْكِي يَقُولُ: يَا وَيْلَهُ أَمَرَ ابْنُ آدَمَ بِالسُّجُودِ فَسَجَدَ فَلَهُ الْجَنَّةُ، وَأَمَرْتُ بِالسُّجُودِ فَعَصَيْتُ فَلِيَ النَّارُ. (رواه مسلم عن أبي هريرة)

119. Одам боласи сажда (ояти)ни ўқиб сажда қилса, шайтон ундан узоқлашиб, йиғлайди ва: «Аттанг! Одам боласига сажда қил, деб буюрилганда сажда қилди ва жаннатга эришди. Мен ҳам сажда қилишга буюрилдим, лекин бош тортдим ва менга дўзах берилди», деб айтади. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Муслим ривояти.

* إِذَا أُقِيِمَتِ الصَّلَاةُ فَلَا تَأْتُوهَا تَسْعَوْنَ. وَأَتُوهَا تَمْشُونَ، عَلَيْكُمْ السَّكِينَةُ، فَمَا أَدْرَكْتُمْ فَصَلُّوا، وَمَا فَاتَكُمْ فَأَتُّوْا. (رواه البخاري ومسلم)

120. Намозга иқомат (такбир) айтилса, югуриб келманг, балки оҳиста юриб келинг. Ўзингизга хотиржамликни лозим тутинг. У намозда топганингизни ўқинг. Топа олмаганингизни (кейин) тўлдириб қўйинг. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِذَا قُمْتَ إِلَى الصَّلَاةِ فَكَبِّرْ، ثُمَّ اقْرَأْ مَا تيسَّرَ مَعَكَ مِنَ الْقُرْآنِ ثُمَّ ارْكَعْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ رَاكِعًا، ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَعْدَلَ قَائِمًا، ثُمَّ اسْجُدْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ سَاجِدًا، ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ جَالِسًا، ثُمَّ افْعَلْ ذَلِكَ فِي صَلَاتِكَ كُلِّهَا. (رواه البخاري ومسلم)

121. Намозга иқомат айтилса, такбир ўқиб (қулоғинг юмшоғига қўлингни етказ). Кейин Қуръондан ёдлаганларингни хоҳлаганингча ўқи. Сўнгра руку қил ва ўша рукуингда хотиржам бўлгунингча эгил. Кейин рукуингдан бошингни кўтар, то тик туриб хотиржам бўлгунингча. Сўнгра сажда қил, то унда хотиржам бўлгунингча. Ундан бошингни кўтар, то хотиржам ўтиргунигча. Кейин (иккинчи) саждани бажар, то хотиржам

бўлгунингча. Сўнгра бутун намозингни ана шундай ба-
жар. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* إِذَا قَرَّبَ إِلَى أَحَدِكُمْ طَعَامُهُ فِي رِجْلَيْهِ نَعْلَانِ فَلْيَنْزِعْ نَعْلَيْهِ؛ فَإِنَّهُ أَرَوْحَ
لِلْقَدَمَيْنِ: وَهُوَ مِنَ السَّنَةِ. (رواه أبو يعلى عن أنس)

122. Сизлардан бирингизга таом ҳозирланса-ю, унинг оёғида пойабзали бўлса, ўша пойабзалини ечсин. Чунки мана шундай қилишда икки оёққа роҳатланиш бор (ва у суннат амалдир). Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Яъло ривояти.

* إِذَا كَثُرَتْ ذُنُوبُ الْعَبْدِ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ مَا يُكَفِّرُهَا مِنَ الْعَمَلِ مَا يُكَفِّرُهَا
أَبْتَلَاهُ اللَّهُ بِالْحَزَنِ لِيُكَفِّرَ عَنْهُ. (رواه أحمد عن عائشة)

123. Агар банданинг гуноҳи кўпайиб кетса ва унда гуноҳини каффорат қиладиган амали бўлмаса, Аллоҳ таоло унга хафалик етказиш ила гуноҳларига каффорат бўлиши учун имтиҳон қилади. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Аҳмад ривояти.

* إِذَا كَانَ آخِرُ الزَّمَانِ كَانَ قَوْمٌ دِينِ النَّاسِ وَدُنْيَاهُمْ الدَّرَاهِمُ وَالْدَّنَانِيرُ.
(رواه الطبراني)

124. Замон охирлаганда, инсонларнинг дин ва дунё-лари устун дирҳам ва динорлар бўлади. Табароний ривояти.

* إِذَا مَاتَ وَلَدُ الْعَبْدِ قَالَ اللَّهُ لِمَلَائِكَتِهِ: (قَبِضْتُمْ وَلَدَ عَبْدِي) فَيَقُولُونَ:
نَعَمْ، فَيَقُولُ: (قَبِضْتُمْ ثَمَرَةَ فُؤَادِهِ) فَيَقُولُونَ: نَعَمْ، فَيَقُولُ: (مَاذَا قَالَ
عَبْدِي) فَيَقُولُونَ حَمْدَكَ وَاسْتَرجِعْ، فَيَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى: (ابْنُوا لِعَبْدِي بَيْتًا فِي
الْجَنَّةِ وَسَمُّوهُ بَيْتَ الْحَمْدِ). (رواه الترمذي عن أبي موسى)

125. Агар бирор банданинг фарзанди вафот этса, Аллоҳ таоло фаришталарига: «Бандам фарзандининг

руҳини қабз қилдинглари, яъни вафот эттирдинглари?” деса, фаришталар: «Ҳа» дейишади. Аллоҳ таоло: «Қалби мевасини қабз қилдинглари?» деса, улар: «Ҳа», дейишади. Аллоҳ таоло: «Бандам нима деди?», деб сўраса, фаришталар: «Сенга ҳамд ва истиржоъ – яъни «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун» деб айтди, дейишади. Шунда Аллоҳ таоло: «Бандам учун жаннатда бир уй қуринглари ва уни «ҳамд уйи» деб номланглари, дейди. Абу Мусо (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* إِذَا مَاتَ الْإِنْسَانُ انْقَطَعَ عَمَلُهُ إِلَّا مِنْ ثَلَاثٍ: مِنْ صَدَقَةٍ جَارِيَةٍ أَوْ عِلْمٍ يُنْتَفَعُ بِهِ، أَوْ وَلَدٍ صَالِحٍ يَدْعُو لَهُ. (роҳ муслим)

126. Инсон вафот этганда, амали ундан узилади. Лекин уч нарсда узилмасдан, бардавом бўлади. 1. Жорий қилиб қўйган садақасида. 2. Фойда берадиган илмида. 3. Дуо қилувчи солиҳ фарзандида. Муслим ривояти.

* إِذَا نَزَلَ بِكُمْ كَرْبٌ أَوْ جَهْدٌ أَوْ بَلَاءٌ فَقُولُوا: (اللَّهُ رَبَّنَا لَا شَرِيكَ لَهُ). (роҳ биҳқи عن ابن عباس)

127. Сизларга бирор машаққат ёки қийинчилик, ёхуд бало етадиган бўлса, «Аллоҳу раббуна ла шарийка лаҳу», яъни «Аллоҳ Раббимиздир, Унинг шериги йўқдир», деб айтинглари. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Байҳақий ривояти.

* إِذَا نَظَرَ أَحَدُكُمْ إِلَى مَنْ فَضَّلَ عَلَيْهِ فِي الْمَالِ وَالْخَلْقِ فَلْيَنْظُرْ إِلَى مَنْ هُوَ أَسْفَلُ مِنْهُ. (роҳ الشихан عن أبي هريرة)

128. Сизлардан бирингиз мол-дунё ва халқ қилинишда фазилатли кишига қарамоқчи бўлса, ўзидан пастроғига қарасин. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِذَا هَمَّ أَحَدُكُمْ بِالْأَمْرِ فَلْيَرْكَعْ رَكَعَتَيْنِ مِنْ غَيْرِ الْفَرِيضَةِ، ثُمَّ لِيَقُلْ:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْتَخِيرُكَ بِعِلْمِكَ، وَأَسْتَقْدِرُكَ بِقُدْرَتِكَ، وَأَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ الْعَظِيمِ فَإِنَّكَ تَقْدِرُ وَلَا أَقْدِرُ، وَتَعْلَمُ وَلَا أَعْلَمُ، وَأَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوبِ، اللَّهُمَّ إِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ خَيْرٌ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي فَأَقْدرْهُ لِي وَيَسِّرْهُ لِي، ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ، وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ شَرٌّ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي فَاصْرِفْهُ عَنِّي، وَاصْرِفْني عَنْهُ، وَاقْدرْ لِي الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ، ثُمَّ أَرْضِنِي بِهِ، قَالَ: وَيُسَمِّي حَاجَتَهُ. (رواه البخاري)

129. Бирортангиз бир ишни қасд қилса, фарздан ташқари икки ракат намоз ўқисин. Сўнг: «Аллоҳумма инний астахийрука биъилмика, ва астақдирука биқудротика ва ас'алука мин фазликал ъазийм. Фаиннака тақдиру ва ла ақдиру ва таъламу ва ла аъламу ва анта ъалламул ғуйуб. Аллоҳумма ин кунта таъламу анна ҳазал амро хойрун лий фий дийний ва маъаший ва ъақибати амрий, ъажили амрий ва ажилиҳи, фақдурҳу лий ва йассирҳу лий, сумма барик лий фийҳи ва ин кунта таъламу анна ҳазал амро шаррун лий фий дийний ва маъаший ва ъақибати амрий, ъажили амрий ва ажилиҳи фасрифҳу ъанний вақдурлийал хойро ҳайсу кана сумма роззиний бих», деб ҳожатини айтсин», дедилар. (Яъни: Ё Аллоҳ! Сенинг илминг билан Сендан яхшилик сўрайман. Сенинг қудратинг билан Сендан қодирлик ва улуг фазлингни сўрайман. Сен (ҳар нарсаса) қодирсан, мен қодир эмасман. Сен (ҳар нарсани) билувчисан, мен билмайман. Сен ғайбни билувчисан. Ё Раббим, агар мана шу қилаётган ишим (ҳожатининг номини айтади) динимда, яшашимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун яхши бўлса, уни менга насиб эт ва осон қил. Сўнг уни менга баракотли эт. Агар мана шу ишим (ҳожатининг номини айтади) динимда, яшашимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун ёмон бўлса, мендан уни узоқлаштир, қаерда бўлса ҳам, мен учун яхшиликни тақдир қил ва мени ундан рози эт). Бухорий ривояти.

* إِذَا وُضِعَتِ الْجَنَازَةُ وَاحْتَمَلَهَا الرَّجَالُ عَلَى أَعْنَاقِهِمْ، فَإِنْ كَانَتْ صَالِحَةً قَالَتْ: قَدُمُونِي، وَإِنْ كَانَتْ غَيْرَ صَالِحَةٍ قَالَتْ: يَا وَيْلَهَا أَيْنَ يَذْهَبُونَ بِهَا، يَسْمَعُ صَوْتَهَا كُلُّ شَيْءٍ إِلَّا الْإِنْسَانَ، وَلَوْ سَمِعَهُ لَصَعِقَ. (رواه البخاري)

130. Тобут ҳозирланиб, кишилар елкаларига қўйишганда, тобут ичидаги одам солиҳ бўлса, мени тезроқ олиб боринглар, дейди. Агар солиҳ бўлмаса, вой бўлсин, тобутни қаёққа олиб кетмоқдасизлар, дейди. Унинг овозини инсондан бошқа бутун борлиқ эшитади. Агар инсон эшитса, ҳалок бўлади. *Бухорий ривояти.*

* إِذَا وَسَدَ الْأَمْرُ إِلَى غَيْرِ أَهْلِهِ فَانْتَظِرِ السَّاعَةَ. (رواه البخاري)

131. Агар иш ўз аҳлидан бўлмаган кишига топшириб қўйилса, қиёматни кутавер *Бухорий ривояти.*

* إِذَا وَقَعَ فِي الرَّجُلِ وَأَنْتَ فِي مَلَأٍ فَكُنْ لِلرَّجُلِ نَاصِرًا، وَلِلْقَوْمِ زَاجِرًا، وَقُمْ عَنْهُمْ. (رواه ابن أبي الدنيا في ذم الغيبة عن أنس)

132. Бир жамоа ичида бўлганингда, улар бир одам ҳақида (ғийбат сўзларни) гапиришга шўнғишса, сен ўша ғийбат қилинаётган кишига ёрдамчи бўл. Қавмга дашном берувчи бўл ҳамда улар ичидан туриб кет. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. *Ибн Абу Дунё ривояти.*

* إِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِالْأَمِيرِ خَيْرًا جَعَلَ لَهُ وَزِيرَ صِدْقٍ، إِنْ نَسِيَ ذِكْرَهُ وَإِنْ ذَكَرَ أَعَانَهُ، وَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهِ غَيْرَ ذَلِكَ، جَعَلَ لَهُ وَزِيرَ سُوءٍ إِنْ نَسِيَ لَمْ يَذْكُرْهُ وَإِنْ ذَكَرَ لَمْ يُعْنَهُ. (رواه النسائي)

133. Аллоҳ таоло бир амирга яхшиликни хоҳласа, унинг учун ростгўй вазир насиб қилади. Агар амир бирор нарсани унутса, вазир унга эслатади. Агар эсласа, уни рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Борди-ю, Аллоҳ таоло бунинг аксини хоҳласа, унинг учун ёмон вазир насиб қилади. Ўша амир ниманидир унутса, унга эслатмайди.

Агар эсласа, уни рӯёбга чиқаришга ёрдам бермайди. *Насоий ривояти.*

* إِذَا أَكَلَ أَحَدُكُمْ مَعَ جَمَاعَةٍ وَشَبِعَ، فَلَا يَرْفَعُ يَدَهُ حَتَّى يَرْفَعَ الْقَوْمُ إِنَّهُ يُجِبُّ جَلِيسَهُ. (رواه البيهقي)

134. Сизлардан бирингиз жамоат билан овқатланаётганида тўйганини ҳис этса, токи қавм қўлини тортмагунча у ҳам қўлини тортмасин. Чунки ўшандай қилиши (қўлини тортиши) қавмни хижолатга олиб келади. *Байҳақий ривояти.*

* إِذَا حَجَّ الرَّجُلُ بِمَالٍ حَرَامٍ، فَقَالَ لَبَّيْكَ! قَالَ لَهُ عَزَّ وَجَلَّ: لَا لَبَّيْكَ وَلَا سَعْدِيكَ. (رواه الديلمي)

135. Киши ҳаром мол билан ҳаж қиладиган бўлса ва у (ҳаж) давомида «Лаббайка» деса, Аллоҳ таоло: «Сен учун лаббайка ҳам саъдайка ҳам йўқдир», дейди, яъни, унинг чақириқларига жавоб қайтармайди. *Дайлабий ривояти.*

* اذْكُرُوا مَحَاسِنَ مَوْتَاكُمْ، وَكُفُّوا عَنْ مَسَاوِيهِمْ. (رواه الترمذي عن ابن عمر)

136. Ўликларингизнинг яхшиликларини эсланг. Уларнинг ёмонликларини (эшлашдан) ўзингизни тийинг. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Термизий ривояти.*

* اذْيُبُوا طَعَامَكُمْ بِذِكْرِ اللَّهِ وَالصَّلَاةِ، وَلَا تَنَامُوا عَلَيْهِ فَتَقْسُو قُلُوبَكُمْ. (رواه أبو نعيم في الطب عن عائشة)

137. Таомларингизни Аллоҳнинг зикри ва намоз ила (ҳазм қилиб) сингдиринглар. Уни еб, уйқуга кетманглар. Агар шундай қиладиган бўлсангиз, қалбларингиз қотиб қолади. *Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Абу Нуайм ривояти.*

* أَرْبَعُ دَعَوَاتٍ لَا تُرَدُّ: دَعْوَةُ الْحَاجِّ حَتَّى يَرْجِعَ، وَدَعْوَةُ الْغَازِي حَتَّى يَصْدُرَ،

وَدَعْوَةُ الْمَرِيضِ حَتَّى يَبْرَأَ، وَدَعْوَةُ الْإِخِ لِإِخِيهِ بِظَهْرِ الْغَيْبِ وَأَسْرَعُ هَؤُلَاءِ
الدَّعَوَاتِ إِجَابَةُ دَعْوَةِ الْإِخِ لِإِخِيهِ بِظَهْرِ الْغَيْبِ. (رواه الديلمي عن ابن عباس)

138. Тўрт хил дуо рад этилмаиди: 1) ҳожининг қайтиб келгунгача дуоси; 2) ғозийнинг қайтгунгача дуоси; 3) касалнинг тузалгунгача дуоси; 4) биродарининг ғойибдан биродари учун қилган дуоси. Бу тўртовидан энг тез ижобат бўладигани ғойибдан биродари учун қилинган дуодир. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Дайлабий ривояти.

* أَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ كَانَ مُنَافِقًا خَالِصًا، وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ خَصْلَةٌ مِنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ خَصْلَةٌ مِنَ النَّفَاقِ حَتَّى يَدْعَهَا: إِذَا حَدَّثَ كَذِبًا، وَإِذَا عَاهَدَ أَخْلَفَ، وَإِذَا عَاهَدَ غَدَرَ، وَإِذَا خَاصَمَ فَجَرَ. (رواه الشيخان عن ابن عمر)

139. Кимда тўрт хил иллат бўлса, у ҳақиқий мунофиқдир. Кимда ана шулардан бирор хислат бўлса, токи ташлагунча унда нифоқликдан бир хислат сақланиб туради. (Яъни:) ғапирса, ёлғон гапиради. Ваъда берса, хилоф қилади. Аҳдлашса, хиёнат қилади. Хусуматлашса, гуноҳга ҳам қўл ураверади. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* أَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ حَرَّمَ اللَّهُ تَعَالَى عَلَى النَّارِ، وَعَصَمَهُ مِنَ الشَّيْطَانِ: مَنْ مَلَكَ نَفْسُهُ حِينَ يَرْغَبُ، وَحِينَ يَشْتَهِي، وَحِينَ يَغْضَبُ، وَأَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ نَشَرَ اللَّهُ تَعَالَى عَلَيْهِ رَحْمَتَهُ، وَأَدْخَلَهُ جَنَّتَهُ: مَنْ آوَى مِسْكِينًا، وَرَحِمَ الضَّعِيفَ، وَرَفَقَ بِالْمَمْلُوكِ، وَأَنْفَقَ عَلَى الْوَالِدَيْنِ. (رواه الحاكم)

140. Тўрт фазилат борки, кимда ана шу тўрталаси бўлса: рағбат қилиб турганда, кўрқиб турганда, иштаҳаси очилиб турганда ва ғазаби келиб турганда ўзини тутиб олса, Аллоҳ таоло ўша кишига дўзахни ҳаром қилиб, уни шайтондан сақлайди. Ва яна тўрт фазилат борки,

кимда ана шу тўрталаси бўлса: мискинга жой берса, заиф кишига раҳм қилса, қулларга мулойим бўлса, ота-онага (мол-мулкидан) инфоқ қилса, Аллоҳ таоло унга ўз раҳматини таратиб, жаннатга киритади. *Ҳоким ривояти.*

* أَرْبَعٌ مَنْ أُعْطِيَهُنَّ فَقَدْ أُعْطِيَ خَيْرَ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ: لِسَانٌ ذَاكِرٌ وَقَلْبٌ شَاكِرٌ، وَبَدَنٌ عَلَى الْبَلَاءِ صَابِرٌ، وَزَوْجَةٌ لَا تَبْغِيهِ خَوْفًا فِي نَفْسِهَا وَلَا مَالَهُ.
(رواه الطبراني عن ابن عباس)

141. Кимга тўрт нарса берилса, ўша кишига дунё ва охират яхшиликларидан берилибди: 1) зикр қилувчи тил; 2) шукр қилувчи қалб; 3) балоларга сабр қилувчи бадан; 4) бир аёлки, ўз жонидан хавф туйиб, боғийлик қилмайди ва эри молига тажовуз этмайди. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.*

* أَرْبَعٌ حَقَّ عَلَى اللَّهِ أَنْ لَا يَدْخُلَهُمُ الْجَنَّةَ، وَلَا يَذِيقَهُمْ نَعِيمَهَا: مُدْمِنٌ خَمْرٍ، وَآكِلُ الرِّبَا، وَآكِلُ مَالِ الْيَتِيمِ بِغَيْرِ حَقٍّ، وَالْعَاقُ لَوَالِدَيْهِ. (رواه الحاكم)

142. Тўрт тоифа кишилар борки, Аллоҳ уларни жаннатга киритмаслиги ва неъматини тоттирмаслиги ҳақдир, булар: 1) доимий ароқ ичувчи; 2) судхўрликдан келган нарсани еувчи; 3) етимнинг молини ноҳақ еувчи; 4) ота-онасига оқ бўлувчи кишилардир. *Ҳоким ривояти.*

* أَرْبَعٌ لَا يَشْبَعَنَّ مِنْ أَرْبَعٍ: أَرْضٌ مِنْ مَطَرٍ، وَأُنْثَى مِنْ ذَكَرٍ، وَعَيْنٌ مِنْ نَظَرٍ، وَعَالَمٌ مِنْ عِلْمٍ. (رواه الحاكم)

143. Тўрт нарса тўрт нарсага тўймайди: 1) ер ёмғирга; 2) аёл эракка; 3) кўз қарашга; 4) олим илмга. *Ҳоким ривояти.*

* أَرْبَعٌ مِنْ سَعَادَةِ الْمَرْءِ: أَنْ تَكُونَ زَوْجَتُهُ صَالِحَةً، وَأَوْلَادُهُ أَتْرَارًا، وَخُلَطَاؤُهُ صَالِحِينَ، وَأَنْ يَكُونَ رِزْقُهُ فِي بَلَدِهِ. (رواه الديلمي عن علي)

144. Тўрт нарса кишининг бахт-саодатидан далолатдир: 1) солиҳа хотин; 2) яхши фарзандлар; 3) солиҳ кишилар билан эл бўлиши; 4) ризқини ўз шахридан топиши. Ҳазрат Али (розияллоҳу аҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* أَرْبَعَةٌ يَبْغُضُهُمُ اللَّهُ تَعَالَى: الْبَيَّاعُ الْخَلَّافُ، وَالْفَقِيرُ الْمُخْتَالُ، وَالشَّيْخُ الزَّانِي، وَالْإِمَامُ الْجَائِرُ. (رواه النسائي عن أبي هريرة)

145. Тўрт тоифа кишига Аллоҳ таоло газаб қилади: 1) қасамхўр сотувчи; 2) мутакаббир камбағал; 3) зинокор қария; 4) золим бошлиққа. Абу Ҳурайра (розияллоҳу аҳу)дан. Насоий ривояти.

* أَرْبَعٌ مِنَ الشَّقَاءِ: جُمُودُ الْعَيْنِ، وَقَسْوَةُ الْقَلْبِ، وَالْحِرْصُ، وَطُولُ الْأَمَلِ. (رواه أبو نعيم عن أنس)

146. Тўрт нарса бахтсизликдан далолатдир: 1) ёш оқмайдиған кўз; 2) қалб торлиги; 3) ҳарислик (тамагирлик); 4) узун орзу. Анас (розияллоҳу аҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.

* أَرْبَعٌ لَا يُصْبَنُ إِلَّا بِعَجَبٍ: الصَّمْتُ، وَهُوَ أَوَّلُ الْعِبَادَةِ وَالتَّوَاضُّعُ وَذِكْرُ اللَّهِ، وَقِلَّةُ الشَّيْءِ. (رواه الطبراني عن أنس)

147. Тўрт нарса (кишида бир вақтнинг ўзида) жам бўлмайди. Фақат ажабланарли ҳолатда, яъни камдан-кам жам бўлиши мумкин. 1. Гапирмасдан, сукут қилиб юриш. Бу ибодатнинг аввалидир. 2. Тавозе. 3. Аллоҳнинг зикри. 4. Оз нарса. Анас (розияллоҳу аҳу)дан. Табароний ривояти.

* أَرْبَعٌ تَجْرِي عَلَيْهِمْ أَجُورُهُمْ بَعْدَ الْمَوْتِ: مَنْ مَاتَ مُرَابِطًا فِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَمَنْ عَلَّمَ عِلْمًا فَاجْرِيَ لَهُ عَمَلُهُ مَا عَمِلَ بِهِ، وَمَنْ تَصَدَّقَ بِصَدَقَةٍ فَاجْرَهَا يَجْرِي لَهُ مَا وَجَدَتْ، وَرَجُلٌ تَرَكَ وَلَدًا صَالِحًا فَهُوَ يَدْعُو لَهُ. (رواه الطبراني عن أبي أمامة)

148. Тўрт киши борки, уларнинг ажри вафот этгандан кейин ҳам давом этаверади. 1. Аллоҳ йўлида боғланган ҳолда вафот этган киши. 2. Бир илмни ўргатган инсон, унга амал қилганлар савобидан ҳам баҳраманд бўлади. 3. Бир киши садақа берса-ю, ўша садақа нимага етиб борса, у ҳам баҳраманд бўлади. 4. Бир одам солиҳ фарзанд қолдирса-ю, ўша боласи унинг ҳақиға дуо қилса. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* أَرْبَعَةٌ مِنْ كَنْزِ الْجَنَّةِ: إِخْفَاءُ الصَّدَقَةِ، وَكُتْمَانُ الْمُصِيبَةِ، وَصِلَةُ الرَّحِمِ، وَقَوْلُ «لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ». (رواه الخطيب عن علي)

149. Тўрт нарсa жаннат конларидандир: 1) садақани махфий қилиш; 2) мусибатни беркитиш; 3) қариндош-уруғлик ришталарини боғлаш; 4) «Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ» сўзи. Али (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.

* اَرْقِعُوا أَلْسِنَتَكُمْ عَنِ الْمُسْلِمِينَ، وَإِذَا مَاتَ أَحَدٌ مِنْهُمْ فَقُولُوا فِيهِ خَيْرًا. (رواه الطبراني عن سهل بن سعد)

150. Мусулмонларни гапиришдан тилларингизни тийинг. Агар улардан бирор киши вафот этса, у ҳақида фақат яхши сўзларни айтинг. Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* اَرْحَمُوا مِنَ النَّاسِ ثَلَاثَةً: عَزِيزَ قَوْمٍ ذَلٍّ، وَعَنِيَّ قَوْمٍ افْتَقَرُوا، وَعَالِمًا بَيْنَ جُهَالٍ. (رواه العسكري)

151. Кишилардан уч тоифасига раҳм айланг: 1) қавмининг хор бўлиб қолган обрўли вакилига; 2) қавмининг камбағалга айланган бой кишисига; 3) жоҳиллар орасида қолган олим одамга. Аскарий ривояти.

* اَزْهَدْ فِي الدُّنْيَا يُحِبُّكَ اللَّهُ، وَأَزْهَدْ فِيمَا فِي أَيْدِي النَّاسِ يُحِبُّكَ النَّاسُ. (رواه الحاكم عن سهل بن سعد)

152. Дунёда зоҳид бўлгин, Аллоҳ сени яхши кўради. Одамлар қўлидаги нарсада зоҳид (камсуқум) бўл. Инсонлар сени яхши кўради. Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* أَزْهَدُ النَّاسِ فِي الْعَالَمِ أَهْلُهُ، وَجَيْرَانُهُ. (رواه ابن عدي عن جابر)

153. Олимдан энг кам фойдаланадиганлар бу – унинг аҳли ва қўшниларидир. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Адий ривояти.

* أَزْهَدُ النَّاسِ مَنْ لَمْ يَنْسَ الْقَبْرَ وَالْبَلَى وَتَرَكَ أَفْضَلَ زِينَةِ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا، وَآثَرَ مَا يَبْقَى عَلَى مَا يَفْنَى، وَلَمْ يَعْذْ غَدًا مِنْ أَيَّامِهِ وَعَدَّ نَفْسَهُ فِي الْمَوْتَى. (رواه البيهقي عن الضحاك مرسلًا)

154. Инсонларнинг зоҳиди қабрни ва чиришини унутмаган, дунё ҳаётидаги зийнатларнинг афзалини тарк этган, боқий қолувчи нарсани фоний бўлувчи нарсадан афзал билган, эртанги кунини ўз кунларидан ҳисобламаган ва ўзини ўликлар қаторида санаган кишидир. Заҳҳок (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий мурсал ҳолатда қилган ривоят.

* إِسْبَاغُ الْوُضُوءِ شَطْرُ الْإِيمَانِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ تَمْلَأُ الْمِيزَانَ، وَالتَّسْبِيحُ وَالتَّكْبِيرُ يَمْلَأُنِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ، وَالصَّلَاةُ نُورٌ وَالزَّكَاةُ بُرْهَانٌ وَالصَّبْرُ ضِيَاءٌ، وَالْقُرْآنُ حُجَّةٌ لَكَ أَوْ عَلَيْكَ، كُلُّ النَّاسِ يَغْدُو فَبَاغٍ نَفْسَهُ فَمُعْتَقَهَا، أَوْ مُوقِفَهَا. (رواه ابن حبان عن أبي مالك الأشعري)

155. Таҳоратни мукаммал қилиш имоннинг ярмидир. «Алҳамдулиллаҳ» калимаси тарозуни тўлдиради. Намоз нурдир. Закот ҳужжатдир. Сабр зиёдир. Қуръон фойдангга ёки зарарингга ҳужжатдир. Барча инсонлар тонг оттириб, (Раббилари розилигида) ўз жонларини сотишади. Бу билан нафсларини қутқаришади ёки (шайтонга эргашиб) ҳалокатга йўлиқтиришади. Абу Молик Ашъарий (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Ҳиббон ривояти.

* اسْتَحْيُوا مِنَ اللَّهِ حَقَّ الْحَيَاءِ، مَنْ اسْتَحْيَا مِنَ اللَّهِ حَقَّ الْحَيَاءِ فَلْيَحْفَظْ الرَّأْسَ وَمَا وَعَى، وَلْيَحْفَظِ الْبَطْنَ وَمَا حَوَى، وَلْيَذْكُرِ الْمَوْتَ وَالْبَلَى، وَمَنْ أَرَادَ الْآخِرَةَ تَرَكَ زِينَةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا، فَمَنْ فَعَلَ ذَلِكَ فَقَدْ اسْتَحْيَا مِنَ اللَّهِ حَقَّ الْحَيَاءِ. (رواه الترمذي عن ابن مسعود)

156. Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилинглр. Кимки Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилса, боши ва ундаги нарсаларни, қорин ва унга туташ нарсаларни сақлаб, ўлимни ва чиришни эсласин. Кимки охиратни хоҳласа, дунё ҳаётидаги зийнатни тарк қилади. Кимки шуларни бажарса, Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилибди. *Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.*

* اسْتَشْفُوا بِمَا حَمَدَ اللَّهُ تَعَالَى بِهِ نَفْسَهُ قَبْلَ أَنْ يَحْمَدَهُ خَلْقُهُ، وَمِمَّا مَدَحَ اللَّهُ تَعَالَى بِهِ نَفْسَهُ (الْحَمْدُ لِلَّهِ) وَ(قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ) فَمَنْ لَمْ يَشْفِهِ الْقُرْآنُ فَلَا شِفَاءَ أَحَدٌ. (رواه ابن نافع عن رجاء الغنوي)

157. Сизлар Аллоҳ маҳлуқотларидан бирортаси ҳамд айтишидан олдин Ўзига ҳамд айтган нарса ила шифо талаб қилинглр. Аллоҳ таоло «Алҳамдулиллаҳ» ва «Қул ҳуваллоҳу аҳад» (сураси ила) Ўзини мақтагандир. Энди кимга Қуръон шифо бермаса, унга бошқа бирор киши шифо бера олмайди. *Раҷо Ғанавий (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Нофеъ ривояти.*

* اسْتَعِينُوا عَلَىٰ إِتْجَاحِ الْخَوَاجِ بِالْكَتْمَانِ، فَإِنَّ كُلَّ ذِي نِعْمَةٍ مَحْسُودٌ. (رواه أبو نعيم عن معاذ بن جبل)

158. Ҳожатларингиз бароридан келиши учун уни сир тутиш ила ёрдам талаб қилинг. Чунки ҳар бир неъматга эришган кишига ҳасад қилувчилар бор. *Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.*

* اسْتَعِينُوا عَلَى النَّسَاءِ بِالْعُرَى، فَإِنَّ إِحْدَاهُنَّ إِذَا كَثُرَتْ ثِيَابُهَا وَأَحْسَنْتْ زِينَتَهَا أَغْجَبَهَا الْخُرُوجُ. (رواه ابن عدي عن أنس)

159. Аёллар(ингиз)ни кийимларини озайтириш ила сақланг. Чунки улардан бирортасининг либоси кўпайса ва зийнати чиройли бўлса, уни (кўчага) чиқиш қизиқтириб қўяди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Адий ривояти.

* اسْتَقِيمُوا، وَنِعْمًا أَنْ اسْتَقَمْتُمْ وَخَيْرُ أَعْمَالِكُمُ الصَّلَاةُ، وَلَنْ يُحَافِظَ عَلَى الْوُضُوءِ إِلَّا مُؤْمِنٌ. (رواه ابن ماجه عن أبي أمامة)

160. Истиқоматда (Аллоҳнинг тоатида мустаҳкам) бўлинг. Истиқоматда бўлишингиз мунча ҳам яхши. Амалларингизнинг яхшиси намоздир. Фақат мўмингина таҳоратни муҳофаза қилади. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.

* اسْتَكْثَرَ مِنَ النَّاسِ مَنْ دُعِيَ الْخَيْرَ لَكَ، فَإِنَّ الْعَبْدَ لَا يَدْرِي عَلَى لِسَانٍ مَنْ يُسْتَجَابُ لَهُ أَوْ يَرْحَمُ. (رواه الخطيب عن أبي هريرة)

161. Одамлардан ўзинг ҳақингга хайрли дуо қилишларини сўрашни кўпайтир. Чунки банда кимнинг тилидан ижобат этилиши ёки раҳм қилинишини билмайди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.

* اسْتَكْثَرُوا مِنْ قَوْلٍ «لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ» فَإِنَّهَا تَدْفَعُ تِسْعَةَ وَتِسْعِينَ أَبًا مِنَ الضَّرِّ أَذْنَاهَا اللَّهُمَّ. (رواه العقيلي عن جابر)

162. «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» жумласини айтишни кўпайтиринглар. Чунки у зарарнинг тўқсон тўққизта эшигини даф қилади. Уларнинг энг пасти ғамдир. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Ақийлий ривояти.

* اسْتَوْصُوا بِالنِّسَاءِ خَيْرًا فَإِنَّ الْمَرْأَةَ خُلِقَتْ مِنْ ضِلَعٍ أَعْوَجَ، وَإِنَّ أَعْوَجَ

شَيْءٍ فِي الصَّلَاةِ أَعْلَاهُ، فَإِنْ ذَهَبَتْ تَقِيْمُهُ كَسْرَتُهُ، وَإِنْ تَرَكْتَهُ لَمْ يَزَلْ أَعْوَجَ فَاسْتَوْصُوا بِالنِّسَاءِ خَيْرًا. (رواه الشيخان عن أبي هريرة)

163. Аёлларга яхши (муомалада) бўлишга васият қиламан. Чунки аёл эгри қовургадан яратилган. Қовурғанинг энг эгри жойи юқорисидир. Агар ўша эгри ерини тўғрилайман десангиз, синдириб қўясиз. Агар шу ҳолида қўйсангиз, эгрилигича қолади. Шундай экан, аёлларга яхши (муомалада) бўлишга васият қиламан. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* أَسْرِعُوا بِالْجَنَازَةِ، فَإِنْ تَكَ صَالِحَةٌ فَخَيْرٌ تُقَدِّمُونَهَا إِلَيْهِ. وَإِنْ تَكَ سَوَى ذَلِكَ فَشَرٌّ تَضَعُونَهُ عَنْ رِقَابِكُمْ. (رواه الشيخان عن أبي هريرة)

164. Тобутни элтишни тезлатинглар. Агар ичидаги солиҳ киши бўлса, уни яхшиликка тезлатган бўласизлар. Борди-ю, ёмон одам бўлса, гарданларингиздан тезроқ қўйган бўласизлар. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* اسْمُ اللَّهِ الْأَعْظَمُ الَّذِي إِذَا دُعِيَ بِهِ أَجَابَ، وَإِذَا سُئِلَ بِهِ أُعْطِيَ دَعْوَةُ يُونُسَ بْنِ مَتَّى. (رواه ابن جرير عن سعد)

165. Аллоҳ таоло у билан дуо қилинганда ижобат этадиган, у ила сўралганда берадиган улуғ исми (исми аъзами) Юнус ибн Маттонинг дуосидир. Саъд (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Жарир ривояти.

* اسْمَعُوا وَأَطِيعُوا، وَإِنْ اسْتَعْمِلَ عَلَيْكُمْ عَبْدٌ حَبَشِيٌّ كَانَ رَأْسُهُ زَبِيَّةً. (رواه البخاري)

166. Агар устингизга боши майиз ҳабаш қул бошлиқ этилса ҳам, унинг (сўзини) эшитиб, итоат қилинглар. Бухорий ривояти.

* اشْتَدَّ غَضَبُ اللَّهِ عَلَى مَنْ ظَلَمَ مَنْ لَا يَجِدُ نَاصِرًا غَيْرَ اللَّهِ. (رواه الديلمي عن علي)

167. Аллоҳдан бошқа ёрдамчиси йўққа зулм қилувчи кишига Аллоҳнинг ғазаби қаттиқ бўлади. Ҳазрат Али (ро-зияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* أَشَدُّ النَّاسِ عَذَابًا لِلنَّاسِ فِي الدُّنْيَا أَشَدُّ النَّاسِ عَذَابًا عِنْدَ اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه أحمد عن خالد بن الوليد)

168. Дунё ҳаётида одамларга азоб берувчи кимса қиёмат куни Аллоҳ ҳузурида энг қаттиқ азобланувчи-дир. Холид ибн Валид (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* أَشَدُّ النَّاسِ بَلَاءَ الْأَنْبِيَاءِ ثُمَّ الْأَمْثَلُ فَالْأَمْثَلُ فَيُبْتَلَى الرَّجُلُ عَلَى حَسَبِ دِينِهِ: فَإِنْ كَانَ فِي دِينِهِ صَلَاحًا اشْتَدَّ بَلَاؤُهُ، وَإِنْ كَانَ فِي دِينِهِ رَقَّةً ابْتُلِيَ عَلَى قَدَرِ دِينِهِ: فَمَا يَبْرَحُ الْبَلَاءُ بِالْعَبْدِ حَتَّى يَتْرَكَ يَمْشِي عَلَى الْأَرْضِ، وَمَا عَلَيْهِ خَطِيئَةٌ. (رواه البخاري عن سعيد)

169. Синовдан ўтказиш жиҳатидан энг қаттиғи пай-гамбарлар, кейин уларга яқинлар, сўнгра уларга яқин-лардир. Киши динига қараб имтиҳон қилинаверади. Агар дини қаттиқ бўлса, синови ҳам шунча қаттиқ бў-лаверади. Агар дини юмшоқ бўлса, имтиҳон қилиниши ҳам дини миқдорида бўлади. Бандага синов етавергани-дан ўша банда ер устида бирор хатоси қолмасдан юради. Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти.

* أَشَدُّ النَّاسِ حَسْرَةً يَوْمَ الْقِيَامَةِ رَجُلٌ أَمَكَنَهُ طَلُبُ الْعِلْمِ فِي الدُّنْيَا فَلَمْ يَطْلُبْهُ، وَرَجُلٌ عَلِمَ عِلْمًا فَانْتَفَعَ بِهِ مَنْ سَمِعَهُ مِنْهُ دُونَهُ. (رواه ابن عساكر عن أنس)

170. Дунё ҳаётида илм талаб қилиш имкони берилган бўлса-да, илм талаб қилмаган киши ва илм ўргатиб, ундан бошқалар эшитиб фойдаланган, ўзи наф олмаган киши қиёмат куни инсонларнинг энг ҳасратлиси бўлади. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.

* أَشَدُّ أُمَّتِي لِي حُبًّا قَوْمٌ يَكُونُونَ بَعْدِي، يَوَدُّ أَحَدُهُمْ أَنَّهُ فَقَدَ أَهْلَهُ وَمَالَهُ وَأَنَّهُ رَأَى. (رواه أحمد عن أبي ذر)

171. Умматимнинг менга муҳаббати энг қаттиғи менадан кейин келадиган бир қавмдирки, улардан бири аҳли ва молини йўқотиб бўлса ҳам мени кўришни хоҳлайди. Абу Зар (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* أَشَدُّ النَّاسِ عَذَابًا عِنْدَ اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ الَّذِينَ يُضَاهَوْنَ بِخَلْقِ اللَّهِ. (رواه البخاري ومسلم)

172. Қиёмат куни Аллоҳ ҳузурида одамларнинг энг қаттиқ азобга тортилувчилари Аллоҳнинг яратишига ўхшатувчилардир. Бухорий ва Муслим ривояти.

* أَصْلَحُوا دُنْيَاكُمْ، وَاعْمَلُوا لِآخِرَتِكُمْ، كَأَنَّكُمْ تَمُوتُونَ غَدًا. (رواه الديلمي عن أنس)

173. Дунёларингизни ислоҳ этинглар. Охиратингиз учун амал қилинглар. Гўёки эртага вафот этадиган кишидек бўлинглар. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* إِصْنَعِ الْمَعْرُوفَ إِلَى مَنْ هُوَ أَهْلُهُ، وَإِلَى غَيْرِ أَهْلِهِ، فَإِنْ أَصَبْتَ أَهْلَهُ، وَإِنْ لَمْ تُصِبْ أَهْلَهُ كُنْتَ أَنْتَ أَهْلَهُ. (رواه الخطيب عن ابن عمر)

174. Яхшилиқни, (унга) аҳл (яъни лойиқ) бўлган кишига ва аҳл ҳисобланмаганларга ҳам қилаверинглар.

Агар яхшиликка аҳл кишига тушган бўлса, бу яхши. Борди-ю аҳл бўлмаган одамга тушган бўлса, сиз унга аҳл бўлиб қолаверасиз. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Хатиб ривояти.*

* اٰمِنُوْا لِيْ سَتَا مِنْ اَنْفُسِكُمْ اٰمِنَ لَكُمْ الْجَنَّةَ، اَصْدُقُوا اِذَا حَدَّثْتُمْ، وَاَوْفُوا اِذَا وَعَدْتُمْ، وَاَدُّوا اِذَا اَوْثَمْتُمْ، وَاَحْفَظُوا فُرُوجَكُمْ وَغَضُّوا اَبْصَارَكُمْ، وَكَفُّوا اَيْدِيَكُمْ. (رواه البيهقي عن عبادة بن الصامت)

175. Менга ўз нафсларингиз ҳақидан олтита нарсага кафиллик беринг, мен ҳам сизларга жаннат кафолатини бераман. 1. Сўзлаганингизда ростини гапиринг. 2. Ваъдангизга вафо қилинг. 3. Омонатни адо этинг. 4. Жинсий аъзоларингизни ҳаромдан асранг. 5. Кўзингизни (ҳаромга қарашдан) сақланг. 6. Қўлларингизни тийинг. *Убода ибн Сомит (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* اٰطَلَعْتُ عَلَى الْجَنَّةِ فَوَجَدْتُ اَكْثَرَ اَهْلِهَا الْفُقَرَاءَ وَاَطَلَعْتُ عَلَى النَّارِ فَوَجَدْتُ اَكْثَرَ اَهْلِهَا النِّسَاءَ. (رواه البخاري)

176. Жаннатга боқдим. Аксар аҳли камбағаллардан ташкил топганини кўрдим. Дўзахга боқдим, аксар аҳли аёллардан ташкил топганини кўрдим. *Бухорий ривояти.*

* اَطْبَ الْكَلَامَ، وَاَفْشِ السَّلَامَ وَصِلِ الْاَرْحَامَ، وَصِلِ بِاللَّيْلِ وَالنَّاسُ نِيَامَ، ثُمَّ ادْخُلِ الْجَنَّةَ بِسَلَامٍ. (رواه ابن حبان عن أبي هريرة)

177. Сўзингни чиройли қил, саломни тарқат, қариндошларга етиш, кечаси одамлар ухлаганида намоз ўқи, сўнгра жаннатга омон ҳолда кир. *Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Ҳиббон ривояти.*

* اَطْفَالُ الْمُؤْمِنِينَ فِي جَبَلِ الْجَنَّةِ، يَكْفُلُهُمْ اِبْرَاهِيْمُ وَسَارَةُ، حَتَّى يَرْدَهُمْ اِلَى اَبَائِهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه البيهقي عن أبي هريرة)

178. Мўминларнинг болалари жаннат тоғларида бўлишади. Уларга Иброҳим (алайҳиссалом) ва Сора кафил бўладилар. Ва уларни қиёмат куни оталарига қайтаришди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* اطلبُوا الْخَوَانِجَ بِعِزَّةِ الْإِنْفُسِ، فَإِنَّ الْأُمُورَ تَجْرِي بِالْمَقَادِيرِ. (رواه ابن عساکر عن عبد الله بسر)

179. Хожатларингизни иззатли нафс ила, яъни бировлардан хўр бўлмасдан талаб қилинглار. Чунки ишлар тақдир билан (битиб қўйган йўсинда) амалга ошади. Яъни, ўзингизни хўрласангиз ҳам, хўрламасангиз ҳам, барибир, тақдирдаги бўлади. Абдуллоҳ ибн Буср (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.

* اطلبُوا الرِّزْقَ فِي خَبَايَا الْأَرْضِ. (رواه الطبراني)

180. Ризқни ернинг яширин қатламларидан қидиринглар. Табароний ривояти.

* اطلبُوا الْمَعْرُوفَ مِنْ رَحْمَاءِ أُمَّتِي تَعِيشُوا فِي أَكْنَافِهِمْ، وَلَا تَطْلُبُوهُ مِنَ الْقَاسِيَةِ قُلُوبُهُمْ، فَإِنَّ اللَّعْنَةَ تَنْزُلُ عَلَيْهِمْ - يَا عَلِيُّ: إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى خَلَقَ الْمَعْرُوفَ، وَخَلَقَ لَهُ أَهْلًا، فَحَبَّبَهُ إِلَيْهِمْ، وَحَبَّبَ إِلَيْهِمْ فِعَالَهُ، وَوَجَّهَ إِلَيْهِمْ طُلَابَهُ، كَمَا وَجَّهَ الْمَاءَ إِلَى الْأَرْضِ الْجَدْبَةِ لِتَحْتَابَهُ أَهْلُهَا، إِنَّ أَهْلَ الْمَعْرُوفِ فِي الدُّنْيَاهُمْ أَهْلُ الْمَعْرُوفِ الْآخِرَةِ. (رواه الحاكم عن علي)

181. Яхшиликни умматимнинг раҳмлиларидан талаб қилинглар. Уларнинг паноҳида яшайсиз. Лекин яхшиликни қалби қаттиқ кишилардан талаб қилманглар. Чунки уларга лаънат тушгандир. Ё Али! Албатта, Аллоҳ таоло яхшиликни яратган ва унга аҳлини ҳам халқ қилган ҳамда уларга (яхшилик аҳлларига) яхшиликни ва унга амал қилишни муҳаббатли қилиб қўйган. Худди қуруқ ерга сувни йўллаб, у ер аҳлини тирилтиргани

каби, яхшилик талабгорларини унга юзлантириб қўйган. Албатта, дунёдаги яхшилик аҳллари охиратда ҳам яхшилик аҳллариدير. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* اَطْبُوا الْعِلْمَ وَلَوْ بِالصَّيْنِ، فَإِنَّ طَلَبَ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ، إِنَّ الْمَلَائِكَةَ تَضَعُ أَجْنِحَتَهَا لِطَالِبِ الْعِلْمِ رِضَاءً بِمَا يَطْلُبُ. (رواه ابن عبد البر)

182. Илмни Чин (Хитой)да бўлса ҳам ўрганинглар. Чунки илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир. Албатта, фаришталар илм толиби талаб қилаётган нарсадан рози бўлиб, қанотларини (соя қилиб) қўйишади. Ибн Абдулбирр ривояти.

* أَظْهَرُوا النِّكَاحَ وَأَخْفُوا الْخُطْبَةَ. (رواه الديلمي عن أم سلمة)

183. Никоҳни ошкора қилиб, унашиш (совчилик маросими)ни махфий ўтказинглар. Умму Салама (розияллоҳу анҳо)дан. Дайлабий ривояти.

* اعْبُدِ اللَّهَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ، وَعَدَّ نَفْسَكَ فِي الْمَوْتَى، وَإِيَّاكَ وَدَعَوَاتِ الْمَظْلُومِ، فَإِنَّهُمْ مُجَابَاتٌ، وَعَلَيْكَ بِصَلَاةِ الْغَدَاةِ، وَصَلَاةِ الْعِشَاءِ فَاشْهَدْهُمَا فَلَوْ تَعْلَمُونَ مَا فِيهِمَا لَأَتَيْتُمُوهُمَا وَلَوْ حَبْوًا. (رواه الطبراني عن أبي الدرداء)

184. Аллоҳга У Зотни кўриб тургандек ибодат қил. Ўзингни ўликлар қаторида ҳисобла. Мазлумнинг дуосидан кўрқ. Чунки унинг дуоси қабул қилингандир. Бомдод ва хуфтон намозларидаги (жамоатга) ҳозир бўлишни лозим топ. Агар шу икки (намоз)нинг (жамоат билан ўқишдаги) савобини билганларингизда эди, эмаклаб бўлса ҳам келардинглар. Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* اعْبُدِ اللَّهَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ، فَإِنْ لَمْ تَكُنْ تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ، وَاحْسِبْ نَفْسَكَ مَعَ الْمَوْتَى وَاتَّقِ دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ، فَإِنَّهَا مُسْتَجَابَةٌ. (رواه أبو نعيم عن زيد بن أرقم)

185. Аллоҳга У Зотни кўриб тургандек ибодат қил. Агар сен У Зотни кўрмаётган бўлсанг, У Зот сени кўриб турибди. Ўзингни ўликлар билан бирга деб ҳисобла. Мазлумнинг дуосидан қўрқ, чунки у ижобат қилингандир. Зайд ибн Арқам (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.

* اَعْبُدُوا الرَّحْمَنَ، وَأَطِعُوا الطَّعَامَ، وَأَفْشُوا السَّلَامَ، تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ بِسَلَامٍ.
(رواه الترمذي عن أبي هريرة)

186. Раҳмон (сифатли Зот – Аллох)га ибодат қилинг. (Очларни) овқат ила таомлантиринг. Саломни ёйинг. Шунда жаннатга омон ҳолатда кирасизлар. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* اَعْتَدُوا فِي السُّجُودِ وَلَا يَبْسُطُ أَحَدُكُمْ ذِرَاعِيهِ انْبِسَاطَ الْكَلْبِ. (رواه البخاري)

187. Саждада мўътадил бўлинглар. Сизлардан бирингиз икки билагини ит каби ёйиб юбормасин. Бухорий ривояти.

* أَعْدَى عَدُوِّكَ زَوْجَتَكَ الَّتِي تُضَاجِعُكَ وَمَا مَلَكَتْ يَمِينُكَ. (رواه الديلمي عن أبي مالك الأشعري)

188. Душманингнинг энг ашаддийси қўл остингдаги чўри ва тўшақда бирга ётадиган хотинингдир. Абу Молик Ашъарий (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* أَعْطُوا أَعْيُنَكُمْ حَظَهَا مِنَ الْعِبَادَةِ: النَّظَرُ فِي الْمَصْحَفِ، وَالتَّفَكُّرُ فِيهِ وَالْإِعْتِبَارُ عِنْدَ عَجَائِبِهِ. (رواه الحاكم عن أبي سعيد)

189. Ибодатдан, яъни Қуръонга қараб ўқиш, унда тафаккур қилиш ва (унинг) ажойиботларидан ибратланишда кўзингиз ҳақини ҳам бериб туринг. Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* أُعْطِيتُ خَمْسًا لَمْ يُعْطَهُنَّ أَحَدٌ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ قَبْلِي: نَصَرْتُ بِالرُّعْبِ مَسِيرَةَ شَهْرٍ وَأُعْطِيتُ مَفَاتِيحَ الْأَرْضِ، وَجُعِلَتْ لِي الْأَرْضُ مَسْجِدًا وَطَهُورًا، وَجُعِلَتْ أُمَّتِي خَيْرَ الْأُمَمِ، وَأُعْطِيتُ الشَّفَاعَةَ، وَكَانَ النَّبِيُّ يُبْعَثُ إِلَى قَوْمِهِ خَاصَّةً وَيُبْعَثُ إِلَى النَّاسِ عَامَّةً. (رواه البخاري ومسلم)

190. Менга беш нарсa ато этилдики, улар мендан олдинги бирорта пайғамбарга берилмаган. 1. Бир ойлик масофадан душманлар қалбига тушадиган қурқув ила ғалаба ато этилиб, ер (хазинаси) калитларининг берилгани. 2. Бутун ер юзи масжид ва пок этилиши. 3. Ум-матим энг яхши уммат бўлгани. 4. Шафоат берилгани. 5. Набийлар қавмига хос бўлиб келгани. Мен эса одамларнинг барчасига умумият-ла юборилганман. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* أُعْطِيتُ سَبْعِينَ أَلْفًا مِنْ أُمَّتِي، يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ بِغَيْرِ حِسَابٍ، وَجُوهُهُمْ كَالْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ، وَقُلُوبُهُمْ عَلَى قَلْبِ رَجُلٍ وَاحِدٍ، فَاسْتَزِدْتُ رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ فَرَادَيْنِ مَعَ كُلِّ وَاحِدٍ سَبْعِينَ أَلْفًا. (رواه أحمد عن أبي بكر)

191. Умматимдан етмиш мингги жаннатга беҳисоб (ҳисоб-китобсиз) кириши бахтига муяссар бўлдим. Уларнинг юзлари Бадр кечасидаги тўлин ой кабидир. Қалблари эса бир киши қалбига ўхшайди. Мен Раббим азза ва жалладан зиёда қилишини талаб этган эдим, У Зот менга ҳар бирига етмиш минг бўлиши ила зиёда қилди. *Абу Бакр (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.*

* أُعْطِيتُ أُمَّتِي شَيْئًا لَمْ يُعْطَهُ أَحَدٌ مِنَ الْأُمَمِ، أَنْ يَقُولُوا عِنْدَ الْمُصِيبَةِ، «إِنَّ لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ». (رواه ابن مردويه عن ابن عباس)

192. Умматимга бошқа умматлардан бирортасига берилмаган шундай нарсa берилдики, у мусибат етганида «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун» (дуосини

ўқиш)дир. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Мардавайҳ ривояти.

* **أَعْطُوا الْأَجِيرَ أَجْرَهُ قَبْلَ أَنْ يَحِفَّ عَرْقُهُ، وَأَعْلِمُوا أَجْرَهُ وَهُوَ فِي عَمَلِهِ.**
(رواه البيهقي)

193. Ёллаган ишчингиз ҳақини тери қуримасдан олдин беринглар. Ва яна иш давомида унинг қанча ҳақ олишини билдиринглар. *Байҳақий ривояти.*

* **أَعْظُمُ النَّاسُ هَمًّا: الْمُؤْمِنُ يَهْتَمُّ بِأَمْرِ دُنْيَاهُ وَأَمْرِ آخِرَتِهِ.** (رواه ابن ماجه عن أنس)

194. Инсонларнинг ғам-ташвиш жиҳатидан энг улуғи шундай мўмин кишики, у дунё ишларига ҳам, охират ишларига ҳам бирдек аҳамият беради. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. *Ибн Можа ривояти.*

* **أَعْظُمُ النَّاسُ حَقًّا عَلَى الْمَرْأَةِ زَوْجَهَا، وَأَعْظُمُ النَّاسُ حَقًّا عَلَى الرَّجُلِ أُمَّهُ.**
(رواه الحاكم عن عائشة)

195. Аёлга ҳақдорлик жиҳатидан энг буюги эридир. Эркакка ҳақдорлик жиҳатидан инсоннинг энг буюги онасидир. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. *Ҳоким ривояти.*

* **أَعْظُمُ النِّسَاءِ بَرَكَةً أَيْسَرُهُنَّ مَوْتُهُ.** (رواه أحمد عن عائشة)

196. Аёлларнинг баракалиси чиқими енгилларидир. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. *Аҳмад ривояти.*

* **أَعْظُمُ آيَةٍ فِي الْقُرْآنِ: آيَةُ الْكَرْسِيِّ، وَأَعْدَلُ آيَةٍ فِي الْقُرْآنِ: «إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ» وَأَخْوَفُ آيَةٍ فِي الْقُرْآنِ: «فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ» وَأَرْجَى آيَةٍ فِي الْقُرْآنِ: «يَا عِبَادِيَ الَّذِينَ**

أَسْرَفُوا عَلَى أَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ». (Рواه الشيرازي عن ابن مسعود)

197. Қуръондаги энг буюк оят Оятул Курсийдир. Қуръондаги энг адолатли оят: «Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради» (Наҳл, 90). Қуръондаги энг қўрқиладиган оят: «Бас, кимки (дунёда) зарра миқдорида яхшилик қилган бўлса, (қиёмат куни) уни кўрар. Кимки зарра миқдорида ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни кўрар» (Залзала, 7–8). Қуръондаги энг умидли оят: «(Эй Муҳаммад!) Ўз жонларига (гуноҳ билан) зулм қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур» (Зумар, 53). Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Шерозий ривояти.

* اَعْلَمُوا أَنَّهُ لَيْسَ مِنْكُمْ مَنْ أَحَدٌ إِلَّا مَالٌ وَارِثَةٌ أَحَبُّ إِلَيْهِ مِنْ مَالِهِ مَا لَكَ مَا قَدَّمْتَ، وَمَالٌ وَارِثَكَ مَا أَخَّرْتَ. (Рواه النسائي عن ابن مسعود)

198. Билинглари, ҳар бирингиз ўзининг молидан кўра меросхўрига қолдирган молини кўпроқ яхши кўради. Чунки сенинг молинг яхшиликка сарф қилган молингдир. Қолгани меросхўрингникидир. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Насоий ривояти.

* اَعْلَمُوا هَذَا النِّكَاحَ، وَاجْعَلُوهُ فِي الْمَسَاجِدِ، وَاضْرِبُوا بِالْذُّفُوفِ. (Рواه الترمذي عن عائشة)

199. Ушбу никоҳни эълон қилиб, уни масжидларда ўтказинглари. Унда чилдирма чалинглари. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Термизий ривояти.

* اَعْمَلْ لِدُنْيَاكَ كَأَنَّكَ تَعِيشُ أَبَدًا وَاعْمَلْ لِآخِرَتِكَ كَأَنَّكَ تَمُوتُ غَدًا. (Рواه ابن عساكر)

200. Дунёинг учун худди абадий яшайдигандек амал қил. Охиратинг учун худди эртага ўладигандек амал қил. *Ибн Асокир ривояти.*

* اغْتَنِمْ خَمْسًا قَبْلَ خَمْسٍ، حَيَاتِكَ قَبْلَ مَوْتِكَ، وَصَحَّتِكَ قَبْلَ سُقْمِكَ، وَفَرَاغَكَ قَبْلَ شُغْلِكَ، وَشَبَابَكَ قَبْلَ هَرَمِكَ، وَغِنَاكَ قَبْلَ فَقْرِكَ. (رواه البيهقي عن ابن عباس)

201. Беш нарсани беш нарсадан олдин ғанимат бил. Ҳаётингни ўлишингдан олдин. Соғломлигингни касал бўлишингдан олдин. Бўш вақтингни машғул бўлиб қолишдан олдин. Йигитлик пайтингни кексايшингдан олдин. Бойлигингни камбағал бўлишингдан олдин. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* اغْسِلُوا ثِيَابَكُمْ، وَخُذُوا مِنْ شَعْرِكُمْ، وَاسْتَاكُوا، وَتَزَيَّنُوا وَتَنَظَّفُوا فَإِنَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ لَمْ يَكُونُوا يَفْعَلُونَ ذَلِكَ، فَرَنْتَ نِسَاؤُهُمْ. (رواه ابن عساكر عن علي)

202. Кийимларингизни ювиб юринглар. Тукларингизни олинглар. Мисвок истеъмол қилиб, тишларингизни тозаланглар. Зийнатланиб, тоза бўлиб юринглар. Чунки Бани Исроил қавми мана шундай қилишмагани сабабли аёллари зиного юриб кетди. *Али (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.*

* اغْدُ عَالِمًا، أَوْ مُتَعَلِّمًا، أَوْ مُسْتَبْعًا، أَوْ مُحِبًّا، وَلَا تَكُنِ الْخَامِسَ فَتَهْلِكَ. (رواه البيهقي)

203. Олим бўл ё таълим олувчи бўл. Ёки эшитувчи бўл, ёхуд мазкурларга муҳаббатли бўл. Ҳаргиз бешинчиси бўлма, унда ҳалокатга учрайсан. *Байҳақий ривояти.*

* أَفْضَلُ الْإِيمَانِ أَنْ تَعْلَمَ أَنَّ اللَّهَ مَعَكَ حَيْثُ مَا كُنْتَ. (رواه الطبراني)

204. Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳ сен билан бирга эканини билмоқлигинг энг афзал имондир. *Табароний ривояти.*

* أَفْضَلُ الدَّعَاءِ أَنْ تَسْأَلَ رَبَّكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ، فَإِنَّكَ إِذَا أُعْطِيْتَهُمَا فِي الدُّنْيَا، ثُمَّ أُعْطِيْتَهُمَا فِي الْآخِرَةِ فَقَدْ أَفْلَحْتَ. (رواه ابن ماجه عن أنس)

205. Дуоларнинг энг афзали Раббингдан дунё ва охи-
ратда афв ва офиятда қилишини сўрашингдир. Чунки бу
нарсалар дунёда сенга берилса, кейин охиратда ҳам сен-
га ато қилинса, батаҳқиқ, нажот топибсан. Анас (розиял-
лоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.

* أَفْضَلُ الصَّدَقَةِ أَنْ تُشَبَّعَ كَبِدًا جَانِعًا. (رواه البيهقي عن أنس)

206. Садақаларнинг энг афзали оч жигарни тўйдир-
моқлигингдир. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий риво-
яти.

* أَفْضَلُ الصَّدَقَةِ أَنْ يَتَعَلَّمَ الْمَرْءُ الْمُسْلِمُ عِلْمًا، ثُمَّ يُعَلِّمُهُ أَخَاهُ الْمُسْلِمَ. (رواه ابن ماجه)

207. Садақаларнинг энг афзали мусулмон киши илм
ўрганиб, кейин уни мусулмон биродарига ўргатишидир.
Ибн Можа ривояти.

* أَفْضَلُ الْعِيَادَةِ أَجْرًا سُرْعَةُ الْقِيَامِ مِنْ عِنْدِ الْمَرِيضِ. (رواه الديلمي عن جابر)

208. Касални зиёрат қилишда савобга эришишнинг
энг афзали бемор ҳузуридан тезлик билан туришдир. Жо-
бир (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* أَفْضَلُ الْفَضَائِلِ أَنْ تَصِلَ مَنْ قَطَعَكَ، وَتُعْطِيَ مَنْ حَرَمَكَ، وَتَصْفَحَ عَمَّنْ ظَلَمَكَ. (رواه الطبراني عن معاذ)

209. Фазилатларнинг энг афзали сен билан алоқани
узган киши билан алоқа боғлашинг, сени маҳрум қилган-

га беришинг ва зулм қилганни афв этишингдир. Муоз (ро-
зияллоҳу анҳу)дан Табароний ривояти.

* أَفْضَلُ الْأَعْمَالِ بَعْدَ الْإِيمَانِ بِاللَّهِ: التَّوَدُّدُ إِلَى النَّاسِ. (رواه الطبراني)

210. Аллоҳга имон келтиргандан кейинги амаллар-
нинг энг афзали одамлар билан дўстона муносабатда бў-
лишдир. Табароний ривояти.

* أَفْضَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِسْلَامًا مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ، وَأَفْضَلُ
الْمُؤْمِنِينَ إِيْمَانًا أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا، وَأَفْضَلُ الْمُهَاجِرِينَ مَنْ هَجَرَ مَا نَهَى اللَّهُ عَنْهُ،
وَأَفْضَلُ الْجِهَادِ مَنْ جَاهَدَ نَفْسَهُ فِي اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ. (رواه الطبراني عن ابن عمر)

211. Мўминларнинг Исломдаги энг афзали унинг
тили ва қўлидан мусулмонлар омонда бўлган кишидир.
Мўминларнинг имондаги энг афзали хулқлари яхши
бўлганларидир. Муҳожирларнинг энг афзали Аллоҳ ман
этган нарсалардан четланган кишидир. Жиҳоднинг энг
афзали Аллоҳ азза ва жалла йўлида ўз нафси билан ку-
рашишдир. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ри-
вояти.

* اقْتَرَبَتِ السَّاعَةُ، وَلَا يَزِدَادُ النَّاسُ عَلَى الدُّنْيَا إِلَّا حِرْصًا، وَلَا يَزِدَادُونَ
مِنَ اللَّهِ إِلَّا بُعْدًا. (رواه الحاكم عن ابن مسعود)

212. Қиёмат яқинлашса, одамларда дунёга қизиқиш
ва Аллоҳдан узоқлашишгина зиёда бўлади, холос. Ибн
Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* اقْرَأُوا الْقُرْآنَ وَابْتَغُوا بِهِ وَجْهَ اللَّهِ تَعَالَى مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَ قَوْمٌ يَقِيمُونَهُ
إِقَامَةَ الْقِدْحِ يَتَعَجَّلُونَهُ وَلَا يَتَأَجَّلُونَهُ. (رواه أبو داود عن جابر)

213. Қуръон ўқинглар. У билан Аллоҳнинг розилиги-
ни талаб қилинглар. Ҳали шундай қавм келадики, улар
улушни тақсимлагандек уни тақсимлаб, бу дунёдаги
(маблағга) шошишади. (У билан) охиратдаги (савоб)-

ни хоҳлашмайди. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Довуд ривояти.

* اقْرءُوا عَلَىٰ مَوْتَاكُمْ سُورَةَ يَس. (رواه أحمد)

214. Ўликларингизга Ёсин сурасини ўқинглар. Аҳмад ривояти.

* أَقْلُ مَا يُوجَدُ فِي آخِرِ الزَّمَانِ دِرْهَمٌ حَلَالٌ أَوْ أَخٌ يُوثَقُ بِهِ. (رواه عساکر عن ابن عمر)

215. Охирги замонда энг кам топиладиган нарса ҳалол дирҳам (маблағ) ёки ишончли биродардир. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Асокир ривояти.

* أَكْبَرُ الْكِبَائِرِ الْإِشْرَاقُ بِاللَّهِ، وَقَتْلُ النَّفْسِ، وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ، وَقَوْلُ الزُّورِ. (رواه البخاري)

216. Кабира гуноҳларнинг энг улкани: Аллоҳга ширк келтириш, бирор жонни (ноҳақ) ўлдириш, ота-онага оқ бўлиш ва ёлғон сўзлашдир. Бухорий ривояти.

* أَكْثَرُوا ذِكْرَ الْمَوْتِ، فَإِنَّهُ يَمْحُصُ الذُّنُوبَ، وَيَزِيهِدُ فِي الدُّنْيَا فَإِنْ ذَكَّرْتُمُوهُ عِنْدَ الْغِنَى هَدَمَهُ، وَإِنْ ذَكَّرْتُمُوهُ عِنْدَ الْفَقْرِ أَرْضَاكُمْ بِعَيْشِكُمْ. (رواه ابن أبي الدنيا عن أنس)

217. Ўлимни эслашни кўпайтиринглар. Чунки у гуноҳлардан узоқлаштириб, дунёда зоҳид қилади. Агар уни бойлик пайтида эсласангиз, бойликни барбод этади. Агар уни камбағаллик чоғида зикр қилсангиз, сизни яшаш тарзингиздан мамнун эттиради. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Абу Дунё ривояти.

* أَكْثَرُوا مِنَ الصَّلَاةِ عَلَيَّ فِي يَوْمِ الْجُمُعَةِ وَلَيْلَةِ الْجُمُعَةِ، فَمَنْ فَعَلَ ذَلِكَ كُنْتُ لَهُ شَهِيدًا وَشَافِعًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه البيهقي عن أنس)

218. Менга жума куни ва жума кечаси салавот айтиш-ни кўпайтиринглар. Ким шундай қилса, мен қиёмат куни унга шоҳид ва шафоатчи бўламан. Анас (розияллоҳу анҳу) дан. Байҳақий ривояти.

* أَكْثَرُوا مِنَ الصَّلَاةِ عَلَيَّ، فَإِنَّ صَلَاتَكُمْ عَلَيَّ مَغْفِرَةٌ لِّذُنُوبِكُمْ، وَاطْلُبُوا لِي الدَّرَجَةَ وَالْوَسِيلَةَ، فَإِنَّ وَسِيلَتِي عِنْدَ رَبِّي شَفَاعَةٌ لَّكُمْ. (رواه ابن عساكر عن الحسن بن علي)

219. Менга салавот айтишни кўпайтиринглар. Чунки Менга айтган салавотларингиз гуноҳларингиз учун мағфиратдир. Менга даража ва василани сўранглар. Чунки менинг Раббим ҳузуридаги василам сизлар учун шафоатдир. Ҳасан ибн Али (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.

* أَكْثَرُوا مِنْ تِلَاوَةِ الْقُرْآنِ فِي بُيُوتِكُمْ، فَإِنَّ الْبَيْتَ الَّذِي لَا يَقْرَأُ فِيهِ الْقُرْآنُ يَقِلُّ خَيْرُهُ وَيَكْثُرُ شَرُّهُ، وَيَضِيقُ عَلَى أَهْلِهِ. (رواه الدارقطني عن أنس)

220. Уйларингизда Қуръон тиловатини кўпайтиринглар. Чунки Қуръон ўқилмайдиган уйда яхшилик озайиб, ёмонлик кўпаяди ҳамда аҳлига торлик келади. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Дорақутний ривояти.

* أَكْرَمُوا الْعُلَمَاءَ، فَإِنَّهُمْ وَرَثَةُ الْأَنْبِيَاءِ، فَمَنْ أَكْرَمَهُمْ فَقَدْ أَكْرَمَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ. (رواه الخطيب عن جابر)

221. Уламоларни ҳурмат қилинглар. Чунки улар Пайгамбарларнинг меросхўрларидир. Ким уларни ҳурмат қилса, Аллоҳ ва Расулини ҳурмат қилибди. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.

* أَكْرَمُ النَّاسِ أَتْقَاهُمْ. (رواه البخاري ومسلم)

222. Инсонларнинг энг ҳурматлиси тақволиларидир. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الْحَزْمُ أَنْ تُشَاوِرَ ذَا رَأْيٍ ثُمَّ تُطِيعُهُ. (роҳе Абу Дауд)

223. Азиймат – ақлли киши билан маслаҳатлашиб, кейин унга итоат қилишингдир. Абу Довуд ривояти.

* الْإِسْلَامُ نَظِيفٌ، فَتَنْظَفُوا، فَإِنَّهُ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ إِلَّا نَظِيفٌ. (роҳе адилми)

224. Ислом покликдир. Шундай экан, покиза бўлиб юринглар. Чунки жаннатга фақат покларгина киради. Дайлабий ривояти.

* الْأَكْبَرُ مِنَ الْإِخْوَةِ بِمَنْزِلَةِ الْأَبِ. (роҳе биҳқи)

225. Тўнғич ака ота ўрнидадир. Байҳақий ривояти.

* الْأَمَانَةُ تَجْلِبُ الرِّزْقَ، وَالْخِيَانَةُ تَجْلِبُ الْفَقْرَ. (роҳе адилми)

226. Омонат ризқни жалб қилса, хиёнат камбағалликни жалб қилади. Дайлабий ривояти.

* أُمِرْتُ أَنْ أَقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ، وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ فَإِذَا فَعَلُوا ذَلِكَ عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ إِلَّا بِحَقِّ الْإِسْلَامِ وَحِسَابُهُمْ عَلَى اللَّهِ. (роҳе البخарий
ومسلم عن أبي هريرة)

227. Одамлар «Ла илаҳа иллагллоҳу ва анна Муҳаммадар Росулulloҳ» деб гувоҳлик беришмагунча, намозни қойим қилишмагунча ва закот беришмагунча улар билан урушишга буюрилдим. Агар улар шуларни бажаришса, мендан қонлари-ю молларини сақлашибди. Лекин Ислом ҳақида (яъни, ҳад ва қасосларда) ундай эмас. Ҳисоблари эса Аллоҳга ҳаволадир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* أَمِطِ الْأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ فَإِنَّهُ لَكَ صَدَقَةٌ. (роҳе البخарий)

228. Йўлдан озор берувчи нарсаларни олиб ташла. Зеро, бу сен учун садақадир. Бухорий ривояти.

* اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ، وَعَمَلٍ لَا يُرْفَعُ، وَدُعَاءٍ لَا يُسْتَجَابُ. (رواه الحكيم عن أنس)

229. Ё Аллоҳ, фойда бермайдиган илмдан, кўтарилмайдиган (қабул бўлмайдиган) амалдан ва ижобат бўлмайдиган дуодан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳаким ривояти.

* اللَّهُمَّ اجْعَلْ فِي قَلْبِي نُورًا، وَفِي بَصَرِي نُورًا، وَفِي سَمْعِي نُورًا، وَعَنْ يَمِينِي نُورًا، وَعَنْ يَسَارِي نُورًا، وَفَوْقِي نُورًا، وَتَحْتِي نُورًا، وَأَمَامِي نُورًا، وَخَلْفِي نُورًا، واجْعَلْ لِي فِي نَفْسِي نُورًا، وَأَعْظَمْ لِي نُورًا. (رواه البخاري ومسلم)

230. Ё Аллоҳ, қалбимда нур, тилимда нур, кўзимда нур, қулоғимда нур, ўнг томонимдан нур, устимдан нур, остимдан нур, олдимдан нур, орқамдан нур, нафсимда нур қилиб, мен учун нурни буюк этгин. Бухорий ва Муслим ривояти.

* اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي وَارْحَمْنِي وَأَخِفْنِي بِالرَّفِيقِ الْأَعْلَى. (رواه البخاري)

231. Ё Аллоҳ, мени мағфират қил, менга раҳм айла ва мени рафиқул аъло (яъни, фаришталар жамоаси)га етиштир. Бухорий ривояти.

* اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنَ الْخَيْرِ كُلِّهِ مَا عَلِمْتُ مِنْهُ وَمَا لَمْ أَعْلَمْ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الشَّرِّ كُلِّهِ، مَا عَلِمْتُ مِنْهُ وَمَا لَمْ أَعْلَمْ. (رواه الطبراني عن جابر بن سمره)

232. Ё Аллоҳ, Сендан яхшиликларнинг барчасини, билганиму билмаганимни сўрайман. Сендан ёмонликларнинг барчасидан, билганиму билмаганимдан паноҳ тилайман. Жобир ибн Самура (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ الَّذِينَ إِذَا أَحْسَنُوا اسْتَبْشَرُوا، وَإِذَا أَسَاءُوا اسْتَغْفَرُوا. (رواه ابن ماجه عن عائشة)

233. Ё Аллоҳ, бизларни чиройли амал қилганда, хурсанд бўладиган ва ёмонлик содир этганда истиғфор айтиладиганлардан қилгин. Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Ибн Можа ривояти.

* اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ قَلْبٍ لَا يَخْشَعُ، وَمِنْ دُعَاءٍ لَا يُسْمَعُ، وَمِنْ نَفْسٍ لَا تَشْفَعُ، وَمِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ، أَعُوذُ بِكَ مِنْ هَؤُلَاءِ الْأَرْبَعِ. (رواه الترمذي عن ابن عمر)

234. Ё Аллоҳ, кўркмайдиган қалбдан, эшитилмайдиган дуодан, тўймайдиган нафсдан, фойда бермайдиган илмдан, яъни мана шу тўрт нарсадан Сендан паноҳ тилайман. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Термизий ривояти.

* اللَّهُمَّ ارْزُقْنِي حُبَّكَ، وَحُبَّ مَنْ يَنْفَعُنِي حُبُّهُ عِنْدَكَ، اللَّهُمَّ مَا رَزَقْتَنِي مِمَّا أَحَبُّ، فَاجْعَلْهُ قُوَّةً لِي فِيْمَا تُحِبُّ، اللَّهُمَّ وَمَا زَوَيْتَ عَنِّي مِمَّا أَحَبُّ، فَاجْعَلْهُ فَرَاغًا لِي فِيْمَا تُحِبُّ. (رواه الترمذي)

235. Ё Аллоҳ, муҳаббатингни ва Сенинг хузурингда муҳаббати менга фойда берадиган кишининг муҳаббатини менга ризқ қил. Ё Аллоҳ, яхши кўрадиган нарсам ила мени ризқлантир. Яхши кўрган нарсангда мен учун қувват эт. Ё Аллоҳ, мен яхши кўрган нарсани яширганингда, Ўзинг яхши кўрадиган нарса ичида мен учун бўш жой қолдирган бўлгин. Термизий ривояти.

* اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي شُكُورًا، وَاجْعَلْنِي صَبُورًا، وَاجْعَلْنِي فِي عَيْنِي صَغِيرًا، وَفِي عَيْنِ النَّاسِ كَبِيرًا. (رواه البزار عن بريدة)

236. Ё Аллоҳ, мени шуқр қилувчи, сабр этувчи қилиб, кўз ўнгимда кичик, одамлар кўз олдида катта қилгин. Бурайда (розияллоҳу анҳу)дан. Баззор ривояти.

* اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْعَجْزِ وَالْكَسَلِ وَالْجُبْنِ وَالْبُخْلِ وَالْهَرَمِ وَأَعُوذُ

بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ النَّارِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَالْمَمَاتِ. (رواه البخاري ومسلم)

237. Ё Аллоҳ, Сендан ожизлик, дангасалик, кўрқоқлик, бахиллик, қарилик, қабр азоби, дўзах азоби ва тириклару ўликлар фитнасидан паноҳ тилайман. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* اللَّهُمَّ رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً، وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً، وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ. (رواه البخاري)

238. Ё Аллоҳ, ё Раббимиз! Бизларга дунё-ю охиратда яхшилик бер ва дўзах азобидан сақлагин. *Бухорий ривояти.*

* اللَّهُمَّ لَا عَيْشَ إِلَّا عَيْشَ الْآخِرَةِ. (رواه البخاري)

239. Ё Аллоҳ, фақат охират ҳаёти ҳақиқий ҳаётдир. *Бухорий ривояти.*

* اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي خَطِيئَتِي وَجَهْلِي وَإِسْرَافِي فِي أَمْرِي وَمَا أَنْتَ أَعْلَمُ بِهِ مِنِّي، اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي مَا قَدَّمْتُ وَمَا أَخَّرْتُ وَمَا أَسْرَرْتُ وَمَا أَعْلَنْتُ أَنْتَ الْمُقَدِّمُ وَأَنْتَ الْمُؤَخِّرُ وَأَنْتَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ. (رواه البخاري)

240. Ё Аллоҳ, хатоларимни, жоҳиллигимни, ишларимдаги исрофни кечиргин. Мендан кўра Сен уларни билувчисан. Ё Аллоҳ, ўтмиш ва келажакдаги, махфий ва ошкора барча гуноҳларимни кечир. Сен муқаддам қилувчи, кечиктирувчисан. Сен охирги қолувчисан ва ҳар бир нарсага қодир Зотсан. *Бухорий ривояти.*

* اللَّهُمَّ إِنَّكَ تَسْمَعُ كَلَامِي، وَتَرَى مَكَانِي، وَتَعْلَمُ سِرِّي وَعَلَانِيَتِي لَا يَخْفَى عَلَيْكَ شَيْءٌ مِنْ أَمْرِي، وَأَنَا الْبَائِسُ الْفَقِيرُ الْمُسْتَغِيثُ الْمُسْتَجِيرُ الْوَجَلُ الْمُسْتَقِفُّ الْمُقَرِّ الْمُعْتَرِفُ بِذَنْبِهِ، أَسْأَلُكَ مَسْأَلَةَ الْمُسْكِينِ وَأَبْتَهِلُ إِلَيْكَ ابْتِهَالُ

الْمَذْنِبِ الذَّلِيلِ، وَأَدْعُوكَ دُعَاءَ الْخَائِفِ الْمُضْطَرِّ مَنْ خَضَعَتْ لَكَ رَقَبَتُهُ،
وَقَاضَتْ لَكَ غَبْرَتُهُ، وَذَلَّ لَكَ جِسْمُهُ، وَرَغِمَ لَكَ أَنْفُهُ، اللَّهُمَّ لَا تَجْعَلْنِي
بِدُعَائِكَ شَقِيًّا، وَكُنْ بِي رَوْوْفًا رَحِيمًا، يَا خَيْرَ الْمَسْئُولِينَ، وَيَا خَيْرَ الْمُعْطِينَ.
(رواه الطبراني عن ابن عباس)

241. Ё Аллоҳ, Сен сўзларимни эшитасан, маконимни кўрасан, сиррий ва ошкора нарсаларимни биласан. Мен бечора, камбағал, ёрдамга эҳтиёжли, паноҳга муҳтож, ғамга ботган, мушфиқ ва гуноҳларини эътироф қилган кишиман. Сендан мискинлар сўрагандек сўраб, гуноҳкор ва хўрланганлар илтижо қилгани каби ёлвораман. Сенга кўрқувчи, мажбур бўлган, гардани Сенга эгилган, кўз ёши Сен учун оққан, жисми Сен учун хўрланган, бурни Сен учун ишқаланган киши сифатида дуо қиламан. Ё Аллоҳ, Сенга қилган дуойим сабабли мени бадбахт қилмагин. Менга меҳрибон, раҳмли бўлгин, ё сўралгувчиларнинг яхшиси ва берувчиларнинг яхшиси! Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* اللَّهُمَّ أَصْلِحْ ذَاتَ بَيْنِنَا، وَأَلْفَ بَيْنَ قُلُوبِنَا، وَاهْدِنَا سَبِيلَ السَّلَامِ وَنَجِّنَا
مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ، وَجَنِّبْنَا الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنَ، اللَّهُمَّ بَارِكْ
لَنَا فِي أَسْمَاعِنَا، وَأَبْصَارِنَا، وَقُلُوبِنَا، وَأَرْوَاجِنَا، وَذُرِّيَّاتِنَا، وَتُبْ عَلَيْنَا إِنَّكَ
أَنْتَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ، وَاجْعَلْنَا شَاكِرِينَ لِنِعْمَتِكَ مُتَّحِينَ بِهَا، قَابِلِينَ لَهَا، وَأَتَمِّهَا
عَلَيْنَا. (رواه الحاكم عن ابن مسعود)

242. Ё Аллоҳ, ораларимизни ислоҳ қил. Қалбларимизни улфат эт. Бизларни тинчлик йўлига бошла. Зулматдан нурга чиқишимиз ила бизларга нажот бер. Ошкора-ю сир, фаҳш ишлардан бизни четлантир. Ё Аллоҳ, қулоқларимиз, кўзларимиз, қалбларимиз, аҳлияларимиз, зурриётларимизда бизга барака ато қил. Гуноҳларимизни ке-

чир. Албатта, Сен кечиримли, раҳмли Зотсан. Бизларни неъматларингга шукр қилувчи, уларга мақтов айтувчи, уларга қобилиятли этиб, бизга ўша неъматни мукамал қил. *Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.*

* **اللَّهُمَّ أَصْلِحْ لِي دِينِي الَّذِي هُوَ عِصْمَةُ أَمْرِي، وَأَصْلِحْ لِي دُنْيَايَ الَّتِي فِيهَا مَعَاشِي، وَأَصْلِحْ لِي آخِرَتِي الَّتِي فِيهَا مَعَادِي، وَاجْعَلْ الْحَيَاةَ زِيَادَةً لِي فِي كُلِّ خَيْرٍ، وَاجْعَلِ الْمَوْتَ رَاحَةً لِي مِنْ كُلِّ شَرٍّ.** (رواه مسلم عن أبي هريرة)

243. Ё Аллоҳ, ишим сақловчиси бўлган динимни ислоҳ қил, яшашим унда бўлган дунёимни ислоҳ эт, қайтишим унда бўлган охиратимни ислоҳ айла, ҳаётни мен учун барча яхшиликларда зиёда қил. Ўлимни мен учун барча ёмонликлардан роҳатли қил. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Муслим ривояти.*

* **اللَّهُمَّ اجْعَلْ حُبَّكَ أَحَبَّ الْأَشْيَاءِ إِلَيَّ، وَاجْعَلْ خَشْيَتَكَ أَخْوَفَ الْأَشْيَاءِ عِنْدِي وَاقْطَعْ عَنِّي حَاجَاتِ الدُّنْيَا بِالشَّوْقِ إِلَى لِقَائِكَ، وَإِذَا أَقْرَرْتَ أَعْيُنَ أَهْلِ الدُّنْيَا مِنْ دُنْيَاهُمْ فَأَقْرِ عَيْنِي مِنْ عِبَادَتِكَ.** (رواه أبو نعيم عن الهيثم بن مالك الطائي)

244. Ё Аллоҳ, менга муҳаббатингни нарсаларнинг энг маҳбуброғи қил. Қўрқувингни эса менинг наздимда нарсаларнинг энг қўрқинчлироғи қил. Дунё ҳожатларидан мени узиб, Ўзингга йўлиқишга шавқли эт. Дунё аҳли кўзларини дунёга қарор топтирганингда, менинг кўзимни ибодатингга қарор топтир. Ҳайсам ибн Молик Тоий (*розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.*

* **اللَّهُمَّ افْتَحْ مَسَامِعَ قَلْبِي لِذِكْرِكَ، وَارْزُقْنِي طَاعَتَكَ وَطَاعَةَ رَسُولِكَ وَعَمَلًا بِكِتَابِكَ.** (رواه الطبراني عن عليّ)

245. Ё Аллоҳ, қалбим қулоғини Ўзингнинг зикрингга очиб, тоатинг, Расулинг тоати ва Китобингга амал қи-

лишни насиб эт. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* اللَّهُمَّ الطُّفُّ بِي فِي تَيْسِيرِ كُلِّ عَسِيرٍ، فَإِنَّ تَيْسِيرَ كُلِّ عَسِيرٍ عَلَيْكَ يَسِيرٌ، وَأَسْأَلُكَ الْيُسْرَ وَالْمُعَافَاةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ. (رواه الطبراني عن أبي هريرة)

246. Ё Аллоҳ, барча қийинчиликни менга осон қилиш ила лутф айла, чунки барча қийинчиликни осонлаштириш Сен учун енгилдир. Ё Аллоҳ, Сендан дунё ва охирадаги енгиллик ва офиятни сўрайман. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* اللَّهُمَّ أَغْنِنِي بِالْعِلْمِ، وَزَيِّنِي بِالْحِلْمِ، وَأَكْرِمْنِي بِالتَّقْوَى، وَجَمِّلْنِي بِالْعَافِيَةِ. (رواه ابن النجار عن ابن عمر)

247. Ё Аллоҳ, менга илм ила ёрдам бериб, ҳалимлик билан зийнатлаб, тақво ила ҳурмат айлаб ва офият билан мени гўзаллаштир. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Нажжор ривояти.

* اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ خَلِيلٍ مَآكِرٍ، عَيْنَاهُ تَرَيَانِي، وَقَلْبُهُ يَرْعَانِي، إِنْ رَأَى حَسَنَةً دَفَنَهَا، وَإِنْ رَأَى سَيِّئَةً أَذَاعَهَا. (رواه ابن النجار عن سعد بن سعيد المقبري مرسلًا)

248. Ё Аллоҳ, Сендан ҳийлакор дўстдан паноҳ тилайман. Чунки унинг икки кўзи мени кўриб, қалби кузатиб туради. Агар у бирор яхшилик кўрса, уни бекитади. Агар бирор ёмонлик кўрса уни тарқатади. Саъд ибн Саид Мақбурий (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Нажжор мурсал ҳолатда қилган ривояти.

* اللَّهُمَّ ارْحَمْ خُلَفَائِي الَّذِينَ مِنْ بَعْدِي، الَّذِينَ يَرْوُونَ أَحَادِيثِي وَسُنَنِي وَيُعَلِّمُونَهَا النَّاسَ. (رواه الطبراني عن عليّ)

249. Ё Аллоҳ, мендан кейин келадиган ўринбосарларимга раҳм қил. Улар шундай кишиларки, ҳадис ва суннатларимни ривоят қилиб, одамларга ўргатишади. Али (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* اللَّهُ اللَّهُ فِي قَبْطِ مِصْرَ، فَإِنَّكُمْ سَتَظْهَرُونَ عَلَيْهِمْ فَيَكُونُونَ لَكُمْ عُدَّةً وَأَعْوَانًا فِي سَبِيلِ اللَّهِ. (رواه الطبراني)

250. Мисрдаги қибтийлар борасида Аллоҳдан қўрқинглар. Чунки сизлар тез кунларда улар устидан ғалаба қиласизлар ва улар сизларга Аллоҳ йўлида ёрдам берувчи захира сифатида бўладилар. Табароний ривояти.

«أَمَّا بَعْدُ» فَإِنَّ الدُّنْيَا خَضِرَةٌ حُلْوَةٌ، وَإِنَّ اللَّهَ مُسْتَخْلِفُكُمْ فِيهَا، فَنَظَرُ كَيْفَ تَعْمَلُونَ، فَاتَّقُوا الدُّنْيَا وَاتَّقُوا النِّسَاءَ، فَإِنَّ أَوَّلَ فِتْنَةٍ بَنَى إِسْرَائِيلَ كَانَتْ فِي النِّسَاءِ. أَلَا إِنَّ بَنِي آدَمَ خُلِقُوا عَلَى طَبَقَاتٍ شَتَّى، فَمِنْهُمْ مَنْ يُولَدُ مُؤْمِنًا، وَيَحْيَا مُؤْمِنًا، وَيَمُوتُ مُؤْمِنًا، وَمِنْهُمْ مَنْ يُولَدُ كَافِرًا، وَيَحْيَا كَافِرًا، وَيَمُوتُ كَافِرًا، وَمِنْهُمْ مَنْ يُولَدُ مُؤْمِنًا، وَيَحْيَا مُؤْمِنًا، وَيَمُوتُ كَافِرًا، وَمِنْهُمْ مَنْ يُولَدُ كَافِرًا، وَيَحْيَا كَافِرًا، وَيَمُوتُ مُؤْمِنًا، أَلَا إِنَّ الْغَضَبَ جَمْرَةٌ تَوْقَدُ فِي جَوْفِ ابْنِ آدَمَ أَلَّا تَرَوْنَ إِلَى خُمْرَةٍ عَيْنِيهِ وَانْتِفَاحِ أَوْدَاجِهِ فَإِذَا وَجَدَ أَحَدَكُمْ شَيْئًا مِنْ ذَلِكَ فَلَا أَرْضَ الْأَرْضِ، أَلَا إِنَّ خَيْرَ الرِّجَالِ مَنْ كَانَ بَطِيءَ الْغَضَبِ سَرِيعَ الرِّضَا، وَشَرُّ الرِّجَالِ مَنْ كَانَ سَرِيعَ الْغَضَبِ بَطِيءَ الرِّضَا، فَإِذَا كَانَ الرَّجُلُ بَطِيءَ الْغَضَبِ بَطِيءَ الْفَيْءِ، أَوْ سَرِيعَ الْغَضَبِ سَرِيعَ الْفَيْءِ فَإِنَّهَا بِهَا أَلَّا إِنَّ خَيْرَ التُّجَّارِ مَنْ كَانَ حَسَنَ الْقَضَاءِ حَسَنَ الطَّلَبِ، وَشَرُّ التُّجَّارِ مَنْ كَانَ سَيِّئَ الْقَضَاءِ سَيِّئَ الطَّلَبِ، فَإِذَا كَانَ الرَّجُلُ حَسَنَ الْقَضَاءِ سَيِّئَ الطَّلَبِ أَوْ كَانَ سَيِّئَ الْقَضَاءِ حَسَنَ الطَّلَبِ، فَإِنَّهَا بِهَا. أَلَا وَإِنَّ لِكُلِّ غَادِرٍ لَوَاءَ يَوْمِ الْقِيَامَةِ بِقَدَرِ غَدْرَتِهِ، أَلَا وَإِنَّ أَكْبَرَ الْغَدْرِ غَدْرُ أَمِيرٍ عَامَّةٍ. أَلَا لَا يَمْنَعَنَّ رَجُلًا

مَهَابَةُ النَّاسِ أَنْ يَتَكَلَّمَ بِالْحَقِّ إِذَا عَلِمَهُ. أَلَا إِنَّ أَفْضَلَ الْجِهَادِ كَلِمَةٌ حَقٌّ عِنْدَ
سُلْطَانٍ جَائِرٍ. أَلَا إِنَّ مِثْلَ مَا بَقِيَ مِنَ الدُّنْيَا فِيمَا مَضَى مِنْهَا مِثْلُ يَوْمِكُمْ هَذَا
فِيمَا مَضَى مِنْهُ. (رواه الطيالسي عن أبي سعيد)

251. Аммо баъд: Албатта, дунё ям-яшилдир, мазалядир. Албатта, Аллоҳ унда сизларни ўринбосар қилади. Сизлар (ўшанда) қандай амал қилишингизга қарайди. Дунёдан ва аёллардан тақво қилинг. Чунки Бани Исроилнинг биринчи фитнаси аёлларда эди. Огоҳ бўлинг! Одам болалари турфа хил табақалардан ташкил топган. Улардан мўмин ҳолда туғилиб, мўмин бўлиб яшаб, мўмин ҳолда ўладиганлари бор. Ва яна улардан кофир ҳолда туғилиб, кофир бўлиб яшаб, кофир ҳолда ўладиганлари бор. Ва яна улардан мўмин ҳолда туғилиб, мўмин бўлиб яшаб, кофир ҳолда ўладиганлари ва кофир ҳолда туғилиб, кофир бўлиб яшаб, мўмин ҳолда ўладиганлари бордир. Огоҳ бўлинг! Албатта, ғазаб одам боласи қорнида алангаланиб турган чўғдир. Ўша ғазаби келганида кўзи кизариб, жон томирлари шишганига қарамайсизларми? Агар сизлардан бирингизда ана шундай ҳолат содир бўлса, ерни ва албатта ерни лозим тутсин, яъни ерга ўтириб олсин. Огоҳ бўлинг! Кишиларнинг яхшиси ғазаби оҳиста бўлиб, розилиги тез бўлгандир. Кишиларнинг ёмони ғазаби тез бўлиб, розилиги оҳиста бўлгандир. Кишининг ғазаби оҳиста, қайтиши оҳиста бўлиши ёки ғазаби тез, қайтиши ҳам тез бўлиши ўзига ҳаволадир. Огоҳ бўлинг, савдогарларнинг яхшиси бир нарса бераётганида ҳам, олаётганида ҳам чиройли суратда адо этувчисидир. Савдогарларнинг ёмони бирор нарса бераётганида ҳам, олаётганида ҳам ёмон суратда адо этувчисидир. Агар киши чиройли бериб, ёмон суратда талаб қилса ёки бераётганида ёмон муомалада бўлиб, талаб қилаётганида яхши муомала қилиши ўзига ҳаволадир. Огоҳ бўлинг! Албатта, Қиёмат куни барча хиёнаткорни хиёнати миқдорича байроғи бўлади. Огоҳ бўлинг, албатта, энг катта хиёнат

бошлиқнинг авомга қилган хиёнатидир. Огоҳ бўлинг! Одамлардан қўрқиш бирор кишини ҳақни билганда гапиришдан ҳаргиз ман этмасин. Огоҳ бўлинг! Жиходларнинг энг афзали золим подшоҳ олдида ҳақ сўзни гапиришдир. Огоҳ бўлинг! Дунёнинг ўтиб кетганидан қолганининг мисоли худди бугунги қолган кунингиз мисоли кабидир. Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Таёлисий ривояти.

* أُمِّي هَذِهِ أُمَّةٌ مَرْحُومَةٌ، لَيْسَ عَلَيْهَا عَذَابٌ فِي الْآخِرَةِ، إِنَّمَا عَذَابُهَا فِي الدُّنْيَا: الْفِتْنُ، وَالزَّلَازِلُ، وَالْقَتْلُ، وَالْبَلَايَا. (رواه الطبراني عن أبي موسى)

252. Бу умматим раҳм қилингандир. Улар учун охиратда азоб йўқдир. Чунки уларга бу дунёда фитналар, зилзилалар, ўлдиришлар ва турфа хил балолар бордир. Абу Мусо (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* امْسَحْ رَأْسَ الْيَتِيمِ (هَكَذَا) إِلَى مُقَدِّمِ رَأْسِهِ، وَمَنْ لَهُ أَبٌ (هَكَذَا) إِلَى مُؤَخَّرِ رَأْسِهِ. (رواه الخطيب عن ابن عباس)

253. Етимнинг бошини (мана бундай қилиб) бошининг (орқа тарафидан) олд томонига қараб силагин. Агар отаси бўлса, (мана бундай қилиб) бошини (олд тарафидан) орқа томонига қараб силагин. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Хатиб ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى إِذَا أَنْزَلَ عَاثَةً مِنَ السَّمَاءِ عَلَى أَهْلِ الْأَرْضِ صُرِفَتْ عَنْ عُمَارِ الْمَسَاجِدِ. (رواه ابن عساكر عن أنس)

254. Албатта, агар Аллоҳ таоло осмондан ер аҳлига бирор офат туширса, масжид аҳлини у офатдан сақлайди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى اسْتَخْلَصَ هَذَا الدِّينَ لِنَفْسِهِ، وَلَا يَصْلُحُ لِدِينِكُمْ إِلَّا السَّخَاءُ، وَحُسْنُ الْخُلُقِ. أَلَا فَزَيْتُوا دِينَكُمْ بِهَذَا. (رواه الطبراني عن عمران

بن حصين)

255. Албатта, Аллоҳ таоло бу динни Ўзи учун танлаб олди. Сизларнинг динингизга фақат сахийлик ва чиройли хулқ ярашади. Шундай экан, динларингизни бу икки хислат ила зийнатланглар. *Имрон ибн Ҳусайн (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* **إِنَّ أَبْغَضَ الرِّجَالِ إِلَى اللَّهِ الْأَلَدَّ الْخَصِمَ.** (رواه مسلم)

256. Албатта, Аллоҳ таолога кишиларнинг энг ёмон кўрилгани қаттиқ хусумат қилувчисиدير. *Муслим ривояти.*

* **إِنَّ الَّذِينَ يَصْنَعُونَ هَذِهِ الصُّورَ يُعَذَّبُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، فَيُقَالُ لَهُمْ: «أَحْيُوا مَا خَلَقْتُمْ».** (رواه الشيخان)

257. Албатта, бу суратларни чизувчилар қиёмат куни азобланадилар. Ва уларга: «Халқ қилган нарсаларингизни тирилтиринглар-чи?» дейилади. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* **إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى أَمَرَنِي بِمُدَارَةِ النَّاسِ، كَمَا أَمَرَنِي بِإِقَامَةِ الْفَرَائِضِ.** (رواه الديلمي عن عائشة)

258. Албатта, Аллоҳ менга худди фарзларни қойим қилишни буюрганидек, одамлар ила мурсада бўлишни буюрди. *Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Дайламий ривояти.*

* **إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى جَعَلَ مَا يَخْرُجُ مِنْ ابْنِ آدَمَ مَثَلًا لِلدُّنْيَا.** (رواه البيهقي)

259. Албатта, Аллоҳ таоло одам боласидан чиқадиган нарсани (нажосатни) дунё учун мисол қилди. *Байҳақий ривояти.*

* **إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى جَوَادٌ يُحِبُّ الْجُودَ، وَيُحِبُّ مَعَالي الْأَخْلَاقِ وَيَكْرَهُ سَفْسَافَهَا.** (رواه أبو نعيم عن ابن عباس)

260. Албатта, Аллоҳ саҳийдир, саҳийликни яхши кўради. Ва олий хулқларни севади, паст хулқларни эса ёмон кўради. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Абу Нуайм ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى رَضِيَ لِهَذِهِ الْأُمَّةِ الْيُسْرَ، وَكَرِهَ لَهَا الْعُسْرَ. (رواه الطبراني عن
محجن بن الأودع)

261. Албатта, Аллоҳ таоло бу умматга енгиллик бўлишига рози бўлди, ва унга қийинчиликни қарих (ёмон) кўрди. *Миҳжан ибн Авдаъ (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى سَأَلَ كُلَّ رَاعٍ عَمَّا اسْتَرْعَاهُ، أَحْفَظَ ذَلِكَ أَمْ ضَيَّعَهُ؟ حَتَّى يُسْأَلَ الرَّجُلُ عَنْ أَهْلِ بَيْتِهِ. (رواه ابن حبان عن أنس)

262. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир ишбошчидан қўл остидагилар ҳақида сўрайди. (Топширилган масъулиятни) муҳофаза қилдими? Ёки зое этдими? Ҳатто киши аҳли байти ҳақида сўралади. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Ҳиббон ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى كَتَبَ فِي أَمِّ الْكِتَابِ قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ: «إِنِّي أَنَا الرَّحْمَنُ. خَلَقْتُ الرَّحْمَ، وَشَقَقْتُ لَهَا اسْمًا مِنْ اسْمِي، فَمَنْ وَصَلَهَا وَصَلَتْهُ وَمَنْ قَطَعَهَا قَطَعَتْهُ». (رواه الطبراني عن جرير)

263. Албатта, Аллоҳ таоло еру-осмонни халқ қилишидан олдин Уммул китобда бу нарсаларни битди: «Албатта, мен Раҳмондирман. Раҳмни ҳам халқ қилганман ва уни Ўз исмимдан чиқариб олганман. Ким уни боғласа, Мен ҳам уни боғлайман. Ким ундан узилса, Мен ҳам уни узаман». *Жарир (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* إِنَّ الْمُؤْمِنَ لَا يَنْجُسُ. (رواه البخاري ومسلم)

264. Албатта, мўмин нажас бўлмайди. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَمَّا خَلَقَ الْخَلْقَ كَتَبَ بِيَدِهِ عَلَى نَفْسِهِ إِنَّ رَحْمَتِي تَغْلِبُ غَضَبِي. (رواه ابن ماجه عن أبي هريرة)

265. Албатта, Аллоҳ таоло халойиқни халқ қилганида: «Албатта раҳматим ғазабимга ғолибдир», деб Ўз зиммасига ёзди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.

* إِنَّ الْمَرْأَةَ تُقْبَلُ فِي صُورَةِ شَيْطَانٍ، وَتُدْبَرُ فِي صُورَةِ شَيْطَانٍ، فَإِذَا رَأَى أَحَدُكُمْ امْرَأَةً فَأَعْجَبَتْهُ فَلْيَأْتِ أَهْلَهُ، فَإِنَّ ذَلِكَ يَرُدُّ مَا فِي نَفْسِهِ. (رواه مسلم)

266. Албатта, аёл шайтон суратида келиб, шайтон суратида кетади. Агар сизлардан бирингиз бирор аёлни кўрса ва аёл уни қизиқтириб қолса, ўз аҳли, яъни хотини билан қўшилсин. Ана шундай қилиш нафсидаги (шаҳватни) даф этади. Муслим ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَيَنْظُرُ إِلَى الْكَافِرِ، وَلَا يَنْظُرُ إِلَى الْمُزْمِي، وَلَقَدْ حَمَلَتْ سُلَيْمَانَ بْنِ دَاوُدَ الرِّيحَ وَهُوَ مُتَكِيٌّ، فَأَعْجَبُ وَاحْتَالَ فِي نَفْسِهِ فَطَرَحَ عَلَى الْأَرْضِ. (رواه الطبراني)

267. Албатта, Аллоҳ таоло кофирга қарайди-ю, лекин фахрланувчи мутакаббирга қарамайди. Сулаймон ибн Довуд суяниб турганларида, шамол у зотни кўтарди. Шунда у зот бундан ажабланиб, нафслари ғурурга кетганида, ерга ташландилар. Табароний ривояти.

* إِنَّ أَحَبَّ مَا يَقُولُ الْعَبْدُ إِذَا اسْتَيْقَظَ مِنْ نَوْمِهِ: «سُبْحَانَ الَّذِي يُحْيِي الْمَوْتَى وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ». (رواه الخطيب عن ابن عمر)

268. Банда уйқусидан уйғонганида айтадиган зикрининг энг яхшиси: «Субҳаналлазий юҳйил мавто ва ҳува

ъала кулли шайъин қодийр» (Ўликларни тирилтиришга қодир Зот покдир. У ҳар бир нарсага қодир Зотдир). Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Хатиб ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَا يَنْظُرُ إِلَى صُورِكُمْ، وَلَا إِلَى أَحْسَابِكُمْ، وَلَا إِلَى أَمْوَالِكُمْ وَلَكِنْ يَنْظُرُ إِلَى قُلُوبِكُمْ وَأَعْمَالِكُمْ. (رواه الطبراني)

269. Албатта, Аллоҳ таоло суратларингизга, наслу насабингизга ва мол-дунёнгизга қарамайди. Лекин қалбларингизу амалларингизга қарайди. Табароний ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَا يَرْضَى لِعَبْدِهِ الْمُؤْمِنِ إِذَا ذَهَبَ بِصَفِيَّةٍ مِنْ أَهْلِ الْأَرْضِ فَصَبَرَ وَاحْتَسَبَ بِثَوَابِ دُونِ الْجَنَّةِ. (رواه النسائي عن ابن عمر)

270. Албатта, Аллоҳ таоло мўмин бандасининг ер аҳли орасидаги энг яқин кишисини олиб қўйса, яъни вафот эттирса, у ўша (айрилиққа) сабр қилиб, савоб талаб этса, унга жаннатдан бошқасига рози бўлмайди, яъни жаннатга киритади. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Насоий ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَا يَظْلِمُ الْمُؤْمِنَ حَسَنَةً يُعْطَى عَلَيْهَا فِي الدُّنْيَا، وَيُثَابُ عَلَيْهَا فِي الْآخِرَةِ، وَأَمَّا الْكَافِرُ فَيُعْطَى بِحَسَنَاتِهِ فِي الدُّنْيَا، حَتَّى إِذَا أَقْضَى إِلَى الْآخِرَةِ لَمْ تَكُنْ لَهُ حَسَنَةٌ يُعْطَى عَلَيْهَا خَيْرًا. (رواه أحمد عن أنس)

271. Албатта, Аллоҳ таоло мўминга дунёда ҳаётлик пайтида яхшилик ато этишда зулм қилмайди. Охиратда эса унга савоб инъом қилади. Аммо кофирга яхшиликларнинг барчасини бу дунёда беради. Охиратга борганида, унга бериладиган бирор яхшилик бўлмайди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَا يَقْبَلُ مِنَ الْعَمَلِ إِلَّا مَا كَانَ لَهُ خَالِصًا وَابْتِغَى بِهِ وَجْهَهُ. (رواه النسائي عن أبي أمامة)

272. Албатта, Аллоҳ таоло фақат холис ва Ўзининг розилиги учун бўлган амалнигина қабул қилади. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Насоий ривояти.

* إِنَّ مِنْ حَقِّ الْوَلَدِ عَلَى وَالِدِهِ أَنْ يُعَلِّمَهُ الْكِتَابَةَ، وَأَنْ يُحَسِّنَ اسْمَهُ، وَأَنْ يَزَوِّجَهُ إِذَا بَلَغَ. (رواه ابن النجار)

273. Албатта, боланинг ота устидаги ҳақи ёзишни ўргатиш, чиройли исм қўйиш ва вояга етганида уйлантириб қўйишдир. Ибн Нажжор ривояти.

* إِنَّ مِنْ السُّنَّةِ أَنْ يَخْرُجَ الرَّجُلُ مَعَ ضَيْفِهِ إِلَى بَابِ الدَّارِ. (رواه ابن ماجه)

274. Киши меҳмони билан ҳовли дарвозаси олдиғача чиқиши суннатдандир. Ибн Можа ривояти.

* إِنَّ مِنْ شَرِّ النَّاسِ عِنْدَ اللَّهِ مَنْزِلَةً يَوْمَ الْقِيَامَةِ الرَّجُلُ يُفْضِي إِلَى امْرَأَتِهِ وَتُفْضِي إِلَيْهِ، ثُمَّ يَنْشُرُ سِرَّهَا. (رواه مسلم)

275. Бир киши хотини билан қўшилса ва у хотин ҳам эри билан қўшилса, кейин у аёлнинг сирини ёйса, қиёмат куни ўша киши Аллоҳ ҳузурида инсонларнинг энг ёмони бўлади. Муслим ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يُحِبُّ السَّهْلَ الطَّلِيْقَ. (رواه الشيرازي عن أبي هريرة)

276. Албатта, Аллоҳ таоло мулойим, очиқюзли инсонни яхши кўради. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Шерозий ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الرَّفْقَ فِي الْأَمْرِ كُلِّهِ. (رواه البخاري)

277. Албатта, Аллоҳ таоло барча ишларда мулойимликни яхши кўради. Бухорий ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ حَرَّمَ عَلَيْكُمْ عُقُوقَ الْأُمَّهَاتِ، وَوَادَ النَّبَاتِ، وَمَنْعًا وَهَاتِ، وَكَرِهَ لَكُمْ قِيلَ

وَقَالَ، وَكَثْرَةُ السُّؤَالِ وَإِضَاعَةُ الْمَالِ. (رواه البخاري ومسلم عن المغيرة بن شعبة)

278. Албатта, Аллоҳ таоло оналарингизга оқ бўлишни, қизларни тириклайин кўмишни, бериш лозим бўлган нарсани ман этиб, бошқалардан нарса талаб этишни ҳаром этди. Ҳамда ундай деди, бундай деди, деб ҳар хил сўзларни гапиришни, кўп савол беришни ва молни беҳудага сарф қилишни қариҳ қўрди. Муғйра ибн Шуъба (розиаллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يُدْنِي الْمُؤْمِنَ فَيَضَعُ عَلَيْهِ كَنَفَهُ وَيَسْتَرْهُ مِنَ النَّاسِ وَيَقَرُّهُ بِذُنُوبِهِ، فَيَقُولُ أَتَعْرِفُ ذَنْبَ كَذَا؟ أَتَعْرِفُ ذَنْبَ كَذَا؟ فَيَقُولُ: نَعَمْ أَيْ رَبِّ، حَتَّى إِذَا قَرَّرَهُ بِذُنُوبِهِ، وَرَأَى فِي نَفْسِهِ أَنَّهُ قَدْ هَلَكَ قَالَ: فَإِنِّي قَدْ سَتَرْتُهَا عَلَيْكَ فِي الدُّنْيَا، وَأَنَا أَغْفِرُهَا لَكَ الْيَوْمَ ثُمَّ يُعْطَى كِتَابَ حَسَنَاتِهِ بِيَمِينِهِ، وَأَمَّا الْكَافِرُ وَالْمُنَافِقُ فَيَقُولُ الْأَشْهَادُ: «هَؤُلَاءِ الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَى رَبِّهِمْ أَلَا لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ». (رواه ابن ماجه عن ابن عمر)

279. Албатта, Аллоҳ таоло мўминни яқинлаштириб, унга соясини ташлайди-да, уни одамлардан тўсиб, гуноҳларига иқрор қилдиради. Ва: «Ундай гуноҳингни, бундай гуноҳингни биласанми?» дейди. У: «Ҳа, ё Раббим», деб ўз гуноҳларига иқрор бўлади. Ва ўзини ҳалок бўлганлар қаторидаман, деб гумон қилади. Шунда Аллоҳ таоло: «Мен гуноҳларингни дунёда одамлар кўзидан тўсган эдим. Бугун уларни кечираман», дейди. Шундан кейин яхшиликлар китоби ўнг томонидан берилади. Аммо кофир ва мунофиқларга гувоҳлар: «Ана шулар Парвардигорлари номидан ёлғон гапирганлар», – дейдилар. Огоҳ бўлингизки, Аллоҳнинг лаънати зolimларга (бўлур). Ибн Умар (розиаллоҳу анҳумо)дан. Ибн Можа ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ إِذَا عَمِلَ أَحَدُكُمْ الْعَمَلَ أَنْ يُتِقَنَهُ. (رواه الطبراني)

280. Албатта, Аллоҳ таоло сизлардан бирингиз бирор амални бажарадиган бўлса, пишиқ-пuxта бажарганини яхши кўради. *Табароний ривояти.*

* إِنِّي لَسْتُ أَسْتَعْمِلُ أَحَدًا حَتَّى أَشَارَظَهُ. (رواه الديلمي)

281. Расулulloҳ (саллоллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Мен бирор кишини шартлашмасдан туриб амалдор этмайман”. *Дайлабий ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَعْجَبُ مِنْ سَائِلٍ يَسْأَلُ غَيْرَ الْجَنَّةِ، وَمِنْ مُعْطٍ يُعْطِي لَغَيْرِ اللَّهِ، وَمِنْ مُتَعَوِّذٍ يَتَعَوَّذُ مِنْ غَيْرِ النَّارِ. (رواه الخطيب عن ابن عمر)

282. Албатта, Аллоҳ таоло жаннатдан бошқа нарсани сўровчидан, Аллоҳдан бошқанинг (розилиги учун) берувчидан ва дўзахдан бошқа нарсадан паноҳ сўровчидан ажабланади. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Хатиб ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ أَنَا ثَالِثُ الشَّرِيكَيْنِ مَا لَمْ يَخُنْ أَحَدُهُمَا صَاحِبَهُ، فَإِذَا خَانَهُ خَرَجْتُ مِنْ بَيْنَهُمَا. (رواه أبو داود عن أبي هريرة)

283. Албатта, Аллоҳ таоло айтадики, мен икки шерикнинг учинчисиман, модомики икковидан бири шеригига хиёнат қилмаса. Борди-ю, хиёнат қилса, улар орасидан чиқиб кетаман. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Довуд ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ لَا يُعَذِّبُ بِدَمْعِ الْعَيْنِ، وَلَا بِحُزْنِ الْقَلْبِ، وَلَكِنْ يُعَذِّبُ بِهَذَا قَالٍ وَأَشَارٍ إِلَى لِسَانِهِ أَوْ يَرْحَمُ، وَإِنَّ الْمَيِّتَ يُعَذِّبُ بِبُكَاءِ أَهْلِهِ عَلَيْهِ. (رواه الجماعة)

284. Расулulloҳ (саллоллоҳу алайҳи ва саллам): «Албатта, Аллоҳ (вафот этган кишининг хонадон аҳли қилган) кўз ёши ва қалб хафачилиги учун азобламайди. Лекин мана бунга азоблайди ёки раҳм қилади, деб тилла-

рига ишора қилдилар. Албатта, маййит ўз аҳлининг йи-
гиси сабабли азобланади». *Жамоат ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ: إِذَا أَخَذْتُ كَرِمْتِي عَبْدِي فِي الدُّنْيَا لَمْ يَكُنْ لَهُ
عِنْدِي جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ. (رواه الترمذي عن أنس)

285. Албатта, Аллоҳ таоло айтади. Агар дунё ҳаётида
бирор бандамнинг икки кўзини олсам, яъни кўр қилиб
қўйсам, (охиратда) фақат унга жаннатни мукофот қилиб
бераман. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. *Термизий ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى قَدْ حَرَّمَ عَلَى النَّارِ مَنْ قَالَ (لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ) يَبْتَغِي بِذَلِكَ
وَجْهَ اللَّهِ. (رواه البخاري ومسلم)

286. Албатта, Аллоҳ таоло «Ла илаҳа иллаллоҳ» кали-
масини айтиб, бу билан Аллоҳ розилигини талаб қил-
ган кишига дўзахни ҳаром қилган. *Бухорий ва Муслим
ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ (أَيْنَ الْمُتَحَابُّونَ جَلَالِي، الْيَوْمَ أَظْلَهُمْ فِي
ظِلِّي يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلِّي). (رواه مسلم عن أبي هريرة)

287. Албатта, Аллоҳ таоло қиёмат куни: «Мени улуғли-
гим учун яхши кўрувчилар қаерда? Бугун уларни ўз со-
ямда соялантираман. Бу куни менинг соямдан бошқа соя
йўқдир», дейди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. *Муслим
ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ: (أَنَا مَعَ عَبْدِي مَا ذَكَرَنِي، وَتَحَرَّكَتْ بِي شَفَاتُهُ). (رواه
أحمد عن أبي هريرة)

288. Албатта, Аллоҳ таоло: «Мени эслаб ва Мени деб
икки лаби кимирлаган (яъни тасбеҳ, таҳлил тақбир айт-
ган) бандам билан биргаман» дейди. Абу Ҳурайра (розиял-
лоҳу анҳу)дан. *Аҳмад ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ: إِنَّ عَبْدًا صَحَّحْتُ لَهُ جِسْمَهُ، وَوَسَّعْتُ عَلَيْهِ فِي مَعِيشَتِهِ، يَمُضِي عَلَيْهِ خَمْسَةُ أَغْوَامٍ لَا يَفِدُ إِلَى لَمَحْرُومٍ. (رواه ابن حبان عن أبي سعيد)

289. Албатта, Аллоҳ таоло: «Мен бандамнинг жисми-ни соғ қилиб, ризқини кенгайтирдим. У эса мана беш йил ўтди ҳамки, ҳузуримга келишдан маҳрум, яъни Каъбани зиёрат қилмайди», деди. Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Ҳиббон ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ لِأَهْلِ الْجَنَّةِ: يَا أَهْلَ الْجَنَّةِ: فَيَقُولُونَ: لَبَّيْكَ رَبَّنَا وَسَعْدَيْكَ، وَالْخَيْرُ فِي يَدَيْكَ، فَيَقُولُ هَلْ رَضِيتُمْ؟ فَيَقُولُونَ وَمَا لَنَا لَا نَرْضَى وَقَدْ أَعْطَيْنَا مَا لَمْ تُعْطِ أَحَدًا مِنْ خَلْقِكَ، فَيَقُولُ: أَلَا أُعْطِيكُمْ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، فَيَقُولُونَ: يَا رَبَّنَا وَآيُ شَيْءٍ أَفْضَلُ مِنْ ذَلِكَ؟ فَيَقُولُ: أَحِلُّ عَلَيْكُمْ رِضْوَانِي فَلَا أَسْخَطُ عَلَيْكُمْ أَبَدًا. (رواه الشيخان عن أبي سعيد)

290. Албатта, Аллоҳ таоло жаннат аҳлига: «Эй жаннат аҳли» деса, улар: «Лаббай, буйруғингга ҳозирмиз, яхшилик Сендадир», дейишади. Аллоҳ таоло: «(Бу берилган нарсалардан) розимисизлар?» деса, улар: «Нимага рози бўлмас эканмиз? Сен бизга махлуқотларингдан бирортасига бермаган нарсани ато қилдинг», дейишади. Аллоҳ таоло: «Сизларга бундан ҳам афзал нарсани берайми?» дейди. Улар: «Ё Раббимиз! Қайси нарса бу жаннатдан афзал бўлиши мумкин?» дейишганида, Аллоҳ таоло: «Сизларга розилигим битилиб, ҳечам ғазабим бўлмайди», дейди. Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ تَجَاوَزَ لَأُمِّي عَمَّا حَدَّثْتُ بِهِ أَنْفُسَهَا مَا لَمْ تَعْمَلْ بِهِ أَوْ تَتَكَلَّمْ بِهِ. إِنَّ اللَّهَ تَجَاوَزَ عَنْ أُمِّي مَا وَسَّوَسْتُ بِهِ صُدُورَهَا مَا لَمْ تَعْمَلْ بِهِ أَوْ تَكَلَّمْ بِهِ. (رواه الجماعة)

291. Албатта, Аллоҳ таоло умматимдан кўнглига тук-канидаги (гуноҳни) ўтиб юборди, модомики ўша нарасага амал қилмаса ёки уни тилига чиқармаса. Албатта, Аллоҳ таоло умматимдан қалбида содир бўлган вас-васани ўтиб юборди, модомики унга амал қилмаса ёки уни гапирмаса. *Жамоат ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لِيَمْلِي لِلظَّالِمِ حَتَّى إِذَا أَخَذَهُ لَمْ يُفْلِتْهُ. (رواه البخاري)

292. Албатта, Аллоҳ таоло золимга узоқ муддат беради. Уни тутгач, (жазо бермасдан) қочириб юбормайди. *Бухорий ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ: يَا ابْنَ آدَمَ مَرِضْتُ فَلَمْ تَعُدِّي، قَالَ يَا رَبِّ كَيْفَ أَعُودُكَ وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمِينَ، قَالَ أَمَا عَلِمْتَ أَنَّ عَبْدِي فَلَانًا مَرِضَ فَلَمْ تَعُدَّهُ، أَمَا عَلِمْتَ أَنَّكَ لَوْ عُدْتَهُ لَوَجَدْتَنِي عِنْدَهُ، يَا ابْنَ آدَمَ اسْتَطَعْمُكَ فَلَمْ تُطْعَمْنِي، قَالَ يَا رَبِّ وَكَيْفَ أَطْعَمُكَ وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمِينَ، قَالَ أَمَا عَلِمْتَ أَنَّهُ اسْتَطَعْمَكَ عَبْدِي فَلَانٌ فَلَمْ تُطْعَمْهُ، أَمَا عَلِمْتَ أَنَّكَ لَوْ أَطْعَمْتَهُ لَوَجَدْتَ ذَلِكَ عِنْدِي يَا ابْنَ آدَمَ اسْتَسْقَيْتُكَ فَلَمْ تَسْقِنِي، قَالَ يَا رَبِّ وَكَيْفَ أَسْقِيكَ وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمِينَ، قَالَ اسْتَسْقَاكَ عَبْدِي فَلَانٌ فَلَمْ تَسْقِهِ، أَمَا إِنَّكَ لَوْ سَقَيْتَهُ وَجَدْتَ ذَلِكَ عِنْدِي. (رواه مسلم عن أبي هريرة)

293. Аллоҳ таоло: «Эй одам боласи, касал бўлдим, Мени кўргани бормадинг», дейди. Шунда у: «Ё Раббим, қандай қилиб Сени кўргани бораман? Сен оламларнинг Рабби бўлсанг», дейди. Аллоҳ эса: «Билмайсанми, фалончи бандам касал бўлди, лекин уни кўргани бормадинг. Агар уни кўргани борганингда ҳузурида Мени топар эдинг», дейди. Аллоҳ: «Эй одам боласи, сендан таом сўрадим, Менга уни бермадинг», деса, у: «Ё Раббим, қандай қилиб Сени овқатлантираман? Сен оламлар Рабби бўлсанг», дейди. Аллоҳ эса: «Билмайсанми, фалончи

бандам сендан овқат сўради, лекин сен унга таом бермадинг. Агар унга таом берганингда ҳузуримдан уни топар эдинг», дейди. Аллоҳ: «Эй одам боласи, сендан сув талаб қилдим. Лекин Мени сув билан сийламадинг», деса, у: «Ё Раббим, нечук Сени сув ила сийлайман? Ахир, Сен оламлар Рабби бўлсанг», дейди. Аллоҳ эса: «Фалончи бандам сув талаб қилди. Сен унга сув бермадинг. Билмайсанми, агар сув билан сийлаганингда, уни менинг ҳузуримдан топар эдинг», дейди. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Муслим ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ: إِنِّي لَأَهْمُّ بِأَهْلِ الْأَرْضِ عَذَابًا، فَإِذَا نَظَرْتُ إِلَى عَمَّارِ بَيُوتِي وَالْمُتَحَابِّينَ فِيَّ، وَالْمُتَغَفِّرِينَ بِالْأَسْحَارِ صَرَفْتُ عَذَابِي عَنْهُمْ. (رواه البيهقي عن أنس)

294. Албатта, Аллоҳ таоло: «Ер аҳлига азоб беришга чоғланаман. Агар Менинг уйларимни (масжидларни) обод қилувчиларни, Менинг йўлимда яхши кўрувчиларни ва саҳар чоғида истиғфор айтувчиларни кўрсам, азобимни улардан даф этаман», дейди. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يُنْزِلُ الْمَعُونَةَ عَلَى قَدْرِ الْمُؤْنَةِ، وَيُنْزِلُ الصَّبْرَ عَلَى قَدْرِ الْبَلَاءِ. (رواه ابن عدي عن أبي هريرة)

295. Албатта, Аллоҳ таоло ризқ миқдорига қараб ёрдамчиларни туширади. Бало даражасига қараб сабрни туширади. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Адий ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَغَارُ، وَإِنَّ الْمُؤْمِنَ يَغَارُ، وَغَيْرَةُ اللَّهِ أَنْ يَأْتِيَ الْمُؤْمِنُ مَا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ، إِنَّهُ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ إِلَّا نَفْسٌ مُسْلِمَةٌ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

296. Албатта, Аллоҳ ғаюрлик (рашк) қилади. Мўмин ҳам ғаюрлик қилади. Аллоҳнинг ғаюрлиги мўмин киши Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни бажарганида келади. Албатта, Аллоҳ жаннатга фақат муслим жонни киритади. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти).*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَيُؤَيِّدَ هَذَا الدِّينَ بِالرَّجُلِ الْفَاجِرِ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

297. Албатта, Аллоҳ таоло бу динни фожир киши билан ҳам қувватлаб қўяди. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* إِنَّ الْأَرْضَ لَتَنَادِي كُلَّ يَوْمٍ سَبْعِينَ مَرَّةً: يَا بَنِي آدَمَ كُلُوا مَا شِئْتُمْ وَاشْبِهْتُمْ، فَوَاللَّهِ لَا كَلْنَ لِحُومِكُمْ وَجُلُودَكُمْ. (رواه الحكيم عن ثوبان)

298. Албатта, ер ҳар куни етмиш марта: «Эй одам болалари, хоҳлаган ва иштаҳаларингиз тусаган нарсани енглар. Аллоҳга қасамки, сизларни гўштингизу, териларингизни ейман», дейди. *Савбон (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳаким ривояти.*

* إِنَّ الْحَيَاءَ وَالْإِيمَانَ قَرْنَا جَمِيعًا، فَإِذَا رُفِعَ أَحَدُهُمَا رُفِعَ الْآخَرُ. (رواه الحاكم عن ابن عمر)

299. Албатта, ҳаё ва имон иккиси бир-бирига яқиндир. Агар бири кўтарилса, иккинчиси ҳам кўтарилади. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Ҳоким ривояти.*

* إِنَّ الدِّينَ يُسْرٌ، وَلَنْ يُشَادَّ الدِّينَ أَحَدٌ إِلَّا غَلَبَهُ، فَسَدِّدُوا وَقَارِبُوا وَأَبْشِرُوا وَاسْتَعِينُوا بِالْغَدْوَةِ وَالرَّوْحَةِ وَشَيْءٍ مِنَ الدَّلْجَةِ. (رواه البخاري)

300. Албатта, дин енгилдир. Бирор киши дин билан беллашса, дин унга ғолиб келади. Шундай экан, тўғри йўлни лозим тутиб, мўътадилига яқин бўлинглар ва ба-

шорат (хушхабар) беринглар. Ибодатнинг бардавом бўлиши учун кундузнинг аввалида ва охирида ҳамда кечанинг охиридаги жўшқинликдан фойдаланинг. Бухорий ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ كَتَبَ الْحَسَنَاتِ وَالسَّيِّئَاتِ، ثُمَّ بَيَّنَ ذَلِكَ فَمَنْ هَمَّ بِحَسَنَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كَتَبَهَا اللَّهُ لَهُ عِنْدَهُ حَسَنَةٌ كَامِلَةٌ فَإِنْ هُوَ هَمَّ بِهَا فَعَمَلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ عِنْدَهُ عَشْرَ حَسَنَاتٍ إِلَى سَبْعِمِائَةٍ ضَعْفٍ إِلَى أَضْعَافٍ كَثِيرَةٍ، وَمَنْ هَمَّ بِسَيِّئَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كَتَبَهَا اللَّهُ عِنْدَهُ حَسَنَةٌ كَامِلَةٌ، فَإِنْ هُوَ هَمَّ بِهَا فَعَمَلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ عَلَيْهِ سَيِّئَةٌ وَاحِدَةٌ. (أَخْرَجَهُ مُسْلِمٌ وَابْنُ خَالٍ عَنْ أَبِي عُبَيْسٍ)

301. Албатта, Аллоҳ таоло яхшилик ва ёмонликларни ёзиб битди. Кейин уни баён қилди. Кимки бирор яхшилик қилишни қасд қилса-ю, унга амал қила олмаса, Аллоҳ таоло ҳузурида яхшиликни мукаммал тарзда адо этган, деб ёзади. Агар бирор яхшиликни қасд этса-ю, унга амал қилса, Аллоҳ таоло ҳузурида ўндан бошлаб то етти юз баробаргача кўпайтирган ҳолда ёзиб битади. Кимки бирор ёмонликни қилишга қасд этса-ю, унга амал қилмаса, Аллоҳ таоло ҳузурида яхшиликни мукаммал тарзда адо этган, деб ёзади. Агар у ёмонликни қасд қилиб, уни амалга оширса, Аллоҳ унга битта ёмонлик қилган, деб битади. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّ الرَّجُلَ لَيَحْرَمُ الرِّزْقَ بِالذَّنْبِ يُصِيبُهُ، لَا يَرُدُّ الْقَدَرَ إِلَّا الدُّعَاءُ وَلَا يَزِيدُ فِي الْعُمْرِ إِلَّا الْبِرُّ. (رواه ابن حبان عن ثوبان)

302. Албатта, киши қилган гуноҳи сабабли ўзига етиб келадиган ризқдан маҳрум бўлади. Қадарни фақатгина дуо қайтара олади. Умрни фақатгина яхшилик зиёда қилади. Савбон (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Ҳиббон ривояти.

* إِنَّ الرِّزْقَ لَيَطْلُبُ الْعَبْدَ أَكْثَرَ مِمَّا يَطْلُبُهُ أَجَلُهُ. (رواه الطبراني عن أبي

303. Албатта, ризқ бандани ажали талаб қилгандан ҳам кўра кўпроқ талаб қилади. *Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) дан. Табароний ривояти.*

* إِنَّ السَّعَادَةَ كُلَّ السَّعَادَةِ طُولُ الْعُمْرِ فِي طَاعَةِ اللَّهِ. (رواه الخطيب عن عبد الله عن أبيه)

304. Умр бўйи Аллоҳ тоатида бўлган киши саодат устига саодатлидир. *Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) отасидан. Хатиб ривояти.*

* إِنَّ الْمَيِّتَ يُؤْذِيهِ فِي قَبْرِهٖ، مَا كَانَ يُؤْذِيهِ فِي بَيْتِهِ. (رواه الديلمي)

305. Маййитга ўз уйида озор берган нарсалар қабрида ҳам озор беради. *Дайлабий ривояти.*

* إِنَّ الْمَيِّتَ لَيُعَذَّبُ بِكِبَاءِ أَهْلِهِ عَلَيْهِ. (رواه البخاري)

306. Албатта, маййит ўз аҳлининг йиғиси сабабли азобланади. *Бухорий ривояти.*

* إِنَّ أَحَدَكُمْ يُجْمَعُ خَلْقُهُ فِي بَطْنِ أُمِّهِ أَرْبَعِينَ يَوْمًا نُطْفَةً، ثُمَّ يَكُونُ عِلْقَةً مِّثْلَ ذَلِكَ، ثُمَّ يَكُونُ مُضْغَةً مِّثْلَ ذَلِكَ، ثُمَّ يَبْعَثُ اللَّهُ إِلَيْهِ مَلَكًا فَيُؤَمِّرُ بَارِعَ كَلِمَاتٍ، وَيُقَالُ لَهُ: اكْتُبْ عَمَلَهُ وَرِزْقَهُ وَأَجَلَهُ وَشَقِيَّ أَوْ سَعِيدٍ، ثُمَّ يَنْفُخُ فِيهِ الرُّوحَ، فَإِنَّ الرَّجُلَ مِنْكُمْ لَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ الْجَنَّةِ حَتَّى مَا يَكُونُ بَيْنَهُ وَبَيْنَهَا إِلَّا ذِرَاعٌ فَيَسْبِقُ عَلَيْهِ الْكِتَابُ فَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ النَّارِ فَيَدْخُلُ النَّارَ وَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ النَّارِ حَتَّى مَا يَكُونُ بَيْنَهُ وَبَيْنَهَا إِلَّا ذِرَاعٌ فَيَسْبِقُ عَلَيْهِ الْكِتَابُ فَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ الْجَنَّةِ، فَيَدْخُلُ الْجَنَّةَ. (رواه البخاري ومسلم)

307. Ҳар бирингизнинг халқ қилинишингиз онаси қорнида маний ҳолда қирқ кун тўпланиб туради. Сўнгра яна шунча кунда қуюқ қон ва яна шунча кунда бир парча гўштга айланади. Кейин бир фаришта (онаси қорнига) юборилиб, унга руҳ пуфлайди ва тўрт сўзни, яъни

ризқини, ажалини, қандай амал қилишини ва бахтсиз ёки бахтли эканини ёзиб қўймоққа буюрилади. Ундан бошқа илоҳ йўқ бўлган Зотга қасамки, сизлардан бирингиз ўзи билан жаннат ўртасида бир газ масофа қолгунча жаннат аҳли амалини қилиб юради-да, пировардида (онаси қорнида битилган) тақдири унга пешвоз чиқиб, дўзах аҳлига мансуб ишни қилиб қўяди ва дўзахга равона бўлади. Сизлардан бирингиз ўзи билан дўзах ўртасида бир газ масофа қолгунча дўзахийларга хос амалларни қилиб юради-да, пировардида (онаси қорнида битилган) тақдири унга пешвоз чиқиб, жаннат аҳли амалини қилиб қўяди ва жаннатга равона бўлади». Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّ الشَّيْطَانَ قَالَ: وَعَزَّتْكَ يَا رَبِّ لَا أَبْرَحُ أُغْوِي عِبَادَكَ مَا دَامَتْ أَرْوَاحُهُمْ فِي أَجْسَادِهِمْ، فَقَالَ الرَّبُّ: وَعَزَّتِي وَجَلَالِي لَا أَزَالُ أَغْفِرُ لَهُمْ مَا اسْتَغْفَرُونِي. (رواه أحمد عن أبي سعيد)

308. Шайтон: «Ё Рабб! Сенинг азизлигинг ҳақи ҳурмати! Модомики бандаларинг руҳи жасадларида экан, уларни адаштиришда бардавом бўлавераман», деганида, Аллоҳ таоло: «Менинг азизлигим ва улуғлигим ҳақи ҳурмати улар менга истиғфор айтишда бардавом эканлар, Мен ҳам уларнинг гуноҳларини кечиравераман», деди. Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* إِنَّ الصَّالِحِينَ يُشَدَّدُ عَلَيْهِمْ، وَإِنَّهُ لَا يُصِيبُ مُؤْمِنًا نَكْبَةٌ مِنْ شَوْكَةٍ فَمَا فَوْقَ ذَلِكَ إِلَّا حُطَّتْ عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةٌ، وَرَفَعَ بِهَا دَرَجَةً. (رواه البيهقي عن عائشة)

309. Албатта, солиҳ кишиларга қаттиқ кунлар бўлади. Мўминга бирор фалокат етса, хоҳ у тикан кириши бўлсин ёки ундан юқориси бўлсин, ўша сабабли хатоси ўчирилиб, даражаси кўтарилади. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Байҳақий ривояти.

* إِنَّ الصَّدَقَةَ تَطْفِئُ عَنْ أَهْلِهَا حَرَّ الْقُبُورِ، وَإِنَّمَا يَسْتَظِلُّ الْمُؤْمِنُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي ظِلِّ صَدَقَتِهِ. (رواه الطبراني عن عقبة بن عامر)

310. Албатта, садақа уни берувчиси бўлган кимсадан қабрдаги ҳароратни ўчиради. Албатта, қиёмат куни мўмин садақаси соясида сояланади. Уқба бин Омир (розиаллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* إِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ مِنْ رِضْوَانِ اللَّهِ لَا يُقْلِي لَهَا بَالًا يَرْفَعُهُ اللَّهُ بِهَا دَرَجَاتٍ، وَإِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ مِنْ سُخْطِ اللَّهِ لَا يُقْلِي لَهَا بَالًا يَهْوِي بِهَا فِي جَهَنَّمَ. (رواه أحمد)

311. Албатта, банда Аллоҳнинг розилигига сабаб бўлувчи бирор сўзни гапиради-да, шу гапирган сўзига аҳамият бермайди. Аллоҳ эса, гапирган сўзи сабабли унинг даражаларини кўтаради. Албатта, банда Аллоҳнинг ғазабига сабаб бўлувчи бир сўзни гапиради-да, у сўзига аҳамият ҳам бермайди. Лекин ўша сўзи сабабли жаҳаннамга (равона бўлади). Аҳмад ривояти.

* إِنَّ الرَّجُلَ لَيَعْمَلُ عَمَلًا أَهْلُ الْجَنَّةِ فِيمَا يَبْدُو لِلنَّاسِ، وَهُوَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ وَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَعْمَلُ عَمَلًا أَهْلُ النَّارِ فِيمَا يَبْدُو لِلنَّاسِ، وَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ. (رواه البخاري ومسلم)

312. Бир киши одамлар наздида, жаннат аҳли амалини қилади-да, аслида у дўзах аҳлидан бўлади. Бир киши одамлар наздида, дўзах аҳли амалини қилади-да, аслида у жаннат аҳлидан бўлади. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّ الْعَبْدَ لَيَعْمَلُ الذَّنْبَ فَإِذَا ذَكَرَهُ أَحْزَنَهُ، وَإِذَا نَظَرَ اللَّهُ إِلَيْهِ قَدْ أَحْزَنَهُ، غَفَرَ لَهُ مَا صَنَعَ قَبْلَ أَنْ يَأْخُذَ فِي كُفَّارَتِهِ بِلَا صَلَاةٍ وَلَا صِيَامٍ. (رواه ابن عساکر عن أبي هريرة)

313. Албатта, банда бирор гуноҳни қилиб қўяди-да, қачон ўша гуноҳни эсласа, хафа бўлади. Агар Аллоҳ унинг ўша гуноҳи сабабли хафа бўлганини кўрса, намоз ва рўзани каффорат қилиб олишидан олдин мағфират қилади. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.*

* إِنَّ الْغَضَبَ مِنَ الشَّيْطَانِ، وَإِنَّ الشَّيْطَانَ خُلِقَ مِنَ النَّارِ، وَإِنَّمَا تَطْفَأُ النَّارَ بِالْمَاءِ، فَإِذَا غَضِبَ أَحَدُكُمْ فَلْيَتَوَضَّأْ. (роав أبو دود)

314. Албатта, ғазабланиш шайтондандир. Шайтон эса оловдан халқ қилинган. Олов эса сув билан ўчирилади. Агар сизлардан бирингизнинг ғазаби келса, таҳорат қилсин. *Имом Абу Довуд ривояти.*

* إِنَّ أَحَبَّ عِبَادِ اللَّهِ إِلَى اللَّهِ أَنْصَحُهُمْ لِعِبَادِهِ. (роав أحمد)

315. Албатта, Аллоҳ таолога бандаларнинг яхшиси бандалар учун эзгуликни истаганидир. *Аҳмад ривояти.*

* إِنَّ أَرْوَاحَ الْمُؤْمِنِينَ فِي السَّمَاءِ السَّابِعَةِ يَنْظُرُونَ إِلَى مَنَازِلِهِمْ فِي الْجَنَّةِ. (роав الديلمى عن أبي هريرة)

316. Албатта, мўминларнинг руҳлари еттинчи осмонда (туриб) жаннатдаги манзилларига қарашади. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.*

* إِنَّ أُمَّتِي يُدْعَوْنَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ آثَارِ الْوُضُوءِ فَمَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يَطِيلَ غُرَّتَهُ فَلْيَفْعَلْ. (роав الشيخان عن أبي هريرة)

317. Албатта, умматим қиёмат куни таҳоратнинг қолдирган изи (асорати) сабабли «оқ қашқалилар» деб чақирилади. Бас, кимки ўша оқ қашқани узун қилишни хоҳласа, уни бажараверсин, яъни таҳоратда аъзоларининг юқори қисмигача сув етказаверсин. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* إِنَّ أَهْلَ الْجَنَّةِ لَيَحْتَاجُونَ إِلَى الْعُلَمَاءِ فِي الْجَنَّةِ، وَذَلِكَ أَنَّهُمْ يَزُورُونَ اللَّهَ تَعَالَى فِي كُلِّ جُمُعَةٍ، فَيَقُولُ لَهُمْ تَمَتُّوا عَلَيَّ مَا شِئْتُمْ، فَيَلْتَفِتُونَ إِلَى الْعُلَمَاءِ فَيَقُولُونَ مَاذَا نَتَمَتَّى؟ فَيَقُولُونَ تَمَتُّوا عَلَيْهِ كَذَا وَكَذَا، فَهُمْ يَحْتَاجُونَ إِلَيْهِمْ فِي الْجَنَّةِ كَمَا يَحْتَاجُونَ إِلَيْهِمْ فِي الدُّنْيَا. (رواه ابن عساکر عن جابر)

318. Албатта, жаннат аҳли жаннатда ҳам уламоларга муҳтож бўлишади. Чунки улар ҳар жумада Аллоҳ таоло-ни зиёрат қилишади. Аллоҳ уларга: «Хоҳлаган нарсаларингизни мендан орзу қилинглар», деса, улар уламоларга қараб: «Нимани орзу қиламиз?» дейишади. Уламолар: «Ундай-бундай нарсаларни орзу қилаверинглар», деб ўргатишади. Улар (уламоларга) жаннатда ҳам худди дунёдаги каби муҳтож бўлишади. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.

* إِنَّ أَهْلَ الْمَعْرُوفِ فِي الدُّنْيَا هُمْ أَهْلُ الْمَعْرُوفِ فِي الْآخِرَةِ، وَإِنَّ أَوَّلَ أَهْلِ الْجَنَّةِ دُخُولًا الْجَنَّةِ هُمْ أَهْلُ الْمَعْرُوفِ. (رواه الطبراني)

319. Албатта, дунёдаги яхши кишилар охиратда ҳам яхши кишилардир. Жаннат аҳлидан биринчи бўлиб жаннатга кирувчилари яхши кишилардир. Табароний ривояти.

* إِنَّ أَوَّلَ مَا يُجَازَى بِهِ الْعَبْدُ الْمُؤْمِنُ بَعْدَ مَوْتِهِ أَنْ يُغْفَرَ لَجَمِيعِ مَنْ تَبَعَ جَنَازَتَهُ. (رواه البيهقي عن ابن عباس)

320. Албатта, мўмин банда ўлганидан кейин биринчи оладиган мукофоти унинг жанозасида иштирок этган барчанинг (гуноҳлари) мағфират қилинишидир. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Байҳақий ривояти.

إِنَّ بُيُوتَ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ الْمَسَاجِدُ، وَإِنَّ حَقًّا عَلَى اللَّهِ أَنْ يُكْرِمَ مَنْ زَارَهُ فِيهَا. (رواه الطبراني عن ابن مسعود)

321. Албатта, Аллоҳнинг ердаги уйлари масжидлардир. Уни зиёрат қилган (бандаларини) ҳурмат қилиш Аллоҳнинг зиммасидадир. *Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* **إِنَّ صَدَقَةَ السِّرِّ تُطْفِئُ غَضَبَ الرَّبِّ، وَإِنَّ صَلَاةَ الرَّحِمِ تَزِيدُ فِي الْعُمْرِ وَإِنَّ صَنَائِعَ الْمَعْرُوفِ تَقِي مَصَارِعَ الشُّوْءِ، وَإِنَّ قَوْلَ: «لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ» تَدْفَعُ عَنْ قَاتِلِهَا تِسْعَةَ وَتِسْعِينَ بَابًا مِنَ الْبَلَاءِ أَذْنَاهَا اللَّهُمَّ.** (رواه ابن عساکر عن ابن عباس)

322. Махфий садақа Парвардигор ғазабини ўчиради. Қариндошлик алоқаларини узмаслик умрни зиёда қилади. Албатта, яхшилиқ қилувчилар фожиали ёмонлиқдан омонда бўлади. «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини айтувчилардан бало эшикларининг тўқсон тўққизтаси йироқ қилинади. У балоларнинг энг пасти ғамдир. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Асокир ривояти.*

* **إِنَّ فِي الْجَنَّةِ غُرَفًا يُرَى ظَاهِرُهَا مِنْ بَاطِنِهَا وَبَاطِنُهَا مِنْ ظَاهِرِهَا أَعَدَّهَا اللَّهُ تَعَالَى لِمَنْ أَطْعَمَ الطَّعَامَ وَأَلَانَ الْكَلَامَ، وَتَابَعَ الصِّيَامَ، وَصَلَّى بِاللَّيْلِ وَالنَّاسُ نِيَامَ.** (رواه الترمذي عن علي)

323. Албатта, жаннатда бир хона бор. Унинг ичидан усти, сиртидан ичи кўринади. Аллоҳ ўша хонани очларга таом улашганларга, сўзини мулойим қилганларга, рўза тутиб юрувчиларга, кечаси одамлар ухлаганида намоз ўқувчиларга тайёрлаб қўйган. *Али (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.*

* **إِنَّ فِي الْجَنَّةِ دَارًا يُقَالُ لَهَا «دَارُ الْفَرَحِ» لَا يَدْخُلُهَا إِلَّا مَنْ فَرَحَ الصَّبِيَّانَ.** (رواه ابن عدي عن عائشة)

324. Албатта, жаннатда бир ҳовли бор. У «Дорул фа-рах», яъни «хурсандчилик ҳовлиси» деб аталади. Унга фақат ёш болаларни хурсанд қилувчилар киради. *Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Ибн Адий ривояти.*

* إِنَّ فِي الْجَنَّةِ بَابًا يُقَالُ لَهُ «الصَّحَى» فَإِذَا كَانَ يَوْمُ الْقِيَامَةِ نَادَى مُنَادُ أَيْنَ الَّذِينَ كَانُوا يَدَاوُمُونَ عَلَى صَلَاةِ الصُّحَى؟ هَذَا بَابُكُمْ فَادْخُلُوهُ بِرَحْمَةِ اللَّهِ.
(رواه الطبراني عن أبي هريرة)

325. Албатта, жаннатда бир эшик бор. У «Зуҳо» деб номланади. Қиёмат куни бўлганда, бир жарчи нидо қилиб: «Зуҳо намозини доим ўқувчилар қани? Бу сизларнинг эшигингиздир. Унга Аллоҳнинг раҳмати ила киринглар», дейди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан. Табароний ривояти.

* إِنَّ الْعَبْدَ إِذَا وُضِعَ فِي قَبْرِهِ، وَتَوَلَّى عَنْهُ أَصْحَابُهُ، حَتَّى إِنَّهُ يَسْمَعُ قَرَعَ نَعَالِهِمْ، أَتَاهُ مَلَكَانِ فَيَقْعَدَانِهِ فَيَقُولَانِ لَهُ، مَا كُنْتَ تَقُولُ فِي هَذَا الرَّجُلِ «مُحَمَّدٌ» فَأَمَّا الْمُؤْمِنُ فَيَقُولُ، أَشْهَدُ أَنَّهُ عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ. فَيُقَالُ: انْظُرْ إِلَى مَقْعَدِكَ مِنَ النَّارِ، قَدْ أَبْدَلَكَ اللَّهُ بِهِ مَقْعَدًا مِنَ الْجَنَّةِ فَيَرَاهُمَا جَمِيعًا، وَيُفْسَحُ لَهُ قَبْرُهُ سَبْعُونَ ذِرَاعًا، وَيَمْلَأُ عَلَيْهِ خَضْرَاءَ إِلَى يَوْمِ يُبْعَثُونَ. وَأَمَّا الْكَافِرُ أَوِ الْمُنَافِقُ، فَيُقَالُ لَهُ: مَا كُنْتَ تَقُولُ فِي هَذَا الرَّجُلِ؟ فَيَقُولُ: لَا أَدْرِي وَكُنْتُ أَقُولُ مَا يَقُولُ النَّاسُ. فَيُقَالُ لَهُ لَا دَرَيْتَ وَلَا تَلَيْتَ، ثُمَّ يُضْرَبُ بِمِطْرَاقٍ مِنْ حَدِيدٍ ضَرْبَةً بَيْنَ أُذُنَيْهِ فَيَصِيحُ صَيْحَةً يَسْمَعُهَا مَنْ يَلِيهِ غَيْرَ الثَّقَلَيْنِ وَيُضَيَّقُ عَلَيْهِ قَبْرُهُ، حَتَّى تَخْتَلِفَ أَضْلَاعُهُ. (رواه البخاري ومسلم)

326. Банда қабрига қўйилиб, дўстлари орқасига қайтганда, ҳатто уларнинг кавушлари товушини узил-гунча эшитади. Икки фаришта келиб, уни ўтирғизиш: «Бу киши, яъни Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳақларида нима дейсан?» дейишади. Мўмин киши: «Гувоҳлик бераманки, у зот Аллоҳнинг қули ва Расулидирлар»,

дейди. Кейин унга: «Дўзахдаги ўрнингга қара, Аллоҳ уни жаннатдаги ўринга алмаштирди», деб, унга иккиси ҳам кўрсатилади. Ва қабри етмиш газ кенгайтирилиб, қиёмат куни қайта тирилгунгача яшиллик билан тўлдирилади.

Аммо кофир ё мунофиққа бу киши, яъни «Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳақларида нима дейсан?» дейилса, у: «Билмайман, одамлар айтган нарсани айтаман», дейди. Шунда унга: «Билмадинг ҳам, ўқий олмадинг ҳам», деб темир болға билан икки қулоғи орасига шундай уриладики, у оғриқдан қаттиқ қичқириб юборади. Унинг бақирганини жин ва инсондан бошқа ёнидаги барча махлуқот эшитади. Унинг қабри торайтирилади. Қабри торайганидан қовурғалари бир-бирига киришиб кетади. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى عِبَادًا، اخْتَصَّهُمْ بِحَوَائِجِ النَّاسِ، يَفْزَعُ النَّاسُ إِلَيْهِمْ فِي حَوَائِجِهِمْ، أُولَئِكَ هُمُ الْآمِنُونَ مِنْ عَذَابِ اللَّهِ. (رواه الطبراني عن ابن عمر)

327. Аллоҳнинг инсонлар ҳожатини чиқарувчи хос бандалари бор. Одамлар ҳожатлари тушган вақтда ўша бандалардан ёрдам сўрашади. Ана ўша ҳожатбарор кишилар Аллоҳнинг азобидан омон қолувчилардир. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى أَقْوَامًا اخْتَصَّهُمْ بِالنِّعَمِ لِمَنَافِعِ الْعِبَادِ، وَيُقِرُّهَا فِيهِمْ مَا بَدَّلُوها، فَإِذَا مَنَعُوها نَزَعَهَا مِنْهُمْ فَحَوَّها إِلَى غَيْرِهِمْ. (رواه ابن أبي الدنيا عن ابن عمر)

328. Аллоҳнинг бандалар манфаати учун неъматлар билан хослаб қўйган хос қавмлари бор. Агар улар ўша неъматни сарф қилишса, ўша хослик уларда қарор топади. Агар ўша неъматни сарфлашмаса, улардан тортиб олиб, бошқаларга беради. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Абу Дунё ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ مَلَأَتْكَ فِي الْأَرْضِ، تَنْطِقُ عَلَى أَلْسِنَةِ بَنِي آدَمَ بِمَا فِي الْمَرْءِ مِنَ الْخَيْرِ وَالْشَّرِّ. (رواه البيهقي عن أنس)

329. Аллоҳнинг ерда киши яхшилик ва ёмонликда эканини одам болалари тилидан сўзловчи фаришталари бор. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* إِنَّ أَعْظَمَ الذُّنُوبِ عِنْدَ اللَّهِ رَجُلٌ تَزَوَّجَ امْرَأَةً فَلَمَّا قَضَى حَاجَتَهُ مِنْهَا طَلَّقَهَا، وَذَهَبَ بِمَهْرِهَا، وَرَجُلٌ اسْتَعْمَلَ رَجُلًا فَذَهَبَ بِأَجْرَتِهِ. (رواه البيهقي)

330. Аллоҳнинг ҳузуридаги энг катта гуноҳ – киши бир аёлга уйланиб, ҳожатини чиқаргач, талоқ қилади-да, маҳрини бермай кетади. Ва яна бир киши бировни ишлатади-да, унинг иш ҳақини бермай кетади. Байҳақий ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى مَلَكًا مُوَكَّلًا بِمَنْ يَقُولُ: «يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ» فَمَنْ قَالَهَا ثَلَاثًا، قَالَ لَهُ الْمَلَكُ: إِنَّ أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ قَدْ أَقْبَلَ عَلَيْكَ: فَسَلْ. (رواه الحاكم عن أبي أمامة)

331. (Дуосида) «Йа арҳамар роҳимин» деб айтувчи кишиларга Аллоҳ таолонинг вакил қилинган фаришта-си бор. Ким уни уч марта айтса, ҳалиги вакил фаришта: «Албатта, раҳм қилувчиларнинг раҳмлиси (Аллоҳ) сенга юзланди. Сен (хоҳлаганингча) сўрайвер», дейди. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى مَا أَخَذَ، وَلَهُ مَا أُعْطِيَ، وَكُلُّ شَيْءٍ عِنْدَهُ بِأَجَلٍ مُّسَمًّى فَلْتَصْبِرْ وَلْتَحْتَسِبْ. (رواه ابن ماجه عن أسامة بن زيد)

332. Аллоҳ таоло берган нарсасини олиши бор. Ҳар бир нарса Унинг ҳузурида маълум вақт билан белгиланган. Шундай экан, ўша (содир бўлган) воқеага сабр қилиб, Ундан савоб талаб этсин. Усома ибн Зайд (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.

* إِنَّ لِلَّهِ تَعَالَى آيَةً مِنْ أَهْلِ الْأَرْضِ، وَآيَةُ رَبِّكُمْ قُلُوبُ عِبَادِهِ الصَّالِحِينَ
وَأَحَبُّهَا إِلَيْهِ أَلَيْنَهَا وَأَرْقَاهَا. (رواه الطبراني)

333. Ер аҳлидан Аллоҳнинг идишлари бордир. Раб-бингизнинг идиши солиҳ бандалари қалбидир. Аллоҳга қалбларнинг энг яхшиси мулойим ва юмшоғидир. Табароний ривояти.

* إِنَّ الْمَاءَ طَهُورٌ لَا يُنَجِّسُهُ شَيْءٌ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي سعيد)

334. Албатта, сув покдир. Уни бирор нарса нажас қилмайди. Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّ الْمُؤْمِنَ لَا يَنْجَسُ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

335. Албатта, мўмин нажас бўлмайди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّ لِلطَّاعِمِ الشَّاكِرِ مِنَ الْأَجْرِ، مِثْلَ مَا لِلصَّائِمِ الصَّابِرِ. (رواه الحاكم عن أبي هريرة)

336. Еган таомига шукр қилувчи сабр этиб, рўза тувчининг ажри каби савобга эришади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* إِنَّ لِكُلِّ شَيْءٍ حَقِيقَةً وَمَا بَلَغَ عَبْدٌ حَقِيقَةَ الْإِيمَانِ حَتَّى يَعْلَمَ أَنَّ مَا أَصَابَهُ لَمْ يَكُنْ لِيُخْطِئَهُ. وَمَا أَخْطَأَهُ لَمْ يَكُنْ لِيُصِيبَهُ. (رواه أحمد عن أبي الدرداء)

337. Албатта, ҳар бир нарсанинг ҳақиқати бор. Киши унга етган нарса, етмасдан қолмаслигини ва унга етмаган нарса, етадиган эмаслигини билмагунча имон ҳақиқатига ета олмайди. Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* إِنَّ لِكُلِّ نَبِيٍّ دَعْوَةً، قَدْ دَعَا بِهَا فِي أُمَّتِهِ، فَاسْتُجِيبَ لَهُ، وَإِنِّي اخْتَبَأْتُ دَعْوَتِي شَفَاعَةً لِّأُمَّتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه الشيخان عن أنس)

338. Ҳар бир пайғамбарнинг дуоси бор. Ўша дуола-ри ила умматларини дуо қилишган ва ўша дуоси ижобат этилган. Мен дуойимни қиёмат куни умматимга шафоат бўлиши учун беркитиб қўйдим. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّ مَفَاتِيحَ الرِّزْقِ مُتَوَجِّهَةٌ نَحْوَ الْعَرْشِ، فَيُنْزَلُ اللَّهُ تَعَالَى عَلَى النَّاسِ أَرْزَاقَهُمْ عَلَى قَدَرِ نَفَقَاتِهِمْ، فَمَنْ كَثَرَ كُثْرَ لَهُ، وَمَنْ قَلَّ قَلَّ لَهُ. (رواه الدار قطني عن أنس)

339. Албатта, ризқ калитлари Арш томон юзлан-тирилгандир. Аллоҳ таоло инсонларга нафақаларининг миқдорига қараб ризқларини туширади. Кимнинг на-фақаси кўп бўлса, ризқи ҳам кўпайтирилади. Кимнинг нафақаси оз бўлса, ризқи ҳам оз бўлади. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Дорақутний ривояти.

* إِنَّ مِنَ الذُّنُوبِ ذُنُوبًا لَا يُكَفِّرُهَا الصَّلَاةُ، وَلَا الصِّيَامُ، وَلَا الْحَجُّ، وَلَا الْعُمْرَةُ، وَلَكِنْ يُكَفِّرُهَا الْهُمُومُ فِي طَلَبِ الْمَعِيشَةِ. (رواه ابن عساكر)

340. Шундай гуноҳлар борки, уларга на намоз, рўза, ҳаж ва на умра каффорат бўлади. Лекин ризқ талабида орттирилган ғам ўша гуноҳга каффоратдир. Ибн Асокир ривояти.

* إِنَّ مِنْ أَشْرَاطِ السَّاعَةِ أَنْ يَرْفَعَ الْعِلْمُ، وَيُظْهَرَ الْجَهْلُ، وَيَفْشُو الزِّنَا، وَيُشْرَبَ الْخَمْرُ، وَيَذْهَبَ الرِّجَالُ، وَتَبْقَى النِّسَاءُ، حَتَّى يَكُونَ لِحَمْسِينَ امْرَأَةً قِيمٌ وَاحِدٌ. (رواه الشيخان عن أنس)

341. Илмнинг кўтарилиши (яъни, камайиб кетиши), жаҳолат юз бериши, зино очиқчасига бўлиб кетиши,

ароқ ичилиши, эркаклар кетиб, аёллар қолиши, ҳатто бир эркакка эллик нафар аёл тўғри келиши – буларнинг барчаси қиёмат аломатларидандир. Анас (розияллоҳу анҳу) дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّمَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنْ يَرْجُوهَا وَإِنَّمَا يُجَنَّبُ النَّارُ مَنْ يَخَافُهَا وَإِنَّمَا يَرْحَمُ اللَّهُ تَعَالَى مَنْ يَرْحَمُ. (رواه البيهقي عن ابن عمر)

342. Албатта, жаннатга уни умид қилганлар киради. Дўзахдан эса ундан қўрққанлар четлатилади. Албатта, Аллоҳ таоло раҳм қилган кишига раҳм айлайди. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Байҳақий ривояти.

* إِنَّمَا يَلْبَسُ الْحَرِيرَ فِي الدُّنْيَا مَنْ لَا خَلَقَ لَهُ فِي الْآخِرَةِ. (رواه الشيخان عن أنس)

343. Охиратдан насибаси йўқлар бу дунёда ипак ки-йишади. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنْ كَانَ الشُّؤْمُ فِي شَيْءٍ، فَفِي الدَّارِ، وَالْمَرْأَةِ، وَالْفَرَسِ. (رواه الشيخان)

344. Агар хосиятсизлик бирор нарсада бўладиган бўлса, албатта, у ҳовли, хотин ва отда бўлади. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنْ أَحْبَبْتُمْ أَنْ يُحِبَّكُمْ اللَّهُ تَعَالَى وَرَسُولُهُ، فَأَدُّوا إِذَا اتُّمِنْتُمْ، وَاصْدُقُوا إِذَا حَدَّثْتُمْ، وَأَحْسِنُوا جَوَارَ مَنْ جَاوَرَكُمْ. (رواه الطبراني)

345. Аллоҳ ва Расули сизларни яхши кўришини иста-сангиз, омонатни адо қилинг, сўзлаганингизда рост га-пиринг ва қўшничилик қиладиганларга қўшничиликни чиройли қилинг. Табароний ривояти.

* إِنْ اسْتَطَعْتُمْ أَنْ تَكْثُرُوا مِنَ الْإِسْتِغْفَارِ فَافْعَلُوا فَإِنَّهُ لَيْسَ شَيْءٌ أَجْحَ عِنْدَ اللَّهِ تَعَالَى وَلَا أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْهُ. (رواه الحكيم)

346. Истиғфorni кўпайтиришга қодир бўлсаларингиз, уни кўпайтираверинглар. Чунки Аллоҳнинг ҳузурида ундан кўра муваффақиятлироқ ва маҳбуброқ бирор нарса йўқдир. *Ҳаким ривояти.*

* إِنْ شِئْتُمْ أَنْبَأْتُكُمْ مَا أَوَّلُ مَا يَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى لِلْمُؤْمِنِينَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَمَا أَوَّلُ مَا يَقُولُونَ لَهُ، فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ لِلْمُؤْمِنِينَ، هَلْ أَحْبَبْتُمْ لِقَائِي؟ فَيَقُولُونَ: نَعَمْ يَا رَبَّنَا، فَيَقُولُ: لَمْ؟ فَيَقُولُونَ: رَجَوْنَا عَفْوَكَ وَمَغْفِرَتَكَ، فَيَقُولُ: قَدْ أُوجِبْتُ لَكُمْ عَفْوِي وَمَغْفِرَتِي. (رواه الطبراني عن معاذ)

347. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар хоҳласангиз, қиёмат куни Аллоҳ таоло мўминларга аввал айтадиган ва уларнинг Аллоҳга айтадиган биринчи гапнинг хабарини бераман». Аллоҳ таоло мўминларга: «Менга йўлиқишни истаганмидингиз?» деса, мўминлар: «Ҳа, ё Раббимиз», дейишади. Аллоҳ таоло: «Нима учун?» деб сўраса, мўминлар: «Сенинг афвинг ва мағфиратингни умид қилдик», дейишади. Шунда Аллоҳ таоло: «Сизларга афвим ва мағфиратимни вожиб қилдим», дейди. *Муоз (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* إِنَّ أَحْسَنَ الْحَدِيثِ «كِتَابُ اللَّهِ» وَأَحْسَنَ الْهَدْيِ «هَدْيُ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَشَرُّ الْأُمُورِ مُحَدَّثَاتُهَا، وَإِنَّ مَا تُوعَدُونَ لَا تَ وَمَا أَنْتُمْ بِمُعْجِزِينَ. (رواه البخاري)

348. Сўзларнинг энг яхшиси Аллоҳнинг Китоби, ҳидоятларнинг энг яхшиси Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) ҳидоятларидир. Ишларнинг энг ёмони янги пайдо бўлганидир. Албатта, ваъда қилинган нарса келувчидир. Сизлар уни қайтаришга ожиздирсизлар. *Бухорий ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى كَتَبَ الْإِحْسَانَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ، فَإِذَا قَتَلْتُمْ فَأَحْسِنُوا الْقِتْلَةَ، وَإِذَا ذَبَحْتُمْ فَأَحْسِنُوا الذَّبْحَةَ، وَلِيُحَدِّثْ أَحَدُكُمْ شَفَرَتَهُ، فَلْيُرِخْ ذَبِيحَتَهُ. (رواه مسلم)

349. Албатта, Аллоҳ таоло барча нарсани чиройли тарзда бажариш ҳукмини битди. Агар қатл қилсангиз, чиройли суратда қатл қилинг. Агар сўйсаларингиз, чиройли суратда сўйинг. Сизлардан бирортангиз сўядиган бўлса, тиғини ўткирлаб, қурбонлигини роҳатлантирсин. *Муслим ривояти.*

* إِنَّ مِنْ أَكْبَرِ الْكِبَائِرِ أَنْ يَلْعَنَ الرَّجُلُ وَالِدَيْهِ، قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَكَيْفَ يَلْعَنُ الرَّجُلُ وَالِدَيْهِ، قَالَ يَسُبُّ الرَّجُلُ أَبَا الرَّجُلِ فَيَسُبُّ أَبَاهُ وَيَسُبُّ أُمَّهُ. (رواه البخاري)

350. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кабир гуноҳларнинг энг улкани киши ўз ота-онасини лаънатлашидир деганларида, «Ё Аллоҳнинг Расули, киши ота-онасини қандай қилиб лаънатлайди?» дейишди. Шунда у зот: «Киши бошқа одамнинг отасини сўкади, у ҳам (ўша сўкканнинг) ота ва онасини сўкади», дедилар. *Бухорий ривояти.*

* إِنَّ شَرَّ النَّاسِ مَنْزِلَةً عِنْدَ اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مَنْ تَرَكَهُ النَّاسُ اتِّقَاءً فَحْشِهِ. (رواه البخاري ومسلم عن عائشة)

351. Қиёмат куни Аллоҳ ҳузурида мақоми энг ёмон киши фаҳш сўз ва ишларни қилаверганидан одамлар қўрқиб тарк қилган кишидир. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى هُوَ السَّلَامُ، فَإِذَا قَعَدَ أَحَدُكُمْ فِي الصَّلَاةِ فَلْيَقُلْ، «التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ، السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ،

السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ» فَإِنَّكُمْ إِذَا قُلْتُمُوهَا أَصَابَتْ كُلَّ عَبْدٍ صَالِحٍ فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ، (أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ) ثُمَّ لِيَتَخَيَّرَ مِنَ الْمَسْأَلَةِ مَا شَاءَ. (رواه البخاري ومسلم عن ابن مسعود)

352. Албатта, Аллоҳ салом сифатли Зотдир. Агар сизлардан бирингиз намозга ўтирадиган бўлса: «Ат-таҳийяту лиллаҳи вассолавату ваттоййибату, ас-саламу ʔалайка айюҳан набиййу ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу, ас-саламу ʔалайна ва ʔала ʔабадиллаҳис солиҳин», деб айтсин. Чунки уни айтсангизлар, еру осмондаги барча бандага (савоби) етади. «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʔабдуҳу ва росулуҳу» деб, кейин хоҳлаган нарсасини сўрашни ихтиёр қилаверсин. *Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* إِنَّ الرَّحْمَ شَجَنَةً مِنَ الرَّحْمَنِ، فَقَالَ اللَّهُ تَعَالَى مَنْ وَصَلَكَ وَصَلْتُهُ وَمَنْ قَطَعَكَ قَطَعْتُهُ. (رواه البخاري)

353. Албатта, раҳм Раҳмондан олинган. Аллоҳ таоло: «Ким сени (яъни силаи раҳмни) боғласа, мен ҳам уни боғлайман. Ким сени узса, мен ҳам уни узаман», деди. *Бухорий ривояти.*

* إِنَّ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ آيَتَانِ مِنَ آيَاتِ اللَّهِ لَا يَخْسِفَانِ لَمَوْتِ أَحَدٍ وَلَا لِحَيَاتِهِ وَلَكِنْ يَخُوفُ اللَّهُ بِهِمَا عِبَادَهُ، فَإِذَا رَأَيْتُمْ ذَلِكَ فَادْعُوا اللَّهَ، وَكَبِّرُوا وَصَلُّوا، وَتَصَدَّقُوا حَتَّى يَنْكَشِفَ مَا بَكُمْ. (رواه البخاري ومسلم عن عائشة)

354. Албатта, қуёш ва ой Аллоҳнинг аломатларидан бир аломатдир. Улар бирор кишининг ўлгани ёки тирик қолгани учун тутилмайди. Лекин Аллоҳ таоло ана шундай қилиш ила бандаларини қўрқитади. Агар сизлар ана

шундай (қуёш, ой) тутилганини кўрсангиз, Аллоҳга дуо қилиб, такбир айтиб, намоз ўқиб, садақа улашинглар, шунда ана шу тутилиши очилиб кетади. Ҳазрат Ойша (ро-зияллоҳу анҳо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّ الصَّدَقَ يَهْدِي إِلَى الْبِرِّ وَإِنَّ الْبِرَّ يَهْدِي إِلَى الْجَنَّةِ، وَإِنَّ الرَّجُلَ لِيَصْدُقَ، حَتَّى يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ صَدِيقًا، وَإِنَّ الْكَذِبَ يَهْدِي إِلَى الْفُجُورِ، وَإِنَّ الْفُجُورَ يَهْدِي إِلَى النَّارِ وَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَكْذِبُ، حَتَّى يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ كَذَابًا.
(رواه البخاري ومسلم عن ابن مسعود)

355. Албатта, ростгўйлик яхшиликка бошлайди. Яхшилик эса жаннатга етаклайди. Киши рост сўзлайди, ҳатто Аллоҳ ҳузурида сиддиқ деб ёзиб қўйилади. Албатта, ёлғон фужур (гуноҳ)га етаклайди. Фужур эса дўзахга элтади. Киши ёлгон сўзлайверади-да, ҳатто Аллоҳнинг ҳузурида каззоб (ёлғончи) деб ёзиб қўйилади. Ибн Масбуд (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّمَا الطَّاعَةُ فِي الْمَعْرُوفِ. (رواه البخاري ومسلم عن عليّ)

356. Албатта, итоат яхши ишларда бўлади (яъни ёмон ишларда итоат йўқ). Али (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّ التُّجَّارَ يُبْعَثُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فُجَّارًا، إِلَّا مَنْ اتَّقَى اللَّهَ وَبَرَّ وَصَدَقَ.
(رواه الترمذي)

357. Албатта, савдогарлар қиёмат куни фожир ҳолда қайта тирилишади. Лекин Аллоҳдан тақво қилиб, яхшиликлар қилган ва тўғри сўзлаганлар ундай эмас. Термизий ривояти.

* إِنَّ الْخَلْفَ مَنَفَقَةٌ لِلْسَلْعَةِ مَحَقَّةٌ لِلْكَسْبِ. (رواه الشيخان)

358. Албатта, қасам молнинг бозорини чаққон қилиб, қасбингизни ҳалоқатга элтади. Икки шайх ривояти.

* **إِنَّ مِنْ أَتَرِ الْبَرِّ أَنْ يَصِلَ الرَّجُلُ أَهْلَ وَدِّ أَبِيهِ بَعْدَ أَنْ يُؤَلَّى.** (رواه البخاري ومسلم عن المغيرة)

359. Киши отаси ўлимидан кейин унинг дўстлари билан алоқа ришталарини узмасдан давом эттириши яхшиликларнинг энг яхшисидир. Муғйра (розияллоҳу анҳу) дан Бухорий ва Муслим ривояти.

* **إِنْ كَذَبَا عَلَيَّ لَيْسَ كَكَذِبِ عَلَى أَحَدٍ، مَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعَمِّدًا فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ.** (رواه البخاري ومسلم عن المغيرة)

360. Менга нисбатан ёлгон ишлатиш бир кишига ёлгон ишлатиш каби эмас. Кимки менга нисбатан ёлгон ишлатса, жойини дўзахдан танлаб қўяверсин. Муғйра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* **إِنَّ مِنَ الْبَيِّنِ لَسِحْرًا، وَإِنَّ مِنَ الشَّعْرِ لِحَكْمَةً.** (رواه البخاري)

361. Албатта, нутқларнинг баъзисида сеҳр бор. Айрим шеърларда эса ҳикмат бор. Бухорий ривояти.

* **إِنَّ مِنْ عِبَادِ اللَّهِ مَنْ لَوْ أَقْسَمَ عَلَى اللَّهِ لِأَبْرَهُ.** (رواه البخاري ومسلم)

362. Албатта, Аллоҳнинг шундай бандалари борки, агар улар Аллоҳга қасам ичса, у рўёбга чиқаради. Бухорий ва Муслим ривояти.

* **إِنَّ مِمَّا أَدْرَكَ النَّاسُ مِنْ كَلَامِ النَّبِيِّ الْأُولَى «إِذَا لَمْ تَسْتَحِ فَاصْنَعْ مَا شِئْتَ».** (رواه البخاري)

363. Аввалги пайғамбарлар каломидан одамларга етган гаплардан бири «Агар уялмасанг, хоҳлаган ишингни бажаравер» калимасидир. Бухорий ривояти.

* **إِنَّ هَذِهِ النَّارَ إِنَّمَا هِيَ عَدُوٌّ لَكُمْ، فَإِذَا غَنِمْتَ فَأَطْفِئُوهَا عَنْكُمْ.** (رواه البخاري ومسلم عن أبي موسى)

364. Албатта, бу олов сизларнинг душманингиздир. Агар ухлайдиган бўлсангиз, уни ўчиринглар. Абу Мусо (ро-зияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ حَرَمًا بَيْعَ الْحُمْرِ، وَالْمَيْتَةِ، وَالْخَنَزِيرِ، وَالْأَصْنَامِ. (رواه البخاري ومسلم عن جابر)

365. Албатта, Аллоҳ ва Расули ароқ, ўлимтик ҳайвон гўшти, чўчка ва бутларни сотишни ҳаром қилди. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّ مِنْ أَخْلَاقِ الْمُؤْمِنِ قُوَّةٌ فِي دِينٍ، وَحَزْمًا فِي لِينٍ، وَإِيمَانًا فِي يَقِينٍ، وَحِرْصًا فِي عِلْمٍ، وَشَفَقَةً فِي مَقَّةٍ وَحِلْمًا فِي عِلْمٍ، وَقَصْدًا فِي غِنَى، وَتَجَمُّلاً فِي فَاقَةٍ، وَتَحَرُّجًا عَنْ طَمَعٍ، وَكَسْبًا فِي حَلَالٍ، وَبِرًّا فِي اسْتِقَامَةٍ، وَنَشَاطًا فِي هُدًى وَنَهْيًا عَنْ شَهْوَةٍ، وَرَحْمَةً لِلْمَجْهُودِ، وَإِنَّ الْمُؤْمِنَ مِنْ عِبَادِ اللَّهِ لَا يَحِيفُ عَلَى مَنْ يُبْغِضُ، وَلَا يَأْتِمُ فِي مَنْ يُحِبُّ وَلَا يُضَيِّعُ مَا اسْتُودِعَ، وَلَا يَحْسُدُ وَلَا يَطْعُنُ وَلَا يَلْعَنُ، وَيَعْتَرِفُ بِالْحَقِّ، وَإِنْ لَمْ يُشْهَدْ عَلَيْهِ، وَلَا يَتَنَابَزُ بِالْأَلْقَابِ، فِي الصَّلَاةِ مُتَخَشِّعًا، إِلَى الزَّكَاةِ مُسْرِعًا، فِي الزَّلَازِلِ وَقُورًا، فِي الرِّخَاءِ شُكُورًا. قَانِعًا بِالذِّى لَهُ، لَا يَدْعَى مَا لَيْسَ لَهُ، وَلَا يَجْمَعُ فِي الْغَيْظِ، وَلَا يَغْلِبُهُ الشُّحُّ عَنْ مَعْرُوفٍ يُرِيدُهُ. يُخَالِطُ النَّاسَ كَنَّى يَعْلَمُ، وَيُنَاطِقُهُمْ كَنَّى يَفْهَمُ. وَإِنْ ظَلَمَ وَبَغَى عَلَيْهِ صَبَرَ حَتَّى يَكُونَ الرَّحْمَنُ هُوَ الَّذِي يَنْتَصِرُ لَهُ. (رواه الحكيم عن جندب)

366. Динида қувватли бўлиш, мулойимлигида собит-лик, қатъий ишонч, илмга интилувчанлик, бойликда ўртачалик, тамадан йироқ бўлиш, ҳалолдан касб қилиш, истиқомати яхши, ҳидоятда фаоллик, шаҳватдан ўзини қайтариш, қийналганларга раҳмли бўлиш мўминнинг ахлоқларидандир. Аллоҳнинг шундай мўмин банда-

лари борки, ғазаб қилган кишиларга зулм қилмайди, яхши кўрган кишиси сабабли ёмонлик этмайди, омонатга берилган нарсага хиёнат қилмайди, ҳасад, таъна қилувчи ва лаънат айтувчи бўлмайди. Агар шоҳиди бўлмаса ҳам, ҳақни эътироф қилади, лақаб тўқимайди, намозида хушули бўлади, закот беришга шошилади, танглик ҳолатларда виқорли, кенг-мўлчиликда шукр айтувчи, ўзида бориға қаноат этиб, ўзида йўқ нарсани даъво этмайди, ғазаби келганда қасдлашмайди, яхшилик қилишни хоҳлаб турганда бахиллиги ғолиб келмайди, одамлардан ўрганиш учун улар билан муносабатга киришади, англашлари учун сўзлайди. Агар зулм ва жабр қилинса, сабр қилади, ҳатто Раҳмон сифатли Зот унга ёрдам бергунча. *Жундуб (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳаким ривояти.*

* **إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى مَا أَخَذَ، وَلَهُ مَا أُعْطِيَ وَكُلَّ شَيْءٍ عِنْدَهُ بِأَجَلٍ مُّسَمًّى.** (رواه الشيخان عن أسامة بن زيد)

367. Аллоҳнинг олган нарсаси ҳам, берган нарсаси ҳам Ўзиники. Унинг ҳузурида барча нарсалар маълум муддат ила белгилаб қўйилгандир. *Усома ибн Зайд (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* **إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى وَكُلَّ بِالرَّحْمِ مَلَكًا يَقُولُ: أَيُّ رَبِّ نُطْفَةٍ، أَيُّ رَبِّ عِلْقَةٍ أَيُّ رَبِّ مُضْغَةٍ. فَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ تَعَالَى أَنْ يَقْضِيَ خَلْقَهَا قَالَ: أَيُّ رَبِّ شَقِيٍّ أَمْ سَعِيدٍ؟ ذَكَرٌ أَوْ أُنْثَى؟ فَمَا الرِّزْقُ؟ وَمَا الْأَجَلُ؟ فَيُكْتَبُ كَذَلِكَ فِي بَطْنِ أُمِّهِ.** (رواه البخاري ومسلم عن أنس)

368. Албатта, Аллоҳ таоло бачадонга бир фаришта-ни вакил қилади. У: «Ё Рабб, нутфа бўлди, ё Рабб, лахта қон бўлди, ё Рабб, бир тишлам гўшт бўлди», дейди. Агар Аллоҳ уни халқ этишни ирода қилса, у вакил: «Ё Рабб! Бахтлими ёки бахтсизми? Ўгилми ё қизми? Чиройлими ёки хунукми? Ризқи қандай? Ажали-чи?» дейди. Мана

шу каби жиҳатлар онаси қорнидалигидаёқ ёзиб-битиби қўйилади. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِنَّ اللَّهَ لَا يَقْبِضُ الْعِلْمَ انْتِرَاعًا يَنْتَزِعُهُ مِنَ الْعِبَادِ، وَلَكِنْ يَقْبِضُ الْعِلْمَ بِقَبْضِ الْعُلَمَاءِ، حَتَّى إِذَا لَمْ يَبْقَ عَالِمًا، أَخَذَ النَّاسُ رُؤُسَاءَ جَهَالًا فَسُئِلُوا فَأَفْتَوْا بِغَيْرِ عِلْمٍ فَضَلُّوا وَأَضَلُّوا. (رواه البخاري ومسلم عن ابن عمر)

369. Албатта, Аллоҳ таоло илмни бандалари (қалбидан) бир тортишда суғуриб олмайди. Лекин унга уламоларни вафот эттириш ила барҳам беради. Ҳатто олимлар қолмайди. Одамлар эса жоҳиллардан бошлиқ қилиб олишади. Кейин ўша жоҳиллардан бирон нарсa сўралса, илмсиз ҳолда фатво берадилар. Бу билан ўзлари ҳам адашади, ўзгаларни ҳам адаштиришади. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْعِطَاسَ: وَيَكْرَهُ التَّثَاؤُبَ، فَإِذَا عَطَسَ أَحَدُكُمْ وَحَمِدَ اللَّهَ كَانَ حَقًّا عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ سَمْعُهُ أَنْ يَقُولَ لَهُ (يَرْحَمُكَ اللَّهُ) أَمَّا التَّثَاؤُبُ فَإِنَّمَا هُوَ مِنَ الشَّيْطَانِ، فَإِذَا تَنَاءَبَ أَحَدُكُمْ فَلْيُرِدْهُ مَا اسْتَطَاعَ فَإِنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا تَنَاءَبَ ضَحِكَ مِنْهُ الشَّيْطَانُ. (رواه البخاري)

370. Албатта, Аллоҳ таоло акса уришни яхши кўради, эснашни эса ёмон. Агар сизлардан бирингиз акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтса, ҳар бир эшитган мусулмон зиммасида «Ярҳамукаллоҳ», деб айтиш мажбурияти бўлади. Аммо эснаш шайтондандир. Агар сизлардан бирингиз эснайдиган бўлса, қодир бўлгунича ўзидан қайтарсин. Чунки сизлардан бирингиз эснайдиган бўлса, шайтон ундан кулади. Бухорий ривояти.

* أَنَا سَيِّدُ وَلَدِ آدَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا فَخْرَ، وَبَيْدَى لَوَاءِ الْحَمْدِ وَلَا فَخْرَ، وَمَا مِنْ نَبِيٍّ يَوْمُنِيذٍ: آدَمَ فَمَنْ سِوَاهُ إِلَّا تَحْتَ لَوَائِي وَأَنَا أَوَّلُ مَنْ تَنْشَقُّ عَنْهُ

الأَرْضُ وَلَا فَخْرَ، وَأَنَا أَوَّلُ شَافِعٍ، وَأَوَّلُ مُشَفِّعٍ وَلَا فَخْرَ. (رواه أحمد عن أبي سعيد الخدري)

371. Мен қиёмат куни Одам болаларининг саййидман. Бунда фахрланиш йўқ. Ана шу кун пайғамбарларнинг бирортаси қолмасдан, яъни Одам ва у зотдан кейинги барчалари менинг байроғим остида бўлишади. Мен ерни биринчи бўлиб ёриб чиқувчи кишидирман. Бунда фахрланиш йўқ. Ва мен биринчи шафоат бўлувчи ва биринчи шафоат қилувчидирман. Бунда ҳам фахрланиш йўқ. Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* إِنَّمَا الْأَمَلُ رَحْمَةٌ مِنَ اللَّهِ لِأُمَّتِي، لَوْلَا الْأَمَلُ مَا أَرْضَعَتْ أُمٌّ وَلَدًا وَلَا غَرَسُ غَارِسُ شَجَرًا. (رواه الديلمي وغيره)

372. Албатта, орзу Аллоҳдан умматим учун раҳматдир. Агар орзу бўлмаганида, она фарзандини эмизмас ва боғбон дарахт экмас эди. Дайлабий ва бошқалар ривояти.

* إِنَّمَا يَعْرِفُ الْفَضْلَ لِأَهْلِ الْفَضْلِ ذُو الْفَضْلِ. (رَوَاهُ الدَّيْلَمِيُّ)

373. Албатта, фазл эгалари фазл аҳлидаги фазилатни билишади. Дайлабий ривояти.

* أَنْتَظَرُ الْفَرَجَ مِنَ اللَّهِ عِبَادَةً، وَمَنْ رَضِيَ بِالْقَلِيلِ مِنَ الرِّزْقِ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ بِالْقَلِيلِ مِنَ الْعَمَلِ. (رواه ابن أبي الدنيا)

374. Аллоҳдан очиқлик (рўшнолик) келишини кутиш ҳам ибодатдир. Кимки озгина ризққа рози бўлса, Аллоҳ ҳам унинг қилган озгина амалидан рози бўлади. Ибн Абу Дунё ривояти.

* انظروا إلى مَنْ هُوَ أَسْفَلَ مِنْكُمْ، وَلَا تَنْظُرُوا إِلَى مَنْ هُوَ فَوْقَكُمْ فَهُوَ أَجْدَرُ أَنْ لَا تَزِدُّوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ. (رواه ابن ماجه)

375. Ўзингиздан паст даражадаги кишига қаранглар. Аммо ўзингиздаги юқори даражадаги одамга қараманглар. Ана шундай қилишингиз Аллоҳнинг сизга берган неъматини паст санамаслигингиз учун яхшидир. *Ибн Можа ривояти.*

* أَنْصُرْ أَخَاكَ ظَالِمًا، أَوْ مَظْلُومًا، قِيلَ كَيْفَ أَنْصُرُهُ ظَالِمًا؟ قَالَ تَحْجِزُهُ وَتَرُدُّهُ عَنِ الظُّلْمِ فَإِنَّ ذَلِكَ نَصْرُهُ. (رواه البخاري)

376. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Биродаринг золим ёки мазлум бўлсин, унга ёрдам бер», деганларида, қандай қилиб золимга ёрдам бераман, дейилди. Шунда у зот (алайҳиссалом): «Зулмини даф қилиб, монелик қилишинг ана шу ёрдамдир», дедилар. *Бухорий ривояти.*

* أَهْلُ الْجَنَّةِ مَنْ مَلَأَ اللَّهُ تَعَالَى أُذُنِيهِ مِنْ ثَنَاءِ النَّاسِ عَلَيْهِ خَيْرًا وَهُوَ يَسْمَعُ، وَأَهْلُ النَّارِ مَنْ مَلَأَ اللَّهُ أُذُنِيهِ مِنْ ثَنَاءِ النَّاسِ عَلَيْهِ شَرًّا وَهُوَ يَسْمَعُ. (رواه ابن ماجه عن ابن عباس)

377. Аллоҳ қулоғига инсонларни яхшилик ила мақташини эшиттириш орқали тўлдирган киши жаннат аҳлидир. Аллоҳ қулоғига инсонларни ёмонлик ила мақташини эшиттириш орқали тўлдирган киши дўзах аҳлидир. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Можа ривояти.*

* أَوَّلُ مَا يُقْضَى بَيْنَ النَّاسِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي الدِّمَاءِ. (رواه الشيخان)

378. Қиёмат куни одамлар орасида биринчи бўлиб ҳукм қилинадиган масала қон хусусидадир. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* أَوْحَى اللَّهُ تَعَالَى إِلَى إِبْرَاهِيمَ، يَا خَلِيلِي حَسِّنْ خُلُقَكَ، وَلَوْ مَعَ الْكُفَّارِ، تَدْخُلْ مَدَاخِلَ الْأَبْرَارِ، فَإِنَّ كَلِمَتِي سَبَقَتْ لِمَنْ حَسَّنَ خُلُقَهُ: أَنْ أَظْلَهُ فِي

ظِلِّ عَرْشِي، وَأَنْ أُسْكِنَهُ حَظِيرَةَ قُدْسِي، وَأَنْ أَذْنِيَهُ مِنْ جَوَارِي. (رواه الحكيم عن أبي هريرة)

379. Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)га ваҳий қилиб: «Ё халилим, кофирлар билан бўлса ҳам, хулқингизни чиройли қилинг, ана шунда яхшилар кирадиган жой (жаннат)га кирасиз. Чунки хулқи чиройли бўлганларга Менинг сўзим олдиндан айтилган. Яъни, Аршим соясида соялантириш, жаннатдан жой бериш ва ёнимга яқинлаштириш. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳаким ривояти.

* أَوْحَى اللَّهُ تَعَالَى إِلَى دَاوُدَ: أَنْ قُلْ لِلظُّلَمَةِ لَا يَذْكُرُونِي، فَإِنِّي أَذْكُرُ مَنْ يَذْكُرُنِي وَإِنَّ ذِكْرِي إِيَّاهُمْ أَنْ أَلْعَنَهُمْ. (رواه ابن عساكر عن ابن عباس)

380. Аллоҳ таоло Довуд (алайҳиссалом)га ваҳий қилиб: «Золимлар Мени зикр қилмаслигини айтгин. Чунки Мени зикр қилган кишини Мен ҳам зикр қиламан. Золимларни зикр қилишим эса фақатгина уларни лаънатлашимдир», деди. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Асокир ривояти.

* أَوَّلُ مَسْجِدٍ وُضِعَ فِي الْأَرْضِ الْمَسْجِدُ الْحَرَامُ ثُمَّ الْمَسْجِدُ الْأَقْصَى. (رواه البخاري ومسلم عن أبي ذر)

381. Ерда юзида биринчи қурилган масжид Масжидул Ҳаромдир. Кейин эса Масжиди Ақсодир. Абу Зар (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* أَوْصِيَكُمْ بِتَقْوَى اللَّهِ تَعَالَى وَالسَّمْعِ وَالطَّاعَةِ، وَإِنْ كَانَ عَبْدًا حَبَشِيًّا، فَإِنَّهُ مَنْ يَعِشْ مِنْكُمْ بَعْدِي فَسِيرَى اخْتِلَافًا كَثِيرًا، فَعَلَيْكُمْ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الرَّاشِدِينَ الْمَهْدِيِّينَ تَمَسَّكُوا بِهَا، وَعَضُّوا عَلَيْهَا بِالنَّوَاجِدِ، وَإِيَّاكُمْ وَمُحَدَّثَاتِ الْأُمُورِ فَإِنَّ كُلَّ مُحَدَّثَةٍ بِدْعَةٌ وَكُلُّ بِدْعَةٍ ضَلَالَةٌ، وَكُلُّ ضَلَالَةٍ فِي النَّارِ. (رواه أبو داود والترمذي)

382. Сизларга, Аллоҳга тақво этишингизни ва ҳабаший қул (бошлиқ) бўлса ҳам, унинг сўзини эшитиб, итоат этишингизни васият қиламан. Чунки ким менадан кейин яшаса, кўплаб ихтилофларни кўради. Ана шу пайтда менинг суннатимни ва тўғри йўлга етакловчи рошид халифалар суннاتини лозим тутиб, маҳкам ушланглар. Ва уни озиқ тишларингиз ила қаттиқ тишланглар. Аммо ишларнинг янги пайдо бўлганидан сақланглар. Чунки барча янги пайдо бўлган ишлар бидъатдир. Ҳар бир бидъат залолатдир. Ҳар бир залолат эса дўзахдир. *Абу Довуд ва Термизий ривояти.*

* *أَوْحَى اللَّهُ تَعَالَى إِلَى دَاوُدَ: مَا مِنْ عَبْدٍ يَعْتَصِمُ بِي دُونَ خَلْقِي أَعْرِفَ ذَلِكَ مِنْ نَيْتِهِ، فَتَكِيدُهُ السَّمَوَاتُ بَيْنَ فِيهَا إِلَّا جَعَلْتُ لَهُ مِنْ بَيْنِ ذَلِكَ مَخْرَجًا، وَمَا مِنْ عَبْدٍ يَعْتَصِمُ بِمَخْلُوقٍ دُونِي، أَعْرِفَ ذَلِكَ مِنْ نَيْتِهِ إِلَّا قَطَعْتُ أَسْبَابَ السَّمَاءِ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَأَرْسَخْتُ أَهْوَى مِنْ تَحْتِ قَدَمَيْهِ وَمَا مِنْ عَبْدٍ يُطِيعُنِي إِلَّا وَأَنَا مُعْطِيهِ قَبْلَ أَنْ يَسْأَلَنِي، وَغَافِرٌ لَهُ قَبْلَ أَنْ يَسْتَغْفِرَنِي.* (رواه ابن عساکر)

383. Аллоҳ таоло Довуд (алайҳиссалом)га ваҳий қилиб, деди: «Бирор банда халқимни қўйиб, Мени маҳкам ушласа, Мен уни ниятидан биламан. Агар осмонлар ва улардаги нарсалар ёмонликни хоҳласа ҳам, Мен улар орасидан қутулиш йўллари қилиб қўяман. Қайси бир банда Мени қўйиб, махлуқларимдан бирортасини маҳкам тутса, Мен уни ниятидан биламан ва олдидаги осмон сабабларини узиб, қадами остида талаб қилган нарсаларига етувчи йўлни тўсиб қўяман. Қайси бир банда Менга итоат қилса, Мен унга сўрашидан аввал ато этаман ва истиғфор айтишидан олдин гуноҳларини кечираман». *Ибн Асокир ривояти.*

* *أَوَّلُ زُمْرَةٍ تَدْخُلُ الْجَنَّةَ عَلَى صُورَةِ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ، وَالَّذِينَ عَلَى آثَارِهِمْ*

كَأَشَدَّ كَوْنٍ دُرِّي فِي السَّمَاءِ إِضَاءَةً، قُلُوبُهُمْ عَلَى قَلْبِ رَجُلٍ وَاحِدٍ لَا اخْتِلَافَ بَيْنَهُمْ وَلَا تَبَاغُضَ وَلَا تَحَاسُدَ. (رواه الشيخان عن أبي هريرة)

384. Жаннатга кирувчи аввалги жамоа Бадр кечасидаги (тўлин) ойга ўхшайди. Уларнинг излари нур таратиш жиҳатидан осмондаги дур юлдузидан ҳам кучлидир. Қалблари бир кишининг қалбига ўхшаб, ораларида на ихтилоф, на ғазаб ва на ҳасад бор. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* أَلَا أَنْبِتُكُمْ بِأَفْضَلِ مَنْ دَرَجَةِ الصِّيَامِ وَالصَّلَاةِ وَالصَّدَقَةِ؟ قَالُوا: بَلَى قَالَ: إِصْلَاحُ ذَاتِ الْبَيْنِ، فَإِنَّ فَسَادَ ذَاتِ الْبَيْنِ هِيَ الْحَالِقَةُ. (رواه المنذرى)

385. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) «Сизларга рўза, намоз ва садақанинг даражасидан ҳам афзалроқ нарса хабарини берайми?» деганларида, саҳобалар: «Ҳа», дейишди. Шунда у зот (алайҳиссалом): «Кишилар орасини ислоҳ қилишдир. Чунки одамлар орасини фасод қилиш ҳалокатдир», дедилар. Музирий ривояти.

أَلَا أُحَدِّثُكُمْ بِمَا يَدْخُلُكُمُ الْجَنَّةُ: ضَرْبٌ بِالسَّيْفِ، وَإِكْرَامُ الضَّيْفِ، وَاهْتِمَامُ بِمَوَاقِيتِ الصَّلَاةِ، وَإِسْبَاغُ الطُّهُورِ فِي اللَّيْلَةِ الْقُرَّةِ، وَإِطْعَامُ الطَّعَامِ عَلَى حُبِّهِ. (رواه ابن عساکر)

386. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Сизларга жаннатга киритадиган амалларни айтиб берайми? Булар: қилич билан уришиш, меҳмонни ҳурмат қилиш, намоз вақтига аҳамият бериш, совуқ кечада таҳоратни етук қилиш ва яхши кўрган таомни тарқатишдир», дедилар. Ибн Асокир ривояти.

* أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِأَيْسَرِ الْعِبَادَةِ وَأَهْوَنَهَا عَلَى الْبَدَنِ، الصَّمْتُ وَحُسْنُ الْخُلُقِ. (رواه ابن الدنيا عن صفوان بن سليم)

387. Расулуллоҳ (алайҳиссалом): «Сизларга ибодатнинг осони ва баданга енгил бўлгани ҳақида хабар берайми? У сукут қилиб юриш ва чиройли хулқли бўлиш», дедилар. Сафвон ибн Салим (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Абу Дунё ривояти.

* أَلَا أَخْبِرُكُمْ بِشَيْءٍ إِذَا نَزَلَ بِرَجُلٍ مِنْكُمْ كَرْبٌ أَوْ بَلَاءٌ مِنْ أَمْرِ الدُّنْيَا دَعَا بِهِ فَيَفْرَجُ عَنْهُ: دُعَاءُ ذِي الثُّونِ «لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ». (رواه الحاكم)

388. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Сизлардан бирингизга дунё ишларидан машаққат ёки бало тушганда, ундан ўша балони аритувчи дуо хабарини берайми? У: “Ла илаҳа илла анта субҳанака инний кунту миназ золимин”, деб айтган Зуннун (Юнус алайҳиссалом) дуоларидир». Ҳоким ривояти.

أَلَا أَدُلُّكُمْ عَلَى أَشَدِّكُمْ؟ أَمَلَكُمْ لِنَفْسِهِ عِنْدَ الْغَضَبِ. (رواه الطبراني عن أنس)

389. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар: “Сизларнинг кучлиларингиз кимлигини айтайми? У ғазаби келганда ўзини бошқара оладиган кишидир”. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* أَلَا أَرْقِيكَ بِرُقِيَّةٍ رَقَانِي بِهَا جِبْرَائِيلُ، تَقُولُ: «بِسْمِ اللَّهِ أَرْقِيكَ وَاللَّهُ يَشْفِيكَ مِنْ كُلِّ دَاءٍ يَأْتِيكَ مِنْ شَرِّ النَّفَّاثَاتِ فِي الْعُقَدِ، وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ» تَرْقِي بِهَا ثَلَاثَ مَرَّاتٍ. (رواه الحاكم)

390. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Жаброил (алайҳиссалом) менга дам солганлари каби сенга ҳам дам солайми?” Сен: «Бисмиллаҳи арқийка валлоҳу яшфийка мин кулли даин яътийка мин шаррин наффасати фил ӯқоди ва мин шарри ҳасидин иза ҳасад»

(Аллоҳнинг исми ила сенга дам соламан. Аллоҳ сенга келувчи барча дарддан, тугунларга дам солувчилар ёмонлигидан ва ҳасад қилаётган ҳасадгўйнинг ёмонлигидан шифо берсин), деб уч марта айтиб дам соласан, дедилар. Ҳоким ривояти.

* أَلَا أَعْلَمُكَ كَلَامًا إِذَا قُلْتَهُ أَذْهَبَ اللَّهُ تَعَالَى هَمَّكَ، وَقَضَى عَنْكَ ذَنْبَكَ قُلْ إِذَا أَصْبَحْتَ وَإِذَا أَمْسَيْتَ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْهَمِّ وَالْحَزَنِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الْعَجْزِ وَالْكَسَلِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الْجُبْنِ وَالْبَخْلِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ غَلَبَةِ الدَّيْنِ وَقَهْرِ الرِّجَالِ». (رواه أبو داود)

391. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Сенга баъзи калималарни ўргатайми? Агар уни айтсанг, Аллоҳ ғамингни кетказиб, қарзингдан халос эттиради. Тонг оттирганингда ва кечлатганингда: “Аллоҳумма инний аъзузу бика минал ғамми вал ҳазани ва аъзузу бика минал ʔажзи вал касали ва аъзузу бика минал жубни вал бухли ва аъзузу бика мин ғолабатит дайни ва қоҳрир рижал” (Ё Аллоҳ, Сенинг номинг ила ғамдан, хафаликдан, ожизликдан, дангасаликдан, қўрқоқликдан, бахилликдан, қарз ғолиб келишидан ва кишиларнинг қаҳридан паноҳ тилайман), деб айт”, дедилар». Абу Довуд ривояти.

* أَلَا تَسْمَعُونَ: إِنَّ اللَّهَ لَا يُعَذِّبُ بِدَمْعِ الْعَيْنِ وَلَا بِحُزْنِ الْقَلْبِ وَلَكِنْ يُعَذِّبُ هَذَا (وَأَشَارَ إِلَى لِسَانِهِ) أَوْ يَرْحِمُ، وَإِنَّ الْمَيِّتَ يُعَذِّبُ بِبُكَاءِ أَهْلِهِ عَلَيْهِ. (رواه الشيخان عن ابن عمر)

392. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Эшитмадингларми? Албатта, Аллоҳ таоло кўз ёши ва қалб хафалиги учун азобламайди. Лекин мана бунинг учун азоблайди ёки раҳм қилади деб, тилларига ишора этдилар. Албатта, маййит аҳли унга йиғлагани сабабли азобланади». Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* أَلَا أَعْلَمُكَ كَلِمَاتٍ، مَنْ يُرِدُ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا يُعَلِّمَهُنَّ إِيَّاهُ، ثُمَّ لَا يُنْسِهَ أَبَدًا قُلْ: «اللَّهُمَّ إِنِّي ضَعِيفٌ فَقَوِّ فِي رِضَاكَ ضَعْفِي، وَخُذْ إِلَى الْخَيْرِ بِنَاصِيَتِي، وَاجْعَلِ الْإِسْلَامَ مُنْتَهَى رِضَايَ، اللَّهُمَّ إِنِّي ضَعِيفٌ فَقَوِّ، وَإِنِّي ذَلِيلٌ فَأَعِزَّنِي، وَإِنِّي فَقِيرٌ فَارْزُقْنِي، وَاكْفِنِي بِحَلَالِكَ عَنْ حَرَامِكَ، وَأَغْنِنِي بِفَضْلِكَ عَمَّنْ سِوَاكَ». (رواه الحاكم)

393. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Сенга баъзи калималарни ўргатайми? Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, ўша калималарни ўргатади. Бу калималар: «Аллоҳумма инний заъифун фақавви фи ризока заъфий ва хуз илал хойри биносиятий важъалил ислама мунтаҳа ризоя. Аллоҳумма инний заъифун фақаввиний ва инний залилун фа аъиззаний ва инний фақирун фарзукний вакфиний биҳалалика ёан ҳаромика ва ағниний би фазлика ҳамман сивака»дир.

Яъни: «Ё Аллоҳ, мен заифдирман, заифлигимни ризолинг ичида кучлантиргин. Пешонамни яхшиликка бургин. Исломни розилигимнинг ниҳоясида қилгин. Ё Аллоҳ, мен заифман, менга куч бағишла. Мен хўрлангандирман, мени азиз қилгин, мен камбағалдирман, мени ризқлантиргин. Ҳалолинг ила ҳаром аралаштирмай мени кифоя эт. Фазлинг ила Ўзингдан бошқалардан беҳожат қил». Ҳоким ривояти.

* أَلَا أُنبِئُكُمْ بِأَكْبَرِ الْكَبَائِرِ، الْإِشْرَاقُ بِاللَّهِ، وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ، وَقَوْلُ الزُّورِ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي بكر)

394. Сизларга энг катта – кабира гуноҳлар хабарини берайми? Улар Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш ва ёлғон сўз айтишдир. Абу Бакра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* إِيَّاكُمْ وَالْغِيْبَةَ، فَإِنَّ الْغِيْبَةَ أَشَدُّ مِنَ الزِّنَا، إِنَّ الرَّجُلَ قَدْ يَزْنِي وَيَتُوبُ،

فَيَتُوبُ اللَّهُ عَلَيْهِ وَإِنَّ صَاحِبَ الْغَيْبَةِ لَا يَغْفِرُ اللَّهُ تَعَالَى لَهُ حَتَّى يَغْفِرَ لَهُ صَاحِبُهُ. (رواه أبو الشيخ عن جابر)

395. Ғийбатдан четланинглар, чунки ғийбат зинодан ҳам қаттиқроқдир. Албатта, киши зино қилиб қўйиб, тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул этади. Ғийбат қилган кишини эса то ғийбат қилинган киши кечирмагунча Аллоҳ ҳам уни кечирмайди. *Жобир (розияллоҳу анҳу) дан. Абу Шайх ривояти.*

إِيَّاكُمْ وَالْكَذِبَ فَإِنَّ الْكَذِبَ مُجَانِبٌ لِلْإِيمَانِ. (رواه أحمد)

396. Ёлғондан сақланинглар, чунки ёлғон имондан йироқлатувчидир. *Аҳмад ривояти.*

إِيَّاكُمْ وَالزَّيْنَةَ فَإِنَّ فِيهِ أَرْبَعَ خَصَالٍ: يَذْهَبُ الْبَهَاءُ عَنِ الْوَجْهِ، وَيَقْطَعُ الرِّزْقُ، وَيُسَخِّطُ الرَّحْمَنُ، وَيُوجِبُ الْخُلُودَ فِي النَّارِ. (رواه الطبراني عن ابن عباس)

397. Зинодан сақланинглар, чунки унда тўртта ёмон хусусият бордир. 1. Юздан ҳусни кетказади. 2. Ризқни кесади. 3. Раҳмонни ғазаблантиради. 4. (Ҳалол ҳисобласа) дўзахда абадий қолишни вожиб қилади. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.*

* إِيَّاكُمْ وَالْكِبْرَ، فَإِنَّ إِبْلِيسَ حَمَلَهُ الْكِبْرَ عَلَى أَنْ لَا يَسْجُدَ لِآدَمَ، وَإِيَّاكُمْ وَالْحِرْصَ، فَإِنَّ آدَمَ حَمَلَهُ الْحِرْصَ عَلَى أَنْ أَكَلَ مِنَ الشَّجَرَةِ، وَإِيَّاكُمْ وَالْحَسَدَ، فَإِنَّ ابْنَ آدَمَ قَتَلَ أَحَدَهُمَا صَاحِبَهُ حَسَدًا، فَهِنَّ أَصْلُ كُلِّ خَطِيئَةٍ. (رواه ابن عساکر عن ابن مسعود)

398. Кибрдан сақланинглар, чунки кибр иблисни Одам (алайҳиссалом)га сажда қилмасликка ундади. Ҳирсдан четланинглар, чунки ҳирс Одамни дарахт (ме-васи)дан ейишга ундади. Ҳасаддан сақланинглар, чунки ҳасад Одамнинг икки боласидан бирини шеригини ўл-

диришга ундади. Мана шу ёмон хусусиятлар барча хатолар аслидир. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.

* إِيَّاكُمْ وَالتَّعَمُّقُ فِي الدِّينِ، فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى قَدْ جَعَلَهُ سَهْلًا فَخُذُوا مِنْهُ مَا تُطِيقُونَ، وَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يُحِبُّ مَا دَامَ مِنْ عَمَلٍ صَالِحٍ وَإِنْ كَانَ يَسِيرًا. (رواه أبو القاسم)

399. Динда чуқурлашиб ғулувга кетишдан сақланинглар. Чунки Аллоҳ таоло уни осон қилган. Сизлар эса ундан тоқатингиз етганича олинг. Албатта, Аллоҳ таоло модомики амали солиҳ бўлса, оз бўлса ҳам яхши кўраверади. Абул Қосим ривояти.

* أَيُّمَا امْرَأَةٍ مَاتَتْ وَزَوَّجُهَا رَاضٍ عَنْهَا دَخَلَتْ الْجَنَّةَ. (رواه الترمذي)

400. Қайси бир хотин вафот этса ва эри ундан рози бўлса, жаннатга киради. Термизий ривояти.

* أَيُّمَا امْرَأَةٍ زَادَتْ فِي رَأْسِهَا شَعْرًا لَيْسَ مِنْهُ فَإِنَّهُ زُورٌ تَزِيدُ فِيهِ. (رواه النسائي)

401. Қайси хотин ўзида йўқ сочни бошида зиёда қилса, ўша ёлғондир. Бу билан ўша ёлғонни оширибди. Насоий ривояти.

* أَيُّمَا مُسْلِمٍ كَسَا مُسْلِمًا ثَوْبًا عَلَى عُرْيٍ كَسَاهُ اللَّهُ تَعَالَى مِنْ خُضْرِ الْجَنَّةِ، وَأَيُّمَا مُسْلِمٍ أَطْعَمَ مُسْلِمًا عَلَى جُوعٍ أَطْعَمَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ ثَمَارِ الْجَنَّةِ، وَأَيُّمَا مُسْلِمٍ سَقَى مُسْلِمًا عَلَى ظَمَأٍ سَقَاهُ اللَّهُ تَعَالَى يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنَ الرَّحِيقِ الْمَخْتُومِ. (رواه مسلم عن أبي سعيد)

402. Қайси мусулмон бошқа яланғоч мусулмонга кийим кийдирса, Аллоҳ таоло жаннатда унга яшил кийим кийдиради. Қайси мусулмон бошқа мусулмонни оч

қолганида таомлантирса, Аллоҳ уни жаннат меваларидан таомлантиради. Қайси мусулмон бошқа мусулмонни чанқаганида сув билан сийласа, Аллоҳ таоло қиёмат куни уни идишлари муҳрланган май билан сийлайди. *Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Муслим ривояти.*

* أَيُّمَا امْرَأَةٍ مَاتَ لَهَا ثَلَاثَةٌ مِنَ الْوَلَدِ كُنَّ لَهَا حِجَابًا مِنَ النَّارِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ)

403. Қайси хотиннинг уч фарзанди вафот этса, ўша вафот этган фарзандлари унинг учун дўзахдан тўсиқ бўлади. *Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти.*

* أَيُّمَا امْرَأَةٍ خَرَجَتْ مِنْ بَيْتِهَا بِغَيْرِ إِذْنِ زَوْجِهَا كَانَتْ فِي سُخْطِ اللَّهِ تَعَالَى حَتَّى تَرْجِعَ إِلَى بَيْتِهَا أَوْ يَرْضَى عَنْهَا زَوْجُهَا. (رَوَاهُ الْخَطِيبُ)

404. Қайси хотин эри рухсатисиз уйидан чикса, токи уйига қайтгунича ёки эри ундан рози бўлгунича Аллоҳнинг ғазабида бўлади. *Хатиб ривояти.*

* أَيُّ عَبْدٍ زَارَ أَخَاهُ فِي اللَّهِ نُودِيَ أَنْ طُبْتُ، وَطَابَتْ لَكَ الْجَنَّةُ، وَيَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: عَبْدِي زَارَنِي، عَلَيَّ قِرَاهُ، وَلَنْ أَرْضَى لِعَبْدِي بِقِرَى دُونَ الْجَنَّةِ. (رَوَاهُ ابْنُ الدُّنْيَا عَنْ أَنَسٍ)

405. Қайси банда Аллоҳ йўлидаги биродарини зиёрат этса, унга: «Маза қилдинг, жаннат сенга мазали бўлди», деб нидо қилинади. Аллоҳ таоло: «Бандам Мени зиёрат этди, меҳмон қилиш Менинг зиммамда. Мен унга жаннатдан бошқа меҳмондўстликка рози бўлмайман», дейди. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Абу Дунё ривояти.*

* أَيُّمَا رَجُلٍ آتَاهُ اللَّهُ عِلْمًا فَكْتَمَهُ، أَجَمَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِلِجَامٍ مِنْ نَارٍ. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ)

406. Қайси киши Аллоҳ ато қилган илмни беркитса, Аллоҳ таоло уни қиёмат куни оловдан бўлган юган ила юганлайди. *Табароний ривояти.*

* الْأَرْوَاحُ جُنُودٌ مُجَنَّدَةٌ فَمَا تَعَارَفَ مِنْهَا ائْتَلَفَ، وَمَا تَنَافَرَ مِنْهَا اخْتَلَفَ.
(رواه البخاري عن عائشة)

407. Рухлар – тўпланган аскарлардир. Рухоният оламида танишганлари бу дунёда ҳам улфат бўлишади. Бир-бирларини инкор қилганлар бу дунёда ҳам бирлаша олмайди. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. *Бухорий ривояти.*

* الْاِقْتِصَادُ فِي النَّفَقَةِ نِصْفُ الْمَعِيشَةِ وَالتَّوَدُّدُ إِلَى النَّاسِ نِصْفُ الْعَقْلِ وَحُسْنُ السُّؤَالِ نِصْفُ الْعِلْمِ. (رواه الطبراني عن ابن عمر)

408. Нафақадаги тежамкорлик яшашнинг ярмидир. Инсонларга дўстона муносабатда бўлиш ақлнинг ярмидир. Чиройли савол бериш илмнинг ярмидир. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. *Табароний ривояти.*

* الْإِيْمَانُ: أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ، وَمَلَائِكَتِهِ، وَكُتُبِهِ، وَرُسُلِهِ، وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، وَتُؤْمِنَ بِالْقَدَرِ خَيْرِهِ وَشَرِّهِ. (رواه مسلم عن عمر)

409. Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, элчиларига, охират кунига, қадарнинг яхшиси ва ёмонига ишониш имондир. Умар (розияллоҳу анҳу)дан. *Муслим ривояти.*

* إِيَّاكُمْ وَالِدَيْنِ، فَإِنَّهُ هَمٌّ بِاللَّيْلِ، وَمَذَلَّةٌ بِالنَّهَارِ. (رواه البيهقي)

410. Қарздан сақланинглар, чунки у кечаси ғам, кундузи эса хўрликдир. *Байҳақий ривояти.*

* يَأْتِيهَا النَّاسُ اِرْبَعُوا عَلَى أَنْفُسِكُمْ، إِنَّكُمْ لَا تَدْعُونَ أَصَمَّ وَلَا غَائِبًا، إِنَّكُمْ تَدْعُونَ سَمِيعًا قَرِيبًا، وَهُوَ مَعَكُمْ (قاله في سفر وكانوا يجهرون بالتكبير).
(رواه البخاري ومسلم عن أبي موسى)

411. Эй инсонлар, жонингизни қийнаманг. Чунки сизлар кар ёки бу ерда йўқ Зотга дуо қилмаяпсизлар. Зеро, У Зот сизлар билан биргадир. Албатта, У эшитувчи ва яқин Зотдир. [Буни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сафарда саҳобалар такбирни баланд овозда айтишганида зикр этганлар]. *Абу Мусо (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* **إِيَّاكُمْ وَالْبَوْلَ فِي الْمَقَابِرِ فَإِنَّهُ يُورِثُ الْبَرْصَ.** (رواه الديلمي)

412. Қабрларга пешоб қилишдан сақланинглар. Чунки у песликни келтириб чиқаради. *Дайлабий ривояти.*

* **الْإِيمَانُ مَعْرِفَةٌ بِالْقَلْبِ، وَقَوْلٌ بِاللِّسَانِ، وَعَمَلٌ بِالْأَرْكَانِ.** (رواه الطبراني)

413. Имон қалб билан таниб, тил ила айтиб, рукнларга амал қилиш биландир. *Табароний ривояти.*

* **إِيَّاكُمْ وَالظَّنَّ، فَإِنَّ الظَّنَّ أَكْذَبُ الْحَدِيثِ، وَلَا تَجَسَّسُوا، وَلَا تَحَسَّسُوا، وَلَا تَنَافَسُوا، وَلَا تَحَاسَدُوا، وَلَا تَبَاغَضُوا، وَلَا تَدَابَرُوا، وَكُونُوا عِبَادَ اللَّهِ إِخْوَانًا.** (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

414. Гумондан йироқ бўлинглар. Чунки гумон сўзларнинг энг ёмонидир. Жосуслик, ҳийла, кўра олмаслик, ҳасад, ғазаб ва душманлик қилманглар. Эй Аллоҳнинг бандалари, ўзаро биродар бўлинглар. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* **إِيَّاكُمْ وَمَا يُعْتَذَرُ مِنْهُ.** (رواه الديلمي)

415. Ўзр айтиладиган ишлардан четланинглар. *Дайлабий ривояти.*

* **إِيَّاكُمْ وَالطَّمَعِ، فَإِنَّهُ الْفَقْرُ الْحَاضِرُ.** (رواه الطبراني)

416. Тамадан йироқ бўлинглар, чунки у камбағалликнинг нақд ўзгинасидир. *Табароний ривояти.*

* الْإِيمَانُ بَضْعٌ وَسِتُّونَ شُعْبَةً، وَالْحَيَاءُ شُعْبَةٌ مِنَ الْإِيمَانِ. (роав البخари)

417. Имон олтмиш нечта бўлакдир. Ҳаё имоннинг ўша бўлакларидан биридир. *Бухорий ривояти.*

* الْحَيَاءُ لَا يَأْتِي إِلَّا بِخَيْرٍ. (роав مسلم)

418. Ҳаё фақат яхшилиқ олиб келади. *Муслим ривояти.*

* أَيُّهَا النَّاسُ، إِنَّكُمْ مُنْفَرُونَ، فَمَنْ صَلَّى بِالنَّاسِ فَلْيُخَفِّفْ، فَإِنَّ فِيهِمُ الْمَرِيضَ، وَالضَّعِيفَ، وَالْكَبِيرَ وَذَا الْحَاجَةِ. (роав البخари)

419. Эй инсонлар! Сизлар бездирувчисизлар. Қайси бирингиз одамларга намоз ўқиб берса, енгил қилиб ўқисин. Чунки уларнинг ичида бемор, заиф, кекса ёшли ва ҳожатманд бордир. *Бухорий ривояти.*

* أَتَدْرُونَ مَنْ السَّابِقُونَ إِلَى ظِلِّ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ؟ الَّذِينَ إِذَا أُعْطُوا الْحَقَّ قَبِلُوهُ، وَإِذَا سُئِلُوا بَدَلُوهُ، وَحَكَمُوا لِلنَّاسِ كَحُكْمِهِمْ لَأَنْفُسِهِمْ. (роав أحمد)

420. Аллоҳ таолонинг соясига аввалгилардан бўлиб кирувчилар ким эканини биласизларми? Улар ҳақни қабул қиладилар, сўралган нарсани берадилар ва одамларга ўзларига ҳукм қилгандек ҳукм қиладилар. *Аҳмад ривояти.*

* اذْرَعُوا الْحُدُودَ بِالشُّبُهَاتِ. (роав أبو حنيفة)

421. Ҳадларни шубҳалар билан бекор қилинглр. *Абу Ҳанифа ривояти.*

* إِيَّاكُمْ وَالْبَطْنَةَ فِي الطَّعَامِ وَالشَّرَابِ، فَإِنَّهَا مَفْسَدَةٌ لِلْجِسْمِ تُورِثُ السَّقَمَ عَنِ الصَّلَاةِ، وَعَلَيْكُمْ بِالْقَصْدِ فِيهِمَا فَإِنَّهُ أَصْلَحُ لِلْجَسَدِ وَأَبْعَدُ مِنَ السَّرَفِ. (роав البخари)

422. Қоринни овқат ва ичимликлар ила тўлдиришдан йироқ бўлинглар. Чунки у жисмни фасод қилиб, намоздан тўсувчи касалликни мерос қолдиради. Сизлар ўртачасини қасд қилинглар, ана шу жасадга манфаатли бўлиб, ҳаддан ошишдан узоқдир. *Бухорий ривояти.*

* أَيُّهَا النَّاسُ، لَا تَتَمَنَّوْا لِقَاءَ الْعَدُوِّ، وَسَلُّوْا اللّٰهَ الْعَاقِبَةَ فَإِذَا لَقِيتُمُوهُمْ فَاصْبِرُوا، وَاعْلَمُوا أَنَّ الْجَنَّةَ تَحْتَ ظِلَالِ السُّيُوفِ، اللَّهُمَّ مُنْزِلَ الْكِتَابِ، وَمُجْرِيَ السَّحَابِ، وَهَازِمَ الْأَحْزَابِ، اهْزِمْنَهُمْ وَأَنْصِرْنَا عَلَيْهِمْ. (رواه البخاري ومسلم عن عبد الله بن أبي أوفى)

423. Эй инсонлар! Душманга йўлиқишни орзу қилманглар! Аллоҳдан ўша душманлардан офиятда қилишни сўранглар. Мабодо йўлиққудек бўлсангиз, сабр қилинглар. Билингларки, жаннат қиличлар соялари остидадир. Ё Аллоҳ, китобларни туширувчи, булутларни юргизувчи, гуруҳларни енгувчи Зотсан, Ўзинг уларни енгиб, уларнинг зиёнига бизга нусрат бергин. Абдуллоҳ ибн Абу Авфо (розияллоҳу анҳу)дан. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* إِيَّاكُمْ وَالْجُلُوسَ عَلَى الطَّرِيقَاتِ، فَقَالُوا مَا لَنَا بِدِّ، إِنَّمَا هِيَ مَجَالِسُنَا نَتَحَدَّثُ فِيهَا، قَالَ: فَإِذَا أَبَيْتُمْ إِلَّا الْمَجَالِسَ، فَأَعْطُوا الطَّرِيقَ حَقَّهَا، قَالُوا، وَمَا حَقُّ الطَّرِيقِ؟ قَالَ: غَضُّ الْبَصَرِ، وَكَفُّ الْأَذَى، وَرَدُّ السَّلَامِ، وَأَمْرٌ بِالْمَعْرُوفِ، وَنَهْيٌ عَنِ الْمُنْكَرِ. (رواه البخاري)

424. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Йўллар (чети)да ўтиришдан сақланинглар», деганларида, саҳобалар бунинг чораси йўқ, чунки биз у ерда ўтириб сўзлашамиз, дейишди. У зот (алайҳиссалом): «Ўтирмасликдан бошқа илож бўлмаса, унда йўл ҳақини адо этинглар», деганларида, саҳобалар: «Унда йўл ҳақи нима?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кўзни (номахрамларга тушишидан) тўсиш, озор беришдан ти-

йилиш, саломга алик олиш, амри маъруф ва наҳйи мункар, яъни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб туриш», дедилар. *Бухорий ривояти.*

* الْبَحْرُ هُوَ الطَّهَوْرُ مَأْوُهُ، وَالْحِلُّ مَيْتَتُهُ. (متفق عليه)

425. Денгиз суви пок бўлиб, унда ўлган (сув ҳайвони) ҳалолдир. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* الْيَمِينُ عَلَى نِيَّةِ الْمُسْتَحْلِفِ. (رواه مسلم)

426. Қасам уни ичувчининг ниятига қараб бўлади. *Муслим ривояти.*

* إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ، وَإِنَّمَا لِكُلِّ امْرِئٍ مَا نَوَى، فَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ فَهَاجَرَتْهُ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ، وَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ إِلَى دُنْيَا يُصِيبُهَا، أَوْ امْرَأَةٍ يَنْكِحُهَا فَهَاجَرَتْهُ إِلَى مَا هَاجَرَ إِلَيْهِ. (رواه البخاري ومسلم عن عمر بن الخطاب)

427. Албатта, амаллар ниятларга қараб бўлади. Албатта, ҳар бир кишига ният қилган нарсаси бўлади. Кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Расули учун бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳ ва Расули учундир. Кимнинг ҳижрати дунёга етишиш ёки бирор аёлга уйланиш бўлса, унинг ҳижрати ҳам ўша қилган ниятига қараб бўлибди. *Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* الْإِسْلَامُ: أَنْ تَعْبُدَ اللَّهَ، وَلَا تُشْرِكَ بِهِ شَيْئًا، وَتَقِيمَ الصَّلَاةَ، وَتُؤَدِيَ الزَّكَاةَ الْمَفْرُوضَةَ، وَتُصُومَ رَمَضَانَ، وَتَحُجَّ الْبَيْتَ. (رواه الشيخان)

428. Ислом – Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасдан ибодат этишинг, намозни қоим қилишинг, фарз закотни адо этишинг, Рамазон рўзасини тутишинг ва Байтуллоҳни ҳаж қилишингдир. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* الْإِيمَانُ، أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ، وَمَلَائِكَتِهِ، وَكُتُبِهِ، وَبِلِقَائِهِ، وَبِرُسُلِهِ، وَتُؤْمِنَ بِالْبَعْثِ الْآخِرِ. (رواه الشيخان عن أبي هريرة)

429. Имон – Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, Унга йўлиқишга, элчиларига ва охират кунни қайта тирилишга ишонишингдир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

الْإِيمَانُ: بَضْعٌ وَسْتُونَ شُعْبَةً، وَالْحَيَاءُ شُعْبَةٌ مِنَ الْإِيمَانِ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

430. Имон олтмиш нечта ҳам бўлакдир. Ҳаё ўша имон бўлакларидан биридир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

(ب) БАҲАРФИ – حرف الباء

* بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ مِنْ مُحَمَّدٍ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ وَرَسُولِهِ، إِلَى هِرْقَلٍ عَظِيمِ الرُّومِ: سَلَامٌ عَلَى مَنْ اتَّبَعَ الْهُدَى «أَمَّا بَعْدُ» فَإِنِّي أَدْعُوكَ بِدَعَايَةِ الْإِسْلَامِ أَسْلِمْتَ تَسْلِمًا، يُؤْتِكَ اللَّهُ أَجْرَكَ مَرَّتَيْنِ، وَإِنْ تَوَلَّيْتَ فَإِنَّ عَلَيْكَ إِثْمَ الْأَرِيسِيِّينَ «وَيَا أَهْلَ الْكِتَابِ تَعَالَوْا إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ: أَنْ لَا نَعْبُدَ إِلَّا اللَّهَ وَلَا نُشْرِكَ بِهِ شَيْئًا، وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ، فَإِنْ تَوَلَّوْا فَقُولُوا اشْهَدُوا بِأَنَّا مُسْلِمُونَ». (رواه البخاري ومسلم عن أبي سفيان)

431. Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман) Аллоҳнинг элчиси Муҳаммад ибн Абдуллоҳдан Румнинг каттаси Ҳирақлга: Ҳидоятга эргашганларга салом! Аммо баъд: Мен сени Ислом тарғиботи ила чақираман. Муслмон бўл, саломат қоласан. Аллоҳ ажрингни икки марта беради. Агар юз ўғирсанг, арисийлар (яъни қўл остингдаги деҳқонлар) гуноҳи сенга бўлади. Эй аҳли китоблар, бизга ҳам, сизга ҳам

баб-баравар бўлган бу сўзга келингиз – Ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, бир-бировларимизни худо қилиб олмайлик. Агар улар юз ўгирсалар, у ҳолда сизлар (эй мўминлар), гувоҳ бўлинглар, биз – мусулмонлармиз, деб айтинглар. Абу Суфён (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* **بَايَعُونِي عَلَى أَنْ لَا تُشْرِكُوا بِاللَّهِ شَيْئًا، وَلَا تَسْرِقُوا، وَلَا تَزْنُوا، وَلَا تَقْتُلُوا، وَلَا تَكْذِبُوا، وَلَا تَأْتُوا بِبُهْتَانٍ تَفْتَرُونَهُ بَيْنَ أَيْدِيكُمْ وَأَرْجُلِكُمْ، وَلَا تَعْصُوا فِي مَعْرُوفٍ، فَمَنْ وَفَى مِنْكُمْ فَأَجْرُهُ عَلَى اللَّهِ، وَمَنْ أَصَابَ مِنْ ذَلِكَ شَيْئًا ثُمَّ سَتَرَهُ اللَّهُ فَهُوَ إِلَى اللَّهِ إِنْ شَاءَ عَفَا عَنْهُ، وَإِنْ شَاءَ عَاقَبَهُ.** (رواه عبادة بن الصامت)

432. Аллоҳга бирор нарсани шерик билмасликка, ўғрилиқ этмасликка, зино қилмасликка, болаларингизни ўлдирмасликка, олдингизу ортингиздан бўҳтонли гапларни тўқиб олмасликка ва яхшилиқда осий бўлмасликка менга байъат қилинглар. Ким энди ана шу байъатида вафодор бўлса, ажри Аллоҳнинг зиммасидадир. Аммо кимки ўша байъатидаги бирор нарсани содир қилса, кейин Аллоҳ уни сатр қилиб, ошкор этмаса, унинг иши Аллоҳга ҳаволадир. Агар хоҳласа, афв қилади, йўқса, азоблайди. Убода ибн Сомит ривояти.

* **بَابَانِ مُعْجَلَانِ عُقُوبَتُهُمَا فِي الدُّنْيَا، الْبَغْيُ وَالْعُقُوقُ.** (رواه الحاكم)

433. Икки нарса борки, уларнинг уқубати шу дунёдаёқ берилади. Биринчиси – бузғунчилик, боғийлик. Иккинчиси – ота-онага оқ бўлиш. Ҳоким ривояти.

* **بَاكِرُوا فِي طَلَبِ الرِّزْقِ وَالْخَوَانِجِ فَإِنَّ الْغَدُوَّ بَرَكَةٌ وَنَجَاحٌ.** (رواه ابن عدي)

(عن عائشة)

434. Ризқ ва эҳтиёжларингизни талаб қилишни эрталабдан бажаринглар, чунки тонгда баракот ва муваффақият бордир. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Ибн Адий ривояти.

* بُعِثْتُ بِجَوَامِعِ الْكَلِمِ وَنُصِرْتُ بِالرُّعْبِ وَبَيْنَا أَنَا نَائِمٌ أُتِيتُ بِمِفَاتِيحِ خَزَائِنِ الْأَرْضِ فَوُضِعَتْ فِي يَدِي. (роав аш-Шайхон асн Аби Һарира)

435. Жамловчи сўзлар билан юборилдим. Душманга узоқ масофадан кўрқинч солиш ила қувватландим. Мен ухлаётган эдим, ер хазиналари калитлари берилиб, қўлимга қўйилди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* بَيْنَمَا كَلْبٌ يُطِيفُ بَرَكِيَّةَ، كَادَ يَقْتُلُهُ الْعَطَشُ، إِذْ رَأَاهُ بَغْيٌ مِنْ بَغَايَا بَنِي إِسْرَائِيلَ، فَزَعَتْ مُوقَهَا، فَسْتَقَتْ لَهُ بِهِ فَسَقَتْهُ فَغْفِرَ لَهَا. (роав аш-Шайхон асн Аби Һарира)

436. Ногаҳон бир ит қудуқ олдида айланиб юрар, чанқоқлик эса уни ҳалок этишига оз қолган эди. Шу пайт Бани Исроилнинг фоҳишаларидан бири уни кўриб қолиб, маҳсисини ечди-да, унда сув олиб ҳалиги итни сув ила сийлади. Мана шу амали учун унинг гуноҳлари мағфират этилди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* بَرِّدُوا طَعَامَكُمْ يُبَارَكْ فِيهِ. (роав асн Ади)

437. Овқатларингизни совутиб енглар, шунда барака бўлади. Ибн Адий ривояти.

* بَرُّوا آبَاءَكُمْ تَبَرُّكُمُ أَبْنَاؤُكُمْ، وَعَفُّوا عَنِ النِّسَاءِ تَعَفَّ نِسَاؤُكُمْ وَمَنْ تَنَصَّلَ إِلَيْهِ فَلَمْ يَقْبَلْ فَلَنْ يَرِدَ عَلَى الْحَوْضِ. (роав асн Абу Ҳурайра)

438. Оталарингизга яхшилик қилинглари, шунда болаларингиз ҳам сизларга яхшилик қилишади. Аёлларга қарайверманг, шунда сизларнинг аёлингизга ҳам қаралмайди. Кимга узр айтилса-ю, у ўша узрни қабул этмаса, қиёмат куни ҳавзга тушмайди. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسٍ: شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَإِقَامِ الصَّلَاةِ. وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ. وَحَجِّ الْبَيْتِ. وَصَوْمِ رَمَضَانَ. (رواه البخاري ومسلم عن ابن عمر)

439. Ислом беш нарса устига бино қилинган: «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Росулulloҳ» калимаси, намозни қоим қилиш, закот бериш, Байтуллоҳни ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* بَيْنَمَا رَجُلٌ يَمْشِي بِطَرِيقٍ، وَجَدَ غُصْنَ شَوْكٍ عَلَى الطَّرِيقِ فَأَخَذَهُ فَشَكَرَ اللَّهُ لَهُ فَغَفَرَ لَهُ. (رواه البخاري ومسلم عن ابن عمر)

440. Бир киши йўлда кетаётган эди, ногаҳон йўл устида тиконли шохни кўриб, уни четга суриб қўйди. Аллоҳ унинг бу қилган ишидан рози бўлиб, гуноҳларини мағфират қилди. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* بَيْنَ الْعَبْدِ وَالْجَنَّةِ سَبْعُ عَقَبَاتٍ، أَهْوَنُهَا الْمَوْتُ، وَأَصْعَبُهَا الْوُقُوفُ بَيْنَ يَدَيِ اللَّهِ تَعَالَى، إِذَا تَعَلَّقَ الْمَظْلُومُونَ بِالظَّالِمِينَ. (رواه البخاري)

441. Банда билан жаннат оралиғида еттита ғов бор. Унинг энг енгили ўлим ва энг оғири Аллоҳ ҳузурида туришдир, агар ўшанда мазлумлар золимларга осилиб олишса. Бухорий ривояти.

* بَيْنَا مَا رَجُلٌ بِطَرِيقٍ، اشْتَدَّ عَلَيْهِ الْعَطَشُ، فَوَجَدَ بَيْرًا، فَنَزَلَ فِيهَا، فَشَرِبَ مِنْهَا، ثُمَّ خَرَجَ، فَإِذَا هُوَ بِكَلْبٍ يَلْهَثُ، يَأْكُلُ الثَّرَى مِنَ الْعَطَشِ، فَقَالَ لَقَدْ بَلَغَ هَذَا الْكَلْبُ مِنَ الْعَطَشِ مِثْلَ الَّذِي بَلَغَ بِي فَنَزَلَ الْبَيْرَ فَمَلَأَ خُفَّهُ مَاءً، ثُمَّ أَمْسَكَهُ بِفِيهِ ثُمَّ رَقِيَ فَسَقَى الْكَلْبَ فَشَكَرَ اللَّهُ لَهُ فَغَفَرَ لَهُ، فَسُئِلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ فِي كُلِّ ذَاتِ كَبِدٍ رَطْبَةٌ أَجْرٌ. (رواه مسلم)

442. Бир киши йўлда кетаётганида, уни қаттиқ чанқоқлик тутди. У бир қудуқни топиб, унга тушди-да сувдан ичди. Кейин чиқса, олдида бир ит чанқаганидан тилини чиқариб тупроқ намини ялаб турарди. Шунда у ўзига: «Мен чанқаганим каби, бу итни ҳам чанқоқ тутган», деди-да, қудуққа тушиб, сувга тўлдирган маҳсисини оғзида тишлаганича кўтарилиб, итни суғорди. Аллоҳ унинг бу қилган ишидан рози бўлиб, гуноҳини кечирди. Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳақда сўралганида у зот: «Жигари нам бўлган ҳар бир тирик (маҳлуққа яхшилик қилишда) ажр бор», дедилар. *Муслим ривояти.*

* بَيْنَمَا أَنَا فِي الْحَظِيمِ مُضْطَجِعًا، إِذْ أَتَانِي آتٍ، فَقَدْ مَا بَيْنَ هَذِهِ إِلَى هَذِهِ فَاسْتَخْرَجَ قَلْبِي، ثُمَّ أُتِيتُ بِطُسْتٍ مِنْ ذَهَبٍ، مَمْلُوءَةٍ إِمَانًا فَغُسِلَ قَلْبِي بِمَاءٍ زَمْزَمَ، ثُمَّ حُشِيَ ثُمَّ أُعِيدَ، ثُمَّ أُتِيتُ بِدَابَّةٍ دُونَ الْبَغْلِ، وَفَوْقَ الْحِمَارِ، أَبْيَضُ «يُقَالُ لَهُ الْبَرَّاقُ، يَضَعُ خَطْوُهُ عِنْدَ أَقْصَى طَرَفِهِ، فَحُمِلْتُ عَلَيْهِ، فَانْطَلَقَ بِي جِبْرِيلُ، حَتَّى أَتَى السَّمَاءَ الدُّنْيَا فَاسْتَفْتَحَ، فَقِيلَ مَنْ هَذَا؟ قَالَ جِبْرِيلُ: قِيلَ: وَمَنْ مَعَكَ؟ قَالَ مُحَمَّدٌ قِيلَ وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ؟ قَالَ: نَعَمْ، قِيلَ مَرْحَبًا بِهِ، فَنَعْمَ الْمَجِيءُ جَاءَ، فَفُتِحَ فَلَمَّا خَلَصْتُ، فَإِذَا فِيهَا آدَمُ: فَقَالَ: هَذَا أَبُوكَ آدَمُ، فَسَلِّمْ عَلَيْهِ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ فَرَدَّ السَّلَامَ، ثُمَّ قَالَ: مَرْحَبًا بِالنَّبِيِّ الصَّالِحِ وَالْإِبْنِ الصَّالِحِ ثُمَّ صَعِدَ بِي حَتَّى أَتَى السَّمَاءَ الثَّانِيَةَ، فَاسْتَفْتَحَ: فَقِيلَ مَنْ هَذَا، قَالَ جِبْرِيلُ، قِيلَ: وَمَنْ مَعَكَ. قَالَ مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ قَالَ نَعَمْ، قِيلَ: مَرْحَبًا بِهِ، فَنَعْمَ الْمَجِيءُ جَاءَ فَفُتِحَ. فَلَمَّا خَلَصْتُ إِذَا «يَحْيَى وَعِيسَى» وَهُمَا ابْنَا الْحَالَةِ قَالَ: هَذَا يَحْيَى وَعِيسَى، فَسَلِّمْ عَلَيْهِمَا فَسَلَّمْتُ فَرَدَّا ثُمَّ قَالَا: مَرْحَبًا بِالْأَخِ الصَّالِحِ وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ - ثُمَّ صَعِدَ بِي إِلَى السَّمَاءِ الثَّلَاثَةِ فَاسْتَفْتَحَ قِيلَ مَنْ هَذَا؟ قَالَ جِبْرِيلُ، قِيلَ: وَمَنْ مَعَكَ. قَالَ

مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ؟ قَالَ نَعَمْ، قِيلَ: مَرْحَبًا بِهِ، فَنَعِمَ الْمَجِيءُ جَاءَ فَفَتَحَ، فَلَمَّا خَلَصَتْ إِذَا «يُوسُفُ» قَالَ: هَذَا يُوسُفُ فَسَلِّمْ عَلَيْهِ فَسَلِّمْتُ عَلَيْهِ فَرَدَّ، ثُمَّ قَالَ، مَرْحَبًا بِالْأَخِ الصَّالِحِ وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ - ثُمَّ صَعِدَ بِي، حَتَّى أَتَى السَّمَاءَ الرَّابِعَةَ فَاسْتَفْتَحَ، قِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ جِبْرِيلُ قِيلَ: وَمَنْ مَعَكَ؟ قَالَ مُحَمَّدٌ قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ! قَالَ نَعَمْ، قِيلَ مَرْحَبًا بِهِ فَنَعِمَ الْمَجِيءُ جَاءَ فَفَتَحَ، فَلَمَّا خَلَصَتْ إِذَا «إِدْرِيسُ» قَالَ هَذَا إِدْرِيسُ، فَسَلِّمْ عَلَيْهِ، فَسَلِّمْتُ عَلَيْهِ فَرَدَّ ثُمَّ قَالَ مَرْحَبًا بِالْأَخِ الصَّالِحِ وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ - ثُمَّ صَعِدَ بِي إِلَى السَّمَاءِ الْخَامِسَةِ، فَاسْتَفْتَحَ قِيلَ مَنْ هَذَا؟ قَالَ جِبْرِيلُ: قِيلَ وَمَنْ مَعَكَ؟ قَالَ مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ؟ قَالَ نَعَمْ: قِيلَ مَرْحَبًا بِهِ فَنَعِمَ الْمَجِيءُ جَاءَ فَلَمَّا خَلَصَتْ إِذَا (هَارُونُ) قَالَ هَذَا هَارُونُ فَسَلِّمْ عَلَيْهِ، فَسَلِّمْتُ عَلَيْهِ فَرَدَّ عَلِي السَّلَامَ ثُمَّ قَالَ: مَرْحَبًا بِالْأَخِ الصَّالِحِ وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ - ثُمَّ صَعِدَ بِي إِلَى السَّمَاءِ السَّادِسَةِ، فَاسْتَفْتَحَ: قِيلَ مَنْ هَذَا؟ قَالَ جِبْرِيلُ: قِيلَ مَنْ مَعَكَ قَالَ مُحَمَّدٌ: قِيلَ وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ؟ قَالَ نَعَمْ: قَالَ مَرْحَبًا بِهِ، فَنَعِمَ الْمَجِيءُ جَاءَ، فَلَمَّا خَلَصَتْ إِذَا (مُوسَى) قَالَ هَذَا مُوسَى فَسَلِّمْ عَلَيْهِ فَسَلِّمْتُ عَلَيْهِ فَرَدَّ عَلَى السَّلَامِ، ثُمَّ قَالَ مَرْحَبًا بِالْأَخِ الصَّالِحِ وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ.

فَلَمَّا تَجَاوَزْتُ بَكِي، قِيلَ لَهُ مَا يَبْكِيكَ؟ قَالَ أَبْكِي لِأَنِّ غُلَامًا بُعِثَ بَعْدِي يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مِنْ أُمَّتِهِ أَكْثَرُ مِمَّنْ يَدْخُلُ مِنْ أُمَّتِي، ثُمَّ صَعِدَ بِي إِلَى السَّمَاءِ السَّابِعَةِ، فَاسْتَفْتَحَ، قِيلَ مَنْ هَذَا قَالَ جِبْرِيلُ: قِيلَ وَمَنْ مَعَكَ؟ قَالَ مُحَمَّدٌ: قِيلَ: وَقَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ؟ قَالَ نَعَمْ قِيلَ مَرْحَبًا بِهِ فَنَعِمَ الْمَجِيءُ جَاءَ فَلَمَّا خَلَصَتْ إِذَا (إِبْرَاهِيمُ) قَالَ: هَذَا أَبُوكَ فَسَلِّمْ عَلَيْهِ، فَسَلِّمْتُ عَلَيْهِ، فَرَدَّ السَّلَامَ، فَقَالَ مَرْحَبًا بِالابْنِ الصَّالِحِ وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ، ثُمَّ رَفَعَتْ لِي سِدْرَةَ الْمُنْتَهَى، فَإِذَا نَبْقُهَا

مِثْلُ قَلَالِ هَجَرَ، وَإِذَا وَرَقَهَا مِثْلُ آذَانِ الْفَيْلَةِ، قَالَ: هَذِهِ سِدْرَةُ الْمُنْتَهَى وَإِذَا أَرْبَعَةُ أَنْهَارٍ، نَهْرَانِ بَاطِنَانِ، وَنَهْرَانِ ظَاهِرَانِ، قُلْتُ: مَا هَذَانِ يَا جَبْرِيلُ؟ قَالَ: أَمَّا الْبَاطِنَانِ فَنَهْرَانِ فِي الْجَنَّةِ، وَأَمَّا الظَّاهِرَانِ فَالنَّيْلُ وَالْفُرَاتُ، ثُمَّ رَفَعَ لِي الْبَيْتَ الْمَعْمُورَ، فَقُلْتُ يَا جَبْرِيلُ مَا هَذَا؟ قَالَ: هَذَا الْبَيْتُ الْمَعْمُورُ، يَدْخُلُهُ كُلُّ يَوْمٍ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ، إِذَا خَرَجُوا مِنْهُ لَمْ يَعُودُوا إِلَيْهِ ثُمَّ أُتِيتُ بِإِنَاءٍ مِنْ خَمْرٍ وَإِنَاءٍ مِنْ لَبَنٍ، وَإِنَاءٍ مِنْ عَسَلٍ، فَأَخَذْتُ اللَّبَنَ، فَقَالَ: هِيَ الْفِطْرَةُ الَّتِي أَنْتَ عَلَيْهَا وَأَمْتِكَ.

ثُمَّ فَرَضَ عَلَيَّ خَمْسُونَ صَلَاةً كُلُّ يَوْمٍ فَرَجَعْتُ فَمَرَرْتُ عَلَى مُوسَى، فَقَالَ: بِمِ أَمَرْتُ؟ قُلْتُ: أَمَرْتُ بِخَمْسِينَ صَلَاةً كُلُّ يَوْمٍ، قَالَ: إِنَّ أَمْتِكَ لَا تَسْتَطِيعُ خَمْسِينَ صَلَاةً كُلُّ يَوْمٍ، وَإِنِّي وَاللَّهِ قَدْ جَرَّبْتُ النَّاسَ قَبْلَكَ، وَعَاجَلْتُ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَشَدَّ الْمُعَاجَلَةِ، فَارْجِعْ إِلَى رَبِّكَ، فَاسْأَلْهُ التَّخْفِيفَ لِأَمْتِكَ فَرَجَعْتُ فَوَضَعَ عَنِّي عَشْرًا. فَرَجَعْتُ إِلَى مُوسَى فَقَالَ مِثْلَهُ، فَرَجَعْتُ فَوَضَعَ عَنِّي عَشْرًا فَمَرَرْتُ بِعَشْرِ صَلَوَاتٍ كُلُّ يَوْمٍ فَقَالَ مِثْلَهُ، فَرَجَعْتُ فَأَمَرْتُ بِخَمْسِ صَلَوَاتٍ كُلُّ يَوْمٍ، فَرَجَعْتُ إِلَى مُوسَى، فَقَالَ بِمِ أَمَرْتُ؟ قُلْتُ أَمَرْتُ بِخَمْسِ صَلَوَاتٍ كُلُّ يَوْمٍ، قَالَ: إِنَّ أَمْتِكَ لَا تَسْتَطِيعُ خَمْسَ صَلَوَاتٍ كُلُّ يَوْمٍ، وَإِنِّي قَدْ جَرَّبْتُ النَّاسَ قَبْلَكَ، وَعَاجَلْتُ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَشَدَّ الْمُعَاجَلَةِ، فَارْجِعْ إِلَى رَبِّكَ، فَاسْأَلْهُ التَّخْفِيفَ لِأَمْتِكَ، قُلْتُ سَأَلْتُ رَبِّي حَتَّى اسْتَحْيَيْتُ مِنْهُ، وَلَكِنْ أَرْضَى وَأَسْلَمَ فَلَمَّا جَاوَزْتُ، نَادَانِي مُنَادٍ. أَمْضِيْتُ فَرِيضَتِي، وَخَفَّفْتُ عَنْ عِبَادِي. (رواه البخاري ومسلم عن مالك بن صعصعة)

443. «Мен Каъбанинг деворларидан бири томонга ёнбошлаб ётганимда, бир келувчи менинг ҳузуримга келиб, бу ердан мана бу ергача кесиб, қалбимни чиқарди, кейин олтиндан бўлган ва имон ила тўлдирилган тоғора олиб келинди-да, қалбим зам-зам суви билан ювилди.

Кейин хачирдан кичик, эшакдан каттароқ оқ ҳайвон олиб келинди. У Буроқ деб аталар эди. Қадамини кўзи етган жойга қўярди. Унга ўтқазилдим. Жаброил (алайҳиссалом) мен билан борди, дунё осмонига чиқиб, унинг очилишини сўради. «Бу ким?» дейилган эди, «Жаброил», дедилар. «Сиз билан бирга ким?» дейилганида, «Муҳаммад!» дедилар. «У зот Пайғамбар этиб юборилдиларми?» дейилганида, Жаброил (алайҳиссалом): «Ҳа», дедилар. «Хуш келибдилар, бу келган киши мунча ҳам яхши», дейилди. У ер очилиб (мақсад қилинган маконга) етиб борсам, ўша жойда Одам (алайҳиссалом) турибдилар. Жаброил (алайҳиссалом): «Бу отанг Одамдир», деб у зотга салом бердилар. Мен ҳам у зотга салом берган эдим, менга жавоб қайтардилар ва «Солиҳ пайғамбар, солиҳ фарзанд хуш келибди», дедилар. Сўнгра мен яна кўтарилдим, иккинчи осмонга олиб борилдим ва у ерни очилиши талаб қилинди. «Бу ким?» дейилган эди, «Жаброил», дедилар. «Сиз билан бирга ким?» дейилган эди, «Муҳаммад!» дедилар. «У Пайғамбар этиб юборилдими?» дейилганида, Жаброил: «Ҳа», дедилар. «Бу келувчи мунча ҳам яхши», дейилиб, у ер очилди. Етиб борганимда, Яхё ва Исо (алайҳимуссалом) туришган экан. Икковлари холаваччалардир. Жаброил (алайҳиссалом): «Бу Яхё ва Исодир», деб икковларига салом бердилар. Мен ҳам салом берган эдим, икковлари алик олиб: «Солиҳ бирордар ва солиҳ пайғамбар хуш келибди», деб айтишди. Кейин мени учинчи осмонга кўтариб, у ер очилишини талаб қилдилар. «Бу ким?» дейилган эди, «Жаброил», дедилар. «Сен билан бирга ким?» дейилган эди, «Муҳаммад!» дедилар. У Пайғамбар этиб юборилдими?», дейилганида, Жаброил: «Ҳа», дедилар. «Хуш келибди, бу келувчи мунча ҳам яхши», деб эшик

очилди. Етиб борсам, Юсуф (алайҳиссалом) эканлар. Жаброил (алайҳиссалом): «Бу Юсуфдир», деб, унга салом бергандилар, у зот алик олиб: «Солиҳ биродар ва солиҳ пайғамбар хуш келибди», дедилар. Кейин мени кўтариб, тўртинчи осмонга бордилар-да, у ер очилишини талаб қилдилар. «Бу ким?» дейилди, «Жаброил» дедилар. «Сен билан бирга ким?» дейилди. Жаброил (алайҳиссалом): «Муҳаммад!», дедилар. «У пайғамбар этиб юборилдими?» дейилганида, Жаброил (алайҳиссалом): «Ҳа», дедилар. «Хуш келибди, бу келувчи киши мунча ҳам яхши», деб у ер очилди. Қачонки етиб борсам, Идрис (алайҳиссалом) эканлар. Жаброил (алайҳиссалом): «Бу Идрисдир», деб у зотга салом бердилар. Мен ҳам салом берган эдим, алик олдилар-да, кейин: «Солиҳ биродар ва солиҳ пайғамбар хуш келибди», дедилар. Сўнгра мени кўтариб, бешинчи осмонга бордилар-да, у ернинг очилишини талаб қилдилар. «Бу ким?» дейилди. Жаброил (алайҳиссалом): «Муҳаммад», дедилар. «У пайғамбар этиб юборилдими?», дейилганида, Жаброил (алайҳиссалом): «Ҳа», дедилар. «Хуш келибди, бу келувчи киши мунча ҳам яхши», дейилди. Қачонки етиб борсам, Ҳорун эканлар. Жаброил (алайҳиссалом): «Бу Ҳорундир», деб у зотга салом бердилар. Мен ҳам у зотга салом берган эдим, менинг саломимга алик олдилар. Кейин Ҳорун: «Солиҳ биродар ва солиҳ пайғамбар хуш келибди», дедилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сўнгра мени олтинчи осмонга олиб чиқиб, у ер очилишини талаб қилдилар. «Бу ким?» дейилган эди, «Жаброил», дедилар. «Сиз билан бирга ким?» Жаброил (алайҳиссалом): «Муҳаммад», дедилар. «У пайғамбар этиб юборилдими?» дейилса, Жаброил (алайҳиссалом): «Ҳа», дедилар. «Хуш келибди! Бу келувчи киши мунча ҳам яхши», дейилди. Қачонки етиб борсам, Мусо (алайҳиссалом) эканлар. Жаброил (алайҳиссалом): «Бу Мусодир», деб у зотга салом бердилар. Мен ҳам салом берган эдим, саломимга алик олдилар-да, кейин: «Солиҳ биродар ва солиҳ пайғамбар хуш келибди», дедилар.

У ердан узоқлашганимда, Мусо (алайҳиссалом) йиғладилар. Шунда у зотга «Нима учун йиғлаяпсиз?» дейилганида, у зот: «Йиғлайман-да, чунки мендан кейин бир йигит пайғамбар этиб юборилибди. Унинг уммати менинг умматимдан кўра кўпроқ жаннатга киради», дедилар. Сўнгра мени еттинчи осмонга кўтариб, у ерни очишларини талаб қилдилар. «Бу ким?» дейилган эди, «Жаброил», дедилар. «Сиз билан бирга ким?» дейилган эди, Жаброил (алайҳиссалом): «Муҳаммад», дедилар. «У пайғамбар этиб юборилдими?» дейилган эди, Жаброил (алайҳиссалом): «Ҳа», дедилар. «Хуш келибди! Бу келувчи киши мунча ҳам яхши» дейилди. Қачонки мен етиб борсам, у зот Иброҳим (алайҳиссалом) эканлар. Жаброил (алайҳиссалом): «Бу отанг Иброҳимдир, у зотга салом бер!», дедилар. Мен у зотга салом берган эдим, саломимга алик олдилар ҳамда «Солиҳ ўғил ва солиҳ пайғамбар хуш келибди», деб айтдилар. Сўнгра «Сидратул мунтаҳо»га кўтарилдик. У сидр дарахти бўлиб, меваси ҳажар қабила-си кўзаларига, барглари эса филнинг қулоғига ўхшайди. Жаброил (алайҳиссалом): «Бу сидратул мунтаҳо бўлиб, унинг атрофида тўртта дарё бордир. Иккиси ботиний ва иккиси зоҳирийдир», дедилар. Мен: «Ё Жаброил, бу иккиси нима?» десам, у зот: «Ботинийси жаннатдаги икки дарё, зоҳирийси Нил ва Фурот дарёларидир», дедилар. Кейин Байтул маъмурга кўтарилдик. Мен: «Эй Жаброил, бу нима?» десам, Жаброил (алайҳиссалом): «Бу Байтул маъмур бўлиб, ҳар куни у ерга етмиш минг фаришта киради. Агар у ердан чиқишса, қайтиб кириша олмайди», дедилар. Кейин бир идишда ароқ, бир идишда сут ва бир идишда асал олиб келинди. Мен сутни олдим. Шунда Жаброил: «У сут фитратдир. Сиз ва умматингиз (соф) фитратдадир», дедилар.

Кейин менга ҳар куни эллик маҳал намоз ўқиш фарз қилинди. Қайтаётганимда Мусо (алайҳиссалом) олдиладан ўтдим. У зот: «Нималарни бажаришга буюрилдингиз?» деганларида, мен: «Ҳар куни эллик маҳал намоз ўқишга буюрилдим», дедим. Мусо (алайҳиссалом): «Ал-

батта, умматингиз ҳар куни эллик маҳал намоз ўқишга қодир эмас. Аллоҳга қасамки, мен бу нарсани сиздан олдин одамларда тажриба қилиб кўрганман, Раббингиз ҳузурига қайтиб, умматингиз учун енгиллатишни сўранг», дедилар. Мен қайтиб борган эдим, ўн маҳали олиб ташланди. Мусо (алайҳиссалом) ҳузурларига қайтиб келган эдим. Мусо (алайҳиссалом) худди юқоридаги сўзни айтдилар. Мен яна Раббим ҳузурига борган эдим, яна ўн маҳали олиб ташланди. Мусо (алайҳиссалом) ҳузурларига яна қайтиб келган эдим, худди юқоридаги сўзни айтдилар. Мен яна Раббим ҳузурига борган эдим, яна ўн маҳалини олиб ташлади. Мен ҳар куни ўн маҳал намоз ўқишга буюрилдим. Мусо (алайҳиссалом) худди юқоридаги сўзни айтдилар. Мен Раббим ҳузурига борган эдим, ҳар куни беш маҳал намоз ўқишга буюрилдим. Мусо (алайҳиссалом) олдиларига қайтиб келган эдим, у зот: «Нимага буюрилдинг?» дедилар. Мен: «Ҳар куни беш маҳал намоз ўқишга буюрилдим», дедим. Шунда Мусо (алайҳиссалом): «Албатта, умматинг ҳар куни беш маҳал намоз ўқишга қодир бўла олмайди. Мен буни сендан олдинги одамлар устида тажриба қилиб кўрганман. Бани Исроил устида эса қаттиқ муолажа қилиб кўрганман. Шунинг учун Раббинг ҳузурига боргин-да, умматинг учун енгиллик қилишини сўрагин, дедилар. Мен Раббимдан шунчасини сўрадим, энди сўрашга ҳаё қиламан, деб шунга рози бўлиб, бўйин эгаман, дедим. Қачонки у ерни тарк қилганимда бир жарчи: «Фарзимни ижро қилиб, бандаларимдан оғирликни енгил этдим», деб нидо қилди. Молик ибн Саъсаъа (розияллоҳу анҳу) дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الْبَيْعَانِ بِالْخِيَارِ مَا لَمْ يَتَفَرَّقَا، فَإِنْ صَدَقَا وَبَيَّنَّا، بُرُكَ لُهُمَا فِي بَيْعِهِمَا، وَإِنْ كَتَمَا وَكَذَبَا، مُحِقَّتْ بَرَكَةُ بَيْعِهِمَا. (رواه البخاري)

444. Икки савдолашганлар модомики ажралишмаса, уни бузиш ёки бузмасликка ихтиёрлари бордир. Агар ик-

ковлари ўша савдода ростгўй бўлиб, унинг айбини баён этса, икковларининг савдоларида барака ато қилинади. Борди-ю, айбини беркитиб, ёлғон гапиришса, икковларининг савдолари баракаси кетказилади. *Бухорий ривояти.*

* بَيْسَ الطَّعَامِ طَعَامُ الْوَلِيمَةِ، يُدْعَى لَهَا الْأَغْنِيَاءُ، وَيُتْرَكُ الْفُقَرَاءُ، وَمَنْ تَرَكَ الدَّعْوَةَ فَقَدْ عَصَى اللَّهَ وَرَسُولَهُ. (رواه الشيخان)

445. Бойлар таклиф қилиниб, камбағаллар тарк этиладиган тўйдаги таом мунчалар ҳам ёмон таом. Кимки чақирикни тарк қилса, Аллоҳ ва Расулига осий бўлибди. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* الْبِرُّ حُسْنُ الْخُلُقِ وَالْإِثْمُ مَا حَاكَ فِي صَدْرِكَ، وَكَرِهْتَ أَنْ يَطَّلَعَ عَلَيْهِ النَّاسُ. (رواه مسلم)

446. Яхшилик ҳусни хулқдир. Гуноҳ эса қалбингда гашлик пайдо қилиб, одамлар ундан хабардор бўлишини ёмон кўрган нарсангдир. *Муслим ривояти.*

* الْبَخِيلُ مَنْ ذَكَرْتُ عِنْدَهُ وَلَمْ يُصَلِّ عَلَيَّ. (رواه أحمد)

447. Кимнинг ҳузурида зикр қилинсам-у, менга салавот айтмаса, у бахилдир. *Аҳмад ривояти.*

* الْبِرُّ لَا يَبْلَى، وَالذَّنْبُ لَا يُنْسَى، وَالذِّيَانُ لَا يَمُوتُ، اْعْمَلْ مَا شِئْتَ كَمَا تَدِينُ تَدَان. (رواه البيهقي)

448. Яхшилик йўқ бўлиб кетмайди. Гуноҳ унутилмайди. Ҳисоб-китоб қилувчи ўлмайди. Хоҳлаган нарсангга амал қил, қилмишингга яраша жазо оласан. *Байҳақий ривояти.*

* الْبَلَاءُ مُوَكَّلٌ بِالْمَنْطِقِ فَلَوْ أَنَّ رَجُلًا غَيَّرَ رَجُلًا بَرِضَاعٍ كَلْبَةً لَرَضَعَهَا. (رواه الخطيب عن ابن مسعود)

449. Бало гапга боғлаб қўйилгандир. Агар киши «ит эмган», деб бир кишини айбласа, ўзи ўшани эмади. *Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.*

* **الْبَلَاءُ بِلَادُ اللَّهِ، وَالْعِبَادُ عِبَادُ اللَّهِ، فَحَيْثُمَا أَصَبْتَ خَيْرًا فَأَقِم.** (رواه أحمد

عن الزبير)

450. Шаҳарлар Аллоҳнинг шаҳарларидир. Бандалар Аллоҳнинг бандаларидир. Қаерда бўлсанг ҳам, яхшиликка етишдингми, уни қоим қил. *Зубайр (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.*

* **الْبَيِّنَةُ عَلَى الْمُدَّعَى، وَالْيَمِينُ عَلَى مَنْ أَنْكَرَ.** (رواه الجماعة)

451. Даъво қилувчидан далил-исбот, инкор этувчидан қасам талаб этилади. *Жамоат ривояти.*

* **الْبَرَكَةُ فِي نَوَاصِي الْخَيْلِ.** (رواه البخاري ومسلم عن أنس)

452. Барака отларнинг пешоналаридадир. *Анас (рози-яллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* **الْبَصَاقُ فِي الْمَسْجِدِ خَطِيئَةٌ، وَكَفَّارَتُهَا دَفْنُهَا.** (رواه الشيخان)

453. Масжидга тупуриш хатодир. Унинг каффорати эса уни даф қилишдир. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

ТАҲАРФИ (ت) – حرف التاء

* **تَبَسُّمُكَ فِي وَجْهِ أَخِيكَ لَكَ صَدَقَةٌ، وَأَمْرُكَ بِالْمَعْرُوفِ وَنَهْيُكَ عَنِ الْمُنْكَرِ صَدَقَةٌ، وَإِرْشَادُكَ الرَّجُلَ فِي أَرْضِ الضَّلَالِ لَكَ صَدَقَةٌ، وَإِمَاطَتُكَ الْحَجَرَ وَالشَّوْكَ وَالْعَظْمَ عَنِ الطَّرِيقِ لَكَ صَدَقَةٌ.** (رواه البخاري)

454. Биродаринг юзига табассум қилишинг, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришинг, залолат ерида кишини ҳидоятга бошлашинг, йўлдан тош ва тикан

ҳамда суякларни бартараф қилишинг – буларнинг бари сен учун садақадир. *Бухорий ривояти.*

* تَجِدُونَ النَّاسَ مَعَادِنَ. فَخِيَارُهُمْ فِي الْجَاهِلِيَّةِ خِيَارُهُمْ فِي الْإِسْلَامِ إِذَا فَفَقَهُوا وَتَجِدُونَ خَيْرَ النَّاسِ فِي هَذَا الشَّانِ أَشَدَّهُمْ لَهُ كِرَاهِيَةً قَبْلَ أَنْ يَقَعَ فِيهِ، وَتَجِدُونَ شَرَّ النَّاسِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عِنْدَ اللَّهِ ذَا الْوُجْهِينِ، الَّذِي يَأْتِي هَؤُلَاءِ بَوُجْهِ وَهَؤُلَاءِ بَوُجْهِ. (رواه البخاري ومسلم)

455. Одамларни конлар каби топасизлар. Уларнинг жоҳилиятдаги яхшилари Исломда ҳам яхшидирлар, агар улар динда билимдон бўлишса, одамларнинг бу ишда яхшилари унга киришларидан олдин уни ёмон кўрганларидир. Қиёмат куни Аллоҳ ҳузурида инсонларнинг энг ёмони иккиюзламачи киши эканини топасизлар. У иккиюзламачи бир тоифага бир юз билан, иккинчи тоифага бошқа юз билан келади. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* تَحَاجَّتِ النَّارُ وَالْجَنَّةُ، فَقَالَتِ النَّارُ: أَوْثَرْتُ بِالْمُتَكَبِّرِينَ وَالْمُتَجَبِّرِينَ، وَقَالَتِ الْجَنَّةُ: فَمَا لِي لَا يَدْخُلَنِي إِلَّا ضُعَفَاءُ النَّاسِ وَسَقَطُهُمْ وَعَجْزُهُمْ؟ فَقَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ لِلْجَنَّةِ: إِنَّمَا أَنْتَ رَحْمَتِي أَرْحَمُ بِكَ مَنْ أَسَاءَ مِنْ عِبَادِي - وَقَالَ لِلنَّارِ: إِنَّمَا أَنْتَ عَذَابِي أَعَذِّبُ بِكَ مَنْ أَسَاءَ مِنْ عِبَادِي. وَلِكُلِّ وَاحِدَةٍ مِنْكُمَا مَلُؤُهَا، فَأَمَّا النَّارُ فَلَا تَمْتَلِي حَتَّى يَضَعَ اللَّهُ قَدَمَهُ عَلَيْهَا فَتَقُولُ: قَطُّ قَطُّ، فَهِنَالِكَ تَمْتَلِي، وَيَنْزَوِي بَعْضُهَا إِلَى بَعْضٍ، وَلَا يَظْلِمُ اللَّهُ مِنْ خَلْقِهِ أَحَدًا، وَأَمَّا الْجَنَّةُ فَإِنَّ اللَّهَ يُنْشِئُ لَهَا خَلْقًا. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

456. Дўзах ила жаннат ҳужжатлашди. Дўзах: «Мутақаббир ва жабр қилувчиларни ихтиёр қилдим», деди. Жаннат эса: «Менга фақат инсонларнинг заифи, ожиз ва оддийлари киришадими?» деди. Аллоҳ азза ва жалла жаннатга айтди: «Сен Менинг раҳматимсан, сен билан бандаларимдан хоҳлаганимни раҳм қиламан». Дўзахга

эса: «Сен азобимсан. Сен билан бандаларимдан хоҳлаганимни азоблайман. Ҳар икковингни тўлдириш Менинг зиммамдадир. Аллоҳ қадамини у ерга қўймагунча дўзах тўлмайди. Шунда дўзах: «Бўлди, етарли», дейди. У ер тўлади ҳамда баъзиси баъзисига киришиб кетади. Аллоҳ халқидан бирор кишига зулм қилмайди. Аммо жаннатга Аллоҳ таоло хос халқни яратади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* تَحَرَّوْا لَيْلَةَ الْقَدْرِ فِي الْوَتْرِ مِنَ الْعَشْرِ الْآخِرِ مِنْ رَمَضَانَ. (رواه الشيخان)

457. Қадр кечасини рамазон ойининг охириги ўн кунлигидан қидиринглар. Бухорий ва Муслим ривояти.

* تَدَاوَوْا عِبَادَ اللَّهِ، فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَمْ يَضَعْ دَاءً إِلَّا وَضَعَ لَهُ دَوَاءً، غَيْرَ دَاءٍ وَاحِدٍ: الْهَرَمُ. (رواه الإمام أحمد)

458. Аллоҳнинг бандалари, даволанинглар. Албатта, Аллоҳ таоло бир касалликни қўядиган бўлса, унинг давосини ҳам қўйган. Лекин бир касаллик, яъни қарилик ундай эмасдир. Аҳмад ривояти.

* تَرَى الْمُؤْمِنِينَ فِي تَرَاحِمِهِمْ وَتَوَادِدِهِمْ، وَتَعَاطُفِهِمْ، كَمَثَلِ الْجَسَدِ إِذَا اشْتَكَى عُضْوًا تَدَاعَى لَهُ سَائِرُ جَسَدِهِ بِالسَّهْرِ وَالْحُمَى. (رواه البخاري)

459. Ўзаро раҳм-шафқат, меҳр-муҳаббат, меҳрибонлик кўрсатишларида мўминлар худди жасадга ўхшашларини кўрасиз. Агар жасаднинг бирор ери оғриса, бошқа жойлари ҳам бедорлик ва иситма ила безовта бўлади. Бухорий ривояти.

* تَزَوَّجُوا وَلَا تُطَلِّقُوا، فَإِنَّ الطَّلَاقَ يَهْتَرُ مِنْهُ الْعَرْشُ. (رواه ابن عدي)

460. Уйланинглар, талоқ қилишга (шошманглар). Чунки талоқдан Арш ларзага келади. Ибн Адий ривояти.

* تَسَحَّرُوا، فَإِنَّ فِي السُّحُورِ بَرَكَةً. (رواه الشيخان عن أنس)

461. Саҳарлик қилинглари, чунки саҳарликда барака бордир. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* تَصَدَّقُوا فَيَسِيَّتِي عَلَيْكُمْ زَمَانٌ يَمْشِي الرَّجُلُ بِصَدَقَتِهِ، فَيَقُولُ الَّذِي يَأْتِي لَهُ بِهَا لَوْ جِئْتُ بِهَا بِالْأَمْسِ لَقَبِلْتُهَا فَأَمَّا الْآنَ فَلَا حَاجَةَ لِي فِيهَا، فَلَا يَجِدُ مَنْ يَقْبَلُهَا. (رواه الشيخان عن حارثة بن وهب)

462. Садақа беринглари, сизларга шундай бир замон келадики, бир киши садақаси билан боради ва оладиган одамнинг олдига келса, у: «Агар кеча келганингда, қабул қилар эдим. Ҳозир эса, унга менинг эҳтиёжим йўқ», дейди. Берувчи қабул қиладиган кишини топа олмайди. Ҳориса ибн Ваҳб (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* تُطْعِمُ الطَّعَامَ وَتَقْرَأُ السَّلَامَ عَلَى مَنْ عَرَفْتَ، وَمَنْ لَمْ تَعْرِفْ. (رواه البخاري ومسلم عن عبد الله بن عمرو)

463. Таом улашасан, таниган ва танимаган кишиларга салом берасан. Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* تَعْرِفْ إِلَى اللَّهِ فِي الرَّخَاءِ يَعْرِفَكَ فِي الشَّدَّةِ، وَاعْلَمْ أَنَّ مَا أَخْطَاكَ لَمْ يَكُنْ لِيُصِيبِكَ، وَمَا أَصَابَكَ لَمْ يَكُنْ لِيُخْطِئَكَ، وَأَنَّ النَّصْرَ مَعَ الصَّبْرِ، وَأَنَّ الْفَرْجَ مَعَ الْكَرْبِ، وَأَنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا. (متفق عليه)

464. Кенгчиликда Аллоҳни танигин, У ҳам сени қийинчилик пайтида танийди. Билгинки, сенга етмаган нарса, сенга етадиган эмас эди. Сенга етган нарса, сенга етмайдиган эмас эди. Албатта, нусрат (ғалаба) сабр билан бирга, албатта, шодлик ҳам ила бирга, қийинчилик енгиллик билан бирга бўлади. Бухорий ва Муслим ривояти.

* تُعْرَضُ الْأَعْمَالُ يَوْمَ الْإِثْنَيْنِ وَالْخَمِيسِ عَلَى اللَّهِ تَعَالَى، وَتُعْرَضُ عَلَى

الْأَنْبِيَاءَ وَعَلَى الْأَبَاءِ وَالْأُمَّهَاتِ يَوْمَ الْجُمُعَةِ. فَيَفْرَحُونَ بِحَسَنَاتِهِمْ وَتَزْدَادُ
وُجُوهُهُمْ بَيَاضًا وَإِشْرَاقًا، فَاتَّقُوا اللَّهَ وَلَا تُؤْذُوا مَوْتَاكُمْ. (رواه الحكيم عن والد

عبد العزيز)

465. Аллоҳ таолога душанба ва пайшанба кунлари амаллар намоиш қилинади. Жума куни пайғамбарларга (умматларининг), ота-оналарга (фарзандларининг) ишлари намоиш этилади. Улар ҳасанотлар билан хурсанд бўлиб, юзлари нурланганидан ёришиб кетади. Аллоҳдан қўрқинг, ўликларингизга озор берманг. Волид Абдулазиз (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳақим ривояти.

* تَعَوَّذُوا بِاللَّهِ مِنْ جَهْدِ الْبَلَاءِ، وَدَرْكِ الشَّقَاءِ، وَسُوءِ الْقَضَاءِ، وَشَمَاتَةِ الْأَعْدَاءِ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

466. Бало-офат машаққатидан, бахтсизлик қувиб етишидан, қазонинг ёмонидан ва душманнинг сўкишидан Аллоҳдан паноҳ тиланглар. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* تَعَلَّمُوا الْعِلْمَ، وَتَعَلَّمُوا لِلْعِلْمِ السَّكِينَةَ وَالْوَقَارَ، وَتَوَاضَعُوا لِمَنْ تَتَعَلَّمُونَ مِنْهُ. (رواه أبو نعيم عن عمر)

467. Илмни таълим олинглар ва илм учун хотиржамлик ҳамда виқорни ҳам таълим олинглар. Таълим олаётган кишингизга тавозели бўлинглар. Умар (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.

* تَعَلَّمُوا مِنَ الْعِلْمِ مَا شِئْتُمْ فَوَاللَّهِ لَا تُؤْجَرُونَ بِجَمْعِ الْعِلْمِ حَتَّى تَعْمَلُوا. (رواه أبو الحسن بن الأخرم عن أنس)

468. Илмдан хоҳлаганингизни таълим олинглар. Аллоҳга қасамки, илмга амал қилмагунигизча уни жамлаш ила ажр олмайсизлар. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Абул Ҳасан ибн Аҳзам ривояти.

* تَفْتَحُ أَبْوَابُ السَّمَاءِ، وَيُسْتَجَابُ الدُّعَاءُ فِي أَرْبَعَةِ مَوَاطِنَ: عِنْدَ التَّقَاءِ الصُّفُوفِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَعِنْدَ نُزُولِ الْغَيْثِ، وَعِنْدَ إِقَامَةِ الصَّلَاةِ، وَعِنْدَ رُؤْيَةِ الْكَعْبَةِ. (رواه الطبراني عن أبي أمامة)

469. Тўрт ўринда: Аллоҳ йўлида сафлар бирлашганда, ёмғир ёғаётганида, намозга иқомат айтилаётганда ва Каъбани кўрганда дуо ижобат қилиниб, осмон эшиклари очилади. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* تَفْتَحُ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ يَوْمَ الْإِثْنَيْنِ وَيَوْمَ الْخَمِيسِ، فَيُغْفَرُ فِيهِمَا لِكُلِّ عَبْدٍ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا، إِلَّا رَجُلٌ كَانَتْ بَيْنَهُ وَبَيْنَ أَخِيهِ شَحْنَاءُ، فَيُقَالُ أَنْظِرُوا هَذَيْنِ حَتَّى يَصْطَلِحَا. (رواه الترمذي)

470. Душанба ва пайшанба кунлари жаннат эшиклари очилади. Ана шу икки кунда Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаган барча бандаларнинг гуноҳлари кечирилади. Лекин биродари билан аразлашиб, кек сақлаган кишининг гуноҳлари кечирилмайди. Бу икки киши ислоҳга келгунча кутиб туринглар, деб айтилади. Термизий ривояти.

* تَفَرَّغُوا مِنْ هُمُومِ الدُّنْيَا مَا اسْتَطَعْتُمْ، فَإِنَّهُ مَنْ كَانَتْ الدُّنْيَا أَكْبَرَ هَمِّهِ أَفْسَى اللَّهِ تَعَالَى ضَيْعَتَهُ، وَجَعَلَ فَقْرَهُ بَيْنَ عَيْنَيْهِ، وَمَنْ كَانَتْ الْآخِرَةُ أَكْبَرَ هَمِّهِ جَمَعَ اللَّهُ تَعَالَى لَهُ أَمْرَهُ، وَجَعَلَ غِنَاهُ فِي قَلْبِهِ، وَمَا أَقْبَلَ عَبْدٌ بَقْلَبِهِ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى إِلَّا جَعَلَ اللَّهُ قُلُوبَ الْمُؤْمِنِينَ تَفْدُ إِلَيْهِ بِالْوَدِّ وَالرَّحْمَةِ، وَكَانَ اللَّهُ تَعَالَى بِكُلِّ خَيْرٍ إِلَيْهِ أَسْرَعَ. (رواه الطبراني عن أبي الدرداء)

471. Қодир бўлгунингизча дунё ғамларидан фориғ бўлинглар. Чунки кимнинг дунёси энг катта ғам-ташвиши бўлса, Аллоҳ таоло уни охиратдан машғул этувчи яшаш тарзига солиб, камбағалликни икки кўзи орасига жойлаб қўяди. Кимнинг энг катта ғами охирати

учун бўлса, Аллоҳ таоло унинг ишини жамлаб, бойлигини қалбида жо қилиб қўяди. Бирор банда Аллоҳ таолога қалби билан юзланадиган бўлса, Аллоҳ мўминлар қалбини унга дўстона ва раҳм ила келадиган қилади. Аллоҳ барча яхшиликларни унга ошиқиб келадиган қилиб қўяди. *Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

تَكْفُلَ اللَّهُ لِمَنْ جَاهَدَ فِي سَبِيلِهِ لَا يُخْرِجُهُ مِنْ بَيْتِهِ إِلَّا الْجِهَادُ فِي سَبِيلِهِ وَتَصْدِيقُ كَلِمَاتِهِ، بَأَنْ يُدْخِلَهُ الْجَنَّةَ، أَوْ يُرْجِعَهُ إِلَى مَسْكَنِهِ الَّذِي خَرَجَ مِنْهُ مَعَ مَا نَالَ مِنْ أَجْرٍ أَوْ غَنِيمَةٍ. (رواه الشيخان)

472. Уйидан фақат Аллоҳ йўлида бутун имконини ишга солиш ва У Зот сўзининг тасдиғи учун чиққан кишини жаннатга киритишига ёки чиққан масканига ажр, ёхуд ўлжани қўлга киритган ҳолда қайтишига Аллоҳ кафиллик берди. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* تَفَكَّرُوا فِي خَلْقِ اللَّهِ، وَلَا تَفَكَّرُوا فِي اللَّهِ فَتَهْلِكُوا. (رواه أبو الشيخ)

473. Аллоҳнинг махлуқотлари ҳақида фикр юрита-веринглар, лекин Аллоҳнинг (зоти) хусусида тафаккурга берилманглар. Акс ҳолда, ҳалок бўласизлар. *Абу Шайх ривояти.*

* تُنَكِّحُ الْمَرْأَةَ لِأَرْبَعٍ: لِمَالِهَا، وَلِحَسْبِهَا، وَلِجَمَالِهَا، وَلِدِينِهَا، فَظَفَرٌ بِذَاتِ الدِّينِ، تَرَبَّتْ يَدَاكَ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

474. Аёл тўрт нарсаси учун, яъни моли, насаби, чиройи ва дини учун никоҳга олинади. Икки қўлинг тупроққа тўлгур, сен диндорини танлаш ила зафар қозонгин (яъни, уч хислатдан олдин динини танлаш билан муваффақият қозонгин). *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* تَنَاقَحُوا تَكْثُرُوا فَإِنِّي أَبَاهِي بِكُمْ الْأَمَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه عبد الرزاق)

475. Никоҳланинглар, кўпаясизлар. Мен қиёмат куни умматлар ичида сизлар ила фахрланаман. Абдураззоқ ривояти.

* تَهَادَوْا تَحَابُّوا، وَتَصَافَحُوا يَذْهَبَ الْغُلُّ عَنْكُمْ. (رواه ابن عساکر)

476. Бир-бирингизга ҳадя беринг, муҳаббатли бўласизлар ва қўл бериб сўрашинглар, шунда сизлардан нафрат ва ғазаб кетади. Ибн Асокир ривояти.

* التَّاجِرُ الصَّدُوقُ تَحْتَ ظِلِّ الْعَرْشِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه الديلمي)

477. Ростгўй савдогар қиёмат куни Арш соясидадир. Дайлабий ривояти.

* الثَّائِبُ مِنَ الذَّنْبِ كَمَنْ لَا ذَنْبَ لَهُ، وَالْمُسْتَغْفِرُ مِنَ الذَّنْبِ وَهُوَ مُقِيمٌ عَلَيْهِ كَالْمُسْتَهْزِئِ بِرَبِّهِ. (رواه البيهقي)

478. Гуноҳдан тавба қилувчи гуноҳи йўқ кишига ўхшайди. Гуноҳига истиғфор айтиб, ўша хатони яна давом эттирувчи Раббисини масхара қилган кишига ўхшайди. Байҳақий ривояти.

* التَّحَدُّثُ بِنِعْمَةِ اللَّهِ شُكْرٌ وَتَرْكُهَا كُفْرٌ، وَمَنْ لَا يَشْكُرُ الْقَلِيلَ لَا يَشْكُرُ الْكَثِيرَ، وَمَنْ لَا يَشْكُرُ النَّاسَ لَا يَشْكُرُ اللَّهَ. (رواه البيهقي)

479. Аллоҳнинг неъматини сўзлаш шукрдир. Уни тарк қилиш куфрони неъматдир. Кимки оз нарсага шукр қилмаса, кўп нарсага ҳам шукр қилмайди. Кимки одамларга шукр қилмаса, Аллоҳга ҳам шукр қилмайди. Байҳақий ривояти.

* التَّوَاضُّعُ لَا يَزِيدُ الْعَبْدَ إِلَّا رَفْعَةً. فَتَوَاضَعُوا يَرْفَعَكُمْ اللَّهُ تَعَالَى، وَالْعَفْوُ لَا يَزِيدُ الْعَبْدَ إِلَّا عِزًّا، فَاعْفُوا يُعِزَّكُمْ اللَّهُ تَعَالَى، وَالصَّدَقَةُ لَا تَزِيدُ الْمَالَ إِلَّا كَثْرَةً، فَتَصَدَّقُوا يَرْحَمَكُمُ اللَّهُ. (رواه ابن أبي الدنيا)

480. Тавозе бандада фақат юксакликни зиёда қилади. Тавозели бўлинглар, Аллоҳ сизнинг даражангизни кўта-
ради. Афв эса бандада фақат азизликни орттиради. Афв
этинглар, Аллоҳ сизларни азиз қилади. Садақа молни
фақат кўпайтиради. Бас, садақа беринглар. Аллоҳ сизлар-
га раҳм қилади. *Ибн Абу Дунё ривояти.*

* التَّوَدُّةُ فِي كُلِّ شَيْءٍ خَيْرٌ إِلَّا فِي عَمَلِ الْآخِرَةِ. (رواه أبو داود)

481. Охират амалидан ташқари барча ишда секинлик
яхшидир. *Абу Довуд ривояти.*

* التَّاجِرُ الْأَمِينُ الصَّدُوقُ مَعَ النَّبِيِّنَ وَالصِّدِّيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ وَالصَّالِحِينَ.
(رواه الترمذي)

482. Омонатдор, ростгўй савдогар набийлар, сиддиқлар,
шаҳидлар ва солиҳлар билан биргадир. *Термизий ривояти.*

* التَّنَاقُوبُ مِنَ الشَّيْطَانِ، فَإِذَا تَنَاقَبَ أَحَدُكُمْ فَلْيُرِدْهُ مَا اسْتَطَاعَ فَإِنَّ أَحَدَكُمْ
إِذَا قَالَ «هَا» ضَحَكَ مِنْهُ الشَّيْطَانُ. (رواه الشيخان)

483. Эснаш шайтондандир. Агар сизлардан бирин-
гиз эснайдиган бўлса, қодир бўлганича уни қайтарсин.
Сизлардан бирингиз эснаб «ҳо» деса, шайтон унинг бу
қилган ишига кулади. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

САҲАРФИ (ث) — حرف الثاء

* ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ وَجَدَ حَلَاوَةَ الْإِيمَانِ. أَنْ يَكُونَ اللَّهُ وَرَسُولَهُ أَحَبَّ
إِلَيْهِ مِمَّا سِوَاهُمَا، أَنْ يُحِبَّ الْمَرْءَ لَا يُحِبُّهُ إِلَّا لِلَّهِ وَأَنْ يَكْرَهُ أَنْ يَعُودَ فِي
الْكُفْرِ بَعْدَ إِذْ أَنْقَذَهُ اللَّهُ مِنْهُ، كَمَا يَكْرَهُ أَنْ يُلْقَى فِي النَّارِ. (رواه البخاري
ومسلم عن أنس)

484. Уч хислат: Аллоҳ ва Расулини бошқа нарсалар-
дан маҳбуб билиш, бировни фақат Аллоҳ учун яхши

кўриш, Аллоҳ уни кофирликдан халос этганидан кейин унга қайтишни худди оловга улоқтирилишни ёмон кўргани каби ёқтирмаслик кимда жам бўлса, у имон ҳаловатини топибди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ آوَاهُ اللَّهُ فِي كَنَفِهِ، وَنَشَرَ عَلَيْهِ رَحْمَتَهُ وَأَدْخَلَهُ جَنَّتَهُ مَنْ إِذَا أُعْطِيَ شَكَرَ، وَإِذَا قَدَّرَ غَفَرَ، وَإِذَا غَضِبَ فَتَرَ. (رواه البيهقي عن ابن عباس)

485. Уч тоифа киши борки, Аллоҳ уларга Ўз ёнидан бошпана бериб, раҳматини сочади ва жаннатига киритади. У шундай кишики, бирор нарса берилса, миннатдорлик билдиради. Гарчи азоблашга қодир бўлса ҳам, кечириб юборади. Ғазаби келса ҳам ўзини осойишта тутлади. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Байҳақий ривояти.

* ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ حَاسَبُهُ اللَّهُ حِسَابًا يَسِيرًا، وَأَدْخَلَهُ الْجَنَّةَ: تَعْطَى مَنْ حَرَمَكَ، وَتَغْفُو عَمَّنْ ظَلَمَكَ، وَتَصِلُ مَنْ قَطَعَكَ. (رواه الحاكم عن أبي هريرة)

486. Уч тоифа киши борки, Аллоҳ уларни енгил ҳисоб қилади ва жаннатига киритади. Сени маҳрум этган кишига берасан, сенга зулм қилган кишини афв этасан, сен билан алоқани узган киши ила алоқани тиклайсан. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ اسْتَوْجِبَ الثَّوَابَ، وَاسْتَكْمَلَ الْإِيمَانَ: خُلِقَ يَعْيشُ بِهِ فِي النَّاسِ، وَوَرَعَ يَحْجِزُهُ عَنِ مَحَارِمِ اللَّهِ تَعَالَى، وَحَلِمَ يَرُدُّهُ عَنِ جَهْلِ الْجَاهِلِ. (رواه البزار عن أنس)

487. Уч тоифа киши борки, савоб уларга вожиб бўлиб, имони комил ҳисобланади. Уларнинг ажойиб феъллари: инсонлар ичида яшаладиган хулқ, Аллоҳ ҳаром қилган

нарсалардан тўсувчи тақво ва жоҳилнинг жаҳолатини қайтариб турувчи ҳалимлик. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Баззор ривояти.

* ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ أَظْلَهُ اللَّهُ تَحْتَ عَرْشِهِ، يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ: الْوُضُوءُ عَلَى الْمَكَارِهِ، وَالْمَشْيُ إِلَى الْمَسَاجِدِ فِي الظُّلَمِ، وَإِطْعَامُ الْجَائِعِ. (رواه الأصبهاني عن جابر)

488. Уч тоифа киши борки, соя йўқ кунда Аллоҳ уларни Арши остидаги соя ила соялантиради. Қийинчиликда ҳам таҳорат қилишга интилиш, зулумотда масжидга юриб бориш ва очларни тўйдириш. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Асбаҳоний ривояти.

* ثَلَاثٌ دَعَوَاتٍ مُسْتَجَابَاتٌ: دَعْوَةُ الصَّائِمِ، وَدَعْوَةُ الْمُسَافِرِ، وَدَعْوَةُ الْمَظْلُومِ. (رواه العقيلي عن أبي هريرة)

489. Учта хил дуо ижобатдир: рўзадорнинг дуоси, мусофирнинг дуоси ва мазлумнинг дуоси. Абу Ҳурайра (рози-аллоҳу анҳу)дан. Ақийлий ривояти.

* ثَلَاثٌ أَعْلَمُ أَنَّهُنَّ حَقٌّ، مَا عَفَا أَمْرٌ عَنْ مَظْلَمَةٍ إِلَّا زَادَهُ اللَّهُ بِهَا عِزًّا، وَمَا فَتَحَ رَجُلٌ عَلَى نَفْسِهِ بَابَ مَسْأَلَةٍ يَبْتَغِي بِهَا كَثْرَةً إِلَّا زَادَهُ اللَّهُ بِهَا فَقْرًا، وَمَا فَتَحَ رَجُلٌ عَلَى نَفْسِهِ بَابَ صَدَقَةٍ يَبْتَغِي بِهَا وَجْهَ اللَّهِ تَعَالَى إِلَّا زَادَهُ اللَّهُ بِهَا كَثْرَةً. (رواه البيهقي عن أبي هريرة)

490. Уч нарсa борки, ўша нарсаларнинг ҳақлигини биламан. Бир киши зулм қилинганда афв этса, Аллоҳ унга азизликни зиёда қилади. Бир киши тиланчилик эшигини очса ва у билан мол-дунёси кўпайишини талаб қилса, Аллоҳ унга камбағалликни зиёда қилади. Бир киши садақа бериш эшигини очса ва у билан Аллоҳнинг розилигини талаб қилса, Аллоҳ унга фақат кўпликни зиёда қилади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* ثَلَاثُ فَضَائِلٍ مِنْ سَعَادَةِ الْمَرْءِ الْمُسْلِمِ فِي الدُّنْيَا: الْجَارُ الصَّالِحُ، وَالْمَسْكَنُ الْوَاسِعُ، وَالْمَرْكَبُ الْهَيِّئُ. (رواه الطبراني عن نافع)

491. Учта фазилат борки, мусулмон кишининг дунёдаги саодатидир: Солиҳ қўшни, кенг маскан ва енгил маркаб. Нофеъ (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* ثَلَاثُ مُنْجِيَّاتٍ: خَشْيَةُ اللَّهِ تَعَالَى فِي السِّرِّ وَالْعَلَانِيَةِ، وَالْعَدْلُ فِي الرِّضَا وَالْغَضَبِ، وَالْقَصْدُ فِي الْفَقْرِ وَالْغِنَى. وَثَلَاثُ مُهْلِكَاتٍ: هَوَى مُتَّبَعٌ، وَشَحْ مُطَاعٌ، وَإِعْجَابُ الْمَرْءِ بِنَفْسِهِ. (رواه أبو الشيخ عن أنس)

492. Уч нарса омонликдир: ичидаю сиртида Аллоҳдан қўрқиш, розиликдаю ғазаби келганда адолатли бўлиш, камбағаллигу бойликда тежамкорлик. Уч нарса борки, улар ҳалокатдир: ҳавойи нафсига тобе бўлиш, ўзига бўйсундирувчи ҳасислик ва кишининг ўзи ҳақида юксак фикрда бўлиши. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Шайх ривояти.

* ثَلَاثٌ يُدْرِكُ بِهِنَّ الْعَبْدُ رَغَائِبَ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ: الصَّبْرُ عَلَى الْبَلَاءِ، وَالرِّضَا بِالْقَضَاءِ، وَالِدُّعَاءُ فِي الرِّخَاءِ. (رواه أبو الشيخ عن عمران بن حصين)

493. Уч нарса: балога сабр қилиш, қазою қадарга рози бўлиш ва кенгчиликда дуо қилиш сабабли банда дунё ва охират орзуларига етишади. Имрон ибн Ҳусайн (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Шайх ривояти.

* ثَلَاثٌ يُصَفِّينَ لَكَ وَدَّ أَخِيكَ: تُسَلِّمُ عَلَيْهِ إِذَا لَقَيْتَهُ، وَتُوسِّعُ لَهُ فِي الْمَجْلِسِ، وَتَدْعُوهُ بِأَحَبِّ أَسْمَائِهِ. (رواه البيهقي عن عمر)

494. Уч нарса сенга биродаринг дўстлигини соф қилади. 1. Йўлиққанингда салом берасан. 2. Мажлисида унга жой берасан. 3. Уни энг яхши исм ила чақирасан. Умар (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* ثَلَاثَةٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ يَسْتَكْمِلُ إِيمَانَهُ: رَجُلٌ لَا يَخَافُ فِي اللَّهِ لَوْمَةً لَأَنَّهُ، وَلَا يُرَآئِي بَشِيءَ مَنْ عَمَلِهِ، وَإِذَا عُرِضَ عَلَيْهِ أَمْرَانِ أَحَدُهُمَا لِلدُّنْيَا، وَالْآخَرُ لِلْآخِرَةِ، اخْتَارَ أَمْرَ الْآخِرَةِ عَلَى الدُّنْيَا. (رواه ابن عساكر عن أبي هريرة)

495. Кимда-ким унда уч нарсa топилса, имони комил бўлади. Шундай кишики, Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўркмайди. Амалидан бирор нарсaда риё қилмайди. Агар унга икки иш кўрсатилиб, бири дунё учун, иккинчиси охират учун бўлса, охират ишини дунё иши устига ихтиёр қилади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) дан. Ибн Асокир ривояти.

* ثَلَاثَةٌ مَنْ قَاهُنَّ دَخَلَ الْجَنَّةَ: مَنْ رَضِيَ بِاللَّهِ رَبًّا، وَبِالْإِسْلَامِ دِينًا، وَبِمُحَمَّدٍ رَسُولًا ثُمَّ قَالَ يَا أَبَا سَعِيدٍ وَالرَّابِعَةُ لَهَا مِنَ الْفَضْلِ كَمَا بَيْنَ السَّمَاءِ إِلَى الْأَرْضِ وَهِيَ الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ. (رواه أحمد)

496. Уч нарсa борки, ким уни айтса, жаннатга киради. Ким Аллоҳни Рабб деб, Исломни дин деб ва Муҳаммадни (алайҳиссалом) Расул деб айтса, тўртинчиси ер билан осмон оралиғидек фазилат бордир. Ўша нарсa Аллоҳ азза ва жалла йўлидаги жидду жаҳддир. Аҳмад ривояти.

* ثَلَاثَةٌ يَتَحَدَّثُونَ فِي ظِلِّ الْعَرْشِ آمِنِينَ، وَالنَّاسُ فِي الْحِسَابِ: رَجُلٌ لَمْ تَأْخُذْهُ فِي اللَّهِ لَوْمَةٌ لَأَنَّهُ، وَرَجُلٌ لَمْ يَمُدَّ يَدَيْهِ إِلَى مَا لَمْ يَحِلَّ لَهُ، وَرَجُلٌ لَمْ يَنْظُرْ إِلَى مَا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ. (رواه الأصبهاني)

497. Уч тоифа борки, одамлар ҳисоб қилинаётганда улар Аршнинг соясида омон ҳолатда гаплашишади. 1. Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан қўркмаган киши. 2. Ҳалол бўлмаган нарсaга қўлини чўзмаган киши. 3. Аллоҳ ҳаром қилган нарсaга қарамаган киши. Асбаҳоний ривояти.

* ثَلَاثَةٌ يُحِبُّهُمُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: رَجُلٌ قَامَ مِنَ اللَّيْلِ يَتْلُو كِتَابَ اللَّهِ، وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ صَدَقَةً بِيَمِينِهِ، يُخْفِيهَا مِنْ شِمَالِهِ، وَرَجُلٌ كَانَ فِي سِرِّيَّةٍ فَأَنْهَزَهُمْ أَصْحَابُهُ فَاسْتَقْبَلَ الْعَدُوَّ. (رواه الترمذي عن ابن مسعود)

498. Уч тоифа борки, Аллоҳ азза ва жалла уларни яхши кўради. 1. Бир киши кечаси туриб, Аллоҳнинг китобини тиловат қилса. 2. Бир киши ўнг қўли билан садақа қилса-да, чап қўлидан махфий тутса. 3. Бир киши бирор урушдалик пайтида дўстлари енгилса ҳам, душманга пешвоз чиқса. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* ثَلَاثَةٌ لَا يَنْظُرُ اللَّهُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَلَا يُزَكِّيهِمْ، وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ: رَجُلٌ كَانَ لَهُ فَضْلٌ مَاءٍ بِالطَّرِيقِ فَمَنْعَهُ مِنْ ابْنِ السَّبِيلِ. وَرَجُلٌ بَايَعَ إِمَامًا لَا يُبَايِعُهُ إِلَّا لِدُنْيَا، فَإِنْ أَعْطَاهُ مِنْهَا رَضِيَ، وَإِنْ لَمْ يُعْطِهِ مِنْهَا سَخِطَ، وَرَجُلٌ حَلَفَ عَلَى سَلْعَتِهِ: لَقَدْ أُعْطِيَ بِمَا أَكْثَرَ مِمَّا أُعْطِيَ وَهُوَ كَاذِبٌ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

499. Уч тоифа борки, Аллоҳ уларга қиёмат куни қарамайди ҳам, покламайди ҳам, улар учун аламли азоб бордир. (Улар:) 1) бир киши йўлда кетаётганида ортиқча суви бўлса-ю, мусофирлардан уни ман қилса; 2) бир киши имомга фақат мол-дунё учун байъат қилса – имом мол-дунё берса, рози бўлади, йўқса, газаб қилади; 3) бир киши буюмини сотишда (ёлғон) қасам ичса, ўша ёлғончилиги сабаб (харидор) берадиган маблағидан кўпроқ бериб қўйса. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الثَّيْبُ تُغْرِبُ عَنْ نَفْسِهَا، وَالْبَكْرُ رِضَاهَا صَمَتُهَا. (رواه أحمد)

500. Жувон (турмушга чиқишдан олдин) ўзи ҳақидаги фикрни ифода қилади. Қизнинг эса сукут қилиб туриши розилик аломатидир. Аҳмад ривояти.

(ج) ЖИМ ҲАРФИ – حرف الجيم

* جَاءَ الْحَقُّ وَزَهَقَ الْبَاطِلُ، جَاءَ الْحَقُّ وَمَا يُبْدِئُ الْبَاطِلُ وَمَا يُعِيدُ. (رواه

البخاري ومسلم والترمذي والنسائي)

501. Ҳақ келди. Ботил бартараф бўлди. Ҳақ келди, ботил бошланмайди ва қайтиб келмайди. *Бухорий, Муслим, Термизий ва Насоий ривояти.*

* جَالِسُوا الْكِبَرَاءَ، وَسَأَلُوا الْعُلَمَاءَ، وَخَالَطُوا الْحُكَمَاءَ. (رواه الطبراني)

502. Катталар билан ўтиринглар, уламолардан сўранглар ва ҳаким-донишмандлар ила аралашиб юринглар. *Табароний ривояти.*

* جُبِلَتِ الْقُلُوبُ عَلَى حُبِّ مَنْ أَحْسَنَ إِلَيْهَا، وَبُغِضَ مَنْ أَسَاءَ إِلَيْهَا. (رواه

البيهقي عن ابن مسعود)

503. Қалблар табиатан яхшилик қилган кишини яхши кўрадиган ва ёмонлик қилган одамни ёмон кўрадиган қилиб яратилгандир. *Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Бай-ҳақий ривояти.*

* جَدِّدُوا إِيمَانَكُمْ، أَكْثَرُوا مِنْ قَوْلِ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ. (رواه أحمد)

504. «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини кўп айтиб, имонларингизни янгилаб туринг. *Аҳмад ривояти.*

* جَعَلَ اللَّهُ الْحَسَنَةَ بَعْشَرَ أَمْثَلِهَا: الشَّهْرُ بَعْشَرُ أَشْهُرٍ، صِيَامُ سِتَّةِ أَيَّامٍ بَعْدَ

الشَّهْرِ تَمَامَ السَّنَةِ. (رواه أبو الشيخ عن ثوبان)

505. Аллоҳ битта яхшилик қилган кишига ўн баробар кўпайтиришини битган. Демак, бир ой Рамазонда тутилган рўза ўн ойга тенг. Рамазондан кейинги шаввол ойида тутилган олти кун рўза (олтмиш кун, яъни икки ойга тенг

бўлиб, буларнинг барчаси) бир йил тўлиқ рўза тутган ка-
бидир. Савбон (розияллоҳу анҳу)дан. *Абу Шайх ривояти.*

* جَعَلَ اللَّهُ مَا يَخْرُجُ مِنْ ابْنِ آدَمَ مَثَلًا لِلدُّنْيَا. (رواه أحمد)

506. Аллоҳ таоло Одам боласининг (икки йўлидан)
чиққан нажосатни дунё учун мисол қилди. (*Аҳмад риво-
яти*).

* جُعِلَتْ لِي الْأَرْضُ مَسْجِدًا وَطَهُورًا. (رواه مسلم)

507. Мен учун ер масжид ва покловчи қилинди. *Муслим
ривояти.*

* جُلِسَاءُ اللَّهِ غَدَا أَهْلُ الْوَرَعِ وَالزُّهْدِ فِي الدُّنْيَا. (رواه ابن لال عن سلمان)

508. Эртага Аллоҳнинг ҳамсуҳбатлари дунёдаги тақво
ва зуҳд аҳллариidir. *Салмон (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Лол
ривояти.*

* الْجَنُّبُ وَالْحَائِضُ لَا يَقْرَأَنَّ شَيْئًا مِنَ الْقُرْآنِ. (رواه الطبراني)

509. Жунуб бўлган ва ҳайз кўрганлар Қуръондан ҳеч
нарсa ўқимайдилар. *Табароний ривояти.*

* الْجَنَّةُ تَحْتَ أَقْدَامِ الْأَمْهَاتِ. (وراه الإمام أحمد)

510. Жаннат оналар оёғи остидадир. *Аҳмад ривояти.*

* الْجَارُ قَبْلَ الدَّارِ، وَالرَّفِيقُ قَبْلَ الطَّرِيقِ، وَالزَّادُ قَبْلَ الرَّحِيلِ. (رواه الطبراني)

511. Ҳовли олишдан олдин кўшни, йўлга чиқишдан
аввал ҳамроҳ, сафарга чиқишдан бурун зоди роҳила
(еб-ичиш учун етарли озуқа) олмоқ лозим. *Табароний
ривояти.*

* الْجَارُ أَحَقُّ بِشَفْعَةِ أَخِيهِ. (رواه الديلمي)

512. (Ҳовли сотилаётганда) сотиб олишда имтиёзли
ҳақдор кўшнидир. *Дайлабий ривояти.*

(ح) ХО ҲАРФИ – حرف الحاء

* حَبَّبُوا اللَّهَ إِلَى عِبَادِهِ يُحِبُّكُمْ اللَّهُ. (رواه الطبراني عن أبي أمامة)

513. Бандаларига Аллоҳни яхши кўрсатинглар, шунда Аллоҳ сизларни яхши кўради. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)-дан. Табароний ривояти.

* حُجِبَتِ النَّارُ بِالشَّهَوَاتِ، حُجِبَتِ الْجَنَّةُ بِالْمَكَارِهِ. (رواه أبو هريرة)

514. Дўзах шаҳватлар билан, жаннат машаққатлар ила ўраб қўйилган. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривояти.

* حَرَّمَ عَلَى النَّارِ كُلِّ هَيْنٍ لَيْنٍ سَهْلٍ قَرِيبٍ مِنَ النَّاسِ. (رواه أحمد)

515. Енгил, юмшоқ табиатли одамларга яқин туриб, осонлик келтирувчи кишига дўзах ҳаром қилинган. Аҳмад ривояти.

* حَسْبُ امْرِئٍ مِنَ الْبُخْلِ أَنْ يَقُولَ: آخِذْ حَقِّي كُلَّهُ، وَلَا أَدْعُ مِنْهُ شَيْئًا.
(رواه الديلمي عن أبي أمامة)

516. «Ҳақимнинг барчасини оламан, ундан бирор нарсаси қолдирмайман», деб айтиш кишининг бахил эканига кифоя қилади. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* حَسْبِيَ اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ أَمَانٌ لِكُلِّ خَائِفٍ. (رواه الديلمي)

517. «Ҳасбияллоҳу ва ниъмал вакил» ҳар бир кўрқувчи учун омонликдир. Дайлабий ривояти.

* حَصِّنُوا أَمْوَالَكُمْ بِالزَّكَاةِ، وَدَاوُوا مَرْضَاكُمْ بِالصَّدَقَةِ، وَاعِدُّوا لِلْبَلَاءِ الدُّعَاءَ. (رواه الخطيب ابن مسعود)

518. Молларингизни закот билан кўриқланг. Касалларингизни садақа ила даволанг ва балога дуо билан тай-

ёргарлик кўринг. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.

* حَضَرَ مَلِكُ الْمَوْتِ رَجُلًا يَمُوتُ، فَشَقَّ أَعْضَاءَهُ، فَلَمْ يَجِدْهُ عَمِلَ خَيْرًا، ثُمَّ شَقَّ قَلْبَهُ فَلَمْ يَجِدْ فِيهِ خَيْرًا، فَفَكَ حَتَّى جَدَّ طَرَفَ لِسَانِهِ لاصِّقًا بِخَنَكِهِ يَقُولُ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ فُغْفِرَ لَهُ بِكَلِمَةِ الْإِخْلَاصِ. (رواه ابن أبي الدنيا عن أبي هريرة)

519. Ўлим фариштаси бир киши ўлаётганда ҳозир бўлди. Унинг аъзосини ёриб кўриб, яхши амал топа олмади. Сўнгра қалбини ёриб кўриб ҳам, яхши амал топа олмади. Кейин жағини ёриб кўриб ҳам, тилининг бир томони танглайига ёпишиб «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб айтган сўзини топди. Мана шу айтган Ихлос калимаси сабабли унинг гуноҳлари кечирилди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Абу Дунё ривояти.

* حَقَّ عَلَى اللَّهِ أَنْ لَا يَرْتَفَعَ شَيْءٌ مِنَ الدُّنْيَا إِلَّا وَضَعَهُ. (رواه البخاري)

520. Дунёдан бирор нарса кўтарилса, албатта, Аллоҳ уни пастлатади. Бухорий ривояти.

* حَقُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ سِتٌّ: إِذَا لَقِيْتَهُ فَسَلِّمْ عَلَيْهِ، وَإِذَا دَعَاكَ فَاجِبْهُ، وَإِذَا اسْتَنْصَحَكَ فَانْصَحْ لَهُ، وَإِذَا عَطَسَ فَحَمِدِ اللَّهَ فَشَمِّتْهُ وَإِذَا مَرَضَ فَعُدَّهُ وَإِذَا مَاتَ فَاتَّبِعْهُ. (رواه البخاري عن أبي هريرة)

521. Мусулмоннинг мусулмон устидаги ҳақи олти-тадир. 1. Унга йўлиқсанг, салом берасан. 2. Чақирса, ижобат қиласан. 3. Насиҳат талаб этса, насихат қиласан. 4. Акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтса, жавоб қайтарасан. 5. Касал бўлса, кўргани борасан. 6. Вафот этса, жанозасида иштирок этасан. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти.

* **حَقُّ الزَّوْجِ عَلَى زَوْجَتِهِ، أَنْ لَا تَمْنَعَهُ نَفْسَهَا وَإِنْ كَانَتْ عَلَى ظَهْرِ قَتَبٍ، وَأَنْ لَا تَصُومَ يَوْمًا وَاحِدًا إِلَّا بِإِذْنِهِ إِلَّا الْفَرِيضَةَ، فَإِنْ فَعَلَتْ أَثَمَتْ، وَلَمْ يُتَقَبَّلْ مِنْهَا، وَأَنْ لَا تُعْطِيَ مِنْ بَيْتِهِ شَيْئًا إِلَّا بِإِذْنِهِ فَإِنْ فَعَلَتْ كَانَ لَهُ الْأَجْرُ، وَكَانَ عَلَيْهَا الْوِزْرُ، وَأَنْ لَا تَخْرُجَ مِنْ بَيْتِهِ إِلَّا بِإِذْنِهِ، فَإِنْ فَعَلَتْ لَعَنَهَا اللَّهُ وَمَلَائِكَهُ الْغَضَبِ حَتَّى تَتُوبَ أَوْ تَرَجَعَ وَإِنْ كَانَ ظَالِمًا.** (رواه الطيالسي عن ابن عمر)

522. Эрнинг аёли устидаги ҳақи – агар эгар устида бўлса ҳам, ўз нафсини (жимоъдан) ман этмаслиги, изнисиз бир кун ҳам рўза тутмаслиги, лекин фарз рўзаси ундай эмас. Агар нафл рўза тутса, гуноҳкор бўлади, рўзаси ҳам қабул этилмайди. Эрининг изнисиз уйдан бирор нарса бермаслиги, мабодо шундай қилса, эрига ажр, аёлга эса, гуноҳ бўлади. Уйдан фақат эрининг изни билан чиқиши, акс ҳолда, токи тавба қилгунича ёки қайтгунича Аллоҳнинг ва ғазаб фаришталарининг лаънати ёғилади, гарчи эри золим бўлса ҳам. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Таёлисий ривояти.*

* **حَقُّ الْمَرْأَةِ عَلَى الْمَرْءِ أَنْ لَا تَهْجُرَ فِرَاشَهُ، وَأَنْ تَبَرَّ قَسَمَهُ، وَأَنْ تَطِيعَ أَمْرَهُ، وَأَنْ لَا تَخْرُجَ إِلَّا بِإِذْنِهِ، وَأَنْ لَا تَدْخُلَ إِلَيْهِ مِنْ يَكْرَهُ.** (رواه الطبراني عن تميم الداري)

523. Эрнинг аёли устидаги ҳақи тўшагидан ажралмаслик, қасамининг устидан чиқиш, буйруғига итоат қилиш, изни билан уйдан чиқиш ва эри ёмон кўрган кишиларни уйига киритмаслик. *Тамим Дорий (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* **حَقُّ الْمَرْأَةِ عَلَى الزَّوْجِ أَنْ يَطْعِمَهَا إِذَا طَعِمَ وَيَكْسُوَهَا إِذَا اكْتَسَى وَلَا يَضْرِبَ وَجْهَهُ، وَلَا يَقْبَحَ وَلَا يَهْجُرُ إِلَّا فِي الْبَيْتِ.** (رواه الحاكم)

524. Аёлнинг эри устидаги ҳақи: овқатланганда уни ҳам овқатлантириши, кийинганда уни ҳам кийинтири-

ши, юзига урмаслик, таҳқирламаслик, уйидан ташқарида аразлашмаслик. (Ҳоким ривояти).

* حَقُّ الْجَارِ إِنْ مَرَضَ عُدَّتُهُ، وَإِنْ مَاتَ شَيْعَتُهُ، وَإِنْ اسْتَقْرَضَكَ أَقْرَضْتَهُ وَإِنْ أَعْوَرَ سَتَرْتَهُ، وَإِنْ أَصَابَهُ خَيْرٌ هَنَأْتَهُ، وَإِنْ أَصَابَتْهُ مُصِيبَةٌ عَزَّيْتَهُ، وَلَا تَرْفَعْ بِنَاكَ فَوْقَ بَنَائِهِ، فَتَسُدَّ عَلَيْهِ الرِّيحَ، وَلَا تُؤْذِهِ بِرِيحِ قَدْرِكَ، إِلَّا أَنْ تَغْرِفَ لَهُ مِنْهَا. (رواه الطبراني)

525. Қўшинининг ҳақи: агар касал бўлса, зиёрат қиласан, вафот этса (қабристонга) кузатасан, қарз сўраса, берасан, айби очилиб қолса, беркитасан, яхшилик етса, табриклайсан, мусибат етса, ҳамдардлик билдирасан, бинойингни биноси устидан баланд кўтармайсан, шамолни тўсиб қўясан, унга қозонингнинг ҳиди билан озор етказмайсан, лекин овқатингдан сузиб берсанг, зарари йўқ. Табароний ривояти.

* حَقُّ كَبِيرِ الْإِخْوَةِ عَلَى صَغِيرِهِمْ كَحَقِّ الْوَالِدِ عَلَى وَلَدِهِ. (رواه البيهقي)

526. Катта инининг кичик инилар устидаги ҳақи отанинг болалари устидаги ҳақиға ўхшайди. Байҳақий ривояти.

* حَقُّ الْوَلَدِ عَلَى وَالِدِهِ أَنْ يُحَسِّنَ اسْمَهُ وَأَدَبَهُ، وَأَنْ يُعَلِّمَهُ الْكِتَابَةَ وَالسَّبَاحَةَ وَالرِّمَامَةَ، وَأَنْ لَا يَرْزُقَهُ إِلَّا طَيِّبًا، وَأَنْ يَزُوجَهُ إِذَا أَدْرَكَ. (رواه الحاكم)

527. Боланинг ота устидаги ҳақи исмини ва одобини чиройли қилиши ва ёзиш, сузиш, отишни ўргатиши ҳамда пок, ҳалол ризқ билан боқиб, балоғатга етганда уйлантириб қўйиши. Ҳоким ривояти.

* حَقِيقُ بِالْمَرْءِ أَنْ تَكُونَ لَهُ مَجَالِسُ يَخْلَوُ فِيهَا وَيَذْكُرُ ذُنُوبَهُ فَيَسْتَغْفِرُ اللَّهَ مِنْهَا. (رواه البيهقي)

528. Киши холи қолиб, гуноҳларини эслаши ва уларга Аллоҳдан истиғфор сӯраб ўтириши керак. *Байҳақий ривояти.*

* حَقٌّ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ أَنْ يَغْتَسِلَ فِي كُلِّ سَبْعَةِ أَيَّامٍ يَوْمًا، يَغْسِلُ فِيهِ رَأْسَهُ وَجَسَدَهُ. (رواه أبو هريرة)

529. Ҳар бир мусулмон ҳар етти кунда бир кун ғусл қилиши ва унда боши ва жасадини ювиши зиммасидаги ҳақдир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривояти.

* حَمْلُ الْعَصَا عَلَامَةُ الْمُؤْمِنِ وَسُنَّةُ الْأَنْبِيَاءِ. (رواه الديلمي)

530. Ҳасса кўтариш мўминнинг аломати ва пайғамбарлар суннатидир. *Дайлабий ривояти.*

* حُوسِبَ رَجُلٌ مِمَّنْ كَانَ قَبْلَكُمْ فَلَمْ يُوْجَدْ لَهُ مِنَ الْخَيْرِ شَيْءٌ، إِلَّا أَنَّهُ كَانَ رَجُلًا مُوسِرًا، وَكَانَ يُخَالِطُ النَّاسَ، فَكَانَ يَأْمُرُ غُلَمَانَهُ أَنْ يَتَجَاوَزُوا عَنْ الْمُعْسِرِ، فَقَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ لِمَلَائِكَتِهِ: «نَحْنُ أَحَقُّ بِذَلِكَ مِنْهُ، تَجَاوَزُوا عَنْهُ». (رواه البخاري)

531. Сизлардан олдингилардан бир киши ҳисоб-китоб қилинди. Лекин унда бирор яхшилик топилмади. Аммо у бадавлат киши бўлиб, одамларга араллашиб юрар эди. Болаларига камбағалларнинг ҳақини ўтиб юборишга буюрар эди. Аллоҳ азза ва жалла фаришталарига: «Биз ундан-да кечиб юборишга ҳақлимиз, унинг гуноҳини кечиб юборинглар», деди. *Бухорий ривояти.*

* حَوْضِي مَسِيرَةُ شَهْرٍ، وَزَوَايَاهُ سَوَاءٌ، وَمَاؤُهُ أَبْيَضُ مِنَ اللَّبَنِ، وَرِيحُهُ أَطْيَبُ مِنَ الْمِسْكِ، وَكِيزَانُهُ كَنُجُومِ السَّمَاءِ، مَنْ شَرِبَ مِنْهَا فَلَا يَظْمَأُ أَبَدًا. (رواه الشيخان عن ابن عمر)

532. Ҳавзим бир ойлик йўлдир. Бурчаклари баробардир. Суви сутдан ҳам оқдир, хиди мушки анбардан ҳам

хушбўйроқ, кўзалари осмон юлдузларига ўхшайди. Ким ундан ичса, ҳечам чанқамайди. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الْحِجَامَةُ تَنْفَعُ مِنْ كُلِّ دَاءٍ، إِلَّا فَاحْتَجِمُوا. (رواه الديلمي)

533. Қон олиш барча касалликларга фойда беради. Шундай экан, қон олдириб юринглар. Дайлабий ривояти.

* الْحُجَّاجُ وَالْعُمَرَاءُ وَفَدُ اللَّهِ، يُعْطِيهِمْ مَا سَأَلُوا، وَيَسْتَجِيبُ لَهُمْ مَا دَعَوْا، وَيَخْلِفُ عَلَيْهِمْ مَا أَنْفَقُوا، الدَّرْهَمُ أَلْفُ أَلْفٍ. (رواه البيهقي)

534. Ҳаж ва умра қилувчилар Аллоҳнинг меҳмонларидир. Аллоҳ уларнинг сўраган нарсаларини беради, қилган дуоларини ижобат этади, инфоқ қилган нарсаларига ўринбосар, яъни бир дирҳамига минг-минглаб беради. Байҳақий ривояти.

* الْحَجَرُ الْأَسْوَدُ مِنْ حِجَارَةِ الْجَنَّةِ، وَمَا فِي الْأَرْضِ مِنَ الْجَنَّةِ غَيْرُهُ، وَكَانَ أَبْيَضَ كَالْمَاءِ، وَلَوْلَا مَا مَسَّهُ مِنْ رَجَسِ الْجَاهِلِيَّةِ مَا مَسَّهُ ذُو عَاهَةٍ إِلَّا بَرَى. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ)

535. Каъбадаги қоратош жаннатдандир. Ерда ундан бошқа жаннатдан тушган нарса йўқ. У сув каби оппоқ (шаффоф) эди. Агар жоҳилият ифлосликлари бўлмаганида ва беморлар ушламаганида, у оқлигича қоларди. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* الْحَجَرُ الْأَسْوَدُ يَأْقُوتَةُ بَيْضَاءُ مِنْ يَأْقُوتِ الْجَنَّةِ، وَإِنَّمَا سَوَّدَتْهُ خَطَايَا الْمُشْرِكِينَ، يُبْعَثُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِثْلَ أَحَدٍ، يَشْهَدُ لِمَنْ اسْتَلَمَهُ وَقَبَّلَهُ مِنْ أَهْلِ الدُّنْيَا. (رَوَاهُ ابْنُ خَرِيمَةَ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ)

536. Каъбадаги қоратош жаннат ёқутларидан бўлган оқ ёқутдир. Мушрикларнинг хатолари уни қорайтириб юборган. Қиёмат куни у худди Уҳуд тоғи каби юбори-

лур. Дунё аҳлидан уни ушлаган ва ўпганларга гувоҳ бўлади. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Ҳузайма ривояти.

* الْحِدَّةُ تَعْتَرِي خِيَارَ أُمَّتِي. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ)

537. Динда собитлик умматимнинг яхшиларига на-
сиб бўлади. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* الْحَسَدُ يَأْكُلُ الْحَسَنَاتِ كَمَا تَأْكُلُ النَّارُ الْحَطَبَ، وَالصَّدَقَةُ تُطْفِئُ الْحَطِيبَةَ كَمَا يُطْفِئُ الْمَاءُ النَّارَ وَالصَّلَاةُ نُورُ الْمُؤْمِنِينَ، وَالصِّيَامُ جُنَّةٌ مِنَ النَّارِ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَه)

538. Ҳасад яхшиликларни худди олов ўтинни егани
каби еб битиради. Садақа хатоларни худди сув оловни
ўчиргани каби ўчиради. Намоз мўминларнинг нуридир.
Рўза дўзахдан тўсиқдир. Ибн Можа ривояти.

* الْحِكْمَةُ ضَالَّةُ الْمُؤْمِنِ. (رَوَاهُ الْقُضَاعِيُّ)

539. Ҳикмат мўминнинг йўқотган нарсасидир. Кузоъий
ривояти.

* الْحَرْبُ خِدْعَةٌ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ عَنْ جَابِرٍ)

540. Уруш хийладир. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий
ва Муслим ривояти.

* الْحَيَاءُ لَا يَأْتِي إِلَّا بِخَيْرٍ. (رَوَاهُ الشَّيْخَانِ عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حَصِينٍ)

541. Ҳаё фақат яхшилик олиб келади. Имрон ибн Ҳусайн
(розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الْحِكْمَةُ تَزِيدُ الشَّرِيفَ شَرَفًا وَتَرْفَعُ الْعَبْدَ الْمَمْلُوكَ حَتَّى تَجْلِسَ لَهُ مَجَالِسُ الْمَمْلُوكِ. (رَوَاهُ ابْنُ عَدِيٍّ عَنْ أَنَسٍ)

542. Ҳикмат шарафли кишининг шарафини зиёда қилади. Ҳатто ўша ҳикмат туфайли қул банда подшоҳлар мажлисида ўтиради. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Адий ривояти.

* الْحَلَالُ بَيْنَ وَالحَرَامِ بَيْنَ وَبَيْنَهُمَا أُمُورٌ مُشْتَبِهَاتٌ لَا يَعْلَمُهَا كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ، فَمَنْ اتَّقَى الشُّبُهَاتِ فَقَدْ اسْتَبْرَأَ لِدِينِهِ وَعَرْضِهِ، وَمَنْ وَقَعَ فِي الْمُسْتَبْهَاتِ وَقَعَ فِي الْحَرَامِ، كَالرَّاعِ يَرْعَى حَوْلَ الْحِمَى يُوشِكُ أَنْ يَواقِعَهُ، أَلَا وَإِنَّ لِكُلِّ مَلِكٍ حِمًى، أَلَا وَإِنَّ حِمَى اللَّهِ فِي أَرْضِهِ مَحْرَمُهُ، أَلَا وَإِنَّ فِي الْجَسَدِ مُضْغَةً إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ وَإِذَا فَسَدَتْ فَسَدَ الْجَسَدُ كُلُّهُ أَلَا وَهِيَ الْقَلْبُ. (رَوَاهُ الشَّيْخَانُ)

543. Ҳалол – очиқ-равшан. Ҳаром ҳам – очиқ-равшан. Улар ўртасида шубҳали нарсалар бўлиб, уларни кўп инсонлар билмайди. Кимки шубҳадан тақво қилса, дини ва обрўсини софлабди. Кимки шубҳага воқе бўлса, ҳаромга йўлиқибди. У худди ҳайвон боқувчи чўпонга ўхшайди, кўриқхона атрофига бориб, унинг ичига кириб қолиши мумкин. Огоҳ бўлинг! Ҳар бир подшоҳнинг кўриқхонаси бор. Огоҳ бўлинг! Аллоҳнинг ердаги кўриқхонаси У ҳаром қилган амаллардир. Огоҳ бўлинг! Жасадда бир парча гўшт бор. Агар у ислоҳ бўлса, бутун жасад ислоҳ бўлади. Агар у фасод бўлса, бутун жасад фасоддир. Огоҳ бўлинг! У – калбдир. Бухорий ва Муслим ривояти.

* اَلْحِلْفُ مَنْقَعَةٌ لِّلْسَلْعَةِ مَحَقَّةٌ لِّلْبَرْكََةِ وَالرِّيحِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ)

544. Буюм сотишда қасам фойдага ўхшайди-ю, аммо барака ва фойдани ўчиради. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الْحِمَى مِنْ فَيْحِ جَهَنَّمَ، وَأَبْرُدُوهَا بِالْمَاءِ. (رواه أحمد عن ابن عباس)

545. Иситма жаҳаннам алангасидандир, уни сув билан совитинглар. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Аҳмад ривояти.

* الْحَمْدُ عَلَى النِّعْمَةِ أَمَانٌ لِرِزْوَالِهَا. (роав адилмий)

546. Неъматга ҳамд айтиш унинг заволга кетишидан омонлиқдир. Дайлабий ривояти.

* الْحَيَاءُ وَالْإِيمَانُ قُرْنَا جَمِيعًا، فَإِذَا رَفَعَ أَحَدُهُمَا رَفَعَ الْآخَرَ. (роав Абу Неим
عن ابن عمر)

547. Ҳаё ва имон иккови бир-бирига яқин қилиб жамлангандир. Бири кўтарилса, иккинчиси ҳам кўтарилади. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Абу Нуайм ривояти.

* الْحَيَاءُ خَيْرٌ كُلُّهُ. (роав Муслим عن عمران بن حصين)

548. Ҳаё бутун борича яхшилиқдир. Имрон ибн Ҳусайн (розияллоҳу анҳу)дан. Муслим ривояти.

* الْحَيَاءُ زِينَةٌ وَالتَّقَى كَرَمٌ، وَخَيْرُ الْمَرْكَبِ الصَّبْرُ، وَاتِّظَارُ الْفَرَجِ مِنَ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ عِبَادَةٌ. (роав ал-Ҳаким عن جابر)

549. Ҳаё зийнатдир, тақво карамлиқдир. Маркабнинг яхшиси сабрдир. Аллоҳдан енгилликни кутиш ибодатдир. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳаким ривояти.

(х) ХО ҲАРФИ – حرف الحاء

* خَابَ عَبْدٌ وَخَسِرَ، لَمْ يَجْعَلِ اللَّهُ تَعَالَى فِي قَلْبِهِ رَحْمَةً لِلْبَشَرِ. (роав Абу Неим
الأصبهاني)

550. Аллоҳ бир кишининг қалбида инсонлар учун раҳматни битмаган бўлса, у зиён ва надоматда қолибди. Абу Нуайм Асбаҳоний ривояти.

* خَالَفُوا الْمُشْرِكِينَ أَحْقُوا الشَّوَارِبَ وَأَوْفَرُوا اللَّحَى. (роав البخари ومسلم
عن ابن عمر)

551. Мўйловларингизни яхши қисқартириб, соқолларингизни ўстиринглар. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* خُذْ الْحِكْمَةَ، وَلَا يَضُرَّكَ مِنْ آيٍ وَعَاءٍ خَرَجْتَ. (رواه الحكيم)

552. Ҳикматни олгин, қайси идишдан чиққанининг сенга зарари йўқ. Ҳаким ривояти.

* خُذِ الْأَمْرَ بِالْتَدْبِيرِ، فَإِنْ رَأَيْتَ فِي عَاقِبَتِهِ خَيْرًا فَاْمُضْ، وَإِنْ خِفْتَ غَيًّا فَاْمْسِكْ. (رواه عبد الرزاق عن أنس)

553. Ишни тадбир билан олиб бор. Агар унинг оқибатида яхшилик кўрсанг, унга кириш. Борди-ю, хато қилиб қўйишдан қўрқсанг, унда ўзингни тий. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Абдураззоқ ривояти.

* خُذُوا مِنَ الْعَمَلِ مَا تُطِيقُونَ فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَا يَمَلُ حَتَّى تَقْلُوا. (رواه البخاري ومسلم عن عائشة)

554. Тоқатингиз етганича амал қилинглар, чунки сизга малол келмағунича Аллоҳга малол келмайди. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* خَرَجْتُ مِنْ نِكَاحٍ، وَلَمْ أَخْرُجْ مِنْ سِفَاحٍ، مِنْ لَدُنْ آدَمَ إِلَى أَنْ وَلَدَنِي أَبِي وَأُمِّي، وَلَمْ يُصِبنِي مِنْ سِفَاحِ الْجَاهِلِيَّةِ شَيْءٌ. (رواه الطبراني عن علي)

555. Мен никоҳ билан туғилганман. Никоҳсиз туғилмаганман. Одамдан (алайҳиссалом) бошлаб мен отаонамдан туғилгунимча авлодимга жоҳилият ифлосликларидан ҳеч нарса етмаган. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* خَرَجَ رَجُلٌ مِمَّنْ كَانَ قَبْلَكُمْ فِي حُلَّةٍ لَهُ، يَحْتَالُ فِيهَا، فَأَمَرَ اللَّهُ تَعَالَى الْأَرْضَ فَأَخَذَتْهُ فَهُوَ يَتَجَلَجَلُ فِيهَا إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ. (رواه الترمذي عن عمرو بن العاص)

556. Сизлардан олдингилардан бир киши чиройли кийимда такаббуруна ҳолатда кетаётган эди, Аллоҳ ерга буюрди, ер эса уни ўз бағрига олди. У киши эса қиёмат кунигача чинқириб туради. Амр ибн Ос (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* خَشْيَةُ اللَّهِ رَأْسُ كُلِّ حِكْمَةٍ، وَالْوَرَعُ سَيْدُ الْعَمَلِ. (رواه القضاعي)

557. Аллоҳдан кўрқиш барча ҳикматларнинг бошидир. Тақво эса амаллар саййидидир. Кузоъий ривояти.

خَصْلَتَانِ لَا تَجْتَمِعَانِ فِي مُؤْمِنٍ، الْبُخْلُ وَسُوءُ الْخُلُقِ. (رواه البخاري)

558. Икки хислат борки, мўминда жамланмайди: 1) бахиллик; 2) ёмон хулқ. Бухорий ривояти.

* خَصْلَتَانِ مَنْ كَانَتْ فِيهِ كَتَبَهُ اللَّهُ شَاكِرًا صَابِرًا، وَمَنْ لَمْ تَكُنَا فِيهِ لَمْ يَكْتُبْهُ اللَّهُ شَاكِرًا وَلَا صَابِرًا، مَنْ نَظَرَ فِي دِينِهِ إِلَى مَنْ هُوَ فَوْقَهُ فَاقْتَدَى بِهِ، وَمَنْ نَظَرَ فِي دُنْيَاهُ إِلَى مَنْ هُوَ دُونَهُ، فَحَمَدَ اللَّهُ عَلَى مَا فَضَّلَهُ بِهِ عَلَيْهِ، كَتَبَهُ اللَّهُ شَاكِرًا صَابِرًا. وَمَنْ نَظَرَ فِي دِينِهِ إِلَى مَنْ هُوَ دُونَهُ، وَنَظَرَ فِي دُنْيَاهُ إِلَى مَنْ هُوَ فَوْقَهُ، فَأَسَفَ عَلَى مَا فَاتَهُ مِنْهُ، لَمْ يَكْتُبْهُ اللَّهُ شَاكِرًا وَلَا صَابِرًا. (رواه الترمذي عن ابن عمرو)

559. Икки хислат борки, шу иккови кимда бўлса, Аллоҳ уни шукр ва сабр қилувчи деб ёзади. Кимда-ким у иккови бўлмаса, Аллоҳ уни шукр ва сабр қилгувчи деб ёзмайди. Ким динда ўзидан юқорига қараб, унга иқтидо қилса ва дунёда ўзидан паст кишига қараб, Аллоҳ унинг устидан ўзини фазилатли қилиб қўйганига ҳамд айтса, Аллоҳ уни шукр қилувчи ва сабр этувчи деб ёзади. Кимки динда ўзидан паст кишига, дунёда ўзидан юқори кишига қараб, фурсатни ўтказиб юборганман, деб афсусланса, Аллоҳ уни шукр қилувчи ҳам, сабр этувчи ҳам деб ёзмайди. Ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* خُلِقَانِ يُحِبُّهُمَا اللَّهُ، وَخُلِقَانِ يُبْغِضُهُمَا اللَّهُ، فَأَمَّا اللَّذَانِ يُحِبُّهُمَا اللَّهُ، فَالسَّخَاءُ وَالشَّجَاعَةُ، وَأَمَّا اللَّذَانِ يُبْغِضُهُمَا، فَسُوءُ الْخُلُقِ وَالْبُخْلُ، وَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ بَعْدَ خَيْرٍ اسْتَعْمَلَهُ فِي قَضَاءِ حَوَائِجِ النَّاسِ. (رواه البيهقي عن ابن عمرو بن العاص)

560. Икки хулқ борки, Аллоҳ уларни яхши кўради. Яна икки хулқ борки, Аллоҳ уларни ёмон кўради. Яхши кўрадигани – сахийлик ва шижоат. Ёмон кўрадигани – ёмон хулқ ва бахиллик. Агар Аллоҳ бир бандага яхшиликни хоҳласа, (уни) одамлар ҳожатини чиқарадиган қилиб қўяди. Ибн Амр ибн Ос (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* خَلَقَ اللَّهُ آدَمَ عَلَى صُورَتِهِ طُولُهُ سِتُونَ ذِرَاعًا، ثُمَّ قَالَ أَذْهَبْ فَسَلِّمْ عَلَى أَوْلَيْكَ الثَّفَرِ وَهُمْ مِنَ الْمَلَائِكَةِ جُلُوسٌ، فَاسْتَمِعَ مَا يُحْيُونَكَ، فَإِنَّا نَحْيِيكَ وَنَحْيِي ذُرِّيَّتَكَ، فَقَالَ: السَّلَامُ عَلَيْكُمْ، فَقَالُوا: السَّلَامُ عَلَيْكَ وَرَحْمَةُ اللَّهِ فَزَادُوهُ: وَرَحْمَةُ اللَّهِ، فَكُلُّ مَنْ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ عَلَى صُورَةِ آدَمَ فِي طُولِهِ سِتُونَ ذِرَاعًا، فَلَمْ يَزَلِ الْخُلُقُ يَنْقُصُ بَعْدَ حَتَّى الْآنَ. (رواه الشيخان عن أبي هريرة)

561. Аллоҳ Одамни ўз суратида, яъни узунлиги олтмиш газ қилиб яратди. Сўнгра Аллоҳ: «Боргин, анави бир неча нафарга салом бергин», деди. Улар фаришталар бўлиб, ўтиришган эди. Сенга беришган саломларига қулоқ тут, чунки у сенинг ва зурриётинг саломидир. У зот бориб: «Ассалому алайкум», дедилар. Улар: «Ассалому ғалайку ва роҳматуллоҳи», деб «роҳматуллоҳ» сўзини зиёда қилишди. Ҳар бир жаннатга кирувчи киши Одам сурати каби олтмиш газ бўлади. У зотдан кейин ҳозирги пайтгача халойиқ ноқис бўлишда бардавомдир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* خَلَقَ اللَّهُ التُّرْبَةَ يَوْمَ السَّبْتِ وَخَلَقَ الْجِبَالَ فِيهَا يَوْمَ الْأَحَدِ، وَخَلَقَ الشَّجَرَ يَوْمَ الْإِثْنَيْنِ وَخَلَقَ الْمَكْرُوهَ يَوْمَ الثَّلَاثَاءِ وَخَلَقَ النَّوْرَ يَوْمَ الْأَرْبَعَاءِ، وَبَثَّ فِيهَا الدَّوَابَّ يَوْمَ الْخَمِيسِ وَخَلَقَ آدَمَ بَعْدَ الْعَصْرِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فِي آخِرِ الْخَلْقِ، فِي آخِرِ سَاعَةٍ مِنْ سَاعَاتِ الْجُمُعَةِ، فِيمَا بَيْنَ الْعَصْرِ إِلَى اللَّيْلِ. (رواه أحمد)

562. Аллоҳ ерни шанба куни яратди. У ерда якшанба куни тоғларни яратди. Душанба куни эса дарахтни яратди. Қийинчилик-машаққатларни сешанба куни яратди. Чоршанба куни нурни яратди. Пайшанба куни ҳайвонларни яратди. Жума куни асрдан кейин, жума соатларининг охирги соатида, аср билан кечаси оралиғида халойиқнинг охиргиси этиб, Одамни яратди. *Аҳмад ривояти.*

* خَمْسٌ بِخَمْسٍ.

- ١ - مَا نَقَضَ قَوْمَ الْعَهْدِ، إِلَّا سُلِّطَ عَلَيْهِمْ عَدُوُّهُمْ.
- ٢ - وَمَا حَكَمُوا بِغَيْرِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ، إِلَّا فَشَا فِيهِمُ الْفَقْرُ.
- ٣ - وَلَا ظَهَرَتْ فِيهِمُ الْفَاحِشَةُ، إِلَّا فَشَا فِيهِمُ الْمَوْتُ.
- ٤ - وَلَا طَفَّفُوا الْمَكْيَالَ إِلَّا مُنِعُوا النَّبَاتَ، وَأُخِذُوا بِالسِّنِينَ.
- ٥ - وَلَا مَنَعُوا الزَّكَاةَ إِلَّا حُبِسَ عَنْهُمْ الْقَطْرُ. (رواه الطبراني عن ابن عباس)

563. Беш нарса беш нарса биландир. 1. Қавм аҳдни бузса, душманлари уларга бошлиқ қилиб қўйилади. 2. Аллоҳ нозил этган нарсадан бошқаси ила ҳукм қилишса, Аллоҳ уларнинг ораларида камбағалликни ёяди. 3. Агар уларда фоҳишалик зоҳир бўлса, ораларида ўлим ҳам кенг тарқалади. 4. Ўлчовда уриб қолманғлар, агар шундай қиладиған бўлсангиз, ўсимликлар ўсишидан ман этиласиз ва қурғоқчилик ила ушланасиз. 5. Закотни ман қилманг-

лар, агар шундай қилсангиз, ёмғирдан ман этиласиз. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* خَمْسُ صَلَوَاتٍ افْتَرَضَهُنَّ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: مَنْ أَحْسَنَ وَضُوءَهُنَّ وَصَلَّاهُنَّ لَوْقَتِهِنَّ، وَأَتَمَّ رُكُوعَهُنَّ، وَسُجُودَهُنَّ وَخُشُوعَهُنَّ كَانَ لَهُ عَلَى اللَّهِ عَهْدٌ أَنْ يَغْفِرَ لَهُ، وَمَنْ لَمْ يَفْعَلْ فَلَيْسَ لَهُ عَلَى اللَّهِ عَهْدٌ، إِنْ شَاءَ غُفِرَ لَهُ وَإِنْ شَاءَ عَذِّبَهُ. (رواه البيهقي عن عبادة بن الصامت)

564. Аллоҳ беш вақт намозни фарз қилган. Ким таҳоратини чиройли қилиб, уларни ўз вақтида ўқиб, руку, сажда ва хушуларини мукаммал адо этса, у учун гуноҳлари кечирилишига Аллоҳдан аҳд бордир. Ким ундай қилмаса, у учун Аллоҳдан аҳд йўқдир. Агар хоҳласа, уни кечиради ва агар истаса, уни азоблайди. Убода ибн Сомит (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* خَمْسُ صَلَوَاتٍ كَتَبَهُنَّ اللَّهُ عَلَى الْعِبَادِ، مَنْ جَاءَ بِهِنَّ، وَمَنْ يُضَيِّعُ مِنْهُنَّ شَيْئًا اسْتَخَفَّافًا بِحَقِّهِنَّ، كَانَ لَهُ عِنْدَ اللَّهِ عَهْدٌ أَنْ يُدْخِلَهُ الْجَنَّةَ، وَمَنْ لَمْ يَأْتِ بِهِنَّ، فَلَيْسَ لَهُ عِنْدَ اللَّهِ عَهْدٌ، إِنْ شَاءَ عَذِّبَهُ وَإِنْ شَاءَ أَدْخَلَهُ الْجَنَّةَ. (رواه ابن ماجه عن عبادة بن الصامت)

565. Аллоҳ беш вақт намозни бандаларига фарз қилди. Ким уларни адо этишда ҳақини енгил санаб, бирор нарсани зое қилмаса, унинг жаннатга киритилишига Аллоҳнинг аҳди бордир. Кимки уларни бажармаса, Аллоҳ ҳузурида унга аҳд йўқдир. Агар хоҳласа, уни азоблайди ва агар истаса, уни жаннатга киритади. Убода ибн Сомит (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.

* خَمْسُ لَيَالٍ لَا تُرَدُّ فِيهِنَّ الدَّعْوَةُ: أَوَّلُ لَيْلَةٍ مِنْ رَجَبٍ، وَلَيْلَةُ النِّصْفِ مِنْ شَعْبَانَ، وَلَيْلَةُ الْجُمُعَةِ، وَلَيْلَةُ الْفِطْرِ، وَلَيْلَةُ التَّحْرِ. (رواه ابن عساكر عن أبي أمامة)

566. Беш кеча борки, уларда дуо рад этилмайди: 1) ражаб ойининг аввалги кечаси; 2) шаъбон ойининг ярмидаги кеча; 3) жума кечаси; 4) фитр куни кечаси; 5) қурбонлик куни кечаси. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.

* خَمْسٌ مِنَ الدَّوَابِّ كُلِّهِنَّ فَاسِقٌ يَقْتُلْنَ فِي الْحِلِّ وَالْحَرَمِ: الْغَرَابُ، وَالْحِدَاةُ، وَالْفَارَةُ، وَالْعَقْرَبُ، وَالْكَلْبُ الْعَقُورُ. (رواه الشيخان عن ابن عمر)

567. Беш турли жонивор борки, уларнинг барчаси фосикдир. Эҳромликда ҳам, эҳром кийилмаганда ҳам улар ўлдирилаверади. 1. Қарға. 2. Калхат. 3. Сичқон. 4. Чаён. 5. Қопонғич ит. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* خَمْسٌ مِنْ حَقِّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ، رَدُّ التَّحِيَّةِ، وَاجَابَةُ الدَّعْوَةِ وَشُهُودُ الْجَنَازَةِ، وَعِيَادَةُ الْمَرِيضِ، وَتَشْمِيتُ الْعَاطِسِ إِذَا حَمِدَ اللَّهَ تَعَالَى. (رواه ابن ماجه عن أبي هريرة)

568. Мусулмоннинг бошқа мусулмон устидаги ҳақи бештадир: 1) саломига жавоб бериш; 2) чақириғига бориш; 3) жанозасида иштирок этиш; 4) касал бўлса, кўргани бориш; 5) акса уриб ҳамд айтса, «ярҳамукаллоҳ» деб жавоб қайтариш. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.

* خَمْسٌ مِنَ الْإِيمَانِ، مَنْ لَمْ يَكُنْ فِيهِ شَيْءٌ مِنْهُنَّ فَلَا إِيْمَانَ لَهُ: التَّسْلِيمُ لِأَمْرِ اللَّهِ، وَالرِّضَا بِقَضَاءِ اللَّهِ، وَالتَّقْوِيصُ إِلَى اللَّهِ، وَالتَّوَكُّلُ عَلَى اللَّهِ، وَالصَّبْرُ عِنْدَ الصَّدْمَةِ الْأُولَى. (رواه البزار عن ابن عمر)

569. Беш нарсa имондандир. Кимда ўшалардан бирортаси бўлмаса, имони йўқдир. 1) Аллоҳнинг амрига таслим бўлиш; 2) Аллоҳнинг қазою қадарига рози бўлиш; 3) Аллоҳга ишини топшириш; 4) Аллоҳга таваккал

қилиш; 5) мушибатнинг аввалги лаҳзасида сабр этиш. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Баззор ривояти.

* خَمْسٌ مِنَ الْفِطْرَةِ: الْحِتَانُ، وَالْإِسْتِحْدَادُ، وَقَصُّ الشَّارِبِ، وَتَقْلِيمُ الْأَظْفَرِ وَنَتْفُ الْإِبْطِ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

570. Беш нарсa фитратдандир: 1) хатна қилдириш; 2) остки тукларни устара ила қириш; 3) мўйловни қисқартириш; 4) тирноқ олиш; 5) қўлтиқ ости тукларини юлиш. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* خِيَارُ أُمَّتِي عُلَمَاؤُهَا، وَخِيَارُ عُلَمَائِهَا رُحَمَاؤُهَا، أَلَا وَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَيَغْفِرُ لِلْعَالَمِ أَرْبَعِينَ ذَنْبًا قَبْلَ أَنْ يَغْفِرَ لِلْجَاهِلِ ذَنْبًا وَاحِدًا، أَلَا وَإِنَّ الْعَالَمَ الرَّحِيمَ يَجِيءُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَإِنَّ نَوْرَهُ قَدْ أَضَاءَ يَمْشِي فِيهِ مَا بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ، كَمَا يُضِيءُ الْكَوْكَبُ الدَّرِّيُّ. (رواه القضاعي عن ابن عمر)

571. Умматимнинг яхшилари уламоларидир. Уламоларнинг яхшилари раҳмдиларидир. Огоҳ бўлинг, Аллоҳ таоло жоҳилнинг битта гуноҳини кечиришдан олдин олимнинг қирқта гуноҳини кечиради. Огоҳ бўлинг! Раҳмдил олим қиёмат куни келадиган бўлса, юраётганида унинг нури машриқ билан мағриб оралиғида худди ёруғ юлдуз нури каби таралади. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Кузоғий ривояти.

* خِيَارُكُمْ مَنْ ذَكَرَكُمْ بِاللَّهِ رُؤْيَتْهُ، وَزَادَ فِي عِلْمِكُمْ مَنَظِقَهُ وَرَغَّبَكُمْ فِي الْآخِرَةِ عَمَلُهُ. (رواه الحكيم عن ابن عمر)

572. Сизларнинг яхшиларингиз кўрганда Аллоҳни эслатадиган, гапирганда илмларингизни зиёда қиладиган, амали сизларни охиратга рағбатлантирадиган кишидир. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Ҳаким ривояти.

خَيْرُ النَّاسِ قَرْنِي، ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ، ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ، ثُمَّ يَجِيْءُ أَقْوَامٌ
تَسْبِقُ شَهَادَةَ أَحَدِهِمْ يَمِيْنُهُ، وَيَمِيْنُهُ شَهَادَتُهُ. (رواه الشيخان)

573. Инсонларнинг яхшиси менинг асримдадир. Кейин уларга яқин асрдагилар, сўнгра уларга яқин асрдагилар. Кейин шундай қавм келадики, улардан бирининг гувоҳлиги қасамидан ва қасами гувоҳлигидан илгарилаб кетади. Бухорий ва Муслим ривояти.

خَيْرَكُمْ أَحَاسِنُكُمْ أَخْلَاقًا. (رواه البخاري ومسلم)

574. Сизларнинг яхшиларингиз хулқи яхшиларингиздир. Бухорий ва Муслим ривояти.

* خَيْرُ النَّاسِ أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا. (رواه الطبراني عن ابن عمر)

575. Инсонларнинг яхшиси хулқи гўзалидир. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

خَيْرُ النَّاسِ مَنْ طَالَ عُمُرُهُ وَحَسَنَ عَمَلُهُ، وَشَرُّ النَّاسِ مَنْ طَالَ عُمُرُهُ
وَسَاءَ عَمَلُهُ. (رواه أحمد عن أبي بكر)

576. Инсонларнинг яхшиси узоқ умр кўриб, амали чиройли бўлганидир. Одамларнинг ёмони узоқ яшаб, амали ёмон бўлганидир. Абу Бакра (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* خَيْرُ أُمَّتِي الَّذِينَ إِذَا أَسَاءُوا اسْتَغْفَرُوا، وَإِذَا أَحْسَنُوا اسْتَبَشَرُوا، وَإِذَا
سَافَرُوا قَصَرُوا وَأَفْطَرُوا. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ عَنْ جَابِرٍ)

577. Умматимнинг яхшилари агар бирор ёмонлик қилсалар, истиғфор айтадилар. Бирор яхшилик қилсалар, хурсанд бўладилар. Қачон сафарга чиқсалар, намозларини қаср қилиб, рўза тутмайдилар. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* خَيْرُ بَيْتٍ فِي الْمُسْلِمِينَ بَيْتٌ فِيهِ يَتِيمٌ يُحْسَنُ إِلَيْهِ، شَرُّ بَيْتٍ فِي

الْمُسْلِمِينَ بَيْتٌ فِيهِ يَتِيمٌ يَسَاءُ إِلَيْهِ، أَنَا وَكَافِلُ الْيَتِيمِ فِي الْجَنَّةِ هَكَذَا. (رواه البخاري عن أبي هريرة)

578. «Мусулмонларда уйларнинг энг яхшиси етимга яхшилик қилинадиган уйдир. Мусулмонларда уйларнинг энг ёмони етимга ёмон муомалада бўлинадиган уйдир. (Расулulloҳ) Мен ва етимга кафил бўлувчи жаннатда мана шундайдир», деб (икки бармоқларини ёнма-ён қилиб) ишора этдилар. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти.

* خَيْرُ مَا خَلَفَ الْإِنْسَانُ بَعْدَهُ ثَلَاثٌ، وَلَدٌ صَالِحٌ يَدْعُو لَهُ وَصَدَقَةٌ تَجْرَى يَبْلُغُهُ أَجْرُهَا، وَعِلْمٌ يُنْتَفَعُ بِهِ مِنْ بَعْدِهِ. (رواه أبو قتادة)

579. Инсон ўзидан кейин қолдирадиган нарсаларнинг энг яхшилари учтадир: 1) дуо қилиб турувчи солиҳ фарзанд; 2) савоби етиб турадиган садақаи жория; 3) ўзидан кейин фойдаланиладиган илм. Абу Қатода ривояти.

* خَيْرُ مَا أُعْطِيَ الْإِنْسَانُ خُلُقٌ حَسَنٌ، وَشَرُّ مَا أُعْطِيَ قَلْبٌ سَوَاءٌ فِي صُورَةٍ حَسَنَةٍ. (رواه أسامة بن شريك)

580. Инсонга берилган нарсаларнинг энг яхшиси чиройли хулқ, энг ёмони эса, чиройли суратдаги ёмон қалбдир. Усома ибн Шарик ривояти.

* خَيْرُ نِسَائِكُمُ الْعَفِيفَةُ الْعَلِمَةُ، عَفِيفَةٌ فِي فَرْجِهَا، عَلِمَةٌ عَلَى زَوْجِهَا. (رواه الديلمي عن أنس)

581. Аёлларингизнинг энг яхшиси (бегоналарга нисбатан) андомини сақлашда ифбатли ва эрига мойиллиги кучли бўлгандир. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* خَيْرُ يَوْمٍ طَلَعَتْ فِيهِ الشَّمْسُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فِيهِ خُلِقَ آدَمُ، وَفِيهِ أُهْبِطَ مِنَ الْجَنَّةِ، وَفِيهِ تَبَّ عَلَيْهِ، وَفِيهِ قُبِضَ، وَفِيهِ تَقُومُ السَّاعَةُ، وَمَا عَلَى وَجْهِ الْأَرْضِ مِنْ دَابَّةٍ إِلَّا وَهِيَ تَصْبِحُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ مُصِيحَةً حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ شَفَقًا مِنْ السَّاعَةِ، إِلَّا ابْنُ آدَمَ، وَفِيهِ سَاعَةٌ لَا يَصَادِفُهَا عَبْدٌ مُؤْمِنٌ وَهُوَ فِي الصَّلَاةِ يَسْأَلُ اللَّهَ شَيْئًا إِلَّا آعْطَاهُ إِيَّاهُ. (رواه أحمد عن أبي هريرة)

582. Куёшли кунларнинг энг яхшиси жума кунидир. Чунки у кунда Одам (алайҳиссалом) яратилганлар, у кунда жаннатдан туширилганлар, у кунда тавба қилганлар, у кунда вафот этганлар ва у кунда қиёмат қоим бўлади. Ер юзида Одам боласидан ташқари барча жонзот борки, жума куни тонгда куёш чиққунча қиёмат бўлиб қолишидан хавф қилиб, қулоқ тутиб туришади. Ана шу кунда бир соат бор. Агар мўмин банда намозда туриб, Аллоҳдан бирор нарса сўраса, Аллоҳ унга ўша нарсани беради. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.*

* خَيْرُكُمْ خَيْرُكُمْ لِأَهْلِهِ، وَأَنَا خَيْرُكُمْ لِأَهْلِي، مَا أَكْرَمَ النِّسَاءَ إِلَّا كَرِيمٌ، وَمَا أَهَانَهُنَّ إِلَّا لَيْئِمٌ. (رواه ابن عساکر عن علي)

583. Сизларнинг яхшиларингиз аҳлига яхши бўлганларидир. Мен ўз аҳлимга энг яхши бўлганиман. Аёлларни фақат олижаноб киши ҳурмат қилади, пасткаш инсон эса хўрлайди. *Али (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.*

* خَيْرُكُمْ مَنْ لَمْ يَتْرِكْ آخِرَتَهُ لِدُنْيَاهُ، وَلَا دُنْيَاهُ لِآخِرَتِهِ، وَلَمْ يَكُنْ كَلًّا عَلَى النَّاسِ. (رواه الخطيب عن أنس)

584. Сизларнинг яхшиларингиз охиратини деб дунёсини ва дунёсини деб охиратини тарк қилмаган ҳамда одамларга боқимонда ва юк бўлмаган кишидир. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.*

* خَيْرُ سَلِيمَانَ بَيْنَ الْمَالِ، وَالْمُلْكِ، وَالْعِلْمِ، فَاخْتَارَ الْعِلْمَ، فَأَعْطَى الْمُلْكَ وَالْمَالَ. (رواه الديلمي)

585. Сулаймонга (алайҳиссалом) мол-мулк ва илмни танлаш ихтиёри берилганда, у зот илмни танладилар. Шунда у зотга мулк ва мол ҳам ато этилди. Дайлабий ривояти.

* الْخَمْرُ أُمُّ الْفَوَاحِشِ وَأَكْبَرُ الْكَبَائِرِ، وَمَنْ شَرِبَ الْخَمْرَ تَرَكَ الصَّلَاةَ وَوَقَعَ عَلَى أُمِّهِ وَعَمَّتِهِ وَخَالَتِهِ. (رواه الطبراني عن ابن عمر)

586. Хамр (маст қилувчи ичимлик) фаҳш ишларнинг онаси ва кабира гуноҳларнинг буюгидир. Хамр ичган киши намозини тарк этиши, онаси, аммаси ва холаси билан зино қилиб қўйиши мумкин. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* الْخَيْرُ كَثِيرٌ وَقَلِيلٌ فَاعْلُهُ. (رواه الخطيب عن ابن عمر)

587. Яхшиликлар кўп, уларни амалга оширувчилар оз. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Хатиб ривояти.

* الْخَيْلُ مَعْقُودٌ بِنَوَاصِيهَا الْخَيْرُ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ، وَأَهْلُهَا مُعَانُونَ عَلَيْهَا، فَامْسَحُوا بِنَوَاصِيهَا، وَادْعُوا لَهَا بِالْبَرَكَةِ، وَقَلِّدُوهَا وَلَا تَقْلِدُوهَا بِالْأَوْتَارِ. (رواه أحمد عن جابر)

588. Отнинг пешонасига яхшилик қиёматгача битиб қўйилгандир. Унинг аҳли ёрдам берилганлардир. Сизлар унинг пешонасини силанглар ва унга барака тилаб, дуо қилинглар. Унинг бўйнига душманнинг талабида ип осаверинглар-у, лекин кўз тегишининг олдини олиб ип османглар. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* خَيْرُ الصَّدَقَةِ مَا كَانَ عَنْ ظَهْرِ غِنَى، وَأَبْدَأُ بِمَا تَعُولُ. (رواه البخاري)

589. Садақаларнинг яхшиси бойлик ортидан қилинганидир. Сен садақани қўл остингдагилардан бошла. Бухорий ривояти.

* خَيْرُ الصَّدَاقِ أَيْسَرُهُ. (رواه عقبه عن عمر)

590. Маҳрларнинг яхшиси енгил бўлганидир. Умар (розияллоҳу анҳу)дан. Уқба ибн Амр ривояти.

* خَيْرُ الْكَسْبِ كَسْبُ يَدِ الْعَامِلِ إِذْ نَصَحَ. (رواه أبو هريرة)

591. Касбларнинг яхшиси ишчи қўл билан касб қилиниб, ҳалол меҳнат билан бўлганидир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривояти.

* الْحَالَةُ بِمَنْزِلَةِ الْأَمِّ. (رواه الشيخان عن أبي موسى)

592. Хола она ўрнидадир. Абу Мусо (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الْحَاظِنُ الْمُسْلِمُ الْأَمِينُ الَّذِي يُعْطِي مَا أُمِرَ بِهِ، كَامِلًا مُؤَفَّرًا طَيِّبَةً بِهِ نَفْسُهُ، فَيَدْفَعُهُ إِلَى الَّذِي أُمِرَ لَهُ بِهِ أَحَدُ الْمُتَصَدِّقِينَ. (رواه البخاري ومسلم)

593. Буюрилган нарсани тўла-тўқис қилиб, чин дилдан буюрилган кишига берувчи, ишончли мусулмон хазиначи – садақа қилувчиларнинг биридир. Бухорий ва Муслим ривояти.

(د) ДОЛ ҲАРФИ – حرف الدال

* دَخَلَتْ امْرَأَةُ النَّارِ مِنْ هِرَّةٍ، رَبَطَتْهَا فَلَمْ تَطْعَمْهَا وَلَمْ تَدَعْهَا تَأْكُلْ مِنْ خَشَاشِ الْأَرْضِ حَتَّى مَاتَتْ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

594. Бир хотин мушук сабабли дўзахга тушди. Уни боғлаб қўйиб, овқат бермади. Ё қўйиб юбормадики, ерда униб-ўсган нарсалардан тановул қилар эди. Ҳатто мушук ўлиб қолди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* دَعَا مَا يَرِيكَ، إِلَى مَا لَا يَرِيكَ، فَإِنَّ الصِّدْقَ طُمَآنِينَةٌ، وَإِنَّ الْكَذِبَ رِيَّةٌ.
(رواه أحمد والنسائي وغيرهما)

595. Шубҳали нарсани ташлаб, шубҳасизини олгин. Чунки ростгўйлик хотиржамликдир. Ёлғон эса шак-шубҳали нарсадир. Аҳмад, Насоий ва бошқалар ривояти.

* دَعَاءُ الْمَرْءِ الْمُسْلِمِ مُسْتَجَابٌ لِأَخِيهِ بَطْهَرِ الْغَيْبِ، عِنْدَ رَأْسِهِ مَلَكٌ مُوَكَّلٌ بِهِ، كُلَّمَا دَعَا لِأَخِيهِ بِخَيْرٍ قَالَ الْمَلَكُ «آمِينَ» وَلَكَ بِمِثْلِ ذَلِكَ. (رواه أحمد عن أبي الدرداء)

596. Мусулмон кишининг ғойибдан биродарига қилган дуоси ижобатдир. Унинг бошида вакил этилган фаришта туриб: «Омин, сенга ҳам унга дуо қилган нарсанг бўлсин», дейди. Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* دَعَوَاتُ الْمَكْرُوبِ «اللَّهُمَّ رَحِمَتِكَ أَرْجُو، فَلَا تَكِلْنِي إِلَى نَفْسِي طَرْفَةَ عَيْنٍ، وَأَصْلِحْ لِي شَأْنِي كُلَّهُ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ». (رواه البخاري)

597. Қийинчилик етганда айтиладиган дуо: «Аллоҳумма раҳматака аржу, фала такилний ила нафсий торфата ʻайнин ва аслиҳлий шаъний куллаҳу ла илаҳа илла анта».

(Ё Аллоҳ, раҳматингни умид қиламан. Мени ўз ҳолимга кўз очиб юмгунчалик ҳам ташлаб қўйма. Бутун шаънимни ислоҳ эт. Сендан ўзга илоҳ йўқ). Бухорий ривояти.

* دَعْوَةُ (ذِي التُّونِ) إِذْ دَعَا بِهَا، وَهُوَ فِي بَطْنِ الْحَوْتِ (لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ) لَمْ يَدْعُ بِهَا رَجُلٌ مُسْلِمٌ فِي شَيْءٍ قَطُّ إِلَّا اسْتَجَابَ اللَّهُ تَعَالَى لَهُ. (رواه الحاكم عن سعيد)

598. Зуннуннинг (Юнус алайҳиссалом) кит қорнида эканларидаги дуолари бундайдир: «Ла илаҳа илла анта субҳанака инний кунту миназ золимийн». Муслмон киши у билан бирор нарсада дуо қилса, Аллоҳ унинг дуосини ижобат қилади. Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* دَعَا: قِيلَ وَقَالَ، وَكَثْرَةُ السُّؤَالِ، وَإِضَاعَةُ الْمَالِ. (رواه الطبراني)

599. Ундай деди, бундай деди, деб гапириб юришни, кўп савол беришни ва молни беҳудага сарф қилишни тарк қил. Табароний ривояти.

* الدُّعَاءُ لَا يَرُدُّ بَيْنَ الْأَذَانِ وَالْإِقَامَةِ. (رواه أحمد)

600. Азон билан иқомат орасидаги дуо рад этилмайди. Аҳмад ривояти.

* دَعَا الْمَظْلُومُ مُسْتَجَابَةً، وَإِنْ كَانَ فَاجِرًا فَفُجُورُهُ عَلَى نَفْسِهِ. (رواه

الطيالسي عن أبي هريرة)

601. Мазлумнинг дуоси ижобатдир, гарчи у фожир бўлса ҳам. Унинг фожирлиги эса, ўзигадир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Таёлисий ривояти.

* دَعَوِي مَا تَرَكْتُمْ، فَإِنَّمَا أَهْلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ سُؤَالُهُمْ وَاجْتِلَافُهُمْ عَلَى أَنْبِيَائِهِمْ، فَإِذَا نَهَيْتُمْ عَنْ شَيْءٍ فَاجْتَنِبُوهُ وَإِذَا أَمَرْتُمْ بِشَيْءٍ فَأَتُوا مِنْهُ مَا اسْتَطَعْتُمْ. (رواه الشيخان)

602. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Мен гапирмасдан тарк қилган нарсаларимда мени шундай қўйинглар. Чунки сизлардан олдинги уммат пайғамбарларидан сўрайверганлари ва ихтилоф қилишгани сабаб ҳалок бўлишди. Агар бирор нарсадан ман қилсам, ундан сақланинглар. Агар бирор нарсага буюрсам, қодир бўлгунингизча уни бажо келтиринглар». Бухорий ва Муслим ривояти.

* دَعُوا الدُّنْيَا لِأَهْلِهَا. مَنْ أَخَذَ مِنَ الدُّنْيَا فَوْقَ مَا يَكْفِيهِ أَخَذَ حَتْفَهُ وَهُوَ لَا يَشْعُرُ. (رواه ابن لال عن أنس)

603. Дунёни ўз аҳлига ташлаб қўяверинглар. Ким дунёдан кифоя қиладиганидан ортиғини олса, ўзи ҳис қилмаган ҳолда ҳалокатни қўлга киритибди. Анас (рози-яллоҳу анҳу)дан. Ибн Лол ривояти.

* الدَّالُّ عَلَى الْخَيْرِ كَفَاعِلُهُ، وَاللَّهُ يُحِبُّ إِغَاثَةَ اللَّهْفَانِ. (رواه ابن أبي الدنيا)

604. Яхшиликка йўллаб қўювчи киши уни бажарган кабидир. Аллоҳ қийналиб қолганларга ёрдам берувчини яхши кўради. Ибн Абу Дунё ривояти.

* الدَّعَاءُ يَنْفَعُ مِمَّا نَزَلَ، وَمِمَّا لَمْ يَنْزَلْ، فَعَلَيْكُمْ عِبَادَ اللَّهِ بِالْدَّعَاءِ. (رواه الحاكم عن ابن عمر)

605. Дуо тушган ва ҳали тушмаган нарсаларга фойда беради. Эй Аллоҳнинг бандалари сизлар ўзингизга дуони лозим тутинг. Ибн Умар (розиаллоҳу анҳумо)дан. Ҳоким ривояти.

* الدُّنْيَا حُلُوءَةٌ خَضِرَةٌ، مَنْ اكْتَسَبَ فِيهَا مَالًا مِنْ حِلِّهِ، وَأَنْفَقَهُ فِي حَقِّهِ أَثَابَهُ اللَّهُ عَلَيْهِ، وَأُورِدَهُ جَنَّتَهُ وَمَنْ اكْتَسَبَ فِيهَا مَالًا مِنْ غَيْرِ حِلِّهِ وَأَنْفَقَهُ فِي غَيْرِ حَقِّهِ، أَحَلَّهُ اللَّهُ دَارَ الْهُوَانِ، وَرَبُّ مُتَخَوِّضٍ فِي مَالِ اللَّهِ وَرَسُولُهُ لَهُ النَّارُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه البيهقي عن ابن عمر)

606. Дунё ям-яшил, мазали нарсадир. Ким уни ҳалолдан касб этса ва ҳақ йўлда инфоқ қилса, Аллоҳ унга савоб беради ва жаннатга туширади. Кимки ҳалол бўлмаган йўл ила касб этиб, ҳақ бўлмаган йўлга инфоқ қилса, Аллоҳ уни хўрлик ҳовлисига тушириб қўяди. Аллоҳ ва Расулининг моли хусусида кўплаб шўнғувчилар борки, улар қиёмат куни дўзахдадирлар. Ибн Умар (розиаллоҳу анҳумо)дан. Байҳақий ривояти.

* الدُّنْيَا عَرَضٌ حَاضِرٌ، يَأْكُلُ مِنْهَا الْبَرُّ وَالْفَاجِرُ، وَالْآخِرَةُ وَعْدٌ صَادِقٌ يَحْكُمُ فِيهَا مَلِكٌ عَادِلٌ، يَحَقُّ الْحَقُّ وَيُبْطَلُ الْبَاطِلُ، فَكُونُوا أَبْنَاءَ الْآخِرَةِ وَلَا تَكُونُوا أَبْنَاءَ الدُّنْيَا فَإِنَّ كُلَّ أُمَّ يَتَّبِعُهَا وَلَدُهَا. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ)

607. Дунё нақд буюмдир. Ундаги нарсалардан яхши киши ҳам, ёмон киши ҳам еяверади. Охират эса ваъда қилинган рост нарсадир. У кунда одил подшоҳ ҳукм қилади. Ҳақни ҳаққа ва ботилни ботилга ажратади. Сизлар охират болалари бўлинглар, аммо дунё болалари бўлиб қолманглар. Чунки ҳар бир онанинг боласи унинг орқасидан эргашади. *Муслим ривояти.*

* الدُّنْيَا دَارٌ مِّنْ لَا دَارَ لَهُ، وَمَالٌ مِّنْ لَا مَالَ لَهُ، وَلَهَا يَجْمَعُ مَن لَّا عَقْلَ لَهُ. (رَوَاهُ أَحْمَدُ عَنِ السَّيِّدَةِ عَائِشَةَ)

608. Дунё – ҳовлиси йўққа ҳовли ва моли йўққа молдир. Уни эса ақли йўқлар жамлайди. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. *Аҳмад ривояти.*

* الدُّنْيَا كُلُّهَا مَتَاعٌ وَخَيْرُ مَتَاعِ الدُّنْيَا الْمَرْأَةُ الصَّالِحَةُ. (رَوَاهُ النَّسَائِيُّ)

609. Дунёнинг барчаси бир матохдир. Дунёнинг энг яхши матоҳи солиҳа хотиндир. *Насоий ривояти.*

* الدُّنْيَا مَلْعُونَةٌ، مَلْعُونٌ مَا فِيهَا إِلَّا ذَكَرَ اللَّهَ وَمَا وَالَاهُ، وَعَالِمًا أَوْ مُتَعَلِّمًا. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ)

610. Дунё ва ундаги нарсалар лаънатлангандир. Фақатгина Аллоҳнинг зикри ва унга яқин бўлган нарса, олим ёки таълим олувчигина ундай эмасдир (*Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан Табароний ривояти.*)

* الدُّنْيَا لَا تَصْفُو لِمُؤْمِنٍ، كَيْفَ وَهِيَ سِجْنُهُ وَبَلَاؤُهُ؟ وَهِيَ جَنَّةُ الْكَافِرِ. (رَوَاهُ ابْنُ لَالٍ عَنْ أَنَسٍ)

611. Дунё мўминга мусаффо бўлмайди. Қандай ҳам мусаффо бўлсинки, у унинг қамоқхонаси ва балоларга дучор бўладиган жойи ҳамда кофирнинг жаннати бўлса. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Лол ривояти.

* الدَّوَاوِينُ ثَلَاثَةٌ: فَدْيَاؤُنْ لَا يَغْفِرُ اللَّهُ مِنْهُ شَيْئًا، وَدْيَاؤُنْ لَا يَعْبَأُ اللَّهُ بِهِ شَيْئًا، وَدْيَاؤُنْ لَا يَتْرُكُ اللَّهُ مِنْهُ شَيْئًا، فَأَمَّا الدِّيَاؤُنْ الَّذِي لَا يَغْفِرُهُ اللَّهُ شَيْئًا، فَلَا شَرَاكَ بِاللَّهِ، وَأَمَّا الدِّيَاؤُنْ الَّذِي لَا يَعْبَأُ اللَّهُ بِهِ شَيْئًا، فَظَلِمَ الْعَبْدُ نَفْسَهُ فِيمَا بَيْنَهُ وَبَيْنَ رَبِّهِ مِنْ صَوْمٍ تَرَكَهُ أَوْ صَلَاةٍ تَرَكَهَا، فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَغْفِرُ ذَلِكَ إِنْ شَاءَ وَتَتَجَاوَزُ، وَأَمَّا الدِّيَاؤُنْ الَّذِي لَا يَتْرُكُ اللَّهُ مِنْهُ شَيْئًا فَمَظَالِمُ الْعِبَادِ بَيْنَهُمْ الْقِصَاصُ لَا مُحَالَةٌ. (رواه أحمد عن السيدة عائشة)

612. Номаи аъмол битиклари уч хилдир. Биринчиси шундай девонки, ундан Аллоҳ таоло ҳеч нарсани кечирмайди. Иккинчиси шундай девонки, ундаги нарсага Аллоҳ аҳамият бермайди. Учинчиси шундай девонки, Аллоҳ ундан бирор нарсани тарк қилмайди.

Аллоҳ ундан ҳеч нарсани кечирмайдигани Аллоҳга ширк келтиришдир. Аллоҳ аҳамият бермайдигани – Аллоҳ билан бандаси орасидаги нарса, яъни рўза ва намозни тарк этиш билан ўзига-ўзи зулм қилишидир. Чунки агар Аллоҳ хоҳласа, уни кечириб, гуноҳидан ўтади. Аллоҳ бирор нарсани тарк қилмайдигани – бандалар ўрталаридаги бир-бирларига зулм қилишлар, яъни қасос ва шунга ўхшаш нарсалар, бунда шак йўқдир. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Аҳмад ривояти.

* الدِّينُ يُسْرُ وَلَنْ يَغَالِبَ الدِّينَ أَحَدٌ إِلَّا غَلِبَهُ. (رَوَاهُ أَبُو هُرَيْرَةَ)

613. Дин енгилдир. Бирор киши дин билан беллашса, яъни чуқур кетиб, тоқатидан юқорисини талаб этса, албатта, енгилади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривояти.

* الدِّينَارُ بِالدِّينَارِ وَالذِّرْهَمُ بِالذِّرْهَمِ وَصَاعٌ حِنْطَةٍ بِصَاعٍ حِنْطَةٍ وَصَاعٌ

شَعِيرٍ بِصَاعٍ شَعِيرٍ وَصَاعٌ مِلْحٍ بِصَاعٍ مِلْحٌ لَا فَضْلَ بَيْنَ شَيْءٍ مِنْ ذَلِكَ.
(رواه أبو أسيد الساعدي)

614. Динор динор билан, дирҳам дирҳам ила, бир соъ буғдой бир соъ буғдой билан, бир соъ арпа бир соъ арпа ила, бир соъ туз бир соъ туз билан алиштирилаверади. Буларнинг ўртасида ортиқлик йўқдир. (Бир соъ буғдойни икки соъ буғдойга алиштириш жоиз эмас.) Абу Усайд Соъидий ривояти.

304 ҲАРФИ (ذ) – حرف الذال

* ذَاقَ طَعْمَ الْإِيمَانِ مَنْ رَضِيَ بِاللَّهِ رَبًّا، وَبِالْإِسْلَامِ دِينًا، وَمُحَمَّدٍ رَسُولًا.
(رواه الترمذي عن العباس بن عبد المطلب)

615. Ким Аллоҳни Раббим деб, Исломни диним деб, Муҳаммадни (алайҳиссалом) Расулим деб рози бўлса, имон таъмини тотибди. Аббос ибн Абдулмуталлиб (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* ذَاكُرُ اللَّهِ فِي رَمَضَانَ مَغْفُورٌ لَهُ وَسَائِلُ اللَّهِ فِيهِ لَا يَخِيبُ. (رواه البيهقي عن عمر)

616. Рамазонда Аллоҳни зикр қилувчи кечирилгандир. У ойда Аллоҳдан сўровчи ноумид бўлмайди. Умар (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* ذُبُّوا عَنْ أَعْرَاضِكُمْ بِأَمْوَالِكُمْ. (رواه الخطيب)

617. Обруларингизни молларингиз билан ҳимоя қилингиз. Хатиб ривояти.

* ذَرِ النَّاسَ يَعْمَلُونَ: فَإِنَّ الْجَنَّةَ مِائَةُ دَرَجَةٍ، مَا بَيْنَ كُلِّ دَرَجَةٍ كَمَا بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ، وَالْفِرْدَوْسُ أَعْلَاهَا دَرَجَةٌ، أَوْسَطُهَا وَفَوْقَهَا عَرْشُ الرَّحْمَنِ،

وَمِنْهَا تُفَجَّرُ أَنْهَارُ الْجَنَّةِ، فَإِذَا سَأَلْتُمُ اللَّهَ فَسَأَلُوهُ الْفِرْدَوْسَ. (رواه الإمام أحمد عن معاذ)

618. Одамлар қандай амал қилишса, шундай тек қўйинг. Чунки жаннат юз даражадир. Ҳар бир даража ўртаси ер билан осмон оралиғичадир. Фирдавс энг олий даражасидир. Унинг ўртаси ва тепасида Раҳмоннинг Арши бордир. Ундан жаннат анҳорлари отилиб чиқади. Аллоҳдан сўрасангиз, Фирдавсни сўранглар. Муоз (рози-яллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* ذَكَرَ اللَّهُ شِفَاءَ الْقُلُوبِ. (رواه الديلمي عن أنس)

619. Аллоҳнинг зикри қалблар шифосидир. Анас (рози-яллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* ذِمَّةُ الْمُسْلِمِينَ وَاحِدَةٌ، فَمَنْ أَخْفَرَ فَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ، لَا يَقْبَلُ مِنْهُ صَرْفٌ وَلَا عَدْلٌ، وَمَنْ تَوَلَّى قَوْمًا يَدُونُ إِذْنَ مَوَالِيهِ، فَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ لَا يَقْبَلُ مِنْهُ صَرْفٌ وَلَا عَدْلٌ. (رواه الإمام أحمد)

620. Мусулмонлар ўз зиммаларига олган аҳд-паймонлари учун биргина йўл бор (аҳдга вафо қилишдир). Кимки аҳдига вафо қилмаса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. Унинг тавбаси ҳам, тўлайдиган товони ҳам қабул қилинмайди. Кимки бир қавмга унинг аъзоларининг рухсатсиз раҳбарлик қиладиган бўлса, унга ҳам Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. Унинг тавбаси ҳам, тўлайдиган товони ҳам қабул қилинмайди. Аҳмад ривояти.

* ذَنْبٌ يُغْفَرُ وَذَنْبٌ لَا يُغْفَرُ، وَذَنْبٌ يُجَازَى بِهِ، فَأَمَّا الذَّنْبُ الَّذِي لَا يُغْفَرُ، فَالشِّرْكُ بِاللَّهِ، وَأَمَّا الذَّنْبُ الَّذِي يُغْفَرُ، فَعَمَلُكَ بَيْنَكَ وَبَيْنَ رَبِّكَ،

وَأَمَّا الذَّنْبُ الَّذِي يُجَازَى بِهِ، فَظُلْمُكَ أَخَاكَ. (رواه الطبراني)

621. Бир гуноҳ борки, мағфират қилинади. Яна бири борки, кечирилмайди. Яна бошқа бири борки, жазога тортилади. Мағфират қилинадигани – ўзинг билан Раббинг ўртасидаги амалинг. Кечирилмайдигани – Аллоҳга ширк келтиришинг. Жазога тортиладигани – биродарингга зулм қилганингдир. *Табароний ривояти.*

* ذَهَبَ الْمُفْطِرُونَ الْيَوْمَ بِالْأَجْرِ. (رواه البخاري ومسلم عن أنس)

622. Ифторлик қилувчилар ажрда ўзиб кетишди. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* ذُو الدَّرَاهِمِينَ أَشَدُّ حِسَابًا مِنْ ذِي الدِّرْهِمِ وَذُو الدِّينَارَيْنِ أَشَدُّ حِسَابًا مِنْ ذِي الدِّينَارِ. (رواه البيهقي عن أبي ذر موقوفا)

623. Икки дирҳами бор одамнинг бир дирҳами бор кишига қараганда ҳисоби қаттиқроқдир. Икки динори бор одамнинг бир динори бор кишига қараганда ҳисоби қаттиқроқдир. *Абу Зар (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақийнинг мавқуф ҳолатда қилган ривояти.*

* ذُو الْوَجْهِينِ فِي الدُّنْيَا يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَهُ وَجْهَانِ مِنْ نَارٍ. (رواه الطبراني عن سعد)

624. Дунёда иккиюзламачи бўлган кишилар қиёмат кунда оловдан бўлган икки юз билан келишади. *Саъд (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* الذَّنْبُ شَوْمٌ عَلَى غَيْرِ فَاعِلِهِ، إِنَّ غَيْرَهُ ابْتُلِيَ بِهِ، وَإِنْ اغْتَابَهُ أَثَمٌ، وَإِنْ رَضِيَ بِهِ شَارَكُهُ. (رواه الديلمي عن أنس)

625. Гуноҳ – уни қилмаган кишига бахтсизликдир. Агар уни қилган кишини у билан айбласа, ўзи ўша гуноҳга мубтало бўлади. Агар уни қилган одамни ғийбат этса,

гуноҳкор бўлади. Агар унга рози бўлса, унга шерикдир. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

Фойда: Демак, гуноҳ қилаётган кишини айбламай-сиз ҳам, ғийбат ҳам қилмайсиз ва унинг қилаётган ишидан рози ҳам бўлмайсиз. Балки бунинг ўрнига амри маъруф ва наҳйи мункар қиласиз.

* الذَّهَبُ بِالذَّهَبِ، وَالْفِضَّةُ بِالْفِضَّةِ، وَالْبُرُّ بِالْبُرِّ، وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ، التَّمْرُ بِالتَّمْرِ، وَالْمِلْحُ بِالْمِلْحِ، مِثْلًا بِمِثْلٍ، سَوَاءٌ بِسَوَاءٍ، يَدًا بِيَدٍ، فَمَنْ زَادَ أَوْ اسْتَزَادَ فَقَدْ أَرَبَى، وَالْأَخَذُ وَالْمُعْطَى سَوَاءٌ. (роав مسلم)

626. Олтин олтин билан, кумуш кумуш ила, буғдой буғдой билан, арпа арпа ила, хурмо хурмо билан, туз туз ила бир хил миқдорда баробар бўлиб, қўлма-қўл, яъни ажралмасдан туриб олди-сотди қилса, жоиз. Лекин кимки бир хил жинсдаги нарсани зиёда қилса ёки зиёда бўлишини талаб этса, судхўрликка юзланибди. Бунда олувчи ҳам, берувчи ҳам баробардир. Муслим ривояти.

(ر) РОҲАРФИ – حرف الراء

* رَأْسُ الْحِكْمَةِ مَخَافَةُ اللَّهِ (عَزَّ وَجَلَّ). (роав سهل)

627. Ҳикматнинг боши Аллоҳ азза ва жалладан қўрқишдир. Саҳл ривояти.

* رَأَتْ أُمِّي حِينَ وَضَعْتَنِي سَطَعَ مِنْهَا نُورٌ، أَضَاءَتْ لَهُ قُصُورُ بَصْرَى. (роав سعد عن أبي الفجاء)

628. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Онам мени туққан пайтларида у зотдан нур таралди. Ўша нур Бусро қасрини ёритиб юборди». Абул Фажъо (розияллоҳу анҳу)дан. Саъд ривояти.

* رَأْسُ الْعَقْلِ بَعْدَ الْإِيمَانِ بِاللَّهِ التَّوَدُّدُ إِلَى النَّاسِ، وَاصْطِنَاعُ الْخَيْرِ إِلَى كُلِّ

بَرٍّ وَفَاجِرٍ، وَإِنَّ أَهْلَ الْمَعْرُوفِ فِي الدُّنْيَا، هُمْ أَهْلُ الْمَعْرُوفِ فِي الْآخِرَةِ، وَإِنَّ أَهْلَ الْمُنْكَرِ فِي الدُّنْيَا، هُمْ أَهْلُ الْمُنْكَرِ فِي الْآخِرَةِ. (رواه البيهقي)

629. Аллоҳга имон келтиргандан кейинги ақлнинг боши одамларга муҳаббатли бўлиш ва ҳар бир яхшию ёмонга яхшилик қилишдир. Албатта, дунёдаги яхшилик аҳллари охиратда ҳам яхшилик аҳллариدير. Дунёдаги ёмонлик аҳллари охиратда ҳам ёмонлик аҳллариدير. *Байҳақий ривояти.*

* رَأَيْتُ إِبْرَاهِيمَ لَيْلَةَ أُسْرَى بِي، فَقَالَ: يَا مُحَمَّدُ أَقْرَأُ أَمْتِكَ مِنِّي السَّلَامَ. وَأَخْبَرَهُمْ أَنَّ الْجَنَّةَ طَيِّبَةُ التُّرْبَةِ، عَذْبَةُ الْمَاءِ، وَأَنْهَا قِيَعَانٌ وَغَرَاسُهَا (سُبْحَانَ اللَّهِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَاللَّهُ أَكْبَرُ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ). (رواه الطبراني عن ابن مسعود)

630. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Мен Исрога чиққан кеча Иброҳим (алайҳиссалом)-ни кўрдим. У зот: «Ё Муҳаммад, менинг номимдан умматингизга салом айтинг ва хабар берингки, албатта, жаннатнинг тупроғи тоза, суви шириндир. Ўзи текис бўлиб, экинлари “Субҳаналлоҳи вал ҳамдулиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар вала ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ”дир». Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* رَبِّ قَاتِمِ حَظَّهُ مِنْ قِيَامِهِ الشَّهْرِ، وَرَبِّ صَائِمِ حَظَّهُ مِنْ صِيَامِهِ الْجَوْعِ وَالْعَطَشِ. (رواه الطبراني عن ابن عمر)

631. Кечаси қоим бўлганлардан кўпларининг қиёмдаги насибаси бедорлик, холос. Рўзадорлардан аксарининг рўзасидаги насиба фақат очлик ва чанқоқликдир. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* رَبِّ طَاعِمِ شَاكِرٍ أَعْظَمَ أَجْرًا مِنْ صَائِمِ صَابِرٍ. (رواه القضاعي)

632. Қанчадан-қанча (нафл рўза тутмай) таом еб (берилган ризққа) шуқр қилувчилар борки, улар нафл рўзани тутишда малолланиб, ўзини сабр қилишга мажбур қилувчилардан кўра буюкроқ савобга эгадирлар. *Кузобий ривояти.*

* رَبُّ عَايِدٍ جَاهِلٍ وَرَبُّ عَالَمٍ فَاجِرٌ، فَاحْذَرُوا الْجَهْلَ مِنَ الْعِبَادِ، وَالْفَجَارَ مِنَ الْعُلَمَاءِ. (رواه الديلمي عن أبي أمامة)

633. Кўплаб обид (ибодат қилувчи)лар борки, жоҳилдир. Аксар олимлар борки, фожирдир. Сизлар жоҳил бандалар ва фожир олимлардан четланинглар. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. *Дайлабий ривояти.*

* رَبُّ حَامِلٍ فَقِهِ غَيْرُ فَقِيهِ، وَمَنْ لَمْ يَنْفَعُهُ عِلْمُهُ ضَرَّهُ جَهْلُهُ، اقْرَأِ الْقُرْآنَ مَا نَهَاكَ فَإِنَّ لَمْ يَنْهَكَ فَلَسْتَ تَقْرؤه. (رواه الطبراني)

634. Фикҳни кўтариб юрувчи кўплаб кишилар борки, улар аслида фақиҳ эмас. Кимга илми фойда бермаса, унга жоҳиллиги зарар беради. Қуръон ўқиганинг сени ёмонликлардан қайтарсин. Агар қайтара олмаса, демак, сен Қуръон ўқимас экансан. *Табароний ривояти.*

* رَحِمَ اللَّهُ عَبْدًا قَالَ خَيْرًا فَعَنِمَ، أَوْ سَكَتَ عَنْ سُوءٍ فَسَلِمَ. (رواه ابن المبارك عن خالد بن أبي عمران)

635. Аллоҳ шундай бандага раҳм қилсинки, у яхши нарсани гапириб, фойда олган ёки ёмон нарсани гапиришдан ўзини тийиб, омонда қолган. Холид ибн Абу Имрон (розияллоҳу анҳу)дан. *Ибн Муборак ривояти.*

* رَحِمَ اللَّهُ مَنْ حَفِظَ لِسَانَهُ، عَرَفَ زَمَانَهُ، وَاسْتَقَامَتْ طَرِيقَتُهُ. (رواه الديلمي عن ابن عباس)

636. Тилини тийиб, ўз замонасини яхши билган ва йўлини тўғри қилган кишини Аллоҳ раҳм айласин. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. *Дайлабий ривояти.*

* رَغِمَ أَنْفُ رَجُلٍ ذُكِرْتُ عَنْهُ فَلَمْ يُصَلِّ عَلَى، وَرَغِمَ أَنْفُ رَجُلٍ دَخَلَ عَلَيْهِ رَمَضَانٌ ثُمَّ انْسَلَخَ قَبْلَ أَنْ يُغْفَرَ لَهُ، وَرَغِمَ أَنْفُ رَجُلٍ أَدْرَكَ عَنْهُ أَبَوَاهُ الْكَبِيرَ فَلَمْ يَدْخُلَاهُ الْجَنَّةَ. (رواه الحاكم)

637. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Бир кишининг ҳузурида зикр қилинсам-да, у менга салавот айтмаса, бурни ерга ишқалсин. Рамазон ойи кирса-да, кейин гуноҳи кечирилишидан олдин у ойна тугатса, бурни ерга ишқалсин. Бир киши ота-онасини қариганида топса-ю, уларга (қилган яхшилиги) жаннатга кирита олмаса ҳам, бурни ерга ишқалсин. Ҳоким ривояти.

* رَكْعَتَانِ بِسِوَاكَ أَفْضَلُ مِنْ سَبْعِينَ رَكْعَةً بِغَيْرِ سِوَاكَ، وَدَعْوَةٌ فِي السِّرِّ أَفْضَلُ مِنْ سَبْعِينَ دَعْوَةً فِي الْعَلَانِيَةِ وَصَدَقَةٌ فِي السِّرِّ أَفْضَلُ مِنْ سَبْعِينَ صَدَقَةً فِي الْعَلَانِيَةِ. (رواه ابن النجار عن أبي هريرة)

638. Мисвок ишлатиб ўқилган икки ракат намоз мисвоксиз ўқилган етмиш ракат намоздан афзалдир. Сир ҳолатида қилинган дуо очикчасига қилинган дуодан етмиш марта афзалдир. Сир ҳолатда қилинган садақа очикчасига қилинган садақадан етмиш марта аълодир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Нажжор ривояти.

* رَكْعَتَانِ يَرْكَعُهُمَا ابْنُ آدَمَ فِي جَوْفِ اللَّيْلِ الْآخِرِ خَيْرٌ لَهُ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا، وَلَوْلَا أَنْ أَشَقَّ عَلَى أُمَّتِي لَفَرَضْتُمُهَا عَلَيْهِمْ. (رواه النضر عن حسان بن عطية)

639. Одам боласи кеча ўртасининг охирида ўқиган икки ракат намози дунё ва ундаги нарсалардан афзалдир. Агар умматимга машаққат бўлмаганида, уларга кечасида намоз ўқишни шарт қилиб қўярдим. Ҳассон ибн Атийя (розияллоҳу анҳу)дан. Назр ривояти.

* الرُّوحَةُ وَالْغَدَوَةُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَفْضَلُ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا. (رواه الشيخان)

640. Эрталаб ва кечқурун, яъни доимо Аллоҳнинг йўлида юриш дунё ва ундаги нарсалардан афзалдир. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الرَّجُلُ عَلَى دِينِ خَلِيلِهِ، فَلْيَنْظُرْ أَحَدُكُمْ مَنْ يُخَالِلُ. (رواه أبو داود)

641. Киши дўстининг динидадир. Сизлардан бирингиз ким билан дўст бўлаётганига қарасин. Абу Довуд ривояти.

Фойда: Худди ўзбек мақолидаги «Дўстинг кимлигини айтсанг, ўзинг кимлигингни айтиб бераман»га ўхшаш.

* الرَّاحِمُونَ يَرْحَمُهُمُ الرَّحْمَنُ، قَالَ تَبَارَكَ وَتَعَالَى: ارْحَمُوا أَهْلَ الْأَرْضِ يَرْحَمَكُمُ أَهْلُ السَّمَاءِ. (رواه الإمام أحمد)

642. Раҳмли кишиларга Раҳмон, яъни Аллоҳ раҳм қилади. Аллоҳ таборака ва таоло: «Ердаги кишиларга раҳм қилинлар, осмондаги Зот сизларга раҳм қилади», деб айтди. Аҳмад ривояти.

* الرِّزْقُ أَشَدُّ طَلَبًا لِلْعَبْدِ مِنْ أَجَلِهِ. (رواه القضاعي)

643. Ризқ бандани ажалидан ҳам қаттиқроқ талаб қилувчидир. Кузоъий ривояти.

* الرُّؤْيَا الصَّالِحَةُ مِنَ اللَّهِ وَالْخُلُمُ مِنَ الشَّيْطَانِ، فَإِذَا حَلَمَ أَحَدُكُمْ حُلُمًا يَكْرَهُهُ فَلْيَبْصُقْ حِينَ يَسْتَيْقِظُ عَنْ يَسَارِهِ، وَلْيَتَعَوَّذْ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهَا، فَإِنَّهَا لَا تَضُرُّهُ، وَإِنَّ الشَّيْطَانَ لَا يَتْرَايَا بِي. (رواه أبو قتادة)

644. Солиҳ туш Аллоҳдандир. Узуқ-юлуқ тушлар шайтондандир. Сизлардан қайси бирингиз ўзи ёқтирмайдиган туш кўрса, уйғонганида чап томонига туфласин ва Аллоҳдан унинг ёмонлигидан паноҳ тиласин. Ана шундай қилса, зарар бера олмайди. Чунки шайтон менинг

(Расулуллоҳнинг) шаклимда ўзини кўрсата олмайди. Абу Қатода ривояти.

* الرِّيحُ مِنْ رَوْحِ اللَّهِ، تَأْتِي بِالرَّحْمَةِ وَتَأْتِي بِالْعَذَابِ، فَإِذَا رَأَيْتُمُوهَا فَلَا تَسُبُّوهَا، وَاسْأَلُوا اللَّهَ خَيْرَهَا، وَاسْتَعِيدُوا بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهَا. (رواه البخاري عن أبي هريرة)

645. Шамол Аллоҳнинг измидаги нарсадир. У раҳмат билан ҳам, азоб ила ҳам келади. Агар уни кўрсангиз, сўкманглар, балки унинг ўрнига Аллоҳдан яхшисини сўраб, ёмонидан Аллоҳ номи ила паноҳ тиланглар. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти.

* الرِّضَاعَةُ تُحَرِّمُ مَا تُحَرِّمُ الْوَلَادَةُ. (رواه السيدة عائشة)

646. Туғишган яқин қариндошлар ўртасида ҳаром саналган нарса (никоҳ) эмиқдошлар орасида ҳам ҳаромдир. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан қилинган ривоят.

* الرَّأِشِي وَالْمُرْتَشِي فِي النَّارِ. (رواه الطبراني)

647. Пора берувчи ҳам, пора олувчи ҳам дўзахдадир. Табароний ривояти.

(ز) ЗОЙ ҲАРФИ – حرف الزاى

* زَارَ رَجُلٌ أَخَا لَهُ فِي قَرْيَةٍ، فَأَرَصَدَ اللَّهُ لَهُ مَلَكًا عَلَى مَدْرَجَتِهِ، فَقَالَ: أَيْنَ تُرِيدُ؟ قَالَ: أَخَا لِي فِي الْقَرْيَةِ، قَالَ: هَلْ لَهُ عَلَيْكَ مِنْ نِعْمَةٍ تَرُبُّهَا؟ قَالَ لَا، إِلَّا أَنِّي أَحْبَبُّهُ فِي اللَّهِ، قَالَ فَبَإِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكَ بِأَنَّ اللَّهَ أَحَبُّكَ كَمَا أَحَبَّبْتَهُ. (رواه الشيخان)

648. Бир киши қишлоқдаги биродарини зиёрат қилди. Аллоҳ таоло унинг йўлига бир кузатувчи фаришта-ни қўйди. Фаришта: «Қаерга боряпсан?» деган эди, у:

«Қишлоқдаги биродаримникига», деди. Кузатувчи фаришта: «Сенда унинг сақлаб турган моли борми?» деса, у: «Йўқ! Лекин мен уни Аллоҳ йўлида яхши кўраман», деди. Шунда фаришта: «Мен сенга юборилган Аллоҳнинг элчисиман. Сен уни қандай яхши кўрсанг, Аллоҳ ҳам сени шундай яхши кўради», деди. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* زُرِ الْقُبُورَ تَذَكُّرًا بِمَا الْآخِرَةِ، وَاغْسِلِ الْمَوْتَى فَإِنَّ مُعَاجَظَةَ جَسَدٍ خَاوٍ مَوْعِظَةٌ بَلِيغَةٌ، وَصَلِ عَلَى الْجَنَائِزِ لَعَلَّ ذَلِكَ يُحَرِّكَ فَإِنَّ الْحَزِينَ فِي ظِلِّ اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، يَتَعَرَّضُ لِكُلِّ خَيْرٍ. (رواه الحاكم)

649. Қабрларни зиёрат қил, шу сабабли охиратни эслайсан. Ўликларни юв, чунки руҳдан холи бўлган жасадни ушлаш етук мавъизадир. Жаноза намозларини ўқи. Шояд ана шу сени хафа қилса, чунки хафа бўлганлар қиёмат куни Аллоҳнинг соясидадир ҳамда барча яхшиликларга рўбарў бўлувчидир. *Ҳоким ривояти.*

* زُرْ غَبًّا تَرَدَّدَ حُبًّا. (رواه الطبراني)

650. Камроқ кўриш, муҳаббатинг ошади. *Табароний ривояти.*

* زَوْجُوا أَبْنَاءَكُمْ وَبَنَاتِكُمْ، وَحَلَوْهُنَّ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ، وَأَجِيدُوا هُنَّ الْكِسْوَةَ وَأَحْسِنُوا إِلَيْهِنَّ بِالنَّحْلَةِ لِيُرْغَبَ فِيهِنَّ. (رواه الحاكم)

651. Болаларингиз ва қизларингизни никоҳланглар. Қизларингизни олтин ва кумуш ила безатинглар, турмушга рағбатлантириш учун уларга ҳадялар инъом қилиб, чиройли кийинтиринглар. *Ҳоким ривояти.*

* زَيْنُوا الْقُرْآنَ بِأَصْوَاتِكُمْ. (رواه الحاكم)

652. Қуръонни овозларингиз билан зийнатланглар. *Ҳоким ривояти.*

* زَيُّوْا أَعْيَادَكُمْ بِالتَّكْبِيرِ وَالتَّهْلِيلِ وَالتَّحْمِيدِ وَالتَّقْدِيسِ. (رواه الطبراني)

653. Ҳайит байрамларингизни такбир, таҳлил, ҳамд ва Аллоҳни улуғлаш ила зийнатланглар. Табароний ривояти.

* الزَّانِي بِجَلِيلَةِ جَارِهِ لَا يَنْظُرُ اللَّهُ إِلَيْهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُرَكِّبُهُ وَيَقُولُ لَهُ (أَدْخِلِ النَّارَ مَعَ الدَّاخِلِينَ). (رواه الديلمي)

654. Қўшнисининг хотини билан зино қилган кишига Аллоҳ қиёмат куни қарамайди ва уни покламайди ҳам. Унга: «Дўзахга кирувчилар билан у ерга киргин», дейди. Дайлабий ривояти.

* الزَّهَادَةُ فِي الدُّنْيَا لَيْسَتْ بِتَحْرِيمِ الْحَلَالِ، وَلَا إِضَاعَةِ الْمَالِ، وَلَكِنَّ الزَّهَادَةَ فِي الدُّنْيَا أَنْ لَا تَكُونَ بِمَا فِي يَدِكَ أَوْتَقَّ مِنْكَ بَمَا فِي يَدَيِ اللَّهِ، وَأَنْ تَكُونَ فِي ثَوَابِ الْمُصِيبَةِ إِذَا أَنْتَ أَصَبْتَ بِهَا أَرْغَبَ مِنْكَ فِيهَا لَوْ أَنَّهَا أَبْقِيَتْ لَكَ. (رواه الترمذي)

655. Дунёда зоҳид бўлиш ҳалол нарсани ҳаром қилиш ва молни зое этиш ҳам эмас. Лекин дунёдаги зоҳидлик ўз қўлингдаги нарса Аллоҳ измидаги нарсадан ишончлироқ бўлмаслиги ҳамда мусибат етгандаги савоб сен учун ўша мусибат етмай қолганидан рағбатлироқ бўлишидир. Термизий ривояти.

* الزُّهْدُ فِي الدُّنْيَا يُرِيحُ الْقَلْبَ وَالْبَدَنَ، وَالرَّغْبَةُ فِيهَا تُكْثِرُ الْهَمَّ وَالْحُزْنَ، وَالْبَطَالَةُ تَقْسِي الْقَلْبَ. (رواه القضاعي عن ابن عمر)

656. Дунёда зоҳид бўлиш қалбни ва баданни роҳатлантиради. Дунёга рағбат қилиш ғам ва хафагарчилиқни зиёдалаштиради. Бекорчилиқ қалбни қотиради. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Қузоъий ривояти.

(س) СИН ҲАРФИ – حرف السين

* سَأَلْتُ رَبِّي ثَلَاثًا، فَأَعْطَانِي اثْنَتَيْنِ، وَمَنْعَنِي وَاحِدَةً: سَأَلْتُ رَبِّي أَنْ لَا يَهْلِكَ أُمَّتِي بِالسَّنَةِ، فَأَعْطَانِيهَا، وَسَأَلْتُهُ أَنْ لَا يَهْلِكَ أُمَّتِي بِالْغَرَقِ فَأَعْطَانِيهَا، وَسَأَلْتُهُ أَنْ لَا يَجْعَلَ بِأَسْهُمٍ بَيْنَهُمْ فَمَنْعَنِهَا. (رواه البخاري ومسلم عن سعد بن أبي وقاص)

657. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дейдилар: «Раббимдан уч нарсани сўрадим, иккитасини менга бериб, биттасини бермади. Умматимни қаҳатчилик билан ҳалок қилмаслигини сўраган эдим, уни менга берди. Умматимни сувга ғарқ қилмаслигини сўраган эдим, уни ҳам берди. Лекин ўрталарида уруш бўлмаслигини сўраган эдим, уни бермади (яъни, мусулмон баъзан мусулмонни билиб-билмай қатл қилиши қолдирилган экан)». Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* سَأَلْتُ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلَ حِسَابَ أُمَّتِي إِلَى لَيْلٍ تَفْتَضِحَ عِنْدَ الْأُمَمِ، فَأَوْحَى اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ إِلَيَّ (يَا مُحَمَّدُ، بَلْ أَنَا أَحَاسِبُهُمْ، فَإِنْ كَانَ مِنْهُمْ زَلَّةٌ سَتَرْتُهَا عَنْكَ، لَيْلًا تَفْتَضِحَ عِنْدَكَ). (رواه الديلمي)

658. Аллоҳдан умматимнинг ҳисоби бошқа умматлар олдида фош этилиб, уятга қолмаслигини сўрасам, Аллоҳ таоло менга ваҳий қилиб: «Ё Муҳаммад, балки умматингизни Ўзим ҳисоб-китоб қиламан. Агар уларда янглишиш рўй берса, ҳузурингизда фош бўлиб, уялиб қолмаслигингиз учун сиздан уни беркитаман», деди. Дайлабий ривояти.

* سَبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ، وَقِتَالُهُ كُفْرٌ. (رواه الشيخان عن ابن مسعود)

659. Мусулмонни сўкиш фосикликдир, уни ўлдириш эса кофирликдир. *Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* سَارِعُوا فِي طَلَبِ الْعِلْمِ، فَالْحَدِيثُ مِنْ صَادِقٍ خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا عَلَيْهَا مِنْ ذَهَبٍ وَفِضَّةٍ. (رواه الرافعي)

660. Илм талаб қилишда шошилиңглар. Ростгўй кишидан ҳадис гапириш дунё ва ундаги олтин ва қумушдан иборат нарсадан яхшироқдир. *Рофеъий ривояти.*

* سَبْعَةٌ يُظَاهِمُ اللَّهُ فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ: إِمَامٌ عَادِلٌ، وَشَابٌّ نَشَأَ فِي عِبَادَةِ اللَّهِ، وَرَجُلٌ قَلْبُهُ مُعَلَّقٌ بِالْمَسْجِدِ إِذَا خَرَجَ مِنْهُ حَتَّى يَعُودَ وَرَجُلَانِ تَحَابَّا فِي اللَّهِ، اجْتَمَعَا عَلَيْهِ وَتَفَرَّقَا عَلَيْهِ، وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللَّهَ فِي خُلُوَةٍ فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ، وَرَجُلٌ دَعَتْهُ امْرَأَةٌ ذَاتُ مَنْصِبٍ وَجَمَالَ إِلَى نَفْسِهَا فَقَالَ إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ رَبَّ الْعَالَمِينَ، وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ بِصَدَقَةٍ أَخْفَاهَا، حَتَّى لَا تَعْلَمَ شِمَالُهُ مَا تُنْفِقُ يَمِينُهُ. (رواه الشيخان)

661. Аллоҳ таоло етти тоифа кишига соя йўқ кунда Ўз сояси (қиёмат ҳароратида Аршнинг сояси)дан паноҳ берур: 1) одил подшоҳ; 2) Аллоҳнинг ибодатида ўсган йигит; 3) масжидга қалби боғланган киши, яъни масжиддан чиқиб, унга қайтгунча қалби боғлиқ бўлувчи; 4) Аллоҳ йўлида дўстлашган икки киши, улар Аллоҳ йўлида жам бўлиб, Унинг йўлида ажраладилар; 5) бир киши холи ҳолда Аллоҳни эслаганида, кўзидан ёш оқса; 6) бир кишини мансаб ва ҳусну жамолда тенги йўқ аёл (ёмон ниятда) ўз нафсига чақирса, у киши Аллоҳдан қўрқаман, деб жавоб берса; 7) бир киши бирор садақа қилганда, ўша садақасини шу даражада махфий қилсаки, ўнг қўли билан берганини чап қўли сезмаса. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* سِتُّ خَصَالٍ مِنَ الْخَيْرِ: جِهَادُ أَعْدَاءِ اللَّهِ بِالسَّيْفِ، وَالصَّوْمُ فِي يَوْمِ الصَّيْفِ وَحُسْنُ الصَّبْرِ عِنْدَ الْمُصِيبَةِ، وَتَرْكُ الْمِرَاءِ وَأَنْتَ مُحِقٌّ، وَتَبَكُّيرُ الصَّلَاةِ فِي يَوْمِ الْغَيْمِ، وَحُسْنُ الْوُضُوءِ فِي أَيَّامِ الشِّتَاءِ. (رواه البيهقي عن ابن مالك الأشعري)

662. Олти хислат яхшилиқдандир: Аллоҳнинг душманларига қарши қилич билан курашиш; ёз кунларида рўза тутиш; мусибат етганида чиройли сабр қилиш; ҳақ бўла туриб, тортишувни тарк қилиш; булутли кунда намозни эрта ўқиш ва қиш кунларида таҳоратни чиройли адо этиш. Ибн Молик Ашъарий (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* سِتَّةُ أَشْيَاءَ تُحِبُّ الْأَعْمَالُ: الْإِسْتِغَالُ بِعُيُوبِ الْخَلْقِ، وَقِسْوَةُ الْقَلْبِ، وَحُبُّ الدُّنْيَا، وَقِلَّةُ الْحَيَاءِ، وَطُولُ الْأَمَلِ، وَظَالِمٌ لَا يَنْتَهِي. (رواه الديلمي عن عدي بن حاتم)

663. Олтита нарса амалларни йўққа чиқаради: халқнинг айбини қидириш билан машғул бўлиш; қалбнинг қотиши; дунё муҳаббати; ҳаёнинг озлиги; орзунинг узун бўлиши ва бардавом зулмда бўлиш. Адий ибн Ҳотам (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* سَتَكُونُ فِتْنٌ، الْقَاعِدُ فِيهَا خَيْرٌ مِنَ الْقَائِمِ، وَالْقَائِمُ فِيهَا خَيْرٌ مِنَ الْمَاشِي، وَالْمَاشِي فِيهَا خَيْرٌ مِنَ السَّاعِي. (رواه أبو هريرة)

664. Тез кунларда фитналар бўладики, ўшанда ўтирган киши тик тургандан, тик турган киши пиёда юргандан, пиёда юрган киши чопиб юргандан яхшироқ бўлиб қолади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривояти.

* سَتَكُونُ عَلَيْكُمْ أَمَّةٌ يَمْلِكُونَ أَرْزَاقَكُمْ، يُحَدِّثُونَكُمْ فَيَكْذِبُونَكُمْ، وَيَعْمَلُونَ فَيَسُبُّونَ الْعَمَلَ، لَا يَرْضَوْنَ مِنْكُمْ حَتَّى تَحْسِنُوا قِيَّحَهُمْ وَتَصَدِّقُوا كَذِبَهُمْ،

فَأَعْطَوْهُمْ الْحَقَّ مَا رَضُوا بِهِ، فَإِذَا تَجَاوَزُوا فَمَنْ قَتَلَ عَنْ ذَلِكَ فَهُوَ شَهِيدٌ.
(رواه الطبراني عن أبي سلالة)

665. Сизларнинг устингизда шундай имомлар бошлиқ бўладики, сизларнинг ризқларингизга эга бўлиб, сизларга ёлғон сўзлайдилар. Ўзлари амал қилиб, сизларнинг амалингиздан рози бўлмай, амалларингизни сўкишади, ҳатто сизлар уларнинг қабоҳатларини яхши санаб, ёлғонларини рост дейишингизни хоҳлашади. Улар рози бўладиган миқдорда ҳақларини адо қилинг. Ҳаддан ошганларида, улар билан уришиб ўлган киши шаҳиддир. Абу Сулола (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* سَخَافَةٌ بِالْمَرْءِ أَنْ يَسْتَخْدِمَ ضَيْفَهُ. (رواه الديلمي)

666. Меҳмонини хизмат қилдириш кишининг аҳмоқлигидандир. Дайлабий ривояти.

* سُرْعَةُ الْمَشْيِ تَذِيبُ بَهَاءِ الْمُؤْمِنِ. (رواه أبو نعيم)

667. Тез юриш мўминнинг гўзаллигини кетказиб қўяди. Абу Нуайм ривояти.

* سَدَّدُوا، وَقَارِبُوا، وَأَبْشَرُوا، وَاعْلَمُوا أَنَّهُ لَنْ يَدْخَلَ أَحَدُكُمْ الْجَنَّةَ عَمَلُهُ،
قَالُوا: وَلَا أَنْتَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: وَلَا أَنَا، إِلَّا أَنْ يَتَغَمَّدَنِي اللَّهُ مِنْهُ بِمَغْفِرَةٍ
وَرَحْمَةٍ، وَاعْلَمُوا أَنَّ أَحَبَّ الْعَمَلِ إِلَى اللَّهِ أَدْوَمُهُ وَإِنْ قَلَّ. (رواه الشيخان
والنسائي)

668. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Тўғри йўлга бошланглар, яқинлашинглар ва хурсандлик хабарини беринглар, билингларки, сизлардан бирортангизни амали жаннатга кирита олмайди», деганларида, саҳобалар: «Сизнинг амалингиз ҳамми, ё Аллоҳнинг Расули?» дейишди. Шунда у зот (алайҳиссалом): «Менинг ҳам амалим кирита олмайди, лекин Аллоҳнинг мағфирати ва

раҳмати ўраб олса, ундай эмас. Албатта, Аллоҳга амалларнинг энг яхшиси оз бўлса ҳам, давомли бўлганидир», дедилар. *Бухорий, Муслим ва Насоий ривояти.*

* *سَلَامَةُ الرَّجُلِ فِي الْفِتْنَةِ أَنْ يَلْزَمَ بَيْتَهُ.* (رواه الديلمي عن أبي موسى)

669. Фитналар кучайганда ўз уйидан чиқмаслик, яъни фитналарга аралашмаслик кишининг омонда қолишига кафолатдир. *Абу Мусо (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.*

* *سَاوُوا بَيْنَ أَوْلَادِكُمْ فِي الْعَطِيَةِ، فَلَوْ كُنْتَ مُفَضَّلًا أَحَدًا لَفَضَّلْتَ النِّسَاءَ.*
(رواه الطبراني)

670. Нарса улашишда фарзандларингизни тенг кўринг. Агар бирор кишини афзал тутганимда аёлларни афзал билган бўлар эдим. *Табароний ривояти.*

* *سَوُّوا صُفُوفَكُمْ، فَإِنَّ تَسْوِيَةَ الصُّفُوفِ مِنْ إِقَامَةِ الصَّلَاةِ.* (رواه الشيخان عن أنس)

671. Сафларингизни текисланг. Чунки сафни текис тутиш намозни адо этишдаги амаллардандир. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* *سَمِ اللَّهَ وَكُلَّ بَيْمِينِكَ، وَكُلَّ مِمَّا يَلِيكَ.* (رواه الشيخان)

672. Овқатланаётганда Аллоҳнинг номини зикр қил, ўнг қўл билан ва ўзингнинг олдингдан егин. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* *سَيَأْتِي عَلَيْكُمْ زَمَانٌ، لَا يَكُونُ فِيهِ شَيْءٌ أَعَزُّ مِنْ ثَلَاثَةٍ: دِرْهَمٍ حَلَالٍ، أَوْ أَخٍ يُسْتَأْنَسُ بِهِ، أَوْ سَنَةٍ يُعْمَلُ بِهَا.* (رواه الطبراني عن حذيفة)

673. Сизларга тез кунда шундай замонлар келадики, ўшанда уч нарсадан азизроқ, яъни нодир нарса бўлмайди: 1) ҳалол дирҳам; 2) дўстлашадиган биро-

дар; 3) амал қилинадиган суннат. Ҳузайфа (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* سَيِّدُ الْإِسْتِغْفَارِ أَنْ تَقُولَ: اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبِّي لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ خَلَقْتَنِي وَأَنَا عَبْدُكَ، وَأَنَا عَلَى عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ مَا اسْتَطَعْتُ أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا صَنَعْتُ، أَبُوءُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ، وَأَبُوءُ بِذَنْبِي فَاغْفِرْ لِي، فَإِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ. (رواه أحمد)

674. Қуйидаги истиғфор истиғфорлар саййидидир:

«Аллоҳумма анта роббий ла илаҳа илла анта холақта-ний ва ана ʼабдука ва ана ʼала ʼаҳдика ва ваʼдика маста-тоъту, аъзу бика мин шарри ма сонаъту абуъу лака би-ниъматика ʼалайя ва абуъу бизанбий, фағфир лий фа ин-наҳу ла яғфируз зунуба илла анта».

Маъноси: Ё Аллоҳ, Сен Раббимдирсан! Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен мени яратгансан. Мен эса Сенинг қулинг-ман. Мен қодир бўлгунимча аҳдинг ва ваъдангадирман. Қилиб қўйган нарсаларимнинг ёмонидан Сендан паноҳ тилайман. Менга берган неъматларингга иқрор бўлдим. Мени мағфират қил. Чунки сендан бошқа ҳеч ким гуноҳ-ларни кечирмайди. Аҳмад ривояти.

* سَيِّدُ الْأَيَّامِ عِنْدَ اللَّهِ: يَوْمُ الْجُمُعَةِ أَكْظَمُ مِنْ يَوْمِ النَّحْرِ وَالْفِطْرِ وَفِيهِ خَمْسٌ خِلَالِ فِيهِ خَلَقَ اللَّهُ آدَمَ، وَفِيهِ أُمِيطَ مِنَ الْجَنَّةِ إِلَى الْأَرْضِ، وَفِيهِ تُوفِّي، وَفِيهِ سَاعَةٌ لَا يَسْأَلُ الْعَبْدُ فِيهَا اللَّهَ شَيْئًا إِلَّا أَعْطَاهُ إِيَّاهُ مَا لَمْ يَسْأَلْ إِلَّا مَا - أَوْ قِطِيعَةً رَحِمَ، وَفِيهِ تَقُومُ السَّاعَةُ وَمَا مِنْ مَلِكٍ مُقَرَّبٍ، وَلَا سَمَاءٍ، وَلَا أَرْضٍ، وَلَا رِيحٍ، وَلَا جَبَلٍ، وَلَا حَجَرٍ - إِلَّا وَهُوَ مُشْفِقٌ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ. (رواه الشافعي عن سعد بن عبادَةَ)

675. Аллоҳнинг ҳузурида кунларнинг саййиди жума кунидир. У кун қурбонлик ва фитр кунларидан ҳам буюкроқдир. У кунда беш хислат бор: Одам (алайҳисса-лом) ўша куни халқ қилинган. Ўша куни жаннатдан ерга

туширилган, ўша куни вафот этган. Ўша куни бир соат борки, банда бирор нарса сўраса, берилади, модомики ўша сўрашида гуноҳни ёки қариндош-уруғларидан узилишни қасд қилмаса. Ўша жума куни қиёмат қойим бўлади. Ҳар қайси муқарраб фаришта, еру осмон, шамол, тоғ ва тош борки, жума куни қиёмат бўлиб қолармикан, деб хавфсираб чиқади. Саъд ибн Убода (розияллоҳу анҳу)дан. Шофиъий ривояти.

* سَيِّدُ الْقَوْمِ فِي السَّفَرِ خَادِمُهُمْ، فَمَنْ سَبَقَهُمْ بِخِدْمَةٍ لَمْ يَسْبِقُوهُ بِعَمَلٍ إِلَّا الشَّهَادَةَ. (رواه الحاكم عن سهل بن سعد)

676. Сафардаги қавмнинг саййиди уларнинг ходимидир. Ким биринчи бўлиб бир хизматни қилса, қолганлари бирор амал билан ундан узоқмайди. Фақат шаҳидлик билан ўзиши мумкин. Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* سَيَكُونُ فِي آخِرِ الزَّمَانِ شَرِطَةٌ يَغْدُونَ فِي غَضَبِ اللَّهِ، وَيَرُوحُونَ فِي سُخْطِ اللَّهِ، فَإِيَّاكَ أَنْ تَكُونَ مِنْ بَطَانَتِهِمْ. (رواه الطبراني)

677. Охир замонда шундай соқчилар бўладики, Аллоҳнинг ғазабини келтириб, тонг оттиришади ва У Зотни норози қилиб кеч киритишади. Сен ўшалар тоифасидан бўлишдан сақлан. Табароний ривояти.

* السَّخِيُّ قَرِيبٌ مِنَ اللَّهِ، قَرِيبٌ مِنَ النَّاسِ قَرِيبٌ مِنَ الْجَنَّةِ بَعِيدٌ مِنَ النَّارِ، وَالْبَخِيلُ بَعِيدٌ مِنَ اللَّهِ، بَعِيدٌ مِنَ النَّاسِ، بَعِيدٌ مِنَ الْجَنَّةِ، قَرِيبٌ مِنَ النَّارِ، وَالْجَاهِلُ السَّخِيُّ أَحَبُّ إِلَى اللَّهِ مِنْ عَابِدٍ بَخِيلٍ. (رواه الترمذي)

678. Сахий киши Аллоҳга яқин, одамларга яқин ва жаннатга яқин бўлиб, дўзахдан узоқдир. Бахил одам Аллоҳдан узоқ, инсонлардан узоқ, жаннатдан узоқ, дўзахга яқиндир. Сахий жоҳил Аллоҳ таолога ибодат қилувчи бахил обиддан маҳбуброқдир. Термизий ривояти.

* السَّحَاقُ بَيْنَ النِّسَاءِ زَنَا بَيْنَهُنَّ. (رواه الطبراني)

679. Аёл билан аёл кишининг жинсий алоқа қилиши зинодир. Табароний ривояти.

* السَّخَاءُ شَجَرَةٌ مِنْ أَشْجَارِ الْجَنَّةِ، أَغْصَانُهَا مُتَدَلِّياتٌ فِي الدُّنْيَا فَمَنْ أَخَذَ بِغُصْنٍ مِنْهَا قَادَهُ ذَلِكَ الْغُصْنُ إِلَى الْجَنَّةِ، وَالْبُخْلُ شَجَرَةٌ مِنْ أَشْجَارِ النَّارِ، أَغْصَانُهَا مُتَدَلِّياتٌ فِي الدُّنْيَا، فَمَنْ أَخَذَ بِغُصْنٍ مِنْهَا قَادَهُ ذَلِكَ الْغُصْنُ إِلَى النَّارِ. (رواه البيهقي)

680. Сахийлик жаннат дарахтларидан бир дарахтдир. Унинг шохлари дунёда осилиб туради. Ким ундан бирор шохни ушласа, ўша шох уни жаннатга етаклайди. Бахиллик дўзах дарахтларидан бир дарахтдир. Унинг шохлари дунёда осилиб туради. Ким ундан бирор шохни ушласа, ўша шох уни дўзахга бошлайди. Байҳақий ривояти.

* السَّعَادَةُ كُلُّ السَّعَادَةِ طَوْلُ الْعُمْرِ فِي طَاعَةِ اللَّهِ. (رواه القضاعي)

681. Аллоҳнинг тоатида умрнинг узок бўлиши саодат устига саодатдир. Кузоғий ривояти.

* السَّاعِي عَلَى الْأَرْمَلَةِ وَالْمِسْكِينِ كَالْمُجَاهِدِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، أَوْ الْقَائِمِ اللَّيْلَ الصَّائِمَ النَّهَارَ. (رواه الشيخان عن أبي هريرة)

682. Бева аёл ва мискинлар ҳолидан хабар олувчи Аллоҳ йўлидаги мужоҳидга ёки кечаси қоим, кундузи рўзадор кишига ўхшайди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* السَّفَرُ قِطْعَةٌ مِنَ الْعَذَابِ، يَمْنَعُ أَحَدَكُمْ طَعَامَهُ وَشَرَابَهُ وَنَوْمَهُ، فَإِذَا قَضَى أَحَدَكُمْ مَهْمَتَهُ، فَلْيُعْجِلِ الرُّجُوعَ إِلَى أَهْلِهِ. (رواه أبو هريرة)

683. Сафар азоб-укубатнинг бир кўринишидир. Сизлардан қайси бирингиз сафарга чиқса, озиқ-овқати,

ичимлиги ва уйқудан тўла баҳраманд бўлмайди. Бинобарин ҳар бирингиз ишини бажариб бўлгач, зудлик билан аҳл-оиласига қайтсин. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.*

* السُّلْطَانُ ظَلَّ اللَّهَ فِي الْأَرْضِ، يَأْوِي إِلَيْهِ الضَّعِيفُ، وَبِهِ يَنْتَصِرُ الْمَظْلُومُ. وَمَنْ أَكْرَمَ سُلْطَانُ اللَّهِ فِي الدُّنْيَا أَكْرَمَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه ابن النجار عن أبي هريرة)

684. Султон Аллоҳнинг ердаги соясидир. Унинг ҳузуридан заифлар бошпана топиб, мазлумлар ғолиб бўлади. Ким дунёда Аллоҳнинг султонларини ҳурмат қилса, Аллоҳ ҳам қиёмат куни уни ҳурмат қилади. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Нажжор ривояти.*

* السَّوَاكُ مَطْهَرَةٌ لِلْفَمِ، مَرْضَاةٌ لِلرَّبِّ، مَجْلَاةٌ لِلْبَصَرِ. (رواه الطبراني)

685. Мисвок оғизни поклаб, Раббни рози қилиб, кўзни нурлантиради. *Табароний ривояти.*

* السَّلَامُ قَبْلَ السُّؤَالِ، فَمَنْ بَدَأَكُمْ بِالسُّؤَالِ قَبْلَ السَّلَامِ فَلَا تَجِيبُوهُ. (رواه ابن النجار عن عمر)

686. Савол беришдан олдин салом лозим. Кимки саломдан олдин савол бошласа, саволига жавоб берманглар. *Умар (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Нажжор ривояти.*

* السَّلَامُ اسْمٌ مِنْ أَسْمَاءِ اللَّهِ، وَضَعَهُ فِي الْأَرْضِ، فَأَفْشَوْهُ بَيْنَكُمْ، فَإِنَّ الرَّجُلَ الْمُسْلِمَ إِذَا مَرَّ بِقَوْمٍ فَسَلَّمَ عَلَيْهِمْ فَرَدُّوا عَلَيْهِ كَانَ لَهُ عَلَيْهِمْ فَضْلٌ دَرَجَةٍ بِتَذْكِرِهِ إِيَّاهُمْ السَّلَامُ، فَإِنْ لَمْ يَرُدُّوا عَلَيْهِ، رَدَّ عَلَيْهِ مَنْ هُوَ خَيْرٌ مِنْهُمْ وَأَطْيَبُ. (رواه البيهقي عن ابن مسعود)

687. Салом Аллоҳнинг исмларидан бири бўлиб, У Зот уни ерга қўйгандир. Шундай экан, сизлар уни оралари-

нгизда ёйинглар. Чунки мусулмон киши бир қавм олди-дан ўтиб, уларга салом берса, улар унга алик олишса, бу салом берган кишининг саломни эслатгани учун даражаси юқори бўлади. Агар улар саломга алик олишмаса, у қавмдан яхшироқ ва покрок, яъни фаришталар жамоаси алик олишади. *Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* السَّمْعُ وَالطَّاعَةُ عَلَى الْمَرْءِ الْمُسْلِمِ فِيمَا أَحَبَّ أَوْ كَرِهَ، مَا لَمْ يُؤْمَرْ بِمَعْصِيَةٍ، فَإِذَا أُمِرَ بِمَعْصِيَةٍ، فَلَا تَسْمَعُ عَلَيْهِ وَلَا طَاعَةَ. (رواه البخاري ومسلم عن ابن عمر)

688. Мусулмон киши яхши ва қариҳ (ёмон) кўрган нарсасида, эшитиб, итоат қилиши зарур, модомики гуноҳ қилишга буюрилмаса. Агар мабодо гуноҳ ишни бажаришга буюрилса, қулоқ тутиш ҳам, итоат ҳам лозим эмас. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* السُّنَّةُ سُنَّتَانِ: سُنَّةٌ فِي فَرِيضَةٍ، وَسُنَّةٌ فِي غَيْرِ فَرِيضَةٍ. فَالسُّنَّةُ الَّتِي فِي الْفَرِيضَةِ: أَصْلُهَا فِي كِتَابِ اللَّهِ تَعَالَى: أَخْذُهَا هَدًى، وَتَرْكُهَا ضَلَالَةٌ، وَالسُّنَّةُ الَّتِي لَيْسَ أَصْلُهَا فِي كِتَابِ اللَّهِ تَعَالَى: الْأَخْذُ بِهَا فَضِيلَةٌ وَتَرْكُهَا لَيْسَ بِخَطِيئَةٍ. (رواه الطبراني)

689. Суннат икки хил бўлади: 1) фарз ичидаги суннат; 2) фарз бўлмаган суннат. Фарз ичидаги суннатнинг асли Аллоҳнинг Китобидадир. Уни ушлаб, амал қилиш ҳидоят, тарк этиш эса, залолатдир. Асли Аллоҳнинг Китобида бўлмаган суннатга амал қилиш фазилат, уни тарк қилиш эса, хато ҳисобланмайди. *Табароний ривояти.*

шин ҳарфи (ش) – حرف الشين

* شَابٌ سَخِيٌّ حَسَنُ الْخُلُقِ أَحَبُّ إِلَى اللَّهِ مِنْ شَيْخٍ بَخِيلٍ عَابِدٍ سَيِّئِ الْخُلُقِ. (رواه الديلمي عن ابن عباس)

690. Чиройли ҳулқли сахий йигит Аллоҳ таолога ёмон ҳулқли, кекса ёшли бахил обиддан яхшироқдир. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Дайлабий ривояти.

* شَاهِدُ الزُّورِ لَا تَزُولُ قَدَمَاهُ حَتَّى يُوجِبَ اللَّهُ لَهُ النَّارَ. (رواه الحاكم)

691. Ёлғон гувоҳлик берувчига икки қадам босмай туриб, Аллоҳ таоло унга дўзахни вожиб этади. Ҳоким ривояти.

* شَرُّ الْمَجَالِسِ الْأَسْوَاقُ وَالطَّرُقُ، وَخَيْرُ الْمَجَالِسِ الْمَسَاجِدُ، فَإِنْ لَمْ تَجْلِسْ فِي الْمَسْجِدِ فَالزَّمْ بَيْتَكَ. (رواه الطبراني عن واثلة)

692. Ўтирадиган жойларнинг энг ёмони бозорлар ва йўллардир. Ўтирадиган ерларнинг яхшиси эса, масжидлардир. Агар масжидда ўтирмасанг, уйингда ўтиришни лозим топ. Восила (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* شِعَارُ الْمُؤْمِنِ عَلَى الصِّرَاطِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ (رَبِّ سَلِّمْ سَلِّمْ). (رواه الترمذي عن المغيرة)

693. Қиёмат куни сирот кўприги устидаги мўминнинг шиори: «Ё Раббим, омонда қил! Омонда қил!» сўзидир. Муғийра (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* شِعَارُ الْمُؤْمِنِينَ يَوْمَ يُبْعَثُونَ مِنْ قُبُورِهِمْ (لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ). (رواه ابن مردويه عن عائشة)

694. Қабрларидан қайта тириладиган кундаги мўминларнинг шиори: «Ла илаҳа иллаллоҳ ва ʼалаллоҳи фалятаваккалил муъминун», калимасидир. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Ибн Мардавайҳ ривояти.

* شَفَاعَتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَقٌّ، فَمَنْ لَمْ يُؤْمِنْ بِهَا لَمْ يَكُنْ مِنْ أَهْلِهَا. (رواه ابن منيع عن زيد بن أرقم)

695. Қиёмат куни шафоатчи бўлишим ҳақдир. Ким бунга имон келтирмаса, ўша шафоат аҳлидан бўлмайдиган (яъни, унга эришмайдиган). Зайд ибн Арқам (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Маниъ ривояти.

* شَهْرُ رَمَضَانَ مُعَلَّقٌ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ، لَا يُرْفَعُ إِلَى اللَّهِ إِلَّا بِزَكَاةِ الْفِطْرِ. (رواه ابن شاهين عن جرير)

696. Рамазон оyi ер билан осмон оралигида муаллақдир. У Аллоҳ таолога фитр закоти (садақаси) берилмагунча кўтарилмайдиган. Жарир (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Шоҳин ривояти.

* الشُّهَدَاءُ خَمْسَةٌ: الْمَطْعُونُ، وَالْمَبْطُونُ، وَالْغَرِيقُ، وَصَاحِبُ الْهَدْمِ، وَالشَّهِيدُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

697. Шаҳидлар беш тоифадир 1. Вабо сабабли ўлган. 2. Қорни оғриб ўлган. 3. Сувга ғарқ бўлиб ўлган. 4. Уй остида қолиб ўлган. 5. Аллоҳ йўлида вафот этган. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الشَّهْرُ تِسْعٌ وَعِشْرُونَ فَلَا تَصُومُوا حَتَّى تَرَوْهُ، وَلَا تَفْطَرُوا حَتَّى تَرَوْهُ فَإِنْ غَمَّ عَلَيْكُمْ فَأَكْمِلُوا الْعِدَّةَ ثَلَاثِينَ يَوْمًا. (رواه البخاري ومسلم عن ابن عمر)

698. Ой йигирма тўққиз кунлик бўлса, токи янги ойни кўрмагунча рўза тутишни бошламанглар. Оғиз очиб юришни ҳам янги ойни кўрмагунча бошламанглар.

Агар кун булутли бўлса, ўттиз кунга етказиб, мукаммал қилинглар. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

СОД ҲАРФИ (ص) – حرف الصاد

* صَاحِبُ الدِّينِ مَأْسُورٌ بِدِينِهِ فِي قَبْرِهِ: يَشْكُو إِلَى اللَّهِ الْوَحْدَةَ. (رواه الطبراني عن البراء)

699. Қарздор киши қарзи сабабли қабрда асирдир. У ёлғизликдан Аллоҳга шикоят қилади. Баро (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* صَاحِبُ الدِّينِ مَغْلُولٌ فِي قَبْرِهِ لَا يَفْكُهُ إِلَّا قَضَاءُ دِينِهِ. (رواه الديلمي عن أبي سعد الخدري)

700. Қарздор киши қабрида қўли бўйнига боғлиқ ҳолда бўлади. Қарзи узилмагунча қўли ҳам ечилмайди. Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* صَاحِبُ الْيَمِينِ أَمِيرٌ عَلَى صَاحِبِ الشَّمَالِ، فَإِذَا عَمَلَ الْعَبْدُ حَسَنَةً كَتَبَهَا بَعَشْرَ أَمْثَالِهَا، وَإِذَا عَمَلَ سَيِّئَةً فَأَرَادَ صَاحِبُ الشَّمَالِ أَنْ يَكْتُبَهَا، قَالَ لَهُ صَاحِبُ الْيَمِينِ: أَمْسِكْ، فَيُمْسِكُ سِتَّ سَاعَاتٍ، فَإِنْ اسْتَغْفَرَ اللَّهُ مِنْهَا، لَمْ يَكْتُبْ عَلَيْهِ شَيْئًا، وَإِنْ لَمْ يَسْتَغْفِرِ اللَّهُ كَتَبَ عَلَيْهِ سَيِّئَةً وَاحِدَةً. (رواه البيهقي عن أمانة)

701. Ўнг елкадаги фаришта чап елкадаги фариштага амирдир. Агар банда бирор яхшилик қилса, уни ўн баробарида ошириб ёзади. Борди-ю, банда ёмон амал қилса, чап елкадаги фаришта ёзмоқчи бўлса, ўнг елкадаги фаришта унга: «Тўхтаб тур», деб уни олти соат ушлаб туради. Агар шу муддат ичида Аллоҳга истиғфор айтиб, гу-

ноҳи кечирилишини сўраса, у гуноҳидан бирор нарса ёзмайди. Агар Аллоҳга истиғфор айтмаса, битта гуноҳ қилди, деб ёзиб қўяди. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* صَغَارُكُمْ دَعَامِصُ الْجَنَّةِ، يَتَلَقَّى أَحَدُهُمْ أَبَاهُ فَيَأْخُذُ بِثَوْبِهِ فَلَا يَنْتَهِي حَتَّى يَدْخُلَهُ اللَّهُ وَأَبَاهُ الْجَنَّةَ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ)

702. Кичкинтойларингиз жаннат қушчаларидир. Ўша кичкинтойларингиздан бири охиратда отасини учратиб қолади-да, унинг кийимидан ушлаб юраверади. Ҳатто Аллоҳ уни ва отасини жаннатга киритади. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Муслим ривояти.

* صَلِّ مَنْ قَطَعَكَ، وَأَحْسِنْ إِلَى مَنْ أَسَاءَ إِلَيْكَ وَقُلِ الْحَقَّ وَلَوْ عَلَى نَفْسِكَ. (رواه ابن النجار)

703. Алоқани узганлар билан боғлан. Сенга ёмонлик қилганларга яхшилик қилавер. Ўзингга (қарши) бўлса ҳам, ҳақни айт. Ибн Нажжор ривояти.

* صَلِّ صَلَاةَ مُودَعٍ، وَاعْبُدِ اللَّهَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ، فَإِنْ كُنْتَ لَا تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ وَأَيُّسُ مِمَّا فِي أَيْدِي النَّاسِ تَعِشْ غَنِيًّا، وَإِيَّاكَ وَمَا يُعْتَدِرُ مِنْهُ. (رواه ابن النجار عن ابن عمر)

704. Намозни видолашувчи каби ўқи. Аллоҳга У Зотни кўриб тургандек ибодат қил. Агар сен У Зотни кўрмаётган бўлсанг, У Зот сени кўриб турибди. Одамлар қўлидаги нарсадан беҳожат бўл, ўшанда бой яшайсан. Узр айтиладиган нарсадан четлан. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Нажжор ривояти.

* صَلَاةٌ فِي مَسْجِدِي هَذَا خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ صَلَاةٍ فِيمَا سِوَاهُ، إِلَّا الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

705. Менинг бу масжидимда ўқилган намоз бошқа масжидда ўқилган мингта намоздан яхшироқдир. Масжидул Ҳаромдан бошқа. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

صَلَاةُ الرَّحْمِ، وَحُسْنُ الْخُلُقِ، وَحُسْنُ الْجَوَارِ، يُعَمِّرُنَ الدِّيَارَ، وَيَزِدْنَ فِي الْأَعْمَارِ. (رواه أحمد)

706. Қариндошлар билан алоқани боғлаш, чиройли хулқ ва чиройли қўшничилик қилиш билан диёрлар обод, умрлар зиёда бўлади. Аҳмад ривояти.

* صَلَاةُ الْجَمَاعَةِ تَفْضُلُ صَلَاةِ الْفَذِّ بِسَبْعٍ وَعِشْرِينَ دَرَجَةً. (رواه البخاري ومسلم عن ابن عمر)

707. Жамоат билан ўқилган намоз якка ўқилган намоздан йигирма етти даража афзалдир. Бухорий ва Муслим ривояти.

* صَنَائِعُ الْمَعْرُوفِ تَقَى مَصَارِعَ الشُّوْءِ، وَالصَّدَقَةُ خَفِيًّا تُطْفِئُ غَضَبَ الرَّبِّ، وَصَلَاةُ الرَّحْمِ تَزِيدُ الْعُمْرَ، وَكُلُّ مَعْرُوفٍ صَدَقَةٌ وَأَهْلُ الْمَعْرُوفِ فِي الدُّنْيَا، هُمْ أَهْلُ الْمَعْرُوفِ فِي الْآخِرَةِ وَأَهْلُ الْمُنْكَرِ فِي الدُّنْيَا، هُمْ أَهْلُ الْمُنْكَرِ فِي الْآخِرَةِ، وَأَوَّلُ مَنْ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ أَهْلُ الْمَعْرُوفِ. (رواه الطبراني عن أم سلمة)

708. Яхшилик қилувчиларнинг ўша яхшиликлари ёмонлик фожиасидан сақлайди. Махфий садақа Раббнинг ғазабини ўчиради. Силаи раҳм, яъни қариндошлар билан алоқани давом эттириш умрни зиёда қилади. Ҳар бир яхшилик садақадир. Дунёдаги яхшилик аҳли охиратда ҳам яхшилик аҳлидир. Дунёдаги ёмонлик аҳли охиратда ҳам ёмонлик аҳлидир. Жаннатга энг аввал кирувчилар яхшилик аҳлидир. Умму Салама (розияллоҳу анҳо)дан. Табароний ривояти.

* صَنَفَانِ مِنَ أَهْلِ النَّارِ، لَمْ أَرَهُمَا بَعْدُ: قَوْمٌ مَعَهُمْ سَيَاطٌ كَأَذْنَابِ الْبَقَرِ، يَضْرِبُونَ بِهَا النَّاسَ، وَنِسَاءٌ كَاسِيَّاتٍ، عَارِيَّاتٍ، مُمِيلَاتٍ، مَائِلَاتٍ، رُءُوسُهُنَّ كَأَسْنِمَةِ الْبُخْتِ، الْمَائِلَةِ لَا يَدْخُلْنَ الْجَنَّةَ، وَلَا يَجِدْنَ رِيحَهَا وَإِنَّ رِيحَهَا لَيُوجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ كَذَا وَكَذَا. (رواه أحمد عن أبي هريرة)

709. Икки тоифа борки, улар дўзах аҳлидандирлар. Ҳалигача у икковини кўрмадим. Бири шундай қавм-ки, уларда сигирнинг думига ўхшаш қамчилари бўлади. Ўша қамчилари билан одамларни уришади. Иккинчиси зийнатли либосларни кийиб, тақво либосини ечиб, тоатдан ўзини четга олиб, қалбларни ром этувчи аёллар бўладикки, уларнинг бошлари эгилиб турган туя ўркачига ўхшайди. Улар жаннатга киришмайди ва унинг ҳидини ҳам ҳидлашмайди. Чунки унинг ҳиди шунча ва шунча, яъни узоқ юрилганда топилади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* صَوْتَانِ مَلْعُونَانِ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ: مِزْمَارٌ عِنْدَ نِعْمَةٍ وَرَنَةٌ عِنْدَ مُصِيبَةٍ. (رواه البزار عن أنس)

710. Икки овоз борки, дунё ва охиратда лаънатлангандир. 1. Маросимда бурғу чалиш. 2. Мусибатда жарангдор мусиқа қўйиш. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Баззор ривояти.

* صُومُوا لِرُؤْيَيْهِ وَأَفْطِرُوا لِرُؤْيَيْهِ فَإِنْ غُمَّ عَلَيْكُمْ فَأَكْمِلُوا عِدَّةَ شَعْبَانَ ثَلَاثِينَ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

711. Янги ойни кўриб рўза тутинглар ва янги ойни кўриб оғиз очинглар. Агар булутли кун бўлса, шаъбон ойини ўттиз кун қилиб, мукаммал бўлгандан кейин рўза тутишни бошланглар. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الصَّمْتُ سَيِّدُ الْأَخْلَاقِ، وَمَنْ مَزَحَ اسْتُخِفَّ بِهِ. (رواه الديلمي عن أنس)

712. Сукут қилиб, гапирмаслик хулқларнинг энг саййидидир. Ким мазахчи бўлса, унга паст назар билан қаралади. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* الصَّلَاةُ فِي جَمَاعَةٍ تَعْدُلُ خَمْسًا وَعَشْرِينَ صَلَاةً، فَإِذَا صَلَّاهَا فِي فَلَاةٍ فَأَتَمَّ رُكُوعَهَا وَسُجُودَهَا بَلَغَتْ خَمْسِينَ صَلَاةً. (رواه الحاكم عن أبي سعيد)

713. Жамоатда ўқилган намоз йигирма бешта намозга баробар келади. Агар саҳрода намозни жамоат ила ўқиб, руку ва саждаларини мукаммал бажарса, эллик маҳал намозга етади. Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* الصَّلَاةُ عِمَادُ الدِّينِ، الصَّلَاةُ مِفْتَاحُ كُلِّ خَيْرٍ. (رواه الطبراني)

714. Намоз диннинг устунидир. Намоз барча яхшиликлар калитидир. Табароний ривояти.

الصَّلَاةُ فِي الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ بِمِائَةِ أَلْفِ صَلَاةٍ، وَالصَّلَاةُ فِي مَسْجِدِي بِالْفِ صَلَاةٍ وَالصَّلَاةُ فِي بَيْتِ الْمَقْدِسِ بِخَمْسِمِائَةِ صَلَاةٍ. (رواه الطبراني)

715. Масжидул Ҳаромда ўқилган намоз (савоби) юз минг намоз (савоби) кабидир. Менинг масжидимда ўқилган намоз (савоби) минг намоз (савоби) сингаридир. Байтул Макдисда ўқилган намоз (савоби) беш юз намоз (савоби) кабидир. Табароний ривояти.

* الصَّلَاةُ عَلَى نُورٍ عَلَى الصِّرَاطِ فَمَنْ صَلَّى عَلَى يَوْمِ الْجُمُعَةِ ثَمَانِينَ مَرَّةً غُفِرَتْ لَهُ ذُنُوبُ ثَمَانِينَ عَامًا. (رواه الدارقطني عن أبي هريرة)

716. Салавотлар сирот кўприги устида менга нур бўлади. Ким менга жума куни саксон марта салавот айтса, саксон йиллик гуноҳи кечирилади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Дорақутний ривояти.

* الصَّيَّامُ وَالْقُرْآنُ يَشْفَعَانِ لِلْعَبْدِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، يَقُولُ الصَّيَّامُ: أَيُّ رَبِّ إِنِّي مَنَعْتُهُ الطَّعَامَ وَالشَّهَوَاتِ بِالنَّهَارِ فَشَفَعْنِي فِيهِ. وَيَقُولُ الْقُرْآنُ: رَبِّ مَنَعْتُهُ النَّوْمَ بِاللَّيْلِ فَشَفَعْنِي فِيهِ فَيُشَفَّعَانِ. (رواه البيهقي عن ابن عمر)

717. Рўза ва Қуръон қиёмат куни банда учун шафоатчи бўлишади. Рўза: «Ё Рабб! Мен уни кундузи овқат ва шахватдан ман этдим. Мени унга шафоатчи қил!», дейди. Қуръон: «Мен уни кечаси ухлашдан ман этдим. Мени унга шафоатчи қил» дейди. Бас, у икковларига шафоат ато этилади. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Байҳақий ривояти.

* الصَّدَقَةُ عَلَى وَجْهِهَا، وَاضْطِنَاعُ الْمَعْرُوفِ، وَبِرُّ الْوَالِدَيْنِ، وَصَلَةُ الرَّحِمِ تَحُولُ الشَّقَاءَ سَعَادَةً، وَتَزِيدُ فِي الْعُمُرِ، وَتَقِي مَصَارِعَ الشُّوءِ. (رواه أبو نعيم)

718. Садақани ўз ўрнига сарфлаш, яхшиликни бажо келтириш, ота-онага яхшилик қилиш, қариндош-уруғлар билан алоқаларини тиклаш бадбахтликни саодатга ўгириб, умрни зиёдалаштиради ва ёмонлик ҳалокатидан сақлайди. Абу Нуайм ривояти.

* الصَّبْرُ عِنْدَ الصَّدْمَةِ الْأُولَى. (رواه البخاري ومسلم عن أنس)

719. Мусибатнинг аввалги лаҳзасида сабр қилиш ҳақиқий сабрдир. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الصَّيَّامُ جُنَّةٌ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

720. Рўза ҳар хил ёмонликлардан қалқондир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

ЗОД ҲАРФИ (ض) – حرف الضاد

* صَعَّ يَمِينِكَ عَلَى الْمَكَانِ الَّذِي تَشْتَكِي، فَامْسَحْ بِهَا سَبْعَ مَرَّاتٍ، وَقُلْ: (أَعُوذُ بِعِزَّةِ اللَّهِ وَقُدْرَتِهِ مِنْ شَرِّ مَا أَجِدُ) فِي كُلِّ مَسْحَةٍ. (رواه الطبراني عن عثمان بن أبي العاص الثقفي)

721. Бирор жойинг оғриси, ўнг қўлингни ўша ерга қўйиб, етти марта суртиб, ҳар суртишда ушбу дуони ўқи: «Аъузи биъиззатиллаҳи ва қудротихи мин шарри ма ажиду». (Яъни: Аллоҳнинг азизлиги ва улуғлиги ила ўзимда топилган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ тилайман). Усмон ибн Абул Ос Сақафий (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* صَعُّوا السَّوْطَ حَيْثُ يَرَاهُ الْخَادِمُ. (رواه البزار عن ابن عباس)

722. Қамчингизни ходим кўзи тушадиган жойга қўйинглар. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Баззор ривояти.

Фойда: Қамчига кўзи тушиб турса, айтганларингизни ўз вақтида бажаради.

* الضَّحْكُ فِي الْمَسْجِدِ ظُلْمَةٌ فِي الْقَبْرِ. (رواه الديلمي عن أنس)

723. Масжиддаги кулги қабрдаги зулматдир. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* الضَّحْكُ ضَحْكَانِ، ضَحْكٌ يُحِبُّهُ اللَّهُ، وَضَحْكٌ يَمَقُّتُهُ اللَّهُ. فَأَمَّا الضَّحْكُ الَّذِي يُحِبُّهُ اللَّهُ، فَالرَّجُلُ يَكْشُرُ فِي وَجْهِ أَخِيهِ حَدَاثَةَ عَهْدٍ بِهِ وَشَوْقًا إِلَى رُؤْيَيْهِ، وَأَمَّا الضَّحْكُ الَّذِي يَمَقُّتُ اللَّهُ تَعَالَى عَلَيْهِ فَالرَّجُلُ يَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ الْجَفَاءِ أَوْ الْبَاطِلِ، لِيَضْحَكَ أَوْ يُضْحَكَ يَهْوَى بِهَا فِي جَهَنَّمَ سَبْعِينَ خَرِيفًا. (رواه الحسن البصري مرسلًا)

724. Кулги икки хил бўлади. Бирини Аллоҳ яхши кўради. Иккинчисини Аллоҳ ёмон кўради. Аллоҳ яхши кўрадигани – бир киши янги танишган дўстини кўрганида юзига қараб хурсанд бўлиб кулса, Аллоҳ ёмон кўрадигани – бир киши кулдириш учун ботил сўзни гапирса, ўша сабабли жаҳаннамга етмиш йил шўнғийди. *Ҳасан Басрий (раҳимаҳуллоҳ) мурсал ҳолатда қилган ривоят.*

* الضَّيْفَةُ ثَلَاثَةُ أَيَّامٍ، جَائِزَتُهُ يَوْمٌ وَلَيْلَةٌ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيَقُلْ خَيْرًا أَوْ لَيْسَ كُتُ. (رواه البخاري ومسلم)

725. Зиёфат уч кундир. Жоизлиги, яъни ўртачаси бир кеча ва кундуз. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса, меҳмонини ҳурмат қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса, яхши сўзни гапирсин ёки жим турсин. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* الضَّيْفُ يَأْتِي بِرِزْقِهِ، وَيَرْتَحِلُ بِذُنُوبِ الْقَوْمِ يَمَحُصُ عَنْهُمْ ذُنُوبَهُمْ. (رواه أبو الشيخ عن أبي الدرداء)

726. Меҳмон ўз ризқи билан келиб, (зиёфат берган) қавмнинг гуноҳларини олиб кетади. (Шу зиёфат боис Аллоҳ таоло) улардан гуноҳларини тозалайди. *Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Шайх ривояти.*

ط - ТО ҲАРФИ – حرف الطاء

* طَاعَةُ النِّسَاءِ نَدَامَةٌ. (رواه ابن عساكر عن السيدة عائشة)

727. Аёлларга итоат қилиш надоматдир. *Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Ибн Асокир ривояти.*

* طَاعَةُ اللَّهِ طَاعَةُ الْوَالِدِ، وَمَعْصِيَةُ اللَّهِ مَعْصِيَةُ الْوَالِدِ. (رواه الطبراني)

728. Отага итоат қилиш – Аллоҳга итоат этишдир, отага осийлик қилиш – Аллоҳга осийлик этишдир. *Табароний ривояти.*

* طَعَامُ الْإِثْمَيْنِ كَافِي الثَّلَاثَةِ، وَطَعَامُ الثَّلَاثَةِ كَافِي الْأَرْبَعَةِ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

729. Икки кишилик овқат уч кишига етади. Уч кишилик овқат тўрт кишига кифоя қилади. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* طَالِبُ الْعِلْمِ طَالِبُ الرَّحْمَةِ، طَالِبُ الْعِلْمِ رُكْنُ الْإِسْلَامِ وَيُعْطَى أَجْرُهُ مَعَ النَّبِيِّينَ. (عن أنس)

730. Илм талабидаги киши раҳмат талабидадир. Илм талабидаги киши Ислом руқни талабидадир. Уларнинг ажрлари набийлар ажри билан биргадир. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.*

* طَعَامُ الْمُؤْمِنِينَ فِي زَمَنِ الدَّجَالِ طَعَامُ الْمَلَائِكَةِ التَّسْبِيحِ وَالتَّقْدِيسِ، فَمَنْ كَانَ مِنْطَقُهُ يَوْمَئِذٍ التَّسْبِيحِ وَالتَّقْدِيسِ أَذْهَبَ اللَّهُ عَنْهُ الْجُوعَ. (رواه الحاكم عن ابن عمر)

731. Дажжол замонида мўминларнинг таоми фаришталар таоми каби тасбеҳ ва Аллоҳни улуғлашдир. Ўша куни кимнинг гапиргани тасбеҳ ва Аллоҳни улуғлаш бўлса, Аллоҳ ундан очликни кетказади. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Ҳоким ривояти.*

* طَلِبُ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ، وَإِنَّ طَالِبَ الْعِلْمِ يَسْتَغْفِرُ لَهُ كُلَّ شَيْءٍ حَتَّى الْحَيَاتَانِ فِي الْبَحْرِ. (رواه ابن عبد البر عن أنس)

732. Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир. Албатта, илм талабидаги кишига ҳар бир нарса истиғфор

айтади. Ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Абдулбарр ривояти.

* طَلَبُ الْعِلْمِ أَفْضَلُ عِنْدَ اللَّهِ مِنَ الصَّلَاةِ، وَالصَّيَامِ، وَالْحَجِّ وَالْجِهَادِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ. (رواه الديلمي)

733. Илм талаб қилиш Аллоҳнинг ҳузурида намоз, рўза, ҳаж ва Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан ҳам афзалдир. Дайлабий ривояти.

* طَهَّرُوا هَذِهِ الْأَجْسَادَ طَهَّرَكُمُ اللَّهُ، فَإِنَّهُ لَيْسَ عَبْدٌ بَيِّتٌ طَاهِرًا إِلَّا بَاتَ مَعَهُ مَلَكٌ فِي شِعَارِهِ لَا يَتَقَلَّبُ سَاعَةً مِنَ اللَّيْلِ إِلَّا قَالَ: اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِعَبْدِكَ، فَإِنَّهُ بَاتَ طَاهِرًا. (رواه الطبراني عن ابن عمر)

734. Бу жасадларни покланглар, Аллоҳ сизларни покласин. Чунки бирор банда пок ҳолда тунаса, фаришта-лар у билан бирга устки кўйлагиди тунашади. У тунги соатларнинг бирида ён томонига ағдарилса, ўша фаришталар: «Ё Аллоҳ, бандангни кечиргин, чунки у пок ҳолда тунаган», дейди. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* طُوبَى لِلْمُخْلِصِينَ، أُولَئِكَ مَصَابِيحُ الْهُدَى. تَنْجَلِي عَنْهُمْ كُلَّ فِتْنَةٍ ظَلَمَاءَ. (رواه أبو نعيم عن ثوبان)

735. Мухлис бандаларга мунча ҳам яхши, улар ҳидоят чироқларидир. Улар туфайли барча фитна зулматлари ёришади. Савбон (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.

* طُوبَى لِلْسَّابِقِينَ إِلَى ظِلِّ اللَّهِ الَّذِينَ إِذَا أُعْطُوا الْحَقَّ قَبِلُوهُ وَإِذَا سُئِلُوا بِذَلُولِهِ، وَالَّذِينَ يَحْكُمُونَ لِلنَّاسِ كَحُكْمِهِمْ لِأَنْفُسِهِمْ. (رواه الحكيم عن عائشة)

736. Аллоҳнинг соясига пешқадам бўлганларга мунча ҳам яхши. Улар шундай кишиларки, ҳақ нарсга кўрсатил-

са, қабул қилишади. Ҳақ нарса сўралса, беришади. Бошқа инсонларга ҳам худди ўзларига ҳукм қилгандек ҳукм қилишади. Ҳазрат Ойша (розиаллоҳу анҳо)дан. Ҳаким ривояти.

* طُوبَى لِمَنْ بَاتَ حَاجًّا وَأَصْبَحَ غَازِيًّا، رَجُلٌ مَسْتُورٌ ذُو عِيَالٍ مُتَعَفِّفٌ قَانِعٌ بِالْيَسِيرِ مِنَ الدُّنْيَا يَدْخُلُ عَلَيْهِمْ ضَاحِكًا، وَيَخْرُجُ مِنْهُمْ ضَاحِكًا، فَوَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، إِنَّهُمْ الْحَاجُّونَ الْغَازُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ. (رواه الديلمي عن أبي هريرة)

737. Ҳожи бўлган ҳолда тунаб, ғозий бўлган ҳолда тонг оттирганларга мунча ҳам яхши. У шундай кишики, софдил, болалари кўп, камтар ва дунёдан озига қаноат қилувчи, уйига кулган ҳолда кириб, кулган ҳолда чиқади. Менинг жоним измида бўлган Зотга қасамки, ана ўша кишилар Аллоҳ азза ва жалла йўлида ғазот ва ҳаж қилувчилардир. Абу Ҳурайра (розиаллоҳу анҳо)дан. Дайлабий ривояти.

* طُوبَى لِمَنْ تَوَاضَعَ فِي غَيْرِ مَنْقَصَةٍ وَذَلَّ فِي نَفْسِهِ مِنْ غَيْرِ مَسْكَنَةٍ، وَأَنْفَقَ مِنْ مَالٍ جَمَعَهُ فِي غَيْرِ مَعْصِيَةٍ، وَخَالَطَ أَهْلَ الْفَقْهِ وَالْحِكْمَةِ، وَرَحِمَ أَهْلَ الدَّلِّ وَالْمَسْكَنَةِ، طُوبَى لِمَنْ ذَلَّتْ نَفْسُهُ، وَطَابَ كَسْبُهُ، وَحَسُنَتْ سَرِيرَتُهُ، وَكُرِمَتْ عَلَانِيَتُهُ، وَعُزِّلَ عَنِ النَّاسِ شَرُّهُ، طُوبَى لِمَنْ عَمِلَ بِعِلْمِهِ، وَأَنْفَقَ الْفَضْلَ مِنْ مَالِهِ، وَأَمْسَكَ الْفَضْلَ مِنْ قَوْلِهِ. (رواه البخاري)

738. Масхара бўлмасдан, тавозе қилган кишига, ҳақир бўлмасдан, ўзини хўр тутган одамга, гуноҳ қилмасдан, молини инфоқ этган кишига, фикҳ ва ҳикмат аҳлига араллашиб юрган инсонга ва қийналиб қолган, хўрланган кишиларга раҳм айлаганларга мунча ҳам яхши. Нафсини хўр тутиб, касби ҳалол, ичи яхши, усти олижаноб ва ёмонлигидан одамлар йироқда турган кишига мунча ҳам яхши. Илмига амал этиб, молидан ортиқчасини ин-

фоқ қилиб, сўзининг ортиқчасини гапирмай ушлаб турган кишига мунча ҳам яхши. *Бухорий ривояти.*

* طُوبَى لِمَنْ شَغَلَهُ عَيْبُهُ عَنْ عُيُوبِ النَّاسِ، وَأَنْفَقَ الْفَضْلَ مِنْ مَالِهِ وَأَمْسَكَ الْفَضْلَ مِنْ قَوْلِهِ، وَوَسَّعَتُهُ السُّنَّةَ، فَلَمْ يَعْدِلْ عَنْهَا إِلَى الْبِدْعَةِ. (رواه الديلمي عن أنس)

739. Одамлар айбини ташлаб, ўзининг камчилиги билан машғул бўлган кишига, молидан ортиқчасини инфоқ қилган одамга, сўзидан ортиқчасини ушлаб, гапирмай юрган кишига ва суннатда кенгайиб, бидъатга ўтиб кетмаган инсонга мунча ҳам яхши. *Анас (розияллоҳу анҳу) дан. Дайлабий ривояти.*

* طُوبَى لِمَنْ مَلَكَ لِسَانَهُ، وَوَسَّعَهُ بَيْتَهُ، وَبَكَى عَلَى خَطِيئَتِهِ. (رواه الطبراني عن ثوبان)

740. Тилини тийиб, уйидаги рўзғорини кенг қилиб, яъни керакли нарсаларни муҳайё этиб, хатосига йиғлаган кишига мунча ҳам яхши. *Савбон (розияллоҳу анҳу) дан. Табароний ривояти.*

* طُوبَى لِمَنْ وَجَدَ فِي صَحِيفَتِهِ اسْتِغْفَارًا كَثِيرًا. (رواه ابن ماجه)

741. Қиёмат куни ўз саҳифасида кўп истиғфор топган кишига мунча ҳам яхши. *Ибн Можа ривояти.*

* طُوبَى شَجَرَةٍ فِي الْجَنَّةِ، مَسِيرَةُ مِائَةِ عَامٍ، ثِيَابُ أَهْلِ الْجَنَّةِ تَخْرُجُ مِنْ أَكْمَامِهَا. (رواه ابن حبان عن أبي سعيد)

742. Тубо жаннатдаги бир дарахтдир. Юз йиллик йўлдир. Жаннат аҳли кийимлари унинг гулидан чиқади. *Абу Саид (розияллоҳу анҳу) дан. Ибн Ҳиббон ривояти.*

* طُوبَى شَجَرَةٍ فِي الْجَنَّةِ، غَرَسَهُ اللَّهُ بِيَدِهِ وَنَفَخَ فِيهَا مِنْ رُوحِهِ، وَإِنَّ

أَغْصَانُهَا لَتَرَى مِنْ وَرَاءِ أَسْوَارِ الْجَنَّةِ، تُنْبِتُ الْخَلِيَّ، وَالْثَّمَارُ مُتَهَدِلَةٌ عَلَى أَفْوَاهِهَا. (رواه مردويه عن ابن عباس)

743. Тубо жаннатдаги дарахтдир. Аллоҳ уни Ўзи экиб, ўз руҳидан пуркагандир. Унинг шохлари жаннат деворлари ортидан кўринади. Ундан қимматбаҳо зийнатлар ўсиб чиқади. Мевалар эса уларнинг (жаннат аҳлининг) оғизларигача осилиб туради. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) дан. Ибн Мардавайҳ ривояти.

* الطَّاعِمُ الشَّاكِرُ لَهُ مِثْلُ أَجْرِ الصَّائِمِ الصَّابِرِ. (عن أبو هريرة)

744. Шукр этиб овқат егувчига сабр қилувчи рўзадорнинг савобидек ажр бордир. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* الطُّهُورُ شَطْرُ الْإِيمَانِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ يَمَلَأُ الْمِيزَانَ، وَسُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ تَمْلَأَنَّ مَا بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ، وَالصَّلَاةُ نُورٌ، وَالصَّدَقَةُ بُرْهَانٌ، وَالصَّبْرُ ضِيَاءٌ وَالْقُرْآنُ حُجَّةٌ لَكَ أَوْ عَلَيْكَ، وَكُلُّ النَّاسِ يَغْدُو، فَبَايَعُ نَفْسَهُ فَمُعْتَقُهَا أَوْ مُوقِفُهَا. (عن أبي مالك الأشعري)

745. Поклик имоннинг ярмидир. «Алҳамдулиллаҳ» мезон (тарози)ни тўлдиради. «Субҳаналлоҳи вал ҳамдулиллаҳи» иккови ер билан осмон оралиғини тўлдиради. Намоз нурдир. Садақа ҳужжатдир. Сабр зиёдир. Қуръон фойдангга ёки зарарингга ҳужжатдир. Ҳар бир инсон юриб, ўз нафсини сотади. Ўша сотиш ила ўз нафсини қутқаради ёки ҳалокатга ташлайди. Абу Молик Ашъарий (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* الطَّاعُونَ، وَالْغُرَقُ، وَالْبَطْنُ، وَالْحَرْقُ، وَالنَّفَسَاءُ، شَهَادَةٌ لِأُمَّتِي. (عن صفوان بن أمية)

746. Вабодан, ғарқ бўлиб, қорни огриб, куйиб ва туғаётиб ўлганлар умматимнинг шаҳидларидир. Савфон ибн Умайя (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* الطَّاعَةُ فِي الْمَعْرُوفِ. (رواه مسلم وأبو داود والنسائي)

747. Яхшиликдагина итоат қилинади. Муслим, Абу Довуд ва Насоий ривояти.

* الطَّاعُونَ بَقِيَّةُ رَجَزٍ، أَوْ عَذَابٍ أُرْسِلَ عَلَى طَائِفَةٍ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ، فَإِذَا وَقَعَ بَارِضٌ، وَأَنْتُمْ بِهَا، فَلَا تَخْرُجُوا مِنْهَا فِرَارًا مِنْهُ، وَإِذَا وَقَعَ بَارِضٌ وَلَسْتُمْ بِهَا فَلَا تَهَيِّطُوا عَلَيْهَا. (رواه الشيخان)

748. Вабо жазо қолдиғи ёки Бани Исроилдан бир тоифага юборилган азобдир. Агар ўша вабо бир жойга тушса-да, сизлар ўша ерда бўлсангиз, қочган ҳолда у ердан чиқиб кетманг. Борди-ю, бир ерга тушганда, сизлар у ерда бўлмасангиз, у жойга кирманг. Бухорий ва Муслим ривояти.

* طَهَّورُ إِنَاءٍ أَحَدِكُمْ إِذَا وَلَغَ فِيهِ الْكَلْبُ أَنْ يَغْسِلَهُ سَبْعَ مَرَّاتٍ، أَوْ لَاهُنَ بِالْثَرَابِ. (رواه مسلم)

749. Сизлардан бирингизнинг идишини ит ялаб қўйса, етти марта ювиб, бир марта тупроқ билан ишқалаш ила пок бўлади. Муслим ривояти.

(ظ) 30 ҲАРФИ — حُرُوفُ الظَّاءِ

* الظُّلْمُ ظُلُمَاتٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه البخاري ومسلم عن ابن عمر)

750. Зулм қиёмат куни зулматлардир. Ибн Умар (рози-яллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الظُّلْمُ ثَلَاثَةٌ: فَظُلْمٌ لَا يَغْفِرُهُ اللَّهُ، وَظُلْمٌ يَغْفِرُهُ، وَظُلْمٌ لَا يَتْرُكُهُ، فَأَمَّا الظُّلْمُ الَّذِي لَا يَغْفِرُهُ: فَالشِّرْكُ، قَالَ اللَّهُ تَعَالَى (إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ) وَأَمَّا الظُّلْمُ الَّذِي يَغْفِرُهُ اللَّهُ، فَظُلْمُ الْعِبَادِ أَنْفُسَهُمْ فِيهَا بَيْنَهُمْ وَبَيْنَ رَبِّهِمْ، وَأَمَّا الظُّلْمُ

الَّذِي لَا يَتْرُكُهُ اللَّهُ، فَظَلَمَ الْعِبَادَ بَعْضُهُمْ بَعْضًا حَتَّى يَدِينَ لِبَعْضِهِمْ مِنْ بَعْضٍ. (رواه الطيالسي عن أنس)

751. Зулм уч турлидир. 1. Аллоҳ кечирмайдиган зулм. 2. Аллоҳ кечирадиган зулм. 3. Тарк қилмайдиган зулм. Биринчиси, яъни Аллоҳ кечирмайдиган зулм ширкдир. Аллоҳ таоло: «**Албатта, ширк улкан зулмдир**», деб айтган. Иккинчиси, яъни кечирадигани – бандалар ўзлари билан Раббилари ўртасида содир бўлган зулм. 3. Учинчиси, яъни тарк қилмайдиган зулм – бандалардан баъзиларининг баъзиларига қилган зулми. Аллоҳ уларнинг баъзиларидан баъзиларига қасдини олиб беради. Уни шундайлигича қолдирмайди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Таёлисий ривояти.

* الظَّهْرُ يُرَكَّبُ بِنَفَقَتِهِ، إِذَا كَانَ مَرْهُونًا، وَلَبَنُ الدَّرِّ يُشْرَبُ بِنَفَقَتِهِ، إِذَا كَانَ مَرْهُونًا. وَعَلَى الَّذِي يَرْكَبُ وَيَشْرَبُ النَّفَقَةُ. (رواه أبو هريرة)

752. Гаровга олинган уловни, агар нафақа қилаётган бўлса, миаверади. Гаровга олинган соғин хайвоннинг сутини, агар нафақа қилаётган бўлса, ичаверади. Миниб, сутини ичаётган кишига нафақа лозимдир. (Яъни, гаровга берган (киши) муҳлат қўймайди, фойдаланувчи муҳлатни кечга сурмайди. Балки гаровга олувчи ундан фойдаланиб, ўша нарсага маблағ сарф қилади.) Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

(ع) АЙН ҲАРФИ — حرف العين

* عَائِدُ الْمَرِيضِ يَخُوضُ فِي الرَّحْمَةِ، فَإِذَا جَلَسَ عِنْدَهُ غَمَرَتْهُ الرَّحْمَةُ. (رواه أحمد عن أبي أمامة)

753. Касалнинг ҳолидан хабар олувчи раҳматда сузиб юради. Агар унинг ҳузурида ўтирса, раҳмат уни ўраб олади. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* **عَالَمٌ يَنْفَعُ بَعْلِمِهِ، خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ عَابِدٍ.** (رواه الديلمي عن عليّ)

754. Илмидан фойда олинадиган олим минг нафар ибодат қилувчи обиддан яхшидир. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* **عَجَبًا لِأَمْرِ الْمُؤْمِنِ، إِنَّ أَمْرَهُ كُلَّهُ لَهُ خَيْرٌ، وَلَيْسَ ذَلِكَ لِأَحَدٍ إِلَّا لِلْمُؤْمِنِ، إِنَّ أَصَابَتَهُ سَرَاءُ شُكْرٍ، فَكَانَ خَيْرًا لَهُ، وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَاءُ صَبْرٍ، فَكَانَ خَيْرًا لَهُ.** (رواه الإمام أحمد)

755. Мўминнинг иши ажабланарлидир. Унинг барча иши ўзи учун яхшиликдир. Бу нарса мўминдан бошқа бирор кишида йўқ. Чунки мўминга бирор хурсандлик етса, шукр қилади. Бу унга яхшиликдир. Бирор хафагарчилик етса, сабр қилади. Бу ҳам унга яхшиликдир. Аҳмад ривояти.

* **عَجِبْتُ لِلْمُؤْمِنِ، إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَمْ يَقْضِ لَهُ قَضَاءٌ إِلَّا كَانَ خَيْرًا لَهُ.** (رواه ابن حبان عن أنس)

756. Мўминдан ажабландим. Аллоҳ таоло унга бирор нарса битса, фақат у учун яхшилик бўлаверади. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Ҳиббон ривояти.

* **عَجِبْتُ لِلْمُؤْمِنِ وَجَزَعِهِ مِنَ السُّقْمِ، وَلَوْ يَعْلَمُ مَا لَهُ فِي السُّقْمِ أَحَبُّ أَنْ يَكُونَ سَقِيمًا، حَتَّى يَلْقَى اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ.** (رواه الطبراني عن ابن مسعود)

757. Мўминнинг касаллик ортидан қилган жазавасидан ажабландим. Агар касалда қанчалик савоб борлигини билганида эди, касал бўлишни, ҳатто Аллоҳга ана шу ҳолда йўлиқишни яхши кўрар эди. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* **عَجِبْتُ لِمَلَكَئِنٍ مِنَ الْمَلَائِكَةِ، نَزَلَا مِنَ الْأَرْضِ، يَلْتَمِسَانِ عَبْدًا فِي مُصَلَّاهُ، فَلَمْ يَجِدَاهُ، ثُمَّ عَرَجَا إِلَى رَبِّهِمَا فَقَالَا: يَا رَبِّ كُنَّا نَكْتُبُ لِعَبْدِكَ**

الْمُؤْمِنِ فِي يَوْمِهِ وَلَيْلَتِهِ مِنَ الْعَمَلِ كَذَا وَكَذَا فَوَجَدْنَاهُ قَدْ حَسِبْتَهُ فِي حَبَالَتِكَ فَأَمَّا نَكُتِبَ لَهُ شَيْئًا، فَقَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ، أَكُتِبَا لِعَبْدِي عَمَلُهُ فِي يَوْمِهِ وَلَيْلَتِهِ وَلَا تُنْقِصَا مِنْ عَمَلِهِ شَيْئًا، عَلَى أَجْرِهِ مَا حَسِبْتَهُ، وَلَهُ أَجْرُ مَا كَانَ يَعْمَلُ). (رواه الطبراني عن ابن مسعود)

758. Фаришталардан иккитасига ажабландим. Икковлари ерга тушиб, бир бандани намозгоҳидан қидиришад-и-ю, лекин топа олишмайди. Сўнгра икковлари Раббилари ҳузурига кўтарилиб: «Ё Раббимиз, биз мўмин бандангининг кундузи ва кечаси бажарадиган шундай ва шундай амалларини ёзар эдик. Биз уни Сен уни касалликлар билан йўлини тўсганингни кўриб, яъни намозга ета олмаган ҳолда топиб, у учун бирор нарса ёзмадик», дейишади. Шунда Аллоҳ азза ва жалла: «Бандамга кечасию кундузи бажарадиган амалларини ёзинглар, унинг амалидан бирор нарса камайтирманглар. Ушланиб қолганидаги савоб менинг зиммамда, бажариб юрадиганидаги савоби ўзи учундир», дейди. *Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* عَجِبْتُ لِلْمُسْلِمِ، إِذَا أَصَابَتْهُ مَصِيبَةٌ، اخْتَسَبَ وَصَبَرَ، وَإِذَا أَصَابَهُ خَيْرٌ، حَمَدَ اللَّهَ وَشَكَرَ، إِنَّ الْمُسْلِمَ يُؤْجَرُ فِي كُلِّ شَيْءٍ حَتَّى فِي اللَّقْمَةِ يَرْفَعُهَا إِلَى فِيهِ. (رواه البيهقي عن سعد)

759. Мусулмоннинг ҳолатидан ажабландим. Агар унга бирор мусибат етса, сабр этиб, савоб умид қилади. Агар унга бирор яхшилик етса, Аллоҳга ҳамд айтиб, шукр қилади. Албатта, мусулмон барча нарсага ажр олади, ҳатто оғизга солган луқмага ҳам. *Саъд (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* عَجِبْتُ لَطَالِبِ الدُّنْيَا وَالْمَوْتُ يَطْلُبُهُ، وَعَجِبْتُ لَغَافِلٍ وَلَيْسَ بِمَغْفُولٍ عَنْهُ، وَعَجِبْتُ لِضَاحِكٍ مِلءَ فِيهِ، وَلَا يَذَرِي أَرْضِي عَنْهُ أَمْ سُخِطَ!!! (رواه ابن عدي عن ابن مسعود)

760. Дунё талабида бўлган кишидан ажабландим. Ваҳоланки, уни ўлим талаб қилиб турган бўлса. Ғофил кишидан ҳам ажабландим, ҳолбуки, ундан ғофил бўлин-маса. Оғзини тўлдириб кулувчидан ажабландим, ваҳоланки, ундан рози бўлинганми ёки ғазаб қилинганми, билмаса. *Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Адий ривояти.*

* عَجِبْتُ لِمَنْ يَشْتَرِي الْمَمَالِيكَ بِمَالِهِ، ثُمَّ يُعْتِقُهُمْ؟ كَيْفَ لَا يَشْتَرِي الْأَحْرَارَ بِمَعْرُوفِهِ، فَهُوَ أَعْظَمُ ثَوَابًا. (رواه أبو الغنائم عن ابن عمر)

761. Қулларни ўз молига сотиб олиб, сўнгра озод қилган кишидан ажабландим. Нечун у ҳур (яъни, қул бўлмаган) одамларни яхшилиги билан сотиб олмайди. Ваҳоланки, бунинг савоби улуғ бўлса. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Абул Ғаноим ривояти.*

* عُدَّ مَنْ لَا يَعُودُكَ، وَأَهْدَى لِمَنْ لَا يَهْدِي لَكَ. (رواه البخاري)

762. Сенинг зиёратингга келмаган кишини зиёрат қил. Сенга ҳадя қилмаган одамга сен ҳадя қил. *Бухорий ривояти.*

* عَجَّ حَجْرٌ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى فَقَالَ: إِلَهِي وَسَيِّدِي عَبْدُكَ كَذَا وَكَذَا سَنَةً ثُمَّ جَعَلَنِي فِي أَسْ كَنِيفٍ، فَقَالَ: أَوْ مَا تَرْضَى أَنْ عَدَلْتُ بِكَ عَنْ مَجَالِسِ الْقُضَاةِ. (رواه ابن عساكر عن أبي هريرة)

763. Бир тош Аллоҳ таолога шовқин-сурон қилиб: «Илоҳим ва саййидим, шунча ва шунча йил сенга ибодат қилдим-у, Сен мени ҳожатхона пойдеворига қўйдинг», деганида, Аллоҳ: «Сени қозилар мажлисларидан четга буриб қўйганимдан рози эмасмисан?» деди. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.*

* عَذَّبَتْ امْرَأَةً فِي هِرَّةٍ سَجَنَتَهَا، حَتَّى مَاتَتْ، فَدَخَلَتْ فِيهَا النَّارُ، لَا هِيَ

أَطْعَمَتْهَا وَلَا سَقَتْهَا، إِذْ حَبَسَتْهَا، وَلَا هِيَ تَرَكَتْهَا تَأْكُلُ مِنْ خَشَاشِ الْأَرْضِ.
(رواه البخاري ومسلم عن ابن عمر)

764. Бир аёл мушукни ўлгунича қамаб қўйгани учун азобланиб, дўзахга тушди. У аёл мушукка овқат ҳам, сув ҳам бермай, ман қилди. Яна ердаги ўсимликлардан еб юриши учун ҳам эркин қўймади. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* عُرِضَتْ عَلَيَّ أُمَّتِي بِأَعْمَالِهَا حَسَنِهَا وَسَيِّئِهَا، فَرَأَيْتُ فِي مُحَاسِنِ أَعْمَالِهَا
إِمَاطَةَ الْأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ، وَرَأَيْتُ فِي سَيِّئِ أَعْمَالِهَا النَّخَاعَةَ فِي الْمَسْجِدِ لَمْ
تُدْفَنْ. (رواه أحمد عن أبي ذر)

765. Менга умматимнинг яхши ва ёмон амаллари кўрсатилди. Озор берувчи нарсаларни йўлдан олиб ташлашни яхши амаллари ичида кўрдим. Масжидга тупуриб, кўммасдан кетишни ёмон амаллари орасида кўрдим. Абу Зар (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* عَفَوْا عَنْ نِسَاءِ النَّاسِ تَعَفٍّ نِسَاؤُكُمْ، وَبَرُّوا آبَاءَكُمْ، وَتَبَرَّكُمُ أَبْنَاؤُكُمْ، وَمَنْ
أَتَاهُ أَخُوهُ مُتَنَصِّلاً فَلْيَقْبَلْ ذَلِكَ مِنْهُ، مُحِقًّا كَانَ أَوْ مُبْطَلًا، فَإِنْ لَمْ يَفْعَلْ لَمْ
يَرِدْ عَلَى الْخَوْضِ. (رواه الحاكم عن أبي هريرة)

766. Одамларнинг хотинига кўз ташлашдан ўзингизни тийинг, шунда сизнинг ҳам хотинингизга кўз ташланмайди. Оталарингизга яхшилик қилинг, болаларингиз ҳам сизларга яхшилик қилади. Кимда-ким, агар аразлашиб ажралган биродари ҳузурига келса, уни, хоҳ ҳақ, хоҳ ноҳақ бўлсин, қабул этсин. Агар у шундай қилмаса, ҳавз (сув ичиладиган макон)га тушмайди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* عَلَّمُوا أَوْلَادَكُمْ السَّبَاحَةَ وَالرَّمَايَةَ، وَنِعْمَ هُوَ الْمُؤْمِنَةُ فِي بَيْتِهَا الْمَغْرُلُ،
وَإِذَا دَعَاكَ أَبَوَاكَ فَأَجِبْ أَمْلَكَ. (رواه الديلمي)

767. Фарзандларингизга сузишни ва отишни ўргатинглар. Мўъмина аёлнинг уйида овунадиган иши ип йи-гиришдир. Агар сени ота-онанг баробар чақириб қолиш-са, аввал онангга жавоб қил. *Дайлабий ривояти.*

* **عَمِلَ الْجَنَّةِ الصَّدَقُ، وَإِذَا صَدَقَ الْعَبْدُ بَرٌّ، وَإِذَا بَرَّ آمَنَ، وَإِذَا آمَنَ دَخَلَ الْجَنَّةَ، وَعَمِلَ النَّارِ الْكَذِبُ، فَإِذَا كَذَبَ الْعَبْدُ فَجَرٌ، وَإِذَا فَجَرَ كَفَرٌ، وَإِذَا كَفَرَ دَخَلَ النَّارَ.** (رواه أحمد عن ابن عمر)

768. Жаннат амали ростгўйликдир. Агар банда рост-гўй бўлса, яхшилик қилган саналади. Агар яхшилик қил-са, имон келтирган бўлади. Агар имон келтирса, жаннат-га киради. Дўзах амали ёлғончиликдир. Агар банда ёлғон гапирса, фожирлик қилган бўлади. Агар фожирлик қилса, куфр келтирган саналади. Агар куфр келтирса, дўзахга ту-шади. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Аҳмад ривояти.*

* **عَلَيْكَ بِتَقْوَى اللَّهِ فَإِنَّهَا جَمَاعٌ كُلِّ خَيْرٍ، وَعَلَيْكَ بِالْجِهَادِ، فَإِنَّهُ رَهْبَانِيَّةُ الْمُسْلِمِينَ، وَعَلَيْكَ بِذِكْرِ اللَّهِ وَتِلَاوَةِ كِتَابِ اللَّهِ، فَإِنَّهُ نُورٌ لَكَ فِي الْأَرْضِ، وَذِكْرٌ لَكَ فِي السَّمَاءِ، وَآخِرُنَ لِسَانَكَ إِلَّا مِنْ خَيْرٍ، فَإِنَّكَ بِذَلِكَ تَغْلِبُ الشَّيْطَانَ.** (رواه أبو يعلى عن أبي سعيد)

769. Аллоҳга тақво қилишни ўзингга лозим тут, чунки у барча яхшиликларни жамловчидир. Ўзингга жидду жаҳд билан амал қилишни лозим бил, чунки у мусулмонларнинг роҳиблигидир. Ўзингга Аллоҳнинг зикри ва Аллоҳнинг Ки-тоби тиловатини лозим тут, чунки у ерда сен учун нур ва осмонда сен учун зикр бўлади. Тилингни яхшиликдан бош-қа нарсадан сақла. Чунки шундай қилиш билан шайтонга ғолиб бўласан. *Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Яъло ривояти.*

* **عَلَيْكَ بِحُسْنِ الْخُلُقِ، وَطُولِ الصَّمْتِ، فَوَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ مَا تَجَمَّلَ الْخَلَائِقُ بِمِثْلِهَا.** (رواه أبو يعلى عن أنس)

770. Ўзингга чиройли хулқ ва узоқ жим туришни лозим бил. Жоним измида бўлган Зотга қасамки, халойиқ у каби нарса билан чиройли бўлмайди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Яъло ривояти.

* عَلَيْكَ بِجَمَلِ الدُّعَاءِ وَجَوَامِعِهِ، قَوْلِي: اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنَ الْخَيْرِ كُلِّهِ عَاجِلِهِ وَآجِلِهِ مَا عَلِمْتُ مِنْهُ وَمَا لَمْ أَعْلَمْ، وَأَسْأَلُكَ الْجَنَّةَ، وَمَا قَرَّبَ إِلَيْهَا مِنْ قَوْلٍ أَوْ عَمَلٍ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ النَّارِ، وَمَا قَرَّبَ إِلَيْهَا مِنْ قَوْلٍ أَوْ عَمَلٍ، وَأَسْأَلُكَ مِمَّا سَأَلَكَ بِهِ مُحَمَّدٌ، وَأَعُوذُ بِكَ مِمَّا تَعَوَّذَ مِنْهُ مُحَمَّدٌ، وَمَا قَضَيْتَ لِي مِنْ قَضَاءٍ فَاجْعَلْ عَاقِبَتَهُ رُشْدًا. (رواه البخاري عن السيدة عائشة)

771. Кўп нарсани жам этган ушбу дуони ўзингга лозим тут: «Аллоҳумма инний асъалука минал хойри куллиҳи ъажилиҳи ва ажилиҳи ма ъалимту минҳу ва ма лам аълам. Ва асъалукал жанната ва ма қорраба илайҳа мин қовлин ав ъамалин ва аъзузу бика минан нар. Вама қорраба илайҳа мин қовлин ав ъамалин ва асъалука мим маа саалака биҳи Муҳаммадун ва аъзузу бика мим маа таъавваза минҳу Муҳаммадун ва ма қозайта лий мин қазоин фажъал ъақибатаҳу рушда». Яъни: «Ё Аллоҳ, Сендан яхшиликларнинг барчасини, бу дунёдагию охиратдагисини, билганимнию билмаганимни сўрайман. Жаннатни ва унга яқин қилувчи сўз ёки амални сўрайман. Дўзахдан ва унга яқин қилувчи сўз ёки амалдан паноҳ тилайман. Сендан Муҳаммад (алайҳиссалом) сўраган нарсани сўрайман. Муҳаммад (алайҳиссалом) паноҳ тилаган нарсадан паноҳ сўрайман. Ё Аллоҳ, менга нимани қазои қадар қилиб битсанг, унинг оқибатини яхши қилгин». Ҳазрат Ойша (розиаллоҳу анҳо)дан. Бухорий ривояти.

* عَلَيْكُمْ بِالصَّدَقِ، فَإِنَّ الصَّدَقَ يَهْدِي إِلَى الْبِرِّ، وَإِنَّ الْبِرَّ يَهْدِي إِلَى الْجَنَّةِ، وَمَا يَزَالُ الرَّجُلُ يَصَّدُقُ وَيَتَحَرَّى الصَّدَقَ حَتَّى يَكْتُبَ عِنْدَ اللَّهِ صَدِيقًا، وَإِيَّاكُمْ وَالْكَذِبَ فَإِنَّ الْكَذِبَ يَهْدِي إِلَى الْفُجُورِ، وَإِنَّ الْفُجُورَ يَهْدِي إِلَى

النَّارَ، وَمَا يَزَالُ الرَّجُلُ يَكْذِبُ وَيَتَحَرَّى الْكَذِبَ حَتَّى يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ كَذَابًا.
(رواه البخاري)

772. Ўзингизга ростгўйликни лозим тутинг, чунки ростгўйлик яхшиликка олиб боради. Яхшилик эса жаннатга бошлайди. Киши рост гапириб, ростгўйликка амал қилади, ҳатто Аллоҳ ҳузурида “сиддиқ” деб ёзиб қўйилади. Ёлғондан сақланинг, чунки ёлғон гуноҳга бошлайди. Гуноҳ дўзахга етаклайди. Киши ёлғон гапириб, унга риоя қилишда бардавом бўлади, ҳатто Аллоҳ ҳузурида “каззоб” деб ёзиб қўйилади. *Бухорий ривояти.*

* عَلَيْكُمْ بِالصِّدْقِ فَإِنَّهُ بَابٌ مِنْ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ، وَإِيَّاكُمْ وَالْكَذِبَ فَإِنَّهُ بَابٌ مِنْ أَبْوَابِ النَّارِ. (رواه الخطيب عن أبي بكر)

773. Ўзингизга ростгўйликни лозим тутинг, чунки у жаннат эшикларидан бир эшиқдир. Ёлғондан четланинг, чунки у дўзах эшикларидан бир эшиқдир. *Абу Бакр (рози-яллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.*

عَلَيْكُمْ بِقِيَامِ اللَّيْلِ، فَإِنَّهُ دَابُّ الصَّالِحِينَ قَبْلَكُمْ، قُرْبَةٌ إِلَى اللَّهِ وَمَنْهَاجٌ عَنِ الْإِثْمِ، وَتَكْفِيرٌ لِلْسَّيِّئَاتِ، وَمَطْرَدَةٌ لِلدَّاءِ عَنِ الْجَسَدِ. (رواه أحمد عن بلال)

774. Кечаси қоим бўлиб, бедор ўтказишни ўзингизга лозим тутинг, чунки у сизлардан олдинги солиҳлар ода-ти, Аллоҳга қурбат (яқинлик) ҳосил қилувчи, гуноҳдан ман этувчи, гуноҳларни каффорат қилувчи ва жасаддан касалликни ҳайдовчидир. *Билол (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.*

* عَلَيْكُمْ بِالْقَنَاعَةِ، فَإِنَّ الْقَنَاعَةَ، مَالٌ لَا يَنْفَدُ. (رواه الطبراني)

775. Ўзингизга қаноатни лозим тутинг, чунки қаноат туганмас бойлиқдир. *Табароний ривояти.*

* عَلَيْكُمْ بِلا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَالْإِسْتِغْفَارَ، فَأَكْثَرُوا مِنْهُمَا، فَإِنَّ إِبْلِسَ قَالَ:

أَهْلَكْتُ النَّاسَ بِالذُّنُوبِ وَأَهْلَكُونِي بِمَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَالْإِسْتِغْفَارَ، فَلَمَّا رَأَيْتُ ذَلِكَ أَهْلَكْتُهُمْ بِالْأَهْوَاءِ، وَهُمْ يَحْسِبُونَ أَنَّهُمْ مُهْتَدُونَ. (رواه أبو يعلى عن أبي بكر)

776. Ўзингизга «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни ва истиғфор айтишни тутинглар. Чунки Иблис айтди: «Одамларни гуноҳлар билан ҳалок қилдирган бўлсам, улар мени «Ла илаҳа иллаллоҳ» ва истиғфор ила ҳалок этишди. Бунӣ кўргач, мен уларни ҳаво (нафс)лари ила ҳалок эттирдим. Ваҳоланки, улар бунӣ ҳидоят деб билишади. Абу Бакр (розиаллоҳу анҳу)дан. Абу Яъло ривояти.

* الْعَالَمُ وَالْمُتَعَلِّمُ شَرِيكَانِ فِي الْخَيْرِ، وَسَائِرُ النَّاسِ لَا خَيْرَ فِيهِمْ. (رواه الطبراني عن أبي درداء)

777. Олим ва таълим олувчи яхшиликда шерикдирлар. Бошқа кишиларда яхшилик йўқдир. Абу Дардо (розиаллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* الْعَالَمُ إِذَا أَرَادَ يَعْلَمُهُ وَجْهَ اللَّهِ هَابَهُ كُلُّ شَيْءٍ، وَإِذَا أَرَادَ أَنْ يُكْثَرَ بِهِ الْكُنُوزَ هَابَ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ. (رواه الديلمي عن أنس)

778. Агар олим киши илми билан Аллоҳнинг розилигини талаб қилса, ундан барча нарса кўрқади. Агар илми ила конларни, яъни мол-дунёни кўпайтиришни хоҳласа, у барча нарсадан кўрқади. Анас (розиаллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* الْعَالَمُ وَالْعِلْمُ وَالْعَمَلُ فِي الْجَنَّةِ، فَإِذَا لَمْ يَعْمَلِ الْعَالَمُ بِمَا يَعْلَمُ كَانَ الْعِلْمُ وَالْعَمَلُ فِي الْجَنَّةِ، وَكَانَ الْعَالَمُ فِي النَّارِ. (رواه الديلمي)

779. Олим, илм ва амал (учови) жаннатдадир. Агар олим билганига амал қилмаса, илм ва амал жаннатда бўлиб, олим дўзахдадир. Дайлабий ривояти.

* الْعَدْلُ حَسَنٌ، وَلَكِنْ فِي الْأُمَرَاءِ أَحْسَنُ، السَّخَاءُ حَسَنٌ، وَلَكِنْ فِي الْأَغْنِيَاءِ أَحْسَنُ. الْوَرَعُ حَسَنٌ، وَلَكِنْ فِي الْعُلَمَاءِ أَحْسَنُ، الصَّبْرُ حَسَنٌ، وَلَكِنْ فِي الْفُقَرَاءِ أَحْسَنُ، التَّوْبَةُ حَسَنَةٌ، وَلَكِنْ فِي الشَّبَابِ أَحْسَنُ، الْحَيَاءُ أَحْسَنُ، وَلَكِنْ فِي النِّسَاءِ أَحْسَنُ. (رواه الديلمي عن عمر)

780. Адолат ўзи яхши, лекин бошлиқларда бўлиши ундан-да яхши. Сахийлик ўзи яхши, лекин бойларда бўлиши ундан ҳам авло. Тақво ўзи яхши, лекин уламоларда бўлиши ундан-да афзал. Сабр ўзи яхши, лекин камбағалларда бўлиши ундан ҳам сара. Тавба ўзи яхши, лекин йигитларда бўлиши ундан ҳам афзал. Ҳаё ўзи яхши, лекин аёлларда бўлиши ундан ҳам авло. *Умар (розияллоҳу анҳу) дан. Дайлабий ривояти.*

* الْعُلَمَاءُ أَمْنَاءُ الرُّسُلِ، مَا لَمْ يُخَالِطُوا السُّلْطَانَ، وَيُدَاخِلُوا الدُّنْيَا، فَإِذَا خَالَطُوا السُّلْطَانَ، وَدَاخَلُوا الدُّنْيَا فَقَدْ خَانُوا الرُّسُلَ فَاحْذَرُوهُمْ. (رواه العقيلي عن أنس)

781. Уламолар пайғамбарларнинг ишончли кишиларидир. Модомики ўша уламолар султонларга аралашмасалар ва дунёга киришмасалар. Агар султонларга аралашсалар ва дунёга киришсалар, батаҳқиқ, расулларга хиёнат қилишибди. Бас, сизлар улардан ўзингизни йироқ тутинг. *Анас (розияллоҳу анҳу) дан. Ақийлий ривояти.*

* الْعِلْمُ حَيَاةُ الْإِسْلَامِ، وَعِمَادُ الْإِيمَانِ، وَمَنْ عِلِمَ عِلْمًا أَتَمَّ اللَّهُ أَجْرَهُ، وَمَنْ تَعَلَّمَ فَعَمِلَ عِلْمَهُ اللَّهُ مَا لَمْ يَعْلَمْ. (رواه أبو الشيخ)

782. Илм Исломнинг ҳаёти ва имоннинг устунидир. Ким илмни таълим олса, Аллоҳ унинг ажрини мукаммал қилади. Кимки таълим олиб, унга амал қилса, Аллоҳ билмаган нарсасини унга ўргатади. *Абу Шайх ривояти.*

* الْعِلْمُ خَزَائِنٌ، وَمِفْتَاحُهَا السُّؤَالُ، فَاسْأَلُوا يَرْحَمَكُمُ اللَّهُ، فَإِنَّهُ يُؤْجِرُ فِيهِ أَرْبَعَةً: السَّائِلُ، وَالْمُعَلِّمُ، وَالْمُسْتَمِعُ، وَالْمُحِبُّ لَهُمْ. (رواه أبو نعيم عن علي)

783. Илм хазинадир. Унинг калити савол бериб сўрашдир. Аллоҳ сизларга раҳм қилгурлар, савол беринглар, чунки унда тўрт киши савобга эга бўлади: сўровчи, таълим берувчи, эшитувчи ва уларга муҳаббат қилувчи. Али (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.

* الْعِلْمُ عِلْمَانِ، عِلْمٌ فِي الْقَلْبِ، فَذَلِكَ الْعِلْمُ النَّافِعُ، وَعِلْمٌ عَلَى اللِّسَانِ، فَذَلِكَ حُجَّةٌ عَلَى ابْنِ آدَمَ. (رواه الخطيب عن جابر)

784. Илм икки хил бўлади. 1. Қалбдаги илм. Бу фойдали илмдир. 2. Тилдаги илм. Бу одам боласининг зарарига ҳужжат бўладиган илмдир. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.

* الْعَانِدُ فِي هَيْئَتِهِ كَالْعَانِدِ فِي قَبِيلِهِ. (رواه البخاري ومسلم عن ابن عباس)

785. Берган нарсасини қайтариб олувчи киши қусугини қайтариб олувчи кабидир. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الْعَيْنُ حَقٌّ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

786. Кўз тегиши ҳақдир. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* أَعْطُوا الْأَجِيرَ أَجْرَهُ قَبْلَ أَنْ يَخْفَ عَرْقُهُ، وَأَعْلِمُوهُ أَجْرَهُ وَهُوَ فِي عَمَلِهِ. (رواه البيهقي)

787. Ёллаб ишлатаётган ишчингизнинг ҳақини тери қуришидан олдин беринглар. Унга ишлаш мобайнида қанча ҳақ беришингизни билдириб туринглар. Байҳақий ривояти.

* عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ صَدَقَةٌ: فَقَالُوا: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، فَإِنْ لَمْ يَجِدْ. قَالَ: يَعْمَلُ

بِيَدِهِ فَيَنْفَعُ نَفْسَهُ وَيَتَصَدَّقُ. قَالُوا: فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ. قَالَ: يُعِينُ ذَا الْحَاجَةِ الْمَلْهُوفَ. قَالُوا: فَإِنْ لَمْ يَجِدْ. قَالَ: فَلْيَأْمُرْ بِالْخَيْرِ أَوْ بِالْمَعْرُوفِ. قَالُوا: فَإِنْ لَمْ يَفْعَلْ. قَالَ: وَلْيُمْسِكْ عَنِ الشَّرِّ فَإِنَّهَا لَهُ صَدَقَةٌ. (رواه البخاري)

788. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ҳар бир мусулмонга садақа лозимдир», деганларида, саҳобалар: «Ё Аллоҳнинг набиёи, агар топа олмаса-чи?», дейишди. У зот (алайҳиссалом): «Қўли билан ишлаб, ўзига фойда олиб, садақа ҳам қилади», дедилар. Саҳобалар: «Агар қодир бўлмаса-чи?» дейишганида, у зот: «Қийналиб қолган ҳожатмандларга ёрдам беради», дедилар. Саҳобалар: «Агар топа олмаса-чи?» дейишганида, у зот: «Яхшиликка буюради», дедилар. Саҳобалар: «Буни ҳам қила олмаса-чи?» дейишганида, у зот: «Ёмонликдан ўзини тўсади, чунки бу ҳам у учун садақадир», дедилар. *Бухорий ривояти.*

غ) ҒАЙН ҲАРФИ – حرف الغين

* غَدَوَةٌ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَوْ رَوْحَةً، خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا. (رواه الشيخان)

789. Кундузи ёки кечаси Аллоҳ йўлида юриш дунё ва ундаги нарсалардан яхшидир. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* غَسْلُ الْقَدَمَيْنِ بِالْمَاءِ الْبَارِدِ بَعْدَ الْخُرُوجِ مِنَ الْحَمَّامِ أَمَانٌ مِنَ الصَّدَاعِ. (رواه أبو نعيم)

790. Ҳаммомдан чиққандан кейин совуқ сув билан икки оёқни ювиш бош оғриғидан омонликдир. *Абу Нуайм ривояти.*

* غَسْلُ الْجُمُعَةِ وَاجِبٌ عَلَى كُلِّ مُحْتَلِمٍ. (رواه أبو سعيد الخدري)

791. Ҳар бир балоғатга етган кишига жума куни ғусл қилиш, яъни ювиниш вожибдир. Абу Саид (розияллоҳу анҳу) дан қилинган ривоят.

* غَشِيَتْكُمْ السَّكْرَتَانِ: سَكْرَةُ حُبِّ الْعَيْشِ وَحُبِّ الْجَهْلِ، فَعِنْدَ ذَلِكَ لَا تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَلَا تَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ، وَالْقَائِمُونَ بِالْكِتَابِ وَالسُّنَّةِ كَالسَّابِقِينَ الْأَوَّلِينَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ. (رواه أبو نعيم عن عائشة)

792. Сизларни икки мастлик ўраб олган: яшашни яхши кўриш ва жоҳилликни ёқтириш. Мана шу жиҳатлар мужассам бўлса, яхшиликка ҳам буюрмайсизлар, ёмонликдан ҳам қайтармайсизлар. Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатида қоим бўлувчилар аввалги муҳожир ва ансорлар кабидир. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Абу Нуайм ривояти.

* غَطُّوا الْإِنَاءَ، وَأَوْكُوا السِّقَاءَ، فَإِنَّ فِي السَّنَةِ لَيْلَةً يَنْزِلُ فِيهَا وَبَاءٌ لَا يَمُرُّ بِإِنَاءٍ لَمْ يَغْطَّ، وَلَا سِقَاءٍ لَمْ يُوكَأْ إِلَّا وَقَعَ فِيهِ مِنْ ذَلِكَ الْوَبَاءِ. (رواه أحمد ومسلم)

793. Идишлар устини ёпинглар, сув идишларини маҳкамланглар. Чунки йилда шундай кеча борки, ўша кечада вабо тушади. Шу вабо усти ёпилмаган бирор идиш ёки оғзи маҳкамланмаган сув идиш олдидан ўтса, ўша нарсага тушади. Аҳмад ва Муслим ривояти.

* غُفِرَ لِمَرْأَةٍ مَوَسَّةٍ مَرَّتْ بِكَلْبٍ عَلَى رَأْسِ رَكْبٍ يَلْهَثُ قَدْ كَادَ يَقْتُلُهُ الْعَطَشُ، فَنَزَعَتْ خُفَّهَا فَأَوْثَقَتْهُ بِخِمَارِهَا فَنَزَعَتْ لَهُ مِنَ الْمَاءِ فَغَفِرَ لَهَا بِذَلِكَ. (رواه البخاري عن أبي هريرة)

794. Бир фоҳиша аёлнинг гуноҳлари мағфират қилинди. Чунки кетаётганида қудуқ олдида чанқоқ ўлдиришига оз қолганидан тилини осилтириб турган итни учратиб қолди. Оёғидаги маҳсисини ечиб, рўмоли би-

лан боғлаб сув тортиб олди-да, унга ичирди. Шунинг учун гуноҳлари кечирилди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) дан. Бухорий ривояти.

* الغَضَبُ مِنَ الشَّيْطَانِ، وَالشَّيْطَانُ خُلِقَ مِنَ النَّارِ، وَالْمَاءُ يُطْفِئُ النَّارَ، فَإِذَا غَضِبَ أَحَدُكُمْ فَلْيَغْتَسِلْ. (رواه أبو نعيم عن معاوية)

795. Ғазабланиш шайтондандир. Шайтон эса оловдан халқ қилинган (яратилган). Оловни сув ўчиради. Қачон сизлардан бирингиз ғазабланса, ювинсин. Муовия (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.

* الْغَدُوُّ وَالرَّوَّاحُ فِي تَعَلُّمِ الْعِلْمِ أَفْضَلُ عِنْدَ اللَّهِ مِنَ الْجِهَادِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ. (رواه الديلمي عن ابن عباس)

796. Эрталаб ва кечқурун, яъни доим илм талабида юриш Аллоҳ наздида Унинг йўлидаги жиҳоддан ҳам афзалдир. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Дайлабий ривояти.

* الْغَرِيبُ إِذَا مَرَضَ فَنَظَرَ عَنْ يَمِينِهِ، وَعَنْ شِمَالِهِ، وَمِنْ أَمَامِهِ، وَمِنْ خَلْفِهِ، فَلَمْ يَرِ أَحَدًا يَعْرِفُهُ، يَغْفِرُ اللَّهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ. (رواه ابن النجار عن ابن عباس)

797. Ғариб киши касал бўлиб, ўнг томони, чап тарафи, олди ва орқасига қараса-ю, бирорта ҳам танийдиган кишини топа олмаса, Аллоҳ унинг аввалги гуноҳларини кечиради. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Нажжор ривояти.

* الْغُلُّ وَالْحَسَدُ يَأْكُلَانِ الْحَسَنَاتِ كَمَا تَأْكُلُ النَّارُ الْخَطْبَ. (رواه الحسن)

798. Олов ўтинни егани каби, кин ва ҳасад яхшиликларни ейди. Ҳасан (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* الْغِنَى الْيَأْسُ مِمَّا فِي أَيْدِ النَّاسِ، وَإِيَّاكَ وَالطَّمَعَ فَإِنَّهُ الْفَقْرُ الْحَاضِرُ. (رواه العسكري عن ابن عباس)

799. Одамлар қўлидаги нарсадан ноумид бўлиш бойликдир. Сен тамадан сақлан, чунки у нақд фақирликдир. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Аскаррий ривояти.

* الْغِنَى غِنَى النَّفْسِ. (رواه الشيخان)

800. Нафси бой (тўқ) бўлиш ҳақиқий бойликдир. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الْغِيْبَةُ: ذِكْرُكَ أَخَاكَ بِمَا يَكْرَهُ، قَالَ رَجُلٌ، أَفَرَأَيْتَ إِنْ كَانَ فِي أَخِي مَا أَقُولُ؟ قَالَ: إِنْ كَانَ فِي أَخِيكَ مَا تَقُولُ، فَقَدْ اغْتَبْتَهُ، وَإِنْ لَمْ يَكُنْ فِيهِ مَا تَقُولُ فَقَدْ قَذَفْتَهُ. (رواه أحمد عن أبي هريرة)

801. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Биродаринг қарих (ёмон) кўрадиган нарсани зикр қилишинг ғийбатдир», деганларида, бир киши: «Агар биродаримда ўша айтган нарсам мавжуд бўлса-чи?» деганида, у зот (алайҳиссалом): «Зикр қилган нарсанг биродарингда мавжуд бўлса, ғийбат қилган бўласан. Агар айтган нарсанг (унда) мавжуд бўлмаса, бўҳтон қилган бўласан», дедилар. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* الْغِيْرَةُ مِنَ الْإِيْمَانِ، وَالْمَذَاءُ مِنَ النِّفَاقِ. (رواه الديلمي)

802. Рашкчи, ғаюр бўлиш имондандир. Аёлларга араллашиб, ўйнашиб юриш нифоқдандир. Дайлабий ривояти.

* الْغُسْلُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَاجِبٌ عَلَى كُلِّ مُحْتَلِمٍ، وَأَنْ يَسْتَنَّ، وَأَنْ يَمْسَ طَبِيبًا إِنْ وَجَدَ. (رواه الشيخان عن أبي سعيد)

803. Жума куни ғусл қилиш ҳар бир балоғатга етган кишига вожибдир. Агар топса, мисвок қилиш ва хушбўй

нарсалар суртиб юриш суннатдир. Абу Саид (розиаллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

ФАҲАРФИ (ف) – حرف الفاء

* فَاتِحَةُ الْكِتَابِ وَآيَةُ الْكُرْسِيِّ لَا يَقْرُوهَا عَبْدٌ فِي دَارٍ فَيُصِيبُهُمْ ذَلِكَ الْيَوْمَ عَيْنٌ إِنْسٍ أَوْ جِنٍّ. (رواه الديلمي)

804. Фотиҳа сураси ва Оятул Курсийни бирор банда бир ҳовлида ўқиса, ўша куни инсон ёки жиннинг кўзи тегмайди. Дайлабий ривояти.

* فَتَنَةُ الرَّجُلِ فِي أَهْلِهِ وَمَالِهِ وَنَفْسِهِ وَوَلَدِهِ وَجَارِهِ، تَكْفَرُهَا الصِّيَامُ وَالصَّلَاةُ وَالصَّدَقَةُ وَالْأَمْرُ بِالْمَعْرُوفِ وَالنَّهْيُ عَنِ الْمُنْكَرِ. (رواه البخاري ومسلم والترمذي وابن ماجه عن حذيفة)

805. Кишининг аҳли, моли, нафси, боласи ва қўшни-сидаги фитнага ўқиган намози, тутган рўзалари, берган садақаси, яхшиликка буюргани ва ёмонликдан қайтаргани каффорат бўлади. Ҳузайфа (розиаллоҳу анҳу)дан. Бухорий, Муслим, Термизий ва Ибн Можа ривояти.

* فِرَاشٌ لِلرَّجُلِ، وَفِرَاشٌ لِأَمْرَأَتِهِ، وَالثَّالِثُ لِلضَّيْفِ، وَالرَّابِعُ لِلشَّيْطَانِ. (رواه مسلم عن جابر)

806. Эркак учун бир тўшак, хотини учун бир тўшак, учинчиси меҳмон учун, тўртинчиси (ортиқчаси) эса шайтон учундир. Жобир (розиаллоҳу анҳу)дан. Муслим ривояти.

* فَضْلُ الْعَالَمِ عَلَى الْعَابِدِ، كَفَضْلِي عَلَى أَدْنَاكُمْ، إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ وَمَلَأَتْكَتُهُ، وَأَهْلَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ، حَتَّى الثَّمَلَةُ فِي جُحْرِهَا، وَحَتَّى الْحُوتُ فِي الْبَحْرِ، لِيُصَلُّوا عَلَى مُعَلِّمِ النَّاسِ الْخَيْرِ. (رواه الترمذي)

807. Олимнинг обидга нисбатан фазли мен билан сизлардан энг қуйингизнинг фазлига ўхшайди. Албатта, Аллоҳ азза ва жалла, фаришталари, еру осмон аҳллари, инидаги чумоли, ҳатто денгиздаги балиқ одамларга яхшилиқни ўргатувчига салавот айтади. *Термизий ривояти.*

* فَضْلُ الْقُرْآنِ عَلَى سَائِرِ الْكَلَامِ، كَفَضْلِ الرَّحْمَنِ عَلَى سَائِرِ خَلْقِهِ. (رواه أبو هريرة)

808. Қуръоннинг фазли, бошқа каломларга нисбатан фазилати Раҳмон (Аллоҳ)нинг бошқа махлуқотларига нисбатан фазилатига ўхшайди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* فَضْلُ الْعَالَمِ عَلَى الْعَابِدِ كَفَضْلِ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ عَلَى سَائِرِ الْكَوَاكِبِ. (رواه أبو نعيم عن معاذ)

809. Олимнинг обидга нисбатан фазилати худди Бадр кечасида бошқа юлдузлар олдидаги ойнинг фазлига ўхшайди. Муоз (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.

* فَضَلَتِ الْمَرْأَةُ عَلَى الرَّجُلِ بِتِسْعَةٍ وَتِسْعِينَ جُزْءًا مِنَ اللَّذَّةِ، وَلَكِنَّ اللَّهَ أَلْقَى عَلَيْهِنَّ الْحَيَاءَ. (رواه البيهقي عن أبي هريرة)

810. Лаззатланиш борасида аёл киши эркакка нисбатан тўқсон тўққиз бўлак ила фазилатли қилинган. Лекин Аллоҳ уларга ҳаёни берган. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* فَضْلُ صَلَاةِ اللَّيْلِ عَلَى الصَّلَاةِ النَّهَارِ كَفَضْلِ صَدَقَةِ السِّرِّ عَلَى صَدَقَةِ الْعَلَانِيَةِ. (رواه ابن مالك عن ابن مسعود)

811. Кечасидаги намознинг фазли кундузидаги намознинг фазлига қараганда, худди махфий берилган садақа билан очиқчасига берилган садақанинг фазлига

ўхшайди. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Молик ривояти.

* **فَعِلُ الْمَعْرُوفِ بَقِي مَصَارِعِ الشُّوْءِ.** (رواه أبو سعيد الخدري)

812. Яхшилиқни бажариш ёмонлик фожиасидан сақлайди. Абу Саид Ҳудрий (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* **فَكُوا الْعَانِي وَأَجِيبُوا الدَّاعِيَ، وَأَطِيعُوا الْجَانِعَ، وَعُودُوا الْمَرِيضَ.** (رواه أبو موسى الأشعري)

813. Асирларни қўйиб юборинглар, чақирикқа ижобат қилинглр, очларни тўйдиринглар ва касаллар ҳолидан хабар олинглар. Абу Мусо Ашъарий (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* **فِي الْجَنَّةِ مَائَةٌ دَرَجَةٍ، مَا بَيْنَ كُلِّ دَرَجَتَيْنِ كَمَا بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ، وَالْفِرْدَوْسُ أَعْلَاهَا دَرَجَةٌ، وَمِنْهَا تُفَجَّرُ أَنْهَارُ الْجَنَّةِ الْأَرْبَعَةِ، وَمِنْ فَوْقِهَا يَكُونُ الْعَرْشُ، فَإِذَا سَأَلْتُمُ اللَّهَ فَاسْأَلُوهُ الْفِرْدَوْسَ.** (رواه الحاكم)

814. Жаннатда юз даража бордир. Ҳар бир икки даражанинг оралиғи ер билан осмон оралиғичадир. Фирдавс жаннати у даражаларнинг энг олийсидир. Ундан жаннат анҳорларининг тўрттаси отилиб чиқади. Унинг тепасида Арш бўлади. Агар Аллоҳдан сўрайдиган бўлсангиз, Фирдавс жаннатини сўранглар. Ҳоким ривояти.

* **فِي الْجَنَّةِ مَا لَا عَيْنٌ رَأَتْ، وَلَا أُذُنٌ سَمِعَتْ، وَلَا خَطَرَ عَلَى قَلْبٍ بَشَرٍ.** (رواه الطبراني عن أبي سعيد)

815. Жаннатда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва инсон қалби ҳис этмаган нарсалар бордир. Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* **فِي كِتَابِ اللَّهِ ثَمَانُ آيَاتٍ لِلْعَيْنِ، الْفَاتِحَةُ، آيَةُ الْكُرْسِيِّ.** (رواه الديلمي عن عمران بن حصين)

816. Аллоҳнинг Китобида кўздан тўсувчи саккиз оят бордир. У оятлар Фотиҳа сураси ва Оятул Курсийдир. Имрон ибн Ҳусайн (розияллоҳу аҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* الْفُقَهَاءُ أَمَنَاءُ الرُّسُلِ، مَا لَمْ يَدْخُلُوا فِي الدُّنْيَا وَيَتَّبِعُوا السُّلْطَانَ، فَإِذَا فَعَلُوا ذَلِكَ فَأَحْذَرُوهُمْ. (رواه الإمام علي)

817. Фақиҳлар пайғамбарларнинг ишончли кишиларидир, модомики улар дунёга киришиб кетишмаса ва султонга тобе бўлишмаса. Борди-ю, шундай қилишса, улардан четланинглр. Али (розияллоҳу аҳу)дан қилинган ривоят.

* الْفَلَقُ سَجَنٌ فِي جَهَنَّمَ، يُجَسُّ فِيهِ الْجَبَّارُونَ وَالْمُتَكَبِّرُونَ وَإِنَّ جَهَنَّمَ لَتَتَعَوَّذُ بِاللَّهِ مِنْهُ. (رواه ابن مردويه عن عمرو)

818. Ибн Амр Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳнинг «Қул аъзу би роббил фалақ» сўзи ҳақида сўраганида, у зот (алайҳиссалом): «Фалақ жаҳаннамдаги қамокдир. У ерга золим ва мутакаббирлар ҳибс қилинади. Албатта, жаҳаннам ҳам Аллоҳдан ундан (яъни, азобининг қаттиқлигидан) паноҳ тилайди», дедилар. Ибн Амр (розияллоҳу аҳу)дан. Ибн Мардавайҳ ривояти.

ق) ҚОФ ҲАРФИ — حرف القاف

* قَاتَلَ اللَّهُ الْيَهُودَ، اتَّخَذُوا قُبُورَ أَنْبِيَائِهِمْ مَسَاجِدَ. (رواه البخاري ومسلم)

819. Аллоҳ яҳудийларни ҳалок қилсин. Улар пайғамбарлари қабрларини масжид қилиб олишди. Бухорий ва Муслим ривояти.

* قَتَلَ الْمُؤْمِنُ أَعْظَمُ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ زَوَالِ الدُّنْيَا. (رواه النسائي)

820. Мўминнинг ўлдирилиши Аллоҳ ҳузурида дунё йўқ бўлиб кетишидан ҳам улканроқ воқеадир. Насоий ривояти.

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: إِنَّ الْجَنِّ وَالْإِنْسَ فِي نَبَاءٍ عَظِيمٍ، أَخْلَقَ وَيُعَبِّدُ غَيْرِي؟
وَأَرْزُقُ وَيُشْكِرُ غَيْرِي. (رواه البيهقي عن أبي الدرداء)

821. Аллоҳ таоло: «Албатта, жин ва инсон улуғ хабар-дадирлар. Мен яратаман, мендан бошқага ибодат қилинади. Мен ризқ бераман, Мендан бошқага миннатдорлик билдирилиб, шукр қилинади». Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: مَنْ لَمْ يَرْضَ بِقَضَائِي وَقَدَرِي فَلْيَلْتِمَسْ رَبًّا غَيْرِي. (رواه البيهقي عن أنس)

822. Аллоҳ таоло: «Ким Менинг қазои қадаримга рози бўлмаса, Мендан бошқа Рабб топиб олсин», деди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ثَلَاثَةٌ أَنَا خَصْمُهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، رَجُلٌ أَعْطَى بِي ثُمَّ غَدَرَ، وَرَجُلٌ بَاعَ حُرًّا فَأَكَلَ ثَمَنَهُ، وَرَجُلٌ اسْتَأْجَرَ أَجِيرًا فَاسْتَوْفَى مِنْهُ، وَلَمْ يُعْطِهِ أَجْرًا. (رواه البخاري عن أبي هريرة)

823. Аллоҳ таоло: «Қиёмат куни Мен уч одамнинг хусуматчисиман. Бирор киши билан аҳдлашиб, унга Менинг номимни ўртага қўйиб, қасам ичиб кейин хиёнат қилса. Бир одам озод кишини (қул қилиб) сотиб юбориб, унинг пулини еса. Бир киши бир ишчини ёлласа-да, унга ишини қилдириб, ҳақини бермаса. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти.

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: سَتَمَنِي ابْنُ آدَمَ وَمَا يَنْبَغِي لَهُ أَنْ يَسْتَمَنِي وَكَذَّبَنِي وَمَا يَنْبَغِي لَهُ أَنْ يَكْذِبَنِي، أَمَا سَتَمَهُ إِبَّايَ فَقَوْلُهُ: إِنَّ لِي وَلَدًا وَأَنَا اللَّهُ الْأَحَدُ الصَّمَدُ، لَمْ أَلِدْ وَلَمْ أُولَدْ، وَلَمْ يَكُنْ لِي كُفُوًا أَحَدٌ، وَأَمَا تَكْذِيبُهُ إِبَّايَ، فَقَوْلُهُ: لَيْسَ يُعِيدُنِي كَمَا بَدَأَنِي، (وَلَيْسَ أَوَّلُ الْخَلْقِ بِأَهْوَنَ عَلَيَّ مِنْ إِعَادَتِهِ). (رواه النسائي عن أبي هريرة)

824. Аллоҳ таоло деди: «Одам боласи Мени сўқди, у Мени сўкмаслиги керак эди. Одам боласи Мени ёлғончи қилди, у Мени ёлғончи қилмаслиги лозим эди. Одам боласининг Мени сўкиши фарзанди бор, дейишидир. Ваҳоланки, Мен яккаю ёлғиз, барча нарсадан беҳожат, туғмаган ва туғилмаган, тенги йўқ Зотдирман. Аммо Одам боласининг Мени ёлғончига чиқариши: «Мени аввал халқ қилганидек қайта тирилтира олмайди», дейишидир. Ахир, қайта тирилтириш Мен учун аввал халқ қилишдан кўра енгилроқ эмасми?!» *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Насоий ривояти.*

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: أَعَدَدْتُ لِعِبَادِي الصَّالِحِينَ، مَا لَا عَيْنٌ رَأَتْ وَلَا أُذُنٌ سَمِعَتْ وَلَا خَطَرَ عَلَى قَلْبِ بَشَرٍ. (رواه ابن ماجه عن أبي هريرة)

825. Аллоҳ таоло: «Мен солиҳ бандаларимга жаннатда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсон қалби ҳис этмаган нарсаларни тайёрлаб қўйдим», деб айтди. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.*

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: إِذَا هَمَّ عَبْدِي بِحَسَنَةٍ وَلَمْ يَعْمَلْهَا، كَتَبْتُهَا لَهُ حَسَنَةً، فَإِنْ عَمَلَهَا كَتَبْتُهَا عَشْرَ حَسَنَاتٍ إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضَعْفٍ، وَإِذَا هَمَّ بِسَيِّئَةٍ وَلَمْ يَعْمَلْهَا لَمْ أَكْتُبْهَا عَلَيْهِ، فَإِنْ عَمَلَهَا كَتَبْتُهَا سَيِّئَةً وَاحِدَةً. (رواه الشيخان عن أبي هريرة)

826. Аллоҳ таоло: «Агар банда бирор яхшилиқни қасд этиб, унга амал қила олмаса, унга бир яхшилиқ бажарди», деб ёзиб қўяман. Агар амал қилса, ўн даражадан бошлаб етти юз баробаргача ёзиб қўяман. Агар бирор ёмонлиқни қасд этиб, унга амал қилмаса, ҳеч нарса ёзмайман. Агар амал қилса, бир ёмонлиқ бажарди, деб ёзиб қўяман», деб айтди. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ ذَهَبَ يَخْلُقُ كَخَلْقِي، فَلْيَخْلُقُوا حَبَّةَ أَوْ

لِيَخْلُقُوا ذَرَّةً أَوْ لِيَخْلُقُوا شَعِيرَةً. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

827. Аллоҳ таоло: «Мен (Аллоҳ) каби яратишга интилан кишидан ҳам золимоқ одам борми? Ундай бўлса, бирор дон ё зарра ёки арпа яратиб кўрсин-чи?» деб айтди. Абу Ҳурайра (розиаллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: يَا عِبَادِي: إِنِّي حَرَمْتُ الظُّلْمَ عَلَى نَفْسِي، وَجَعَلْتُهُ مُحَرَّمًا بَيْنَكُمْ، فَلَا تَظَالُمُوا يَا عِبَادِي: كُلُّكُمْ ضَالٌّ إِلَّا مَنْ هَدَيْتُهُ فَاسْتَهْدُونِي أَهْدِكُمْ، يَا عِبَادِي: كُلُّكُمْ جَائِعٌ إِلَّا مَنْ أَطْعَمْتُهُ، فَاسْتَطْعِمُونِي أُطْعِمَكُمْ، يَا عِبَادِي: كُلُّكُمْ عَارٍ إِلَّا مَنْ كَسَوْتُهُ فَاسْتَكْسُونِي أَكْسِكُمْ. يَا عِبَادِي: إِنَّكُمْ تُخْطُونَ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ، وَأَنَا أَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا، فَاسْتَغْفِرُونِي أَغْفِرْ لَكُمْ، يَا عِبَادِي: إِنَّكُمْ لَنْ تَبْلُغُوا ضَرِي فَتَضُرُّونِي وَلَنْ تَبْلُغُوا نَفْعِي فَتَنْفَعُونِي، يَا عِبَادِي: لَوْ أَنَّ أَوَّلَكُمْ وَآخِرَكُمْ، وَإِنْسَكُمْ وَجَنَّتُمْ كَانُوا عَلَى اتَّقَى قَلْبِ رَجُلٍ وَاحِدٍ، مِنْكُمْ مَا زَادَ ذَلِكَ فِي مُلْكِي شَيْئًا. يَا عِبَادِي: لَوْ أَنَّ أَوَّلَكُمْ وَآخِرَكُمْ، وَإِنْسَكُمْ وَجَنَّتُمْ كَانُوا عَلَى أَفْجَرِ قَلْبِ رَجُلٍ وَاحِدٍ مِنْكُمْ، مَا نَقَصَ ذَلِكَ مِنْ مُلْكِي شَيْئًا. يَا عِبَادِي: لَوْ أَنَّ أَوَّلَكُمْ وَآخِرَكُمْ، وَإِنْسَكُمْ وَجَنَّتُمْ، قَامُوا فِي صَعِيدٍ وَاحِدٍ، فَسَأَلُونِي فَأَعْطَيْتُ كُلَّ إِنْسَانٍ مَسْأَلَتَهُ، مَا نَقَصَ ذَلِكَ مِمَّا عِنْدِي، إِلَّا كَمَا يَنْقُصُ الْمَخِيطُ إِذَا أُدْخِلَ الْبَحْرَ. يَا عِبَادِي: إِنَّمَا هِيَ أَعْمَالُكُمْ أُحْصِيهَا لَكُمْ، ثُمَّ أُوَفِّيْكُمْ بِهَا، فَمَنْ وَجَدَ خَيْرًا فَلْيَحْمَدِ اللَّهَ، وَمَنْ وَجَدَ غَيْرَ ذَلِكَ فَلَا يُلُومَنَّ إِلَّا نَفْسَهُ. (رواه مسلم)

828. Аллоҳ таоло: «Эй бандаларим, ўзимга зулмни ҳаром қилдим ва уни ораларингизда ҳам ҳаром этдим. Бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар. Эй бандаларим, барчангиз залолатдасиз. Фақатгина Мен ҳидоят қилган-

ларгина тўғри йўлдадир. Шундай экан, ҳидоятни Мендан талаб қилинглار. Ўзим сизларни ҳидоят қиламан. Эй бандаларим, барчангиз очдирсиз. Фақатгина Мен таомлантирганларгина бундай эмас. Бас, шундай экан, Мендан таом талаб қилинглар, сизларни (Ўзим) таомлантираман. Эй бандаларим, барчангиз яланғочдирсиз. Фақатгина Мен кийинтирганларгина бундай эмас. Кийинишни Мендан талаб қилинглар, Мен сизларни (Ўзим) кийинтираман. Эй бандаларим, сизлар кечаю кундуз хато қиласизлар. Мен эса гуноҳларингизнинг барчасини кечираман. Бас, шундай экан, Мендан истиғфор талаб қилинглар, сизларнинг гуноҳингизни (Ўзим) кечираман. Эй бандаларим, Менга зарар бермоқчи бўлсангиз, ҳаргиз зарар бера олмайсиз. Менга фойда бермоқчи бўлсангиз ҳам, ҳаргиз фойда бера олмайсиз. Эй бандаларим, агар аввалларингиз ва охирларингиз, инс ва жинларингиз тақволи қалб кишиси (эгаси) бўлишса, мулкимда бирор нарса зиёда бўлиб қолмайди. Эй бандаларим, агар аввалларингиз ва охирларингиз, инс ва жинларингиз фожир қалб кишиси (эгаси) бўлишса, мулкимдан бирор нарса камайиб қолмайди. Эй бандаларим, агар аввалларингиз ва охирларингиз, инс ва жинларингиз бир тепаликда туриб, Мендан сўрашса, Мен ҳар бир киши сўраган нарсасини берсам ҳам, ҳузуримдаги бирор нарса камаймайди. Фақатгина денгизга игнани бир марта тиқиб олганда камайганчалик камаяди, холос. Эй бандаларим, бу сизларнинг амалингиздир. Мен амалларингизни ҳисоблаб сақлаб қўяман. Кейин уни мукаммал қилиб топшираман. Кимки унинг яхшисини топса, Аллоҳга ҳамд айтсин. Кимки бундан бошқасини топса, фақатгина ўзини маломат қилсин», деди». *Муслим ривояти.*

* قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: أَنْفَقَ يَا ابْنَ آدَمَ، أَنْفَقَ عَلَيْكَ. (رواه البخاري ومسلم)

829. Аллоҳ таоло: «Эй одам боласи, молингдан инфоқ қил, сенга ҳам инфоқ қилинади», деб айтди. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: يُؤْذِينِي ابْنُ آدَمَ، يَسُبُّ الدَّهْرَ، وَأَنَا الدَّهْرُ، بِيَدِي الْأَمْرُ أَقْلِبُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ. (رواه البخاري ومسلم)

830. Аллоҳ таоло: «Одам боласи Менга озор бериб, замонни сўқди. Мен замондирман, ҳамма ишлар Менинг қўлимда, кеча ва кундузни Мен ўзгартираман», деб айтди. Бухорий ва Муслим ривояти.

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: سَبَقَتْ رَحْمَتِي غَضَبِي. (رواه مسلم)

831. Аллоҳ таоло: «Раҳматим азобимдан ўзиб кетди», деб айтди. Муслим ривояти.

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: إِذَا تَقَرَّبَ الْعَبْدُ إِلَيَّ شَبْرًا، تَقَرَّبْتُ إِلَيْهِ ذِرَاعًا، وَإِذَا تَقَرَّبَ إِلَيَّ ذِرَاعًا، تَقَرَّبْتُ مِنْهُ بَاعًا، وَإِذَا أَتَانِي مَشْيًا أَتَيْتُهُ هَرْوَلَةً. (رواه البخاري عن أنس)

832. Аллоҳ таоло: «Агар банда Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир газ яқинлашаман. Агар у Менга бир газ яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Агар Менга юриб келса, Мен унга югуриб бораман», деб айтди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти.

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: الْكِبْرِيَاءُ رِدَائِي، وَالْعِظْمَةُ إِزَارِي، فَمَنْ نَازَعَنِي وَاحِدًا مِنْهُمَا قَذَفْتُهُ فِي النَّارِ. (رواه ابن ماجه عن ابن عباس)

833. Аллоҳ таоло: «Кибрлилик Менинг тўнимдир. Улуғлик эса Менинг изоримдир. Қайси бир киши мана шу икки нарсанинг бирида Мен билан тортишса, Мен уни дўзахга улоқтираман», деб айтди. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Можа ривояти.

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: إِذَا بَلَغَ عَبْدِي أَرْبَعِينَ سَنَةً عَافَيْتُهُ مِنَ الْبَلَايَا الثَّلَاثِ مِنَ الْجُنُونِ، وَالْجَذَامِ، وَالْبَرَصِ، وَإِذَا بَلَغَ خَمْسِينَ سَنَةً حَاسَبْتُهُ حَسَابًا يَسِيرًا، وَإِذَا بَلَغَ سِتِينَ سَنَةً حَبَبْتُ إِلَيْهِ الْإِنَابَةَ، وَإِذَا بَلَغَ سَبْعِينَ سَنَةً أَحْبَبْتُ الْمَلَائِكَةَ،

وَإِذَا بَلَغَ ثَمَانِينَ سَنَةً كُتِبَتْ حَسَنَاتُهُ وَأُلْغِيَتْ سَيِّئَاتُهُ وَإِذَا بَلَغَ تِسْعِينَ سَنَةً، قَالَتِ الْمَلَائِكَةُ، أَسِيرُ اللَّهِ فِي أَرْضِهِ، فَعَفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ وَمَا تَأَخَّرَ، وَيَشْفَعُ فِي أَهْلِهِ. (رواه الحكيم عن عثمان)

834. Аллоҳ таоло: «Агар бандам қирқ ёшга етса, уни учта балодан омонда қиламан. 1. Жиннилик. 2. Мохов. 3. Песлик. Агар эллик ёшга етса, уни енгил ҳисоб ила ҳисоб қиламан. Агар олтмиш ёшга етса, унга тавба қилишни маҳбуб эттираман. Агар етмишга етса, фаришталар уни яхши кўради. Агар саксонга етса, яхшиликлари ёзилиб, ёмонликлари бекор қилинади. Агар тўқсонга етса, фаришталар: «У Аллоҳнинг ердаги асиридир. Унинг аввалгию кейинги гуноҳлари кечирилиб, ўз аҳлига шафоатчи қилинади», деди. *Усмон (розияллоҳу анҳу) дан. Ҳаким ривояти.*

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: إِذَا وَجَّهْتُ إِلَى عَبْدٍ مِنْ عِبْدِي مُصِيبَةً فِي بَدَنِهِ، أَوْ فِي وَلَدِهِ، أَوْ فِي مَالِهِ، فَاسْتَقْبَلَهَا بِصَبْرٍ جَمِيلٍ اسْتَحْيَيْتُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَنْ أَنْصِبَ لَهُ مِزَانًا أَوْ أَنْشُرَ لَهُ دِيوَانًا. (رواه مسلم)

835. Аллоҳ таоло: «Агар бандаларимдан бирига баданида ёки боласида ёки молида бирор мусибатни берсам-у, у чиройли сабр қилса, қиёмат куни тарозу ўрнатишга ёки амаллари ёзилган девонни очишга ҳаё қиламан», деб айтди. *Муслим ривояти.*

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: إِنِّي أَنَا اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا، فَمَنْ أَقَرَّ لِي بِالتَّوْحِيدِ دَخَلَ حِصْنِي وَأَمِنَ مِنْ عَذَابِي. (رواه الشيرازي عن علي)

836. Аллоҳ таоло: «Мен Аллоҳдирман. Мендан бошқа илоҳ йўқ. Ким Менинг яккалигимга иқрор бўлса, Менинг қўрғонимга кириб, азобимдан омонда бўлади», деб айтди. *Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) дан. Шерозий ривояти.*

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: كُلَّ عَمَلٍ ابْنِ آدَمَ لَهُ إِلَّا الصَّيَامَ، فَإِنَّهُ لِي، وَأَنَا أَجْزِي بِهِ، وَالصَّيَامُ جُنَّةٌ، إِذَا كَانَ يَوْمٌ صِيَامٍ أَحَدِكُمْ فَلَا يَرْفُثْ وَلَا يَصْخَبْ، فَإِنْ سَاءَ أَحَدٌ أَوْ قَاتَلَهُ فَلْيَقُلْ إِنِّي أَمْرٌ صَائِمٌ، وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ، خُلُوفُ فَمِ الصَّائِمِ أَطْيَبُ عِنْدَ اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ رِيحِ الْمِسْكِ، لِلصَّائِمِ فَرْحَتَانِ يَفْرَحُهُمَا، إِذَا أَفْطَرَ فَرِحَ بِفِطْرِهِ، وَإِذَا لَقِيَ رَبَّهُ فَرِحَ بِصَوْمِهِ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

837. Аллоҳ таоло: «Ҳар бир одам боласининг амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир. Мен Ўзим уни мукофотлайман», деб айтди. Рўза ёмонликлардан қўрғондир. Сизлардан бирингиз рўза куни бўлганда ёмон сўзларни сўзламасин ва шовқин-сурон қилмасин. Борди-ю, бирор одам уни сўкса ёки у билан уришса, мен рўзадор кишиман, деб айтсин. Муҳаммаднинг жони измида бўлган Зотга қасамки, рўзадорнинг оғзидаги ҳид Аллоҳнинг ҳузурида мушки анбарнинг ҳидидан ҳам хушбўйроқдир. Рўзадорга икки хурсандчилик бор. Оғзини очганда, шунга шодланиши, Раббисига йўлиққанда, тутган рўзасига хурсанд бўлиши. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: أَنَا أَكْرَمُ وَأَعْظَمُ عَفْوًا مَنْ أَنْ أَسْتُرَ عَلَى عَبْدٍ مُسْلِمٍ فِي الدُّنْيَا، ثُمَّ أَفْضَحَهُ بَعْدَ إِذْ سَتَرْتَهُ وَلَا أَرَأَى أَغْفِرَ لِعَبْدِي مَا اسْتَغْفَرَنِي. (رواه الحكيم عن حسن مرسلًا)

838. Аллоҳ таоло: «Мен дунёда мусулмон банданинг гуноҳини бекитиб, сўнг уни ошкор қилишдан кўра буюкроқ ва олижаноброқдирман. Бандам Менга истиғфор айтар экан, Мен унинг гуноҳларини кечираман», деб айтди. Ҳасан (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳаким мурсал ҳолда қилган ривоят.

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: وَعِزِّي وَجَلَالِي، لَا أَجْمَعُ لِعَبْدِي أَمْنَيْنِ، وَلَا خَوْفَيْنِ إِنَّ

هُوَ أَمَنِي فِي الدُّنْيَا أَخَفَّتُهُ يَوْمَ أَجْمَعُ عِبَادِي، وَإِنْ هُوَ خَافَنِي فِي الدُّنْيَا أَمَنْتُهُ يَوْمَ أَجْمَعُ عِبَادِي. (رواه أبو نعيم)

839. Аллоҳ таоло: «Азизлигим ва улуғлигим ҳақи-ҳурмати, Мен бандам учун икки омонлик ва икки хавфни жамламайман. Агар у дунёда Мендан омонда бўлса, бандаларимни жамлайдиган кунда қўрқитаман. Агар у дунёда Мендан хавф туйса, бандаларимни жамлайдиган кунда уни омонда қиламан», деб айтди. Абу Нуайм ривояти.

قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: عَبْدِي، أَنَا عِنْدَ ظَنِّكَ، وَأَنَا مَعَكَ إِذَا ذَكَرْتَنِي. (رواه الحاكم عن أنس)

840. Аллоҳ таоло: «Бандам, Мен сенинг гумонингдадирман. Агар Мени зикр қилсанг, сен билан биргадирман. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: يَا ابْنَ آدَمَ ثَلَاثَةٌ وَاحِدَةٌ لِي، وَوَاحِدَةٌ لَكَ، وَوَاحِدَةٌ بَيْنِي وَبَيْنَكَ، فَأَمَّا الَّتِي لِي فَتَعْبُدُنِي وَلَا تُشْرِكْ بِي شَيْئًا، وَأَمَّا الَّتِي لَكَ: فَمَا عَمِلْتَ مِنْ عَمَلٍ جَزَيْتُكَ بِهِ، فَإِنْ أَغْفَرَ فَإِنَّا الْغَفُورُ الرَّحِيمُ، وَأَمَّا الَّتِي بَيْنَ بَيْنِكَ، فَعَلَيْكَ الدُّعَاءُ وَالْمَسْأَلَةُ، وَعَلَيَّ الْإِسْتِجَابَةُ وَالْعَطَاءُ. (رواه الطبراني عن سلمان)

841. Аллоҳ таоло: «Эй одам боласи, уч нарсa бордир. Бири Мен учун, бири сен учун ва яна бири Мен билан сенинг ўртамиздадир. 1) Мен учун бўлгани – Менга ҳеч нарсани шерик қилмай ибодат қиласан; 2) Сен учун бўлгани – бирор амални қилсанг, Мен у сабабли сени мукофотлайман. Агар сени мағфират қилсам, мен кечирувчи раҳмли Зотман; 3) Мен билан сенинг ўртамизда бўлгани – сен ўзингга дуо қилиб сўрашни лозим тут. Ижобат қилиб, сўраган нарсангни бериш Менинг зиммамдадир», деб айтди. Салмон (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: مَنْ لَا يَدْعُونِي أَغْضَبُ عَلَيْهِ. (رواه أبو هريرة)

842. Аллоҳ таоло: «Ким Менга дуо қилмаса, Мен унга ғазабда бўламан», деб айтди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) дан қилинган ривоят.

* قَالَ لِي جَبْرِيلُ: إِنَّا لَا نَدْخُلُ بَيْتًا فِيهِ صُورَةٌ أَوْ كَلْبٌ. (رواه البخاري)

843. Жаброил (алайҳиссалом) менга: «Биз жонли сурат ва ит бор уйга кирмаймиз», деб айтдилар. Бухорий ривояти.

* قَالَ مُوسَى بْنُ عِمْرَانَ: يَا رَبِّ! مَنْ أَعَزُّ عِبَادَكَ عِنْدَكَ؟ قَالَ مَنْ إِذَا قَدَرَ غَفَرَ. (رواه البيهقي عن أبي هريرة)

844. Мусо ибн Имрон: «Ё Рабб! Сенинг ҳузурингда қайси банданг азизроқ?» деб айтганларида, «Жазолашга қодир бўлатуриб кечириб юборган киши», деди. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу.) Байҳақий ривояти.

* قَالَ دَاوُدُ: إِذْخَالَكَ يَدُكَ فِي فَمِ التَّيْنِ إِلَى أَنْ تَبْلُغَ الْمِرْفَقَ فَيَقْضُمَهَا، خَيْرٌ لَكَ مِنْ أَنْ تَسْأَلَ مَنْ لَمْ يَكُنْ لَهُ شَيْءٌ ثُمَّ كَانَ. (رواه ابن عساكر عن أبي هريرة)

845. Довуд (алайҳиссалом): «Ҳеч нарсаси йўқ бўлиб, кейин бор бўлган кишидан нарса сўрашингдан, қўлингни тирсагингга етганича аждар оғзига киритиб, ўша қўлингни аждар ғажимоғи сен учун яхшидир», деб айтдилар. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.

* قَالَتْ أُمُّ سُلَيْمَانَ بْنِ دَاوُدَ لِسُلَيْمَانَ: يَا بُنَيَّ لَا تَكْثِرِ النَّوْمَ بِاللَّيْلِ فَإِنَّ كَثْرَةَ النَّوْمِ بِاللَّيْلِ تَتْرَكَ الْإِنْسَانَ فَقِيرًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه البيهقي عن جابر)

846. Сулаймоннинг онаси Сулаймонга: «Эй ўғлим, кечаси уйқуни кўпайтирмагин. Чунки кечасидаги кўп уйқу

қиёмат куни инсонни бечораҳол қилиб қўяди», дедилар. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* **قُلْ: اللَّهُمَّ اجْعَلْ سِرِّي خَيْرًا مِنْ عَلَانِيَتِي، وَاجْعَلْ عَلَانِيَتِي صَاحَةً**
اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ صَالِحِ مَا تُؤْتِي النَّاسَ مِنَ الْمَالِ وَالْأَهْلِ وَالْوَلَدِ، غَيْرِ
الضَّالِّ وَلَا الْمُضِلِّ. (رواه الترمذي عن أنس)

847. Ё Аллоҳ, ичимни устимдан яхши айлагин. Устимни солиҳ қилгин. Ё Аллоҳ, одамларга берадиганинг мол, аҳл ва болаларнинг яхшисидан бергин. Улар ўзи адашмасин ва адаштирмасин, деб айтгин. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* **قُلْ: اللَّهُمَّ فَاطِرَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ، عَالِمَ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ، رَبَّ كُلِّ شَيْءٍ وَمَلِيكُهُ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ نَفْسِي، وَمِنْ شَرِّ الشَّيْطَانِ بِشِرْكَهٖ، قُلْهَا إِذَا أَصْبَحْتَ وَإِذَا أَمْسَيْتَ، وَإِذَا أَخَذْتَ مَضْجَعَكَ.**
 (رواه ابن حبان عن أبي هريرة)

848. Ё Аллоҳ, Сен еру осмонларни яратган, ғойибни ва шоҳидни билувчи, барча нарсанинг Рабби ва Молики-дирсан. Гувоҳлик бераманки, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Нафсимнинг ёмонлигидан, шайтоннинг ёмонлиги ва ширкидан паноҳ тилайман, деб айтгин. Шу калималарни тонг оттирганингда, кеч кирганида, тўшагингга ётганингда айтгин. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Ҳиббон ривояти.

* **قُلْ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ نَفْسًا مُطْمَئِنَّةً، تُؤْمِنُ بِلِقَائِكَ وَتَرْضَى بِقَضَائِكَ**
وَتَقْنَعُ بِعَطَائِكَ. (رواه الضياء عن أبي أمامة)

849. Ё Аллоҳ, Сенга йўлиқишга ишонадиган, қазои қадарингга рози бўладиган ва берган нарсаларингга қаноат қиладиган хотиржам нафс сўрайман, деб айтгин. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Зиё ривояти.

* **قُلْ: اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي، وَارْحَمْنِي، وَعَافِنِي، وَارْزُقْنِي، فَإِنَّ هَؤُلَاءِ تَجْمَعُ لَكَ دُنْيَاكَ وَآخِرَتَكَ.** (роав ابن ماجه عن سارق الأشجعي)

850. «Ё Аллоҳ, мени мағфират эт, менга раҳм қил, мени офиятда қил, менга ризқ бер», деб айт. Чунки бу калималар сенга дунё ва охиратингни жамлаб беради. *Сориқ Ашжаий (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.*

* **قُلِ اللَّهُمَّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي ظُلْمًا كَثِيرًا وَإِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ، فَاعْفِرْ لِي مَغْفِرَةً مِنْ عِنْدِكَ، وَارْحَمْنِي إِنَّكَ أَنْتَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ.** (роав البخари ومسلم)

851. «Ё Аллоҳ, мен ўз жонимга кўп зулм қилдим. Менинг гуноҳимни фақат Сен кечирасан. Ўзингнинг ҳузурингдаги мағфират ила менинг гуноҳимни кечир ва менга раҳм қил. Албатта, Сен кечирувчи, раҳмли Зотсан», деб айт. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* **قَلِيلُ الْفَقْهِ خَيْرٌ مِنْ كَثِيرِ الْعِبَادَةِ، وَكَفَى بِالْمَرْءِ فَقْهًا إِذَا عَبْدَ اللَّهَ، وَكَفَى بِالْمَرْءِ جَهْلًا إِذَا أُعْجِبَ بِرَأْيِهِ، وَإِنَّمَا النَّاسُ رَجُلَانِ: مُؤْمِنٌ، وَجَاهِلٌ. فَلَا تُؤْذِ الْمُؤْمِنَ، وَلَا تَحَاوِرِ الْجَاهِلَ.** (роав الطبراني عن ابن عمر)

852. Озгина фикҳ кўпгина ибодатдан яхшидир. Киши агар Аллоҳга қуллик қилса, фақиҳ эканига кифоя қилади. Киши агар ўз раъйига ажабланса, жоҳил эканига кифоядир. Одамлар икки хил бўлади. 1. Мўмин. 2. Жоҳил. Мўминга озор берма ва жоҳил билан мужодала қилма. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.*

* **قَلِيلُ التَّوْفِيقِ، خَيْرٌ مِنْ كَثِيرِ الْعَقْلِ، وَالْعَقْلُ فِي أَمْرِ الدُّنْيَا مَصْرَةٌ، وَالْعَقْلُ فِي أَمْرِ الدِّينِ مَسْرَةٌ.** (роав ابن عساكر)

853. Озгина тавфиқ кўп ақлдан яхшидир. Дунё ишидаги ақл зарарлидир, дин ишидаги ақл хурсандликдир. *Ибн Асокир ривояти.*

* قُوا بِأَمْوَالِكُمْ عَنْ أَغْرَاضِكُمْ، وَلْيَصْنَعْ أَحَدُكُمْ بِلِسَانِهِ عَنْ دِينِهِ. (роҳабин
есакар)

854. Молларингиз ила обрўларингизни сақланглар. Сизлардан бирингиз тили билан динини зийнатласин. Ибн Асокир ривояти.

* الْقُرْآنُ هُوَ النُّورُ الْمُبِينُ، وَالذِّكْرُ الْحَكِيمُ، وَالصِّرَاطُ الْمُسْتَقِيمُ. (роҳабин
албийҳи)

855. Қуръон – равшан нур, ҳақим сифатли Зотнинг зикри ва тўғри йўлдир. Байҳақий ривояти.

* الْقُرْآنُ يُقْرَأُ بِلُحُونِ الْعَرَبِ وَأَصْوَاتِهَا، وَإِيَّاكُمْ وَلُحُونُ أَهْلِ الْعَشَقِ، وَلُحُونُ أَهْلِ الْكِتَابَيْنِ، فَإِنَّهُ سَيَجِيءُ بَعْدِي قَوْمٌ يُرْجَعُونَ بِالْقُرْآنِ تَرْجِيعَ الْغَنَاءِ وَالنُّوحِ، لَا يُجَاوِزُ حَنَاجِرَهُمْ، مَفْتُونَةٌ قُلُوبُهُمْ وَقُلُوبُ الَّذِينَ يُعْجِبُهُمْ شَأْنُهُمْ. (роҳабин
ҳазифа)

856. Қуръон араб оҳанги ва овози билан ўқилади. Сизлар ишқ аҳли ва икки китоб аҳли (яхудий ва насронийлар) оҳангига ўхшатиб ўқишдан четланинглар. Чунки тез кунларда шундай қавм келадики, куй ва йиғида жўр бўлингани каби Қуръон ўқишда жўр бўлишади. У ўқиган Қуръонлари бўғизларига ҳам кўтарилмайди. Уларнинг қалблари худди ўз шаънига ажабланадиганлар қалби каби фитналангандир. Ҳузайфа (розияллоҳу анҳу) ривояти.

* الْقَضَاءُ ثَلَاثَةٌ: اثْنَانِ فِي النَّارِ، وَوَاحِدٌ فِي الْجَنَّةِ: رَجُلٌ عَلِمَ الْحَقَّ فَقَضَى بِهِ فَهُوَ فِي الْجَنَّةِ، وَرَجُلٌ قَضَى لِلنَّاسِ عَلَى جَهْلٍ فَهُوَ فِي النَّارِ، وَرَجُلٌ عَرَفَ الْحَقَّ فَجَارَ فِي الْحُكْمِ فَهُوَ فِي النَّارِ. (роҳабин
ҳақим)

857. Қозилар уч хил бўлади. Иккиси дўзахда, бири эса жаннатдадир. Бир киши ҳақни танийди ва у билан ҳукм

қилади. Бу турдагиси жаннатдадир. Бир одам кишиларга билимсизлик ила ҳукм қилади. Бу турдагиси дўзахдадир. Бир одам ҳақни танийди-да, ҳукм этишда жабр қилади. Бу турдагиси ҳам дўзахдадир. *Ҳоким ривояти.*

(ك) كوف ҲАРФИ – حرف الكاف

* كَانَ اللَّهُ وَلَمْ يَكُنْ شَيْءٌ غَيْرُهُ، وَكَانَ عَرْشُهُ عَلَى الْمَاءِ وَكُتِبَ فِي الذِّكْرِ كُلِّ شَيْءٍ، وَخُلِقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضُ. (رواه البخاري)

858. Аллоҳ мавжуд эканида У Зотдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Унинг Арши сув устида эди. (У) зикрдаги барча нарсани ёзди ва еру осмонни яратди. *Бухорий ривояти.*

* كَبُرَتْ خِيَانَةٌ أَنْ تُحَدِّثَ أَخَاكَ حَدِيثًا هُوَ لَكَ بِهِ مُصَدِّقٌ وَأَنْتَ لَهُ كَاذِبٌ. (رواه أبو داود)

859. Биродарингга бир сўзни гапирганингда, у сени тасдиқласа-ю, сен уни алдаётган бўлсанг, мана шу хиёнатларнинг энг каттасидир. *Абу Довуд ривояти.*

* كَاتَمَ الْعِلْمَ يَلْعَنُهُ كُلُّ شَيْءٍ، حَتَّى الْخُوتُ فِي الْبَحْرِ، وَالطَّيْرُ فِي السَّمَاءِ. (رواه ابن الجوزي عن أبي سعيد)

860. Илмни яширувчи кишини барча нарса, ҳатто денгиздаги кит ва осмондаги қуш ҳам лаънатлайди. *Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Жавзий ривояти.*

* كِتَابُ اللَّهِ الْقِصَاصُ. (رواه البخاري ومسلم)

861. Аллоҳнинг Китобида қасос ҳақида сўзлар бор. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* كَادَ الْحَلِيمُ أَنْ يَكُونَ نَبِيًّا. (رواه الخطيب عن أنس)

862. Ҳалим киши пайғамбар бўлишига оз қолгандир. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.

* كَانَ النَّاسُ يَعُوذُونَ دَاوُدَ، يَطْنُونَ أَنْ بِهِ مَرَضٌ، وَمَا بِهِ إِلَّا شِدَّةُ الْخَوْفِ مِنْ اللَّهِ تَعَالَى. (رواه ابن عساكر عن ابن عمر)

863. Одамлар Довудни (алайҳиссалом) кўргани зиёратларига киришар эди. У зотни касал деб гумон қилишарди. Аслида, у зотда касаллик йўқ эди, фақат Аллоҳдан хавфлари кучли бўлгани учун шундай эдилар. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Асокир ривояти.

* كَانَ الرَّجُلُ يَدَايْنِ النَّاسِ، فَكَانَ يَقُولُ لِفَتَاهُ، إِذَا أَتَيْتَ مُعْسِرًا فَتَجَاوَزْ عَنْهُ، لَعَلَّ اللَّهَ أَنْ يَتَجَاوَزَ عَنَّا، فَلَقِيَ اللَّهَ فَتَجَاوَزَ عَنْهُ. (رواه الشيخان عن أبي هريرة)

864. Бир киши одамларга қарз бериб юрар эди. Йигитларига: «Агар қийналиб қолган кишилар бўлса, қарзини кечиб юборинглар, шоядки Аллоҳ биздаги гуноҳларни кечириб юборса», дер эди. Ўша киши Аллоҳга йўлиққанида гуноҳлари кечиб юборилди. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* كَفَى بِالْمَوْتِ مُزْهَدًا فِي الدُّنْيَا، وَمَرْغَبًا فِي الْآخِرَةِ. (رواه أحمد)

865. Ўлимнинг ўзи дунёда зоҳид ва охиратга рағбатли этишга кифоя қилади. Аҳмад ривояти.

* كَفَى بِالْمَرْءِ إِثْمًا أَنْ يُشَارَ إِلَيْهِ بِالْأَصَابِعِ، إِنْ كَانَ خَيْرًا فَهِيَ مَزَلَّةٌ، إِلَّا مَنْ رَحِمَ اللَّهُ، وَإِنْ كَانَ شَرًّا فَهُوَ شَرٌّ. (رواه البيهقي)

866. Кишига бармоқ билан ишора этилиши унинг гуноҳкор эканига кифоя қилади. Агар ўша ишора қилинаётган одам яхши бўлса, бу тойилишдир. Лекин Аллоҳ раҳм қилганлар ундай эмас. Агар ишора қилинаётган киши ёмон бўлса, бу ёмонлиқдир. Байҳақий ривояти.

كَفَى بِالْمَرْءِ إِثْمًا أَنْ يُحَدِّثَ بِكُلِّ مَا سَمِعَ. (رواه مسلم)

867. Ҳар бир эшитган нарсасини гапириш кишининг гуноҳкор бўлишига кифоя қилади. *Муслим ривояти.*

* كَفَّارَةُ الْمَجْلِسِ أَنْ يَقُولَ الْعَبْدُ (سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، وَحَدِّثْ لَا شَرِيكَ لَكَ، أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ). (رواه الطبراني عن ابن مسعود)

868. Мажлиснинг каффорати банданинг: «Субҳана-каллоҳумма ва биҳамдика ашҳаду алла илаҳа илла анта ваҳдака ла шарийка лак. Астағфирука ва атубу илайка», деб айтишидир. *Ибн Масъуд (розияллоҳу анху)дан. Табароний ривояти.*

* كُلُّ الْكَذِبِ يُكْتَبُ عَلَى ابْنِ آدَمَ إِلَّا ثَلَاثًا، الرَّجُلُ يَكْذِبُ فِي الْحَرْبِ، فَإِنَّ الْحَرْبَ خُدَعَةٌ: وَالرَّجُلُ يَكْذِبُ عَلَى الْمَرْأَةِ فَيَرْضَاهَا وَالرَّجُلُ يَكْذِبُ بَيْنَ الرَّجُلَيْنِ لِيُصْلِحَ بَيْنَهُمَا. (رواه ابن السني)

869. Учта ёлғондан бошқа барча ёлғон ёзилади. 1. Киши урушда ёлғон гапириши. Чунки уруш ҳийладир. 2. Киши хотинини рози этиши учун ёлғон гапириши. 3. Киши икки одамнинг орасини ислоҳ қилиш учун ёлғон гапириши. *Ибн Сунний ривояти.*

* كُلُّ بِنَاءٍ وَبَالٍ عَلَى صَاحِبِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِلَّا مَسْجِدًا. (رواه البيهقي)

870. Ҳар бир бино қиёмат кунини эгасига балодир. Лекин масжид ундай эмас. *Байҳақий ривояти.*

كُلُّ ذَنْبٍ عَسَى اللَّهُ أَنْ يَغْفِرَهُ إِلَّا مَنْ مَاتَ مُشْرِكًا. وَقَتْلَ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا. (رواه الحاكم عن معاوية)

871. Ҳар бир гуноҳни Аллоҳ кечириши мумкин. Лекин мушрик бўлиб ўлса ва мўмин кишини қасддан

ўлдирса, кечирмайди. Муовия (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* كُلُّ مَعْرُوفٍ صَدَقَةٌ، وَالْدَّالُّ عَلَى الْخَيْرِ كَفَاعِلُهُ، وَاللَّهُ يُحِبُّ إِغَاثَةَ اللَّهْفَانِ.
(رواه البيهقي عن ابن عباس)

872. Ҳар қандай яхшилик садақадир. Яхшиликка далолат қилувчи уни бажарувчи киши кабидир. Аллоҳ қийналиб қолган одамга ёрдам берган кишини яхши кўради. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Байҳақий ривояти.

* كُلُّ ابْنِ آدَمَ يَأْكُلُهُ التُّرَابُ، إِلَّا عَجَبَ الذَّنْبِ مِنْهُ خُلِقَ، وَمِنْهُ يُرْكَبُ.
(رواه مسلم عن أبي هريرة)

873. Ҳар бир одам боласини тупроқ еб битиради. Фақат думғазасини емайди. Чунки (одам) ўша нарсадан халқ қилиниб, ўша нарсадан йиғилади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Муслим ривояти.

* كُلُّ بَنِي آدَمَ يَمَسُّهُ الشَّيْطَانُ يَوْمَ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ إِلَّا مَرْيَمَ وَابْنَهَا. (رواه مسلم
عن أبي هريرة)

874. Ҳар бир одам боласини онасидан туғилган куни шайтон ушлайди. Фақат Марям ва унинг ўғли ундай эмас. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Муслим ривояти.

* كُلُّ مُسْكِرٍ خَمْرٌ، كُلُّ مُسْكِرٍ حَرَامٌ، وَإِنَّ عَلَى اللَّهِ لَعَهْدًا لِمَنْ شَرِبَ الْمُسْكِرَاتِ أَنْ يَسْقِيَهُ مِنْ طِينَةِ (الْخَبَالِ) عَرَقِ أَهْلِ النَّارِ. (رواه مسلم عن جابر)

875. Ҳар қайси маст қилувчи (наrsa) хамрдир. Ҳар бир маст қилувчи (наrsa) ҳаромдир. Маст қилувчи нарсаларни ичганларни дўзах аҳли терларидан пайдо бўлган лойқа ила суғоришга Аллоҳнинг аҳди бордир. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Муслим ривояти.

* كُلِّ، وَاشْرَبْ، وَالْبَسْ، وَتَصَدَّقْ فِي غَيْرِ إِسْرَافٍ وَلَا مَخِيلَةٍ. (رواه الإمام أحمد)

876. Исроф қилмасдан, ўзингни катта олмасдан еб, ичиб, кийиб, садақа беравер. Аҳмад ривояти.

* كُلُّ مُصَوِّرٍ فِي النَّارِ، يَجْعَلُ لَهُ بِكُلِّ صُورَةٍ صَوْرَهَا نَفْسٌ فَتُعَذِّبُهُ فِي جَهَنَّمَ. (رواه مسلم عن ابن عباس)

877. Ҳар бир жонли сурат чизувчи дўзахдадир. Ҳар бир чизган жонли суратига жаҳаннамда азобланади. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Муслим ривояти.

* كُلُّ مَوْلُودٍ يُوَلَّدُ عَلَى الْفِطْرَةِ، حَتَّى يُعْرَبَ عَنْهُ لِسَانُهُ، فَأَبَوَاهُ يَهُودَانِهِ، أَوْ يُنَصْرَانِهِ، أَوْ يُمَجْسِسَانِهِ. (الأُسُودُ بْنُ سَرِيعٍ)

878. Ҳар бир туғилган чақалоқ (соф) фитратда туғилади. Унинг тили чиқиб (улғайганда,) ота-онаси яҳудий, на-сроний, мажусий қилади. Асвад ибн Сариъ (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* كَلِمَاتُ الْفَرَجِ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، الْحَلِيمُ الْكَرِيمُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ رَبُّ السَّمَوَاتِ السَّبْعِ رَبُّ الْعَرْشِ الْكَرِيمِ. (رواه ابن أبي الدنيا عن ابن عباس)

879. «Ла илаҳа иллаллоҳул ҳалимул карим. Ла илаҳа иллаллоҳул ʔалийул ʔазийм. Ла илаҳа иллаллоҳу раббус самавотис сабʔи ва раббул ʔаршил карийм» калималари очиқликка олиб борувчи калимадир. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Аббудунё ривояти.

* كَلِمَتَانِ خَفِيفَتَانِ عَلَى اللِّسَانِ، ثَقِيلَتَانِ فِي الْمِيزَانِ، حَبِيبَتَانِ إِلَى الرَّحْمَنِ سُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ الْعَظِيمِ. (رواه الشيخان)

880. Икки калима бор. Улар тилга енгил-у, тарозида оғирдир. Аллоҳга эса маҳбубдир. У «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, субҳаналлоҳил ʔазийм»дир. Бухорий ва Муслим ривояти.

* كَلُّوا التَّمَرَ عَلَى الرِّيقِ، فَإِنَّهُ يَقْتُلُ الدَّوْدَ. (رواه الديلمي عن ابن عباس)

881. Хурмони оч қоринга наҳорда енглар, чунки у куртларни ўлдиради. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Дайлабий ривояти.

* كُلُّ شَرَابٍ أَسْكَرَ فَهُوَ حَرَامٌ. (رواه البخاري ومسلم)

882. Ҳар бир маст қилувчи ичимлик ҳаромдир. Бухорий ва Муслим ривояти.

كُلُّكُمْ رَاعٍ وَكُلُّكُمْ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ، فَالْإِمَامُ رَاعٍ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ، وَالرَّجُلُ رَاعٍ فِي أَهْلِهِ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ، وَالْمَرْأَةُ رَاعِيَةٌ فِي بَيْتِ زَوْجِهَا وَهِيَ مَسْئُولَةٌ عَنْ رَاعِيَّتِهَا، وَالْخَادِمُ رَاعٍ فِي مَالِ سَيِّدِهِ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ، وَالابْنُ رَاعٍ فِي مَالِ أَبِيهِ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ، فَكُلُّكُمْ رَاعٍ وَكُلُّكُمْ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ. (متفق عليه عن ابن عمر)

883. Барчаларингиз қаровчисиз ва қўл остингиздагиларга масъулсиз. Имом қаровчидир ва қўл остидагиларига масъулдир. Киши ўз аҳлига қаровчидир ва қўл остидагиларига масъулдир. Хотин эрининг уйига қаровчидир ва қўл остидагиларига масъулдир. Хизматкор бошлиғининг молига қаровчидир ва қўл остидагиларига масъулдир. Барчангиз қаровчисиз ва қўл остингиздагиларга масъулсиз», дедилар. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* كُلُّ أُمَّتِي مُعَافَى إِلَّا الْمُجَاهِرِينَ: وَإِنْ مِنَ الْجَهَارِ أَنْ يَعْمَلَ الرَّجُلُ بِاللَّيْلِ عَمَلًا ثُمَّ يُصْبِحُ وَقَدْ سَتَرَهُ اللَّهُ. فَيَقُولُ: يَا فُلَانُ عَمِلْتُ الْبَارِحَةَ كَذَا وَكَذَا، وَقَدْ بَاتَ يَسْتُرُهُ رَبُّهُ وَيُصْبِحُ يَكْشِفُ سِتْرَ اللَّهِ عَنْهُ. (رواه البخاري ومسلم)

884. Умматимнинг барчаси афв этилгандир. Лекин (қилган гуноҳларини) очиб юборадиганлар ундай эмас. Киши кечаси бир (ёмон) амални қилса, кейин тонг оттир-са, Аллоҳ унинг гуноҳини беркитиб, ошкор этмаган бўл-са-ю, у: «Эй фалончи, кеча кечқурун шундай ва шундай қилдим», деб айтса. Ваҳоланки, Аллоҳ уни беркитган эди. У эса тонг отганда, Аллоҳ беркитган тўсиқни очиб ташла-ди. Бухорий ва Муслим ривояти.

* كَلُّوا جَمِيعًا وَلَا تَفْرُقُوا فَإِنَّ الْبِرْكَهَ مَعَ الْجَمَاعَةِ. (رواه ابن ماجه)

885. Жам бўлиб овқат енглар. Тарқоқ бўлиб еманг-лар. Чунки барака тўпланиб еганлар билан биргадир. Ибн Можа ривояти.

* كُلُّ مَيْسَرٍ لِمَا خُلِقَ لَهُ. (رواه البخاري ومسلم عن عمران)

886. Ҳар бир кишига у нимага яратилган бўлса, ўша нарсга унга осон қилиб қўйилгандир. Имрон (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* كُلُّ الذُّنُوبِ يُؤَخَّرُ اللَّهُ تَعَالَى مَا شَاءَ مِنْهَا إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ إِلَّا عُقُوقَ الْوَالِدَيْنِ، فَإِنَّ اللَّهَ يُعَجِّلُهُ لِصَاحِبِهِ فِي الْحَيَاةِ قَبْلَ الْمَمَاتِ. (رواه الطبراني)

887. Ҳар бир гуноҳни Аллоҳ хоҳлаганича қиёмат ку-нига қадар кечиктириб туради. Лекин ота-онага оқ бў-лиш ундай эмас. Чунки Аллоҳ уни эгасига ўлиmidан ол-дин, ҳаётлик пайтидаёқ жазосини тезлатиб қўя қолади. Табароний ривояти.

* كِيلُوا طَعَامَكُمْ يُبَارَكْ لَكُمْ فِيهِ. (رواه مسلم)

888. Таомларингизни тортиб ўлчанглар, шунда сиз-ларга барака ҳосил бўлади. Муслим ривояти.

(Яъни, маълум ҳисобда рўзғорга кетадиган нарсалар расамадини қилишга буюрилмоқда. Чунки иқтисод қи-лиш ҳаёт кечиришнинг ярмидир.)

* كُنْ فِي الدُّنْيَا كَأَنَّكَ غَرِيبٌ، أَوْ عَابِرُ سَبِيلٍ، وَكَانَ ابْنُ عُمَرَ يَقُولُ: إِذَا أَمْسَيْتَ فَلَا تَنْتَظِرِ الصَّبَاحَ، وَإِذَا أَصْبَحْتَ فَلَا تَنْتَظِرِ الْمَسَاءَ، وَخُذْ مِنْ صِحَّتِكَ لِمَرَضِكَ وَمِنْ حَيَاتِكَ لِمَوْتِكَ. (رواه ابن عمر)

889. Дунёда ғариб кишидек ёки мусофирдек бўл. Ибн Умар: «Агар кечлатсанг, тонг отишини кутма. Агар тонг оттирсанг, кеч бўлишини кутма. Касаллигинг учун соғлик пайтингда, ўлиминг учун ҳаётлик чоғингда ҳаракатингни қилиб қол», дер эдилар. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан қилинган ривоят.

* كُونُوا فِي الدُّنْيَا أَضْيَافًا، وَاتَّخِذُوا الْمَسَاجِدَ بُيُوتًا، وَعَوِدُوا قُلُوبَكُمْ الرِّقَّةَ، وَأَكْثَرُوا التَّفَكُّرَ وَالْبُكَاءَ، وَلَا تَخْتَلَفَنَّ بَكُمْ الْأَهْوَاءُ تَبْنُونَ مَا لَا تَسْكُنُونَ وَتَجْمَعُونَ مَا لَا تَأْكُلُونَ، وَتَأْمَلُونَ مَا لَا تَذْكُرُونَ. (رواه أبو نعيم عن الحكم بن عمير)

890. Дунёда меҳмондек бўлинглар. Масжидларни уйларингиз каби қилиб олинглар. Қалбларингизга юмшоқликни одат қилиб яшанглар. Тафаккур қилиш ва йиғлашни кўпайтиринглар. Яшамайдиган уйни қуриш, емайдиган нарсаларни жамлаш ва етишиб бўлмайдиган нарсаларни орзу қилиш ила нафсингиз охиратга тайёргарлик қилишдан тўсиб қўймасин. Ҳакам ибн Умайр (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.

* الْكِبَائِرُ: الشِّرْكُ بِاللَّهِ، وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ، وَقَتْلُ النَّفْسِ، وَالْيَمِينُ الْغَمُوسُ، أَلَا أَنْبِئُكُمْ بِأَكْبَرِ الْكِبَائِرِ؟ قَالُوا: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: قَوْلُ الزُّورِ. (روى عن أنس)

891. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, жонни ўлдириш, ёлғон қасам – буларнинг бари кабира, яъни улкан

гуноҳлардир. Сизларга кабиранинг улкани ҳақида хабар берайми?» деганларида, саҳобалар: «Ҳа, ё Аллоҳнинг Ра-сули» дейишди. Шунда у зот (алайҳиссалом): «Ёлғон сўз», деб айтдилар. Анас (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* الْكَلِمَةُ الْحَكْمَةُ صَالَةُ الْمُؤْمِنِ، فَحَيْثُ وَجَدَهَا فَهُوَ أَحَقُّ بِهَا. (رواه أبو هريرة)

892. Ҳикматли сўз мўминнинг йўқотган нарсасидир. У ҳикматли нарсани қаерда топса, ўшани олишга ҳақли-дир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* الْكَوْثَرُ نَهْرٌ فِي الْجَنَّةِ، حَافَتَاهُ مِنْ ذَهَبٍ، وَمَجْرَاهُ عَلَى الدَّرِّ وَالْيَاقُوتِ تُرْبَتُهُ أَطْيَبُ رِيحًا مِنَ الْمِسْكِ، وَمَاؤُهُ أَحْلَى مِنَ الْعَسَلِ، وَأَشَدُّ بَيَاضًا مِنَ الثَّلَجِ. (رواه ابن ماجه عن ابن عمر)

893. Кавсар жаннатдаги дарёдир. Икки қирғоғи тил-ладан. Дур ва ёқут устидан оқади. Тупроғи мушки ан-бардан ҳам хушбўйдир. Суви асалдан ҳам мазали, қор-дан ҳам оқдир. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Можа ривояти.

* الْكَيسُ مَنْ دَانَ نَفْسَهُ وَعَمِلَ لِمَا بَعْدَ الْمَوْتِ، وَالْعَاجِزُ مَنْ اتَّبَعَ نَفْسَهُ هَوَاهَا وَتَمَنَّى عَلَى اللَّهِ الْأَمَانِي. (رواه الترمذي)

894. Нафсини бўйсундириб, ўлиmidан кейинги нарса учун амал қилган киши оқилдир. Ҳавои нафсига эрга-шиб, Аллоҳдан омонликни талаб қилган киши эса ожиз-дир. Термизий ривояти.

باب الشمائل الشريفة

РАСУЛУЛЛОҲНИНГ (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ) ШАКЛ-ШАМОЙИЛЛАРИ ҲАҚИДАГИ БОБ

* كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَبْيَضَ مُشْرَبًا بَيَاضُهُ بِجُمْرَةٍ وَكَانَ أَسْوَدَ الْحَدَقَةِ، أَهْدَبَ الْأَشْفَارِ. (رواه البيهقي عن علي)

895. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оқ, оқи қизил билан аралашган, кўзларининг қораси тим қора, узун киприкли киши эдилар. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) дан. Байҳақий ривояти.

* كَانَ أَفْلَجَ الثَّيْتَيْنِ، إِذَا تَكَلَّمَ رُئِيَ النُّورُ يَخْرُجُ مِنْ بَيْنِ ثَنَائَاهُ. (رواه الترمذي عن ابن عباس)

896. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тишларининг ораси очиқ киши бўлиб, қачон гапирсалар, тишлари орасидан нур чиқаётгани кўринар эди. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Термизий ривояти.

* كَانَ ضَخْمَ الْهَامَةِ عَظِيمِ اللَّحْيَةِ. (رواه البيهقي عن علي)

897. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошлари катта, соқоллари узун киши эдилар. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* كَانَ كَلَامُهُ كَلَامًا فَضْلًا، يَفْهَمُهُ كُلُّ مَنْ سَمِعَهُ. (رواه أبو داود)

898. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дона-дона қилиб гапирар эдилар. Ҳар бир эшитган киши у зот нима деяётганларини англай эди. Абу Довуд ривояти.

* كَانَ أَحَبَّ الْأَلْوَانِ إِلَيْهِ الْخَضْرَاءُ. (رواه أبو نعيم عن أنس)

899. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яшил рангни ёқтирар эдилар. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.

* كَانَ أَحَبَّ الرِّيَاحِينَ إِلَيْهِ الْفَاقِيَّةُ. (رواه الطبراني عن أنس)

900. Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хушбӯй нарсаларнинг энг яхшиси хина эди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* كَانَ أَخَفَّ النَّاسِ صَلَاةً فِي تَمَامٍ. (رواه مسلم عن أنس)

901. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намозни одамлар ичида мукаммаллик ила, энг енгил ўқувчи эдилар. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Муслим ривояти.

* كَانَ إِذَا أَتَاهُ الْأَمْرُ يَسْرُهُ، قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي بِنِعْمَتِهِ تَتِمُّ الصَّالِحَاتُ وَإِذَا أَتَاهُ الْأَمْرُ يَكْرَهُهُ، قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ عَلَى كُلِّ حَالٍ. (رواه الحاكم عن السيدة عائشة)

902. Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) агар бирор иш хурсанд қилса: «Алҳамду лиллаҳиллазий биниъматихи татиммус солиҳат» (Солиҳ нарсаларни мукаммал қилиш ила неъматлантирган Аллоҳга ҳамд бўлсин), деб айтардилар. Агар бирор ёмон кўрадиган ишлари содир бўлса: «Алҳамду лиллаҳи ʼала кулли ҳол» (Ҳар бир ҳолатда Аллоҳга ҳамд бўлсин), деб айтардилар. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Ҳоким ривояти.

* كَانَ إِذَا أُتِيَ بِطَعَامٍ أَكَلَ مِمَّا يَلِيهِ، وَإِذَا أُتِيَ بِالتَّمْرِ جَالَتْ يَدُهُ. (رواه الخطيب عن السيدة عائشة)

903. Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таом олиб келинса, ўз олдиларидан ер эдилар. Агар хурмо олиб келинса, қўллари ҳар томонда айланар эди. Яъни, ҳар томондан олиб еяверардилар. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Хатиб ривояти.

* كَانَ إِذَا أَتَى بَبَاكُورَةَ الثَّمَرَةِ وَضَعَهَا عَلَى عَيْنَيْهِ ثُمَّ عَلَى شَفْتَيْهِ وَقَالَ: اللَّهُمَّ كَمَا أَرَيْتَنَا أَوَّلَهُ فَأَرِنَا آخِرَهُ، ثُمَّ يُعْطِيهِ مَنْ يَكُونُ عِنْدَهُ مِنَ الصَّبْيَانِ.
(رواه الطبراني عن ابن عباس)

904. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) агар меванинг биринчи пишгани олиб келинса, аввал кўзларига, кейин лабларига қўйиб: «Аллоҳумма кама аройта-на аввалаҳу фа арина охироҳу» (Аввалини кўрсатганинг каби охирини ҳам кўрсатгин), деб, сўнгра ҳузурларида-ги ёш болага берардилар. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.*

* كَانَ إِذَا أَخَذَ مَضْجَعَهُ مِنَ اللَّيْلِ، وَضَعَ يَدَهُ تَحْتَ خَدِّهِ، ثُمَّ يَقُولُ: بِاسْمِكَ اللَّهُمَّ أَحْيَا وَبِاسْمِكَ أَمُوتُ، وَإِذَا اسْتَيْقَظَ قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَحْيَانَا بَعْدَ مَا أَمَاتَنَا، وَإِلَيْهِ النُّشُورُ. (رواه البخاري)

905. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кечаси ўринларига ётганларида қўлларини чаккалари остига қўйиб: «Бисмикаллоҳумма аҳя ва амуту», (Ё Аллоҳ, Сенинг исминг ила тириламан ва Сенинг исминг ила ўламан), деб айтардилар. Уйғонганларида: «Алҳамду лиллаҳиллазий аҳянаа баъда ма аматанаа ва илайҳин нушур» (Бизни ўлдиргандан кейин тирилтирган Зотга ҳамд бўлсин. Қайтиш Унгадир), дер эдилар. *Бухорий ривояти.*

* كَانَ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَنَامَ وَهُوَ جُنْبٌ تَوَضَّأَ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ، وَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَأْكُلَ أَوْ يَشْرَبَ وَهُوَ جُنْبٌ، غَسَلَ يَدَهُ ثُمَّ يَأْكُلُ وَيَشْرَبُ. (رواه النسائي عن عائشة)

906. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жунуб ҳолатда ухлашни хоҳласалар, худди намозга таҳорат олгандек таҳорат олиб ухлардилар. Жунуб ҳолатда еб-ичишни хоҳлаб қолсалар, қўлларини ювиб, сўнгра

еб-ичаверардилар. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Насоий ривояти.

* كَانَ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَرْقُدَ وَضَعَ يَدَهُ الْيُمْنَى تَحْتَ خَدِّهِ ثُمَّ يَقُولُ: اللَّهُمَّ قِنِي عَذَابَكَ يَوْمَ تَبْعَثُ عِبَادَكَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ. (رواه أبو داود)

907. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ётишни хоҳласалар, ўнг қўлларини чаккалари остига қўйиб, уч марта: «Аллоҳумма қиний ъазабака явма табъасу ъибадака» (Ё Аллоҳ, бандаларингни қайта тирилтирадиган кунда азобдан сақла), деб айтардилар. Абу Довуд ривояти.

* كَانَ إِذَا اشْتَكَى رَقَاهُ جَبْرِيلُ، قَالَ: بِاسْمِ اللَّهِ يُرِيكَ، وَمِنْ كُلِّ دَاءٍ يَشْفِيكَ، وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ، وَشَرِّ كُلِّ ذِي عَيْنٍ. (رواه مسلم عن عائشة)

908. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирор оғриқдан шикоят қилсалар, Жаброил (алайҳиссалом) у зотга дам солиб: «Бисмиллаҳи юбрийка, мин кулли даин яшфийка ва мин шарри ҳасидин иза ҳасада ва шарри кулли зий ъайнин» (Аллоҳнинг исми билан сени соғ қилсин. Ҳар бир касалликка шифо берсин. Ҳар бир ҳасадчининг ҳасаидан, ҳар бир кўз тегишидан ҳам асрасин), дер эдилар. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Муслим ривояти.

* كَانَ إِذَا أَفْطَرَ عِنْدَ قَوْمٍ قَالَ: أَفْطَرَ عِنْدَكُمْ الصَّائِمُونَ، وَأَكَلَ طَعَامَكُمْ الْأَبْرَارُ، وَتَنَزَّلَتْ عَلَيْكُمُ الْمَلَائِكَةُ. (رواه البيهقي)

909. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир қавм ҳузурида ифтор қилсалар: «Афторо ғиндакум соимуна ва акала тоъамакумул аброру ва таназзалат ғалайкумул малаикату» (Сизларнинг ҳузурингизда рўзадорлар ифтор қилсин, таомингизни яхшилар есин ва сизларга фаришталар тушсин), деб айтардилар. Байҳақий ривояти.

* كَانَ إِذَا أَكَلَ أَوْ شَرِبَ قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَ وَسَقَى، وَسَوَّغَهُ، وَجَعَلَ لَهُ مَخْرَجًا. (роав айн ҳибан айн аби абул)

910. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) овқат тановул қилиш ёки бирор ичимлик ичишда: «Алҳамду лиллаҳил лазий атъама ва сақо ва саввағоҳу ва жаъала лаҳу махрожа» (Овқатлантириб, суғориб ва уни ҳазм ҳамда чиқадиган қилиб қўйган Аллоҳга ҳамд бўлсин), деб айтардилар. Абу Айюб (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Ҳиббон ривояти.

* كَانَ إِذَا نَزَلَ عَلَيْهِ الْوَحْيُ، نَكَسَ رَأْسَهُ، وَنَكَسَ أَصْحَابَهُ رُءُوسَهُمْ فَإِذَا أَقْلَعَ عَنْهُ رَفَعَ رَأْسَهُ. (роав مسلم айн абада бн асамет)

911. Агар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-га ваҳий тушадиган бўлса, бошларини эгиб олардилар, саҳобалар ҳам бошларини эгиб олишарди. Ваҳий узилса, бошларини кўтарар эдилар. Убода ибн Сомит (розияллоҳу анҳу)дан. Муслим ривояти.

* كَانَ إِذَا نَزَلَ عَلَيْهِ الْوَحْيُ سَمِعَ عِنْدَ وَجْهِهِ كَدْوِي النَّحْلِ. (роав алترمзий айн амир)

912. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ваҳий тушган пайда, юзлари томондан худди асалари овози каби ғувуллаган овоз эшитиларди. Умар (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* كَانَ إِذَا تَصَوَّرَ مِنَ اللَّيْلِ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ الْوَاحِدُ الْقَهَّارُ رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا الْعَزِيزُ الْغَفَّارُ. (роав алҳаким айн асиде ааше)

913. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кечаси уйғониб қолсалар: «Ла илаҳа иллаллоҳул ваҳидул қоҳҳар, роббус самавати вал арзи ва ма байнаҳумал ъазизул ғоффар», деб айтардилар. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳа)дан. Ҳоким ривояти.

* كَانَ إِذَا جَاءَهُ أَمْرٌ يُسْرُ بِهِ خَرَّ سَاجِدًا شُكْرًا لِلَّهِ عَزَّ وَجَلَّ. (رواه ابن ماجه عن أبي بكره)

914. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га хурсанд қиладиган бирор иш дуч келса, Аллоҳга шукр қилган ҳолда сажда қилардилар. *Абу Бакра (розияллоҳу анҳу) дан. Ибн Можа ривояти.*

* كَانَ إِذَا جَرَى بِهِ الضَّحْكُ وَضَعَ يَدَهُ عَلَى فِيهِ. (رواه البغوي)

915. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) куладиган бўлсалар, қўлларини оғизларига қўярдилар. *Бағавий ривояти.*

* كَانَ إِذَا خَلَا بِنِسَائِهِ الْيَنَ النَّاسِ، وَأَكْرَمَ النَّاسِ، ضَحَّاكَ بَسَامًا. (رواه ابن عساکر عن السيدة عائشة)

916. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёллари билан холи қолганларида, одамларнинг энг мулойими, ҳурматлиси ва табассум қилиб кулувчиси бўлиб қолардилар. *Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Ибн Асокир ривояти.*

* كَانَ إِذَا دَخَلَ السُّوقَ قَالَ: بِسْمِ اللَّهِ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ خَيْرِ هَذِهِ السُّوقِ، وَخَيْرِ مَا فِيهَا، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّهَا، وَشَرِّ مَا فِيهَا، اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ أَنْ أَصِيبَ فِيهَا يَمِينًا فَاجِرَةً أَوْ صَفْقَةً خَاسِرَةً. (رواه الطبراني عن أبي بردة)

917. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) агар бозорга кирсалар: «Бисмиллаҳи, аллоҳумма инний асъялука мин хойри ҳазиҳис сувқи ва хойри ма фийҳа ва аъзуз бика мин шарриҳа ва шарри ма фийҳа. Аллоҳумма инний аъзуз бика ан усийба фийҳа ямийнан фожиротан ав сафқотан хосироҳ» (Аллоҳнинг исми ила. Ё Аллоҳ, Сендан бу бозорнинг яхшисини ва ундаги яхшиликларни сўрайман. Бу бозорнинг ёмонидан ҳамда ундаги ёмон-

ликдан Сендан паноҳ тилайман. Ё Аллоҳ, Сендан гуноҳга элтувчи қасамдан ва зарар келтирувчи битимдан паноҳ сўрайман), деб айтардилар. Абу Бурайда (розияллоҳу анҳу) дан. Табароний ривояти.

* كَانَ إِذَا دَخَلَ رَمَضَانَ: أَطْلَقَ كُلَّ أَسِيرٍ وَأَعْطَى كُلَّ سَائِلٍ. (رواه ابن سعيد عن السيدة عائشة)

918. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Рамазон ойи кирганида, барча асирларни озод этардилар, барча тиланчиларга нарса улашардилар. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Ибн Саид ривояти.

* كَانَ إِذَا رَأَى الْهَلَالَ، قَالَ: اللَّهُمَّ أَهْلُهُ عَلَيْنَا بِالْأَمْنِ وَالْإِيمَانِ وَالسَّلَامَةِ وَالْإِسْلَامِ، وَالسَّكِينَةِ، وَالْعَافِيَةِ، وَالرِّزْقِ الْحَسَنِ، وَالتَّوْفِيقِ لِمَا تُحِبُّ وَتَرْضَى، رَبَّنَا وَرَبِّكَ اللَّهُ. (رواه الطبراني عن ابن عمر)

919. Янги (чиққан) ойни кўрганларида: «Аллоҳумма аҳиллаҳу ʔалайна бил амни вал имани вас саламати вал ислами вас сакийнати вал ʔафияти вар ризқил ҳасани ват тавфийқи лима туҳиббу ва тарзо роббуна ва роббукаллоҳ» (Ё Аллоҳ, бизга бу ойни омонлик, имон, саломат, Ислом, хотиржам, офият, яхши ризқ, Ўзинг яхши кўриб рози бўладиган – муваффақият қозониладиган ой қил. (Эй Ҳилол,) бизнинг ва сенинг Раббинг Аллоҳдир»), деб айтардилар. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* كَانَ إِذَا رَأَى مَا يُحِبُّ قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي بِنِعْمَتِهِ تَتِمُّ الصَّالِحَاتُ، وَإِذَا رَأَى مَا يَكْرَهُ قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ عَلَى كُلِّ حَالٍ رَبِّ أَعُوذُ بِكَ مِنْ حَالِ أَهْلِ النَّارِ. (رواه ابن ماجه عن السيدة عائشة)

920. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) агар яхши нарсани кўрсалар: «Алҳамду лиллаҳиллазий би-

ниъматихи татиммус солиҳат», деб айтардилар. Агар ёмон деб биладиган нарсани кўрсалар: «Алҳамду лиллаҳи ʔала кулли ҳал. Рабби аʔузу бика мин ҳали аҳлин нар», деб айтардилар. Ҳазрат Ойша (розиаллоҳу анҳу)дан. *Ибн Можа ривояти.*

* كَانَ إِذَا شَرِبَ الْمَاءَ قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي سَقَانَا عَذْبًا فُرَاتًا بِرَحْمَتِهِ، وَلَمْ يَجْعَلْهُ مِلْحًا أَجَاجًا بِذُنُوبِنَا. (رواه أبو نعيم عن أبي جعفر)

921. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сув ичсалар: «Алҳамду лиллаҳиллазий сақона ʔазбан фуротан бироҳматихи ва лам яжʔалҳу милҳан ужажан бизунубина» (Бизни раҳмати билан ширин, чучук сув ила суғорган, гуноҳларимиз сабабли сувни шўр, тузли қилиб қўймаган Аллоҳга ҳамд бўлсин), деб айтардилар. *Абу Жаъфар (розиаллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.*

* كَانَ إِذَا صَلَّى بِالنَّاسِ الْعِدَاةَ أَقْبَلَ عَلَيْهِمْ بَوَّجَهُ، فَقَالَ: هَلْ فِيكُمْ مَرِيضٌ أَعُودُهُ؟ فَإِنْ قَالُوا لَا: قَالَ: هَلْ فِيكُمْ جَنَازَةٌ أَتْبِعُهَا؟ فَإِنْ قَالُوا لَا: قَالَ: مَنْ رَأَى مِنْكُمْ رُؤْيَا يَقْصُصُهَا عَلَيْنَا. (رواه ابن عساكر)

922. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одатлари шундай эдики, тонг намозини инсонларга ўқиб берсалар, юзларини саҳобаларга қаратиб: «Орангизда бемори борлар топиладими? Агар бўлса, зиёрат қиламан», деганларида, улар: «Йўқ» дейишса, у зот (алайҳиссалом): «Ораларингизда жанозаси бор киши топиладими? Агар бўлса иштирок этаман», деганларида, саҳобалар: «Йўқ» дейишса, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сизлардан бирортангиз туш кўрган бўлса, бизга айтиб берсин», дер эдилар. *Ибн Асокир ривояти.*

* كَانَ إِذَا عَطَسَ حَمْدَ اللَّهِ، فَقَالَ لَهُ: يَرْحَمُكَ اللَّهُ، فَيَقُولُ: يَهْدِيكُمْ اللَّهُ وَيُصْلِحْ بِأَلْسِنَتِكُمْ. (رواه الطبراني عن عبد الله بن جعفر)

923. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтсалар, у зотга: «Ярҳамукаллоҳ», деб айтилар эди. У зот эса: «Яхдийкумуллоҳу ва юслиҳ балакум», деб айтардилар. Абдуллоҳ ибн Жаъфар (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* كَانَ إِذَا فَرَّغَ مِنْ طَعَامِهِ قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا، وَسَقَانَا، وَجَعَلَنَا مُسْلِمِينَ. (رواه أحمد عن أبي سعيد)

924. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қачон овқат еб бўлсалар: «Алҳамду лиллаҳиллазий атъамана ва сақона ва жаъалана муслимийн» (Бизни едириб, ичириб, мусулмонлар тоифасидан қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин!), деб айтардилар. Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* كَانَ إِذَا مَرَّ بِالْمَقَابِرِ قَالَ: السَّلَامُ عَلَيْكُمْ أَهْلَ الدِّيَارِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ، وَالْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ، وَالصَّالِحِينَ وَالصَّالِحَاتِ، وَإِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ بِكُمْ لَاحِقُونَ. (رواه ابن السني عن أبي هريرة)

925. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабрлар олдидан ўтса: «Ассаламу алайкум аҳлад дияри минал муъминийна вал муъминати вал муслимийна вал муслимати вас солиҳийна вас солиҳати ва инна иншааллоҳу бикум лаҳикун» (“Мўмин ва мўминалар, муслим ва муслималар, солиҳ ва солиҳалар диёри аҳли! Сизларга салом бўлсин. Иншааллоҳ, бизлар ҳам сизларга қўшиламиз”), деб айтардилар. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Сунний ривояти.

* كَانَ إِذَا نَظَرَ إِلَى الْهَلَالِ قَالَ: اللَّهُمَّ اجْعَلْهُ هِلَالًا يُنْزِلُ رُشْدًا، آمَنَّا بِالَّذِي خَلَقَكَ فَعَدَلَكَ، تَبَارَكَ اللَّهُ أَحْسَنُ الْخَالِقِينَ. (رواه ابن السني عن أنس)

926. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қачон янги (чиққан) ойга қарасалар: «Аллоҳуммажъалҳу ҳила-

ла юмнин ва рушдин, аманту биллазий холақока фаъадала табарокаллоху аҳсанул холиқийн» (Ё Аллоҳ, бу янги (чиққан) ойни бизга барокатли, ҳидоятли қилгин. (Эй хилол) сени халқ қилиб, текис этган Зотга имон келтирдим. Аллоҳ баракотлидир. У халқ қилувчиларнинг энг яхшисидир), деб айтардилар. Анас (розияллоху анҳу)дан. Ибн Сунний ривояти.

* كَانَ إِذَا وَدَّعَ رَجُلًا أَخَذَ بِيَدِهِ فَلَا يَدْعُهَا حَتَّى يَكُونَ الرَّجُلُ هُوَ الَّذِي يَدْعُ يَدَهُ، فَيَقُولُ: أَسْتَوْدِعُ اللَّهَ دِينَكَ، وَأَمَانَتَكَ، وَخَوَاتِيمَ عَمَلِكَ. (رواه النسائي عن ابن عمر)

927. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирор киши билан хайрлашиб кузатиб қўймоқчи бўлсалар, ўша кишининг қўлини ушлаб, токи у қўлини қўйиб юбормагунча қўйиб юбормай турар ва: «Аставдиъуллоҳа дийнака ва аманатака ва ховатийма ғамалика» (Дининг, омонатинг ва амалингнинг хотимасини Аллоҳга топширдим), деб айтардилар. Ибн Умар (розияллоху анҳумо)дан. Насоий ривояти.

* كَانَ لَا يَحْدِثُ حَدِيثًا إِلَّا تَبَسَّمَ. (رواه أحمد عن أبي الدرداء)

928. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирор сўз гапирадиган бўлсалар, табассум қилиб қўярдилар. Абу Дардо (розияллоху анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* كَانَ لَا يَقُومُ مِنْ مَجْلِسٍ إِلَّا قَالَ: سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبِّي وَبِحَمْدِكَ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ، قَالَ: لَا يَقُومَنَّ أَحَدٌ حَيْثُ يَقُومُ مِنْ مَجْلِسِهِ إِلَّا غُفِرَ لَهُ مَا كَانَ مِنْهُ فِي ذَلِكَ الْمَجْلِسِ. (رواه الحاكم عن السيدة عائشة)

929. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирор мажлисдан турадиган бўлсалар: «Субҳанакаллоҳумма раббий ва биҳамдика ла илаҳа илла анта астағфирука ва атубу илайка» (Ё Аллоҳ, Сен покдирсан. Раббим, Сени

поклаб ёд этаман. Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сенга истиғфор айтиб, Сенга тавба қиламан), деб айтардилар. Бирор киши мажлисдан тураётганида мана шу калималарни айтса, ана шу мажлисда содир этган гуноҳлари кечирилади. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Ҳоким ривояти.

* كَانَ يَنَامُ أَوَّلَ اللَّيْلِ وَيُحْيِي آخِرَهُ. (رواه ابن ماجه عن السيدة عائشة)

930. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кечанинг аввалида ухлаб, охирини бедор ўтказардилар. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Ибн Можа ривояти.

(ل) ЛОМ ҲАРФИ – حرف اللام

* لَأَنْ يَأْخُذَ أَحَدُكُمْ حَبْلَهُ ثُمَّ يَغْدُوَ إِلَى الْجَبَلِ فَيَأْتِي بِحُزْمَةِ الْخَطْبِ فَيَبِيعُهَا فَيَكْفِ اللَّهُ بِهَا وَجْهَهُ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَسْأَلَ النَّاسَ، أَعْطَوْهُ أَوْ مَنَعُوهُ. (رواه البخاري ومسلم)

931. Сизлардан бирингиз арқон олиб, сўнгра тоққа чиқиб, бир боғлам ўтин тергач, уни сотмоғи, Аллоҳ ўша сабабли уни (тиламчиликдан) тўхтатмоғи одамлардан сўраганидан кўра яхшироқдир. Одамлардан тиланса, беришади ёки беришмайди. Бухорий ва Муслим ривояти.

* لَتَأْمُرَنَّ بِالْمَعْرُوفِ، وَلَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ، أَوْ لَيُسَلِّطَنَّ اللَّهُ عَلَيْكُمْ شِرَارَكُمْ، فَيَدْعُو خِيَارَكُمْ فَلَا يُسْتَجَابُ لَهُمْ. (رواه البزار)

932. Яхшиликка буюрасизлар ва ёмонликдан қайтарасизлар, бўлмаса, Аллоҳ сизларнинг устларингизга ёмонларингизни бошлиқ қилиб қўяди. Яхшиларингиз дуо қилса ҳам, ижобат этилмайди. Баззор ривояти.

* لَعَنَ اللَّهُ أَكْلَ الرِّبَا وَمُؤْكَلَهُ وَشَاهِدِيهِ وَكَاتِبَهُ، هُمْ فِيهِ سَوَاءٌ. (رواه مسلم)

933. Аллоҳ рибо еувчини ҳам, едирувчисини ҳам, гувоҳ бўлганларни ҳам, котиблик қилганни ҳам лаънат-

лагандир. Улар (гуноҳда) баробардирлар. *Муслим ривояти.*

* **لِلَّهِ أَفْرَحُ بِتَوْبَةِ التَّائِبِ مِنَ الظُّلْمَانِ الْوَاردِ، وَمِنَ الْعَقِيمِ الْوَالِدِ، وَمِنَ الصَّالِّ الْوَاجِدِ، فَمَنْ تَابَ إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَّصُوحًا، أَنْسَى اللَّهُ حَافِظِيهِ وَجَوَارِحَهُ وَبَقَاعَ الْأَرْضِ كُلَّهَا خَطَايَاهُ وَذُنُوبَهُ.** (رواه أبو العباس بن تركان الحمداني)

934. Аллоҳ тавба қилувчининг тавбасидан худди чанқоқ кишининг сув тоғанидаги, фарзанд кўрмаётганнинг фарзандли бўлганидаги ва адашиб қолган кишининг йўлни тоғанидаги хурсандлигидан кўра кўпроқ хурсанд бўлувчидир. Кимки Аллоҳга холис тавба қилса, Аллоҳ унинг амалларини сақловчи фаришталар, аъзолари ва ер юзининг барчасидан гуноҳлари ҳамда хатоларини унуттиради. *Абул Аббос ибн Туркон Ҳамадоний ривояти.*

* **لَقَدْ بَارَكَ اللَّهُ لِرَجُلٍ فِي حَاجَةٍ أَكْثَرَ الدُّعَاءِ فِيهَا، أُعْطِيَهَا أَوْ مَنَعَهَا.** (رواه الخطيب عن جابر)

935. Аллоҳ таоло ҳожатида дуони кўпайтирган кишига барака ато этгандир. Хоҳ уни берсин ёки ман этсин. *Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.*

* **لِكُلِّ شَيْءٍ حَصَادٌ، وَحَصَادُ أُمَّتِي مَا بَيْنَ السَّيْتَيْنِ إِلَى السَّبْعِينَ.** (رواه ابن عساکر عن أنس)

936. Ҳар бир нарсанинг йиғим-терими бордир. Ум-матимнинг йиғим-терими, яъни ўлими олтмиш билан етмиш оралиғидадир. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.*

* **لَأَنْ يَجْلِسَ أَحَدُكُمْ عَلَى جَمْرَةٍ فَتُحْرَقَ ثِيَابُهُ، حَتَّى تُفْضِيَ إِلَى جِلْدِهِ، خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَجْلِسَ عَلَى قَبْرِ.** (رواه أحمد)

937. Бир кишининг чўғ устига ўтириб, кийимини ўша чўғ куйдириб, ҳатто терисига ўтиб кетиши қабр устига ўтиришидан яхшироқдир. *Аҳмад ривояти.*

* لَا أَعْدُهُ كَاذِبًا: الرَّجُلُ يُصْلِحُ بَيْنَ النَّاسِ يَقُولُ الْقَوْلَ وَلَا يُرِيدُ بِهِ إِلَّا الْإِصْلَاحَ وَالرَّجُلُ يَقُولُ فِي الْحَرْبِ، وَالرَّجُلُ يُحَدِّثُ امْرَأَتَهُ، وَالْمَرْأَةُ تُحَدِّثُ زَوْجَهَا. (رواه أبو داود)

938. Буларни ёлғон деб ҳисобламайман: бир киши одамлар орасини ислоҳ қилиш мақсадида бир сўз айтса-да, бу билан фақат ислоҳни хоҳласа; бир киши урушда ёлғон сўзласа ва яна бир киши хотинига ёлғон гапирса ҳамда хотин эрига ёлғон сўзласа. *Абу Довуд ривояти.*

* لَا تُكْرَهُوا مَرْضَاكُمْ عَلَى الطَّعَامِ، فَإِنَّ اللَّهَ يُطْعِمُهُمْ وَيَسْقِيهِمْ. (رواه الترمذي)

939. Беморларингизни овқат ейишга мажбурламанг. Чунки Аллоҳ уларни Ўзи овқатлантириб, сув ила сийлайди. *Термизий ривояти.*

* لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى يُحِبَّ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ. (رواه البخاري ومسلم)

940. Сизлардан бирингиз ўзи учун яхши кўрган нарсани биродарига ҳам яхши кўрмагунича (комил) мўмин бўла олмайди. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* لَا يُؤْمِنُ الْعَبْدُ الْإِيمَانَ كُلَّهُ حَتَّى يَتْرِكَ الْكَذِبَ فِي الْمُرَاحَةِ، وَيَتْرِكَ الْمِرَاءَ وَإِنْ كَانَ صَادِقًا. (رواه أحمد)

941. Мўмин ҳатто мазах бўлса-да, ёлғонни тарк қилмагунича ва ростгўй бўлса ҳам, тортишувни тарк қилмагунича имоннинг барчасига эриша олмайди. *Аҳмад ривояти.*

* لَا يَحِلُّ لَامْرَأَةٍ تُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ أَنْ تَحُدَّ عَلَى مِيتٍ فَوْقَ ثَلَاثِ لَيَالٍ، إِلَّا عَلَى زَوْجٍ فَإِنَّهَا تَحُدُّ عَلَيْهِ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا. (رواه البخاري عن أم حبيبة بنت أبي سفيان)

942. Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган аёлга уч кундан ортиқ мотам (аза) тутиши ҳалол эмас. Лекин эри ўлса, тўрт ою ўн кун (идда) ўтиради. *Умму Ҳабиба бинт Абу Суфён (розияллоҳу анҳо)дан. Бухорий ривояти.*

* لَا يَحِلُّ لِرَجُلٍ أَنْ يَهْجُرَ أَخَاهُ فَوْقَ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ يَلْتَقِيَانِ فَيُعْرِضُ هَذَا وَيُعْرِضُ هَذَا، وَخَيْرُهُمَا الَّذِي يَبْدَأُ بِالسَّلَامِ. (رواه أبو داود)

943. Киши биродари билан уч кундан ортиқ аразлашуви ва бир-бирига йўлиққанда униси ҳам, буниси ҳам юз ўгириши ҳалол эмас. Икковларидан энг яхшиси саломни аввал бошлаганидир. *Абу Довуд ривояти.*

* لَا يَشْكُرُ اللَّهُ مَنْ لَا يَشْكُرُ النَّاسَ. (رواه أحمد)

944. Одамларга шукр қилиб, улардан миннатдор бўлмайдиган киши Аллоҳга ҳам шукр қилмайди. *Аҳмад ривояти.*

لَا يُلْدَغُ الْمُؤْمِنُ مِنْ جُحْرِ مَرَّتَيْنِ. (رواه البخاري)

945. Мўмин киши бир тешикдан икки марта чақилмайди. *Бухорий ривояти.*

Фойда: Худди ўзбек мақолидаги «Кўр ҳассасини икки марта йўқотмайди»га ўхшаш.

لَعَنَ اللَّهُ الرَّاشِيَّ وَالْمُرْتَشِيَّ وَالرَّائِشَ الَّذِي يَمْشِي بَيْنَهُمَا. (رواه أحمد عن ثوبان)

946. Пора берувчини, пора олувчини ва улар ўртасидаги югурдакни ҳам Аллоҳ лаънатлаган. *Савбон (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.*

* لَعَنَ اللَّهُ الْمُتَشَبِّهَاتِ مِنَ النِّسَاءِ بِالرِّجَالِ، وَالْمُتَشَبِّهِينَ مِنَ الرِّجَالِ
بِالنِّسَاءِ. (رواه الترمذي)

947. Аёллардан ўзини эркакларга ўхшатувчисини ва эркаклардан ўзини аёлларга ўхшатувчисини Аллоҳ лаънатлаган. *Термизий ривояти.*

* لِكُلِّ نَبِيٍّ دَعْوَةٌ مُسْتَجَابَةٌ، فَتَعَجَّلْ كُلُّ نَبِيٍّ دَعْوَتَهُ، وَإِنِّي اخْتَبَأْتُ دَعْوَتِي
شَفَاعَةً لِّأُمَّتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ، فَهِيَ نَائِلَةٌ إِنْ شَاءَ اللَّهُ مِنْ مَاتَ مِنْ أُمَّتِي لَا يُشْرِكُ
بِاللَّهِ شَيْئًا. (رواه الشيخان)

948. Ҳар бир Пайғамбарнинг ижобат қилинадиган дуоси бордир. Барча пайғамбарлар ўша дуони қилиб бўлганлар. Мен эса ўша ижобат қилинадиган дуойимни қиёмат кунида умматимни шафоат қилиш учун яшириб қўйганман. Худо хоҳласа, умматимдан кимки Аллоҳга бирор нарсани ширк келтирмаса, ўша дуога эришувчидир. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* لِكُلِّ شَيْءٍ زَكَاةٌ، وَزَكَاةُ الدَّارِ بَيْتُ الضِّيَافَةِ. (رواه الرفاعي عن ثابت)

949. Ҳар бир нарсанинг закоти бор. Ҳовлининг закоти эса меҳмонхонадир. *Собит (розияллоҳу анҳу)дан. Рифоъий ривояти.*

* لِكُلِّ شَيْءٍ طَرِيقٌ، وَطَرِيقُ الْجَنَّةِ الْعِلْمُ. (رواه الديلمي عن ابن عمر)

950. Ҳар бир нарсанинг йўли бор. Жаннатнинг йўли эса илмдир. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Дайлабий ривояти.*

* لِكُلِّ شَيْءٍ مِفْتَاحٌ وَمِفْتَاحُ الْجَنَّةِ حُبُّ الْمَسَاكِينِ وَالْفُقَرَاءِ. (رواه ابن لال
عن ابن عمر)

951. Ҳар бир нарсанинг калити бор. Жаннатнинг калити эса камбағал ва мискинларни яхши кўришдир. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Лол ривояти.*

* لِلْمَرْأَةِ سِتْرَانِ: الْقَبْرُ وَالزَّوْجُ. (رواه ابن عدي عن ابن عباس)

952. Аёл кишининг иккита пардаси бордир. Бири эр, иккинчиси қабрдир. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Адий ривояти.

* لِلْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ سِتٌّ مِنَ الْمَعْرُوفِ: يُسَلِّمُ عَلَيْهِ إِذَا لَقِيَهُ، وَجَبِيهٌ إِذَا دَعَاهُ، يُشَمِّتُهُ إِذَا عَطَسَ، وَيَعُوذُهُ إِذَا مَرَضَ، وَيَتَّبِعُ جَنَازَتَهُ إِذَا مَاتَ، وَيُحِبُّ لَهُ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ. (رواه أحمد)

953. Мусулмоннинг мусулмон устидаги яхшилик қилиш ҳақи олтитадир. 1. Йўлиққанда салом бериши. 2. Чақирганда бориши. 3. Акса уриб, «Алҳамдулиллаҳ» деганда, «Ярҳамукаллоҳ», деб жавоб қайтариши. 4. Касал бўлганда зиёрат қилиши. 5. Вафот этганда жанозасига эргашиши. 6. Ўзи учун яхши кўрган нарсани унга ҳам яхши кўриши. Аҳмад ривояти.

* لَمَّا عَرَجَ بِي رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ مَرَرْتُ بِقَوْمٍ هُمْ أَظْفَارٌ مِنْ نَحَاسٍ يَحْمِشُونَ وَجُوهَهُمْ وَصُدُورَهُمْ، فَقُلْتُ مَنْ هَؤُلَاءِ يَا جَبْرِيلُ، قَالَ: هَؤُلَاءِ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ لَحْمَ النَّاسِ، وَيَقْعُونَ فِي أَعْرَاضِهِمْ. (رواه أبو داود)

954. Мен Раббим ҳузурига кўтарилган куним, яъни Меърож кечасида бир қавмнинг олдидан ўтдим. Уларнинг мисдан тирноқлари бўлиб, юзлари ва кўкракларини тирнашар эди. Мен: «Ё Жаброил! Мана булар ким?» десам, у зот: «Булар одамлар гўштини еб, яъни ғийбат қилиб, уларнинг обрўларига тажовуз қилувчилардир», деб айтдилар. Абу Довуд ривояти.

* لَمَّا خَلَقَ اللَّهُ تَعَالَى جَنَّةَ عَدْنٍ خَلَقَ فِيهَا مَا لَا عَيْنٌ رَأَتْ، وَلَا أُذُنٌ سَمِعَتْ، وَلَا خَطَرَ عَلَى قَلْبِ بَشَرٍ، ثُمَّ قَالَ لَهَا: تَكَلَّمِي، فَقَالَتْ: قَدْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ. (رواه الطبراني عن ابن عباس)

955. Аллоҳ таоло Адн жаннатини халқ қилиб, унинг ичида кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган ва инсон қалби ҳис этмаган нарсаларни яратди. Кейин унга: «Ғапир», деган эди, Адн жаннати: «Имон келтирганлар нажот топишди», деб айтди. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.*

* لَمَّا أُلْقِيَ إِبْرَاهِيمُ فِي النَّارِ، قَالَ حَسْبِيَ اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ، فَمَا احْتَرَقَ مِنْهُ إِلَّا مَوْضِعُ الْكِتَافِ. (رواه ابن النجار عن أبي هريرة)

956. Иброҳим (алайҳиссалом) оловга улоқтирилганда: «Ҳасбияллоҳу ва ниъмал вакил», деб айтдилар. У зотнинг фақат елкаларидан озгина жойи куйди, холос. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Наҷжор ривояти.*

Фойда: Демак, бирор машаққатга йўлиққанда, шу дуони айтишга тарғиб этилмоқда.

* لَنْ يُبْتَلَى عَبْدٌ بِشَيْءٍ أَشَدَّ مِنَ الشِّرْكِ، وَلَنْ يُبْتَلَى بِشَيْءٍ بَعْدَ الشِّرْكِ أَشَدَّ مِنْ ذَهَابِ بَصَرِهِ، وَلَنْ يُبْتَلَى بِذَهَابِ بَصَرِهِ فَيُضَيَّرَ إِلَّا غَفَرَ اللَّهُ لَهُ. (رواه البزار عن بريدة)

957. Банда ширкдан кўра қаттиқроқ бирор бало ила мусибатланмайди. Яна ширкдан кейин кўзи кўр бўлиб қолишдан кўра қаттиқроқ мусибатга йўлиқмайди. Агар бирор банданинг кўзи кўр бўлиб қолса-ю, унга сабр қилса, Аллоҳ унинг гуноҳларини кечиради. *Бурайда (розияллоҳу анҳу)дан. Баззор ривояти.*

* لَمَّا خَلَقَ اللَّهُ الْخَلْقَ كَتَبَ عِنْدَهُ فَوْقَ عَرْشِهِ إِنَّ رَحْمَتِي سَبَقَتْ غَضَبِي. (رواه الشيخان عن أبي هريرة)

958. Аллоҳ халойиқни яратгач, ҳузурида, яъни Аршнинг устида бу калималарни ёзди: «Албатта, раҳматим ғазабимдан ўзиб кетди». *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* لَنْ يُنَجِّي أَحَدًا مِنْكُمْ عَمَلُهُ ، قَالُوا: وَلَا أَنْتَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: وَلَا أَنَا إِلَّا أَنْ يَتَغَمَّدَنِي رَبِّي بِفَضْلٍ رَحْمَتِهِ، فَسَدِّدُوا وَقَارِبُوا وَلَا يَتَمَنَّيَنَّ أَحَدُكُمُ الْمَوْتَ، إِمَّا مُحْسِنًا، فَلَعَلَّهُ أَنْ يَزِدَّادَ خَيْرًا، وَإِمَّا مُسِيئًا فَلَعَلَّهُ أَنْ يَسْتَعِيبَ.
(رواه الشيخان)

959. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сизлардан бирортангизнинг амали нажотга олиб чиқмайди», деганларида, саҳобалар: «Сизни ҳамми, ё Аллоҳнинг Расули?» дейишди. Шунда у зот (алайҳиссалом): «Мени ҳам амалим нажотга олиб чиқмайди, фақат Раббимнинг фазли-раҳмати ила нажот топаман. Тўғри йўлда юринглар ва ўзаро яқин бўлинглар. Сизлардан бирингиз ўлимни орзу қилмасин. Борди-ю, яхши инсон бўлса, яхшилиги зиёдалашар. Борди-ю, ёмон бўлса, ёмонлигини тўхта-тар». Бухорий ва Муслим ривояти.

* لَنْ يَبْرَحَ النَّاسُ يَتَسَاءَلُونَ حَتَّى يَقُولُوا هَذَا اللَّهُ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ فَمَنْ خَلَقَ اللَّهُ؟ (رواه أنس)

960. Одамлар савол бериб сўрашда бардавом бўлишадди. Ҳатто: Бу ҳар бир нарсани яратган Аллоҳдир. Унда Аллоҳни ким яратган?» дейишади. Анас (розияллоҳу анҳу) дан қилинган ривоят.

* لَنْ يُؤَافِيَ عَبْدٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يَقُولُ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ يَنْتَعِي بِهِ وَجْهَ اللَّهِ، إِلَّا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ النَّارَ. (رواه البخاري)

961. «Ла илаҳа иллоллоҳ», деб Аллоҳнинг розилигини талаб қилган бандага қиёмат куни тўла-тўқис қилиб (савоб берилади). Бухорий ривояти.

* لَوْ أَنَّ ابْنَ آدَمَ هَرَبَ مِنْ رِزْقِهِ كَمَا يَهْرَبُ مِنَ الْمَوْتِ، لَأَدْرَكَهُ رِزْقُهُ كَمَا يُدْرِكُهُ الْمَوْتُ. (رواه أبو نعيم عن جابر)

962. Агар одам боласи ризқидан худди ўлимдан қочгани каби қочса ҳам, ризқи уни ўлими қидириб топгани каби топиб олади. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.

* لَوْ أَنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا نَزَلَ مَنْزِلًا، قَالَ: أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّاتِ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ، لَمْ يَضُرَّهُ فِي ذَلِكَ الْمَنْزِلِ شَيْءٌ حَتَّى يَرْتَحِلَ مِنْهُ. (رواه ابن ماجه عن حولة بنت حكيم)

963. Сизлардан бирингиз бирор манзилга тушганида: «Аъзу бикалиматиллаҳит таммати мин шарри ма холақ» (Аллоҳнинг мукаммал калималари билан халқ қилган нарсаларининг ёмонидан паноҳ тилайман) деб айтса, унга у ердан қўзғалгунича ҳеч нарса зарар бера олмайди. Ҳавла бинт Ҳаким (розияллоҳу анҳо)дан. Ибн Можа ривояти.

* لَوْ أَنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَأْتِيَ أَهْلَهُ فَقَالَ: بِاسْمِ اللَّهِ، اللَّهُمَّ جَنِّبْنَا الشَّيْطَانَ، وَجَنِّبِ الشَّيْطَانَ مَا رَزَقْتَنَا، فَإِنَّهُ إِنْ يُقَدَّرَ بَيْنَهُمَا وَلَدٌ فِي ذَلِكَ الْوَقْتِ لَمْ يَضُرَّهُ الشَّيْطَانُ أَبَدًا. (رواه البخاري عن ابن عباس)

964. Сизлардан бирингиз ўз аҳли хузурига (жимоъ ниятида) келишни хоҳласа: «Бисмиллаҳи аллоҳумма жаннибнаш шайтона ва жаннибиш шайтона ма ро-зақтана» (Ё Аллоҳ, бизни шайтондан ва шайтонни бизга ризқ қилиб берадиганинг фарзанддан йироқ қил), деб айтса, борди-ю, ўша вақтда ўрталарида бола тақдир қилинса, унга ҳечам шайтон зарар бера олмайди. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ривояти.

* لَوْ أَنَّ امْرَأَةً مِنْ نِسَاءِ أَهْلِ الْجَنَّةِ أَشْرَقَتْ إِلَى الْأَرْضِ لَمَلَأَتِ الْأَرْضَ مِنَ الرِّيحِ الْمِسْكِ، وَلَأَذْهَبَتْ ضَوْءُ الشَّمْسِ وَالْقَمَرِ. (رواه الضياء عن سعيد بن عامر)

965. Агар жаннат аҳлидан бирор аёл ерга боқса, ер юзини мушки анбар ҳидига тўлдириб юборади, (унинг олдида) қуёш ва ой нури ҳам хира тортиб қолади. Саид ибн Омир (розияллоҳу анҳу)дан. Зиё ривояти.

* لَوْ أَنَّ شَرَّاءَ مِنْ شَرِّ جَهَنَّمَ بِالْمَشْرِقِ لَوَجَدَ حَرَّهَا بِالْمَغْرِبِ. (رواه ابن مردويه عن أنس)

966. Агар жаҳаннам учқунларидан бири машрикда бўлса, унинг иссиғи мағрибда ҳам сезиларди. Анас (рози-аллоҳу анҳу)дан. Ибн Мардавайҳ ривояти.

* لَوْ يَعْلَمُ الْمُؤْمِنُ مَا عِنْدَ اللَّهِ مِنَ الْعُقُوبَةِ مَا طَمَعَ بِجَنَّتِهِ أَحَدٌ، وَلَوْ يَعْلَمُ الْكَافِرُ مَا عِنْدَ اللَّهِ مِنَ الرَّحْمَةِ مَا قَنَطَ مِنْ جَنَّتِهِ أَحَدٌ. (رواه الشيخان)

967. Агар мўмин Аллоҳ ҳузуридаги уқубатни билгани-да эди, (мўминлардан) бирортаси жаннатни тама қилмас эди. Агар кофир Аллоҳ ҳузуридаги раҳматни билганида эди, (кофирлардан) бирортаси жаннатдан ноумид бўлмас эди. Бухорий ва Муслим ривояти.

* لَوْ أَنَّ عَبْدَيْنِ تَحَابَّا فِي اللَّهِ وَاحِدٌ فِي الْمَشْرِقِ، وَآخَرُ فِي الْمَغْرِبِ لَجَمَعَ اللَّهُ تَعَالَى بَيْنَهُمَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ، يَقُولُ: (هَذَا الَّذِي كُنْتُ تُحِبُّهُ فِي). (رواه البيهقي عن أبي هريرة)

968. Агар икки банда Аллоҳ йўлида яхши кўришса, бири машрикда, иккинчиси мағрибда бўлса, Аллоҳ қиёмат куни уларнинг ораларини жамлаб: «Менинг йўлимда яхши кўрган кишинг мана шу эди», деб айтади. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* لَوْ بَغَى جَبَلٌ عَلَى جَبَلٍ، لَدُكُ الْبَاغِي مِنْهُمَا. (رواه ابن لال عن أبي هريرة)

969. Агар бир тоғ бошқа тоққа жабр қилса, улардан жабр қилувчиси парчалаб ташланади. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Лол ривояти.

* لَوْ رَأَيْتَ الْأَجَلَ وَمَصِيرَهُ، أَبْغَضْتَ الْأَمَلَ وَغُرُورَهُ. (رواه البيهقي)

974. Ажал ва унинг оқибатини билганингда, орзу ва унинг ғурурини ёмон кўрган бўлар эдинг. *Байҳақий ривояти.*

* لَوْ قِيلَ لِأَهْلِ النَّارِ: إِنَّكُمْ مَأْكُونُونَ فِي النَّارِ عَدَدَ كُلِّ حَصَاةٍ فِي الدُّنْيَا لَفَرَحُوا، وَلَوْ قِيلَ لِأَهْلِ الْجَنَّةِ: إِنَّكُمْ مَأْكُونُونَ فِي الْجَنَّةِ عَدَدَ كُلِّ حَصَاةٍ لَحْزَنُوا، وَلَكِنْ جُعِلَ لَهُمُ الْأَبَدُ. (رواه الطبراني عن ابن مسعود)

975. Агар дўзах аҳлига: «Сизлар дўзахда дунёдаги майда тошлар ададича турасизлар», дейилса, улар хурсанд бўлишади. Агар жаннат аҳлига: «Сизлар жаннатда барча майда тошлар ададича турасизлар», дейилса, улар хафа бўлишади. Лекин уларга абадийлик қилинди. *Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* لَوْلَا أَنْ أَشَقَّ عَلَى أُمَّتِي لِأَمْرَتِهِمْ بِالسَّوَاكِ مَعَ كُلِّ صَلَاةٍ. (رواه الشيخان)

976. Агар умматимга машаққат бўлмаганида, ҳар бир намоз олдидан мисвок тутишга буюрар эдим. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* لَوْ كُنْتُ أَمْرًا أَحَدًا أَنْ يَسْجُدَ لِأَحَدٍ، لَأَمَرْتُ النِّسَاءَ أَنْ يَسْجُدْنَ لِأَزْوَاجِهِنَّ لِمَا جَعَلَ اللَّهُ لَهُمْ عَلَيْهِنَّ مِنَ الْحَقِّ. (رواه أبو داود)

977. Бирор кишини бошқа кишига сажда қилишга буюрадиган бўлсам, хотинларни эрларига сажда қилишга буюрар эдим. Чунки Аллоҳ эркакларнинг хотинлар устида ҳақларини кўп қилган. *Абу Довуд ривояти.*

* لَوْ نَزَلَ مُوسَى فَاتَّبَعْتُمُوهُ وَتَرَكْتُمُونِي لَصَلَّيْتُمَ أَنَا حَظُّكُمْ مِنَ النَّبِيِّينَ، وَأَنْتُمْ حَظِّي مِنَ الْأُمَمِ. (رواه البيهقي عن عبد الله بن الحارث)

978. Агар Мусо (алайҳиссалом) тушсалар, у зотга эр-гашиб, мени тарк қилганингизда, адашган бўлар эдинг.

гиз. Мен пайғамбарлардан сизларнинг насибангизман ва сизлар умматлардан менинг насибамсизлар. Абдуллоҳ ибн Ҳорис (розияллоҳу анҳу)дан. *Байҳақий ривояти.*

* لَوْلَا النِّسَاءُ لَعُبِدَ اللَّهُ حَقَّ عِبَادَتِهِ. (رواه الديلمي عن أنس)

979. Агар аёллар бўлмаганида, Аллоҳга ҳақиқий ибодат қилинар эди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. *Дайлабий ривояти.*

* لَوْ يَعْلَمُ الْمَارُ بَيْنَ يَدَيِ الْمُصَلِّي مَاذَا عَلَيْهِ لَكَانَ أَنْ يَقِفَ أَرْبَعِينَ خَيْرًا لَهُ مِنْ أَنْ يَمُرَّ بَيْنَ يَدَيْهِ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي جهيم الأنصاري)

980. Агар намоз ўқиётган кишининг олдидан кесиб ўтувчи ўзига (шу қилмиши учун) қандай гуноҳ борлигини билганида эди, қирқ (йил ёки ой, ёхуд кун кутиб) туриши у намозхоннинг олдидан кесиб ўтганидан яхшироқдир. Абу Жуҳайм Ансорий (розияллоҳу анҳу)дан. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* لَوْ كَانَ لِابْنِ آدَمَ وَادِيَانِ مِنْ مَالٍ لَا بُتَغَى ثَالِثًا وَلَا يَمْلَأُ جَوْفَ ابْنِ آدَمَ إِلَّا التُّرَابُ، وَيَتُوبُ اللَّهُ عَلَى مَنْ تَابَ. (رواه الشيخان)

981. Агар одам боласида икки водий (тўла) молдунёси бўлса, учинчисини талаб қилади. Одам боласининг қорни фақат тупроққа тўяди. Аллоҳ тавба қилгувчиларнинг тавбасини қабул қилади. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* لَيْسَتْ حَيٌّ أَحَدُكُمْ مِنْ مَلَائِكَةِ اللَّذَيْنِ مَعَهُ كَمَا يَسْتَحْيِي مِنْ رَجُلَيْنِ صَالِحَيْنِ مِنْ جِيرَانِهِ، وَهُمَا مَعَهُ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ. (رواه البيهقي)

982. Сизлардан бирингиз ўзига (вакил қилинган) икки фариштадан худди қўшниларидан бўлган икки солиҳ кишидан ҳаё қилгани каби ҳаё қилсин. Чунки у икки фаришта эртаю кеч у билан биргадир. *Байҳақий ривояти.*

* لَيْسَ الْبِرُّ فِي حُسْنِ اللَّبَاسِ وَالزِّيِّ وَلَكِنَّ الْبِرَّ السَّكِينَةُ وَالْوَقَارُ. (رواه الديلمي عن ابن سعيد)

983. Яхшилик либос ва кўринишнинг чиройли эканида эмас. Балки яхшилик хотиржамлик ва виқорли бўлишдадир. Ибн Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* لَيْسَ الْبَيَانُ كَثْرَةَ الْكَلَامِ، وَلَكِنْ فَضْلُ فِيمَا يُحِبُّ اللَّهُ وَرَسُولُهُ، وَلَيْسَ الْعِزُّ عَنِ اللِّسَانِ، وَلَكِنْ قَلَّةُ الْمَعْرِفَةِ بِالْحَقِّ. (رواه الديلمي عن أبي هريرة)

984. Баён каломни кўп ишлатишда эмас, балки Аллоҳ ва Расули яхши кўрадиган жиҳат, яъни ҳақ билан ботилнинг орасини ажратишдадир. Ожизлик тилнинг ожиз қолишида эмас, балки ожизлик ҳақни танишдаги камчиликдир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* لَيْسَ الْجِهَادُ أَنْ يَضْرِبَ الرَّجُلُ بَسِيفِهِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، إِنَّمَا الْجِهَادُ مَنْ عَالَ وَالِدَيْهِ، وَعَالَ وَلَدَهُ، فَهُوَ فِي جِهَادٍ، وَمَنْ عَالَ نَفْسَهُ فَكَفَّهَا عَنِ النَّاسِ فَهُوَ فِي جِهَادٍ. (رواه ابن عساكر عن أنس)

985. Аллоҳнинг йўлида қиличи билан урушишнинг ўзи жиҳод эмас, балки ота-онаси, фарзандларини боқиши ҳамда ўзини одамлардан тиланишдан тўхтатиши ҳам жиҳоддир. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.

* لَيْسَ الْمُؤْمِنُ بِالَّذِي يَشْبُعُ وَجَارُهُ جَانِعٌ إِلَى جَنْبِهِ. (رواه البخاري)

986. Икки ёнидаги қўшниси оч туриб, ўзи тўқ бўлган киши мўмин эмас. Бухорий ривояти.

* لَيْسَ الْمُسْكِينُ الَّذِي يَطُوفُ عَلَى النَّاسِ تَرُدُّهُ اللُّقْمَةُ وَاللُّقْمَتَانِ، وَالتَّمْرَةُ وَالتَّمْرَتَانِ، وَلَكِنَّ الْمُسْكِينَ الَّذِي لَا يَجِدُ غِنًى يُغْنِيهِ، وَلَا

يُفْطَنُ لَهُ فَيَتَصَدَّقُ عَلَيْهِ، وَلَا يَقُومُ فَيَسْأَلُ النَّاسَ. (رواه الشيخان)

987. Одамлар атрофида тиланчилик ниятида айланиб юрганида бир ё икки луқма ва бир ёки иккита хурмо бериладиган киши мискин эмас, балки ҳақиқий мискин ўзини беҳожат қиладиган бойлик топа олмайдиган ва садақа қилинадиган аҳволи номаълум киши ҳамда одамлардан тиланчилик қилиш учун юрмайдиган инсондир. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* لَيْسَ أَحَدٌ مِنْ أُمَّتِي يَقُولُ ثَلَاثَ بَنَاتٍ، أَوْ ثَلَاثَ أَخَوَاتٍ فَيُحْسِنُ إِلَيْهِنَّ، إِلَّا كُنَّ لَهُ سِتْرًا مِنَ النَّارِ. (رواه البيهقي عن عائشة)

988. Умматимдан бирор киши уч қизни ёки уч синглизини қарамоғига олса (яъни, уларнинг камчиликларини тузатиб, турмушга узатса), улар ўша киши учун дўзахдан парда бўлишади. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. *Байҳақий ривояти.*

* لَيْسَ بِحَكِيمٍ مَنْ لَمْ يُعَاشِرْ بِالْمَعْرُوفِ مَنْ لَا بُدَّ لَهُ مِنْ مُعَاشَرَتِهِ حَتَّى يَجْعَلَ اللَّهُ لَهُ مِنْ ذَلِكَ مَخْرَجًا. (رواه البيهقي)

989. Кимки муомала қилиб яшаш қийин бўлган киши билан Аллоҳ уни очиқликка чиқармагунича яхши муомалада бўлиб яшай олмаса, донишманд эмас. *Байҳақий ривояти.*

* لَيْسَ بِخَيْرِكُمْ مَنْ تَرَكَ دُنْيَاهُ لِآخِرَتِهِ، وَلَا آخِرَتَهُ لِدُنْيَاهُ حَتَّى يُصِيبَ مِنْهُمَا جَمِيعًا، فَإِنَّ الدُّنْيَا بَلَاغٌ إِلَى الْآخِرَةِ وَلَا تَكُونُوا كَلَا عَلَى النَّاسِ. (رواه ابن عساکر عن أنس)

990. Кимки охиратини деб дунёсини ва дунёсини деб охиратини – ҳар иккисидан ўз насибасини олмай тарк қилса, яхшиларингиздан эмас. Чунки дунё охиратга элтувчи йўлдир. Сизлар одамларга боқимонда бўлиб қолманг. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. *Ибн Асокир ривояти.*

* لَيْسَ عَلَى الْمُسْلِمِ فِي عَبْدِهِ وَلَا فَرَسِهِ صَدَقَةٌ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

991. Мусулмонга қўл остидаги қули ва отидан садақа (закот) бериши шарт эмас. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* لَيْسَ بِمُؤْمِنٍ مُسْتَكْمِلُ الْإِيمَانِ مَنْ لَمْ يَعُدَّ الْبَالِيَا نِعْمَةً، وَالرَّخَاءَ مُصِيبَةً. (رواه الطبراني عن ابن عباس)

992. Кимки балоларни неъмат ва фаровонликни му-
сибат деб ҳисобламаса, имони комил мўмин эмас. Ибн
Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* لَيْسَ شَيْءٌ أَثْقَلَ فِي الْمِيزَانِ مِنَ الْخُلُقِ الْحَسَنِ. (رواه أحمد عن أبي الدرداء)

993. (Қиёмат куни) мезон (тароз)да чиройли хулқдан
кўра оғирроқ нарса йўқдир. Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан.
Аҳмад ривояти.

* لَيْسَ عَلَى أَهْلِ (لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ) وَخَشَةِ فِي الْمَوْتِ، وَلَا فِي الْقُبُورِ وَلَا فِي
النُّشُورِ، كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَيْهِمْ عِنْدَ الصَّيْحَةِ يَنْفُضُونَ رُءُوسَهُمْ مِنَ التَّرَابِ، يَقُولُونَ
(الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَذْهَبَ عَنَّا الْحَزْنَ). (رواه الطبراني عن ابن عمر)

994. «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтувчи кишиларга
ўлимда, қабрда ва қайта тирилишда ваҳима йўқдир. Худ-
ди мен (қайта тирилиш учун қилинган) овоз пайтида
уларнинг бошларини тупроқдан қоқаётиб: «Биздан ха-
фаликни кетказган Аллоҳга ҳамд бўлсин», деб айтишаёт-
ганини кўриб тургандекман. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)
дан. Табароний ривояти.

* لَيْسَ الْغِنَى عَنْ كَثْرَةِ الْعَرَضِ، وَلَكِنَّ الْغِنَى غِنَى النَّفْسِ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

995. Бойлик молнинг кўплигида эмас. Лекин ҳақиқий бойлик нафснинг тўқ бўлишидадир. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* لَيْسَ مِنَ الصَّلَوَاتِ صَلَاةٌ أَفْضَلُ مِنْ صَلَاةِ الْفَجْرِ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فِي الْجَمَاعَةِ وَمَا أَحْسَبُ مِنْ شَهِدَهَا مِنْكُمْ إِلَّا مَغْفُورًا لَهُ. (رواه الحَكِيم عن أَبِي عُبَيْدَةَ)

996. Жума куни бомдод намозининг жамоатда ўқилганидан кўра афзал намоз йўқдир. Ким унда иштирок этса, гуноҳлари мағфират қилинади, деб ҳисоблайман. Абу Убайда (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳаким ривояти.

* لَيْسَ مِنْ أَخْلَاقِ الْمُؤْمِنِ التَّمَلُّقُ وَلَا الْحَسَدُ إِلَّا فِي طَلَبِ الْعِلْمِ. (رواه البيهقي عن معاذ)

997. Ошиқча ялиниш ва ҳасад мўмин кишининг хулқидан эмасдир, лекин илм талабида ундай эмас. Муоз (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* لَيْسَ مِنْ عِبَادٍ يَقُولُ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ (مِائَةً مَرَّةً) إِلَّا بَعَثَهُ اللَّهُ تَعَالَى يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَوَجَّهَهُ كَالْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ، وَلَمْ يُرَفَّعْ لِأَحَدٍ يَوْمَئِذٍ عَمَلٌ أَفْضَلُ مِنْ عَمَلِهِ، إِلَّا مَنْ قَالَ مِثْلَ قَوْلِهِ، أَوْ زَادَ. (رواه البيهقي عن أبي الدرداء)

998. Бирор банда юз марта «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтса, Аллоҳ таоло қиёмат куни унинг юзини Бадр кечасидаги тўлин ой каби қилган ҳолда қайта тирилтиradi. Бирор кишининг амали унинг амалидан афзал бўлмайди, фақат ким у каби ёки ундан зиёда айтган бўлса, афзал бўлади. Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* لَيْسَ مِنَّا مَنْ لَطَمَ الْخُدُودَ، وَشَقَّ الْجُيُوبَ، وَدَعَا بِدَعْوَى الْجَاهِلِيَّةِ. (متفق عليه عن ابن مسعود)

999. Ким юзига уриб, ёқаларини йиртиб, жоҳилият даъволари билан дод-вой қилса, биздан эмасдир. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* لَا يَحْكُمُ أَحَدٌ بَيْنَ اثْنَيْنِ وَهُوَ غَضَبَانِ. (رواه الجماعة)

1000. Ҳеч бир одам ғазаби келиб турганида икки кишининг орасида ҳукм чиқармасин. Жамоат ривояти.

* لَيْسَ مِنْ عَمَلِ يَوْمٍ إِلَّا وَهُوَ يُخْتَمُ عَلَيْهِ، فَإِذَا مَرَضَ الْمُؤْمِنُ قَالَتِ الْمَلَائِكَةُ: يَا رَبَّنَا عَبْدُكَ فَلَانَ قَدْ حَبَسْتَهُ، فَيَقُولُ الرَّبُّ: (اخْتَمُوا لَهُ عَلَى مِثْلِ عَمَلِهِ، حَتَّى يَبْرَأَ أَوْ يَمُوتَ). (رواه الحاكم)

1001. Бирор кундаги амал йўқки, муҳрлаб қўйилмаса. Агар мўмин киши касал бўлса, фаришталар: «Ё Раббимиз! Фалончи қулингни касаллик ушлаб қолди», дейишса, Рабб: «Унинг амалини қандоқ бажарган бўлса (агар касаллигида бажара олмаса ҳам), шу ҳолича токи тузалгунича ёки вафот этгунича муҳрлаб туринглар», деб айтади. Ҳоким ривояти.

* لَيْسَ مِنَّا مَنْ لَمْ يَرْحَمْ صَغِيرَنَا وَلَمْ يَعْرِفْ حَقَّ كَبِيرِنَا، وَلَيْسَ مِنَّا مَنْ غَشَّنَا، وَلَا يَكُونُ الْمُؤْمِنُ مُؤْمِنًا، حَتَّى يُحِبَّ لِلْمُؤْمِنِينَ، مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ. (رواه الطبراني عن ضمرة)

1002. Кичикларимизга раҳм қилмаган, катталаримиз ҳақини танимаган ва бизни алдаганлар бизнинг йўлимизда эмасдирлар. Мўмин ўзи учун яхши кўрган нарсани бошқа мўминларга ҳам яхши кўрмагунича ҳақиқий мўмин бўла олмайди. Замра (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* لَيْسَ مِنِّي ذُو حَسَدٍ، وَلَا نَمِيْمَةٍ، وَلَا كَهَانَةٍ، وَلَا أَنَا مِنْهُ. (رواه الطبراني عن عبد الله بن بسر)

1003. Ҳасадчи, чақимчи ва коҳин мендан эмас ва мен ҳам ундан эмасман. Абдуллоҳ ибн Буср (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* لَيْسَ يَتَحَسَّرُ أَهْلُ الْجَنَّةِ عَلَى شَيْءٍ إِلَّا عَلَى سَاعَةٍ مَرَّتْ بِهِمْ لَمْ يَذْكُرُوا اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ فِيهَا. (رواه الطبراني عن معاذ)

1004. Жаннат аҳли бирор нарсага афсусланишмайди. Фақатгина Аллоҳнинг зикри билан ўтмаган вақтларига афсусланишади. Муоз (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* لَيْسَ الشَّدِيدُ بِالصُّرْعَةِ، إِنَّمَا الشَّدِيدُ الَّذِي يَمْلِكُ نَفْسَهُ عِنْدَ الْغَضَبِ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

1005. Курашда йиқитган киши кучли эмас, балки қаттиқ ғазаби келганда ўзини босиб олган одам кучлидир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* لَيْعَاشِينَ أُمِّي مِنْ بَعْدِي فِتْنٍ، كَقِطْعِ اللَّيْلِ يُصْبِحُ الرَّجُلُ فِيهَا مُؤْمِنًا، وَيُؤْسِي كَافِرًا، يَبِيعُ أَقْوَامَ دِينِهِمْ بَعْرَضٍ مِنَ الدُّنْيَا قَلِيلٍ. (رواه الحاكم عن ابن عمر)

1006. Мендан кейин умматимни кечанинг бўлаклариға ўхшаб фитналар чулғаб олади. Киши мўмин ҳолда тонг оттириб, кофир ҳолда кечлатади. Қавмлар эса динларини озгина дунё бойлигига сотиб юборишади. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Ҳоким ривояти.

* الَّذِي تَفَوُّتَهُ صَلَاةُ الْعَصْرِ كَأَنَّمَا وَتَرَ أَهْلَهُ وَمَالَهُ. (رواه الشيخان)

1007. Аср намозини ўтказиб юборган киши гўёки аҳли ва молини бой берганга ўхшайди. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الَّذِي يَخْنُقُ نَفْسَهُ يَحْمُقُهَا فِي النَّارِ، وَالَّذِي يَطْعُنُهَا يَطْعُنُهَا فِي النَّارِ.

(رواه البخاري عن أبي هريرة)

1008. Ўзини (бу дунёда) ослан киши дўзахда ҳам оса-
веради. Ўзини сўйган киши дўзахда ҳам сўяверади. Абу
Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти.

اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ مَطِئَتَانِ، فَارْكَبُوهُمَا بَلَاغًا إِلَى الْآخِرَةِ. (رواه ابن عدى عن

ابن عباس)

1009. Кеча ва кундуз икки уловдир. Сизлар уларни
охиратга элтувчи қилиб мининглар. Ибн Аббос (розияллоҳу
анҳумо)дан. Ибн Адий ривояти.

ميم ҲАРФИ – حرف الميم

* مَاءٌ زَمْزَمٌ لِمَا شَرِبَ لَهُ، مَنْ شَرِبَهُ لِمَرَضٍ شَفَاهُ اللَّهُ، أَوْ لْجُوعٍ أَشْبَعَهُ اللَّهُ
أَوْ لِحَاجَةٍ قَضَاهَا اللَّهُ، مَاءٌ زَمْزَمٌ شِفَاءٌ مِنْ كُلِّ دَاءٍ. (رواه الديلمي)

1010. Замзам суви нимани ният қилиб ичилса, ўша
нарсга эришилади. Кимки касаллиги сабабли ичса,
Аллоҳ унга шифо беради. Оч бўлгани боис ичса, Аллоҳ
уни тўйдиради. Ҳожати учун ичса, Аллоҳ ҳожатини рўёб-
га чиқаради. Замзам суви барча касалликларга шифодир.
Дайлабий ривояти.

* مَا آمَنَ بِي مِنْ بَاتٍ شَبَعَانَ، وَجَارُهُ جَانِعٌ إِلَيَّ جَنِبِهِ، وَهُوَ يَعْلَمُ بِهِ. (رواه

البزار عن أنس)

1011. Кимнинг қорни тўқ бўлиб, ён қўшнисиники оч
бўлса ва унинг очлигини билиб туриб тунаса, менга имон
келтирмабди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Баззор ривояти.

* مَا اجْتَمَعَ قَوْمٌ فِي بَيْتٍ مِنْ بُيُوتِ اللَّهِ يَتْلُونَ كِتَابَ اللَّهِ وَيَتَدَارَسُونَهُ

بَيْنَهُمْ إِلَّا نَزَلَتْ عَلَيْهِمُ السَّكِينَةُ وَغَشِيَتْهُمْ الرَّحْمَةُ وَحَفَّتْهُمُ الْمَلَائِكَةُ
وَذَكَرَهُمُ اللَّهُ فِيمَنْ عِنْدَهُ. (رواه أبو داود)

1012. Бирор жамоа Аллоҳнинг уйларида бир уйда Аллоҳнинг Китобини тиловат қилиб, ўзаро ўрталарида уни дарс қилиб ўқишса, ўша жамоага хотиржамлик тушади, уларни раҳмат қоплайди ва фаришталар ўраб олишади. Аллоҳ уларни ҳузуридагилари ичида зикр қилади. *Абу Довуд ривояти.*

* مَا اجْتَمَعَ قَوْمٌ فَتَفَرَّقُوا عَنْ غَيْرِ ذِكْرِ اللَّهِ وَصَلَاةِ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، إِلَّا كَأَنَّمَا تَفَرَّقُوا عَنْ جِيفَةِ حِمَارٍ وَكَانَ ذَلِكَ الْمَجْلِسُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً.
(رواه أحمد عن أبي هريرة)

1013. Бирор жамоа мажлисдан Аллоҳнинг зикрисиз ва Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот айтмасдан тарқалишса, гўёки эшак ўлимтиги устидан (устидаги мажлисдан) тургандек тарқалишади. Мана шу мажлис улар учун ҳасрат-надомат бўлади. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.*

* مَا اخْتَلَطَ حُبِّي بِقَلْبِ عَبْدٍ إِلَّا حَرَّمَ اللَّهُ جَسَدَهُ عَلَى النَّارِ. (رواه أبو نعيم
عن ابن عمر)

1014. Аллоҳ менинг муҳаббатим ила йўғрилган банда қалбининг дўзахга тушишини ҳаром қилди. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Абу Нуайм ривояти.*

* مَا أَزْدَادَ رَجُلٌ مِنَ السُّلْطَانِ قُرْبًا إِلَّا أَزْدَادَ مِنَ اللَّهِ بُعْدًا، وَلَا كَثُرَتْ أَتْبَاعُهُ إِلَّا كَثُرَتْ شَيَاطِينُهُ، وَلَا كَثُرَ مَالُهُ إِلَّا أَشَدَّ حِسَابُهُ. (رواه هناد عن
عبيد بن عمير مرسلًا)

1015. Модомики кишининг султонларга яқинлашиши зиёда бўлар экан, Аллоҳдан узоқлашиши ҳам ортади.

Кишининг атбоъ (тобе)лари кўпаяр экан, шайтонлари ҳам зиёда бўлиб боради. Кишининг моли кўпайган сари (қиёматдаги) ҳисоби ҳам қаттиқлашади. Убайд Ибн Умайр (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳинод ривояти.

* مَا اسْتَفَادَ الْمُؤْمِنُ بَعْدَ تَقْوَى اللَّهِ عِزَّ وَجَلَّ خَيْرًا لَهُ مِنْ زَوْجَةٍ صَالِحَةٍ إِنَّ أَمْرَهَا أَطَاعَتُهُ، وَإِنْ نَظَرَ إِلَيْهَا سِرَّتُهُ، وَإِنْ أَقْسَمَ عَلَيْهَا أَبْرَثُهُ، وَإِنْ غَابَ عَنْهَا نَصَحَتُهُ فِي نَفْسِهَا وَمَالِهِ. (رواه ابن ماجه)

1016. Мўмин Аллоҳга тақво қилганидан кейин солиҳа хотинидан кўра яхшироқ бирор нарсадан фойда кўрмаган. Агар ўша хотинига бирор иш буюрса, эрига итоат қилади. Унга назар солса, хушнуд бўлади. Агар унинг ҳақида (Аллоҳни ўртага қўйиб) қасам ичса, у хотин ўша қасамни оқлайди. Эри уйда йўқлигида ўз нафси ва эрининг мол-мулкида садоқатли бўлади. Ибн Можа ривояти.

* مَا بَعَثَ اللَّهُ مِنْ نَبِيٍّ، وَلَا اسْتَخْلَفَ مِنْ خَلِيفَةٍ إِلَّا لَهُ بَطَانَتَانِ: بَطَانَةٌ تَأْمُرُهُ بِالْمَعْرُوفِ، وَتَحْضُهُ عَلَيْهِ، وَبَطَانَةٌ تَأْمُرُهُ بِالْإِثْمِ، وَتَحْضُهُ عَلَيْهِ، فَالْمَعْصُومُ مَنْ عَصَمَهُ اللَّهُ تَعَالَى. (رواه البخاري)

1017. Аллоҳ бирор пайғамбарни юборадиган ёки бирор халифани халифа қилса, унинг икки сирдоши бўлади. Бири яхшиликка буюриб, уни рағбатлантиради. Иккинчиси эса, ёмонликка буюриб, шунга рағбатлантиради. Аллоҳ сақлаганларгина бундан холидирлар. Бухорий ривояти.

* مَا بَيْنَ بَيْتِي وَمَنْبَرِي رَوْضَةٌ مِنْ رِيَاضِ الْجَنَّةِ، وَمَنْبَرِي عَلَى حَوْضِي. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

1018. Уйим билан минбарим ораси жаннат боғларидан бир боғдир. Минбарим ҳавзим устидадир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* مَا أَصْرَ مَنْ اسْتَغْفَرَ، وَإِنْ عَادَ فِي الْيَوْمِ سَبْعِينَ مَرَّةً. (رواه الترمذي عن أبي بكر)

1019. Қатъий туриб истиғфор айтган киши бир кунда ўша гуноҳига етмиш марта қайтса ҳам кечиради. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* مَا بَيْنَ النَّفْخَتَيْنِ أَرْبَعُونَ (ثُمَّ يُنْزَلُ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَيَنْبُتُونَ كَمَا يَنْبُتُ الْبَقْلُ وَلَيْسَ مِنَ الْإِنْسَانِ شَيْءٌ إِلَّا يَنْبَلَى، إِلَّا عَظْمٌ وَاحِدٌ وَهُوَ عَجْبُ الذَّنْبِ، وَمِنْهُ يُرْكَبُ الْخَلْقُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ). (رواه الخطيب ومسلم عن أبي هريرة)

1020. Икки сур чалинишининг ораси қирқ йилдир. Сўнгра Аллоҳ таоло осмондан сув тушириб, кўкатлар ўсгани каби (инсонларни) ўстириб чиқаради. Инсонда нима нарса бўлса, (ҳаммаси) чириб битади. Фақат битта суяги, яъни думғазаси бутун қолади. Қиёмат куни халойиқ ўша думғазасидан тўплаб олинади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ва Муслим ривояти.

* مَا أَصِيبَ عَبْدٌ بَعْدَ ذَهَابِ دِينِهِ بِأَشَدِّ مِنْ ذَهَابِ بَصَرِهِ، وَمَا ذَهَبَ بَصَرُ عَبْدٍ فَصَبَرَ إِلَّا دَخَلَ الْجَنَّةَ. (رواه الخطيب عن بريدة)

1021. Бандага динини йўқотиш мусибатидан сўнг кўзини йўқотиши энг қаттиқ мусибатдир. Бирор банданинг кўзи ожиз бўлиб қолса, ўша мусибатга сабр қилса, жаннатга киради. Бурайда (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.

* مَا أَكْرَمَ شَابٌّ شَيْخًا لِسَنِّهِ، إِلَّا قَبِضَ اللَّهُ لَهُ مِنْ يُكْرِمُهُ عِنْدَ سَنِّهِ. (رواه الترمذي عن أنس)

1022. Бирор йигит кекса кишини ёши катта бўлгани учун ҳурмат қилса, Аллоҳ уни қариган чоғида ҳурмат қиладиганларни пайдо қиладди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* مَا أَكَلَ أَحَدٌ طَعَامًا قَطُّ خَيْرًا مِنْ أَنْ يَأْكُلَ مِنْ عَمَلٍ يَدِهِ، وَإِنْ نَبَى اللَّهُ دَاوُدَ كَانَ يَأْكُلُ مِنْ عَمَلٍ يَدِهِ. (رواه البخاري عن المقدم)

1023. Киши қўли ила касб қилиб ризқини еганидан кўра яхшироқ таомни ея олмайди. Аллоҳнинг пайгамбари Довуд (алайҳиссалом) қўллари ила касб қилиб, рўзғор тебратганлар. *Миқдом (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти.*

* مَا تَلَفَتَ عَبْدٌ قَطُّ فِي صَلَاتِهِ إِلَّا قَالَ لَهُ رَبُّهُ: أَيْنَ تَلَفْتُ يَا ابْنَ آدَمَ؟ أَنَا خَيْرٌ مِمَّا تَلَفْتُ إِلَيْهِ. (رواه البيهقي عن أبي هريرة)

1024. Бирор банда намозида у ёқ-бу ёққа назар солса, Раббиси унга: «Эй одам боласи, қаёққа қараяпсан, Мен сен қараётган нарсадан яхшироқман», дейди. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* مَا أَنْعَمَ اللَّهُ تَعَالَى عَلَى عَبْدٍ نِعْمَةً، فَقَالَ: (الْحَمْدُ لِلَّهِ) إِلَّا أَدَى شُكْرَهَا، فَإِنْ قَالَهَا الثَّانِيَةَ، جَدَّدَ اللَّهُ ثَوَابَهَا، فَإِنْ قَالَهَا الثَّلَاثَةَ غَفَرَ اللَّهُ لَهُ ذُنُوبَهُ. (رواه البيهقي عن جابر)

1025. Аллоҳ бандага бирор неъматни ато қилса-ю, ўша неъматга «Алҳамдулиллоҳ» деса, унинг шукрини адо қилибди. Иккинчи гал айтса, Аллоҳ унинг савобини янгилабди. Учинчи дафъа айтса, Аллоҳ унинг гуноҳларини кечирибди. *Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* مَا أَنْفَقَ الرَّجُلُ فِي بَيْتِهِ وَأَهْلِهِ وَوَلَدِهِ وَخَدَمِهِ فَهُوَ لَهُ صَدَقَةٌ. (رواه الطبراني عن أبي أمامة)

1026. Кишининг аҳлига, фарзандларига, хизматкорларига қилган инфоқ-эҳсони ҳам садақадир. *Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* مَا أَهْدَى الْمَرْءَ الْمُسْلِمَ لِأَخِيهِ هَدِيَّةً أَفْضَلَ مِنْ كَلِمَةٍ حِكْمَةٍ يَزِيدُهُ اللَّهُ بِهَا هُدًى، أَوْ يَرُدُّهُ عَنْ رَدًى. (رواه البيهقي عن ابن عمرو)

1027. Мусулмон киши биродарига ҳикматли сўздан кўра афзалроқ ҳадя бера олмайди. Ўша ҳикмат сабабли Аллоҳ ундаги ҳидоятни зиёда қилади ёки тубанликдан қайтаради. *Ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* مَا يُصِيبُ الْمُسْلِمَ مِنْ نَصَبٍ، وَلَا وَصَبٍ، وَلَا هَمٍّ، وَلَا حُزْنٍ، وَلَا أَذًى وَلَا غَمٍّ، حَتَّى الشَّوْكَةِ يُشَاكَّهَا إِلَّا كَفَّرَ اللَّهُ بِهَا مِنْ خَطَايَاهُ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي سعيد الخدري وأبي هريرة)

1028. Мусулмон киши бирор кулфат, касаллик, ғам-қайғу, озор ёки ташвишга мубтало бўлса, ҳатто бирор тикан кирса ҳам, ўша сабабли Аллоҳ унинг хатоларини ўчиради. *Абу Саид Худрий ва Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* مَا تَحَابَّ اثْنَانِ فِي اللَّهِ تَعَالَى إِلَّا كَانَ أَفْضَلُهُمَا أَشَدَّهُمَا حُبًّا لِصَاحِبِهِ. (رواه البخاري عن أنس)

1029. Аллоҳ йўлида дўстлашганларнинг энг афзали дўстига муҳаббати кучли бўлганидир. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти.*

* مَا تَرَكْتُ بَعْدِي فِي النَّاسِ فِتْنَةً أَضَرَّ عَلَى الرِّجَالِ مِنَ النِّسَاءِ. (رواه الترمذي عن أسامة)

1030. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) де-дилар: Инсонлар ичида ўзимдан кейин эркакларга аёллардан кўра зарарлироқ фитнани қолдирмадим. *Усома (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.*

* مَا تَحَابَّ رَجُلَانِ فِي اللَّهِ تَعَالَى إِلَّا وَضَعَ اللَّهُ لَهُمَا كُرْسِيًّا فَأَجْلَسَا عَلَيْهِ حَتَّى يَقْرَعَ اللَّهُ مِنَ الْحِسَابِ. (رواه الطبراني عن معاذ)

1031. Икки киши Аллоҳ йўлида дўст бўлишса, Аллоҳ икковларига курси қўйиб, унга ўтқазиб, ҳисоб-китоб қилишдан холи қолдиради. Муоз (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* مَا جَاءَنِي جَبْرِيلُ إِلَّا أَمَرَنِي بِهَاتَيْنِ الدَّعَوَتَيْنِ: (اللَّهُمَّ ارْزُقْنِي طَبِيبًا، وَاسْتَعْمِلْنِي صَاحِبًا). (رواه الحكيم عن حنظلة)

1032. Агар Жаброил (алайҳиссалом) келсалар, мана бу икки дуони қилишга буюрардилар: «Аллоҳуммарзуқний тоййибан вастаъмилний солиҳан» (Ё Аллоҳ, мени пок нарсa ила ризқлаб, солиҳ нарсaга амал қиладиганлардан айлагин). Ҳанзала (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳаким ривояти.

* مَا جَلَسَ قَوْمٌ يَذْكُرُونَ اللَّهَ تَعَالَى، إِلَّا نَادَاهُمْ مُنَادٍ مِنَ السَّمَاءِ (قَوْمُوا مَغْفُورًا لَكُمْ). (رواه الضياء عن أنس)

1033. Бирор қавм Аллоҳни зикр қилиб ўтиришса, бир жарчи осмондан нидо қилиб: «Мағфират қилинган ҳолда туринглар», деб айтади. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Зиё ривояти.

* مَا جُمِعَ شَيْءٌ إِلَى شَيْءٍ أَفْضَلَ مِنْ عِلْمٍ إِلَى حِلْمٍ. (رواه الطبراني)

1034. Илм ҳалимликка жамлангани каби, бирор нарсa бошқасига ундан афзал ҳолда жамлана олмайди. Табароний ривояти.

* مَا حَقُّ امْرِئٍ مُسْلِمٍ لَهُ شَيْءٌ يُوصَى فِيهِ، يَبِيتُ لَيْلَتَيْنِ إِلَّا وَوَصِيَّتُهُ مَكْتُوبَةٌ عِنْدَهُ. (رواه البخاري ومسلم عن عبد الله بن عمر)

1035. Мусулмон киши зиммасидаги ҳақ шуки, агар унинг васият қилинадиган нарсаси бўлиб, икки кеча ту-

найдиган бўлса, ёнида васияти ёзилган бўлиши лозим. Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* مَا خَابَ مَنْ اسْتَخَارَ، وَلَا نَدِمَ مَنْ اسْتَشَارَ، وَلَا عَالَ مَنْ اقْتَصَدَ. (رواه الطبراني عن أنس)

1036. Ким истихора қилса, ҳасратда қолмайди. Ким маслаҳатлашса, пушаймон бўлмайди. Рўзғорда иқтисод қилиб, ўртачаликни лозим тутган киши камбағал бўлмайди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* مَا خَرَجَ رَجُلٌ مِنْ بَيْتِهِ يَطْلُبُ عِلْمًا إِلَّا سَهَّلَ اللَّهُ لَهُ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ. (رواه الطبراني عن السيدة عائشة)

1037. Бирор киши уйдан илм талабида чиқса, Аллоҳ унга жаннатга бориладиган йўлни осон қилиб қўяди. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Табароний ривояти.

* مَا خَفَّفَتْ عَنْ خَادِمِكَ مِنْ عَمَلِهِ فَهُوَ أَجْرٌ لَكَ فِي مَوَازِينِكَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه البيهقي)

1038. Хизматкоринг ишидан нимани енгиллатсанг, ўша нарса қиёмат куни тарозингда сен учун ажр бўлади. Байҳақий ривояти.

* مَا خَلَقَ اللَّهُ فِي الْأَرْضِ شَيْئًا أَقْلَ مِنَ الْعَقْلِ، وَإِنَّ الْعَقْلَ فِي الْأَرْضِ أَقْلَ مِنَ الْكِبَرِيَةِ الْأَحْمَرِ. (رواه ابن عساكر عن معاذ)

1039. Аллоҳ Ерда ақлдан кўра озроқ бирор нарса яратмади. Чунки ердаги ақл қизил фосфордан ҳам озроқдир. Муоз (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.

* مَا زَانَ اللَّهُ الْعَبْدَ بَرِيَّةً أَفْضَلَ مِنْ زَهَادَةٍ فِي الدُّنْيَا وَعَفَافٍ بَطْنِهِ وَفَرَجِهِ. (رواه أبو نعيم عن ابن عمر)

1040. Аллоҳ бандасига дунёда зоҳид бўлишдан ва қорнию фаржи хусусида ифбатли бўлишдан кўра афзалроқ нарсани зийнат қилмаган. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Абу Нуайм ривояти.*

* مَا زَالَ جَبْرِيلُ يُوصِينِي بِالْجَارِ، حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ سَيُورِّثُهُ. (رواه الشيخان عن السيدة عائشة)

1041. Жаброил (алайҳиссалом) менга қўшни ҳақида жуда кўп васият қилганларидан мен ўша қўшни меросхўр бўлиб қолса керак, деб гумон этиб қолдим. *Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* مَا شَبَّهْتُ خُرُوجَ الْمُؤْمِنِ مِنَ الدُّنْيَا، إِلَّا مِثْلَ خُرُوجِ الصَّبِيِّ مِنْ أُمِّهِ، مِنْ ذَلِكَ الْغَمِّ وَالظُّلْمَةِ إِلَى رُوحِ الدُّنْيَا. (رواه الحكيم)

1042. Мўминнинг дунёдан чиқиши (ўлиши)нинг ми-солини худди гўдакнинг онасидан чиқиши (туғилиши)-га ўхшатдим. У зулматдан ва гамликдан дунё роҳатига чиқади. *Ҳаким ривояти.*

* مَا ضَرَّ أَحَدَكُمْ لَوْ كَانَ فِي بَيْتِهِ: مُحَمَّدٌ، مُحَمَّدَانِ، وَثَلَاثَةٌ. (رواه ابن سعيد عن عثمان العمري مرسلًا)

1043. Сизлардан бирортангизнинг уйида битта Муҳаммад ва иккита Муҳаммад, боринги, учта Муҳаммад исмли киши бўлса, зарари йўқ. *Усмон Умарий (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Саид мурсал ҳолда қилган ривояти.*

* مَا عَظُمَتْ نِعْمَةُ اللَّهِ عَلَى عَبْدٍ إِلَّا اشْتَدَّتْ عَلَيْهِ مُؤُونَةُ النَّاسِ، فَمَنْ لَمْ يَحْتَمِلْ تِلْكَ الْمُؤُونَةَ فَقَدْ عَرَضَ تِلْكَ النِّعْمَةَ لِلزَّوَالِ. (رواه ابن أبي الدنيا عن السيدة عائشة)

1044. Модомики Аллоҳнинг бандасига берган неъмат катталашса, унга одамларнинг харажати ҳам зи-

ёдалашади. Ким ана шу таъминот масъулиятини кўтара олмаса, бу улуғ неъматнинг заволга кетишига рўбарў бўлибди. *Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Ибн Абу Дунё ривояти.*

* مَا عَلِمَ اللَّهُ مِنْ عَبْدٍ نَدَامَةً عَلَى ذَنْبٍ إِلَّا غَفَرَ لَهُ قَبْلَ أَنْ يَسْتَغْفِرَهُ. (رواه الحاكم عن عائشة)

1045. Аллоҳ бирор бандаси қилиб қўйган гуноҳига на-домат этаётганини билса, истиғфор айтишидан олдин унинг гуноҳларини кечириб юборади. *Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Ҳоким ривояти.*

* مَا كَانَ الرَّفْقُ فِي شَيْءٍ إِلَّا زَانَهُ، وَلَا نَزَعٌ مِنْ شَيْءٍ إِلَّا شَانَهُ. (رواه الضياء عن أنس)

1046. Бирор нарсада мулойимлик бўлса, уни зийнатлайди. Бирор нарсадан ўша мулойимлик тортиб олинса, хунук қилади. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Зиё ривояти.*

* مَا كَرِهْتَ أَنْ يَرَاهُ النَّاسُ مِنْكَ فَلَا تَفْعَلْهُ بِنَفْسِكَ إِذَا خَلَوْتَ. (رواه ابن حبان عن أسامة بن شريك)

1047. Одамлар сендан содир бўлишини кўриб қолишларини ёмон кўрган ишингни, ўзинг холи қолганингда ҳам қилма. *Усома ибн Шарик (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Ҳиббон ривояти.*

* مَا لِي وَلِلدُّنْيَا، مَا أَنَا فِي الدُّنْيَا إِلَّا كَرَائِبٍ اسْتَظَلْتُ تَحْتَ شَجَرَةٍ، ثُمَّ رَاحَ وَتَرَكَهَا. (رواه الترمذي عن ابن مسعود)

1048. Мен ва дунёнинг мисоли худди дунёдаги отликқа ўхшайдики, у дарахт остида сояланиб, сўнгра у ерни тарк қилиб кетгандекдир. *Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан Термизий ривояти.*

* مَا مِنْ أَحَدٍ يَدْعُو بِدُعَاءٍ إِلَّا آتَاهُ اللَّهُ مَا سَأَلَ، أَوْ كَفَّ عَنْهُ مِنَ السُّوءِ مِثْلَهُ، مَا لَمْ يَدْعُ بِإِثْمٍ أَوْ بِقَطِيعَةٍ رَحِمَ . (رواه أحمد)

1049. Бир киши бирор дуони айтса, Аллоҳ шу дуода сўраган нарсасини беради ёки ўша миқдоридаги ёмонликни ундан тўсади, модомики у ўша дуосида гуноҳ нарсани ёки қариндош-уруғчилик ришталарини узишни сўрамаса. Аҳмад ривояти.

* مَا مِنْ أَحَدٍ يُؤْمِرُ عَلَى عَشْرَةِ فَصَاعِدًا، إِلَّا جَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي الْأَصْفَادِ وَالْأَغْلَالِ. (عن أبي هريرة)

1050. Бир киши ўн ва ундан юқорироқ ададдаги одамларга бошлиқ бўлса, қиёмат куни кишан ва занжирда келади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* مَا مِنْ أَحَدٍ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ يُحِبُّ أَنْ يُرْجَعَ إِلَى الدُّنْيَا إِلَّا الشَّهِيدُ يَتَمَنَّى أَنْ يُرْجَعَ إِلَى الدُّنْيَا فَيُقْتَلَ عَشْرَ مَرَّاتٍ لِمَا يَرَى مِنَ الْكِرَامَةِ. (رواه البخاري ومسلم عن أنس بن مالك رضى الله تعالى عنهم)

1051. Бирор киши жаннатга кирганидан кейин дунёга қайтишни истамайди. Фақат шаҳид одам кароматларни кўргач, дунёга қайтиб бориб, у ерда яна ўн марта ўлишни орзу қилади. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* مَا مِنْ أَحَدٍ يَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ صِدْقًا مِنْ قَلْبِهِ، إِلَّا حَرَّمَهُ اللَّهُ عَلَى النَّارِ، قَالَ مَعَاذُ بَنِ جَبَلٍ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَفَلَا أُخْبِرُ النَّاسَ فَيَسْتَبْشِرُوا؟ قَالَ: إِذَنْ يَتَكَلَّمُوا. (رواه الشيخان)

1052. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): Бирор киши «Ла илаҳа иллаллоҳ ва анна Муҳаммадар Росулуллоҳ», деб сидқидилдан гувоҳлик берса, Аллоҳ у

кишига дўзахни ҳаром қилади, деб айтганларида, Муоз ибн Жабал: «Ё Аллоҳнинг Расули! Одамлар хурсанд бўлишлари учун буни уларга хабар берайми?» деганларида, Расулulloҳ: «Йўқ, бундай қилсанг, ўша нарсага сўяниб, амал қилмай қўйишади», дедилар. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* مَا مَلَأَ آدَمِيَّ وَعَاءَ شَرًّا مِنْ بَطْنِهِ، بِحَسْبِ ابْنِ آدَمَ لَقِيمَاتٍ يُقَمِّنُ صُلْبَهُ، فَإِنْ كَانَ لَا مَحَالَةَ فَاعِلًا، فَثُلُثَ لِطْعَامِهِ، وَثُلُثَ لِلشَّرَابِ، وَثُلُثَ لِنَفْسِهِ. (رواه الترمذي)

1053. Одам тўлдирадиган идишларнинг энг ёмони қорнидир. Одам боласига белини тиклаш учун бир нечта лўкма кифоя қилади. Агар бунинг иложи бўлмаса, қорнининг учдан бири овқатга, учдан бири ичимликка ва учдан бири нафас олиш учундир. *Термизий ривояти.*

* مَا مِنْ أَحَدٍ يَكُونُ عَلَى شَيْءٍ مِنْ أُمُورِ هَذِهِ الْأُمَّةِ فَلَا يَعْدِلُ بَيْنَهُمْ إِلَّا كَبَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِي النَّارِ. (رواه معقل بن سنان)

1054. Бир киши бу умматнинг бирор ишида бошлиқ бўлса-ю, улар ўртасида адолат қилмаса, Аллоҳ уни дўзахга боши билан ташлайди. *Маъқал ибн Синон ривояти.*

* مَا مِنْ جُرْعَةٍ أَحَبَّ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى مِنْ جُرْعَةٍ غِيْظٍ يَكْظُمُهَا عَبْدٌ، مَا كَظَمَهَا عَبْدٌ إِلَّا مَلَأَ اللَّهُ تَعَالَى جَوْفَهُ إِيْمَانًا. (رواه ابن أبي الدنيا عن ابن عباس)

1055. Ютиладиган нарсалар ичида Аллоҳ таолога банда ғазабини ютиб, ўзини босиб олганидан кўра маҳбуброқ нарса йўқдир. Киши ғазабини батамом тўхтатса, Аллоҳ унинг ичини имонга тўлдиради. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Абу Дунё ривояти.*

* مَا مِنْ دَعْوَةٍ يَدْعُو بِهَا الْعَبْدُ أَفْضَلَ مِنْ: (اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْمَغْفَاةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ). (رواه ابن ماجه عن أبي هريرة)

1056. Банда «Алоҳумма инний асъалукал муъафата фид дуня вал ахироҳ» (Ё Аллоҳ, Сендан дунё ва охиратда офиятни сўрайман), деб қилган дуосидан афзалроқ дуони қила олмайди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.

* مَا مِنْ ذَنْبٍ أَجْدَرُ أَنْ يُعَجِّلَ اللَّهُ تَعَالَى لَصَاحِبِهِ الْعُقُوبَةَ فِي الدُّنْيَا مَعَ مَا يَدَّخِرُهُ لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ قَطِيعَةِ الرَّحِمِ، وَالْخِيَانَةِ، وَالْكَذِبِ، وَإِنَّ أَعْجَلَ الطَّاعَةِ ثَوَابًا لَصَلَّةِ الرَّحِمِ، حَتَّى إِنَّ أَهْلَ الْبَيْتِ لَيَكُونُونَ فَجْرَةً، فَتَنَّمُوا أَمْوَالَهُمْ، وَيَكْثُرْ عَدَدُهُمْ، إِذَا تَوَاصَلُوا. (رواه الطبراني)

1057. Аллоҳ таоло қариндош-уруғчилик ришталарини узиш, хиёнат ва ёлғоннинг жазосини бу дунёда ҳам тезлатади, охиратга ҳам олиб қўяди. Савоби тез бериладиган тоат – бу қариндош-уруғчилик ришталарини тиклашдир. Чунки ўзаро алоқани тикласа, хонадон аҳли фожир бўлсалар ҳам, мол-дунёси кўпайиб, сони ҳам ошиб боради. Табароний ривояти.

* مَا مِنْ ذَنْبٍ إِلَّا وَلَهُ عِنْدَ اللَّهِ تَوْبَةٌ إِلَّا سُوءُ الْخُلُقِ، فَإِنَّهُ لَا يَتُوبُ مِنْ ذَنْبٍ إِلَّا رَجَعَ إِلَى مَا هُوَ شَرُّ مِنْهُ. (عن السيدة عائشة)

1058. Бирор гуноҳ бўлса, Аллоҳ ҳузурида унинг кечирилиши бордир. Лекин ёмон хулқники ундай эмас. Чунки бирор гуноҳини кечирса ҳам, ундан ёмонига қайтиб тураверади. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан қилинган ривоят.

* مَا مِنْ رَجُلٍ يَغْرِسُ غَرْسًا إِلَّا كَتَبَ اللَّهُ لَهُ مِنَ الْأَجْرِ قَدْرَ مَا يَخْرُجُ مِنْ ثَمَرِ الْغَرْسِ. (عن أبي أيوب)

1059. Бирор киши қандайдир экинни экса, Аллоҳ унга ўша экиндан чиққан меванинг миқдорича ажр ёзади. Абу Айюб (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* مَا مِنْ رَجُلٍ يَأْتِي قَوْمًا وَيُوسِعُونَ لَهُ حَتَّى يَرْضَى إِلَّا كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ رِضَاهُمْ. (رواه الطبراني عن أبي موسى)

1060. Бир киши бирор қавмга келса-ю, унга ўзи рози бўлгунича бағрикенглик қилишса, уларга ҳам Аллоҳнинг розилиги ҳақ бўлади. Абу Мусо (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* مَا مِنْ وَالٍ يَلِي رَعِيَّةً مِنَ الْمُسْلِمِينَ، فَيَمُوتَ وَهُوَ غَاشٌّ لَهُمْ إِلَّا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ. (رواه الشيخان عن معقل بن يسار المزني)

1061. Бирор волий мусулмонлар устида бошлиқлик қилса ва уларни алдаган ҳолда вафот этса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади. Маъқал ибн Ясор Музаний (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* مَا مِنْ عَبْدٍ كَانَتْ لَهُ نِيَّةٌ فِي آدَاءِ دَيْنِهِ إِلَّا كَانَ لَهُ مِنَ اللَّهِ عَوْنٌ. (رواه أحمد عن عائشة)

1062. Бирор банда қарзини узишга ҳақиқий ният қилса, Аллоҳдан у киши учун ёрдам бўлади. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Аҳмад ривояти.

* مَا مِنْ عَبْدٍ يَسْتَرْعِيهِ اللَّهُ رَعِيَّةً فَلَمْ يَحْطَهَا بِنَصِيحَةٍ إِلَّا لَمْ يَجِدْ رَاحَةً الْجَنَّةَ. (رواه البخاري ومسلم عن معقل بن يسار المزني)

1063. Аллоҳ бирор қулини халойиқ устидан гапи ўтадиган бошлиқ этса-ю, у уларга яхшиликни истамаса, жаннат ҳидини топмайди. Маъқал ибн Ясор Музаний (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* مَثَلُ مَا بَعَثَنِي اللَّهُ بِهِ مِنَ الْهُدَى وَالْعِلْمِ كَمَثَلِ الْغَيْثِ الْكَثِيرِ، أَصَابَ أَرْضًا، فَكَانَ مِنْهَا نَفْيَةٌ قَبِلَتِ الْمَاءَ فَأَنْبَتَتِ الْكَلَأَ وَالْعُشْبَ الْكَثِيرَ، وَكَانَتْ مِنْهَا أَجَادِبُ أَمْسَكَتِ الْمَاءَ فَتَنَفَعَ اللَّهُ بِهَا النَّاسَ، فَشَرِبُوا وَسَقَوْا وَزَرَعُوا

وَأَصَابَ مِنْهَا طَائِفَةٌ أُخْرَى، إِنَّمَا هِيَ قِيعَانٌ لَا تَمْسُكُ مَاءً وَلَا تُثَبِّتُ كَلًّا، فَذَلِكَ مِثْلُ مَنْ فَقَهُ فِي دِينِ اللَّهِ وَنَفَعَهُ مَا بَعَثَنِي اللَّهُ بِهِ. فَعَلِمَهُ وَعَلَّمَهُ، وَمِثْلُ مَنْ لَمْ يَرْفَعْ بِذَلِكَ رَأْسًا، وَلَمْ يَقْبَلْ هُدَى اللَّهِ الَّذِي أُرْسِلْتُ بِهِ. (رواه الشيخان والنسائي عن أبي موسى)

1064. Аллоҳ мен ила юборган ҳидоят ва илм худди ерга ёққан мўл ёмғирга ўхшайди. У ернинг шундай танланган бўлаклари борки, сувни қабул қилиб, кўплаб ўт-ўланларни ўстиради. Яна у ернинг қаттиқ бўлаклари борки, сувни ўзида ушлаб қолиши сабабли Аллоҳ инсонларга манфаат беради. Одамлар у сувдан ичиб, ҳайвонларини ҳам ичириб, экинларини суғоришади. Яна ернинг шундай бўлаклари борки, у текис бўлиб, сувни ҳам ушламайди, ўт-ўланни ҳам ўстирмайди. Аввалгиси, яъни сувни қабул қилиб ёки ўзида ушлаб қолиб, бошқаларга фойдаси тегадиган ернинг мисоли Аллоҳнинг динида фақиҳ бўлиб, Аллоҳ мени юборган нарсда фойдаси тегиб, ўзи таълим олиб, бошқаларга ҳам ўргатадиган кишидир. Кейингиси, яъни сув ушламайдиган ернинг мисоли бундай илмга бошини ҳам кўтариб қўймайдиган ва Аллоҳ менга юборган ҳидоятни қабул этмайдиган кишидир. Абу Мусо (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий, Муслим ва Насоий ривояти.

* مَا مِنْ رَجُلٍ يَنْظُرُ إِلَى وَجْهِ وَالِدَيْهِ نَظْرَةَ رَحْمَةٍ، إِلَّا كَتَبَ اللَّهُ لَهُ بِهَا حَجَّةً مَقْبُولَةً مَبْرُورَةً. (رواه الرافعي)

1065. Қайси бир киши ота-онасининг юзига раҳм ва шафқат назари билан қараса, Аллоҳ унинг учун мақбул ва мабрур ҳаж амалини бажарган, деб ёзиб қўяди. Рофеъий ривояти.

* مَا مِنْ صَبَاحٍ يُصْبِحُ الْعِبَادُ فِيهِ إِلَّا وَصَارَ يَصْرُخُ: أَيُّهَا الْخَلَائِقُ (سَبِّحُوا الْمَلِكَ الْقُدُّوسَ). (رواه ابن السني عن الزبير)

1066. Бандалар ҳар тонг оттирганида бир жарчи нидо қилиб: «Эй халойиқ, Малик ва Қуддус сифатли Зот – Аллоҳга тасбеҳ айтинглар», дейди. Зубайр (розияллоҳу анҳу) дан. Ибн Сунний ривояти.

* مَا مِنْ عَبْدٍ يَمُرُّ بِقَبْرِ رَجُلٍ كَانَ يَعْرِفُهُ فِي الدُّنْيَا فَيَسْلُمُ عَلَيْهِ إِلَّا عَرَفَهُ وَرَدَّ عَلَيْهِ السَّلَامَ. (رواه الخطيب عن أبي هريرة)

1067. Бирор кимса дунёда танийдиган киши қабри ол-дидан ўтса ва унга салом берса, қабрдаги киши уни та-ниб, саломига алик олади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.

* مَا مِنْ عَبْدٍ يُصْرَعُ صَرْعَةً مِنْ مَرَضٍ إِلَّا بَعَثَهُ اللَّهُ مِنْهَا طَاهِرًا. (رواه الطبراني عن أبي أمامة)

1068. Бирор банда касаллик сабабли йиқилса, Аллоҳ уни бу йиқилишидан пок ҳолда турғизади. Абу Умома (ро-зияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* مَا مِنْ عَبْدٍ مِنْ أُمَّتِي يُصَلِّي عَلَى صَلَاةٍ صَادِقًا بِهَا مِنْ قَبْلِ نَفْسِهِ، إِلَّا صَلَّى اللَّهُ تَعَالَى عَلَيْهِ بِهَا عَشْرَ صَلَوَاتٍ، وَكُتِبَ لَهُ بِهَا عَشْرَ حَسَنَاتٍ، وَحُكِيَ عَنْهُ بِهَا عَشْرَ سَيِّئَاتٍ. (رواه أبو نعيم)

1069. Умматимдан бирор банда менга чин кўнгилдан бир салавот айтса, Аллоҳ таоло унга ўнта салавот айтади, ўнта яхшилик ёзади ва ундан яна ўнта ёмонликни ўчира-ди. Абу Нуайм ривояти.

* مَا مِنْ عَبْدٍ يُرِيدُ أَنْ يَرْتَفَعَ فِي الدُّنْيَا دَرَجَةً فَارْتَفَعَ إِلَّا وَضَعَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِي الْآخِرَةِ دَرَجَةً أَكْبَرَ مِنْهَا وَأَطْوَلَ. (رواه الطبراني)

1070. Бирор банда дунёда бир даража кўтарилишни хоҳлаб, ҳақиқатда кўтарилса, Аллоҳ таоло ундан кўра ул-канроқ ва юксакроқ даражада уни охиратда пастлатиб қўяди. Табароний ривояти.

* مَا مِنْ عَبْدٍ يُصَلِّيَ عَلَيَّ إِلَّا صَلَّتْ عَلَيْهِ الْمَلَائِكَةُ مَا دَامَ يُصَلِّيَ عَلَيَّ فَلْيَقُلْ الْعَبْدُ مِنْ ذَلِكَ أَوْ لِكَثْرَتِهِ. (رواه أحمد عن عامر بن ربيعة)

1071. Бирор банда менга салавот айтса, фаришталар унга ҳам салавот айтишади. Шундай экан, хоҳласа уни озайтирсин, хоҳласа кўпайтирсин. Омир ибн Рабиа (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* مَا مِنْ عَبْدٍ مُسْلِمٍ يَدْعُو لِأَخِيهِ يَظْهَرُ الْغَيْبُ إِلَّا قَالَ الْمَلَكُ: (وَلَكَ بِمَثَلِ ذَلِكَ). (رواه مسلم وأبو داود)

1072. Бирор мусулмон банда биродари ҳақиқа ғойибдан дуо қилса, фаришта унга: «Сенга ҳам у биродаринг учун қилган дуойинг каби (дуо) бўлсин», дейди. Муслим ва Абу Довуд ривояти.

* مَا مِنْ قَاضٍ مِنْ قَضَاءِ الْمُسْلِمِينَ إِلَّا وَمَعَهُ مَلَكٌ يُسَدِّدُهُ إِلَى الْحَقِّ مَا لَمْ يُرِدْ غَيْرَهُ فَإِذَا أَرَادَ غَيْرَهُ مُتَعَمِّدًا تَبَرَّأَ مِنْهُ الْمَلَكُ وَوَكَلَاهُ إِلَى نَفْسِهِ. (رواه الطبراني عن عمران)

1073. Мусулмон қозилардан бирор қози йўқки, у билан бирга икки фаришта бўлмаса, у ҳақдан бошқа йўлни хоҳламаса, уни ҳақ йўлга чорлаб туришади. Борди-ю, ҳақдан бошқа йўлни истаб, унга киришса, ҳалиги икки фаришта узоқлашиб, уни ўзига топшириб қўйишади. Имрон (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* مَا مِنْ يَوْمٍ يُصْبِحُ الْعِبَادُ فِيهِ إِلَّا مَلَكَانِ يَنْزِلَانِ فَيَقُولُ أَحَدُهُمَا: اللَّهُمَّ أَعْطِ مُنْفَقًا خَلْفًا، وَيَقُولُ الْآخَرُ: اللَّهُمَّ أَعْطِ مُمْسِكًا تَلْفًا. (رواه مسلم والبخاري عن أبي هريرة)

1074. Бандалар ҳар тонг оттирганида икки фаришта тушиб, бири: «Ё Аллоҳ, мол-дунёсини инфоқ қилув-

чи кишига унинг ўрнини босувчи нарсга ато эт», дейди. Иккинчиси: «Ё Аллоҳ, зикналарга талафот бер», дейди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Муслим ва Бухорий ривояти.

* مَثَلُ الْمُجَاهِدِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ - وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَنْ يُجَاهِدُ فِي سَبِيلِهِ - كَمَثَلِ الصَّائِمِ الْقَائِمِ، وَتَوَكَّلَ اللَّهُ لِلْمُجَاهِدِ فِي سَبِيلِهِ بِأَنْ تَوَفَّاهُ أَنْ يَدْخُلَهُ الْجَنَّةَ، أَوْ يُرْجِعَهُ سَالِمًا مَعَ أَجْرٍ أَوْ غَنِيمَةٍ. (رواه الشيخان)

1075. Аллоҳ йўлидаги мужоҳиднинг мисоли – Аллоҳ Ўзининг йўлидаги мужоҳидни билувчироқдир – кундузи рўзадор, кечаси қоим бўлган кишига ўхшайди. Ўзининг йўлидаги мужоҳидга Аллоҳ Ўзи кафилдир. Агар у мужоҳидни вафот эттирса, жаннатга киритади. Ёки тирик қолдирса, ажр ёхуд ўлжа билан соғ-саломат уйига қайтади. Бухорий ва Муслим ривояти.

* مَا مِنْ قَوْمٍ يَقُومُونَ مِنْ مَجْلِسٍ لَا يَذْكُرُونَ اللَّهَ تَعَالَى فِيهِ، إِلَّا قَامُوا عَنْ مَثَلٍ جَيِّفَةٍ حَمَارٍ وَكَانَ ذَلِكَ الْمَجْلِسُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه أبو داود عن أبي هريرة)

1076. Бирор қавм бир мажлисдан Аллоҳни зикр қилмай турадиган бўлишса, худди эшак ўлимтиги устидан турган каби туришади. У мажлислари қиёмат куни ўзларига ҳасрат-надомат бўлади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Довуд ривояти.

* مَا مِنْ قَوْمٍ يَذْكُرُونَ اللَّهَ إِلَّا حَفَّتْ بِهِمُ الْمَلَائِكَةُ، وَغَشِيَتْهُمُ الرَّحْمَةُ، وَنَزَلَتْ عَلَيْهِمُ السَّكِينَةُ، وَذَكَرَهُمُ اللَّهُ فِيمَنْ عِنْدَهُ. (رواه ابن ماجه عن أبي سعيد)

1077. Бирор қавм Аллоҳни зикр қилса, фаришталар уларни ўраб, раҳмат чулғаб олади. Уларга хотиржамлик тушиб, Аллоҳ уларни ҳузуридаги (муқарраб фаришталари) олдида эслайди. Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.

* مَا مِنْ مُؤْمِنٍ إِلَّا وَلَهُ بَابَانِ، بَابٌ يَصْعَدُ مِنْهُ عَمَلُهُ، وَبَابٌ يَنْزِلُ مِنْهُ رِزْقُهُ،
فَإِذَا مَاتَ بَكَيًا عَلَيْهِ. (رواه الترمذي عن أنس)

1078. Ҳар бир мўминнинг икки эшиги бўлади. Бир эшикдан амали кўтарилса, иккинчи эшигидан ризқи тушади. Агар вафот этса, ўша икки эшик у кимса учун йиғлайди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* مَا مِنْ مُؤْمِنٍ يُعْزِي أَخَاهُ بِمُصِيبَةٍ إِلَّا كَسَاهُ اللَّهُ مِنْ حُلَلِ الْكِرَامَةِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه ابن ماجه عن عمرو بن حزم)

1079. Бирор мўмин биродарининг мусибатига таъзия билдирса, Аллоҳ унга қиёмат куни каромат либосидан кийинтиради. Амр ибн Ҳазм (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.

* مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَنْظُرُ إِلَى امْرَأَةٍ أَوْ لَوْثَةٍ رَمَقَهُ، ثُمَّ يَغْضُ بَصَرَهُ إِلَّا أَحَدَّثَ اللَّهُ لَهُ عِبَادَةً يَجِدُ حَالَوَتَهَا فِي قَلْبِهِ. (رواه أحمد)

1080. Бирор мусулмоннинг аёл кишига аввалги боқишда кўзи тушса-да, сўнгра кўзини юмса, Аллоҳ унга шундай ибодатни насиб этадики, қалбида ўша ибодатнинг ҳаловатини топади. Аҳмад ривояти.

* مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَزْرَعُ زَرْعًا أَوْ يَغْرِسُ غَرْسًا فَيَأْكُلُ مِنْهُ طَيْرٌ أَوْ إِنْسَانٌ أَوْ جَبَلَةٌ إِلَّا كَانَ لَهُ بِهِ صَدَقَةٌ. (رواه الشيخان عن أنس)

1081. Бирор мусулмон экин экса ёки кўчат ўтқазса ва ўша эккан ёки ўтқазган нарсасидан қуш ёки инсон ёхуд ҳайвон еса, шу сабабли унга садақа бўлади. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُصِيبُهُ أَذَى شَوْكَةٍ فَمَا فَوْقَهَا إِلَّا حَطَّ اللَّهُ لَهُ بِهِ سَيِّئَاتِهِ، كَمَا تَحُطُّ الشَّجَرَةُ وَرَقَّهَا. (رواه الشيخان عن ابن مسعود)

1082. Бирор мусулмон кишига озор берувчи бир нарса етса, хоҳ у тикан ёки ундан юқорироғи бўлсин, ўша сабабли Аллоҳ унинг ёмонликларини худди дарахт баргини тўккани каби тўкиб юборади. *Ибн Масъуд* (розияллоҳу анҳу)дан. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَشِيبُ شَيْبَةً فِي الْإِسْلَامِ إِلَّا كَتَبَ اللَّهُ لَهُ بِهَا حَسَنَةً وَحَطَّ عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةٌ. (رواه أبو داود عن ابن عمر)

1083. Бирор мусулмон кишининг Исломда сочи оқарса, Аллоҳ таоло шу сабабли унга савоб ёзиб, ёмонлигини ўчиради. *Ибн Умар* (розияллоҳу анҳумо)дан. *Абу Довуд ривояти.*

* مَا مِنْ مَوْلُودٍ إِلَّا يُولَدُ عَلَى الْفِطْرَةِ، فَأَبَوَاهُ يُهَوِّدَانِهِ أَوْ يُنَصِّرَانِهِ أَوْ يَمَجِّسَانِهِ، كَمَا تَنْتَجِ الْبَهِيمَةُ بِهَيْمَةٍ جَمْعَاءَ، هَلْ تَحْسُونُ فِيهَا مِنْ جَدْعَاءَ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي هريرة)

1084. Ҳар бир туғиладиган чақалоқ (Ислом) фитратида дунёга келади. Ота-онаси уни яҳудий ёки насроний, ёхуд мажусий қилиб тарбиялайди. Бунинг мисоли ҳайвоннинг бус-бутун ҳайвон туққанига ўхшайди. Ундан бирор ери кесилган ҳолда туғилганини кўрганмисиз? *Абу Ҳурайра* (розияллоҳу анҳу)дан. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُصِيبُهُ أذى، مَرَضٌ فَمَا سِوَاهُ إِلَّا حَطَّ اللَّهُ بِهِ سَيِّئَاتِهِ كَمَا تَحَطُّ الشَّجَرَةُ وَرَقَّهَا. (رواه البخاري ومسلم عن عبد الله بن مسعود)

1085. Бирор мусулмон кишига азият ёки бирор касаллик, ёхуд ундан бошқа нимадир етса, Аллоҳ таоло ўша етган нарса сабабли худди дарахт баргларини тўккани каби унинг гуноҳларини ўчиради. *Абдуллоҳ ибн Масъуд* (розияллоҳу анҳу)дан. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* مَا مِنْ مُسْلِمٍ كَسَا مُسْلِمًا ثَوْبًا إِلَّا كَانَ فِي حِفْظِ اللَّهِ تَعَالَى مَا دَامَ عَلَيْهِ مِنْهُ خِرْقَةً. (رواه الترمذي عن ابن عباس)

1086. Бирор мусулмон бошқа мусулмонга кийим кийдирса, у ўша сабабли Аллоҳнинг ҳифзу ҳимоясида бўлади, модомики ўша кийимдан унинг устига бир парча қолса ҳам. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Термизий ривояти.*

* مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُصَابُ فِي جَسَدِهِ إِلَّا أَمَرَ اللَّهُ تَعَالَى الْحَفَظَةَ أَنْ أَكْتُبُوا لِعَبْدِي فِي كُلِّ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ مِنَ الْخَيْرِ مَا كَانَ يَعْمَلُ مَا دَامَ مُحْبُوسًا فِي وَثَاقِي. (رواه الحاكم عن ابن عمر)

1087. Бирор мусулмон киши жасадига мусибат етса, Аллоҳ таоло фаришталарига буюриб: «Бу бандамга, модомики Менинг арқонимда маҳбус экан, яъни йўлимда мустаҳкам экан, ҳар кеча ва кундузи олдин амал қилганидек яхшилик ёзинглар», деб айтади. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Ҳоким ривояти.*

* مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَمُوتُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ أَوْ لَيْلَةِ الْجُمُعَةِ إِلَّا وَقَاهُ اللَّهُ فِتْنَةَ الْقَبْرِ. (رواه أحمد عن ابن عمرو)

1088. Бирор мусулмон киши жума куни ёки жума кечаси вафот этса, Аллоҳ таоло уни қабр фитнасидан сақлайди. *Ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.*

* مَا مِنْ مُصَلٍّ إِلَّا وَمَلَكَ عَنْ يَمِينِهِ وَمَلَكَ عَنْ يَسَارِهِ، فَإِنْ أَتَمَّهَا عَرَجًا بِهَا، وَإِنْ لَمْ يَتِمَّهَا ضَرْبًا بِهَا وَجْهَهُ. (رواه الدارقطني عن عمر)

1089. Намозхон намоз ўқиётганида ўнг томони ва чап тарафида фаришта туради. Агар намозини (мукаммал) тугатса, уни кўтариб чиқиб кетишади. Борди-ю, (мукаммал) адо этмаса, уни (ўқиган намозини) юзига уришади. *Умар (розияллоҳу анҳу)дан. Дорақутний ривояти.*

* مَا مِنْ مُصِيبَةٍ تُصِيبُ الْمُسْلِمَ إِلَّا كَفَّرَ اللَّهُ بِهَا عَنْهُ حَتَّى الشُّوْكَةُ يُشَاكُهَا.
(رواه الشيخان عن عائشة)

1090. Мусулмон кишига бирор мусибат етса, Аллоҳ ўша мусибат сабабли гуноҳларини кечиради, ҳатто тикан кирса ҳам. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* مَا نَحَلَ وَالِدٌ وَلَدَهُ أَفْضَلَ مِنْ أَدَبٍ حَسَنِ. (رواه الحاكم)

1091. Ота боласига чиройли одобдан кўра афзалроқ нарсга бера олмайди. Ҳоким ривояти.

* مَثَلُ النَّبِيِّ الَّذِي يَذْكُرُ اللَّهَ فِيهِ، وَالْبَيْتِ الَّذِي لَا يَذْكُرُ اللَّهَ فِيهِ، مَثَلُ الْحَيِّ وَالْمَيِّتِ. (رواه الشيخان عن أبي موسى الأشعري)

1092. Аллоҳ зикр қилинадиган уй билан Аллоҳ зикр этилмайдиган уйнинг мисоли худди ўлик билан тирикнинг мисолига ўхшайди. Абу Мусо Ашъарий (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* مَثَلُ الْعَالَمِ الَّذِي يُعْلَمُ النَّاسُ الْخَيْرَ وَيَنْسَى نَفْسَهُ كَمَثَلِ السِّرَاجِ يُضِيءُ لِلنَّاسِ وَيَحْرِقُ نَفْسَهُ. (رواه الطبراني عن جندب)

1093. Одамларга яхшиликни ўргатиб, ўзини унутувчи, яъни ўзи бажармайдиган киши худди (шам) чирокқа ўхшайди. (У) одамларга ёруғлик бериб, ўзини қуйдириб, йўқ қилади. Жундуб (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* مَا يَكُونُ عِنْدِي مِنْ خَيْرٍ، فَلَنْ أَدَّخِرَهُ عَنْكُمْ، وَمَنْ يَسْتَعْفِفْ يُعِفُّهُ اللَّهُ، وَمَنْ يَسْتَغْنِ يُغْنِهِ اللَّهُ، وَمَنْ يَتَصَبَّرْ يُصْرِِّهِ، وَمَا أُعْطِيَ أَحَدٌ عَطَاءً خَيْرًا وَأَوْسَعَ مِنَ الصَّبْرِ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي سعيد الخدري)

1094. Менда бирор бериладиган яхшилик бўлса, уни сизлардан (ўзимда) сақлаб қўймайман. Ким иффатли бўл-

са, Аллоҳ уни иффатли қилади. Ким беҳожат бўлса, Аллоҳ уни беҳожат қилади. Ким сабр-тоқатли бўлишга интилса, унда сабр ҳисси уйғотилади. Кишига сабрдан кўра мўл-кўл ва яхшироқ нарса ато этилмайди. *Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* مَرَّ رَجُلٌ بِغُصْنِ شَجَرَةٍ عَلَى ظَهْرِ طَرِيقٍ فَقَالَ وَاللَّهِ لَا تَحِينَ هَذَا عَنِ الْمُسْلِمِينَ لَا يُؤْذِيهِمْ فَأَدْخَلَ الْجَنَّةَ. (رواه مسلم)

1095. Бир киши йўл устида кетаётиб, дарахт шохини кўрди-да: «Аллоҳга қасамки, мен бу шохни мусулмонларга зарар бермаслик учун олиб ташлайман», деди. Шу қилган иши сабабли у жаннатга киритилди. *Муслим ривояти.*

* مُعَلِّمُ الْخَيْرِ يَسْتَغْفِرُ لَهُ كُلُّ شَيْءٍ حَتَّى الْحَيْتَانِ فِي الْبَحَارِ. (عن جابر)

1096. Яхшилик ўргатувчи кишига барча нарса истиғфор айтади. Ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам. *Жобир (розиаллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.*

* مَثَلُ الْمُؤْمِنِ الَّذِي يَقْرَأُ الْقُرْآنَ كَمَثَلِ الْأَنْجَةِ رِيحًا طَيِّبًا وَطَعْمُهَا طَيِّبٌ، وَمَثَلُ الْمُؤْمِنِ الَّذِي لَا يَقْرَأُ الْقُرْآنَ كَمَثَلِ التَّمْرَةِ لَا رِيحَ لَهَا، وَطَعْمُهَا حُلْوٌ، وَمَثَلُ الْمُنَافِقِ الَّذِي يَقْرَأُ الْقُرْآنَ مَثَلُ الرَّيْحَانَةِ رِيحُهَا طَيِّبٌ وَطَعْمُهَا مُرٌّ، وَمَثَلُ الْمُنَافِقِ الَّذِي لَا يَقْرَأُ الْقُرْآنَ كَمَثَلِ الْخَنْظَلَةِ لَيْسَ لَهَا رِيحٌ وَطَعْمُهَا مُرٌّ. (رواه البخاري ومسلم عن أبي موسى)

1097. Қуръон ўқувчи киши ширин лимонга ўхшайди. Ҳиди ҳам, таъми ҳам яхши. Қуръон ўқимайдиган мўмин хурмога ўхшайди. Ҳиди йўғ-у, таъми ширин. Қуръон ўқийдиган мунофиқ райҳонга ўхшайди. Ҳиди яхши, таъми аччиқ. Қуръон ўқимайдиган мунофиқ заққум (ғоят аччиқ мева)га ўхшайди. Ҳиди ҳам йўқ, таъми ҳам аччиқ. *Абу Мусо (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* مَكَارِمُ الْأَخْلَاقِ عَشْرَةٌ، تَكُونُ فِي الرِّجَالِ، وَلَا تَكُونُ فِي ابْنِهِ، وَتَكُونُ فِي الْإِبْنِ، وَلَا تَكُونُ فِي الْأَبِ، وَتَكُونُ فِي الْعَبْدِ، وَلَا تَكُونُ فِي سَيِّدِهِ، يَقْسِمُهَا اللَّهُ لِمَنْ أَرَادَ بِهِ السَّعَادَةَ: صِدْقُ الْحَدِيثِ وَصِدْقُ النَّاسِ وَاعْطَاءُ السَّائِلِ، وَالْمُكَافَأَةُ بِالصَّنَائِعِ، وَحِفْظُ الْأَمَانَةِ، وَصِلَةُ الرَّحِمِ، وَالتَّذَمُّمُ لِلْجَارِ وَالتَّذَمُّمُ لِلصَّاحِبِ، وَإِقْرَاءُ الضَّيْفِ، وَرَأْسُهُنَّ (الْحَيَاءُ). (رواه الحاكم عن السيدة عائشة)

1098. Яхши хулқлар ўнтадир. У нарса кишида бўлиб, ўғлида бўлмаслиги, ўғилда бўлиб, отада бўлмаслиги эҳтимол. Қулда бўлиб, хожасида бўлмаслиги мумкин. Аллоҳ саодатни хоҳлаган кишиларда ўша хулқларни тақсим қилгандир:

1. Рост сўз.
2. Урушда сабот билан туриш.
3. Сўраб келган кишига нарса бериш.
4. Бир нарса ясаб берган кишини мукофотлаб қўйиш.
5. Омонатни сақлаш.
6. Қариндошлик ришталарини тиклаш.
7. Қўшничилик ҳурматини сақлаш.
8. Дўстлик ҳақи-ҳурматини сақлаш.
9. Меҳмондорчилик.
10. Буларнинг боши – ҳаё. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу ан-ҳо)дан. Ҳоким ривояти.

* مَكْتُوبٌ فِي الْإِنْجِيلِ (كَمَا تَدِينُ تَدَانُ، وَبِالْكَيْلِ الَّذِي تَكِيلُ تَكْتَالُ). (رواه الديلمي عن فضالة بن عبيد)

1099. Инжилда ушбу сўзлар битилгандир: қилмишингга яраша жазо оласан. Нимани ўлчаб берган бўлсанг, сенга ҳам ўшандай ўлчаб берилади. Фазола ибн Убайд (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* مَكْتُوبٌ فِي التَّوْرَةِ: (مَنْ بَلَغَتْ لَهُ ابْنَةُ اثْنَيْ عَشْرَةَ سَنَةً فَلَمْ يُزَوِّجْهَا فَاصْبَتْ إِثْمًا فَإِثْمُ ذَلِكَ عَلَيْهِ). (رواه البيهقي عن أنس)

1100. Тавротда ушбу сўзлар битилгандир: кимнинг ўн икки ёшли қизи бўлса-да, уни турмушга узатмаса ва у қиздан бирор гуноҳ содир бўлса, шу гуноҳ отасига ҳам боради. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* مَكْتُوبٌ فِي التَّوْرَةِ: (مَنْ سَرَّهُ أَنْ تَطُولَ حَيَاتُهُ، وَيَزْدَادَ فِي رِزْقِهِ، فَلْيَصِلْ رَحِمَهُ). (رواه الحاكم عن ابن عباس)

1101. Тавротда яна ушбу сўзлар битилгандир: кимни ҳаёти (умри) узун бўлиши ва ризқи мўл-кўл бўлиши хурсанд этса, қариндошлари билан борди-келди қилсин. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Ҳоким ривояти.

* مِنَ الْمَرْوَةِ أَنْ يُنْصِتَ الْأَخُ لِأَخِيهِ إِذَا حَدَّثَهُ، وَمِنْ حُسْنِ الْمَمَاشَةِ أَنْ يَقِفَ الْأَخُ لِأَخِيهِ إِذَا انْقَطَعَ شِسْعُ نَعْلِهِ. (عن أنس)

1102. Биродари гапириб турганида жим эшитиш мурувватдандир. Биродари пойабзалининг ипи узилиб кетганида юрмасдан тўхтаб туриш юриш одобидандир. Анас (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* مِنْ أَشْرَاطِ السَّاعَةِ أَنْ يَمُرَّ الرَّجُلُ فِي الْمَسْجِدِ وَلَا يُصَلِّي فِيهِ رَكَعَتَيْنِ، وَأَنْ لَا يُسَلِّمَ الرَّجُلُ إِلَّا عَلَى مَنْ يَعْرِفُ، وَأَنْ يُبْرَدَ الصَّبِيُّ الشَّيْخَ. (رواه الطبراني عن ابن مسعود)

1103. Киши масжид олдидан ўтиб, икки ракат намоз ўқимаслиги, фақат таниган кишиларигагина салом бериши ва ёш гўдак (ўзининг бирор иши билан) қарияни элчи қилиб юбориши қиёмат аломатларидандир. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* مَنْ آذَى أَهْلَ الْمَدِينَةِ آذَاهُ اللَّهُ وَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ، لَا يَقْبَلُ مِنْهُ صَرْفٌ وَلَا عَدْلٌ. (رواه الطبراني)

1104. Ким Мадина аҳлига озор берса, ўша озор берган кишига Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. У кишининг қилган нафл ва фарз ибодатлари қабул этилмайди. *Табароний ривояти.*

* مَنْ ابْتَغَى الْقَضَاءَ وَسَأَلَ فِيهِ شُفْعَاءَ، وَكَلَّ إِلَى نَفْسِهِ، وَمَنْ أَكْرَهَ عَلَيْهِ أَنْزَلَ اللَّهُ عَلَيْهِ مَلَكًا يُسَدِّدُهُ. (رواه الترمذي عن أنس)

1105. Ким қозиликни ўзи талаб қилиб, восита бўлинишини сўраса, ўзига топшириб қўйилади. Аммо ким мажбурлаб қўйилса, Аллоҳ уни тўғри йўлга солиб туриши учун бир фариштани туширади. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.*

* مَنْ ابْتُلِيَ فَصَبْرًا، وَأُعْطِيَ فَشُكْرًا، وَظَلَمَ فَغَفَرَ، وَظَلَمَ فَاسْتَغْفَرَ، أُولَئِكَ لَهُمُ الْأَمْنُ وَهُمْ مُهْتَدُونَ. (رواه البيهقي عن سخيرة)

1106. Ким балога йўлиққанида, сабр қилса, бирор нарса ато этилганида, шукр қилса, зулм ўтказилганида кечириб юборса ва ўзи зулм қилиб қўйиб, истиффор айтса, ана шу кишилар учун омонлик бўлиб, улар ҳидоят топганлардир. *Сахбара (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* مَنْ ابْتُلِيَ بِالْقَضَاءِ بَيْنَ الْمُسْلِمِينَ فَلْيَعْدِلْ بَيْنَهُمْ فِي حُظِّهِ، وَإِشَارَتِهِ، وَمَقْعَدِهِ وَمَجْلِسِهِ. (رواه الدارقطني)

1107. Ким мусулмонлар орасида қозилик масъулиятини бўйнига олса, уларга нисбатан мулоҳаза, ишора, ўтириш ва мажлисда адолатли бўлсин. *Дорақутний ривояти.*

* مَنْ أَتَى إِلَيْكُمْ مَعْرُوفًا فَكَافَتْهُ، فَإِنْ لَمْ تَجِدُوا فَادْعُوا لَهُ. (رواه الطبراني

عن الحكم بن عمير)

1108. Ким сизларга яхшилик қилса, уни мукофотлаб қўйинглар. Агар мукофотлайдиган нарса топа олмасангиз, ҳақиға дуо қилинглари. Ҳакам ибн Умайр (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* مَنْ اتَّبَعَ كِتَابَ اللَّهِ هَدَاهُ مِنَ الضَّلَالَةِ، وَوَقَّاهُ سُوءَ الْحِسَابِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ.

(رواه الطبراني عن ابن عباس)

1109. Ким Аллоҳнинг Китобига эргашса, Аллоҳ уни залолатдан ҳидоятга чиқариб, қиёмат куни ёмон ҳисобдан сақлайди. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* مَنْ اتَّقَى اللَّهَ عَاشَ قَوِيًّا، وَسَارَ فِي بِلَادِهِ آمِنًا. (رواه أبو نعيم عن عليّ)

1110. Ким Аллоҳга тақво қилса, кучли ҳолда ва ўз шаҳрида эмин яшайди. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.

* مَنْ أَجْرَى اللَّهُ عَلَى يَدَيْهِ فَرَجًا لِمُسْلِمٍ فَرَجَّ اللَّهُ عَنْهُ كُرْبَ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ.

(رواه الخطيب عن الحسن بن عليّ)

1111. Аллоҳ кимнинг қўлидан бир мусулмондан тангликни кетказишни амалга оширса, Аллоҳ у кишидан дунё ва охират танглигини кетказди. Ҳасан ибн Али (розияллоҳу анҳумо)дан. Хатиб ривояти.

* مَنْ اجْتَنَبَ أَرْبَعًا دَخَلَ الْجَنَّةَ: الدِّمَاءَ، وَالْأَمْوَالَ، وَالْفُرُوجَ، وَالْأَشْرَبَةَ.

(رواه البزار)

1112. Ким тўрт нарсадан сақланса, жаннатга киради:

1. Қон тўкиш.

2. Ўзганинг молини тортиб олиш.

3. Номусга тажовуз қилиш.

4. Маст қиладиган ичимлик истеъмол қилишдан. Базор ривояти.

* مَنْ أَحَبَّ لِلَّهِ، وَأَبْغَضَ لِلَّهِ، وَأَعْطَى لِلَّهِ، وَمَنَعَ لِلَّهِ، فَقَدْ اسْتَكْمَلَ الْإِيمَانَ.
(رواه أبو داود عن أبي أمامة)

1113. Ким Аллоҳ учун яхши кўрса, Аллоҳ учун ёмон кўрса, Аллоҳ учун берса ва Аллоҳ учун ман этса, демак, у кишининг имони мукаммал бўлибди. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Довуд ривояти.

* مَنْ أَحَبَّ أَنْ يُبْسَطَ لَهُ فِي رِزْقِهِ، أَوْ يُنْسَأَ لَهُ فِي أَثَرِهِ، فَلْيَصِلْ رَحْمَهُ.
(رواه البخاري)

1114. Ким ризқи кенг бўлишини, донғи унутилмастлигини яхши кўрса, қариндошлари билан борди-келди қилсин. Бухорий ривояти.

* مَنْ أَحَبَّ دُنْيَاهُ أَضَرَّ بِأَخْرَجَتِهِ، وَمَنْ أَحَبَّ آخِرَتَهُ أَضَرَّ بِدُنْيَاهُ، فَأَثَرُوا مَا يَبْقَى عَلَى مَا يَفْنَى. (رواه الحاكم عن أبي موسى)

1115. Ким дунёсини яхши кўрса, охиратига зарар берибди. Ким охиратини яхши кўрса, дунёсига зарар берибди. Демак, сизлар фоний бўлувчи дунёдан кўра боқий қолувчи охиратни афзал билинглар. Абу Мусо (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* مَنْ أَحَبَّ أَنْ يَتَمَثَّلَ لَهُ الرِّجَالُ قِيَامًا فَلْيَتَبَوَّأْ مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ. (رواه أحمد عن معاوية)

1116. Ким кишиларнинг (ҳурмат юзасидан бўлмастлиги, балки таъзим учун) тик туриб қарши олишларини яхши кўрса, жойини дўзахдан танлайверсин. Муовия (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* مَنْ عَمَرَ أَرْضًا لَيْسَتْ لِأَحَدٍ فَهُوَ أَحَقُّ بِهَا. (رواه البخاري)

1117. Ким эгаси йўқ ерни обод қилса, обод қилувчи киши ўша ерга ҳақлироқдир. *Бухорий ривояти.*

* مَنْ أَحَبَّ أَنْ يَصَلَ أَبَاهُ فِي قَبْرِهِ فَلْيَصِلْ إِخْوَانَ أَبِيهِ مِنْ بَعْدِهِ. (رواه أبو

يعلى عن ابن عمر)

1118. Ким қабридаги отаси билан алоқани тиклашни хоҳласа, отасидан кейин унинг дўстлари билан алоқани тикласин. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Абу Яъло ривояти.*

* مَنْ أَحَبَّ أَنْ تَسْرَهُ صَحِيفَتُهُ، فَلْيُكْتَرْ فِيهَا مِنَ الْإِسْتِغْفَارِ. (رواه البيهقي

عن الزبير)

1119. Ким (охираатдаги амаллари ёзилган) саҳифаси хурсанд этишини хуш кўрса, истиғфorni кўпайтирсин. *Зубайр (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

مَنْ اخْتَكَّرَ عَلَى الْمُسْلِمِينَ طَعَامًا ضَرَبَهُ اللَّهُ بِالْجُدَامِ وَالْإِفْلَاسِ. (رواه أحمد)

1120. Ким мусулмонлар таомини эҳтикор (монополия) қилиб олса, Аллоҳ у кишига майиблик ва қашшоқликни битади. *Аҳмад ривояти.*

* مَنْ أَحْسَنَ إِلَى يَتِيمٍ، أَوْ يَتِيمَةٍ، كُنْتُ أَنَا وَهُوَ فِي الْجَنَّةِ كَهَاتَيْنِ. (رواه

الحكيم عن أنس)

1121. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким етим бола ёки етим қизга яхшилик қилса, мен ва у жаннатда мана бундай бўлади», деб икки бармоқларини ёнма-ён қилдилар. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳаким ривояти.*

* مَنْ أَحْسَنَ فِيمَا بَيْنَهُ وَبَيْنَ اللَّهِ كَفَاهُ اللَّهُ مَا بَيْنَهُ وَبَيْنَ النَّاسِ وَمَنْ أَصْلَحَ

سِرِيرَتُهُ أَصْلَحَ اللَّهُ عِلَاتِيَّتَهُ. (رواه الحاكم عن ابن عمر)

1122. Ким ўзи билан Аллоҳ орасини ислоҳ этса, Аллоҳ у билан одамлар ўртасини ислоҳ қилади. Ким ички ҳис-туйғуларини ислоҳ этса, Аллоҳ унинг устки қисмини ислоҳ қилади. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Ҳоким ривояти.*

* مَنْ أَحْيَا سُنَّتِي فَقَدْ أَحْبَبَنِي وَمَنْ أَحْبَبَنِي كَانَ مَعِيَ فِي الْجَنَّةِ. (رواه السجزي عن أنس)

1123. Ким суннатимни тирилтирса, ҳақиқатда мени яхши кўрибди. Ким мени яхши кўрса, жаннатда мен билан бирга бўлади. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Сижзий ривояти.*

* مَنْ أَخَذَ أَمْوَالَ النَّاسِ يُرِيدُ أَدَاءَهَا، أَدَّى اللَّهُ عَنْهُ، وَمَنْ أَخَذَهَا يُرِيدُ إِتْلَافَهَا أَتْلَفَهُ اللَّهُ. (رواه البخاري عن أبي هريرة)

1124. Ким одамлар молини олиб, уни қайтаришни хоҳласа, Аллоҳ у нарсани қайтариш имкониятини туғдиради. Ким одамлар молини олиб, унга талафот етказишни хоҳласа, Аллоҳ унинг ўзига талафот беради. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти.*

مَنْ أَخْرَجَ أَدَى مِنَ الْمَسْجِدِ بَنَى اللَّهُ لَهُ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ. (رواه ابن ماجه عن أبي سعيد)

1125. Ким масжиддан озор берувчи нарсани чиқариб ташласа, Аллоҳ у учун жаннатда уй бино қилади. *Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.*

* مَنْ أَذْلَ عِنْدَهُ مُؤْمِنٌ فَلَمْ يَنْصُرْهُ، وَهُوَ قَادِرٌ عَلَى أَنْ يَنْصُرَهُ أَذَلَّهُ اللَّهُ عَلَى رُءُوسِ الْأَشْهَادِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه أحمد عن سهل بن حنيف)

1126. Кимнинг ҳузурида бирор мусулмон хўрланса-ю, унга ёрдам беришга қодир бўлатуриб, ёрдам бермаса, Аллоҳ уни қиёмат куни гувоҳлар олдида хўрлайди. *Саҳл ибн Ҳунайф (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.*

* مَنْ أَذَّنَ سَبْعَ سِنِينَ مُحْتَسِبًا كَتَبَ اللَّهُ لَهُ بَرَاءَةً مِنَ النَّارِ. (رواه الترمذي

عن ابن عباس)

1127. Ким савоб умидида етти йил азон айтса, Аллоҳ унга дўзахдан омонлик ёзади. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Термизий ривояти.

* مَنْ أَذَنَ وَهُوَ يَضْحَكُ دَخَلَ النَّارَ وَهُوَ يَبْكِي. (رواه أبو نعيم)

1128. Ким кулиб туриб гуноҳ иш қилса, йиғлаган ҳолда дўзахга тушади. Абу Нуайм ривояти.

* مَنْ أَرَادَ أَنْ يَعْلَمَ مَا لَهُ عِنْدَ اللَّهِ، فَلْيَنْظُرْ مَا لِلَّهِ عِنْدَهُ. (عن أنس)

1129. Ким ўзи учун Аллоҳ ҳузурида нима борлигини билмоқни хоҳласа, ўз ҳузурида Аллоҳ учун нимаси борлигига қарасин. Анас (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* مَنْ أَرَادَ أَمْرًا فَشَاوَرَ فِيهِ امْرَأًا مُسْلِمًا، وَفَقَّهَهُ اللَّهُ لَأَرْشِدِ أُمُورِهِ. (رواه

الطبراني عن ابن عباس)

1130. Ким бир иш қилишни хоҳлаб, мусулмон киши билан маслаҳатлашса, Аллоҳ уни амалларнинг энг тўғри-сига муваффақ қилиб қўяди. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* مَنْ أَرْضَى وَالِدَيْهِ، فَقَدْ أَرْضَى اللَّهَ، وَمَنْ أَسْخَطَ وَالِدَيْهِ فَقَدْ أَسْخَطَ اللَّهَ.

(رواه البخاري عن أنس)

1131. Ким ота-онасини рози қилса, батаҳқиқ, Аллоҳни рози қилибди. Ким ота-онасини ғазаблантирса, ҳақиқатан, Аллоҳни ғазаблантирибди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти.

* مَنْ أَزْدَادَ عِلْمًا، وَلَمْ يَزِدْ فِي الدُّنْيَا زُهْدًا لَمْ يَزِدْ مِنَ اللَّهِ إِلَّا بُعْدًا. (رواه

الديلمي عن علي)

1132. Кимнинг илми кўпайиб дунёга зоҳидлиги ортмаса, демак, Аллоҳдан фақатгина узоқлашиши зиёда бўлибди. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* مَنْ أَسْبَغَ الْوُضُوءَ فِي الْبَرْدِ الشَّدِيدِ، كَانَ لَهُ مِنَ الْأَجْرِ كِفْلَانِ. (роҳ) (الطبراني عن علي)

1133. Ким қаттиқ совуқда таҳоратни мукаммал адо этса, демак, у учун икки ҳисса ажр бордир. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* مَنْ اسْتَجَدَّ قَمِيصًا فَلَبَسَهُ، فَقَالَ حِينَ بَلَغَ تَرْفُوتَهُ: (الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي كَسَانِي مَا أُوَارِي بِهِ عَوْرَتِي، وَأَتَجَمَّلُ بِهِ فِي حَيَاتِي) ثُمَّ عَمَدَ إِلَى الثُّوبِ الَّذِي أَخْلَقَ فَتَصَدَّقَ بِهِ كَانَ فِي ذِمَّةِ اللَّهِ وَفِي جِوَارِ اللَّهِ وَفِي كَنْفِ اللَّهِ حَيًّا وَمَيِّتًا. (роҳ Аҳмад)

1134. Ким янги кийим қўлга киритиб, уни кийса ва елкасига ташлаётиб: «Алҳамду лиллаҳиллазий касаний ма уварий биҳи ғавротий ва атажаммалу биҳи фий ҳаятий» (Авратимни тўсиб, мени кийинтирган ва ҳаётимни гўзал қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин), деб, кейин эскирган кийимини садақа қилишини қасд этса, хоҳ тирик, хоҳ ўлик бўлсин, Аллоҳнинг зиммасида, Аллоҳнинг ҳимоясида, Аллоҳнинг кафиллигида бўлади. Аҳмад ривояти.

* مَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يَسْتُرَ أَخَاهُ الْمُؤْمِنَ بِطَرَفِ ثَوْبِهِ فَلْيَفْعَلْ. (роҳ) (الدلمي عن جابر)

1135. Ким мўмин биродарини кийимининг бир тарафи билан сатр қилиб, тўсишга қодир бўлса, шундай қилсин. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Дайлабий ривояти.

* مَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يَقِيَ دِينَهُ وَعَرْضَهُ بِمَا لَهُ فَلْيَفْعَلْ. (роҳ المحاكم)

1136. Ким дини ва обрӯсини моли билан ҳимоя қилиб сақлашга қодир бўлса, шундай қилсин. *Ҳоким ривояти.*

* *مَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يَنْفَعَ أَخَاهُ فَلْيَنْفَعْهُ.* (رواه مسلم)

1137. Ким биродарига манфаат беришга қодир бўлса, амалга оширсин. *Муслим ривояти.*

* *مَنْ اسْتَغْفَرَ اللَّهَ فِي كُلِّ يَوْمٍ سَبْعِينَ مَرَّةً لَمْ يُكْتَبْ مِنَ الْكَاذِبِينَ، وَمَنْ اسْتَغْفَرَ اللَّهَ فِي كُلِّ لَيْلَةٍ سَبْعِينَ مَرَّةً، لَمْ يُكْتَبْ مِنَ الْغَافِلِينَ.* (رواه ابن السني عن السيدة عائشة)

1138. Ким ҳар куни етмиш марта Аллоҳга истиғфор айтса, каззоб (ёлғончи)лардан деб ёзилмайди. Ким ҳар кеча етмиш марта Аллоҳга истиғфор айтса, ғофиллардан деб ёзилмайди. *Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Ибн Сунний ривояти.*

* *مَنْ اسْتَغْفَرَ لِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ، كَتَبَ اللَّهُ لَهُ بِكُلِّ مُؤْمِنٍ وَمُؤْمِنَةٍ حَسَنَةً.* (رواه الطبراني عن عبادة)

1139. Ким мўмин ва мўминалар учун истиғфор айтса, Аллоҳ ҳар бир мўмин ва мўмина сабабли у киши учун яхшилик ёзади. *Убода (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* *مَنْ اسْتَفْتَحَ أَوَّلَ نَهَارِهِ بِخَيْرٍ، وَخَتَمَهُ بِخَيْرٍ، قَالَ اللَّهُ لِمَلَائِكَتِهِ (لَا تَكْتُبُوا عَلَيْهِ مَا بَيْنَ يَدَيْهِ ذَلِكَ مِنَ الذُّنُوبِ).* (رواه الطبراني)

1140. Ким кунининг аввалини яхшилик билан бошлаб, хотимасини яхшилик ила якунласа, Аллоҳ таоло фаришталарига улар ўртасидаги гуноҳларни ёзманғлар, деб айтади. *Табароний ривояти.*

* *مَنْ اسْتَمَعَ إِلَى آيَةٍ مِنْ كِتَابِ اللَّهِ كَتَبَ اللَّهُ لَهُ حَسَنَةً مُضَاعَفَةً، وَمَنْ*

تَلَا آيَةً مِنْ كِتَابِ اللَّهِ، كَانَتْ لَهُ نُورًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه أحمد عن أبي هريرة)

1141. Ким Аллоҳнинг Китобидан бир оятга қулоқ тутса, Аллоҳ унга бир неча баробар яхшилик ёзади. Ким Аллоҳнинг Китобидан бир оят ўқиса, қиёмат куни у учун нур бўлади. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.*

* مَنْ اسْتَعَاذَكُمْ بِاللَّهِ فَأَعِيدُوهُ، وَمَنْ سَأَلَكُمْ بِاللَّهِ فَأَعْطُوهُ، وَمَنْ دَعَاكُمْ فَأَجِيبُوهُ، وَمَنْ صَنَعَ بِكُمْ مَعْرُوفًا فَكَافَتْهُ، فَإِنْ لَمْ تَجِدُوا مَا تُكَافِئُونَهُ فَادْعُوا لَهُ حَتَّى تَرَوْا أَنَّكُمْ كَافَأْتُمُوهُ. (رَوَاهُ أَحْمَدُ)

1142. Ким сизлардан Аллоҳ номи билан паноҳ сўраса, паноҳ беринглар. Ким Аллоҳ номи билан (нимадир) сўраса, беринглар. Ким сизларни чақирса, ижобат қилиб, боринглар. Ким сизларга яхшилик қилса, уни мукофотлаб қўйинглар. Агар мукофотлайдиган нарса топа олмасангиз, ҳақиқа дуо қилиб қўйинглар. Токи у киши мукофотлаганингизни кўрсин. *Аҳмад ривояти.*

* مَنْ اشْتَاقَ إِلَى الْجَنَّةِ سَارَعَ إِلَى الْخَيْرَاتِ، وَمَنْ أَشْفَقَ مِنَ النَّارِ لَهَا عَنِ الشَّهَوَاتِ، وَمَنْ تَرَقَّبَ الْمَوْتَ هَانَتْ عَلَيْهِ اللَّذَاتُ، وَمَنْ زَهَدَ فِي الدُّنْيَا هَانَتْ عَلَيْهِ الْمَصِيبَاتُ. (رواه البيهقي عن علي)

1143. Ким жаннатга муштоқ бўлса, яхшиликларга ошиқади. Ким дўзахдан қўрқса, шахватларга эътиборсиз бўлади. Ким ўлимни кутаётган эрса, лаззатлар у киши учун хор бўлади. Ким дунёда зоҳид эрса, мусибатлар у учун енгил бўлиб қолади. *Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* مَنْ أَصْبَحَ مُطِيعًا لِلَّهِ فِي وَالِدَيْهِ، أَصْبَحَ لَهُ بَابَانِ مَفْتُوحَانِ مِنَ الْجَنَّةِ، وَإِنْ كَانَ وَاحِدًا فَوَاحِد. (رواه ابن عساكر عن ابن عباس)

1144. Ким Аллоҳ йўлида ота-онасига итоатли бўлса, жаннатдан у киши учун икки эшик очилади. Агар уларнинг бирига итоатли бўлса, жаннатнинг бир эшиги очилади. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Асокир ривояти.*

* مَنْ أَصِيبَ بِمُصِيبَةٍ فِي مَالِهِ أَوْ جَسَدِهِ، وَكَتَمَهَا وَلَمْ يَشْكُهَا إِلَى النَّاسِ، كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ أَنْ يَغْفِرَ لَهُ. (رواه الطبراني عن ابن عباس)

1145. Ким моли ёки жасадида бирор мусибат балосига дучор бўлса ва уни яшириб, одамларга шикоят қилмаса, Аллоҳ унинг гуноҳларини кечиришга ҳақлироқдир. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.*

* مَنْ أَطْعَمَ مُسْلِمًا جَائِعًا أَطْعَمَهُ اللَّهُ مِنْ ثَمَارِ الْجَنَّةِ. (رواه أبو نعيم)

1146. Ким оч мусулмонни овқатлантирса, Аллоҳ уни жаннат мевалари билан озиқлантиради. *Абу Нуайм ривояти.*

* مَنْ أَطْعَمَ مَرِيضًا شَهْوَتَهُ أَطْعَمَهُ اللَّهُ مِنْ ثَمَارِ الْجَنَّةِ. (رواه الطبراني)

1147. Ким касални (кўнгли) тусаган таоми билан овқатлантирса, Аллоҳ уни жаннат мевалари билан озиқлантиради. *Табароний ривояти.*

* مَنْ عَيَّرَ أَخَاهُ بِذَنْبٍ لَمْ يَمُتْ حَتَّى يَعْمَلَهُ. (رواه الترمذي)

1148. Ким биродарини айбласа, то ўзи ҳам ўша айблаган ишини қилмагунича вафот этмайди. *Термизий ривояти.*

* مَنْ أَعَانَ ظَالِمًا لِيُدْحِضَ بَيَاطِلَهُ حَقًّا فَقَدْ بَرِئَتْ مِنْهُ ذِمَّةُ اللَّهِ وَذِمَّةُ رَسُولِهِ. (رواه الحاكم عن ابن عباس)

1149. Ким золимга ботил ишини ҳақ қилишда ёрдам берса, батаҳқиқ, ундан Аллоҳ ва Расулининг кафиллиги кўтарилибди. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Ҳоким ривояти.*

* مَنْ أَغَاتَ مَلْهُوْفًا كَتَبَ اللَّهُ لَهُ ثَلَاثًا وَسَبْعِينَ مَغْفِرَةً، وَاحِدَةً فِيهَا صَلَاحُ أَمْرِهِ كُلِّهِ، وَثِنْتَانِ وَسَبْعُونَ لَهُ دَرَجَاتٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه البخاري عن أنس)

1150. Ким ғам-ғуссали кишига ёрдам берса, Аллоҳ унга етмиш учта мағфират ёзади. Биттаси (бу дунёдаги) барча ишлари ислоҳи учун, қолган етмиш иккитаси қиёмат кунида у учун даражалар бўлиши. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти.

* مَنْ اغْتَيْبَ عِنْدَهُ أَخُوهُ الْمُسْلِمُ فَلَمْ يَنْصُرْهُ وَهُوَ يَسْتَطِيعُ نَصْرَهُ أَذَلَّهُ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ. (رواه ابن أبي الدنيا عن أنس)

1151. Кимнинг ҳузурида мусулмон биродари ғийбат қилинса ва у ёрдам беришга қодир бўлатуриб, ёрдам бермаса, Аллоҳ уни дунё ва охиратда ҳўрлаб қўяди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Абу Дунё ривояти.

* مَنْ اغْتَسَلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ كَانَ فِي طَهَارَةٍ إِلَى الْجُمُعَةِ الْآخِرَى. (رواه الحاكم)

1152. Ким жума куни ғусл қилса, нариги жумагача пок бўлади. Ҳоким ривояти.

* مَنْ أَفْتَى بَغَيْرِ عِلْمٍ لَعَنَتْهُ مَلَائِكَةُ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ. (رواه ابن عساكر)

1153. Ким илмсиз фатво берса, еру осмон фаришта-лари уни лаънатлашади. Ибн Асокир ривояти.

* مَنْ اقْتَطَعَ أَرْضًا ظَالِمًا لَقِيَ اللَّهَ وَهُوَ عَلَيْهِ غَضَبَانٌ. (رواه ابن ماجه عن ابن عمر)

1154. Ким зулм билан ерни ажратиб олса, Аллоҳга (Унинг) ғазабини келтирган ҳолда йўлиқади. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Можа ривояти.

* مَنْ أَكْثَرَ مِنَ الْإِسْتِغْفَارِ جَعَلَ اللَّهُ لَهُ مِنْ كُلِّ هِمٍّ فَرَجًا وَمِنْ كُلِّ ضِيقٍ مَخْرَجًا، وَرَزَقَهُ مِنْ حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ. (رواه أحمد)

1155. Ким истиғфор айтишни кўпайтирса, Аллоҳ у учун барча ғамдан енгиллик, қийинчиликдан чиқувчи йўл, ўйламаган томонидан ризқ бериб қўяди. *Аҳмад ривояти.*

* مَنْ أَكَلَ فَشْبَعٌ، وَشَرِبَ فَرْوَى، فَقَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنِي وَأَشْبَعَنِي وَسَقَانِي، وَأَرْوَانِي، خَرَجَ مِنْ ذُنُوبِهِ كَيَوْمٍ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ. (رواه ابن السني عن أبي موسى الأشعري)

1156. Ким еб тўйиб ва ичимлик ичиб, чанқоғини босгандан кейин: «Алҳамду лиллаҳиллазий атъаманий ва ашбаъаний ва сақоний ва арваний» (Бизни таомлантириб тўйдирган, ичимлик бериб ташналикни кетказган Аллоҳга ҳамд бўлсин), деб айтса, онаси туққан кундаги каби гуноҳлардан (пок) бўлади. *Абу Мусо Ашъарий (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Сунний ривояти.*

* مَنْ أَمَاطَ أَدَى عَنْ طَرِيقِ الْمُسْلِمِينَ كُتِبَتْ لَهُ حَسَنَةٌ، وَمَنْ تَقَبَّلَتْ مِنْهُ حَسَنَةٌ دَخَلَ الْجَنَّةَ. (رواه البخاري عن معقل بن يسار)

1157. Ким мусулмонлар йўлидан озор берувчи нарсани олиб ташласа, унга яхшлик қилди, деб ёзилади. Кимнинг яхшилиги қабул бўлса, жаннатга киради. *Маъқал ибн Ясор (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ривояти.*

* مَنْ أَمَسَى كَالًا مِنْ عَمَلٍ يَدِيهِ أَمَسَى مَغْفُورًا لَهُ. (عن ابن عباس)

1158. Ким қўл меҳнати ва касб-ҳунари сабабли ҳориб-чарчаб (кунни) кечлатса, гуноҳлари мағфират (қилинган) ҳолда кеч киргизибди. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.*

* مَنْ أَمَسَكَ بِرَكَابِ أَخِيهِ الْمُسْلِمِ لَا يَرْجُوهُ، وَلَا يَخَافُهُ غُفِرَ لَهُ. (رواه الطبراني عن ابن عباس)

1159. Ким мусулмон биродари уловининг узангисидан ушласа, бу билан ундан бирор нарса умид этмаса ёки

ундан қўркмаса, гуноҳлари кечирилади. Ибн Аббос (рози-
яллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* مَنْ أَنْظَرَ مُعْسِرًا أَوْ وَضَعَ عَنْهُ، أَظْلَهُ اللَّهُ فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ.
(رواه أحمد عن أبي اليسر)

1160. Ким қийналган кишига қарзини тўлашга муҳ-
лат берса ёки кечиб юборса, Аллоҳ уни соя йўқ кунда Ўз
соясида соялантиради. Абу Юср (розиаллоҳу анҳу)дан. Аҳмад
ривояти.

* مَنْ أَنْعَمَ عَلَيْهِ نِعْمَةٌ فَلْيَحْمَدِ اللَّهَ، وَمَنْ اسْتَبْطَأَ الرِّزْقَ فَلْيَتَغَفَّرِ اللَّهَ، وَمَنْ
أَحْزَنَهُ أَمْرٌ فَلْيَقُلْ: (لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ). (عن علي)

1161. Ким бирор неъмат билан неъматлантирил-
са, Аллоҳга ҳамд айтсин. Кимнинг ризқи кечиктирилса,
Аллоҳга истиғфор айтсин. Кимни бирор иш хафа қилса,
«Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ», десин. Ҳазрат Али
(розиаллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* مَنْ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِ نِعْمَةً فَأَرَادَ بَقَاءَهَا، فَلْيَكْثِرْ مِنْ: (لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا
بِاللَّهِ). (رواه الطبراني عن عتبة بن عامر)

1162. Қайси бир кишига Аллоҳ неъмат ато этса ва у
ўша неъматнинг қолишини хоҳласа, «Ла ҳавла ва ла қув-
вата илла биллаҳ» калимасини айтишни қўпайтирсин.
Уқба ибн Омир (розиаллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* مَنْ بَاتَ كَلَالًا مِنْ طَلَبِ الْحَلَالِ بَاتَ مَغْفُورًا لَهُ. (رواه ابن عساكر)

1163. Ким ҳалол ризқ талабида ҳориб-чарчаб кеч кир-
гизса, гуноҳлари кечирилган ҳолда кеч киргизибди. Ибн
Асокир ривояти.

* مَنْ بَدَأَ بِالْكَلامِ قَبْلَ السَّلَامِ فَلَا تُجِيبُوهُ. (رواه أبو نعيم)

1164. Ким саломдан олдин гапиришни бошласа, унга
жавоб берманг. Абу Нуайм ривояти.

* مَنْ بَرَّ وَالِدَيْهِ طُوبَى لَهُ وَزَادَ اللَّهُ فِي عُمْرِهِ. (رواه البخاري)

1165. Ким ота-онасига яхшилик қилса, қандай ҳам яхши – Аллоҳ унинг умрини зиёда қилади. *Бухорий ривояти.*

* مَنْ بَنَى لِلَّهِ مَسْجِدًا، بَنَى اللَّهُ لَهُ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ. (رواه ابن ماجه)

1166. Ким Аллоҳ (розилиги) учун масжид қурса, Аллоҳ ҳам у киши учун жаннатда уй барпо этади. *Ибн Можа ривояти.*

* مَنْ بَنَى بِنَاءً أَكْثَرَ مِمَّا يَحْتَاجُ إِلَيْهِ، كَانَ عَلَيْهِ وَبَالًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه

البیهقي عن أنس)

1167. Ким эҳтиёжидан ортиқ бино қурса, қиёмат куни ўзига бало бўлади. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* مَنْ أَخَذَ كَلْبًا إِلَّا كَلْبَ مَاشِيَةٍ، أَوْ صَيْدٍ، أَوْ زَرْعٍ، انْتَقَصَ مِنْ أَجْرِهِ كُلِّ يَوْمٍ قِيرَاطٌ. (متفق عليه)

1168. Ким чорва ёки ов, ёхуд экинзор учун махсус ит-дан бошқасини боқса, ҳар куни савобидан бир қийрот камайтиради. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* مَنْ بَنَى فَوْقَ عَشْرَةِ أَذْرُعَ نَادَاهُ مُنَادٍ مِنَ السَّمَاءِ: يَا عَدُوَّ اللَّهِ إِلَى أَيْنَ

تُرِيدُ. (رواه الطبراني عن أنس)

1169. Ким ўн газ ўлчовидан баландлатиб бино қурса, осмондан бир жарчи нидо этиб: «Эй Аллоҳнинг душмани, қаерга боришни хоҳлаяпсан?» дейди. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* مَنْ بَاعَ جِلْدَ أَضْحِيَّتِهِ فَلَا أَضْحِيَّةَ لَهُ. (رواه البیهقي)

1170. Ким сўйган қурбонлигининг терисини сотса, унинг қурбонлиги қабул бўлмабди. *Байҳақий ривояти.*

* مَنْ بَاعَ دَارًا وَلَمْ يَجْعَلْ ثَمَنَهَا فِي مِثْلِهَا لَمْ يُبَارَكْ لَهُ فِيهِ. (роав ابن ماجه)

1171. Ким ҳовлисини сотса ва ўша сотган миқдоридек маблағга янгисини сотиб олмаса, унга барака берилмабди. *Ибн Можа ривояти.*

* مِنْ حُسْنِ إِسْلَامِ الْمَرْءِ تَرْكُهُ مَا لَا يَغْنِيهِ. (роав الترمذي عن أبي هريرة)

1172. Бефойда сўзларни тарк қилиш киши Исломининг чиройлигидандир. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) дан. Термизий ривояти.*

* مَنْ تَخَطَّى رِقَابَ النَّاسِ يَوْمَ الْجُمُعَةِ اتَّخَذَ جِسْرًا إِلَى جَهَنَّمَ. (роав أحمد)

1173. Ким жума куни (масжидда) одамлар елкасидан ҳатлаб ўтса, жаҳаннамга кўприк қўйибди. *Аҳмад ривояти.*

* مَنْ حَافِظَ عَلَى أَرْبَعِ رَكَعَاتٍ قَبْلَ صَلَاةِ الظُّهْرِ، وَأَرْبَعٍ بَعْدَهَا، حُرِمَ عَلَى النَّارِ. (роав الأربعة والحاكم)

1174. Ким пешин намозидан олдин тўрт ракат ва кейин ҳам тўрт ракат (суннат) ўқиса, у учун дўзах ҳаром қилингандир. *Тўртовлари ва Ҳоким ривояти.*

(Бизнинг ҳанафий мазҳабимизда пешин фарзидан олдин тўрт ракат, кейин икки ракат, деб айтилган ҳадис олинган – Тарж.)

* مَنْ تَرَدَّى مِنْ جَبَلٍ فَقَتَلَ نَفْسَهُ فَهُوَ فِي نَارِ جَهَنَّمَ يَتَرَدَّى فِيهِ خَالِدًا مُخَلَّدًا فِيهَا أَبَدًا، وَمَنْ تَحَسَّى سُمًّا فَقَتَلَ نَفْسَهُ فَسُمُّهُ فِي يَدِهِ يَتَحَسَّاهُ فِي نَارِ جَهَنَّمَ خَالِدًا مُخَلَّدًا فِيهَا أَبَدًا، وَمَنْ قَتَلَ نَفْسَهُ بِحَدِيدَةٍ فَحَدِيدَتُهُ فِي يَدِهِ يُجَأُّ بِهَا فِي بَطْنِهِ فِي نَارِ جَهَنَّمَ خَالِدًا مُخَلَّدًا فِيهَا أَبَدًا. (роав البخاري عن أبي هريرة)

1175. Ким тоғдан ўзини ташлаб жонига қасд қилса, жаҳаннамда экан, абадул абад, доимо ўзини (тепадан) ташлайверади. Ким заҳар ичиб ўз жонига қасд қилса, қўлида ушлаган заҳарини ичганича абадул абад жаҳан-

намда бўлади. Ким ўзини темир билан ўлдирса, қўлида-
ги темири билан олиб келиниб, жаҳаннамда абадул абад
унинг қорнига (суқиб турилади). Абу Ҳурайра (розияллоҳу
анҳу)дан. Бухорий ривояти.

* مَنْ تَزَيْنَ بِعَمَلِ الْآخِرَةِ وَهُوَ لَا يُرِيدُهَا وَلَا يَطْلُبُهَا، لَعَنَ فِي السَّمَوَاتِ
وَالْأَرْضِ. (رواه الطبراني عن أبي هريرة)

1176. Ким ўзи хоҳламаган ҳамда талаб қилмаган ҳол-
да охират амалини зийнатли қилиб кўрсатса (риёкорлик
қилса), у осмонлару ерда лаънатланади. Абу Ҳурайра (рози-
яллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* مَنْ تَعَطَّمَ فِي نَفْسِهِ وَاخْتَالَ فِي مَشْيَتِهِ لَقِيَ اللَّهَ وَهُوَ عَلَيْهِ غَضَبَانُ. (رواه
البخاري عن ابن عمر)

1177. Ким ўзини улуғ санаб, юришида мутакаббир-
лик қилса, Аллоҳга (Унинг) ғазабини келтирган ҳолда
йўлиқади. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Бухорий ри-
вояти.

* مَنْ تَمَسَّكَ بِالسُّنَّةِ دَخَلَ الْجَنَّةَ. (رواه الدار قطني عن السيدة عائشة)

1178. Ким суннатни маҳкам ушласа, жаннатга киради.
Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Дорақутний ривояти.

* مَنْ حَلَفَ عَلَى يَمِينٍ فَرَأَى غَيْرَهَا خَيْرًا مِنْهَا فَلْيُكْفِرْ عَلَى يَمِينِهِ وَلْيَفْعَلِ
الَّذِي هُوَ خَيْرٌ. (رواه أحمد)

1179. Ким бирор ишга қасам ичса-да, ўша қасам ич-
ган ишидан яхшироғини топса, ичган қасамига каффо-
рот тўласин-да, яхши деб билган амалини бажараверсин.
Аҳмад ривояти.

* مَنْ حَجَّ عَنِ وَالِدَيْهِ، أَوْ قَضَى عَنْهُمَا مَغْرَمًا، بَعَثَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مَعَ
الْأَبْرَارِ. (رواه الدارقطني عن ابن عباس)

1180. Ким ота-онаси учун ҳаж қилса ёки улар бўйнидаги қарзни узса, Аллоҳ қиёмат куни ўша фарзандни яхшилар билан бирга қайта тирилтиради. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Дорақутний ривояти.*

* مَنْ حَمَلَ عَلَيْنَا السَّلَاحَ فَلَيْسَ مِنَّا، وَمَنْ غَشَّنَا فَلَيْسَ مِنَّا. (رواه مسلم)

1181. Ким бизга қурол кўтарса, биз(нинг йўлимиз)дан эмас. Ким бизни алдаса, биз(нинг йўлимиз)дан эмас. *Муслим ривояти.*

* مَنْ خَتَمَ الْقُرْآنَ أَوَّلَ النَّهَارِ، صَلَّتْ عَلَيْهِ الْمَلَائِكَةُ حَتَّى يُمْسِيَ وَمَنْ خَتَمَهُ آخِرَ النَّهَارِ صَلَّتْ عَلَيْهِ الْمَلَائِكَةُ حَتَّى يُصْبَحَ. (رواه أبو نعيم عن سعد)

1182. Ким кундузининг аввалида Қуръонни хатм қилса, фаришталар унинг учун кеч киргунича салавот айтишади. Ким кундузининг охирида Қуръонни хатм қилса, тонг оттиргунича фаришталар салавот айтишади. *Саъд (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.*

* مَنْ خَرَجَ فِي طَلَبِ الْعِلْمِ كَانَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ حَتَّى يَرْجِعَ. (رواه الترمذي)

1183. Ким илм талабида (уйидан) чиқса, қайтиб келгунича Аллоҳ йўлида бўлади. *Термизий ривояти.*

* مَنْ خَضَبَ بِالسَّوَادِ، سَوَّدَ اللَّهُ وَجْهَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه الطبراني)

1184. Ким (сочини урушдан бошқа пайтда) қора ранг билан бўйса, қиёмат куни Аллоҳ унинг юзини қорайтиради. *Табароний ривояти.*

* مَنْ دَلَّ عَلَى خَيْرٍ، فَلَهُ مِثْلُ أَجْرِ فَاعِلِهِ. (رواه مسلم)

1185. Ким яхшиликка йўллаб қўйса, бажарувчисининг савоби каби ажрга эришади. *Муслим ривояти.*

* مَنْ دَعَا هُدًى كَانَ لَهُ مِنَ الْأَجْرِ مِثْلُ أُجُورِ مَنْ اتَّبَعَهُ لَا يَنْقُصُ ذَلِكَ مِنْ أُجُورِهِمْ شَيْئًا. وَمَنْ دَعَا إِلَى ضَلَالَةٍ كَانَ عَلَيْهِ مِنَ الْإِثْمِ مِثْلُ آثَامِ مَنْ

اتَّبِعْهُ لَا يَنْقُصُ ذَلِكَ مِنْ آثَامِهِمْ شَيْئًا. (تيسير الوصول)

1186. Ким ҳидоятга чақирса, эргашган кишилар савоби каби унга ҳам савоб бўлади. Бу билан амал қилганлар савобидан ҳеч нарса камайтирилмайди. Ким залолатга чақирса, эргашган кишилар гуноҳи каби унга ҳам гуноҳ бўлади. Бу билан амал қилганлар гуноҳидан ҳеч нарса камайтирилмайди. «Тайсирул вусул» китобидан.

* مَنْ ذَبَّ عَنْ عَرَضِ أَخِيهِ بِالْغَيْبِ، كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ أَنْ يَقِيَهُ مِنَ النَّارِ.
(رواه أحمد)

1187. Ким ғойибдаги биродарининг обрўсини ҳимоя қилса, Аллоҳ у кишини дўзахдан сақлашга ҳақлироқдир. Аҳмад ривояти.

مَنْ ذَكَرَ اللَّهَ فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ حَتَّى يُصِيبَ الْأَرْضَ مِنْ دُمُوعِهِ،
لَمْ يُعَذِّبْهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه الحاكم)

1188. Ким Аллоҳни зикр қилса ва Аллоҳнинг кўркувидан кўзларидан ёш оқиб, ерга томса, у қиёмат куни азобланмайди. Ҳоким ривояти.

* مَنْ رَأَى مِنْكُمْ مُنْكَرًا فَلْيُغَيِّرْهُ بِيَدِهِ، فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِلِسَانِهِ فَإِنْ لَمْ
يَسْتَطِعْ فَبِقَلْبِهِ وَذَلِكَ أَضْعَفُ الْإِيمَانِ. (رواه مسلم)

1189. Сизлардан бирингиз мункар (нолойиқ иш)ни кўрса, қўли билан қайтарсин, агар бунга қодир бўлмаса, тили ила қайтарсин. Агар бунга ҳам қодир бўлмаса, қалби билан қайтарсин. Аммо мана шу (қалби билан қайтаргани) имоннинг энг заифидир. Муслим ривояти.

* مَنْ رَأَى فِي الْمَنَامِ فَقَدْ رَأَى حَقًّا فَإِنَّ الشَّيْطَانَ لَا يَتِمَثَّلُ بِي. (رواه أحمد عن أنس)

1190. Ким мени тушида кўрса, ҳақиқатан мени кўриб-ди. Чунки шайтон менинг қиёфамга кира олмайди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* مَنْ رَأَى فِي الْمَنَامِ فَسِيرَانِي فِي الْيَقَظَةِ، وَلَا يَتَمَثَّلُ الشَّيْطَانُ بِي. (رواه الشيخان عن أبي هريرة)

1191. Ким мени тушида кўрса, яқинда уйғоқлигида ҳам кўради (яъни, тез кунларда қиёматда кўради). Зеро, шайтон менинг қиёфамга кира олмайди. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* مَنْ رَدَّ عَنْ عَرَضِ أَخِيهِ رَدَّ اللَّهُ عَنْ وَجْهِهِ النَّارَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه أحمد والترمذي عن أبي الدرداء)

1192. Ким биродарининг обрўси (тўкилишини) даф қилса, Аллоҳ ҳам қиёмат куни унинг юзидан дўзахни даф қилади. Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ва Термизий ривояти.

* مَنْ رَضِيَ مِنَ اللَّهِ بِالْقَلِيلِ مِنَ الرِّزْقِ، رَضِيَ اللَّهُ مِنْهُ بِالْيَسِيرِ مِنَ الْعَمَلِ. (رواه البيهقي)

1193. Ким Аллоҳнинг озгина берган ризқига рози бўлса, Аллоҳ ҳам унинг озгина амалига рози бўлади. Байҳақий ривояти.

* مَنْ زَارَنِي بِالْمَدِينَةِ مُحْتَسِبًا كُنْتُ لَهُ شَهِيدًا وَشَفِيعًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه البيهقي عن أنس)

1194. Ким Мадина шаҳрида савоб умидида мени зиёрат қилса, қиёмат куни у учун гувоҳ ва шафоатчи бўламан. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* مَنْ زَارَ قَبْرَ وَالِدَيْهِ أَوْ أَحَدَهُمَا يَوْمَ الْجُمُعَةِ فَقَرَأَ عِنْدَهُ (يس) غُفِرَ لَهُ. (رواه ابن عدي عن أبي بكر)

1195. Ким ота-онасининг ёки икковларидан бирининг қабрини жума куни зиёрат қилиб, ҳузурларида Ёсин сурасини ўқиса, гуноҳлари кечирилади. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Адий ривояти.

* مَنْ زَارَ قَبْرَ أَبِيهِ أَوْ أَحَدِهِمَا فِي كُلِّ جُمُعَةٍ مَرَّةً غُفِرَ لَهُ وَكُتِبَ بَرًّا. (رَوَاهُ الْحَكِيمُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ)

1196. Ким ота-онасининг қабрини ёки икковларидан бирини ҳар жумада бир марта зиёрат қилса, гуноҳлари кечирилиб, яхшилик қилганлардан, деб ёзилади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳаким ривояти.

* مَنْ زَرَى أَوْ شَرَبَ الْخَمْرَ نَزَعَ اللَّهُ مِنْهُ الْإِيمَانَ كَمَا يَخْلَعُ الْإِنْسَانُ الْقَمِيصَ مِنْ رَأْسِهِ. (رَوَاهُ الْحَكِيمُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ)

1197. Ким зино қилса ёки маст қилувчи ичимлик ичса, Аллоҳ ундан имонни худди киши бошидан либосини ечгани каби олиб қўяди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳаким ривояти.

* مَنْ زَرَى زُنًى بِهِ وَلَوْ بِحَيْطَانِ دَارِهِ. (رَوَاهُ ابْنُ نَجَّارٍ)

1198. Ким зино қилса, агар ҳовлисининг деворлари ичида бўлса ҳам, унинг (яқини) зино қилинади. Ибн Нажжор ривояти.

* مَنْ رَأَى مُبْتَلًى فَقَالَ: (الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي عَافَانِي مِمَّا ابْتَلَاكَ بِهِ وَفَضَّلَنِي عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقَ تَفْضِيلًا) لَمْ يُصِبْهُ ذَلِكَ الْبَلَاءُ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ)

1199. Ким мусибатга йўлиққан кишини кўрганида «Алҳамду лиллаҳиллазий ғафаний миммабталака биҳи ва фаззоланий ғала касирин мимман холақо тафзийла» (Сенга етган балодан мени офиятда қилган ва кўп одамлардан мени афзал қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин), деса, унга ана шу бало етмайди. Термизий ривояти.

* مَنْ زَهَدَ فِي الدُّنْيَا عَلَّمَهُ اللَّهُ بِمَا تَعْلَمُ وَهَدَاهُ بِمَا هَدَايَهُ وَجَعَلَهُ بِصِيرًا وَكَشَفَ عَنْهُ الْعَمَى. (Рَوَاهُ أَبُو نُعَيْمٍ عَنْ عَلِيٍّ)

1200. Ким дунёда зоҳид бўлса, Аллоҳ унга таълим олишсиз ҳам илм бериб, ҳидоятсиз ҳам тўғри йўлга бошлайди, қалб кўзини очиб, кўрликни ундан очиб ташлайди. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.

* مَنْ سَرَّهُ أَنْ يَكُونَ أَقْوَى النَّاسِ فَلْيَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ. (رَوَاهُ ابْنُ أَبِي الدُّنْيَا عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ)

1201. Кимни одамлар ичида энг кучлиси бўлиш хурсанд этса, Аллоҳга таваккал қилсин. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Ибн Абу Дунё ривояти.

* مَنْ سَرَّهُ أَنْ يَسْتَجِيبَ اللَّهُ لَهُ عِنْدَ الشَّدَائِدِ وَالْكَرْبِ فَلْيَكْثِرِ الدَّعَاءَ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ)

1202. Кимни қийинчилик ва ғам-ғусса пайтида Аллоҳ дуосини ижобат қилиши хурсанд қилса, (вақти мўл-кўл эканида) дуони кўпайтирсин. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* مَنْ سَأَلَ اللَّهَ الْجَنَّةَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ قَالَتْ الْجَنَّةُ: (اللَّهُمَّ ادْخُلْهُ الْجَنَّةَ) وَمَنْ اسْتَجَارَ مِنَ النَّارِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ قَالَتْ النَّارُ: (اللَّهُمَّ اجْرِهِ مِنَ النَّارِ) (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ)

1203. Ким Аллоҳдан уч марта жаннатни сўраса, жаннат: «Ё Аллоҳ, бу кишини жаннатга киритгин», дейди. Ким уч марта дўзахдан паноҳ тиласа, дўзах: «Ё Аллоҳ, бу кишига дўзахдан паноҳ бер», дейди. Термизий ривояти.

* مَنْ صَامَ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ مِنْ كُلِّ شَهْرٍ فَقَدْ صَامَ الدَّهْرَ كُلَّهُ. (رَوَاهُ أَحْمَدُ)

1204. Ким ҳар ойда уч кун рӯза тутса, замон бўйи рӯза тутибди. *Аҳмад ривояти.*

* مَنْ صَامَ رَمَضَانَ وَاتَّبَعَهُ سِتًّا مِنْ شَوَّالٍ كَانَ كَصَوْمِ الدَّهْرِ. (رواه مسلم)

1205. Ким рамазонда рӯза тутиб, унга шавволдан олти кунни уласа, гўё йил бўйи рӯза тутгандекдир. *Муслим ривояти.*

* مَنْ صَلَّى الْعِشَاءَ فِي جَمَاعَةٍ فَكَأَنَّمَا قَامَ نِصْفَ اللَّيْلِ، وَمَنْ صَلَّى الصُّبْحَ فِي جَمَاعَةٍ فَكَأَنَّمَا صَلَّى اللَّيْلَ كُلَّهُ. (رواه مسلم)

1206. Ким хуфтон намозини жамоат билан ўқиса, гўё кечанинг ярмини қоим туриб, бедор ўтказибди. Ким субҳ намозини жамоат ила адо қилса, гўё кечанинг барчасида намоз ўқибди. *Муслим ривояти.*

* مَنْ صَلَّى عَلَىٰ وَاحِدَةٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ عَشْرَ صَلَوَاتٍ، وَحُطَّتْ عَنْهُ عَشْرُ خَطِيئَاتٍ، وَرَفَعَ لَهُ عَشْرَ دَرَجَاتٍ. (رواه البخاري)

1207. Ким менга битта салавот айтса, Аллоҳ унга ўнта салавот айтади ва ундан ўнта хатони ўчиради ҳамда уни ўн даража кўтаради. *Бухорий ривояти.*

* مَنْ صَارَ صَائِرًا لِلَّهِ بِهِ وَمَنْ شَاقَّ شَاقًّا لِلَّهِ عَلَيْهِ. (رواه الترمذي)

1208. Ким (мусулмон кишига) зарар берса, Аллоҳ ҳам унга зарар беради. Ким (бировга) машаққат келтирса, Аллоҳ ҳам унга машаққат келтиради. *Термизий ривояти.*

* مَنْ عَفَا عَنِ الْقُدْرَةِ عَفَا اللَّهُ عَنْهُ يَوْمَ الْعُسْرَةِ. (رواه الطبراني)

1209. Ким жазолашга қодир бўлатуриб, кечириб юборса, Аллоҳ ҳам қийинчилик кунида уни кечириб юборади. *Табароний ривояти.*

* مَنْ عَلَّقَ قَيْمَةً فَقَدْ أَشْرَكَ. (رواه أحمد عن أبي الدرداء)

1210. Ким тумор осиб юрса, ҳақиқатда (шу амали билан Аллоҳга) ширк келтирибди. *Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) дан. Аҳмад ривояти.*

* مَنْ غَرَسَ غَرْسًا لَمْ يَأْكُلْ مِنْهُ آدَمِيٌّ وَلَا خَلْقٌ مِنْ خَلْقِ اللَّهِ إِلَّا كَانَ لَهُ صَدَقَةٌ. (رواه أحمد عن أبي الدرداء)

1211. Ким бирор экин экса-ю, ундан бирор одам ёки Аллоҳ махлуқларидан бири еса, унга садақа (савоби) бўлаверади. *Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) дан. Аҳмад ривояти.*

* مَنْ غَسَلَ مَيِّتًا سَتَرَهُ اللَّهُ مِنَ الذُّنُوبِ، وَمَنْ كَفَّنَهُ كَسَاهُ اللَّهُ مِنَ السُّنْدُسِ. (رواه الطبراني عن أمانة)

1212. Ким бирор маййитни ювса, Аллоҳ унинг гуноҳларини тўсади. Ким ўликни кафанласа, Аллоҳ унга (қиёмат куни) шойи кийдиради. *Умома (розияллоҳу анҳу) дан. Табароний ривояти.*

* مَنْ طَافَ بِالْبَيْتِ حَمْسِينَ مَرَّةً خَرَجَ مِنْ ذُنُوبِهِ كَيَوْمٍ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ. (رواه الترمذي)

1213. Ким Байтуллоҳни эллик марта тавоф қилса, онаси уни туққан кунидаги каби гуноҳлардан холи бўлади. *Термизий ривояти.*

* مَنْ فَطَرَ صَائِمًا كَانَ لَهُ مِثْلُ أَجْرِهِ، غَيْرَ أَنَّهُ لَا يَنْقُصُ مِنْ أَجْرِ الصَّائِمِ شَيْئًا. (رواه أحمد)

1214. Ким рўзадорга ифторлик қилиб берса, унга ҳам рўзадорнинг савоби каби ажр берилади. Лекин бунда рўзадорнинг савобидан ҳеч нарса камайтирилмайди. *Аҳмад ривояти.*

* مَنْ صَوَّرَ صُورًا فَإِنَّ اللَّهَ مُعَذِّبُهُ حَتَّى يَنْفَخَ فِيهَا الرُّوحَ وَلَيْسَ بِنَافِخٍ فِيهَا أَبَدًا. (عن ابن عباس)

1215. Ким бирор сурат чизса, Аллоҳ уни азоблайди. Ҳатто бу чизган нарсангга руҳ кирит, дейди. Лекин у ҳеч қачон унга руҳ кирита олмайди. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.*

* مَنْ قَادَ أَعْمَى أَرْبَعِينَ خَطْوَةً وَجَبَتْ لَهُ الْجَنَّةُ. (رواه ابن عدي)

1216. Ким кўзи ожиз, яъни кўр кишини қирқ қадам етакласа, унга жаннат вожиб (шарт) бўлади. *Ибн Адий ривояти.*

* مَنْ قَالَ سُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ فِي كُلِّ يَوْمٍ مِائَةَ مَرَّةٍ حُطَّتْ خَطَايَاهُ وَإِنْ كَانَتْ مِثْلَ زَبَدِ الْبَحْرِ. (رواه الشيخان عن أبي هريرة)

1217. Ким ҳар куни юз марта «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», деб айтса, агар гуноҳлари денгиз кўпигича бўлса ҳам, ўчириб юборилади. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* مَنْ قَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ. (رواه البخاري)

1218. Ким рамазон(даги амалларни) имон ва савоб умидида бажарса, унинг аввалги гуноҳлари кечирилади. *Бухорий ривояти.*

* مَنْ قَرَأَ سُورَةَ الْكَهْفِ فِي يَوْمِ الْجُمُعَةِ أَضَاءَ لَهُ مَا بَيْنَ الْجُمُعَتَيْنِ. (رواه البيهقي عن سعيد)

1219. Ким Каҳф сурасини жума куни ўқиса, икки жума оралиғида унга нур ато этилади. *Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* مَنْ قَرَأَ (سُورَةَ الْبَقَرَةِ) تَوَجَّ بِتَاجٍ مِنَ الْجَنَّةِ. (رواه البيهقي)

1220. Ким Бақара сурасини ўқиса, жаннатдаги тождан кийдирилади. *Байҳақий ривояти.*

* مَنْ قَرَأَ (يَس) فِي لَيْلَةِ أَصْبَحَ مَغْفُورًا لَهُ. (رواه أبو نعيم)

1221. Ким Ёсин сурасини кечаси ўқиса, гуноҳлари кечирилган ҳолда тонг оттиради. Абу Нуайм ривояти.

* مَنْ قَرَأَ (يَس) ابْتِغَاءَ وَجْهِ اللَّهِ، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ، فَاقْرَءُوهَا عِنْدَ مَوْتِكُمْ. (رواه البيهقي عن معقل بن يسار)

1222. Ким Ёсин сурасини Аллоҳ розилиги учун ўқиса, аввалги гуноҳлари кечирилади. Сизлар уни ўликларингиз ҳузурида ўқинглар. Маъқал ибн Ясор (розияллоҳу анҳу) дан. Байҳақий ривояти.

* مَنْ قَرَأَ (الدُّحَانَ) فِي كُلِّ لَيْلَةٍ جُمُعَةٍ، أَوْ يَوْمِ جُمُعَةٍ، بَنَى اللَّهُ لَهُ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ. (رواه الطبراني عن أبي أمامة)

1223. Ким Духон сурасини ҳар жума кечаси ёки жума куни ўқиса, Аллоҳ у учун жаннатда уй бино қилади. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* مَنْ قَرَأَ سُورَةَ (الْوَاقِعَةِ) فِي كُلِّ لَيْلَةٍ لَمْ تُصِبْهُ فَاقَةٌ أَبَدًا. (رواه البيهقي عن ابن مسعود)

1224. Ким Воқеа сурасини ҳар кеча ўқиса, унга ҳеч ҳам муҳтожлик етмайди. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* مَنْ قَرَأَ إِذَا سَلَّمَ الْإِمَامُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ قَبْلَ أَنْ يَثْنِيَ رَجُلِهِ (فَاتِحَةَ الْكِتَابِ وَقُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ، وَقُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ، وَقُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ) سَبْعًا، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ وَمَا تَأَخَّرَ. (رواه أبو الأسعد القشيري عن أنس)

1225. Ким жума куни имом салом бериб, оёқларини ёзишидан олдин Фотиҳа, Ихлос ва икки «Қул аъзузу...»-ни етти марта ўқиса, аввалгию кейинги гуноҳлари кечирилади. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Абул Асъад Қушайрий ривояти.

* مَنْ قَرَأَ الْقُرْآنَ فَلَيْسَ آلَ اللَّهِ بِهِ فَإِنَّهُ سَيَجِيءُ أَقْوَامٌ يَقْرءُونَ الْقُرْآنَ يَسْأَلُونَ بِهِ النَّاسَ. (رواه الترمذي عن ابن عمران)

1226. Ким Қуръон ўқиса, (ҳожатини ва ажрини) Аллоҳдан сўрасин. Чунки шундай қавм келадики, улар Қуръон ўқиб, ҳақини одамлардан сўрашади. Ибн Имрон (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* مَنْ قَضَى لِإِخِيهِ الْمُسْلِمِ حَاجَةً كَانَ لَهُ مِنَ الْأَجْرِ كَمَنْ حَجَّ وَعَتَمَرَ. (رواه الخطيب عن أنس)

1227. Ким мусулмон биродари ҳожатини чиқарса, гўё ҳаж ва умра қилган савобини олибди. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.

* مَنْ قَاتَلَ لِتَكُونَ كَلِمَةً اللَّهِ هِيَ الْعُلْيَا، فَهُوَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ. (متفق عليه عن أبي موسى الأشعري)

1228. Ким Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши учун жанг қилса, у Аллоҳ йўлидадир. Абу Мусо Ашғарий (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* مَنْ قَالَ حِينَ يَسْمَعُ النِّدَاءَ: اللَّهُمَّ رَبِّ هَذِهِ الدَّعْوَةُ التَّامَّةُ، وَالصَّلَاةُ الْقَائِمَةُ، آتَ مُحَمَّدًا الْوَسِيلَةَ وَالْفَضِيلَةَ، وَابْعَثْهُ مَقَامًا مَحْمُودًا الَّذِي وَعَدْتُهُ، حَلَّتْ لَهُ شَفَاعَتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (عن جابر)

1229. Ким азонни эшитган пайтда: «Аллоҳумма робба ҳазиҳид даъватит томмаҳ, вас солатил қоимаҳ, ати Муҳаммаданил васийлата вал фазийлаҳ, вабъасҳу мақомам маҳмуданиллазий ваъаттах» (Ё Аллоҳ, бу комил дуонинг ва қоим бўлган намознинг Рабби, Муҳаммадга (алайҳиссалом) васила ва фазилатни бер, у зотни Ўзинг ваъда қилган мақтовли мақомда тирилтир), деб айтса, қиёмат куни у учун шафоатим ҳалол бўлади. Жобир (рози-яллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* مَنْ كَانَ لَهُ وَجْهَانِ فِي الدُّنْيَا كَانَ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لِسَانَانِ مِنْ نَارٍ. (роҳ) (Абу Дауд ʻан ʻУмар)

1230. Кимнинг дунёда икки юзи бўлса, қиёмат куни унинг икки оловли тили бўлади. Аммор (розияллоҳу анҳу) дан. Абу Довуд ривояти.

* مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُحْسِنِ إِلَى جَارِهِ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيَقُلْ خَيْرًا أَوْ لِيَصْمُتْ. (роҳ) (Абу Дауд ʻан ʻУмар)

1231. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қўшнисига яхшилик қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, меҳмонини ҳурмат қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, яхшиликни гапирсин ёки жим турсин. Бухорий ва Муслим ривояти.

* مَنْ كَرَّمَ أَصْلَهُ، وَطَابَ مَوْلَدُهُ، حَسَنَ مُحَضَّرُهُ. (роҳ) (Абу Дауд ʻан ʻУмар)

1232. Кимнинг зоту насаби шарафли бўлса, туғилиши ҳам поклик ила бўлса, чиройли ўлим топади. Ибн Нажжор ривояти.

* مَنْ كَظَمَ غَيْظًا وَهُوَ يَقْدِرُ عَلَىٰ إِنْفَادِهِ، مَلَأَ اللَّهُ قَلْبَهُ أَمْنًا وَإِيمَانًا. (роҳ) (Абу Дауд ʻан ʻУмар)

1233. Ким ғазабини ишга солишга қодир бўлатуриб, ичига ютса, Аллоҳ унинг қалбини омонлик ва имонга тўлдиради. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) дан. Ибн Абу Дунё ривояти.

* مَنْ كَانَتْ عِنْدَهُ مَظْلَمَةٌ لِأَخِيهِ فَلْيَتَحَلَّلْهُ مِنْهَا، فَإِنَّهُ لَيْسَ ثُمَّ دِينَارٌ وَلَا دِرْهَمٌ مِنْ قَبْلِ أَنْ يُؤْخَذَ لِأَخِيهِ مِنْ حَسَنَاتِهِ، فَإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُ حَسَنَاتٌ أَخَذَ مِنْ سَيِّئَاتِ أَخِيهِ فَطَرَحَتْ عَلَيْهِ. (роҳ) (Абу Дауд ʻан ʻУмар)

1234. Ким биродарига зулм ўтказган бўлса, уни рози қилиб қўйсин. Чунки динор ва дирҳамлар фойда бермай, биродари учун унинг яхшиликларидан олиб бериладиган кун, яъни қиёмат бор. Агар яхшиликлари бўлмаса, биродарининг ёмонликларидан олиб унга юклатилади. Бухорий ривояти.

* مَنْ لَعِقَ الْعَسَلَ ثَلَاثَ غَدَوَاتٍ كُلَّ شَهْرٍ لَمْ يُصِبْهُ عَظِيمٌ مِنَ الْبَلَاءِ. (رواه ابن ماجة عن أبي هريرة)

1235. Ким ҳар ойда уч марта саҳар чоғи асал яласа, унга катта бало етмайди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.

* مَنْ لَمْ تَنْهَهُ صَلَاتُهُ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ لَمْ يَزِدْهُ مِنَ اللَّهِ إِلَّا بَعْدًا. (رواه الطبراني عن ابن عباس)

1236. Кимнинг намози фаҳш ва мункар, яъни ёмон ишлардан қайтармаса, Аллоҳдан фақат узоқлашишни зиёда қилибди. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* مَنْ لَمْ يَرْحَمْ صَغِيرَنَا، وَيَعْرِفْ حَقَّ كَبِيرَنَا فَلَيْسَ مِنَّا. (رواه البخاري)

1237. Ким кичикларимизга раҳм қилмаса ва катталаримиз ҳақини билмаса, биз(нинг йўлимиз)дан эмас. Бухорий ривояти.

* مَنْ لَمْ يُوصَ لَمْ يُؤْذَنْ لَهُ فِي الْكَلَامِ مَعَ الْمَوْتَى. (رواه أبو الشيخ)

1238. Ким васият қилмаса, (унга қабрда) ўликлар билан гаплашишга изн берилмайди. Абу Шайх ривояти.

* مَنْ مَاتَ مِنْ أُمَّتِي يَعْمَلُ عَمَلٌ لِقَوْمٍ لَوْ نَقَلَهُ اللَّهُ إِلَيْهِمْ حَتَّى يُحْشَرُ مَعَهُمْ. (رواه الخطيب عن أنس)

1239. Ким умматимдан Лут қавми амалини бажарса, (яъни эркак эркак ила жинсий алоқада бўлса) Аллоҳ уни

ҳам улар олдиға элтиб, ўшалар билан қайта тирилтиради. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. *Хатиб ривояти.*

* مَنْ مَاتَ بُكَرَةً فَلَا يَقِيلَنَّ إِلَّا فِي قَبْرِهِ، وَمَنْ مَاتَ عَشِيَّةً فَلَا يَبِيتَنَّ إِلَّا فِي قَبْرِهِ. (رواه الطبراني عن ابن عمر)

1240. Ким эрталаб ўлса, қайлула (чошгоҳ уйкуси) фақат қабридагина бўлсин. Ким кечкурун вафот этса, у ҳам фақат қабрида тунасин. (Демак, ўлган кишини тезроқ дафн қилмоқ лозим экан.) *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.*

* مَنْ مَاتَ وَعَلَيْهِ صِيَامٌ صَامَ عَنْهُ وَلِيُّهُ. (رواه أبو داود)

1241. Ким вафот этсаю бўйнида қазо рўзаси бўлса, валийси унинг номидан рўза тутиб беради. *Абу Довуд ривояти.*

* مَنْ مَرَضَ لَيْلَةً فَصَبَرَ، وَرَضِيَ بِهَا عَنِ اللَّهِ، خَرَجَ مِنْ ذُنُوبِهِ كَيَوْمٍ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ. (رواه الحكيم عن أبي هريرة)

1242. Ким кечаси касалланиб, сабр қилса ва шу касали учун Аллоҳдан рози бўлса, худди онасидан туғилган кундаги каби гуноҳлардан покланади. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳаким ривояти.*

* مَنْ نَذَرَ أَنْ يُطِيعَ اللَّهَ فَلْيُطِعْهُ، وَمَنْ نَذَرَ أَنْ يَعْصِيَهُ فَلَا يَعْصِهِ. (عن السيدة عائشة)

1243. Ким Аллоҳга итоат қилинадиган ишда назр қилса, итоат этсин. Ким Аллоҳга осий бўлинадиган ишда назр қилса, (уни бажариб) осий бўлмасин. *Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан қилинган ривоят.*

* مَنْ نَسِيَ صَلَاةً فَلْيُصَلِّهَا إِذَا ذَكَرَهَا، لَا كَفَّارَةَ لَهَا إِلَّا ذَلِكَ (وَأَقِمِ الصَّلَاةَ لِذِكْرِي). (عن أنس)

1244. Ким намоз адо этишни унутиб қўйса, уни эслаганида ўқисин. Чунки намознинг каффорати фақат шудир. Аллоҳ: «**Намозни Мени эслаш учун ўқи**», деган. Анас (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* مَنْ نَسِيَ وَهُوَ صَائِمٌ فَأَكَلَ وَشَرِبَ فَلَيْتَمَّ صَوْمَهُ فَإِنَّمَا أَطْعَمَهُ اللَّهُ وَسَقَاهُ.
(رواه الشيخان عن أبي هريرة)

1245. Ким рўзадорлигини унутиб, еб ёки ичиб қўйса, рўзасини тутаверсин. Чунки Аллоҳ уни овқатлантириб, ичимлик билан сийлагандир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* مَنْ نَصَرَ أَخَاهُ بَطْهَرِ الْغَيْبِ نَصَرَهُ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ. (رواه البيهقي عن أنس)

1246. Ким биродарига узоқдан туриб, (яъни яхшилик қилаётганини билмаса ҳам) ёрдам берса, Аллоҳ унга дунё ва охиратда ёрдам беради. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* مَنْ نَظَرَ إِلَى أَخِيهِ نَظْرَةً وَدَّ غُفْرَ لَهُ. (رواه الحكيم عن ابن عمرو)

1247. Ким биродарига дўстона қараш билан қиё боқса, унинг гуноҳлари кечирилади. Ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳаким ривояти.

* مَنْ نَفَسَ عَنْ غَرِيْبِهِ أَوْ مَحَا عَنْهُ كَانَ فِي ظِلِّ الْعَرْشِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه مسلم عن أبي قتادة)

1248. Ким қарздорга муҳлат берса ёки (қарзини) кечиб юборса, қиёмат куни Арш соясида бўлади. Абу Қатода (розияллоҳу анҳу)дан. Муслим ривояти.

* مَنْ وَسَّعَ عَلَى عِيَالِهِ فِي يَوْمِ عَاشُورَاءَ، وَسَّعَ اللَّهُ فِي سَنَتِهِ كُلِّهَا. (رواه البيهقي عن أبي سعد)

1249. Ким Ашуро куни аҳли аёлига ҳадя улашса, Аллоҳ йилнинг барчасида унга ҳам ҳадя улашади. Абу Саъд (рози-яллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.

* مَنْ وَقَاهُ اللَّهُ شَرَّ مَا بَيْنَ حَيْثِيهِ وَشَرَّ مَا بَيْنَ رَجْلَيْهِ دَخَلَ الْجَنَّةَ. (роав
الترمذي عن أبي هريرة)

1250. Аллоҳ кимни икки жағи ва икки оёғи орасидаги ёмонликдан сақлаган бўлса, жаннатга киради. Абу Хурайра (рози-яллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* مَنْ وَلَدَ لَهُ ثَلَاثَةَ أَوْلَادٍ فَلَمْ يُسَمِّ أَحَدَهُمْ مُحَمَّدًا فَقَدْ جَهِلَ. (роав الطبراني عن
ابن عباس)

1251. Кимда уч ўғил туғилса-ю, улардан бирортаси-нинг исмини Муҳаммад деб атамаса, ҳақиқатда жоҳил бўлибди. Ибн Аббос (рози-яллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* مَنْ وَلَدَ لَهُ وَلَدٌ فَأَذَنَ فِي أُذُنِهِ الْيُمْنَى وَأَقَامَ فِي أُذُنِهِ الْيُسْرَى لَمْ تَضُرَّهُ أُمُّ
الصَّبَّانِ. (роав أبو يعلى عن الحسين)

1252. Ким бирор фарзанд кўрсаю, ўнг қулогига азон ва чап қулогига такбир айтса, шайтон унга зарар бера олмайди. Хусайн (рози-яллоҳу анҳу)дан. Абу Яъло ривояти.

* مَنْ وَلَّى شَيْئًا مِنْ أُمُورِ الْمُسْلِمِينَ لَمْ يَنْظُرِ اللَّهُ فِي حَاجَتِهِ حَتَّى يَنْظُرَ فِي
حَوَائِجِهِمْ. (роав الطبراني عن ابن عمر)

1253. Ким мусулмонлар ишига бошлиқ этилса-ю, у мусулмонлар ҳожатларига қарамагунича Аллоҳ ҳам унинг ҳожатига қарамайди. Ибн Умар (рози-яллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* مَنْ أَتَاكُمْ وَأَمْرُكُمْ جَمِيعٌ يُرِيدُ أَنْ يَفْرُقَ جَمَاعَتَكُمْ فَأَقْتُلُوهُ. (роав مسلم)

1254. Ким сизларнинг ҳузурингизга келганида ишингиз иттифоқли бўлса-ю, ўша келган киши жамоатингизни тафриқа қилишни хоҳласа, уни қатл этинглар. *Муслим ривояти.*

* مَنْ يُرِدِ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا يُفَقِّهْهُ فِي الدِّينِ. (عن معاوية)

1255. Кимга Аллоҳ яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди. Муовия (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* مَنْ لَا يَرْحَمِ النَّاسَ لَا يَرْحَمَهُ اللَّهُ. (رواه الترمذي عن أبي سعيد)

1256. Ким инсонларга раҳм этмаса, Аллоҳ унга ҳам раҳм қилмайди. Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* مَنْ يَتَكَفَّلْ لِي أَنْ لَا يَسْأَلَ النَّاسَ شَيْئًا وَاتَّكَفَّلَ لَهُ بِالْجَنَّةِ؟ (رواه أبو داود عن ثوبان)

1257. Ким менга одамлардан ҳеч нарса сўрамайман, деб кафил бўлса, мен ҳам унинг жаннатга тушишига кафил бўламан. Савбон (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Довуд ривояти.

* مَنْ اقْتَطَعَ شِبْرًا مِنَ الْأَرْضِ ظُلْمًا طَوَّقَهُ اللَّهُ إِيَّاهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ سَبْعِ أَرْضِينَ. (عن سعيد بن زيد، وهو متفق عليه)

1258. Ким бир қарич ерни зулм қилган ҳолда ажратиб олса, Аллоҳ қиёмат куни унинг бўйнига етти қават ерни ўраб қўяди. Саид ибн Зубайр (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* مَنْ يَقُلْ عَلَى مَا لَمْ أَقُلْ فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ. (عن ابن الأَكْوَعِ)

1259. Ким мен ҳақимда мен айтмаган гапни айтди деса, жойини дўзахдан танлаб қўяверсин. Ибн Акваъ (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* مَنْ شَفَعَ لِأَخِيهِ شَفَاعَةً فَأَهْدَى لَهُ هَدِيَّةً فَقَبِلَهَا فَقَدْ أَتَى أَبَا عَظِيمًا مِنْ أَبْوَابِ الرِّيَاءِ. (رواه أحمد وأبو داود عن أبي أمامة)

1260. Ким ўртада туриб, биродарига ишини битириб берса ва бу ишига ҳадя берилганида, уни қабул қилса, демак, рибо эшикларидан катта эшикни очибди. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ва Абу Довуд ривояти.

* مَنْ يَكُنْ فِي حَاجَةِ أَخِيهِ يَكُنْ اللَّهُ فِي حَاجَتِهِ. (رواه ابن أبي الدنيا)

1261. Ким биродарининг ҳожатида бўлса, Аллоҳ ҳам унинг ҳожатида бўлади. Ибн Абу Дунё ривояти.

* مَنْ يَسِّرْ عَلَى مُعْسِرٍ يَسِّرَ اللَّهُ عَلَيْهِ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ. (رواه ابن ماجه عن أبي هريرة)

1262. Ким қийналган кишининг (оғирини) енгиллатса, Аллоҳ ҳам дунё ва охиратда унга енгиллик ато этади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Можа ривояти.

* الْمُؤَذِّنُونَ أَطْوَلَ النَّاسِ أَعْنَاقًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رواه أحمد عن معاوية)

1263. Муаззинлар қиёмат куни энг бўйи узун кишилардир. Муовия (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* الْمُؤْمِنُ لِلْمُؤْمِنِ كَالْبَنِيَانِ يَشُدُّ بَعْضُهُ بَعْضًا. (رواه الشيخان عن أبي موسى)

1264. Мўмин (бошқа) мўминга нисбатан худди бир-бирини мустаҳкам қилиб турган бинога ўхшайди. Абу Мусо (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الْمُؤْمِنُ أَخُو الْمُؤْمِنِ لَا يَدْعُ نَصِيحَتَهُ عَلَى كُلِّ حَالٍ. (رواه ابن النجار)

1265. Мўмин мўминнинг биродардир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам насиҳатини дариғ тутмайди. Ибн Нажжор ривояти.

* الْمُتَحَابُّونَ فِي اللَّهِ عَلَى كُرَاسِيٍّ مِنْ يَاقُوتٍ حَوْلَ الْعَرْشِ. (رواه الطبراني)

1266. Аллоҳ йўлида бир-бирини севувчилар Арш ат-рофидаги ёқутдан ясалган курсилардадирлар. *Табароний ривояти.*

* الْمُتَمَسِّكُ بِسُنَّتِي عِنْدَ فَسَادِ أُمَّتِي لَهُ أَجْرُ مِائَةِ شَهِيدٍ. (رواه الطبراني)

1267. Умматим фасод бўлганида суннатимни маҳкам ушлаганларга юз нафар шаҳид савоби берилгай. *Табароний ривояти.*

* الْمَرْءُ مَعَ مَنْ أَحَبَّ. (رواه الشيخان عن ابن مسعود)

1268. Киши (қиёмат куни) яхши кўрганлари билан бирга бўлгай. *Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* الْمُنْتَشَرُ مُؤْتَمَنٌ، فَإِذَا اسْتَشِيرَ فَلْيُشِرْ بِمَا هُوَ صَانِعٌ لِنَفْسِهِ. (رواه

الطبراني عن علي)

1269. Маслаҳат сўралган киши омонатдордир. Агар маслаҳат сўралса, ўзига раво кўрган нарсани маслаҳат берсин. *Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* الْمُسْلِمُ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ وَالْمُؤْمِنُ مَنْ أَمِنَهُ النَّاسُ

عَلَى دِمَائِهِمْ، وَأَمْوَالِهِمْ، الْمُهَاجِرُ مَنْ هَجَرَ مَا نَهَى اللَّهُ عَنْهُ. (رواه أحمد عن

أبي هريرة)

1270. Тили ва қўлидан мусулмонлар омонда бўлган киши ҳақиқий мусулмондир. Қони ва молидан одамлар омонда бўлган киши ҳақиқий мўминдир. Аллоҳ ман этган нарсалардан четланган киши ҳақиқий муҳожирдир. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.*

* الْمُسْلِمُونَ إِخْوَةٌ، لَا فَضْلَ لِأَحَدٍ عَلَى أَحَدٍ إِلَّا بِالتَّقْوَى. (رواه الطبراني

عن حبيب بن خراش)

1271. Мусулмонлар ака-укадирлар. Бир-биридан фақат тақво билан фазилатлидир. Хубайб ибн Хирош (рози-яллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* الْمَعْرُوفُ بَابٌ مِنْ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ، وَهُوَ يَدْفَعُ مَصَارِعَ الشُّوءِ. (رواه أبو الشيخ عن ابن عمر)

1272. Яхшилик жаннат эшикларидан биридир. У ёмонлик фожиасини нарига суради. Ибн Умар (розиаллоҳу анҳумо)дан. Абу Шайх ривояти.

* الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يُسْلِمُهُ وَمَنْ كَانَ فِي حَاجَةِ أَخِيهِ كَانَ اللَّهُ فِي حَاجَتِهِ، وَمَنْ فَرَّجَ عَنْ مُسْلِمٍ كُرْبَةً، فَرَّجَ اللَّهُ عَنْهُ كُرْبَةً مِنْ كُرْبٍ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَمَنْ سَتَرَ مُسْلِمًا سَتَرَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (متفق عليه)

1273. Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм ҳам қилмайди ва уни қаровсиз ҳам ташлаб қўймайди. Ким биродарининг ҳожатида бўлса, Аллоҳ ҳам унинг ҳожатида бўлади. Ким мусулмоннинг қийинчилигини енгиллатса, Аллоҳ ҳам қиёмат кунида (унинг) қийинчилигини енгиллатади. Ким унинг айбини ёпса, Аллоҳ ҳам қиёмат куни унинг айбини ёпади. Бухорий ва Муслим ривояти.

* الْمَاءُ طَهُورٌ، إِلَّا أَنْ تَغْيِرَ رِيحُهُ أَوْ طَعْمُهُ أَوْ لَوْنُهُ بِنَجَاسَةٍ تَحْدُثُ فِيهِ. (رواه البيهقي)

1274. Агар сувга нажосат тушиб, ранги, таъми ва ҳидини ўзгартирмаса, покдир. Байҳақий ривояти.

(ن) НУН ҲАРФИ – حرف النون

* نَصَرَ اللَّهُ أَمْرًا سَمِعَ مِنَّا شَيْئًا فَلَبَّغَهُ كَمَا سَمِعَهُ، فَرُبَّ مُبَلِّغٍ أَوْعَى مِنْ سَامِعٍ. (رواه أحمد عن ابن مسعود)

1275. Биздан бир нарсани эшитиб, худди эшитгани каби етказган кишининг юзини Аллоҳ ёруғ қилсин. Кўпгина хабар етказилган кишилар эшитувчидан кўра хотирасида сақловчироқдир. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* نَظَرُ الرَّجُلِ إِلَى أَخِيهِ عَلَى شَوْقٍ خَيْرٌ مِنْ اعْتِكَافِهِ سَنَةً فِي مَسْجِدِي هَذَا. (رواه الحكيم عن ابن عمرو)

1276. Киши биродарига соғинч билан назар солиши бу масжидим (яъни, Масжидун набавийя)да бир йил эътикоф ўтирганидан яхшироқдир. Ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳаким ривояти.

* نِعْمَ الْعَطِيَّةُ كَلِمَةً حَقٍّ تَسْمَعُهَا ثُمَّ تَحْمِلُهَا إِلَى أَخٍ لَكَ مُسْلِمٍ فَتَعْلِمُهَا إِيَّاهُ. (رواه الطبراني عن ابن عباس)

1277. Ҳақ сўзни эшитиб, сўнг уни мусулмон биродарингга олиб бориб ўргатишинг мунча ҳам яхши ҳадея. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* نِعْمَ سِلَاحُ الْمُؤْمِنِ الصَّبْرُ وَالِدُّعَاءُ. (رواه الديلمي عن ابن عباس)

1278. Мўминнинг қуроли бўлмиш сабр ва дуо мунча ҳам яхши. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Дайлабий ривояти.

* نِعْمَتَانِ مَغْبُونٌ فِيهِمَا كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ: الصِّحَّةُ وَالْفَرَاغُ. (رواه البخاري)

1279. Иккита неъмат борки, инсонларнинг кўпчилиги уларнинг қадрига етмайди, (улар:) тансиҳатлик ва бўш вақт. *Бухорий ривояти.*

* نَهَيْتُكُمْ عَنْ زِيَارَةِ الْقُبُورِ، وَلَكِنْ فَرَّوْهُمَا، فَإِنَّ لَكُمْ فِيهَا عِبْرَةً. (رواه الطبراني عن أم سلمة)

1280. Мен сизларни қабрларни зиёрат қилиш хусусида ман этган эдим. Лекин энди қабрларни зиёрат қилаверинглар. Чунки унда сизлар учун ибрат бордир. *Умму Салама (розияллоҳу анҳо)дан. Табароний ривояти.*

* تَوَرَّأُوا مَنَازِلَكُمْ بِالصَّلَاةِ، وَقِرَاءَةِ الْقُرْآنِ. (رواه البيهقي عن أنس)

1281. (Яшаш) манзилларингизни намоз ва Қуръон тиловати билан нурлантириб туринглар. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* نَوْمُ الصَّائِمِ عِبَادَةٌ، وَصَمْتُهُ تَسْبِيحٌ، وَعَمَلُهُ مِصْرَاعٌ، وَدُعَاؤُهُ مُسْتَجَابٌ، وَذَنْبُهُ مَغْفُورٌ. (رواه الطبراني عن عبد الله)

1282. Рўзадорнинг уйқуси ибодат, жим туриши тасбеҳ, амали икки баравар, дуоси ижобат ва гуноҳи кечирилгандир. *Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.*

* نَوْمٌ عَلَى عِلْمٍ خَيْرٌ مِنْ صَلَاةٍ عَلَى جَهْلٍ. (رواه أبو نعيم عن سلمان)

1283. Илм билан ухланган уйқу жоҳиллик билан ўқилган намоздан яхшироқдир. *Салмон (розияллоҳу анҳу)дан. Абу Нуайм ривояти.*

* النَّائِحَةُ إِذَا لَمْ تَتُبْ قَبْلَ مَوْتِهَا، تَقَامُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَعَلَيْهَا سِرْبَالٌ مِنْ قَطِرَانٍ، وَدَرَّعٌ مِنْ جَرَبٍ. (رواه مسلم)

1284. Ўлганга дод-войлаб йиғловчи киши ўлимидан олдин тавба қилмаса, қиёмат куни устида қатрон (суюқ моддадан) кийим ва қўтир тери билан турғазилади. *Муслим ривояти.*

* النَّاسُ وَلَدَ آدَمَ، وَآدَمُ مِنْ تُرَابٍ. (роҳе ابن سعد عن أبي هريرة)

1285. Инсонлар Одам (алайҳиссалом) болаларидир. Одам эса тупроқдандир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Саъд ривояти.

* النَّاسُ رُجُلَانِ: عَالَمٌ وَمُتَعَلِّمٌ، وَلَا خَيْرَ فِيمَا سِوَاهُمَا. (роҳе الطبراني)

1286. Одамлар икки тоифа бўлиб, бу икковидан бошқасида яхшилик йўқдир: биринчиси – олим, иккинчиси – таълим олувчи. Табароний ривояти.

* النَّبِيُّونَ وَالْمُرْسَلُونَ سَادَةُ أَهْلِ الْجَنَّةِ، وَالشُّهَدَاءُ قَوَادُ أَهْلِ الْجَنَّةِ، وَحَمَلَةُ الْقُرْآنِ عُرَفَاءُ أَهْلِ الْجَنَّةِ. (роҳе أبو نعيم)

1287. Набий ва расуллар – жаннат аҳли саййидлари, шаҳидлар – жаннат аҳли йўлбошчилари, Қуръонни ёд олганлар – жаннат аҳли орифларидир. Абу Нуайм ривояти.

* النَّخْلُ وَالشَّجَرُ بَرَكَةٌ عَلَى أَهْلِهِ، وَعَلَى عَقِبِهِمْ بَعْدَهُمْ إِذَا كَانُوا لِلَّهِ شَاكِرِينَ. (роҳе الطبراني عن الحسن بن علي)

1288. Хурмо ва (мева) дарахтлар аҳли учун баракадир. Агар шукр қилувчи бўлсалар, ўзларидан кейинги зурриётлари учун ҳам баракалидир. Ҳасан ибн Али (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.

* النَّصْرُ مَعَ الصَّبْرِ، وَالْفَرْجُ مَعَ الْكَرْبِ، وَإِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا. (роҳе الخطيب عن أنس)

1289. Ғалаба сабр билан қозонилади. Қийинчилик билан рўшноликка чиқилади. Албатта, машаққат ила енгиллик бордир. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.

* التَّفَقُّةُ كُلُّهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ إِلَّا الْبَنَاءَ فَلَا خَيْرَ فِيهِ. (роҳе الترمذي)

1290. Нафақаларнинг барчаси Аллоҳ йўлидадир. Фақатгина (ҳожатдан ташқари ва у билан Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш мақсадида бўлмаган) бинода яхшилик (ажр) йўқдир. *Термизий ривояти.*

* النَّبِيُّ الصَّادِقَةُ مُعَلَّقَةٌ بِالْعَرْشِ، فَإِذَا صَدَقَ الْعَبْدُ نِيَّتَهُ تَحَرَّكَ الْعَرْشُ فَيُغْفَرُ لَهُ. (رواه الخطيب عن ابن عمر)

1291. Ростгўй ниятнинг барчаси Аршда муаллақдир. Агар банда ниятида ростгўй бўлса, Арш ҳаракатга келади ва гуноҳлари кечирилади. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Хатиб ривояти.*

المناهي – МАН ЭТИЛГАН АМАЛЛАР

* نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ التَّخْتُمِ بِالذَّهَبِ. (رواه الترمذي عن عمران بن حصين)

1292. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) (эркакларга) тилла узук тақишни ман этдилар. *Имрон ибн Ҳусайн (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.*

* نَهَى عَنِ التَّكْلِيفِ لِلضَّيْفِ. (رواه الحاكم عن سلمان)

1293. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) меҳмонга такаллуф қилишдан ман этдилар. *Салмон (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.*

* نَهَى عَنِ الشُّرْبِ فِي آنِيَةِ الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ، وَعَنِ الْأَكْلِ فِيهِمَا وَعَنِ الْجُلُوسِ عَلَيْهِمَا، وَنَهَى عَنِ الدِّيَبِاجِ الْحَرِيرِ. (رواه البخاري)

1294. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олтин ва кумуш идишда ичимлик ичишдан, шундай идишда овқатланишдан ва шулардан тайёрланган (ўтирғичда) ўтиришдан ҳамда (эркакларни) кимхоб ипакли кийим кийишдан ман этдилар. *Бухорий ривояти.*

* نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ بَيْعِ الثَّمَارِ حَتَّى يَبْدُوَ صَلاَحُهَا (نَهَى الْبَائِعَ وَالْمُتَبَاعَ). (رواه الجماعة)

1295. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мевани то (ейишга) салоҳиятли бўлмагунича сотишдан ман этдилар. *Жамоат ривояти.*

* وَفِي رِوَايَةٍ: وَكَانَ إِذَا سُئِلَ عَنْ صَلاَحِهَا قَالَ (حَتَّى تَذْهَبَ عَآهَتْهَا)

Бошқа ривоятда: «Меванинг салоҳиятли бўлиши ҳақида сўралганида, (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг камчилиги кетишидир», дедилар.

* نَهَى عَنْ صِيَامِ يَوْمَيْنِ: يَوْمِ الْفِطْرِ، وَيَوْمِ النَّحْرِ. (متفق عليه)

1296. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки кун, яъни Фитр ва Қурбонлик ҳайити кунлари рўза тутишдан қайтардилар. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* نَهَى عَنِ الشُّهْرَيْنِ دَقَّةَ اللَّيْلِ وَغَلْظَهَا وَلِينَهَا وَخُسُونَتَهَا وَطَوْلَهَا وَقِصَرَهَا، وَلَكِنْ سَدَادٌ فِيمَا بَيْنَ ذَلِكَ وَاقْتِصَادٌ. (رواه البيهقي عن أبي هريرة)

1297. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кийимнинг майин тўқилган, зич тўқилган, ўта юмшоғи, жуда қаттиғи, ғоят қисқасини кийиб шуҳрат қозонишдан ман этдилар, лекин унинг ўртасида, ўртамиёна ва тежамли бўлишдан қайтармадилар. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) дан. Байҳақий ривояти.*

* نَهَى عَنِ الْعَبِّ نَفْسًا وَاحِدًا، وَقَالَ: ذَلِكَ شُرْبُ الشَّيْطَانِ. (رواه البيهقي عن ابن شهاب مرسلًا)

1298. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оғизни тўлдириб бир нафасда ичимлик ичишдан ман этиб, бу шайтон ичишидир, дедилар. *Ибн Шихоб (розияллоҳу анҳу) дан. Байҳақий мурсал ҳолда қилган ривоят.*

* نَهَى عَنِ الْمَوَاقِعَةِ قَبْلَ الْمَلَاعِبَةِ. (رواه الخطيب عن جابر)

1299. Эр-хотинни ҳазил-мutoйиба қилиб ўйнашишдан олдин жинсий алоқага киришишдан ман этдилар. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Хатиб ривояти.

* نَهَى عَنِ الْوَشْمِ فِي الْوَجْهِ وَالضَّرْبِ فِي الْوَجْهِ. (رواه أحمد)

1300. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юзга белги қўйиш ва юзга уришдан ман этдилар. Аҳмад ривояти.

* نَهَى عَنِ أَكْلِ الطَّعَامِ الْحَارِّ حَتَّى يُكْنَى. (رواه الطبراني)

1301. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ис-сиқ таомни то уни ейиш имкони бўлгунича тановул қилишдан ман этдилар. Табароний ривояти.

* نَهَى عَنِ النَّفْخِ فِي الطَّعَامِ وَالشَّرَابِ. (عن ابن عباس)

1302. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) овқат ва ичимликка пуфлашдан ман этдилар. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан қилинган ривоят.

* نَهَى عَنِ سَبِّ الْأَمْوَاتِ. (رواه الحاكم عن زيد بن أرقم)

1303. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўликларни сўкишдан ман этдилар. Зайд ибн Арқам (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* نَهَى أَنْ يَشْرَبَ الرَّجُلُ قَائِمًا. (رواه الترمذي عن أنس)

1304. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кишини тик туриб ичимлик ичишдан ман этдилар. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Термизий ривояти.

* نَهَى أَنْ يُقَامَ الرَّجُلُ مِنْ مَقْعَدِهِ، وَيَجْلِسُ فِيهِ آخِرًا. (رواه البخاري)

1305. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кишини ўтирган жойидан турғазиб, ўрнига бошқа одамнинг ўтиришидан ман этдилар. Бухорий ривояти.

* نَهَى أَنْ تَكَلَّمَ النِّسَاءُ إِلَّا بِإِذْنِ أَزْوَاجِهِنَّ. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ)

1306. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлларни эрларининг изнисиз гапиришдан ман этдилар. Табароний ривояти.

* نَهَى أَنْ يَتَمَطَّى الرَّجُلُ فِي الصَّلَاةِ، أَوْ عِنْدَ النِّسَاءِ إِلَّا عِنْدَ امْرَأَتِهِ أَوْ جَوَارِيهِ. (رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ)

1307. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кишини намозда ёки аёллар ҳузурида керишмоқдан ман этдилар. Лекин хотини ёки чўриси олдида ундай эмас. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Дорақутний ривояти.

* نَهَى أَنْ يَجْلِسَ بَيْنَ الرَّجُلَيْنِ إِلَّا بِإِذْنِهِمَا. (رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ)

1308. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки одам орасида уларнинг изнисиз ўтиришидан ман этдилар. Байҳақий ривояти.

* نَهَى عَنْ بَيْعِ الْعِنَبِ حَتَّى يَسْوَدَ وَعَنْ بَيْعِ الْحَبِّ حَتَّى يَشْتَدَّ. (رَوَاهُ الْجَمَاعَةُ)

1309 Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) узумни пишиб қораймагунича, донни то қаттиқлашмагунча сотишдан ман этдилар. Жамоат ривояти.

(ه) ҲАҲАРФИ — حرف الهاء

* هَاجَرُوا مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا. (رَوَاهُ أَبُو نَعِيمٍ عَنِ السَّيِّدَةِ عَائِشَةَ)

1310. Дунё ва ундаги нарсалардан (яъни, гуноҳлардан тавбага) ҳижрат қилинглр. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Абу Нуайм ривояти.

* هَدِيَّةٌ إِلَى الْمُؤْمِنِ السَّائِلِ عَلَى بَابِهِ. (رَوَاهُ الْخَطِيبُ)

1311. Эшигида тиланчи туриши мўмин учун (юборилган) ҳадядир. *Хатиб ривояти.*

* هَلْ مِنْ أَحَدٍ يَمْشِي عَلَى الْمَاءِ إِلَّا ابْتَلَتْ قَدَمَاهُ؟ كَذَلِكَ صَاحِبُ الدُّنْيَا لَا يَسْلُمُ مِنَ الذُّنُوبِ. (رواه البيهقي عن أنس)

1312. Ким сувда юрса, икки оёғи нам бўлади. Шу сингари мол-дунё эгаси ҳам гуноҳлардан омонда бўлмайди. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* هَلْ تُنْصَرُونَ وَتُرْزَقُونَ إِلَّا بِضِعْفَانِكُمْ. (عن سعد بن أبي وقاص)

1313. Ғалабага эришиб, ризқланишингиз заиф бечораҳол кишилар сабаблидир. *Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.*

* هَلَكَتِ الرِّجَالُ حِينَ أَطَاعَتِ النِّسَاءَ. (رواه أحمد عن أبي بكر)

1314. Эркаклар аёлларга итоат қилган пайтда ҳалок бўлишади. *Абу Бакра (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.*

* الْهَوَى مَغْفُورٌ لِصَاحِبِهِ مَا لَمْ يَعْمَلْ بِهِ أَوْ يَتَكَلَّمْ. (رواه أبو نعيم)

1315. Нафс шаҳвати, модомики амалга оширилмаса ёки гапирилмаса, кечирилгандир. *Абу Нуайм ривояти.*

* اَلْهَمُّ نَصْفُ الْهَرَمِ. (رواه الديلمي)

1316. Ғам қариликнинг ярмидир. *Дайлабий ривояти.*

ВОВ ҲАРФИ — حرف الواو

* وَاللَّهِ مَا الدُّنْيَا فِي الْآخِرَةِ إِلَّا مِثْلُ مَا يَجْعَلُ أَحَدُكُمْ إِصْبَعَهُ هَذِهِ فِي الْيَمِّ فَلْيَنْظُرْ بِمِ يَرْجِعُ. (رواه أحمد عن المستورد)

1317. Аллоҳга қасамки, бу дунёнинг охират олдидаги мисоли шуки, сизлардан бирингиз бармоғини денгизга

тикиб қарасин-чи, нима билан қайтар экан?! Муставрид (розияллоҳу анҳу)дан. Аҳмад ривояти.

* وَصَبَ الْمُؤْمِنُ كَفَّارَةً لِّخَطَايَاهُ. (رواه الحاكم عن أنس)

1318. Мўмин кишининг чарчаши ёки оғриқ тортиши хатолари учун каффоратдир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* وَكَلَّ بِالشَّمْسِ تِسْعَةَ أَمْلَاقٍ يَرْمُونَهَا بِالثَّلَجِ كُلَّ يَوْمٍ وَلَوْ لَا ذَلِكَ مَا أَتَى عَلَى شَيْءٍ إِلَّا أَحْرَقْتُهُ. (رواه الطبراني عن أبي أمامة)

1319. Қуёшга тўққиз фаришта вакил қилинган. Улар ҳар куни унга муз отиб туришади. Агар шу нарса бўлмасайди, қуёш теккан жойини куйдириб юборарди. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Табароний ривояти.

* وَلَدَ آدَمَ كُلُّهُمْ تَحْتَ لَوَائِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَأَنَا أَوَّلُ مَنْ يُفْتَحُ لَهُ بَابُ الْجَنَّةِ. (رواه ابن عساكر عن حذيفة)

1320. Одам болаларининг барчалари қиёмат куни менинг байроғим остидадир. Мен жаннат эшигини аввалги очувчи кишидирман. Ҳузайфа (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Асокир ривояти.

* وَيَلُّ لَأُمْتِي مِنْ عُلَمَاءِ السُّوءِ. (رواه الحاكم عن أنس)

1321. Уламолари ёмон бўлган умматим учун вайл бўлсин. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.

* وَيَلُّ لِمَنْ لَا يَعْلَمُ وَيَلُّ لِمَنْ عَلِمَ ثُمَّ لَا يَعْمَلُ. (رواه أبو نعيم)

1322. Билмаган кишига вайл бўлсин. Билиб туриб амал қилмаганга ҳам вайл бўлсин. Абу Нуайм ривояти.

* وَيَلُّ وَادٍ فِي جَهَنَّمَ يَهْوَى فِيهِ الْكَافِرُ أَرْبَعِينَ خَرِيفًا قَبْلَ أَنْ يَبْلُغَ قَعْرَهُ. (رواه الحاكم عن أبي سعيد)

1323. Вайл – жаҳаннамдаги шундай водийки, кофир у ерга ҳали қаърига етмасдан туриб, қирқ йилда қулайди. *Абу Саид (розияллоҳу анҳу)дан. Ҳоким ривояти.*

* الْوَحْدَةُ خَيْرٌ مِنْ جَلِيسِ السُّوءِ، وَالْجَلِيسُ الصَّالِحُ خَيْرٌ مِنَ الْوَحْدَةِ
وَإِمْلَاءُ الْخَيْرِ خَيْرٌ مِنَ السُّكُوتِ، وَالسُّكُوتُ خَيْرٌ مِنْ إِمْلَاءِ الشَّرِّ. (رواه
البيهقي عن أبي ذر)

1324. Танҳолик ёмон суҳбатдош билан ўтиргандан кўра яхшидир. Яхшилар билан ўтириш танҳо ўтиргандан яхши. Яхшилиқни гапириш сукутдан яхши. Сукут эса ёмонлиқни гапиришдан яхшироқдир. *Абу Зар (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* الْوُضُوءُ قَبْلَ الطَّعَامِ وَبَعْدَهُ يَنْفِي الْفَقْرَ وَهُوَ مِنْ سُنَنِ الْمُرْسَلِينَ. (رواه
الطبراني عن ابن عباس)

1325. Овқатдан олдин ва кейин қўл ювиш камбағаллиқни кетказди. Бу пайғамбарлар суннатидадир. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан. Табароний ривояти.*

* الْوَلَدُ ثَمَرَةُ الْقَلْبِ، وَإِنَّهُ مِنْ رِيحَانِ الْجَنَّةِ. (رواه الترمذي)

1326. Бола қалб мевасидир. Албатта, у жаннат райҳонидир. *Термизий ривояти.*

* الْوَيْلُ كُلُّ الْوَيْلِ لِمَنْ تَرَكَ عِيَالَهُ بِخَيْرٍ، وَقَدِمَ عَلَى رِيهِ بِشَرٍّ. (رواه الديلمي
عن ابن عمر)

1327. Аҳли аёлига яхши нарсаларни қолдириб, Раббиси ҳузурига ёмон нарса билан боровчи кишига вайлнинг энг ёмони бўлсин. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Дайлабий ривояти.*

* وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَتَأْمُرَنَّ بِالْمَعْرُوفِ، وَلَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ، أَوْ لَيُوشِكَنَّ

اللَّهُ أَنْ يَبْعَثَ عَلَيْكُمْ عَذَابًا مِنْهُ، ثُمَّ تَدْعُوهُ فَلَا يَسْتَجِيبُ لَكُمْ. (تيسير الوصول)

1328. Жоним измида бўлган Зотга қасамки, яхшилик-ка буюрасизлар ва ёмонликдан қайтарасизлар ёки Аллоҳ сизларга шундай азоб юборадики, сизлар дуо қилсангиз ҳам, сизларга ижобат этилмайди. «Тайсирул вусул» китоби-дан.

لا – ЛА (ЛОМ АЛИФ) ҲАРФИ (У)

* لَا تَأْكُلُوا بِالْشِّمَالِ، فَإِنَّ الشَّيْطَانَ يَأْكُلُ بِالْشِّمَالِ. (роҳабин маҷе)

1329. Чап қўлингиз билан еманглар, чунки шайтон чап қўли билан ейди. *Ибн Можа ривояти.*

* لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، لَا يَسْبِقُهَا عَمَلٌ، وَلَا تَتْرُكُ ذَنْبًا. (роҳабин маҷе)

1330. «Ла илаҳа иллаглоҳ» калимасидан бирор амал (афзалликда) ўзиб кета олмайди ҳамда у калима бирор гуноҳни ҳам қолдирмайди. *Ибн Можа ривояти.*

* لَا إِيمَانَ لِمَنْ لَا أَمَانَةَ لَهُ وَلَا دِينَ لِمَنْ لَا عَهْدَ لَهُ. (роҳабин ҳибан)

1331. Кимнинг омонатдорлиги бўлмаса, унинг имони йўқдир. Кимнинг аҳди бўлмаса, унинг дини ҳам йўқдир. *Ибн Ҳиббон ривояти.*

* لَا أَكُلُ وَأَنَا مُتَكِيٌّ. (роҳабхари)

1332. Мен ҳеч ҳам суяниб олиб овқатланмайман. *Бухорий ривояти.*

* لَا تَبَاغُضُوا، وَلَا تَحَاسَدُوا، وَلَا تَدَابَرُوا، وَكُونُوا عِبَادَ اللَّهِ إِخْوَانًا، وَلَا يَحِلُّ لِمُسْلِمٍ أَنْ يَهْجُرَ أَخَاهُ فَوْقَ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ. (عن أنس)

1333. Бир-бирингизга ғазаб қилманг, ҳасад этманг, душманчилик қилманг. Эй Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар. Мусулмон кишига биродаридан уч кундан ортиқ аразлашиб юриши ҳалол эмас. Анас (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* لَا تَحْسَبُوا عَلَى الْقُبُورِ وَلَا تَصَلُّوا إِلَيْهَا. (رواه مسلم)

1334. Қабрлар устида ўтирманглар ҳамда уларга қараб намоз ҳам ўқиманглар. Муслим ривояти.

* لَا تَخْتَلِفُوا فَإِنَّ مَنْ قَبْلَكُمْ اخْتَلَفُوا فَهَلَكُوا. (عن ابن مسعود)

1335. Ихтилоф қилманглар, чунки сизлардан олдингилар ихтилоф қилиб, оқибатда ҳалок бўлишди. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* لَا تَدْخُلِ الْمَلَأِكَةُ بَيْتًا فِيهِ كَلْبٌ وَلَا صُورَةٌ. (رواه الشيخان)

1336. Ит ва сурат бор уйга (раҳмат) фаришталари кирмайди. Бухорий ва Муслим ривояти.

* وَلَا تُشَدُّ الرَّحَالُ إِلَّا إِلَى ثَلَاثَةِ مَسَاجِدَ: الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَمَسْجِدِ الْأَقْصَى، وَمَسْجِدِي هَذَا. (رواه البخاري)

1337. Уловлар фақат учта масжидга эгарлаб шайланади: Масжидул Ҳаром, Масжидул Ақсо ва мана бу (Набавий) масжидимга. Бухорий ривояти.

* لَا يَزَالُ النَّاسُ بِخَيْرٍ مَا عَجَلُوا الْفِطْرَ. (رواه الجماعة)

1338. (Рўза) ифторда оғиз очишни тезлатган кимсалар яхшилик узрадирлар. Жамоат ривояти.

* لَا صِيَامَ لِمَنْ لَمْ يَبَيِّتِ الصِّيَامَ قَبْلَ الْفَجْرِ. (رواه الجماعة)

1339. Тонгдан олдин рўзасини дилига тугмаган, яъни оғзини беркитмаган кишининг рўзаси йўқдир. Жамоат ривояти.

* لَا تَذْكُرُوا هَلَاكَكُمْ إِلَّا بِخَيْرٍ. (رواه النسائي)

1340. Вафот этган кишиларингизнинг фақат яхшиликларини сўзланг. *Насоий ривояти.*

* لَا تَعْجَبُوا بِعَمَلِ عَامِلٍ حَتَّى تَنْظُرُوا بِمِ يَخْتَمُ لَهُ. (رواه الطبراني)

1341. Бир киши амал қилиб юрган нарсанинг охири нима билан якунлашишини кўрмагунигизча баҳо беришга шошманг. *Табароний ривояти.*

* لَا تَغْضَبْ وَلَكَ الْجَنَّةُ. (رواه الطبراني عن أبي الدرداء)

1342. Ғазаб қилмагин, сенга жаннат бўлади. Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан. *Табароний ривояти.*

* لَا تَقْصُ الرُّؤْيَا إِلَّا عَلَى عَالِمٍ أَوْ نَاصِحٍ. (رواه الترمذي)

1343. Тушни фақат олим ва насиҳатгўй кишиларгагина айтинг. *Термизий ривояти.*

* لَا تُكْرِهُوا مَرْضَاكُمْ عَلَى الطَّعَامِ وَالشَّرَابِ، فَإِنَّ اللَّهَ يُطْعِمُهُمْ وَيَسْقِيهِمْ. (رواه الحاكم عن عقبة بن عامر)

1344. Беморларингизни овқат ва ичимликка мажбурламанг, чунки Аллоҳ Ўзи уларни овқатлантириб, ичимлик билан сийлайди. Уқба ибн Омир (розияллоҳу анҳу)дан. *Ҳоким ривояти.*

* لَا تُكْرِهُوا الْبَنَاتِ، فَإِنَّهُنَّ الْمُؤَنَسَاتُ الْغَالِيَاتِ. (عن عقبة بن عامر)

1345. Қизларингизни мажбурлаб (турмушга) чиқарманглар. Чунки улар муниса ва қимматбаҳодирлар. Уқба ибн Омир (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоят.

* لَا تَمَارِ أَخَاكَ، وَلَا تَمَازِحْهُ وَلَا تَعِدْهُ مَوْعِدَةً فَتُخْلِفْهُ. (رواه الترمذي)

1346. Биродаринг билан тортишма, уни озор берадиган нарса билан мазах қилма ҳамда устидан чиқа олмасанг, ваъда берма. *Термизий ривояти.*

* لَا تَرْغُبُوا عَنْ آبَائِكُمْ فَمَنْ رَغِبَ عَنْ أَبِيهِ فَهُوَ كَفَرٌ. (رواه البخاري)

1347. Оталарингиздан юз ўғирманг. Ким отасидан (тан олмасдан) юз ўғирса, у куфрдир. *Бухорий ривояти.*

* لَا تُسَافِرْ امْرَأَةً مَسِيرَةَ يَوْمَيْنِ لَيْسَ مَعَهَا زَوْجُهَا أَوْ ذُو مَحْرَمٍ. (رواه البخاري)

1348. Аёл киши эри ёки махрами бўлмаса, икки кунлик юриб бориладиган жойга сафар қилмасин. *Бухорий ривояти.*

* لَا تُنْزِعِ الرَّحْمَةَ إِلَّا مِنْ شَقِيٍّ. (رواه ابن حبان عن أبي هريرة)

1349. Раҳмат, яъни қалби мулойимлик фақат бадбахт кишидан тортиб олинади. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Ҳиббон ривояти.*

* لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ، دَوَاءٌ مِنْ تِسْعَةٍ وَتِسْعِينَ دَاءً، أَيْسَرُهَا اللَّهُمَّ.

(رواه ابن أبي الدنيا عن أبي هريرة)

1350. «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» калимаси тўқсон тўққизта дардга даводир, унинг энг енгили ғамдир. *Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Абу Дунё ривояти.*

* لَا تُرَوْعُوا الْمُسْلِمَ فَإِنَّ رَوْعَةَ الْمُسْلِمِ ظُلْمٌ عَظِيمٌ. (رواه الطبراني)

1351. Мусулмон кишини ваҳимага солиб қўрқитманг, чунки мусулмон кишини қўрқитиш улкан зулмдир. *Табароний ривояти.*

* لَا تَسْبُوا الرِّيحَ، فَإِنَّهَا مِنْ رَوْحِ اللَّهِ تَأْتِي بِالرَّحْمَةِ وَالْعَذَابِ، وَلَكِنْ سَلُوا

اللَّهِ خَيْرَهَا، وَتَعَوَّدُوا بِهِ مِنْ شَرِّهَا. (رواه أحمد)

1352. Шамолни сўкманглар, чунки у Аллоҳ тамонидан эсувчи шабадаларки, гоҳида раҳмат, гоҳида азоб олиб келади. Лекин сизлар Аллоҳдан шамолнинг яхшисини

сўраб, унинг ёмонидан Аллоҳдан паноҳ тиланглар. *Аҳмад ривояти.*

* لَا صَامَ مَنْ صَامَ الْأَبَدَ (وَفِي رِوَايَةٍ لَا صَامَ وَلَا أَفْطَرَ). (متفق عليه)

1353. Ким абадий рўза тутса, демак, у рўза тутмабди. Бошқа ривоятда: «Оғзи очиқ бўлмасдан рўза тутса, демак, рўзаси йўқ», дейилган. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* لَا تَسْلِمُوا تَسْلِيمَ الْيَهُودِ وَالنَّصَارَى، فَإِنَّ تَسْلِيمَهُمْ بِالْكَفُوفِ وَالْحَوَاجِبِ.
(رواه البيهقي عن جابر)

1354. Яҳудий ва насоролар саломи каби саломлашманглар. Чунки уларнинг саломи кафт ва қош(ни чимириш) билан бўлади. *Жобир (розияллоҳу анҳу)дан. Байҳақий ривояти.*

* لَا تَصَاحِبْ إِلَّا مُؤْمِنًا وَلَا يَأْكُلْ طَعَامَكَ إِلَّا تَقِيًّا. (رواه أبو داود)

1355. Дўстинг фақат мўмин бўлсин, овқатингни фақат тақводор есин. *Абу Довуд ривояти.*

* لَا تَضَحَبَنَّ أَحَدًا لَا يَرَى لَكَ مِنَ الْفَضْلِ كَمَثَلِ مَا تَرَى لَهُ. (رواه أبو نعيم)

1356. Бир киши билан дўст бўлмагинки, у сенинг фазилатингни худди сен унинг фазилатини билганинг каби билмаса. *Абу Нуайм ривояти.*

* لَا تَضْرِبُوا إِمَاءَكُمْ عَلَى كَسْرِ إِنْائِكُمْ، فَإِنَّ لَهَا أَجَلًا كَأَجَالِ النَّاسِ. (رواه أبو نعيم)

1357. Хизматкорларингизни идишни синдиргани учун урманглар, чунки идишнинг ҳам одамларнинг ажаллари каби ажали бордир. *Абу Нуайм ривояти.*

* لَا تَطْلُقُوا النِّسَاءَ إِلَّا مِنْ رِبْيَةٍ، فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الذَّوَاقِينَ وَالذَّوَاقَاتِ.
(رواه الطبراني)

1358. Аёлларни фақат (фоҳиша) гумонидангина талоқ қилинглар. Аллоҳ кўп никоҳланиб, кўп талоқ қилувчини, яъни худди овқат каби таъм билиш учунгина никоҳланувчиларни яхши кўрмайди. *Табароний ривояти.*

* لَا تَظْهَرُ الشَّمَاتَةَ لِأَخِيكَ فَيَرْحَمَهُ اللَّهُ وَيَبْتَئِكَ. (رواه الترمذي)

1359. Биродаринг балога учраганида хурсандлигининг зоҳир қилма, агар шундай қилсанг, Аллоҳ унга раҳм этиб, сени балога гирифтор қилиб қўяди. *Термизий ривояти.*

* لَا يَتَمَنَّيَنَّ أَحَدُكُمْ الْمَوْتَ، إِمَّا: مُحْسِنًا فَلَعَلَّهُ يَزِدَّادَ، وَإِمَّا: مُسِيئًا فَلَعَلَّهُ يَنْتَعِبُ. (رواه البخاري)

1360. Сизлардан бирортангиз ўлимни орзу қилмасин. Агар яхши кимса бўлса, шояд яхшилиги ортса, агар ёмон бўлса, шояд ёмонлигини тўхтатса. *Бухорий ривояти.*

* لَا يَتَمَنَّيَنَّ أَحَدُكُمْ الْمَوْتَ لَضَرَّ نَزَلَ بِهِ، فَإِنْ كَانَ لَا بُدَّ مَتْمَنِيَا، فَلْيَقُلْ: اللَّهُمَّ أَحْبِبْنِي مَا كَانَتْ الْحَيَاةُ خَيْرًا لِي وَتَوَفَّنِي مَا كَانَتْ الْوَفَاةُ خَيْرًا لِي. (رواه الجماعة)

1361. Сизлардан бирортангиз зарар етгани сабаб-ли ўлимни орзу қилмасин, агар орзу қилишдан бошқа чораси қолмаган бўлса: «Аллоҳумма аҳйиний ма канатил ҳаяту хойрон лий ва таваффаний ма канатил вафату хойрон лий» (Ё Аллоҳ, мен учун ҳаёт хайрли бўлса, мени тирик қолдир. Мен учун вафот хайрли бўлса, менинг жонимни ол), деб айтсин. *Жамоат ривояти.*

* لَا يَقِيمُ الرَّجُلُ الرَّجُلَ مِنْ مَجْلِسِهِ، فَيَجْلِسَ فِيهِ. وَلَكِنْ تَفَسَّحُوا وَتَوَسَّعُوا. (متفق عليه)

1362. Бирор киши бошқа бир кишини ўтирган ўрнидан турғизиб, ўзи ўтириб олмасин. Лекин жой беринглар ва кенгайинглар. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* لَا يَقْضِيَنَّ حَكْمَ بَيْنَ اثْنَيْنِ وَهُوَ غَضَبَانُ. (رواه البخاري)

1363. Ҳакам ғазаби келиб турганда икки киши орасида ҳаргиз қозилик қилмасин. *Бухорий ривояти.*

* لَا عَقْلَ كَالْتَدْبِيرِ وَلَا وَرَعَ كَالْكَفِّ وَلَا حَسَبَ كَحُسْنِ الْخُلُقِ. (رواه ابن

ماجه عن أبي ذر)

1364. Тадбир каби ақл йўқ. Ўзини тийишдек тақво йўқ. Ҳусни хулқ каби насаб йўқ. *Абу Зар (розияллоҳу анҳу) дан. Ибн Можа ривояти.*

* لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وَلَدِهِ وَوَالِدِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ.

(رواه الشيخان عن أنس)

1365. Сизлардан бирортангизга мен (Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам) боласидан, отасидан ва одамларнинг барчасидан маҳбуб бўлмагунимча имони комил бўлмайди. *Анас (розияллоҳу анҳу) дан. Бухорий ва Муслим ривояти.*

* لَا يَتَجَالَسُ قَوْمٌ إِلَّا بِأَمَانَةٍ. (رواه المخلص عن مروان)

1366. Қавм ўзаро ўтиришганида омонат билан ўтиришсин (яъни ҳеч ким бировнинг сирини ошкора қилмасин). *Марвон (розияллоҳу анҳу) дан. Мухлис ривояти.*

* لَا يَتَكَلَّفَنَّ أَحَدٌ لِّضَيْفِهِ مَا لَا يَقْدُرُ عَلَيْهِ. (رواه البيهقي)

1367. Бирор киши меҳмони учун қодир бўлмайдиган нарса билан меҳмон қиламан деб ўзини қийнамасин. *Байҳақий ривояти.*

* لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ إِلَّا رَحِيمٌ. (رواه البيهقي عن أنس)

1368. Жаннатга фақат раҳмлиларгина киради. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. *Байҳақий ривояти*

* لَا يَمُوتَنَّ أَحَدٌ مِنْكُمْ إِلَّا وَهُوَ يُحْسِنُ الظَّنَّ بِاللَّهِ تَعَالَى. (رواه أحمد)

1369. Сизлардан бирортангиз (ўлими яқинлашса) Аллоҳ таоло ҳақида яхши гумон қилган ҳолда вафот этсин. *Аҳмад ривояти.*

* لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى يُحِبَّ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ. (رواه البخاري)

1370. Сизлардан бирортангиз ўзи учун яхши кўрган нарсани биродари учун яхши кўрмагунича (комил) мўмин бўла олмайди. *Бухорий ривояти.*

* لَا يُلْدَغُ الْمُؤْمِنُ مِنْ حُجْرٍ مَرَّتَيْنِ. (رواه البخاري)

1371. Мўмин киши бир тешиқдан икки марта чақилмайди. *Бухорий ривояти.*

* لَا يَبُولَنَّ أَحَدُكُمْ فِي الْمَاءِ الدَّائِمِ الَّذِي لَا يَجْرِي ثُمَّ يَغْتَسِلُ فِيهِ. (رواه البخاري)

1372. Сизлардан бирортангиз оқмасдан туриб қолган сувга пешоб қилмасин. Кейин у сувда ўзи ғусл қилади. *Бухорий ривояти.*

* لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ حَبٌّ وَلَا سَيِّءُ الْمَلَكَةِ. (رواه الترمذي)

1373. Фирибгар ва ёмон хусусиятли киши жаннатга кирмайди. *Термизий ривояти.*

* لَيْسَ الْمُؤْمِنُ بِطَعَّانٍ وَلَا لَعَّانٍ وَلَا فَاحِشٍ وَلَا بَذِيءٍ. (رواه مسلم)

1374. Мўмин киши таҳқирловчи, лаънатловчи, фахш сўзларни айтувчи, ҳаёсиз бўлмайди. *Муслим ривояти.*

* لَا يَنْظُرُ اللَّهُ إِلَى مَنْ جَرَّ ثَوْبَهُ خِيَلَاءَ. (رواه الجماعة)

1375. Аллоҳ таоло кийимини мутакаббирлик билан судраб юрувчи кимсага назар солмайди. *Жамоат ривояти.*

(ى) Ė ҲАРФИ – حرف الياء

* يَأْتِي عَلَى النَّاسِ زَمَانٌ يَكُونُ الْمُؤْمِنُ فِيهِ أَذَلَّ مِنْ شَاتِهِ. (رواه ابن عساكر عن أنس)

1376. Одамларга шундай замон келадики, ўшанда мўмин киши кўйдан ҳам хорроқ бўлади. Анас (розияллоҳу анҳу)дан. *Ибн Асокир ривояти.*

* يُبْصِرُ أَحَدُكُمْ الْقَدَى فِي عَيْنِ أَخِيهِ، وَيَنْسَى الْجِدْعَ فِي عَيْنِهِ. (رواه أبو نعيم عن أبي هريرة)

1377. Сизлардан бирингиз биродари кўзидаги гардни кўради-ю, ўзининг кўзидаги шохни унутади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. *Абу Нуайм ривояти.*

* يُحِبُّ اللَّهُ الْعَامِلَ إِذَا عَمَلَ أَنْ يُحْسِنَ. (رواه الطبراني)

1378. Аллоҳ чиройли суратда амал қилувчи ишчини яхши кўради. *Табароний ривояти.*

* كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْرُجُ يَوْمَ الْفِطْرِ وَالْأَضْحَى إِلَى الْمُصَلَّى، وَأَوَّلُ شَيْءٍ يَبْدَأُ بِهِ الصَّلَاةَ، ثُمَّ يَنْصَرِفُ فَيَقُومُ مُقَابِلَ النَّاسِ، وَالنَّاسُ عَلَى صُفُوفِهِمْ فَيُعِظُهُمْ وَيَأْمُرُهُمْ. (متفق عليه)

1379. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Фитр ва Қурбон ҳайити куни намозгоҳга чиқиб, биринчи бошлайдиган амаллари намоз эди. Намозни ўқиб бўлиб, одамлар рўпарасида турардилар. Одамлар эса сафларида туришарди. У зот (алайҳиссалом) уларга ваъз айтиб, амру маъруф қилардилар. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* يُجْزَى عَنِ الْجَمَاعَةِ إِذَا مَرُّوا أَنْ يُسَلِّمَ أَحَدُهُمْ، وَيُجْزَى عَنِ الْجَمَاعَةِ أَنْ يَرُدَّ أَحَدُهُمْ. (رواه أحمد)

1380. Жамоатдан (бирор жойдан ўтиб кетаётганда) уларнинг бири салом бериши кифоя қилади. Жамоат номидан эса бир киши алик олиши кифоядир. *Аҳмад ривояти.*

* يُسَلِّمُ الصَّغِيرُ عَلَى الْكَبِيرِ، وَالْمَارُّ عَلَى الْقَاعِدِ، وَالْقَلِيلُ عَلَى الْكَثِيرِ، وَالرَّاكِبُ عَلَى الْمَاشِي. (متفق عليه)

1381. Кичик катта ёшли кишига салом беради. Ўтувчи ўтирганга, озчилик кўпчиликка, суворий пиёда кетувчига салом беради. *Бухорий ва Муслим ривояти.*

* يَوْمُ الْقَوْمِ أَقْرَبُهُمْ لِكِتَابِ اللَّهِ، فَإِنْ كَانُوا فِي الْقِرَاءَةِ سَوَاءً، فَأَعْلَمُهُمْ بِالسُّنَّةِ، فَإِنْ كَانُوا فِي السُّنَّةِ سَوَاءً فَأَقْدَمُهُمْ هِجْرَةً، فَإِنْ كَانُوا فِي الْهِجْرَةِ سَوَاءً فَأَقْدَمُهُمْ سَنًا. (رواه مسلم)

1382. Қавмга Аллоҳнинг Китобини яхшироқ ўқувчи имом бўлади. Агар қироатда тенг бўлишса, суннатни яхшироқ билувчи имомликка ўтади. Агар суннатда барабар бўлишса, ҳижратда олдинда бўлгани, агар ҳижратда ҳам барабар бўлишса, ёши каттаси имомликка ҳақлироқдир. *Муслим ривояти.*

* يَدُورُ الْمَعْرُوفُ عَلَى يَدِ مِائَةِ رَجُلٍ آخِرُهُمْ فِيهِ كَأَوَّلُهُمْ. (رواه ابن النجار عن أنس)

1383. Яхшилик юз киши қўлида айланади. Яхшиликда уларнинг охиргиси аввалгилари кабидир. *Анас (розияллоҳу анҳу)дан. Ибн Нажжор ривояти.*

* يُسْتَجَابُ لِأَحَدِكُمْ مَا لَمْ يَعْجَلْ، فَيَقُولُ: قَدْ دَعَوْتُ فَلَمْ يُسْتَجَبْ لِي. (رواه الشيخان عن أبي هريرة)

1384. Агар сизлардан бирингиз дуо қилдим-у, ижобат этилмади, деб шошилмаса, дуо си ижобат қилинади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан. Бухорий ва Муслим ривояти.

* يَسْرُوا وَلَا تُعْصِرُوا وَيَسْرُوا وَلَا تُنْفِرُوا. (رواه البخاري)

1385. Осонлаштиринглар, қийинлаштириб юборманглар, хурсандлик хабарини беринглар, нафратлантириб қўйманглар. Бухорий ривояти.

* يَشْفَعُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ الْأَنْبِيَاءُ ثُمَّ الْعُلَمَاءُ ثُمَّ الشُّهَدَاءُ. (رواه ابن ماجه)

1386. Қиёмат куни набийлар, кейин олимлар, сўнг шахидлар шафоатчи бўлишади. Ибн Можа ривояти.

* يَا غُلَامُ، احْفَظِ اللَّهَ يَحْفَظَكَ، احْفَظِ اللَّهَ تَجِدْهُ تُجَاهَكَ، إِذَا سَأَلْتَ فَاسْأَلِ اللَّهَ تَعَالَى، وَإِذَا اسْتَعَنْتَ فَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ. (رواه الترمذي)

1387. Эй бола! Аллоҳни эсингда тут, шунда Аллоҳ сени асрайди. Аллоҳни ёд эт, Уни ҳузурингда топасан. Агар сўрайдиган бўлсанг, Аллоҳ таолодан сўрагин. Агар ёрдам тиласанг, Аллоҳ азза ва жалладан тилагин. Термизий ривояти.

* يَا مَعْشَرَ الشَّبَابِ: مَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمُ الْبَاءَةَ فَلْيَتَزَوَّجْ، فَإِنَّهُ أَغْضُ لِلْبَصْرِ وَأَحْصَنُ لِلْفَرْجِ، وَمَنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَعَلَيْهِ بِالصَّوْمِ، فَإِنَّهُ لَهُ وَجَاءٌ. (رواه الجماعة)

1388. Эй ёшлар жамоаси! Сизлардан ким никоҳга қодир бўлса, уйлансин. Албатта, у кўзни тўсувчи ва фаржни сақловчидир. Ким қодир бўлмаса, рўзани лозим тутсин, бу унинг учун бичилишдир. Жамоат ривояти.

* يَكُونُ فِي آخِرِ الزَّمَانِ عُبَادٌ جُهَالٌ، وَقِرَاءٌ فَسَقَةٌ. (رواه أبو نعيم)

1389. Охир замонда жоҳил обидлар ва фосиқ қорилар пайдо бўлади. Абу Нуайм ривояти.

* يَهْرُمُ ابْنُ آدَمَ، وَيَبْقَى مَعَهُ اثْنَتَانِ الْحِرْصُ وَالْأَمَلُ. (رواه أحمد)

1390. Одам боласи кексайганида ҳам у билан бирга икки нарсаси қолади. Биринчиси – ҳирс, иккинчиси – орзу. Аҳмад ривояти.

* الْيَدُ الْعُلْيَا خَيْرٌ مِنَ الْيَدِ السُّفْلَى، فَالْيَدُ الْعُلْيَا هِيَ الْمُنْفِقَةُ، وَالْيَدُ السُّفْلَى هِيَ السَّائِلَةُ. (رواه ابن عمر)

1391. Юқори қўл пастки қўлдан яхшидир. Юқори қўл инфоқ қилувчи, пастки қўл тиланчидир. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан қилинган ривоят.

МУНДАРИЖА

حرف الألف – Алиф ҳарфи (ا)	3
حرف الباء – Ба ҳарфи (ب)	119
حرف التاء – Та ҳарфи (ت)	131
حرف الثاء – Са ҳарфи (ث)	139
حرف الجيم – Жим ҳарфи (ج)	145
حرف الحاء – Ҳо ҳарфи (ح)	147
حرف الخاء – Хо ҳарфи (خ)	155
حرف الدال – Дол ҳарфи (د)	167
حرف الذال – Зол ҳарфи (ذ)	173
حرف الزاء – Ро ҳарфи (ر)	176
حرف الزاى – Зой ҳарфи (ز)	181
حرف السين – Син ҳарфи (س)	184
حرف الشين – Шин ҳарфи (ش)	194
حرف الصاد – Сод ҳарфи (ص)	196
حرف الضاد – Зод ҳарфи (ض)	202
حرف الطاء – То ҳарфи (ط)	203
حرف الظاء – Зо ҳарфи (ظ)	209
حرف العين – Айн ҳарфи (ع)	210
حرف الغين – Ғайн ҳарфи (غ)	221
حرف الفاء – Фа ҳарфи (ف)	225

حرف القاف – Қоф ҳарфи (ق).....	228
حرف الكاف – Коф ҳарфи (ك).....	241
حرف اللام – Лом ҳарфи (ل).....	260
حرف الميم – Мим ҳарфи (م).....	279
حرف النون – Нун ҳарфи (ن)	339
المناهي – Ман этилган амаллар	342
حرف الهاء – Ҳа ҳарфи (ه).....	345
حرف الواو – Вов ҳарфи (و)	346
حرف لا – Ла (лом алиф) ҳарфи (لا)	349
حرف الياء – Ё ҳарфи (ى)	357

Диний-илмий нашр

Саййид Аҳмад Ҳошимий

2002 ҲАДИС

(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри)

I

“SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
Тошкент – 2020

Муҳаррирлар: Шариф ХОЛМУРОД,
Толибжон ҚОДИРОВ,
Жамшид ШОДИЕВ

Бадиий муҳаррир: Аббос АҲМАД

Саҳифаловчи: Абу Абдуллоҳ АБДУЛҲАФИЗ

Мусахҳиҳа: Нодира ОХУНЖОНОВА



Нашр. лиц. AI № 201, 28.08.2011 йил

Босишга 22.06.2020 й.да рухсат этилди.
Бичими: 60x90 $\frac{1}{16}$. Cambria гарнитураси.
Офсет босма. 22.75 шартли босма тобоқ.
14.87 нашр тобоғи. Адади 5 000 нусха.
1008-рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

**“Sharq” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**

САЙИД АҲМАД ҲОШИМИЙ

2002 ҲАДИС

Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам)нинг ушбу китобда келтирилган ҳадиси шарифлар шу борадаги ахлоқ-одоб масалаларини тарғиб қилади. Бошқа кўплаб ҳадис китобларидан фарқли равишда, унда асосан Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)дан ворид бўлган ҳадисларнинг лўнда мазмунигина баён этилади. Яъни, улар айтилган шарт-шароитлар тавсифи берилмайди. Баъзан жуда зарур ҳоллардагина Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак номлари таъкидлаб ўтилади.



ISBN 978-9943-5989-1-1



9 789943 598911